

323


32

Г-23

М. С. Гафарли
А. Ч. Касаев

РИВОЖЛАНИШНИНГ
ЎЗБЕК МОДЕЛИ:
ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК—
ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

2032680



ТОШКЕНТ - "ЎЗБЕКИСТОН" - 2001

323 (575.1) + 338 (575.1)

66.2(5Y)

Г23

ISBN 5-640-02890-4

Г $\frac{06050100404 - 7}{M351(04)2001}$ 2001

© ООО "Дрофа", МОСКВА, 2000 г.
© Русча нашридан таржима,
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 2001

СЎЗ БОШИ

Ҳозир дунёда юзага келаётган жуғрофий-сиёсий вазиятда Ўрта Осиёнинг аҳамияти нафақат шўро замонлари, балки ҳатто минтақа давлатларининг мустақиллиги қарор топган йилларга қараганда ҳам сезиларли даражада ошди. Бу ерда юз бераётган воқеалар дунёдаги энг йирик давлатлар, турли сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий блоклар ҳамда ташкилотлар манфаатларига бевосита дахлдордир. Ҳозир мустақил Ўзбекистон стратегик жиҳатдан муҳим бўлган, ўзининг табиий ва хом ашё ресурслари билан бугун инсониятнинг бугунги кунини ва келажак учун кадр-қиммати айниқса ошиб бораётган ушбу минтақада мувозанатни ва кучлар балансини таъминлаш жараёнларида сезиларли роль ўйнаш учун ҳамма имкониятларга эга.

Ўзбекистондаги иқтисодий мустақамлик ва барқарор ижтимоий-сиёсий вазият кўпгина тадқиқотчиларга бу мамлакатни Осиёнинг энг истиқболли давлатларидан бири деб ҳисоблаш имконини бермоқда. Таркибий ўзгаришлар ва бозор ўзгаришларини давлатнинг қаттиқ бошқаруви остида эҳтиёткорлик билан, бироқ изчил амалга ошириш ёш давлат учун ўта муҳим бўлган барқарорликни сақлаб қолиш ва мустақамлаш имконини берди. Ижтимоий-сиёсий барқарорлик эса, Фарб намунаси асосида ривожланишга ўтиш чоғида Шарқий Европа ва собиқ шўролар Иттифоқи давлатларининг аксарият кўпчилигида юз берган ижтимоий-сиёсий фалокатлардан қутулиб қолиш имконини берди. Оқилона ва пухта ишлаб чиқилган ички ва ташқи сиёсат туфайли мамлакат давлат тўнтаришларидан сақланиш бахтига муяссар бўлди, шиддатли иш ташлаш тўлқинлари, миллатлараро низолар алангаси уни четлаб ўтди.

Тинчлик ва барқарорлик, изчил ривожланишга интилиш, ун йилдан бери Президент Ислон Каримов раҳбарлигида амалга ошириб келинаётган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Ҳозир Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг sanoати энг кўп ривожланган давлатига айланди. У автомобиллар, самолётлар, бошқа юқори технологияли маҳсулотлар, нефть маҳсулотлари ва шу кабиларни экспорт қилмоқда. Мамлакат пойтахти Тошкент эса жуда катта қурилиш майдони бўлиб қолди. Янги маъмурий бинолар, беш юлдузли меҳмонхоналар қурилмоқда, эски уй-жойлар ўрнида янгилари қад кўтармоқда. 1966 йилги зилзиладан кейин “эски шаҳар”да қолган пахса деворли кулбалар бузиб ташланиб, улар ўрнини замонавий уйлар эгалламоқда. Охириги йилларда мамлакатнинг иқтисодий аҳволи дурустлиги туфайли ҳозир Тошкентнинг уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган ҳар бир фуқароси бемалол квартира сотиб олиши мумкин. Имтиёзлилар тоифасидан бўлган фуқаролар уй-жойларни бепул олмоқдалар, қолганлар эса уй-жой баҳосининг 10 фоизини тўлаб, уни сотиб олишлари мумкин. Қолган 90 фоизи эса фоизсиз қарзга берилиб, шаҳар хазинасига 10 йил давомида тўланади. Ҳозирча МДХ давлатларининг биронта ҳам пойтахтида бундай қилинаётгани йўқ.

Сўнги йилларда республика аҳолисининг турмуш даражаси анча яхшиланаётганлиги кузатилмоқда. Ҳозир Тошкентда ўртача иш ҳақи 60—70 АҚШ долларига тенг. Қолбуки, кўпгина маҳсулот турларининг нархи Москвадагига қараганда 15—20 барабар арзон. Албатта, пойтахтдан чет жойларда иш ҳақи ҳам камроқ, нархлар ҳам арзонроқ — лекин вилоят марказларида ҳам, кўпгина туман марказларида ҳам ижобий ўзгаришлар яққол кўриниб турибди, энг муҳими — иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар ўз вақтида тўланмоқда.

Гарвард университетининг профессори, Марказий Осиёнинг сиёсий муаммолари бўйича таниқли америкалик мутахассислардан бири, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маслаҳатчиси Доналд С. Карлайл ўз тадқиқотларидан бирида шундай ёзган эди: “Ўрта Осиё бўйича фарблик тадқиқотчилар, аввало, минтақадаги энг нуфуз-

ли мамлакат бўлмиш Ўзбекистонга ва унинг Президенти, Ўрта Осиёдаги коммунистик тузумдан кейинги раҳбарлар орасида энг машҳури Ислом Каримовга эътиборни қаратишлари керак”.

Ўзбекистонга бўлган жуда катта қизиқиш унинг улкан иқтисодий имкониятлари ва минтақадаги сиёсий салмоқидан ташқари яна шу билан ҳам боғлиқки, бу мамлакат нафақат Шарқ цивилизациясининг, балки жаҳон цивилизациясининг ҳам бешикларидан биридир. Бу кўҳна замин Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, саркардаларни етиштириб чиқарган. Бу ерда диний ва дунёвий фанларга асос солинган.

Ҳозир Ўзбекистон минтақанинг энг ривожланган, жуда катта имкониятларга эга бўлган мамлакати сифатида қушни давлатлар: Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонни бир-бири билан боғлаб турувчи ҳалқадир. Шу сабабли Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиш бутун Ўрта Осиё минтақаси билан ўзаро фойдали муносабатлар учун имконият очиб беради.

Ўзбекистон пойтахти Тошкент минтақанинг марказида жойлашган бўлиб, тарихан Шарқ дарвозасидир. Буни ҳисобга олиб, кўпгина халқаро ташкилотлар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Немис техникавий ёрдам жамияти ва бошқалар ўз ваколатхоналари ва бюроларини айнан шу ерда очдилар. Ўзбекистонда 500 дан ортиқ хорижий компания, фирма ва банк ўз ваколатхоналарини аккредитация қилган. Мамлакатнинг ўсиб бораётган халқаро обрў-эътибори унинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва чет эл инвестицияларини жалб этиш учун катта имкониятлар очиб бермоқда. Ўзбекистон аста-секин давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг, товарлар ва сармоя транзитининг, транспорт, туризм ва молия хизматларининг ўзига хос минтақавий марказига айланиб бормоқда. Республиканинг тўхтовсиз ривожланиб бораётган иқтисодиётини, зами-

нида фойдали қазилмаларнинг жуда катта захиралари мавжудлигини, кўп миқдордаги меҳнат ресурсларини ва барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни, шунингдек Ўзбекистоннинг халқаро майдонда ўсиб бораётган обрў-эътиборини, минтақада хавфсизликни таъминлашдаги етакчи ролини ҳисобга олиб, бугун кўплар мамлакатни минтақавий давлат деб атамоқдалар, унинг иқтисодий жиҳатдан янги “Осиё йўлбарси”га айланиш истиқболларини ижобий баҳоламоқдалар.

Республикада иқтисодий ривожланиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон заминида бўлганича-лик катта табиий бойликларга эга давлатлар дунёда кўп эмас. Бу бойликларнинг кўпчилик қисми ҳали ишга солинган эмас ва бу ҳол жаҳоннинг энг йирик компаниялари ва банклари эътиборини тортиши турган гап. Президент Ислам Каримов 2000 йил 22 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаб, бундай деди: “Халқимиз, миллатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз янги асрга озод ва эркин халқ, мустақил ва қудратли давлат бўлиб кириб бормоқдамиз”.

ИСЛОҲОТЧИ — ПРАГМАТИК

Ўзбекистон ҳақида қандай гап бормасин, Президент Ислом Каримовни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Унинг мамлакат тараққиётига қўшаётган жуда катта ҳисса-си давлат бошлиғи шахсига разм солишга мажбур қилади. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятни кўриб чиқар эканмиз, биринчи навбатда Президент юритаётган сиёсатни таҳлил қилишимизга тўғри келди. Чунки шахсан Ислом Каримов мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссани аниқлаб олмасдан туриб, мазкур давлатнинг на иқтисодиётидаги, на сиёсатидаги аҳволни холисона баҳолаб бўлади. Давлат раҳбари бутун мамлакат, унинг қўп миллионли халқини ифода этади. Унинг ҳаракатлари ва ишларига қараб миллат ҳақида ва умуман давлат ҳақида жамоатчилик фикри шаклланади. Тарихий тажрибадан кўриниб турганидек, адолатли ва доно ҳокимият ҳамиша халқнинг кайфиятини, унинг орзу-умидларини ҳисобга олади. Ана шундагина одамларнинг бор имкониятидан, уларнинг куч-ғайрати ва қобилиятидан бунёдкорлик мақсадларида тўлатўкис фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўзбекистоннинг бугунги ютуқларига мамлакат Президентининг шахси орқали қараш керак. Ислом Каримовнинг ҳатто энг мурасасиз мухолифлари ҳам агар ҳозирги давлат бошлиғи бўлмаса эди, Ўзбекистон сиёсат, иқтисодиётдаги ва халқаро майдондаги бугунги муваффақиятларини қўлга киритиши даргумон эканлигини тан олмоқдалар. Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳам қўпчилик унинг номи билан боғламоқда. Бироқ, турли сабабларга кўра, биринчи навбатда Каримовга хос кам-

тарлик туфайли давлат бошлигининг шахси, қоида тариқасида, кўп ҳам тилга олинавермайди. Бу эса, ўз навбатида, унга бўлган қизиқишни кучайтиради. Лекин аҳборотнинг йўқлиги ҳамиша турли-туман уйдирмаларни келтириб чиқаради.

Баъзилар Ислом Каримовни қаттиққўл прагматик дейишади. Бошқаларга қолса, у — пухта уйлаб иш юритувчи ислохотчи. Учинчи бир тоифанинг фикрича, у ҳеч ён бермайдиган одам. Туртинчилар — собитқадам дейишади. Бешинчилар эса “Шарқ Талейрани” деб ном беришган. Ўзбекистондаги ҳақиқий вазиятни билмайдиган ва республиканинг муаммоларини унчалик яхши ўрганмаган баъзи кишилар эса Каримовни қаттиққўллиги учун “диктатор” дейишади. Қанча одам бўлса, шунча фикр бор. Аммо биророрта ҳам фикр шахснинг моҳиятини тўла-тўқис акс эттира олмайди. Бунинг устига Ислом Каримов интервью беришни ёқтирмайди, ўзи ҳақида истар-истамас сузлайди. Лекин унинг бошқалардан фарқланиб турувчи, ёрқин ва кучли шахс эканлигига шубҳаланмаса ҳам бўлади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати — ўзбек. Унинг болалик йиллари уруш даврига, ёшлик чоғлари ҳам қийинчилик йилларига тўғри келган. Оила анча камбағал бўлиб, табиийки, болалар учун қандайдир алоҳида шароит яратиш бериш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Уруш, вайронгарчилик, қашшоқлик... Шу сабабли у фақат ўз кучига ишонишга ва “Оллоҳ берган ҳаётда ҳар нарсага ўзинг эриш!” деган қоидага амал қилишга мажбур бўлди.

Ўзбекистон Президенти иккита олий маълумотга эга. У Ўрта Осиё Политехника институтини ва Тошкент халқ хўжалиги институтини (ҳозирги Давлат иқтисодиёт университетини) тамомлаб, муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассислигини олган. Давлат иқтисодиёт институтида диссертация ёқлаб, иқтисод фанлари доктори даражасини олди. У турли илмий журналларда бир қанча мақолалар эълон қилган. Ислом Каримов кўпгина хорижий университетларнинг фахрий доктори ҳамдир.

Ўзбекистоннинг бўлажак Президенти меҳнат фаолиятини 1960 йилда “Ташсельмаш” заводидида бошлади.

Сўнгра В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлади. 1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат режалаштириш қўмитасига ишга утиб у ерда бош мутахассисликдан республика Давлат режалаштириш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ислон Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР молия вазири, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва айни вақтда республика Давлат режалаштириш қўмитасининг раиси бўлди.

Иқтисодчи, назарийтчи ва амалиётчи Ислон Каримов турли лавозимларда ишлар экан, хўжалик юритишнинг маъмурий-бўйруқбозлик тизими бутунлай сохта эканлигини кўрди ва англаб етди. Горбачевча қайта қуриш даврида у иқтисодиётни бошқаришнинг ўша вақтдаги шўро тизимига хос иллатларини қаттиқ танқид қилади. Мана шу танқиди ва қатъиятлилиги учун Каримовни республика Министрлар Совети раисининг ўринбосари ва Давлат режалаштириш қўмитаси раиси лавозимидан озод қилишади. Ҳаёт қайнаб турган пойтахтдан уни анча осойишта вилоятга юборишади. 1986 йилда у Қашқадарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби этиб тайинланади.

Ўша вақтдаги вазиятни Каримов ўз интервьюларидан бирида мана бундай баҳолайди: “Ғарбдагилар собиқ шўролар Иттифоқидаги партия номенклатураси деган нарса таркибан жуда хилма-хил бўлганлигини тушунмаслиги мени очикдан-очик ҳайратга солади. У ўз моҳият-этибори-ла жуда табақалашган эди. Йўқ, қоғозда эмас, қандайдир партия ҳужжатларида эмас, балки реал ҳаётда шундай эди. Ҳарҳолда, бир-биридан тамомила фарқланадиган уч гуруҳ одамларни аниқ ажратиб бера оламан. Биринчидан, коммунистик хомхаёлга сидқидилдан ишонадиган мутаассиб кишилар. Улар учун марксизм-ленинизм бамисоли бир дин эди. Бу одамларнинг сўз билан эътиқоди бир эди дейиш мумкин. Ишлари-чи? Улар бирон-бир фойдали иш қила олармидилар? Ахир булар жонли воқелиқдан, ҳақиқий турмушдан ажралиб қолган, ҳаёлот оламида яшаётган тарғиботчилар эди-ку.

Иккинчи гуруҳ — замонасозлар гуруҳи эди. Уларнинг ҳақиқий касби ҳам, энг муҳими, виждони ҳам йўқ эди. Қанақа гоё? Коммунизм қаёқда дейсиз?! Улар ҳар қандай ҳокимиятга хизмат қилишга ҳамиша тайёр, бу ҳокимият уларни тирикчилик неъматлари билан таъминлаб турса бас. У коммунизм бўладими, антикоммунизм бўладими — улар учун ҳеч фарқи йўқ. Национал-социализм ёки қандайдир фашизм ҳам бўлаверади. Уларнинг кўпчилиги КПСС ва шўролар Иттифоқи парчаланиб кетганидан кейин буни тасдиқлашди. Улар партиявий ўйиннинг қонун-қоидаларини жуда яхши ўзлаштириб олишган. Қачон ва нимани гапириш кераклигини, қачон жим туришни, кимга хушомад қилишни, кимни эса жеркиб ташлаш кераклигини яхши билишган. Уларнинг кучи ҳам шунда эди. Уларнинг гапи бошқаю, фикри бошқа эди. Учинчи бир ишни қилишарди демоқчи эдим. Лекин бу нотўғри бўларди. Бундай одамлар бирорта махсус соҳада ҳеч қандай ақли иш қилишга қодир эмасди. Бунинг учун уларда профессионал тайёргарлик йўқ эди.

Аммо ҳар қандай бошқа тоталитар идора усули сингари коммунистик тузум ҳам иқтидорли, иқтисодиёт, молия иши, қишлоқ хўжалиги, саноат соҳаларида махсус билимларга эга бўлган одамларсиз, айтайлик, технократларсиз яшай олмас эди. Партия номенклатурасининг айнан мана шу сафлари халқ орасида партияга обрў-эътибор келтирар эди. Ана шундай одамлар жумласига мен ўзимни ҳам, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевни ҳам, Қирғизистон Президенти Асқар Ақаевни ҳам киритаман. Асқар Ақаев ҳам Қирғизистон Компартияси Марказий Қўмитаси аппаратида ишлаган, фан ва олий ўқув юртлири бўлими мудирини бўлган эди...

Лекин мен ҳеч қачон том маънода партия ходими бўлган эмасдим. Ҳаётини йўлимда шундай бурилиш юз бериши мумкинлигини, ўз карьерамда бундай “четга сакрашим” мумкинлигини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Тўсатдан вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб қолдим. Воқеа бундай бўлган эди. 1986 йилда, Давлат режалаштириш қўмитасининг раиси бўлиб турган вақтимда, ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб чиққач, республика иқтисодий ҳалокат ёқасида турганлигини ту-

шундим. Менинг шахсий иштирокимда “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари тўғрисида” деган хат тайёрланди ва республика раҳбариятига юборилди. Мен ўшанда жиддий гап бўлишига умид қилган эдим, бунинг ўрнига жеркиш эшитдим. Москванинг ўша вақтдаги гумаштаси, Марказқўм (Ўзбекистон Компартияси Марказқўми — М.Г., А.К.) иккинчи котиби Анишчев менга кўпол ва қаттиқ танбех берди. Умуман мен ўша вақтда ўзимни қуршаб олган бегоналаштириш ҳалқаси тобора сиқиб келаётганини сезар эдим. Раҳбарият мени тўғридан-тўғри ажратиб ташлаётган эди. Бундан буён Тошкентда туришим номақбул бўлиб қолди. Қаршига, Қашқадарё вилоятига “сургун” қилинишимдан олдинги воқеалар, қисқача айтганда, ана шулардан иборат.

Шуни айтиш керакки, бу ўринда партиядо жорий этилган тартиб — вилоят қўмитасининг биринчи котиби лавозимини эгаллаш тартиби умуман бузилган эди. Мен КПСС Марказқўми аппаратида стажировкадан ўтиш, аниқроғи, текширувдан ўтиш у ёқда турсин, ҳатто Сиёсий бюро мажлисида сиртдан тасдиқланган эдим”.

Атрофидаги яқин кишиларнинг гапларига қараганда, Каримов ўша вақтда Қашқадарё вилоятида куну тун ишлаган. Уч йил давомида, айтиш мумкинки, бевосита вилоят қўмитаси биносида яшаган. Натижада у кўп иш қилишга муваффақ бўлди. Пахта етиштириш йилига 330 минг тоннадан 550 минг тоннага кутарилди. 300 км йуллар, бозорлар, ўнлаб маиший объектлар қурилди. Энг муҳими, у халқ орасида обрў ва ишонч қозонди, покиза инсон деган ном олди. Буларнинг барчаси Ислом Каримовнинг кейинги карьерасини белгилаб берди.

80-йиллар охирида жамиятда ҳукмрон доиралардан норозилик кучайиб борди ва халқ назарида обрўсизланиб бўлган бошқарув тузилмаларини, энг аввало, бутун шўро сиёсий тизимининг ядроси бўлган компартияни янгилаш эҳтиёжи сезилмоқда эди. Ана шундай шароитда ҳужалик вазифаларида ишлаб келган Каримовнинг соғлом технократизми ва прагматизми уни ўша вақтда қабул қилинган кўпгина таомилларни четлаб, партия пирамидасининг чўққисига кўтарди. 1989 йил июнь ойида Каримов Қаш-

қадарё вилоятига “сургундан” Тошкентга Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби сифатида қайтиб келади. Лекин, афсуски, республиканинг ўша вақтдаги партия раҳбарияти нўноқ сиёсат юритганлиги ва ҳаракатсизлиги туфайли Ўзбекистон фуқаролар уруши ёқасига келиб қолган эди. Том маънода Каримов қисқа муддат ичида республикадаги нортлаш хавфи бўлган вазиятни йўқотиши, Ўзбекистонни бостириб келаётган фалокатдан сақлаб қолиши керак эди — этник гуруҳлар ўртасидаги низолар мамлакат бирлигига таҳдид солмоқда эди. Фарғона фожиасини ва Ўш вилоятидаги ўзбеклар билан қирғизлар ўртасидаги қуролли қарама-қаршилиқни эслаш кифоя.

Ислом Каримовнинг ўзи бир интервьюсида Ўзбекистон раҳбари этиб тайинланишини қуйидагича ҳикоя қилади: “Мен қандай қилиб Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби бўлганман? 1989 йил июнь ойи эди. Даҳшатли кунлар эди. Қирғинлар, ёнғинлар, Фарғона, Қўқон, Қувасой, Гулистон, Паркент, Бўка. Гўё портлаш юз бериб, буг қозонининг қопқоғини улоқтириб ташлаганга ўхшарди. Хўрлик йилларида тўпланиб қолган алам тўлқинлари бутун республикани қамраб олди. Бошлиқлар вазиятни бошқара олмай қолган эди.

Мана шу бебошлиқларнинг ҳаммасига барҳам бера оладиган, республикани жар ёқасидан қайтара оладиган одамни қидиришмоқда эди. Изланишлар натижасида менинг номзодимга тўхталишди. Албатта, зиммамга нақадар катта масъулият олаётганимни тушунар эдим. Менинг карьерам эмас, балки ҳаётимнинг ўзи гаровга қўйлаётганини тушунар эдим. Шунчаки чиройли гап деб ўйламанг-у, аммо халқ мени тушунишига ва қўллаб-қувватлашига ишонардим. Ана шу нарса менга куч берди.

Ҳозир аниқ эсимда йўқ, 10 ёки 11 июнда Сиёсий бюро Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг биринчи котиби масаласини кўраётган эди. Муҳокама танқидий руҳда эмас, балки кўпроқ ҳурматсизлик руҳида олиб борилмоқда эди. Тирноқ остидан кир қидириш, беандиша танбеҳлар... шунда мен минбарда турган жойимдан Горбачевга мурожаат қилиб: “Михаил Сергеевич! Менинг номзодимни олиб ташланг. Баъзи бировларга ёқмаётганимни кўриб

турибман. Рафиқ Нишоновни олти ойга ўз ўрнида қолдиришни таклиф қиламан. У тартиб ўрнатади, шундан кейин бугунги масалага қайтиш мумкин бўлади. Менга эса кетишга рухсат беринг”, дедим. Горбачев мени олиб қолишга ҳаракат қиларди. Шунда мен “Мени кундиришга уринманг. Менга ҳаммаси аён. Кетишга рухсат беринг”, дедим. У: “Агар шуни талаб қилсангиз — кетақолинг”, деди. Мен Тошкентга учиб кетдим ва заводга боришга қарор қилдим. Оилам катта эмас. Оч қолмасмиз!

Аммо орадан икки кун ўтгач, Нишонов уйимга кўнғироқ қилиб, Москва номзодимни қўйишга рухсат берганини айтди. 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказқўмининг Пленуми бўлиб, мени биринчи котиб қилиб сайлади”.

Ҳозир, ана шу воқеалардан кейин орадан 10 йил ўтгач, айнан Ислом Каримов аввал Фарғона, сўнгра эса Ўш фожиаларининг чигал тугунини ечишга муваффақ бўлганлигини Ўзбекистондан ташқарида камдан-кам одам билди. Худди ўшанда собиқ Иттифоқ республикалари раҳбарларидан биринчи бўлиб у фундаментализм ва миллатчилик нақадар даҳшатли кулфатлар ва фожиага олиб келиши мумкинлигини тушунди ва ошкора айтди. Эътиқодли байналмилалчи ва айни вақтда узоқни кўра биладиган сиёсатчи бўлган Каримов мамлакатда миллатидан ва динидан қатъи назар, одамлар Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳисоблашлари учун шарт-шароит яратди. Дарвоқе, Каримов ўз нутқларидан бирида прагматизм хусусида гапириб, аччиқ, лекин ўринли ҳақиқатни ҳаммаша популизмга, қандайдир сиёсий хомхаёлга қарши қўйишини айтган эди. Унинг фикрича, прагматизм, хусусан сиёсий прагматизм шуки, унда ғояларга шунчаки бир қадрият деб эмас, балки, энг аввало, одам ва жамиятнинг кундалик фаолиятидаги бир восита деб қаралади.

“Етакчи раҳбар, энг аввало, иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қиладиган, талабчан ва қатъиятли бўлиши, қонунга қатъий амал қилиши керак. Бу жиҳатдан соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд киши-

лардан афзалдир”, деган ўгитлари ҳар биримизга ибрат бўла олади, — деб ҳисоблайди Ислом Каримов. Ўзбекистон Президенти буюк давлат арбоби, саркарда, инсоният тарихидаги энг қудратли салтанатлардан бирини барпо этган, Фарбада Тамерлан номи билан машҳур Амир Темурининг бошқа доно ўгитларига, хусусан, “сиёсатда маслаҳат, мулоҳазақорлик, ўйлаб иш қилиш қуроли кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир”, деган насиҳатларига ҳам амал қилиб келмоқда.

Айнан Каримов ўз прагматизми ва тадбиркорлиги туфайли миллатлараро қарама-қаршиликка барҳам берди, фуқаролар уруши ёнгинини ўчирди, юз минглаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди, кўп миллионли аҳоли яшайдиган республикада ва бутун минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлади. У кўпмиллатли Ўзбекистонда миллатлар ва динлар ўртасида тотувлик ва барқарорликка эришишга муваффақ бўлди.

Айнан Каримов ўз хавфсизлигини ўйламасдан, мамлакатни пароканда қилиб юбориш хатарини туғдирган фанатизмга, бошвоқсиз жаҳолатга қарши курашга чиқди. Унинг иродаси ва жасорати мана шу қалтис вазиятда ҳал қилувчи роль ўйнади. У “ўзлариникини” ҳимоя қилиб, “бегоналар”нинг адабини бериб қўйишни талаб қилган маҳаллий ашаддий миллатчилар тазйиқига берилмасдан, ҳақиқий тинчлик ўрнатувчи сифатида иш олиб борди. Эҳтиросларни сўндирди, оломонни тинчлантирди, одамларни соғлом ақл билан иш қилишга мажбур этди. Шу сабабли дунёнинг турли мамлакатлари экстремизм портлашларидан ларзага тушаётган ҳамда одамлар турли миллатларга ва турли динларга мансубликлари учунгина бир-бирларини ўлдиришни тўхтатмаётган шу кунларда мустақил ва барқарор Ўзбекистоннинг тажрибаси ва унинг Президенти шахси алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Халқ ўз тарихининг бурилиш давларида тақдирини алоҳида шахсий фазилатларга эга бўлган, миллатни жипслаштира оладиган, унда қайта тикланиш ва тараққий этиш мумкинлигига ишонч туғдира оладиган раҳбарга ишониб топшириши қайта-қайта исбот қилинган.

Ислом Каримов ҳокимият тепасига келгач, энг аввало, мамлакатда тартиб ўрнатишга киришди. У Ўзбекис-

тоннинг аввалги раҳбарлари айби билан 80-йиллар охирида ниҳоятда кучсизланиб қолган бутун ҳокимиятни пастдан юқоригача мустаҳкамлаш учун қатъий чоралар кўрди: ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар — милиция, давлат хавфсизлиги хизматини мустаҳкамлади. Ўзбекистоннинг турли минтақаларида чиққан этник низолар ва ижтимоий танглик ўчоқлари шахсан Президент иштирокида бартараф этилди. У стихияли жараёнлардан қўрқмасдан, уларни маҳорат билан бошқариб, тез, қатъият билан дадил ҳаракат қилди. У республикада вазиятни издан чиқараётган кучлар таъсирини қисқа муддатда қирқиб ташлашга муваффақ бўлди.

Каримов мафия тузилмаларига ва ҳокимиятнинг барча қатламларидаги порахўрларга тезгина барҳам бера олди. У ашаддий миллатчилар ва сиёсий экстремистларга қарши муваффақиятли курашди. Ҳолбуки, МДХ таркибидаги айрим республикаларнинг раҳбарлари ҳозирга қадар миллатчи мухолифатга хушомадгўйлик қилишни давом эттирмоқдалар.

Ислом Каримов собиқ шўро республикалари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб миллатчи кучларга қарши жанг бошлади. Чунки у асосан ташқаридан туриб кўзга тилган Ўшдаги даҳшатли хунрезликка дуч келган эди. Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев 1994 йил 5 ноябрда “Известия” газетасига берган интервьюсида 1990 йил июнь ойида икки кун ичида Ўшдаги “миллатлараро қиргинда юзлаб ўзбеклар ва қирғизлар беҳуда ҳалок бўлдилар. Республикани иккинчи Қорабогга айланишдан асраб қолишга мўъжиза туфайлигина муваффақ бўлинди. Шунда Президент Каримовнинг аниқ позицияси ёрдам берди”, деган эди.

1990 йил июнида Қирғизистоннинг жанубида — 600 мингдан ортиқ ўзбеклар яшайдиган Ўш вилоятида вазият ниҳоятда танг эди. Ер участкаларига эгалик қилиш билан боғлиқ баҳслар икки мамлакат чегарасида яшайдиган ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида тўқнашув келтириб чиқарди. Ўшдаги миллатлараро низонинг тўлқини бутун Қирғизистонни қамраб олди. Бишкекда тўхтовсиз митинглар ўтказилиб, уларда миллатчи нотиклар ўзбекларга қарши отланишга даъват қилдилар. Ўз кўзи билан

кўрганларнинг гувоҳлик беришича, талабалар имтиҳон сессиясини тўхтатиб қўйиб, пойтахт кучаларини тўлдирдилар ва қоронғу тушгач, ўзбекларга қарашли нима бўлса ҳаммасини: расталар, дўконлар, ресторанларни ер билан яксон қила бошладилар.


Уш воқеалари Ўзбекистонда ҳам эҳтиросларни жунбишга келтирмоқда эди. Қирғизистон жанубида яшайдиган деярли ҳар бир этник ўзбекнинг Ўзбекистоннинг Фарғона вилоятидаги чегарадош туманларида бир нечтадан қариндоши бор. Ун минглаб ўзбеклар ўз қардошларини ҳимоя қилиш шиорлари остида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги чегарада тўплана бошлади. Одамларни тўхтатиб туриш учун кўп сонли ҳуқуқ-тартиботни сақлаш кучларини ва армия бўлинмаларини ишга солишга тўғри келди. Шунга қарамай, вазият кескинлашаверди. Мана шу мушкул дамларда айнан Каримов шарофати билан жанжални бостиришга муваффақ бўлинди. Давлат раҳбари Ўзбекистон Президенти лавозимини эгаллаб турар экан, бирорта ҳам ўзбек ёмон ният билан Қирғизистон чегарасидан ўтмаслигини, сабаби қандай бўлишидан қатъи назар, ҳеч қанақа қасосга йўл қўймаслигини қатъият билан айтди. Ва у ўз сўзининг устидан чиқди, ўзбеклар билан қирғизлар ўртасида биродаркушлик уруши чиқишига йўл қўймади.

Шундан кейин ўзбеклар орасида ҳам, қирғизлар орасида ҳам Ислом Каримовнинг обрў-эътибори янада кучайди. 1992 йил март ойида Президент Каримов Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномани имзолаш учун Ўшга учиб келганида, бутун шаҳар — ўзбеклар ҳам, қирғизлар ҳам — уни кутиб олиш ва олқишлаш учун чиқди. Бу воқеа ҳақида Қирғизистон Президентининг собиқ маслаҳатчиси Леонид Левитин қуйидагиларни ёзади: “Автомобиллар кортежи аранг юриб борар, тез-тез тўхтаб қолар эди. Ана шундай тўхташлардан бирида Каримов машинадан тушди. Уни одамлар қалин девор бўлиб ўраб олишди. Улар миннатдорлик сўзларини айтишар, қўлига ёш болаларини тутқазишар эди. Бир қария уни кучоқлаб олди ва кўксига бош қўйиб йиғлаб юборди. Каримов ҳам атрофида тўпланган одамларга жуда илиқ муносабатда бўлди”.

“Шартномани имзолаш маросимидан кейин, — деб давом этади Левитин, — вилоят театрида ўзбек ва қирғиз артистлари концерт беришди. Каримов залга кириб келганида, ҳозир бўлганлар ўринларидан тик турганча уни гулдурас қарсақлар билан олқишладилар, бу олқиш камиди 15 дақиқа давом этган бўлса керак. Ўзбеклар, қирғизлар, руслар 1990 йил июнининг даҳшатли кунларида қилган ҳамма яхшиликлари учун унга ўз ҳурматларини, эҳтиромларини, ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар”.

Ўш фожиаларидан кейин орадан 10 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлишига қарамай, қирғизлар Ислом Каримовнинг минтақада тинчликни қайта тиклаш ва мустаҳкамлашдаги хизматларини унутмадилар. 1999 йил декабрь ойининг охирларида Қирғизистон зиёлилари Ўзбекистон фуқароларига мурожаат қилиб, 2000 йил 9 январда бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Каримов номзодини қўллаб-қувватлашни сўрашди. Ўзбекистон давлатининг раҳбари ва Ўзбекистон фуқаролари номига юборилган мактубни Қирғизистоннинг таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари Чингиз Айтматов, академик, учувчи-космонавт Солижон Шарипов ва бошқа кўпгина кишилар имзолади. Мактубда, хусусан, “икки аср чегарасида, кўп асрлик тарихининг ҳал қилувчи босқичида Ўзбекистон халқи келажакка даҳлдор сайлов арафасида, ўз Президентини, ўз миллий раҳбарини сайлаш арафасида турибди”, дейилган эди. “Биз ишонамиз, халқ Ўзбекистоннинг ҳозирги Президентини, мустақил ривожланишига пойдевор қўйган ҳамда Ўзбекистонда барқарорлик ва миллий ҳамжиҳатликка кафолат берадиган инсонни — Ислом Каримовни танлайди”, — деб таъкидланади мактубда. Ўзбекистон халқи Каримовни танлади. У 2000 йил 9 январдаги президент сайловида сайловчилар овозининг 91,9 фоизини тўплаб, ишонарли ғалабани қўлга киритди.

1980-йиллар охирида ўйлаб чиқарилган “ўзбеклар иши” Ўзбекистон учун яна бир мушкул муаммо бўлди. Каримов айнан Москванинг сиёсий найранглар ботқоғига ботиб қолган партия бошлиқлари Ўзбекистонга бирин-кетин назоратчи бригадаларни юбориб турган



огир дамларда республика раҳбари лавозимини эгаллади. Чарчоқ билмас “фош этувчилар” армиясига қандайдир партия назоратчиси Тельман Гдлян бошчилик қилди. У Горбачев теварагидаги сиёсатчиларнинг нафсониятга тегадиган даъволарига ошкора ва ғаразғўйлик билан хизмат қилиб, Москвада чиқадиган “Огонёк” журнали саҳифаларида Ўзбекистон хужалик-сиёсий маъмурларининг жиноий қилмишлари ҳақида хабар тарқатди. Гдлян жаҳон цивилизациясига жуда катта ҳисса қўшган меҳнаткаш халқ, ўзининг табиий бойликларини — олтини, пахтаси, газни, урани ва бошқаларни — иттифоқ Марказига саҳийлик билан топшириб, ўзи бебаҳра қолган халқни бирданига, бир зумда жиноятчига айлантирдикўйди. Ўзбеклар қулларча меҳнатлари ва табиий бойликлари эвазига, иттифоқ бюджетига топширган охириги чақалари эвазига Марказдан пахта далаларига сепиладиган заҳарли кимёвий моддаларни олдилар, уларга жиноятчи деган тавқи-лаънат ёпиштирилди. Ислон Каримовнинг асосий хизматларидан бири шуки, у ўз халқини қатъият билан ҳимоя қилди, амалпарастлик ва бошқа ғаразли ниятлар билан ўзбек халқини ёмонотли қилишга уринган тухматчиларнинг уйдирмаларини рад этди.

1990 йил баҳорида Каримов горбачевча қайта куриш боши берк кучага кириб қолганини англаб етди. Ўша вақтда СССР сиёсатчилари орасида бундай одамлар камдан-кам эди. Россияда ва бошқа иттифоқдош республикаларда тобора кучайиб бораётган тартибсизликлар Ўзбекистонда ҳам юз беришига йўл қўймаслик учун қатъий чоралар кўриш керак эди. Ўзбекистонда ҳокимиятнинг озгина бўлса-да заифлашуви республика ичида миллатлараро низолар янгидан бошланишига, ижтимоий портлашларга олиб келиши мумкин эди. Шу сабабли 1990 йил мартида, Горбачев ва унинг атрофидагилар норози бўлишига ва қаршилиқ кўрсатишига қарамай, Ўзбекистон Олий Совети республика Президенти лавозимини таъсис этди ва унга Ислон Каримовни сайлади. Мамлакат ўша вақтда ҳаракати тобора сусайиб, чуқаётган кемага ўхшаб қолган КПССга бундан буён кўр-кўрона эргашмаслигини, кўп миллионли халқ коммунистик мафкура тазйиқига учрамасдан, ўзининг мустақил давлатида яшаш-

ни истаётганлигини ўз Президенти орқали очиқ-ойдин айтди.

Каримов Компартия 1990 йиллар бошидаги ҳолатида тарихий анахронизмга айланганини, миллий суверенитетни мустаҳкамлаш йўлида ғов бўлиб қолганлигини жуда яхши тушунар эди. Лекин анча катта ҳокимият кучи ва жамиятда ўз таъсирига эга бўлган партия-давлат апаратини бирданига йўқотиш нореал иш эди. У Компартиянинг мафкураси ва сиёсатини тубдан ўзгартиришга ҳаракат қилиб, айна вақтда бошқарув-ҳокимият тузилишини сақлаб қолиб, партияни қайта ташкил этиш йўлидан борди. Президент халқнинг “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма!” деган доно нақлига амал қилди.

1991 йил августидаги фитнадан кейин Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Компартияси ислоҳ қилиниб, мафкураси ва сиёсати мутлақо янги бўлган Халқ демократик партиясига — парламент типидagi партияга айлантирилади. Ҳокимият аста-секин, аммо оғишмай партия маҳкамаларидан бошқача бошқарув тизимига: президент — ҳукумат — маҳаллий маъмурият (ҳокимиятлар) тизимига ўта бошлади.

1991 йил 31 августида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинганидан кейин Ислом Каримов ижтимоий соҳани барқарорлаштириш ва иқтисодиётни қайта ташкил этиш устида иш бошлади. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтган умумхалқ сайловида Каримов мамлакат Президенти этиб сайланди. Сайловчиларнинг 86 фоизи унга овоз берди. Ўзбекистон тарихида биринчи президент сайловида халқ томонидан оммавий суратда қўллаб-қувватланган Президент Каримов янги давлатга мустаҳкам база яратиш мақсадида аста-секин иқтисодиёт ва қонунчилик тизимини қайта қуришга киришди.

1995 йил 26 мартда умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Референдум яқунларига мувофиқ Каримовнинг президентлик ваколатлари 2000 йилгача узайтирилди.

2000 йил 9 январда ўтказилган президент сайловида Ислом Каримов ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раҳбари Абдулҳафиз Жалолов иштирок этдилар. Бу сайловда амалдаги Президент ўта ишончли галабага

эришди. Сайловда қатнашган сайловчиларнинг 91,9 фоизи Каримовга, 4,17 фоизи Жалоловга овоз берди. Бу натижалар, энг аввало, сайловчилар Президент Каримов раҳбарлигида мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради.

Ислом Каримов республика парламенти — Олий Мажлисида 2000 йил 22 январда янги муддатга Ўзбекистон Президенти лавозимига киришиш маросимида қасамёд қилар экан, бундай деди: “Ўзимнинг бу юксак лавозимга сайланишимни мен қандайдир шахсий ғалаба ёки ютуқ деб эмас, балки мустақиллик йилларида изчил олиб бораётган ташқи ва ички сиёсатимизнинг тантанаси, халқимизнинг ўзи танлаб олган тараққиёт йўлига қатъий ишончидан яна бир далолат деб биламан”.

Давлат бошлиғи “бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборат”, деб таъкидлади. Каримов сўзлари билан айтганда, бу “ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш, мамлакатда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш” демакдир. “Шу билан бирга, — деди Президент, — биз халқимизнинг асрий олижаноб анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга доимо содиқ қолишимиз демакдир”.

Сўнгра Ислом Каримов бундай деди: “Мен ўзимнинг энг эзгу мақсадим, ҳаётимнинг маъно-мазмунини бошлаган ижобий ишларимизни давом эттириш, ҳар бирингизнинг эртанги кундан кутаётган орзу-умидларингизни рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилиш деб биламан”.

Ислом Каримов Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий, шунингдек сиёсий ислоҳотларнинг асосий мезони уларнинг секин-аста, босқичма-босқич амалга оширилишидан иборат бўлиб, булар одамларни ижтимо-

ий-сиёсий ағдар-тўнтарлардан ва социал ларзалардан сақлайди, деб ҳисоблайди. У иқтисодиётнинг сиёсатдан устун бўлиши, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш вақтида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, мамлакатда жамоат тартибини ва барқарорликни таъминлайдиган кучли давлат тарафдори. Бир куни Каримов ўзи ҳақида гапириб: “Мен технократ ва прагматикман, менинг кучим ҳам шунда”, деган эди.

Каримов — мулкдорлар синфини вужудга келтириш ва мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш тарафдори. Чинакам мулк эгалари пайдо бўлиши учун хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш керак, деб ҳисоблайди Ўзбекистон Президенти. “Мен бир нарсага аминман: мамлакатимизда мулкдорлар синфи, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, майда ва ўртача мулкдорлар синфи пайдо бўлганидагина (барчанинг қашшоқона тенглиги эмас) жамиятимизнинг фаровонлик ва демократия сари барқарорлик билан ва дадил бора олишини таъминлаш мумкин бўлади”, — деди Ислом Каримов 1995 йил 16 ноябрда Боннда Германия Президенти Роман Герцог унинг шарафига ўтказган қабул маросимида.

Каримов ўз нутқларида “инсон ва давлат” ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши кераклигини тез-тез такрорлаб туради. Унинг давлат қурилишидаги асосий шарт “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилдан иборатдир. “Давлат, ҳокимиятнинг барча тармоқлари фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга сафарбар қилгандагина, — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Президенти, — ўз вазифасини тўғри адо этган бўлади”. Ислом Каримов МДХ мамлакатлари президентлари орасида ислоҳотларнинг бошидаёқ одамларга фақат мақсадга, олижаноб мақсад бўлса-да, унга эришиш воситаси сифатида қараш мумкин эмас, деган бирдан-бир раҳбар эди. “Мен аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини вайрон қилишга, болаларни мактабсиз, беморларни шифохонасиз қолдиришга йўл қўймайман”, — деди у. Президент сўзининг устидан чиқди. Ҳозир Ўзбекистон — шўролардан кейинги маконда бепул тиббий хизмат, таълим олиш сақланиб қолган, ижтимоий ночор аҳоли қатламларининг ҳақ-ҳуқуқлари

ишончли тарзда ҳимоя қилинаётган бирдан-бир мамлакатдир.

Агар Ислом Каримовнинг 10 йилдан ортиқ президентлик даври диққат билан таҳлил қилинса, уни муболағасиз ўз халқи учун бениҳоя кўп иш қилган, ҳозирги пайтда эса унинг буюк келажак йўлини оқилона очиб бераётган замонамизнинг энг ёрқин давлат арбобларидан бири дейиш мумкин. Чунки Каримовнинг ҳатто энг ашаддий мухолифлари ҳам айнан Президент тинчлик ва барқарорликка эришишни, Ўзбекистонда унчалик азобли бўлмаган ва дуруст натижалар берган бозор ислохотларини, 1996 йилда республикада бошланган барқарор иқтисодий ўсишни ва Ўзбекистоннинг давлат атрибутлари ва мудофаа қобилияти мустаҳкамланишини таъминлаб берганлигини эътироф этмоқдалар.

Жаноб Каримовнинг муҳим фазилати шундаки, у иқтисодиётда ҳам, сиёсатда ҳам ўзгаларнинг андозалари ва стандартларидан кўр-кўрона нусха кўчирмайди. У юз бераётган воқеа-ҳодисаларга жаҳон тажрибасини ва миллий манфаатларни ҳисобга олиш асосида шаклланган ўз мезони билан ёндашади. Ўзбекистон Президентининг мулкдорлар синфи муаммосига нисбатан ўз ёндашуви бор. Бу ёндашув шундан иборатки, давлат жамиятнинг кескин табақаланишига — ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал-қашшоқларга кескин тарзда бўлиниб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Гарвард университетининг профессори Дональд Карлайл Ўзбекистонда юз бераётган жараёнларни кузатиб бораётган хорижлик экспертлар фикрига таяниб, “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” деган китобида қуйидагиларни ёзади: “Президент Каримов ўзининг иқтисодий сиёсатида қарийб биронта, оз бўлса-да жиддий хатога йўл қўймади, чунки бу масалаларда у шу даражада омилкорки, унга маслаҳатчилар ундан маслаҳат олиш учун, ёрдамчилар эса — ундан ёрдам олиш учун керак”.

“Даймлер-Бенц” концерни бошқаруви раиси Юрген Штемп Ўзбекистон Президенти ҳақида бундай деган эди: “Биз Президент Каримовни йирик давлат арбоби, иқтисодиёт масалаларини чуқур тушунадиган сиёсатчи деб

биламиз. У ўз гоёларига ўралишиб қолган назариётчи сиёсатчилардан эмас. У амалиётчи арбоб”.

Қирғизистон Президенти Асқар Ақаев, ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти ҳақида бундай деган: “Ислом Каримов дўстини ҳеч қачон кулфатда ташлаб кетмайдиган одам. Мен уни маълум маънода ўзимнинг устозим деб ҳисоблайман. Ўзбекистонда ҳозиргача қилинган ишларни синчиклаб ўрганса ва ўзлаштирса арзийди”.

Украина Президенти Леонид Кучма эса Ислом Каримов ҳақида мана бундай фикр билдиради: “Ислом Каримов билан суҳбатлар чоғида мен, худди ўқувчига ўхшаб, ундан бозор ислоҳотларида қандай қилиб улкан амалий натижаларга эришганини, ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига, одамларнинг қашшоқлашиб қолишига йўл қўймасликка қандай муваффақ бўлганлигини ва, айниқса, жиноятчиликка қарши курашда Ўзбекистон эришган муваффақиятларнинг бош омили нимада эканлигини билиб олишга ҳаракат қилдим. Президент Каримов аввалги давлат тузилмалари революцион тарзда бузиб ташланишига йўл қўймаганида, кучли ижро этувчи ҳокимиятни сақлаб қолганида қанчалик ҳақ бўлганлиги ҳозир ҳаммага равшан”.

Тарихнинг энг қийин давларида тарихий шахслар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Халқнинг кўп йиллик тақдирини давлат бошлиғининг қарорларига боғлиқ бўлади. Давлат бошлиғининг доно сиёсати ва қатъияти мамлакатни чуқур танглиқдан олиб чиққан, уни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари даражасига кўтарган ҳоллар тарихда кўп бўлган. Жаҳон тажрибаси бундай сиёсатнинг таъсирчанлиги қудратли армиянинг кучига ва битмас-туганмас бойликларга қиёсланишини кўрсатмоқда. Чунки давлат бошлиғи оқилона сиёсат юритганида мамлакатнинг бойлигига бойлик қўшиш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, уни обрў-эътиборли давлатга айлантириш мумкин.

Ва аксинча, давлат бошлиғи пухта ўйлаб сиёсат юритмаса, омилик ёки журъатсизлик қилиб, мамлакатни маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик асосида бошқаришга, ҳокимиятнинг юқори қатламларида порахўрлик авж олишига йўл қўйса, унинг батамом вайрон булиши ва парчаланиб

кетишига, сепаратизм ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолда давлат ҳамма нарсадан: армиядан ҳам, аҳолининг қўллаб-қувватлашидан ҳам, ҳудудидан ҳам, олдинги авлодлар асрлар мобайнида тўплаган бойлигидан ҳам маҳрум бўлади. СССР ва Югославиянинг парчаланиб кетиши, Афғонистондаги тинкани қуритадиган фуқаролар уруши, 1990 йиллар бошларида Тожикистон, Грузия ва Озарбайжонда юз берган қонли воқеалар мазкур мамлакатлар раҳбарлари юритган ана шундай сиёсат натижаси бўлди.

Айни вақтда тарихда давлат бошлиғи ўзининг чуқур ўйланган ички ва ташқи сиёсати билангина бир неча авлодлар биргаликда қилган ишларга қараганда кўпроқ натижаларга эришганини кўрсатувчи мисоллар ҳам бор. Россия империясида Петр Биринчи ҳукмронлигини, генерал Шарль де Голнинг урушдан кейинги Францияни қайта тиклашдаги ролини, Туркиянинг биринчи Президенти Камол Отатуркнинг XX аср бошларида турк давлатини сақлаб қолишдаги хизматларини ёки яна ўша ўзбекларнинг буюк аждоди, ўн тўртинчи асрнинг атоқли саркардаси ва давлат арбоби, ўз даврининг энг қудратли ва ривожланган давлатини барпо этиб, ўзидан кейин ғоят бой маънавий ва моддий мерос қолдирган Амир Темурни эслаш кифоя.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЖАВОҲИРИ

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги 1991 йил 31 августда республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида эълон қилинди. Парламентнинг тегишли қарори билан Ўзбекистон ССР номи Ўзбекистон Республикаси деб ўзгартирилди. Уша қарор билан 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни деб эълон қилинди. Мазкур сана асосий миллий байрам сифатида нишонланади.

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиёнинг ўртасида, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида жойлашган. У шимоли-ғарбда Қозоғистон, шарқда — Қирғизистон, жануби-шарқда Тожикистон, жануби-ғарбда — Туркменистон, жанубда эса Афғонистон билан чегарадош. Ўзбекистон ҳудуди 447,4 минг кв километрни, чегараларининг узунлиги 5300 километрни ташкил қилади. Мамлакат ғарбдан шарққа томон 1425 километрга, шимолдан жанубга томон эса — 930 километрга чўзилган. Республика ҳудудининг учдан икки қисмини саҳролар, ярим саҳролар ва чўллар, қолганини унумдор водийлар эгаллаган. Мамлакат ҳудудида Марказий Осиёнинг йирик саҳроларидан бири — Қизилкум жойлашган, шимоли-шарқда ва жанубда Тяньшан ва Ҳисор-Олой тизма тоғлари бор. Ўзбекистоннинг энг йирик дарёлари — Амударё ва Сирдарё. Амударёнинг умумий узунлиги 1437 км, Сирдарёнинг умумий узунлиги 2137 км.

Ўзбекистон аҳолиси 25 млн киши. Республика аҳолисининг йиллик ўсиши ўртача 2,5 фоизни ташкил қилади. Ўзбеклар мамлакат аҳолисининг 3/4 қисмини ташкил қилади. Шаҳар аҳолиси 40 фоизга яқин, қишлоқ аҳолиси

60 фоизга яқин. Меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳолининг умумий аҳоли сонига нисбатан салмоғи 45 фоизга яқини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, шу жумладан 156 туман, 123 шаҳар киради, шулардан энг йириклари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Термиз, Гулистон, Фарғона, Урганч, Нукус шаҳарларидир.

Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили бўлиб, у туркий тиллар гуруҳига киради. 1993 йил сентябрь ойида лотин графикасига асосланган ўзбек алфавитини жорий этиш тўғрисида қонун қабул қилинди. 2005 йилда кириллицадан лотин алфавитига ўтиш жараёни тугалланади.

Ўзбекистон табиий-иқлим шароитлари жиҳатидан текисликлар ва тоғ рельефларидан иборат. Қуёшли кунлар сони бўйича Ўзбекистон Калифорнияга яқин туради. Республикада иқлим кескин континентал, иссиқ, қуруқ. Ёғин нисбатан кам ёғади, июнь ойидан сентябргача ёмғир деярли ёғмайди. Йилнинг уртача саккиз ойи қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, туризм, спорт тадбирлари, халқаро спорт базалари иш олиб бориши учун жуда қулай. Бундай иқлим иссиқлик ва электр энергиясини тежаш имконини беради.

Йилнинг энг совуқ ойи — январь, қишда Устюрт платосида 35—38 даража совуқ бўлиши мумкин. Ўзбекистоннинг чекка шимолида қиш деярли беш ой, водийларда — бир ярим-икки ой давом этади.

Ёзнинг жазирама иссиқ ойи — июль. Бу даврда уртача ҳарорат текисликлар ва тоғолди ерларида 25—30 даражани ташкил этади, жанубда эса (Термиз) 31—32 даражага етади. Ўзбекистоннинг ҳамма текислик ва тоғолди ерларида ёзги ҳароратнинг 42—44 даражача кўтарилиши оддий ҳодисадир. Ҳавонинг қуруқлиги туфайли июль ва август жазирамаси нисбатан энгил ўтади.

Дунёдаги кўпгина таҳлил марказларининг баҳолашича, Ўзбекистон — минтақавий давлат, Осиёнинг янги “иқтисодий йўлбарси”. Осиё қитъасининг шундоққина марказида жойлашган бу мамлакат борган сари яққол қад ростламоқда. Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришлар,

жуда катта табиий бойликлар, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва интеллектуал имконият, ноёб маданий мерос туфайли у фақат сиёсатчилар ва ишбилармонлар учунгина эмас, балки дунёнинг ҳамма томонларидаги оддий одамлар учун ҳам жозибадор бўлиб бормоқда.

Дунёнинг ўзгариб бораётган жуғрофий-сиёсий тузилишида ёш давлатнинг роли кучаймоқда. Ҳозир МДҲ бўйича шериклар ҳам, дунёнинг етакчи давлатлари ва обрўли халқаро ташкилотлар ҳам Ўзбекистоннинг фикри билан ҳисоблашмоқда. Ўзбекистон тинчлик ўрнатиш йўлида юритаётган изчил сиёсати натижасида унинг Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик кафили сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда.

АҚШ вице-президенти Альберт Горнинг қуйидаги сўзлари буни тасдиқлаши мумкин: “Америка Қушма Штатларининг Ўзбекистон ва Марказий Осиёда стратегик манфаатлари бор, шу манфаатларнинг қоқ марказида Ўзбекистон турибди. Марказий Осиёнинг келажаги, истиқболи, ҳозир амалга оширилаётган ишларни эътиборга олсак, биз фақат Ўзбекистонга суянамиз”.

Катта иқтисодий имкониятга эга бўлган ва Евроосиё континентида стратегик жиҳатдан муҳим жуғрофий-сиёсий ўринни эгаллаб турган Ўзбекистон халқаро майдонда ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Ҳозир мамлакатда инвестициялар ҳамда сармояларни истиқболли жойлаштириш учун ҳамма шароит яратилган, бу эса, шубҳасиз, салмоқли фойда келтиради.

Том маънода Ўзбекистоннинг ҳар қарич ерида олтин бор. Республика ҳамма фойдали қазилмаларга бой, унинг ер остида минерал хом ашё ресурсларининг жуда катта захиралари яшириниб ётибди. Ҳозирга қадар республикада минерал хом ашёнинг 100 дан ортиқ тури аниқланган бўлиб, шуларнинг 65 тасидан саноатда ва қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда. Бу ресурслар 2800 та конда мужассамлашган бўлиб, уларда Менделеев жадвалидаги деярли ҳамма элементлар мавжуд. Ишлаб турган 370 та кондан ҳар йили 200 млн тоннадан ортиқ минерал хом ашё қазиб олинмоқда. Қидириб топилган ва тайёрланган захираларнинг 20 фоиздан камроги қазилган бўлиб, бу

ҳол фойдали қазилмалар олишни кўпайтириш соҳасида катта имкониятлар бор дейиш учун имкон беради.

900 дан ортиқ кон разведка қилинган бўлиб, улардаги тасдиқланган захиралар бир неча юз млрд АҚШ долларидан ортиқроқ баҳоланмоқда. Ўзбекистоннинг умумий минерал хом ашё имкониятлари 3,3 трлн доллардан ортиқроқ баҳоланмоқда. Ҳар йили республика заминидан 5,5 млрд долларлик миқдорда фойдали қазилмалар олинмоқда ва қўшимча суратда 6—7 млрд долларлик янги захиралар қидириб топилмоқда.

Ўзбекистон қимматбаҳо ва нодир металлларнинг жуда бой захираларига эга. У олтин қазиб чиқариш бўйича дунёда еттинчи ва МДХда иккинчи (Россиядан кейин) ўринда туради. Аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Ўзбекистон МДХда биринчи ва дунёда бешинчи ўринда туради. Республикада 40 та олтин кони аниқланган бўлиб, ҳозир бу конларнинг фақат 12 таси қазилмоқда. Олтиннинг асосий захиралари Марказий Қизилқумдаги олтин конларининг ўзида мужассам. Шу билан бирга ўзбек олтини жаҳоннинг энг юқори сифат стандартларига мос бўлиб, тўртта тўққиз рақами билан баҳоланади ва у охириги 20 йилда рекламация олгани йўқ. Сўнгги йилларда эса у сифати учун бир неча бор халқаро совринлар билан тақдирланди.

Евроосиё континентида энг катта ҳисобланадиган, руда таркибида олтин кўп бўлган Мурунгов кони дунёдаги гигантлар жумласига киради. Ушбу коннинг топилиши халқаро геология жамоатчилиги томонидан олтин қазиб чиқариш бўйича XX аср иккинчи ярмининг энг катта кашфиёти деб эътироф этилди.

Мурунговдаги аффинат корхонасида замонавий олтин тозалаш технологияси жорий этилган бўлиб, у бир қанча ноу-хауни ўз ичига олади. Бу эса жуда яхши товар кўринишига эга бўлган юқори пробали олтин олиш имконини бермоқда.

Мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида инфратузилмаси юқори даражада ривожланган Самарқанд ва Тошкент вилоятларида олтин рудали конлар аниқланди ва разведка қилинди. Дунёнинг энг йирик

олтин рудали провинцияси булган Қизилқумдаги Мурунтов билан бир қаторда Ажибугут, Булуткон, Балпантов, Аристонтов, Турбай ва бошқа янги конлар аниқланди ва ўрганилди.

Ҳозир Ўзбекистоннинг олтин захиралари дунёнинг энг машхур ва ишончли банкларида сақланмоқда. Улар орасида немис “Дойче банк”и ва Швейцариянинг “ЮБС” банки бор. Республика ҳукумати катта даромад олиш учун бу олтинни маълум вақтга валютага айлантирмоқда. Олтин захираларини гаровга олиб, Ўзбекистонга стратегик иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун кредитлар ажратилмоқда.

Республика кумуш конларига ҳам эга. Булар Навоий вилоятидаги Високовольтное, Ўқжетпес, Космоначи ва Наманган вилоятидаги Оқтепа конларидир. Катта миқдордаги тасдиқланган захиралар олтин ва мис-порфир конларида мавжуд. Оқтепа кони кумуш қазиб чиқариш бўйича энг истиқболли ва чет эллик инвесторлар учун жозибали кондир.

Ўзбекистонда қимматбаҳо металллар ишлаб чиқариш билан бир қаторда уран ҳам қазиб олинади. Уни олиш учун минерал хом ашё базаси мавжуд. Уран энг самарали ва экология нуқтаи назаридан оптимал ҳисобланган усул — ер остида ишқорлаб ювиш усули билан олинади.

Ҳар йили бир неча ўн минг тонна мис ишлаб чиқараётган Ўзбекистон унинг жуда катта захираларига эга (мис захиралари бўйича республика дунёда 10-ўринда туради). Руда ҳолидаги рангли металллар қатламлари асосан Тошкент вилоятининг Олмалиқ рудали майдонида жойлашган. Бу ердаги учта конда бир неча ўн мис захиралари бор деб тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, Дальнее кони разведка қилинган. Захиранинг катталиги, қазиб чиқариш таннарни, рудадаги миснинг таркиби жиҳатидан МДХ мамлакатларида унга тенг келадиган кон йўқ. Ҳозир Ўзбекистон асосан тозаланган мисни экспорт қилмоқда.

Шунингдек, кўрғошин, рух, вольфрам, молибден, литий ва бошқа стратегик муҳим нодир металллар олинган йирик конлар ҳам бор. Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти шуки, кўпгина конларда руда очиқ усулда қазиб

чиқарилади — бу эса кончилар иши юқори даражада рентабелли бўлишини таъминлайди. Ишлаб турган карьерлар мис ва ҳамроҳ металлларни, рух ва қурғошинни бир неча ун йил мобайнида ишлаб чиқаришни таъминлашга қодир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон бир қатор нодир ва сочма металллар — литий, рений, селен, теллур, осмий, скандий ва бошқаларни ишлаб чиқариш учун ишончли хом ашё базасига эга.

Республикада 20 та мрамор, 15 та гранит ва габбро кони аниқланган. Купгина ранг-баранг декоратив тош конлари ноёб табиий хазиналар бўлиб, бутун Евроосиё минтақасида энг йириги ҳисобланади.

Ўзбекистон фосфоритларга бой. Биргина Жерой-Сардара фосфоритлар конида разведка қилинган майда донадор фосфоритлар захиралари 58 млн тоннани ташкил этади. Уларнинг тахминий миқдори эса 100 млн тонна деб чамаланмоқда. Сўнгги йилларда Қорақат кони дастлабки тарзда разведка қилинди. Бу иккала кон Марказий Қизилқумда жойлашган. Геологларнинг фикрича, бутун республикадаги фосфоритларнинг тахмин қилинаётган захиралари аслида битмас-туганмасдир. Ҳозир қуввати йилига 5 млн тонна бўлган Қизилқум фосфорит комбинати қурилмоқда.

Ўзбекистонда фосфорли ва азот-фосфорли ўғитлар — аммофос ва аммонийлашган суперфосфат ишлаб чиқарадиган гоаят йирик заводлар барпо этилган. Экспорт имкониятларини ошириш мақсадида Қорақат ва Шимолӣ Жетитов конларини қазиш учун чет эллик инвесторлар жалб этилмоқда.

Мамлакатда жуда катта калий туз конлари бор. Уларнинг тасдиқланган захиралари 900 млн тонна. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, республика калий тузлари билан 100 йилдан кўпроққа таъминланган.

Ўзбекистон бой тош тузи конларига ҳам эга. Мутахассислар ҳисоблашича, фақат бешта конда — Хўжайкон, Тубегатан, Борсакелмас, Бойчибекан ва Оққалъа конларида — тош туз захиралари 90 млрд тоннадан кўп.

Республикада ўтга чидамли материаллар, керамика пардозлаш плиткалари, чинни ва фаянс, электр изоля-

торлари, дренаж қувурлари, оқ ва рангли цемент, юқори ларажала мустаҳкам гишт ва шу кабиларни ишлаб чиқариш учун хом ашё — каолин захиралари жуда катта бўлиб, 1 млрд тоннадан кўпроқ.

Мамлакат қудратли энергетика базасига, кўп миқдорда табиий энергия ресурслари — газ, нефть, кўмир, гидроэнергия захираларига эга. Бутун Ўрта Осиё минтақасидаги газ конденсатининг 74 фоизи, нефтнинг 31 фоизи, табиий газнинг 40 фоизи ва кўмирнинг 55 фоизи Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Ўзбекистон ҳудудининг 60 фоизга яқини нефть ва газ қазиб чиқариш жиҳатидан истиқболлидир. Нефть ва газга бой бешта асосий минтақани: Устюрт, Бухоро—Хива, Жануби-Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларини алоҳида кўрсатиш мумкин. Разведка қилинган газ захиралари қарийб 5 трлн куб метрни, кўмир захиралари 2 млрд тоннадан, нефть захиралари — 4 млрд тоннадан кўпроқни ташкил қилади.

Ўзбекистонда 171 та углеводород хом ашёси кони очилган бўлиб, шулардан 51 тасидан нефть, 27 тасидан газ, 17 тасидан газ конденсати қазиб олинмоқда. Ўзбекистоннинг нефть ва газ захиралари бир триллион АҚШ долларидан ортиқ деб баҳоланмоқда. Бу ерда нефтнинг 90 фоизидан ортиқроғи энг арзон усул — фаввора усули билан қазиб олинади. Газ қазиб чиқариш бўйича мамлакат собиқ Иттифоқ республикалари орасида иккинчи ўринни (Россиядан кейин) эгаллайди ва дунёдаги ўнта энг йирик газ қазиб олувчи давлатлар сирасига кириди. Ўзбекистоннинг ёқилғи-энергетика мажмуи мамлакатнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган ўз эҳтиёжини қондиришмоқда. Бундан ташқари, жуда катта нефть ва газ захиралари, хусусан охириги йилларда Мингбулоқ ва Кўкдумалоқда очилган нефть конларидаги захиралар Ўзбекистоннинг ана шу энергия манбаларини экспорт қилишига ҳам имкон бермоқда.

Конларнинг нефтдан бушаш даражаси Ўзбекистон бўйича атиги 32 фоизни ташкил қилади. Таққослаш учун келтирамиз: Туркменистонда у 61 фоизга, Қирғизистонда 41 фоизга, Тожикистонда 60 фоизга тенг. Табиий газ конларининг бўшаб қолиши бўйича ҳам вазият ана шун-

дай. Шу сабабли замонавий чет эл технологияларидан фойдаланиш республикада йилига қўшимча 50 млн тоннадан кўпроқ нефть қазиб чиқариш имконини беради.

Табиий газ асосий энергетика ресурсигина бўлиб қолмасдан, республиканинг ўз эҳтиёжлари учун ҳам, экспорт учун ҳам, минерал ўғитлар, синтетик толалар, полипропилен, полистирол ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган қимматли хом ашё ҳамдир.

Ўзбекистонда кенг тармоқли газ транспорти тизими барпо этилган. У умумий узунлиги 15 минг километрга яқин бўлган, МДХ мамлакатлари газопроводлари ягона тизимига уланадиган тўққизта магистрал газопроводни уз ичига олади. Бу тизим Ўрта Осиё давлатлари, Россия ва Украинага, Европа мамлакатларига бир йилда 20 млрд куб метрдан ортиқ газни экспорт қилиш имконини беради. Ўзбекистон газ транспорти тизимининг муҳим хусусияти шуки, у Ўрта Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, фақат шу минтақа учунгина эмас, балки МДХнинг Европа қисми ҳамда Кавказ орти учун ҳам муҳимдир.

Ангрендаги кўмир кони Марказий Осиё минтақасида ноёб ҳисобланади.

Бу ерда кўмир турли усуллар билан: очиқ усулда, шахта усулида ва ер остида газга айлантириш усулида қазиб олинади.

Кўпгина фойдали қазилмаларнинг комплекс характерда эканлиги, улар яхши тоғ-геология шароитларида жойлашганлиги, ҳудудий жиҳатдан юқори даражада жамланганлиги конларни самарали ўзлаштириш, тоғ-кон саноатининг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган бир қатор тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратади.

Республикада мавжуд бўлган нометалл хом ашёнинг энг қимматли турлари жумласига каолин, плавик ва дала шпатлари, кварц шиша ва кварц дала шпати кўмлари, бентонитли гиллар, фосфоритларни, шунингдек минерал ўғитлар, чинни-фаянс буюмлар ҳамда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган бошқа маҳсулотни ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё бўлиб хизмат қиладиган бошқа фойдали қазилмаларни киритиш керак. Кўпгина конлар бутун Евроосиё минтақасидаги энг йирик ноёб табиий объектлардир.

Иккиламчи минерал ресурслар — руда конларидан чиққан жинслар, металлургия ва бойитиш корхоналарининг чиқитлари, шунингдек балансдан ташқари руда захиралари ва конлар юзидан олинган жинслар ҳам каттагина қимматга эга.

Республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг айрим турлари, энг аввало, металлар ўта тақчил маҳсулотлар сирасига киради ва шу сабабли жаҳон бозорида уларга доимо талаб катта.

Республикада минтақа энергетика ресурсларининг катта қисми ҳам мужассамдир. Ўзбекистоннинг энергетика тизими Марказий Осиёнинг Бирлашган энергия тизимига кирувчи ҳамма электрстанциялар қувватининг 50 фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон энергетика тизимининг асосини Сирдарё, Тошкент, Янги Ангрен, Навоий ГРЭСлари каби йирик иссиқлик электрстанциялари ташкил қилади. Уларда ҳар бирининг қуввати 150—300 мегаватт бўлган 30 дан ортиқ замонавий энергия блоклари ўрнатилган. Ҳозир Ўзбекистон электрэнергиясига бўлган ўз эҳтиёжларини тула таъминлабгина қолмасдан, шу билан бирга уни МДХ таркибидаги қўшни давлатларга ва Афғонистонга ҳам экспорт қилмоқда.

Республиканиннг асосий бойликларидан бири пахтадир. Агар бутун Ўрта Осиё 2 млн тоннага яқин пахта толаси етиштирса, шунинг 1,2 млн тоннаси Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келади. У пахта толасини экспорт қилиш бўйича дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринда ва чигитли пахта етиштириш бўйича бешинчи ўринда туради. Ҳар йили Ўзбекистонда ўртача 3,5—3,7 млн тонна чигитли пахта тайёрланади. Ўзбек пахтаси Европа, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бозорларида машҳур.

СССР мавжуд бўлиб турган даврда Ўзбекистон сабзавот ва мевалар етказиб берувчи асосий ўлка эди. У ҳар йили собиқ Иттифоқ истеъмол қиладиган ҳамма мевасабзавот маҳсулотининг 60 фоизини етиштирар эди. Ҳозир ҳам мамлакат 5 млн тоннагача сабзавот ва мевалар йиғиштириб олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг йирик экспортчиларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу мева

ва сабзавотларнинг кўпи ўзининг мазаси жиҳатидан ноёбдир.

Ўзбекистон экология жиҳатидан тоза ва юқори сифатли вино маҳсулоти чиқаради. Республикада ҳар йили 16,5 млн дал вино маҳсулоти тайёрланади, 30 номда вино, шунингдек шампан виноси ва коньякнинг турли навлари ишлаб чиқарилади. Халқаро ярмарка, танлов ва кўргазмаларда ўзбек винолари 92 та медаль билан мукофотланган.

Республикада замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ипақчилик саноати, қорақўлчилик ва кўнчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Ўзбекистон иқтисодийнинг аграр секторини кенг ривожлантириш, жуда қадрли, жаҳон бозорида талаб катта бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун қўлай бўлган иқлим зонасида жойлашган.

Мамлакатда машинасозлик, авиация ва автомобиль саноатидан тортиб, енгил ва озиқ-овқат саноатигача — индустриянинг деярли барча тармоқларига мансуб қудратли ва бир қанча ҳолларда ноёб саноат корхоналари барпо этилган ва ишлаб турибди. Республика Ўрта Осиёда автомобиллар, самолётлар, мотор, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси, кабель маҳсулоти, экскаваторлар, кўтарма кранлар ва лифтлар, капролактама, тўқимачилик ва пахта тозалаш саноати учун ускуналар, йигирув машиналари ва бошқаларни ишлаб чиқарувчи бирдан-бир мамлакатдир.

Ўзбекистон ривожланган транспорт инфратузилмасига эга. Бу ерда кенг тармоқли транспорт тизими барпо этилган бўлиб, у мамлакат ичида ва ундан ташқарига юклар ва йўловчилар ташишни, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминламоқда. Транспортнинг ҳамма турлари ривож топган. Ҳозир темир йўллар узунлиги 7 минг километрни ташкил этади, Ўзбекистоннинг темир йўл тармоғи Марказий Осиёдаги энг қалин тармоқдир. Юк ва йўловчилар ташишда автомобиль транспорти катта роль ўйнамоқда. 80 минг километрдан ортиқ автомобиль йўллари қурилган ва улар

ҳозирда ишлаб турибди, шуларнинг 86 фоизи қаттиқ қопламали йўллар. Деярли ҳамма аҳоли пунктларига, ҳатто узок қишлоқларгача қаттиқ қопламали йўллар солинган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон собиқ СССР республикаларининг ҳамма йирик шаҳарлари билан, дунёнинг турли мамлакатлари — АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Исроил, Италия ва кўпгина бошқа давлатлар билан бевосита авиайўллар орқали боғланган.

Айни вақтда мамлакат денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга эмас. Давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар асосан транзит йўли билан амалга оширилади. Бу эса республиканинг трансмиллий коммуникацияларни барпо этишда қатнашишини устувор муаммолар даражасига олиб чиқмоқда.

Ўзбекистон янги Тажан—Серахс темир йўли қурилишида қатнашди. Бу йўл Пекин билан Истанбул ўртасидаги Транссиё магистралининг таркибий қисмига айланиб қолади. Тошкент Каспий соҳилидаги Оқтов портини қайта қуришда, республикани Хитой ва Покистон билан бевосита боғлаш имконини берадиган Андижон—Ўш—Иркештом—Қашқар автомобиль йўлини, шунингдек Ҳинд океанига олиб чиқадиган Термиз—Ҳирот—Карочи трассасини қуришда қатнашиш истагини билдирди.

1996 йил март ойида очилган Серахс—Машҳад—Бандар—Аббос темир йўл йўналиши Ўзбекистон учун ҳам, Ўрта Осиёдаги бошқа давлатлар учун ҳам катта амалий аҳамиятга эга. Мана шу темир йўл ишга туширилиши натижасида Ўрта Осиё мамлакатларининг Форс кўрфазидаги портларга чиқиши учун реал имконият туғилди. Бу лойиҳа ЭКО минтақавий ташкилоти доирасида амалга оширилди.

Транскавказ маршрути республика учун Европа йўналишидаги муҳим транспорт йўлаги бўлиб қолади. Ўзбекистон Туркменистон, Озарбайжон ва Грузия билан ушбу мамлакатлар транспорт коммуникациялари тизимини биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ривожлантириш ва модернизациялаш ҳақида битим имзолади. Бу қадимий Буюк ипак йўлидаги Европа—Кавказ—Осиё транспорт йўлагини тезроқ тиклашга ёрдам беради. Транскавказ маршрути—ТРА-

СЕКА Ўрта Осиё мамлакатларининг Туркманбоши, Боку шаҳарлари ва Грузия портлари орқали Европа қитъасига чиқишини таъминлайди. Европа иттифоқи ва бошқа бир қанча халқаро ташкилотлар қўқиррали ТРАСЕКА лойиҳасининг амалга оширилишини ижобий баҳоладилар. Бу лойиҳа Ўрта Осиё минтақасини Ғарб мамлакатларига анча яқинлаштиради. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун анча катта миқдорда молиявий ресурслар ажратилди.

1999 йил мартада Грузия Президенти Эдуард Шевард-надзе билан Тошкентдаги учрашувдан кейин Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бундай деди: “Европа—Кавказ—Осиё транспорт йулагини ривожлантириш лойиҳасини (ТРАСЕКА) амалга ошириш Ўзбекистон учун жаҳон бозорларига чиқишнинг муқобил йўли сифатида стратегик аҳамиятга эга”. Каримов янгича қўламлар касб этган ва Ўзбекистон учун “Буюк ипак йўлининг қайта тикланиши”ни англатадиган Европа—Кавказ—Осиё маршрутидаги портлар ва темир йўлларнинг реконструкция қилиниши бу йўналишда юклар оқимини кескин қўпайтириш имконини беради, деди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирги вақтда Европа иттифоқига аъзо барча мамлакатлар ТРАСЕКА лойиҳасини амалга оширишда қатнашмоқда, чунки Буюк ипак йўли фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий, шунингдек стратегик аҳамиятга ҳам эга. Ҳозир Ўрта Осиё ва Кавказ мамлакатларининг аҳамияти жуда ошиб кетди. Улар, Каримовнинг фикрича, чекка ўлкалардан “халқаро сиёсатнинг марказига” айланмоқда.

Ўзбекистон ўз ҳамкорлари, энг аввало, Қирғизистон ва Хитой билан ишлаб чиқаётган бир қанча бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилишини ҳам ТРАСЕКА лойиҳасининг тезлашиши билан боғламоқда. 1997 йил июлида Ўзбекистон ва Қирғизистонни Хитой билан боғлайдиган автомобиль йўлини тантанали очиш маросими бўлди. Бу Фаргона водийсини Хитойнинг шарқий вилоятлари билан боғлайдиган биринчи магистрал йўлдир. 1997 йил 25 апрелда Ўзбекистон билан Қирғизистон Андижон—Ўш—Саритош—Иркештом маршрути бўйича автомобиль йўлини биргаликда қуриш ва ишлатиш ҳақида икки томонлама ҳукумат битимини имзоладилар. Бу йўл Марказий Осиёни Хитой билан боғлайди. 1997 йил июлида ишга туширил-

ган бу йўл Тошкент, Андижон, Уш ва Қашқар шаҳарлари орқали ўтадиган, Хитойни Ўрта Осиё республикалари орқали Европа билан боғлайдиган магистрал автомобиль йўлининг бир қисмидир. Тошкентдан Қашқаргача бўлган автомобиль йўлининг узунлиги 940 км. Бу транспорт маршрути тарихда машҳур Буюк ипак йўлининг бир қисми бўлиб, Европа билан бепоён Тинч океан минтақаси ва Жануби-Шарқий Осиё ўртасида энг қисқа алоқани таъминлайди. Ўзбекистон Ўрта Осиё минтақасидаги мамлакатларни Хитой ҳудуди орқали Япония билан бирлаштирадиган магистрал йўл қурилишидан ҳам манфаатдор.

Юқорида тилга олинган транспорт лойиҳаларининг амалга оширилиши Ўзбекистонни бир вақтнинг ўзида Европага, Форс кўрфазига, Ҳиндистон ва Тинч океан минтақасига олиб чиқади ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамияти билан ташқи алоқалари мустақамланишига ёрдам беради.

Шунингдек, телекоммуникация алоқасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу тармоқни модернизациялаш учун энг янги технологиялардан фойдаланилмоқда, шу билан бирга муаммони ҳал қилиш минтақадаги мамлакатлар куч-гайратларини бирлаштириш йўли билан анча енгиллаштирилмоқда. Хусусан, ЭКО аъзолари бўлган мамлакатларнинг телекоммуникация тизимларини Трансозиё—Европа оптик-тола кабель тизимига улаш Ўзбекистонга дунёнинг ҳамма минтақалари билан алоқани анча яхшилашда ёрдам берди. Оптик-тола кабель линиясининг Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтадиган қисмини қуриш 1997 йил ноябрида тугалланди. Рақамли жиҳоз ўрнатилиб, ишга туширилди. Бу эса бир неча мингта тез ишлайдиган каналлар орқали юқори сифатли Шарқ-Ғарб алоқасини ташкил этиш, шунингдек видео-конференц алоқани амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг меҳнат ресурслари (Ўрта Осиёдаги барча меҳнат ресурсларининг 40 фоизига яқини) аҳолининг деярли 50 фоизини ташкил этади ва улар ҳар йили 210—220 минг кишига кўпайиб бормоқда. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг ёш таркибини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, XXI аср бўсағасида меҳнат ресурсларини

асосан 30—49 ёшлилар гуруҳи белгилайди. Бу гуруҳ меҳнатда юксак фаоллиги билан ажралиб туради. Ҳозир Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 24 йилга тенг бўлиб, шу билан бирга ходимларнинг муҳим хусусияти уларнинг юқори билим даражасига эгалитидан иборатдир. Халқ хўжалигида банд бўлган ҳар тўрт кишининг биттаси олий ёки ўрта махсус маълумотга эга.

Мамлакат айниқса аграр, табиий ва аниқ фанлар соҳа-сида кучли илмий салоҳиятга эга. Ўзбекистон олимларининг тарих, математика, физика, гелиоматериалшунослик, сейсмиклик ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги назарияси, ўсимлик моддалари кимёси ва бошқа соҳалардаги тадқиқотлари республикадан ташқарида ҳам машҳур.

Ўзбекистон туризм индустриясини ривожлантириш учун ҳам жуда яхши имкониятларга эга. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Қадимда Буюк ипак йўли ана шу шаҳарлар орқали ўтар эди. Республика ҳудудида 5 мингдан ортиқ монументал меъморчилик ёдгорликлари жойлашган бўлиб, уларнинг кўплари ЮНЕСКО томонидан муҳофаза қилинади. Табиий-иқлим шароитлари туристларни йил давомида қабул қилишга имкон беради, бу ерда бир йилдаги қуёшли соатлар сони 3 мингга боради. Охириги йилларда Ўзбекистонда туристлар сони кўпайиб бораётганлиги кутатилмоқда. Агар 1993 йилда мамлакатга 92 мингдан ортиқ хорижлик турист келган бўлса, 1998 йилда уларнинг сони 271 мингдан ошиб кетди. Ҳозирги вақтда 330 дан ортиқ хусусий туристик фирма ишлаб турибди.

Республиканинг жуғрофий-сиёсий ўрни жуда яхши. Тарихда ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қадимий савдо йўллари туташган, ташқи алоқалар жараёни фаол кечган ва турли маданиятлар бир-бирларини ўзаро бойитган жой эди. Ҳозир ҳам Ўзбекистон автоном энергетика ва сув тизимларига эга бўлган Ўрта Осиё минтақасининг маркази бўлиб, кўпгина масалаларда қўшни республикаларни боғлаб турувчи бугин бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарих тақозоси билан Ўзбекистон Евроосиёнинг Фарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлаб турувчи муҳим йўллари чорраҳасида жойлашган. Буюк ипак йўли Франция ва Испаниядан тортиб узоқ Ҳинди-

стон ва Хитойгача чўзилиб кетган эди. Бу йўлда Ўзбекистон туташтирувчи марказий ҳалқа, Шарқ билан Ғарб, ислом билан христианлик фаол бақамти келган, шарқ ва ғарб маданиятлари бир-бирига таъсир кўрсатган жой эди. Бу ҳол Буюк ипак йўли сингари Евроосиё иқтисодий ва илмий-маданий кўпригини йўлга қўйиш ғоясини узоқ муддатли истиқбол сифатида илгари суриш имконини берди. Республика давлатлар ўртасида товарлар, сармоя ва ишчи кучи қатновининг, иқтисодиёт, маданият ва сиёсат соҳаларида миллий манфаатлар интеграциясининг ўзига хос минтақавий марказига айланиши учун ҳамма шарт-шароитлар бор.

Ўзбекистон ўз қонунчилик базасининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умумэтироф этилган халқаро нормалар ва қоидаларга яқинлаштирди. Автомобилда юк ташиш соҳасида МДП дафтарчасини қўллаган ҳолда халқаро юклар ташиш тўғрисидаги Божхона конвенцияси, Халқаро юклар ташиш шартномаси тўғрисидаги Конвенция, Йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги Конвенция ва Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция имзоланди.

Фуқаро авиацияси соҳасида Учиш воситаларини қонунсиз босиб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция, Ҳаво кемаси бортида қилинадиган жиноятлар ва баъзи бошқа ишлар тўғрисидаги Конвенция, ҳаво кемаларида халқаро йўловчи ва юклар ташишга доир баъзи қоидаларни бирхиллаштириш учун Конвенция ратификация қилинган. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияларни ўзгартиришга доир яна 13 та протоколни ратификация қилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда транспорт ва коммуникация хизматлари кўрсатиш бўйича хорижий компаниялар билан тузилган бир неча ўнлаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Улар орасида авиация ёрдамида халқаро йўловчи ва юклар ташиш бўйича қўшма корхоналар — “Азия Рианта” (Ирландиянинг “Эр Рианта интернэшнл” компанияси ва Шеннон аэропорти билан бирга); “Аскон” (Американинг “Конкорд” корпорацияси билан бирга); “АЭРО Абда” (Малайзиянинг “Абди АПР фрейг СНД

ВХЛ” компанияси билан бирга); “Интер сервис Карго” (Бирлашган Араб Амирликлари билан бирга) ва бошқалар бор. Автомобиль транспорти соҳасида ҳам Ўзбекистоннинг автомобилда халқаро йўловчи ва юк ташувчилар Уюшмаси доирасида шунга ўхшаш корхоналар ташкил этилган. Бу уюшма автомобилларда халқаро йўловчи ва юк ташиш соҳасида самарали транспорт сиёсатини амалга оширишга ёрдам бермоқда, ана шу ташишларни амалга ошириш чоғида республиканинг миллий манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистонда “Моторола” (АҚШ), “Сименс”, “Алкател” (Германия), “ДЭУ” (Жанубий Корея) сингари етакчи хорижий компаниялар иштирокида телекоммуникация тармоқлари қайта қурилмоқда, замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникаси тизимларини чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этилмоқда.

Бой табиий ресурслар, арзон ишчи кучи ва қулай иқлим шароитлари Ўзбекистонга саноат ва қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан ривожлантириш имконини бермоқда. Етакчи тармоқлар — пахта тозалаш, тўқимачилик, машинасозлик, газ, электртехника, радиоэлектрон, авиация, нефтни қайта ишлаш, рангли металлургия, приборсозлик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш тармоқлари жўшқин ривожланиб бормоқда. Ҳозир у шўролардан кейинги маконда ўз саноат ишлаб чиқаришини 1990 йил даражасигача тиклаб олишга муваффақ бўлган бирдан-бир мамлакатдир. Ўзбекистон қисқа муддат ичида собиқ Иттифоқнинг хом ашё қўшогидан саноати тараққий этган давлатга айланди. У юқори даражада қайта ишланган маҳсулот чиқармоқда ва автомобиллар, самолётлар, телевизорлар, видеоманитофонлар, кимёвий бўёқлар ва лаклар, гиламлар ва трикотаж матолар ҳамда бошқа кўпгина маҳсулотлар экспорт қилмоқда.

Республикада нуфус соҳасидаги вазият ўзига хосдир. Ўзбекистон туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиши даражаси юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Кейинги ўн йилликлар давомида республика аҳолиси ҳар йили 2,5 фоиз (500 минг кишидан кўпроқ) кўпайиб келди. 1990—1996 йил-

ларнинг ўзидагина аҳоли сони 13,3 фоиз кўпайди. Ҳозирги вақтда республикада 25 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Бу кўшни мамлакатлардагидан анча кўп.

Марказий Осиё минтақасидаги бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистоннинг ҳам хусусияти шуки, бу ерда оилалар катта. Республикада бир оилада ўртача 5,5 киши, бир қанча вилоятларда 6 киши ва ундан ортиқ одам яшайди, ҳолбуки МДҲ таркибидаги Европа мамлакатларида бир оилага 3,2 киши тўғри келади. Мамлакатда тузилган никоҳлар кўрсаткичи юқори бўлиб, оилаларнинг бузилиб кетиш даражаси дунёдаги энг қуйи даражалардандир. Оила ўзбекларнинг кўп асрлик аъналарига ва менталитетига мос бўлган энг муҳим ҳаётий қадриятлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

ТЕНГЛАР САФИДА БИРИНЧИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Ҳозирнинг ўзидаёқ кўплар Ўзбекистон табиий ресурсларининг жуда катта имкониётларини, иқтисодиёти юқори суръатлар билан ривожланиб бораётганини, кучли давлатчилигини, жуғрофий мақоени ва ўсиб бораётган халқаро обрў-эътиборини ҳисобга олиб, бу давлатни минтақанинг таъсири кучли йирик давлати деб атамоқдалар. Россия империяси Ўрта Осиёни истило қилганидан кейин бир ярим аср ўтгач, ўзбек халқининг эзгу орзуси рўёбга чиқди — Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан реал давлатчилигини қайтадан қўлга киритди. Ана шу вақтдан бошлаб Президент Каримовнинг жўшқин ташқи сиёсий фаолияти бошланди.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон халқаро майдонда суверен мустақил давлат сифатида тан олиншига эришиш, уни халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъектига айлантириш керак эди. Президент халқаро миқёсда эътирофга эришиш жаҳон ҳамжамияти назарида мамлакат обрўсини оширишни, чет эл инвестициялари учун республикага йўл очишни ҳамда қадимда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги Буюк ипак йўлининг ғоят муҳим ҳалқаси бўлган Ўзбекистоннинг ролини қайта тиклашни англантишини яхши тушунар эди. Давлат бошлиғи “Тинчлик ва миллатлараро тотувлик минтақада осойишталик ҳамда барқарорликнинг асосий шартларидир”, деб қайта-қайта таъкидлади. Унинг қаттиқ, бироқ пухта текширилган “Минтақавий муаммолардан жаҳоншумул муаммоларга”, — деган тамойилини охир-оқибатда жаҳон ҳамжамияти тушуниб етди.

Каримов ички ва ташқи сиёсатни бир-бири билан узвий боғлашга муваффақ бўлди. У мамлакат ичида бар-

қарорлик ва осойишталикка эришди, республика истиқлолининг дастлабки кунлариданоқ мустақил ташқи сиёсат юрита бошлади, тинчлик ва ҳамкорликни бу сиёсатнинг асоси деб эълон қилди.

Мамлакатнинг ташқи сиёсати давлатнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Бу қоида ва нормалар “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий қоидалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Қонунида ўз тасдиғини топди.

Президент Каримов 2000 йил 22 январда Республика Парламентида президентлик лавозимига киришиш чоғида нутқ сўзлаб, бундай деди: “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятининг асосини давлат миллий манфаатларининг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ мезонлари, тенглик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча баҳсли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш каби жаҳон миқёсида эътироф этилган тамойиллар ташкил қилади”.

Ўзбекистон қисқа давр ичида халқаро миқёсда эътироф этилди. 1992 йил 2 мартда мамлакат халқаро ҳуқуқнинг тула ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Бу эса унга халқаро иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очиб берди. Ҳозир Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, “Ислом конференцияси” ташкилоти, Жаҳон туризм ташкилоти, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро валюта фонди (ХВФ), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТҲБ), Осиё ва Тинч Океан иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Атом энергиясини назорат қилиш халқаро ташкилоти ва бир қанча бошқа халқаро ташкилотларнинг аъзосидир. Тошкентда БМТ ваколатхонаси, ЮНЕСКО, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг офислари ишлаб турибди. Республика Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг

Хельсинки Якунловчи ҳужжатини имзолади ва шу тариқа Европа давлатлари ҳамжамиятига йўл очди.

Ўзбекистон Туркия, Эрон ва Покистон томонидан тузилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО)га ҳам аъзо бўлди. Шу билан бирга ЭКО аъзолари бўлган давлатлар бошлиқларининг 1996 йил май ойида Ашгаботда бўлган тўртинчи учрашувида республика бу ташкилотга қандай бўлмасин мафқуравий ва сиёсий тус беришга қатъий қарши чиқди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёнинг 130 дан ортиқ мамлакати билан расмий дипломатия алоқалари ўрнатилган. Ўзбекистон пойтахти Тошкентда 40 га яқин мамлакат ўз элчихоналарини очган. Бундан ташқари, республикада 88 хорижий ваколатхона аккредитация қилинган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот ишлаб турибди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистон кўпгина ғоят муҳим халқаро конвенцияларга қўшилди. Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми турли давлат уюшмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир. Мамлакат Европа Иттифоқи (ЕИ), НАТО ва шулар каби бошқа минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Жаноб Каримов айтганидек, “Ўзбекистон сиёсатининг кўпқирралилиги ва ошқоралиги иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар билан мустақкам ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишга йўл очиб бермоқда”.

1996 йил 21 июнда Флоренцияда ЕИ аъзолари бўлган давлатлар ва мамлакатлар ҳукуматлари бошлиқларининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим тантанали вазиятда имзоланди. Илгари бундай Битимни имзолаган янги мустақил давлатлар орасида фақат Россия ана шундай ҳурматга мушарраф бўлган эди.

Бу Битим Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги муносабатларга мустақкам институциявий асос солади. У кенг куламли савдо-иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда, зарур ҳолларда олий даражада сиёсий маслаҳатлар ўтказилишини ҳам назарда тутди. 1999 йил 1 июлдан бошлаб ушбу Битим кучга кирди ва ҳозир муваффақият билан амал қилмоқда.

Ўзбекистон билан НАТО ўртасида яхши ҳамфикрлик вужудга келди. Мамлакат 1994 йил июль ойида НАТО-нинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” деган дастурига қўшилди. Бу дастур коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг қўламли тизимини, жумладан Марказий Осиё минтақасида ҳам вужудга келтиришга қаратилган. НАТО билан ҳамкорлик қилиш ҳарбий-сиёсий воқеалардан хабардор бўлиб туриш, ушбу иттифоқ доирасида ўтказилаётган тадқиқот ва ишлардан фойдаланиш, НАТО мамлакатлари ўтказаетган гадбирларда, хусусан ҳарбий тузилмаларнинг биргаликдаги машқларида қатнашиш имконини беради.

Ёш давлатнинг ЕХХТ билан муносабатлари самарали ривожланиб бормоқда. 1992 йил январиди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ҳозирги ЕХХТ) ташқи ишлар вазирларининг Прагада бўлиб ўтган мажлисида мамлакат ушбу халқаро ташкилотга қабул қилинди. Ҳозир ЕХХТ Ўзбекистон билан биргаликда минтақавий қўламлидаги бир қанча лойиҳани амалга оширмоқда. Республика пойтахтида ЕХХТ ўзининг минтақавий Бюросини (Ўрта Осиё миқёсида) очди. Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкентда ЕХХТнинг бир қанча йирик анжуманлари ўтказилди. ЕХХТнинг Ўзбекистонда иш олиб бораётган Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) Тошкентда “Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар” деган мавзуда халқаро семинар-кенгаш ўтказди. Бу кенгаш Марказий Осиё, Европа, Американинг 21 мамлакатидан, шунингдек 29 та халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлардан келган экспертлар иштирокида кенг доирада мулоқот ўтказиш имконини берди. Марказий ва Шарқий Европадаги омбудсман институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ривожлантириш, қонунчилик тизимларини такомиллаштириш, шунингдек халқ таълими ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги родини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

ЕХХТ, ДИИХБ ташаббуси билан Тошкентда “Оммавий ахборот воситалари демократиялаш шароитида” деган семинар ҳам ўтказилди. Республика пойтахтида ЕХХТнинг Мурсага келтириш ва арбитраж бўйича суди то-

монидан ташкил этилган ЕХХТ халқаро семинари ҳам бўлиб ўтди. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасида яқин ва самарали муносабатлар ўрнатилганидан дарак беради.

Тошкент Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг асосий тамойилларидан бири бўлган хавфсизлик яхлитлигини тула қўллаб-қувватламоқда. Ўзбекистон Президенти хавфсизликнинг, шу жумладан Европа хавфсизлигининг чегараси йўқ, деб ҳисоблайди. Ана шунга асосланиб, унинг фикрича, ЕХХТнинг ўрни ва аҳамияти, агар жоиз бўлса, масъулияти Европа доираси билангина чекланиб қолиши мумкин эмас, балки унинг ташқарисидан келаётган мавжуд хавфни ҳам ҳисобга олиши лозим.

“Биз Марказий Осиё минтақасининг жуғрофий-стратегик ҳолатини, унинг салоҳиятини, улкан хом ашё ва инсоний ресурсларини, шунингдек тез ривожланаётган бу минтақада содир бўлаётган хавфсизлик учун хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда ЕХХТ бу ерда ўз фаолиятини янада кучайтириши тарафдоримиз”, — деди Ислом Каримов ЕХХТга аъзо давлатлар бошлиқларининг 1996 йил декабрда Лиссабонда бўлган учрашувида сўзлаган нутқида.

Президент И. Каримов ЕХХТнинг 1999 йил ноябрь ойида Истанбулда ўтказилган саммитида сўзга чиқиб, терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш масаласини кескин қилиб қўйди.

Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ ҳомийлигида 1995 йилда Тошкентда Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик муаммолари бўйича халқаро семинар муваффақиятли ўтди. Унда 20 та халқаро ташкилот вакиллари, шунингдек дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан, жумладан АҚШ, ГФР, Франция, Россия, Буюк Британия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқа мамлакатлардан келган дипломатлар ва ҳукумат вакиллари қатнашди.

Ўзбекистоннинг Европа билан интеграциялашуви республиканинг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан жуда муҳим. Европа ва умуман бутун Ғарб юқори технологиялар ва инвестициялар манбаидир, шунингдек демокра-

тия ва инсон ҳуқуқлари рамзидир. “Европа ва бутун дунё билан ошкора, ҳалол ва ўзаро манфаатли алоқаларга тайёргарлик, — дейди Каримов, — халқимизнинг қонига сингиб кетган деса бўлади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва унинг жуғрофий-сиёсий маҳаллини эгаллаб турибдики, азалдан Ғарб билан Шарқ айна шу ерда бир-бирига туташган. Осиё билан Европани боғловчи энг муҳим карвон йуллари қадим замонлардан буён бизнинг диёримиздан ўтган. Буюк ипак йўлини эслаш кифоя, унинг анъаналари ҳозирги воқелигимизда қайтадан тикланмоқда.

Шу сабабли кейинги йилларда Европанинг кўпгина етакчи мамлакатлари — Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Италия, Швейцария, Португалия, Австрия, Греция, Чехия, Словакия, Руминия, Финляндия, Польша ва бошқалар билан бевосита икки томонлама муносабатлар анча кенгайди ва мустақамланди. Бу давлатлар Марказий Осиё минтақасидаги узоқ муддатли манфаатларини борган сари чуқурроқ англамоқдалар. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп томонламалиги ва ошкоралиги дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлари билан мустақам ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга ёрдам берди. Минтақа халқлари деярли икки ярим минг йилдан бери Европа цивилизацияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар.

“Биз бундан буён ҳам мамлакатимизнинг етакчи Европа давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида ҳаракатимизни аямаймиз. Иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқаларга, шунингдек, изчил сиёсий мулоқотларга кенг имкониятлар очиб берадиган Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги Битимнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият берамиз”, — деб таъкидлади давлат бошлиғи.

Ислом Каримов давлат ташқи сиёсатининг яқин йилларга мўлжалланган истиқболларини белгилаб берар экан, 2000 йил 22 январда республика Олий Мажлисида президентлик лавозимида киришиш муносабати билан сўзлаган нутқида шундай деди: “Жаҳоннинг энг тараққий топган мамлакатлари билан яқиндан алоқа ўрнатиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонпарварлик

ташкilotлари билан ҳамкорликни кучайтириш давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнининг ажралмас қисмидир”.

“Америка Қўшма Штатларидек улкан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган мамлакат билан ҳар томонлама муносабатларни бундан кейин ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш — биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга”, — деб қайд этди Ўзбекистон Президенти.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги давлатлар билан, аввало, Япония, Корея Республикаси билан кўп қиррали ҳамкорлиги ҳар томонлама ривожланиб бораётганини, “қўшни ва дўст бўлган буюк давлат” — Хитой Халқ Республикаси билан алоқалар мустаҳкамланаётганини зўр мамнуният билан қайд этди.

“Россия билан тарихан қарор топган иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларимиз Ўзбекистон учун, қолаверса, бугун минтақамиз учун ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган, — деди Президент. — Шунинг таъкидлашни истардимки, тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган, икки давлат орасидаги кўп томонлама ҳамкорлик, стратегик шерикликни кучайтириш учун бугун янги имкониятлар пайдо бўлаётгани ҳар икки томон — Россия ва Ўзбекистон манфаатларига ҳам мос келади”.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий ютуғи шу бўлдики, расмий Тошкент дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳеч қандай тўқнашув ва сиёсий ўйинга йўл қўймади ва у Фарб, биринчи навбатда АҚШ билан Россия ва Хитой ўртасида адоват сабабчиси бўлиб қолмасликка эришди. Ҳолбуки шуролардан кейинги маконда ҳозир ана шундай тўқнашув мавжуд. Грузия, Озарбайжон, Украина ва Белоруссия Россия билан Қўшма Штатлар ўртасидаги анча хавfli жуғрофий-сиёсий ўйинлар марказига айланиб қолди ва бу ҳол келажакда ушбу мамлакатларнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солади.

Тошкент Россия, АҚШ ва Хитой каби йирик давлатлар билан ўз муносабатларини ташкил қилар экан, бу давлатларнинг оламшумул даражадаги манфаатлари ҳамма вақт ҳам бир-бирига мос келавермаслигини яхши тушунади. Шу жумладан, Марказий Осиёда ўз таъсирини ўтқа-

зиш учун кураш масаласида ҳам бу давлатлар ўртасида кучли ихтилофлар, баъзан эса қаттиқ рақобат ҳам мавжуд. Агар Ўзбекистон мустақиллик йиллари давомида ўтказиб келаётган ташқи сиёсатга эътибор билан қарайдиган бўлсак, Республика раҳбарияти мана шу ҳолатни ҳисобга олаётганига ва бирон-бир зиддиятли вазият туғдирмасликка, аксинча бундай вазиятларни бартараф этишга ҳаракат қилаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат бобидаги доктринаси республиканинг ҳамма давлатлар билан муносабатларини тенг ҳуқуқли асосда ташкил этишга ва ўзаро манфаатларни ҳисобга олишга имкон бермоқда.

Ўзбекистон юритаётган мувозанатли ташқи сиёсатнинг сири шундаки, мамлакат раҳбарияти жаҳоннинг ҳамма буюк давлатларига Тошкент билан дўст бўлиш ва узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун улар ўз манфаатларини Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари билан мувофиқлаштиришлари кераклигини ошқора маълум қилди. Сиёсий ва иқтисодий воқеликларга асосланган ана шундай муносабатларгина узоқ муддатли истиқболга эга бўлади. Ҳамкорлик, энг аввало, стратегик шериклик ўзаро манфаатли бўлиши керак, давлатлар ўртасидаги муносабатлар қарама-қарши манфаатларни кўзлашига йўл қўйиб бўлмайди. Жаҳон тажрибасидан кўришиб турганидек, бундай аҳволга йўл қўйиш ҳеч қандай яхшиликка олиб бормайди. Шунинг учун ҳозир Россия Ўзбекистон каби мамлакат билан сузлашганида унга ўзининг “собиқ мустамлакаси” деб, АҚШ эса — ўзининг янги “жуғрофий-сиёсий периферияси” деб муомала қилмаслиги керак. Бу мамлакатга нисбатан куч ишлатиш сиёсати истиқболсиздир, иккала томон учун ҳам фойдали иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий мақсадларни кўзлаш керак.

Ўзбекистон АҚШ, Россия, Эрон, Хитой, Ҳиндистон, Туркия каби давлатлар билан ўз муносабатларини ташкил этар экан, кимгадир ёқишга ҳаракат қилмайди. Тошкентнинг ташқи сиёсати ўзининг миллий манфаатларига асосланади. Бу манфаатлар АҚШнинг ҳам, Россиянинг ҳам, Туркия ёки Хитойнинг ҳам манфаатларига қарши қаратилган эмас. Сунги йиллар мобайнида Ўзбекистон минтақада хавфсизликка эришиш ва узоқ муддатли ҳам-

корлик йўлида узаро оқилона муросага тайёр эканлигини бир неча бор исбот қилди.

Ислом Каримов сиёсий муаммолардангина эмас, балки иқтисодий муаммолардан ҳам жуда яхши хабардор. Эҳтимол бунда унинг технократ, катта хўжалик тажрибасига эга эканлиги роль ўйнагандир. Фарблик кузатувчилар шуни алоҳида таъкидлашадики, Президент Каримов чет мамлакатларга расмий ташриф билан борган вақтларида ишбилармонлар доираларининг вакиллари билан учрашувларга катта аҳамият беради. Бундай учрашувлар вақтида у Ўзбекистонда юз бераётган жараёнлар ҳақида, республикада чет эллик тадбиркорлар фаолияти ҳамда хорижий инвестицияларни кенг қуламда жалб этиш учун яратилган имтиёзлар ва қулай шароитлар ҳақида батафсил сўзлайди. Масалан, немисларнинг “Штутгартер цайтунг” газетаси Ўзбекистон Президентининг Боннга ташрифини шарҳлаб, бундай деб ёзган эди: “Каримов ўз мамлакати билан таништириш ҳамда амалий таклифларни ўртага ташлашда маҳорат кўрсатди”.

Ўз навбатида Испаниянинг раҳбарларидан бири шундай деган эди: “Бизни уч ҳолат Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тортади. Биринчиси — мамлакат ичидаги тартиб ва барқарорлик. Иккинчиси — сиёсатдаги изчиллик ва қатъийлик. Учинчиси — Ўзбекистон тепасида жиддий ва омилкор раҳбарлар турганлиги”.

Каримов чет эллик сиёсатчилар ва иқтисодчиларни Ўзбекистон ёрқин истиқболларга эга эканлигига, унинг бойликлари чиндан ҳам битмас-туганмас, халқи эса меҳнаткаш эканлигига ишонтира олди. “Биз билан ҳалол ҳамкорлик қилмоқчи бўлганлар ютқазмайдилар!” — деди Президент.

Ташқи иқтисодий инфратузилмани яратмасдан, молия, банк-кредит ва шу каби бошқа ташкилотлар ишини йўлга қўймасдан туриб, халқаро алоқаларни мустақамлашни тасаввур этиб бўлмайди. Ташқи иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда асосий эътибор, энг аввало, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилмоқда. Экспорт таркибида катта ўзгаришлар қилинмоқда — хом ашё ресурсларини экспорт қилишдан Ўзбекистон учун кўпроқ фойда келтирадиган шакллар-

га — қайта ишланган тайёр қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, енгил саноат ва илмий жиҳатдан мураккаб тармоқларнинг маҳсулотини экспорт қилишга ўтилмоқда. Экспорт имкониятларини кенгайтириш ва жаҳон бозорларига чиқиш учун қимматли хом ашёни қайта ишлаб тайёр маҳсулот чиқарадиган корхоналар чет эллик инвесторлар билан биргаликда барпо этилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга, хўжалик юритувчи субъектларга чет эллик шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда, ўзларининг тайёр маҳсулотларини чет элда сотишда кўпроқ эркинлик беришга, товарларни экспорт ва импорт қилишнинг янада имтиёзли тартибини жорий этишга қаратилган аниқ мақсадли сиёсат юритилмоқда. Бундан ташқари, республика иқтисодиётига асосан бевосита сармоя солиш тарзида чет эл инвестицияларини кенг қўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа шарт-шароитлар яратилмоқда, қўшма корхоналар ташкил этишга ёрдам берилмоқда, инвесторларнинг манфаатларини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатга юқори даражада эътибор берилаётганлигининг яна бир сабаби шундаки, у Марказий Осиёда муҳим стратегик ўрин тутаяди. Бу минтақанинг келажаги кўпроқ айнан Ўзбекистонга боғлиқ, шу сабабли унинг халқаро майдондаги таъсири сўнгги вақтларда жадал ўсиб бормоқда. Қолаверса, ўзбек дипломатларини ҳам муносиб баҳолаш керак. Улар республика ташқи сиёсий доктринасининг моҳиятини жаҳон жамоатчилигига ва етакчи халқаро ташкилотларга жуда муваффақиятли етказмоқдалар.

Президент Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асоси сифатида қуйидаги тамойилларни илгари сурди:

1. Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. “Бизнинг мустақил давлатимиз, — дейди Каримов, — бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсуниб учун мустақил бўлгани йўқ”.

2. Республика халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб,

халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоklar ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

3. Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади.

4. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик принципини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

5. Ўзининг миллий-ҳуқуқ тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон ички миллий қонун нормаларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади.

6. Тошкент тўла ишонч принциплари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

МДХ мамлакатлари билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Каримов интеграция жараёнларини ривожлантиришни, МДХнинг самарали ишлашига имкон берадиган таъсирчан механизм яратишни изчил ёқламоқда. Айни вақтда Ўзбекистон Президенти Ҳамдўстликни сиёсий ташкилотга айлантиришга ва давлатлар устидан турувчи тузилмалар яратишга қарши чиқмоқда. Тошкент МДХ мамлакатлари билан ўз муносабатларини кўп томонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномалар ҳамда битимлар доирасида ҳам, шунингдек, тўғридан-тўғри икки томонлама мулоқотлар, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатиш асосида ҳам ташкил қилмоқда. Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик бўйича шериклар билан ўзаро муносабатларидаги энг муҳим масала — Россия билан тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда унинг салоҳиятига таянишдир.

Ислом Каримов “давлатлар ўртасидаги интеграция ва кооперация қуйидаги бешта шартга асосланиши лозим”, деб ҳисоблайди:

“1) интеграцияга ихтиёрий қўшилиш, бунда давлатлар тўла тенг ҳуқуққа эга бўлиши керак. Суверенитет ва давлат мустақиллиги тўла сақланиб қолиши зарур;

2) ҳар бир мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар бир йўналишда ва бир-бирига монанд бўлиши лозим. Сиёсий ва иқтисодий янгиланишларнинг, қонунчилик ва ҳуқуқий асоснинг турли босқичида турган давлатларнинг интеграциялашуви мумкин эмас;

3) ҳар бир давлат, энг аввало, ўз салоҳиятига суяниши лозим. Интеграция ва кооперация жараёнларини чуқурлаштиришдан барча, аввало, ўзаро бир-биридан манфаатдор бўлиши керак. Боқимандалик кайфиятининг барча кўринишларига, бировнинг ҳисобидан бошқаларнинг муаммосини ҳал этиш ниятларига барҳам берилиши шарт. Қудратли Россия бошқаларни елкасига ўтқазиб, бало-қазолардан бир амаллаб олиб ўтади, деган хомжаёлга учмаслик керак;

4) интеграция жараёнларини сунъий равишда жадаллаштиришга ҳам йўл қўйиб бўлмайди. Интеграция шунчаки интеграция учун эмас, популистик ва бошқа сиёсий мақсадларга эришиш учунгина эмас, энг аввало, биз номи ва фикри билан ҳар бир хатти-ҳаракатимизни ниқобламоқчи бўлаётган халқларнинг фаровонлиги учун амалга оширилиши лозим;

5) интеграция жараёнларига мафкуравий тус бериш оқибатида давлатлар устидан қуриладиган парламентлараро, ҳукуматлараро қўшма тузилмаларни ташкил этиш, бу жараённи иқтисодий интеграция жараёнларидан олдин қўйиш ҳамда иқтисодий алоқаларнинг ҳолисона амалга оширилишига зуғум қилиш мутлақо номақбулдир.

Аравани отдан олдинга қўйиб бўлмаганидек, сиёсатни ҳам иқтисодиётдан олдинга қўйиб бўлмайди”.

Ўзбекистон МДХни халқаро ҳуқуқ субъекти деб ҳисоблашларига қатъиян қарши чиқмоқда ёки, Президент Каримов айтганидек, ”Бу — ҳамдўстликми, ҳамдўстлигича қолсин”. У яна: “МДХ самарадорлигига унга сиёсий тус беришга, уни ҳарбий-сиёсий мақсадларга қаратишга, ол-

динги хўжалик алоқаларини қайта тиклаш учун фойдаланишга уринишлардан путур етмоқда. МДХ тўғрисида гапирганда, шуни таъкидлаш керакки, биз МДХ доирасида ҳам икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашни афзал деб биламиз. Уларнинг орасида Россия шубҳасиз биринчи ўринда туради”, деди.

МДХ маконида интеграциялашув юз бермаётганлигининг асосий сабабларидан бири шуки, Ҳамдўстлик раҳбар идораларининг қарорлари кўпинча қоғозда қолиб кетмоқда. МДХ доирасида имзоланган 2000 дан ортиқ ҳар хил битимларнинг кўпи ҳозиргача тула-туқис бажарилмади. Мабодо МДХ давлатлари бошлиқлари саммитларининг бирон-бир қарори бажарилаётган бўлса ҳам, кўпи билан 50—60 фоиз даражасида бажарилмоқда.

1999 йил апрелида, Вашингтонда НАТОнинг 50 йиллигини байрам қилиш вақтида Ўзбекистон ГУАМ минтақавий гуруҳига қўшилди. Бу гуруҳ унга кирган Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлатлари номининг бош ҳарфлари билан аталган. ГУАМ мамлакатларининг президентлари Эдуард Шеварднадзе, Леонид Кучма, Ҳайдар Алиев ва Пётр Лучинский Ўзбекистоннинг АҚШ элчихонасида ўзларининг ўзбек ҳамкасблари Ислон Каримов билан учрашдилар ва Ўзбекистон Республикаси ҳам бу гуруҳга қўшилиши ҳақида бир битимга келдилар. Беш давлат — Грузия, Украина, Ўзбекистон, Озарбайжон ва Молдова бошлиқлари ГУАМ бундан буён ГУУАМ (ГУ-ЎОМ) деб аталиши ҳақида келишиб олдилар. Ушбу учрашув якунлари бўйича декларация имзоланиб, унда ГУУАМ доирасидаги ҳамкорлик “учинчи мамлакатларга ва мамлакатлар гуруҳларига қарши қаратилмаган”лиги таъкидланди.

ГУУАМ президентлари халқаро ташкилотлар ва анжуманлар доирасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва муносабатни, шунингдек Евроатлантик шериклик Кенгаши ҳамда НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасидаги муносабатни мустаҳкамлаш ҳақида аҳдлашиб олдилар. Томонлар можаролар ва тангликларни давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлиги, халқаро кўламда тан олинган чегараларнинг бузилмаслиги асосида тинч йўл билан ҳал қилиш соҳасида ҳамкорликни

мустақамлаш ниятини билдирдилар. ГУУАМ аъзолари этник мӯросасизлик, сепаратизм, диний экстремизм ва террорчиликка қарши курашиш учун биргалашиб кучгайрат сарфлашга, ядро қуролини ҳамда оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини тарқатмаслик тартибларини мустақамлаш, шунингдек можаролар бўлаётган минтақаларга қурол-яроғлар етказиб беришнинг олдини олиш юзасидан биргаликда самарали ҳаракатларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Баъзи экспертлар ГУУАМни МДХга қарши ташкил этилган янги минтақавий давлатлараро ташкилот деб ҳисобламоқдалар. Бироқ ГУУАМ унга кирувчи давлатларнинг бирлашмаси ҳам, иттифоқи ҳам, конфедерацияси ҳам эмас. Бу ташкилотнинг бирдан-бир мақсади унга кирувчи мамлакатлар ҳудуди орқали энг самарали транспорт йўлақларини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишдан иборат. Шу сабабли ГУУАМни МДХ билан рақобатлашувчи сиёсий ташкилот деб ҳисоблаш асло мумкин эмас.

ГУУАМга кирувчи мамлакатлар орқали ўтадиган транспорт йўлаги Европа йўналишидаги энг қулай маршрутдир. Бундан ташқари, Тошкент учун ушбу маршрут иқтисодий жиҳатдан энг фойдали ва жуда зарурдир. Гап шундаки, Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши туфайли Ўзбекистон ўз товарларини жанубга бу мамлакат орқали экспорт қила олмайди; Эрон билан эса Техрон ва Вашингтон ўртасидаги муносабатлар ёмонлиги туфайли сиёсий масалалар туғилмоқда. Ё Туркменистон, Каспий ва Кавказорти мамлакатлари орқали Европага чиқиш, ёки ўз товарлари ва энергия ресурсларини Россия орқали экспорт қилишдан бошқа чора йўқ. Бироқ Қозогистон божхона ходимлари Ўзбекистон товарлари учун жуда баланд тарифлар белгилаганлиги туфайли, Қозогистон ва Россия орқали ўтадиган шимолий маршрут қимматга тушмоқда. Мана шундай шароитда ГУУАМ мамлакатлари орқали транспорт йўлагини очиш анча жозибалидир.

“Иймоним комилки, тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға суради. Ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фа-

қат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина назарда тутиб қолмайди. Иқтисодий, экологик ва маданий жабҳалар ҳам жуда муҳим бўлиб, — хоҳ минтақа бўлсин, хоҳ бутун сайёра бўлсин — бизнинг тинч ва гуллаб-яшнаётган умумий уйимиз ана шулардан ташкил топади”, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида янада кучлироқ интеграциянинг қатъий тарафдоридир. Ислом Каримов Ўрта Осиёнинг қардош мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва мустақкамлашга ҳамма вақт алоҳида аҳамият бериб келди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида иқтисодий муносабатларни мустақкамлаш ҳақидаги шартномани имзолаш ташаббускори айнан Каримов бўлганлиги сир эмас. Бу эса мазкур республикалар божхона иттифоқини тузиш учун асос бўлди. 1994 йил февралда Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентлари ушбу мамлакатлар ўртасида ягона иқтисодий макон ташкил этиш ҳақидаги Шартномани имзоладилар.

Ўрта Осиё давлатларининг ўзаро муносабатлари хусусида Каримовнинг нуқтаи назари шундан иборатки, биринчидан, Марказий Осиё давлатларининг интеграцияси бирон-бир тарзда янгидан алоҳидаланиб олишга интилишни англамайди. Минтақанинг мустақил давлатлари мавжуд чегараларни тан оладилар ва МДХдаги бошқа давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрдилар. Иккинчидан, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш шароитида иқтисодий, молиявий ва бошқа соҳаларда келишиб сиёсат олиб бориш зарур. Учинчидан, ягона божхона қоидалари, солиқ тизими, келишилган нархлар, ягона мудофаа макони бўлиши керак.

Ўрта Осиё минтақаси ҳамма вақт у ёки бу шаклда интеграциялашган эди. Биргаликда куч-ғайрат сарфлаб ўз келажакларини қуриш заруриятини Ўрта Осиё халқлари мустақилликни қўлга киритганларидан кейин яна қайта ҳис этдилар. Бу республикалар ўртасидаги интеграция объектив бўлиб, коммуникациялар, иқтисодиётнинг базавий ва етакчи тармоқлари ҳудудий жиҳатдан муштараклиги, сув ҳўжалиги ва энергетика объектларидан биргаликда фойдаланиш, энергия ресурслари билан таъмин-

лаш зарурлиги бунга сабабдир. Томирлари бир-бирига чатишиб кетган минтақа халқларининг маданияти, тили ва маънавияти бирлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ўрта Осиё республикалари интеграциялашуви учун бир қанча шарт-шароитлар мавжуд. Булар иқтисодий ривожланишнинг бошланғич даражаси бараварлиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг бир хиллиги, ягона транспорт ва энергетика коммуникациялари, сув ресурсларидир. Бундан ташқари, бу ҳудуддаги барча халқлар хавфсизлиги учун умумий таҳдидлар ҳам мавжуд: Орол денгизи қуриб бормоқда, наркотик моддалар, қурол-яроғлар, терроризм ва диний фундаментализм кириб келмоқда, шунингдек, Афғонистон билан боғлиқ кескинлик ва беқарорлик омили ҳам мавжуд. Ўрта Осиёнинг биронта ҳам республикаси мана шу хавф-хатарларга қарши ёлғиз кураша олмайди, шу сабабли улар бирлаштирувчи омиллардир.

2000 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон МДҲга аъзо давлатлар визаларини ўзаро тан олиш ҳақидаги Битимда иштирок этишни тўхтатди. Бу ҳақидаги қарор 1992 йил 13 ноябрда Москвада имзоланган МДҲга аъзо давлатлар визаларини ўзаро тан олиш ҳақидаги Битим қатнашчилари бўлган мамлакатлар визаларига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан миллий қонунларни бузиш, суиистеъмол қилиш ҳоллари кўпга юз бераётганлиги муносабати билан қабул қилинди. Ана шундай тартиббузарликлар сифатида, хусусан, Ўзбекистон ҳудудига “транзит кесиб ўтишдан бошқача мақсадлар” билан киришга уринишлар тилга олинади. Шу муносабат билан 1999 йил 16 февралда Тошкентда юз берган портлашларнинг ташкилотчилари ва ижрочилари ҳам Ўзбекистонга гуё “транзит” бўлиб кирганликларини ва юқорида тилга олинган битимдан фойдаланганликларини кўрсатиб ўтиш керак. Улар Қозоғистон визасига эга бўлганлар ва Тошкентга Алмати орқали келганлар. Шу тариқа Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳам, чегарачилари ҳам Ўзбекистонга бир гуруҳ террорчилар келганидан беҳабар бўлганлар. Агар бу террорчилар Ўзбекистон визасини олмоқчи бўлганларида эди, уларда муаммолар туғилган бўларди, чунки

уларнинг кўплари республикада жиноятчилар деб ҳисобланган ва уларга қарши жиноий ишлар қўзғатилган.

Шу муносабат билан 2000 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистон ҳукуматининг қарори асосида МДХ давлатларининг визаларига эга бўлган ҳамда ушбу давлатларга республика ҳудуди орқали транзит усулида ўтиб бораётган барча чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистоннинг транзит визаларини олишлари шарт деган талаб жорий қилинди. Шунини айтиш керакки, бундай қарор халқаро нормаларга асло хилоф эмас. Аксинча, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида виза режими Ўзбекистондагига қараганда анча қаттиқ (Европа мамлакатларида транзит визасини олмаган одам аэропортдан чиқиш ҳуқуқига эга эмас). Шу сабабли Ўзбекистон маъмурларининг бундай қарори қонунга риоя этувчи фуқароларга эмас, балки экстремистик кучларга қарши қаратилгандир. Бу қарор уюшган жиноятчиликка, наркобизнесга чек қўйишга ёрдам бериши, террорчилар ва бошқа жиноятчи унсурларга қарши курашга хизмат қилиши керак. Ўзбекистоннинг МДХга аъзо давлатлар визаларини тан олиш ҳақидаги Битимдан чиқиши, энг аввало, хавфсизлик шартларини таъминлаш билан боғлиқдир.

Бироқ Ўзбекистоннинг мазкур битимдан чиқиши МДХ фуқароларининг ўзлари учун республика чегаралари ёпиб қўйилганлигини англамайди, асло. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон билан Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистон ўртасида ушбу масала юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Ўрта Осиё республикаларининг Ўзбекистон билан чегарадош туманларда яшаётган фуқаролари бундан буён ҳам бир-бирларининг ёнига визасиз бораверадилар, ушбу мамлакатларнинг қолган фуқаролари учун соддалаштирилган виза тизими жорий этилди. Ўзбекистон раҳбарияти “келажакда, минтақада барқарорлик мустаҳкамлана борган сари, виза тизимини янада эркинлаштириш ҳам назарда тутилади”, демоқда. Табиийки, бу соҳада тартиб ўрнатиш учун МДХ давлатлари, аввало, ўзлари ўрталаридаги виза муносабатларига халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларини асос қилиб олишлари керак бўлади.

Ўзбекистон Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатлари билан дипломатия ва ҳужалик алоқаларини анча муваффақиятли ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон мусулмон давлатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ўзаро муносабатларни чуқурлаштиришга ҳаракат қилмоқда. Араб мамлакатлари билан яқин алоқалар ўрнатилган.

Ўзбекистоннинг жуғрофий-сиёсий мавқеи республиканинг Шарқ мамлакатлари билан ташқи сиёсий алоқаларини ривожлантиришни алоҳида аҳамиятли қилиб қўймоқда. Минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш ушбу мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни талаб этади. Покистон ва Эрон билан муносабатларни ривожлантиришга худди мана шу нуқтаи назардан қараш мумкин. Ўзбекистон Афғонистондаги урушнинг тезроқ тугашидан ва нормал барқарор вазият ўрнатилишидан манфаатдор.

Ўзбекистоннинг Хитой ва Ҳиндистон каби Осиёнинг энг йирик мамлакатлари билан муносабатларини самарали дейиш мумкин. Зарур ресурсларни, халқ истеъмоли молларини етказиб беришдан тортиб, меҳмонхоналар қурилишигача, соғлиқни сақлаш, дори-дармонлар ишлаб чиқариш, анъанавий бўлмаган электр манбаларидан фойдаланишда илмий-техник ҳамкорлик қилишгача бўлган тармоқлар ва соҳаларда ўзаро жиддий манфаатлар мавжудлиги бу муносабатларни чуқурлаштиришга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистоннинг Хитой билан муносабатлари суверенитет ва мустақилликни, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш ҳамда бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, бир-бирларини тушуниш ҳамда иқтисодий, маданий ва илмий ҳамкорликни ҳар томонлама чуқурлаштириш руҳида ривожланиб бормоқда.

1996 йил июнь ойида ХХР Раиси Цзян Цзэмин Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. ХХР ва Ўзбекистон раҳбарлари бир қанча масалаларда, энг аввало, ҳамкорлик, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалаларида ҳамжиҳатликка эришдилар. Ташриф давомида Ўзбекистон билан ХХР ўртасидаги муносабатлар тўғрисида Декларация, темир йўл

транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим, икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳақида Битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

1999 йил 8-10 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи бўлиб ўтди. (Бу унинг Хитойга қилган учинчи сафари эди.) Тўққизта ҳужжат, шу жумладан Ўзбекистон билан ХХР ўртасида дўстона ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳақида баёнот, экстрадиция тўғрисида, телекоммуникация алоқаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида, интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида, Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш тўғрисида битимлар имзоланди. Томонлар Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Хитой Дипломатия университети, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатларни ҳам имзоладилар. Пекиндагилар Ўзбекистон Президентининг ташрифига катта эътибор билан қарадилар. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари деярли барча муҳокама қилинган масалалар юзасидан бир фикрга келдилар.

Бундан ташқари, ташриф давомида Хитойнинг Ўзбекистондан Тошкент авиация заводида ишлаб чиқарилаётган бир неча Ил-76 русумли самолётни сотиб олиши ҳақида битим имзоланди. Ҳозир Форс кўрфази, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатларида, Африканинг кўпгина давлатларида Ил-76 га талаб катта. Ил-76 билан рақобатлаша оладиган самолётлар дунёда жуда оз. Буларнинг барчасидан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган авиация маҳсулотининг, шунингдек, унга техникавий хизмат кўрсатишнинг баҳоси нисбатан арзон. Хитой Асакадаги “ЎзДЭУавто” автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган “Нексия” автомобилларини ҳам кўп миқдорда сотиб олишга тайёр эканлигини билдирди.

Тошкент эса Пекиндан қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олишга тайёр эканлигини айтди. Мамлакатда Хитойнинг мини-тракторлари синовдан муваффақиятли ўтди. Ўзбекистонда Хитойнинг мини-тракторларини ишлаб чиқариш ҳақида келишувга эришилди. Бу лойиҳа-

ни амалга ошириш учун Хитой ҳукумати 100 млн юань ажратишга қарор қилди.

XXРнинг ташқи сиёсати ҳақида гапирилар экан, Пекин Ўзбекистон ҳукумати илгари сурган бир қанча таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаганини айтиб ўтиш керак. Хусусан, Ислом Каримовнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи минтақа деб эълон қилиш тўғрисидаги, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш учун “6+2” халқаро гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуслари маъқулланди.

Ислом Каримовнинг Хитойга ташрифи арафасида XXРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ли Цзинсян “Хитой-Ўзбекистон муносабатлари янги босқичга кўтарилмоқда”, деди. Унинг сўзларига қараганда, охириги йилларда икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди ва 40 дан ортиқ ҳукуматлараро ҳужжатлар билан тартибга солинмоқда. Мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш 1999 йилда 250 млн долларга етди. Ўзбекистонда 100 га яқин хитой-ўзбек қўшма корхонаси ташкил этилган ва ишлаб турибди. Жаноб Ли Цзинсян Хитойнинг миллий компаниялари Тошкент аэропортини ва Ўзбекистон темир йўл транспортини қайта қуриш лойиҳаси бўйича тендерларнинг ғолиблари бўлганлигини кўрсатиб ўтди. Андижон—Ўш—Қашқар (Ўзбекистон—Қирғизистон—Хитой) автомобиль йўлининг қайта қурилганлигини элчи биргаликда олиб борилаётган ишнинг реал самараси деб атади. У мана шу маршрут бўйлаб темир йўл магистрали қурилишини “узок муддатли ва истиқболли” лойиҳа, деб атади.

Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал ривожланган мамлакатлари билан фаол тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйди. Уларнинг иқтисодиётини модернизациялаш тажрибаси, ушбу давлатларнинг инвестицияларини қишлоқ хўжалик техника экинларини қайта ишлашга ҳам, саноатнинг илмий жиҳатдан мураккаб тармоқларига ҳам жалб этишдан республика ғоят манфаатдор. Ўзбекистоннинг Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги Япония, Жанубий Корея, Вьетнам, Малайзия, Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан алоқалари анча мустаҳкамланди.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон олдида Америка Қўшма Штатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун янги имкониятлар очилди. Ғарб дунёси билан ҳамкорлик қилиш замонавий технологияларга, саноатнинг базавий тармоқларига инвестициялар жалб этишга, табиий хом ашёдан комплекс фойдаланишга йўл очиб беради.

1994 йил охирида Вашингтонда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Шундан сал кейинроқ икки давлат ўртасида яна бир муҳим ҳужжат — Икки ёқлама солиққа тортишга йўл қўймаслик тўғрисида шартнома имзоланди. Ўзбекистон АҚШ билан икки давлат фуқароларининг эркин ҳаракатланиши тўғрисида меморандум имзолашга ҳам тайёр эканлигини билдирди. Бу ишбилармонлар ва туристлар учун қулай шароитлар яратади.

АҚШ Президенти Билл Клинтон 1996 йилда Ислом Каримов билан учрашган чоғида Америка Қўшма Штатлари Ўрта Осиё давлатларининг мустақиллиги, улардаги барқарорликдан ва уларнинг раванқидан жуда манфаатдор, деди. Жаноб Клинтон АҚШ Ўзбекистоннинг Ғарб билан мустаҳкам алоқа ўрнатишида, қўшни давлатлар билан амалий муносабатларни йўлга қўйишида ҳамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ёрдам бериш учун жиддий куч сарф қилади, деб таъкидлади.

АҚШ Президенти Ислом Каримов билан музокара-лар чоғида Америка маъмурияти учун Ўзбекистон Республикаси билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатиш жуда муҳимлигини очиқ баён қилди. Шу билан бирга Клинтон Вашингтондагилар Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасидаги барқарорлаштирувчи ролини яхши англашгани ва АҚШ бу республика билан жуда кўп масалаларда мустаҳкам алоқаларни ривожлантиришга интилаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтди.

Билл Клинтон АҚШ билан Ўзбекистоннинг манфаатлари фақат Марказий Осиёдагина эмас, балки кўпгина халқаро масалаларда ҳам мос эканлигини айтди. "... Бизнинг Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларимиз, жумладан ҳарбий-техника соҳасидаги муносабатларимиз ҳам бирон-бир томон ёки бирон-бир мамлакатга

қарши қаратилмаган, — деди Ислон Каримов. — Шунинг бу соҳадаги муносабатларимиз Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни барқарорлаштиришни мустаҳкамлашга, Афғонистондаги нотинч аҳвол ва Тожикистондаги таранг вазиятни ҳисобга олган ҳолда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган. Бизнинг Америка Қўшма Штатлари, жумладан, бу давлатнинг Мудофаа вазирлиги билан муносабатларимиз белгиланган тартибда, ҳеч кимнинг хавфсизлигига зарар етказмаган ҳолда ривожланмоқда”.

АҚШ Қуролли кучларининг марказий қўмондонлиги бош қўмондони Энтони Зини Тошкентда 1999 йил декабрь бошларида Президент Каримов билан учрашган чоғида Вашингтон Ўзбекистон раҳбариятининг минтақада хавфсизликни сақлашга қаратилган саъй-ҳаракатларини юқори баҳолаётганлигини айтди.

Уша йил 22 декабрда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жозеф Пресел ҳам шундай баёнот билан чиқди. У Ислон Каримов номига йўллаган хатда “Вашингтонда Ўзбекистон ҳукуматининг терроризмга қарши қаратилган ҳаракатлари ижобий баҳоланмоқда”, дейилган эди. Элчи кўрсатиб ўтганидек, “АҚШ Ўзбекистоннинг халқаро терроризм хавфига қарши қаратилган саъй-ҳаракатларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди”. “1999 йил давомида Ўзбекистон минтақада халқаро терроризм кучларига қарши жиддий курашга тортилди”, — деб таъкидлайди америкалик дипломат. Ж. Пресел яна “АҚШ Ўзбекистоннинг демократик институтлар барпо этиш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва бозор иқтисодиётининг ривожланишини рағбатлантириш ҳақида бир неча бор эълон қилган ниятларини қўллаб-қувватлайди” деб айтди.

Бугун АҚШ билан ўзаро ишончга асосланган яхши муносабатларни мустаҳкамлаш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бундай муносабатлар иккала давлат учун ҳам фойдали. Тошкент раҳбарлари “бизга АҚШнинг хайр-эҳсонини эмас, балки унинг Ўрта Осиё минтақасида хавфсизлик масаласида ва, энг аввало, Афғонистон муаммосини ҳал қилишда

сиёсий ва маънавий мадади керак”, деб очиқдан-очиқ айтмоқда.

2000 йил апрель ойининг ўрталарида АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Ўзбекистонга уч кунлик ташрифи бўлиб ўтди. У ўзининг Украина пойтахтида бошланган, сўнгра эса Марказий Осиё давлатларида давом эттирилган сафарини айнан шу мамлакатда тамомлади. Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари олдида сўзга чиқиб, Олбрайт хоним биронта ҳам мамлакат — шу жумладан Қўшма Штатлар ҳам — бир ўзи халқаро терроризм ва наркотик моддалар контрабандаси каби хатарларни енгишга қодир эмас, деб эътироф қилди. Шунингдек, у наркотиклар тарқатиш ва халқаро терроризмга қарши кураш АҚШ ва минтақадаги давлатларнинг биргаликда куч-гайрат сарфлашини талаб қилаётганини ҳам кўрсатиб ўтди.

АҚШ ташқи сиёсий идорасининг бошлиги сўзлари билан айтганда, Ўзбекистоннинг яқин кўшниси — Афғонистон у ерда уруш давом этаётганлиги учун ҳам, “Толибон”нинг террорчилик ҳаракатлари, наркотик моддалар ишлаб чиқарилаётганлиги ва инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги учун ҳам минтақавий хавфсизлик йўлидаги жуда катта муаммога айланиб қолди. Шу муносабат билан М. Олбрайт Вашингтон Ўзбекистон-Афғонистон чегарасини ҳимоя қилишда Тошкентга ёрдам бериши мумкин, деди.

Америкаликларнинг ёрдами терроризмга ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашиш учун ускуналар беришдан, шунингдек, Ўзбекистоннинг террорчиларга қарши зарба берувчи ва чегара кучларини мустақамлашдан иборат бўлади. Ушбу мақсадлар учун Вашингтон минтақанинг ҳамма мамлакатларига 10 млн доллар ажратади. Бироқ, АҚШнинг бу қадар арзимас даражадаги (Афғонистондан тарқалаётган хатар кўламини ҳисобга олганда) молиявий ёрдами Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлай олмаса керак. Бунинг устига Олбрайт хоним Марказий Осиё мамлакатларига ташрифи вақтида АҚШнинг ҳақиқий мақсадларини яширмасдан, айнан

бундай деди: “Америкаликлар ўзларининг савдо, инвестиция фаолияти ва энергетика соҳасидаги тараққиётлари борган сари кўпроқ Марказий Осиё каби янги бозорларга боғлиқ эканлигини биладилар ва Америка ушбу минтақани ўз манфаатлари доирасига тортишда муваффақиятсизликка учрашига чидаб тура олмайди”. Марказий Осиёда муаммолар кўп бўлиб, уларни ҳал қилиш учун АҚШ ва Ўзбекистоннинг куч-ғайратларини бирлаштириш талаб қилинади. Ҳозирги ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий воқеликлар шундайки, Вашингтон билан Тошкент шерикчилик қилишга мажбур.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг Фарб мамлакатлари билан ҳам, Шарқ мамлакатлари билан ҳам муносабатлари ҳар қандай мафкурадан холи бўлиши керак деб ҳисоблайди. Ҳозир Фарб мамлакатлари билан ҳам давлат даражасида, ҳам тадбиркорлик даражасида, шунингдек, гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш Ўзбекистондаги бозор-демократик қадриятларини мустақамлямоқда.

Тўғри, Тошкентдагилар Ўзбекистоннинг жаҳон демократик ҳамжамиятига интеграциялашуви уни қаттиқ рақобатдан ва манфаатларини доимо ҳимоя қилиш заруриятидан қутқармаслигини яхши биладилар. Шу сабабли Фарб билан ҳам, Шарқ билан ҳам муносабатлар тенг ҳуқуқли ва икки ёқлама стандартларнинг номақбуллиги қоидаларига асосланиши керак.

Ўзбекистон собиқ СССР доирасида Шарқий Европа мамлакатлари билан йўлга қўйилган алоқаларни узмади. Республика бу мамлакатлардан технология ускуналари ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, дори-дармонлар келиб туриши давом этишидан, Шарқий Европа мамлакатлари эса Ўзбекистондан пахта толаси, табиий газ ва бошқа ресурслар олишдан манфаатдор.

Тошкент юритаётган ташқи сиёсатнинг муваффақияти шунга боғлиқки, у ошкора ва ҳалол бўлиб, ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли асосда ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида сиёсий даъволар ва ўйинлар эмас, балки иқтисодий мулоҳазалар муҳим ўрин тутди. Шу сабабли мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишини, халқаро ҳамжамиятдаги мавқеи мустақамланишини ва унинг миллий валютаси

тан олинисини таъминлайдиган ғоят муҳим омил — республиканинг жуда катта экспорт салоҳиятидир. Шу муносабат билан Ўзбекистон экспортини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон иқтисодийнинг каттагина қисми экспортга ишламоқда. Агар мамлакат мустақилликни қўлга киритганига қадар чет элга амалда фақат хом ашё — пахта, табиий газ, олтин етказиб бериб, булардан келган барча даромад иттифоқ бюджетига қолиб кетган бўлса, ҳозир экспортнинг каттагина қисмини тайёр маҳсулот ташкил этмоқда.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда асосий эътибор республиканинг экспорт салоҳиятини янада мустақамлаш ва ривожлантиришга, экспортга мўлжалланган иқтисодий шакллантиришга, шунингдек, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришга қаратилмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган сиёсат олиб борилмоқда, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишда, маҳсулотни чет элда сотишда кўпроқ эркинлик берилмоқда.

Қўшма корхоналар ташкил этишда ёрдам берилмоқда, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик асослари яратилган. Чет эл инвестициялари ва улар бўйича кафолатлар, экспорт ва импорт солиқлари ҳақидаги мамлакат қонунларига амалиёт талаб қилган тузатишлар ўз вақтида киритилди, республиканинг валютани тартибга солиш ҳақидаги, гаров тўғрисидаги қонунлари, Божхона кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ана шу йўналишдаги ишларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон иқтисодийнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кенг миқёсда интеграциялашуви учун иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш имконини берди. Тарих тақозоси билан Ўзбекистон Марказий Евроосиёнинг энг муҳим йўллари чорраҳасида жойлашган.

Президент Ислам Каримовнинг Афғонистон ва Тожикистондаги можароларни бартараф этишга қаратилган тинчлик ўрнатувчилик ташаббуслари алоҳида ҳурматга

лойиқ. Ўзбекистон Афғонистон можаросини бартараф этишда асосий тинчлик ўрнатувчиларнинг биридир. Тошкент узининг тинчлик ўрнатувчи шаҳар, “Тошкент руҳи”нинг яратувчиси ва сақловчиси деган тарихий номига содиқ бўлиб қолмоқда. Унинг Афғонистон масаласидаги нуқтаи назари ўзгармасдир. Республика раҳбарияти Афғонистон муаммосини Ўзбекистонга чегарадош мамлакатлар раҳбарлари билан ўтказилаётган музокаралардагина эмас, балки бошқа давлатларнинг делегациялари ва вакиллари билан учрашувларда, шунингдек, халқаро анжуманлар ва конференцияларда ҳам ўртага қўймоқда.

Тошкентнинг ташвишланишига сабаб шуки, ҳозир Афғонистон халқаро терроризм, диний экстремизм майдонига айланди ва амалда жаҳон наркобизнеси маркази бўлиб қолди. Наркобизнес кулами жиҳатидан у Колумбиядан анча ўзиб кетди. Ҳозир Афғонистонда наркотикларнинг энг қимматбаҳо ва сердаромад тури бўлган героин ишлаб чиқарувчи 18-20 та фабрика-лаборатория тўла қувват билан ишлаб турибди. Афғонистонда ва Тожикистоннинг айрим вилоятларида наркотик моддалар ишлаб чиқариш аҳолининг ҳам, шунингдек, ўзаро курашаётган куролли гуруҳларнинг ҳам асосий даромад манбаидир. Наркотик моддаларни қонунсиз ишлаб чиқариш ва сотишнинг йиллик обороти дунё бўйича 500 млрд АҚШ долларидан кўпроқни ташкил қилади. Шунча пулнинг бир қисми террорчилик ва кўпоровчилик ишларини тайёрлаш ҳамда амалга оширишга, профессионал террорчилар, диний жангарилар ва шу кабиларни тайёрлаш учун лагерлар ва ўқув юртларининг кенг тармоғини барпо этишга ажратилмоқда.

Афғонистонда беқарорликнинг сақланиб қолиши Европа хавфсизлигига ҳам таҳдид солмоқда. Ҳозирги аҳвол курол-яроғлар ва наркотик моддалар билан қонунсиз савдо қилиш, халқаро терроризмнинг авж олиши учун қулай шароит яратмоқда. Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робен Кук 1999 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясида сўзга чиқиб, унинг мамлакатига наркотик моддаларнинг 90 фоизи Афғонистондан келаётганлигини айтди. Бу эса Европа мазкур минтақа ЕХХТнинг масъулият доирасига кирмайди деб ҳисобламасдан, Афғонистон муаммолари

билан бевосита шуғулланиши кераклигини англатади. Ҳозир ислом экстремизми ўз фаолиятини дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатига, шу жумладан Европа мамлакатларига ҳам ёйган. Шу тариқа мазкур муаммо ҳақиқатан ҳам халқаро муаммога айланган.

Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистон раҳбарияти ислом экстремизми ва наркөбизнес тугдираётган хавфни жаҳон ҳамжамиятига доимо эслатиб келмоқда. Афғонистонда жанговар тайёргарликдан ўтган экстремистлар 1999 йил 16 февралда Тошкентда амалга оширган портлашлар муаммонинг долзарб эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Президент Каримов терроризмга қарши курашда бутун жаҳон ҳамжамияти бирлашиши кераклигини қайта-қайта айтди. Лекин, афсуски, ҳар ким ёлғиз ўзи ҳаракат қилишни маъқул кўрмоқда. Россия ҳам яқин вақтгача бу масалада анча пассив роль ўйнаб келди. Халқаро террорчи Усама бин Ладен томонидан пул билан таъминлаб турилган ислом жангари ваҳҳобийлари 1999 йил август ойида Доғистон ҳудудига бостириб кирганларидан кейингина Москва бу офатга қарши жиддий курашишга қарор қилди. Доғистон воқеалари Кремлни Россиянинг бутун Шимолий Кавказидаги вазиятни портлатиб юбориш билан таҳдид солган ислом экстремизмига алоҳида эътибор беришга мажбур қилди. Россия ўз ҳудудида ваҳҳобийлар билан тўқнаш келмагунича ислом экстремизмига қарши курашаётган Урта Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон билан ўз куч-ғайратларини бирлаштириш ниятида эмас эди.

Афғонистон ва Чеченистон ҳудудида таълим олган мана шу экстремистлар 1999 йил сентябрь ойида Москванинг Печатники кўчасидаги ва Кашира шоҳ йўлидаги, шунингдек, Ростов вилоятининг Волгодонск шаҳридаги кўп қаватли уйларни портлатдилар. Москвадаги террорчилик хуружларидан сал олдинроқ Буйнаксда кўп қаватли уй ҳам портлатиб юборилди. Россиянинг махсус хизматлари ҳозир Москва халқаро террорчи ташкилотлар томонидан ҳужум объекти бўлиб қолганлигини ошкора тан олдилар.

Ушбу жинойтчи ташкилотларнинг кўпини халқаро террорчи бин Ладен маблағ билан таъминлаб келмоқда. АҚШ-

нинг махсус хизматлари бир неча йилдан бери уни муваффақиятсиз изламоқда. Бу одам Афғонистонга 1996 йил май ойида келди ва Нангахар вилоятида ўрнашиб олди. Уни Афғонистоннинг пуштун қабилалари бошлиқлари ўз ҳомийлигига олган. Бу қабилалар мамлакатнинг жанубий қисмида ҳаммадан кучли таъсирга эга. Пуштунлар Афғонистон ҳудудининг 90 фоиздан ортиқроғини, шу жумладан унинг пойтахти — Кобулни қурол кучи билан босиб олган “Толибон” ҳаракатининг асосини ташкил қилади.

Афғонистонда бин Ладен анча узоқ келажакка мулжалланган террорчилик ишларини тайёрлаш билан шуғулланмоқда, унинг асосий лагери эса Жалолобод шаҳрига яқин бўлган Формада қишлоғидан бир ярим километр масофада жойлашган. Америка разведкасининг маълумотларига қараганда, бу ерда қурол-яроғларнинг замонавий турларини ва қўл жанги усулларини яхши эгаллаб олган ҳарбий иш профессионаллари тайёрланади. Мусулмон мамлакатларида иш олиб бориш учун йуриқчилар ва ҳарбий маслаҳатчилар ёлланмоқда. Лагер бин Ладеннинг шахсий маблағларига, шунингдек, ислом экстремистик ташкилотларининг ионаларига ташкил этилган. У қудратли моддий-техникавий базага ва тажрибали йуриқчиларга эга. Бу ерда йуриқчилар ҳар ойда 4 минг АҚШ долларигача маош олишади. Террорчиларнинг лагерларида жангарилар мина портлатиш ишига, разведка ва алоқага, шунингдек аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб боришга ўргатилади.

Охириги ўн йил мобайнида Усама бин Ладен суннийларнинг террорчи ташкилотларини, шу жумладан фаластинликларнинг “Жиҳод” ва “Хамас” ташкилотларини маблағ билан таъминлаб келди. Ҳозирги вақтда унинг фаолияти Афғонистонда жойлашган тарқоқ араб террорчи гуруҳларини жипслаштиришга ва халқаро террорчилар тайёрланадиган лагерларни маблағ билан таъминлашга қаратилган. У ваҳҳобийларнинг “Жамоат-Уд-Дава-Васунна” ташкилоти билан ҳам яқин алоқалар ўрнатган. Унинг мақсади бу ташкилотга қарашли бўлган лагерлар ва базалардан “Ал-Жиҳод-Интернешнл” ва “Мусулмон биродарлар” халқаро террорчи ташкилотларига қўшимча кучлар тайёрлаш учун фойдаланишдир.

Тожик муҳолифати вакиллари ҳам бин Ладен билан алоқа ўрнатганлар. Улар бин Ладен тожик муҳолифатининг эҳтиёжларини аниқлаш, бу ёрдамнинг кўлами ва уни юбориш йўлларини белгилаш учун ўзлари назорат қилиб турган ҳудудга келишни таклиф қилдилар. Ҳозир бин Ладен ташкилоти Яқин Шарқ ва Шимолий Африканинг бир қатор мамлакатларида яхши йўлга қўйилган ва яширин тузилмаларга эга, унинг одамлари Тожикистонда жанг қилди. Ҳозирги вақтда Чеченистонда турли араб давлатларининг паспортларига эга бўлган бир гуруҳ жангарилар мавжуд бўлиб, улар ҳарбий маслаҳатчилар вазифасини бажармоқда. Чеченистон вакиллари билан бин Ладен 1997 йил бошларидан бери Афғонистонда учрашиб келмоқда. Мана шу учрашувлар вақтида молиявий ёрдам эвазига Чеченистон жангариларидан фойдаланиш ҳақида келишувга эришилди.

Америка разведкасининг Интернет тармоғига берилган маълумотларига қараганда, Усама бин Ладен Чечен жангарилари Доғистонга бостириб киришидан олдиноқ ўз вакили Абу Сайафни Чеченистон Ичкерия Республикаси “Ташқи ишлар вазирлиги”га юбориб, тахминан 20 нафар ўз тарафдорларининг Чеченистонга ўтишига рухсат беришни таклиф қилди. Улар Чеченистонда рус тилини ўрганишлари, эркин юриш учун Россия ҳужжатларини сотиб олишлари, шундан кейин эса Ўрта Осиёнинг турли республикаларига юборилиши назарда тутилган эди.

Унинг террорчилари аллақачон Саудия Арабистони Қиролигига, АҚШ, Исроил ва Францияга қарши террорчилик ишларини амалга оширдилар. Бин Ладен 1995 йил ноябрида Ар-Риёдаги, 1996 йил июнида Даҳрандаги Америка объектларини портлатишни ташкил этишда, шунингдек, Кения ва Танзаниядаги Америка элчихоналарини портлатишда айбланмоқда.

Афғонистондаги вазиятни олдиндан айтиб бериш борган сари қийинлашмоқда, можаронинг назоратдан чиқиб кетиши ва қўшни давлатларга тарқалиши хавфи туғилмоқда. Афғонистонда қурол кучи билан ҳокимиятни босиб олган “Толибон” ҳаракати ўз мафкурасини қўшни мамлакатларга, биринчи навбатда Ўрта Осиё минтақаси-

га ёйишга уриниб кўрмаслигига кафолат йўқ. 1999 йил августида ислом жангариларининг Қирғизистон жанубига бостириб кириши бу минтақа мамлакатларидаги диний экстремистлар асосан Афғонистондан, шу жумладан “Толибон” ҳаракати томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги ва маблағ билан таъминланаётганлигини кўрсатди. Ўзининг мақсадлари, вазифалари ва дастурий талаблари жиҳатидан ҳарбийлашган радикал диний ташкилот бўлмиш “Толибон” Фарғона водийсида шариатга асосланган давлат ташкил этишга ҳаракат қилаётган ислом жангариларига ёрдам бермоқда. Буни Афғонистон ҳудудидан Ўрта Осиё мамлакатларига ҳар хил ислом фанатиклари ва экстремистлари кириб келаётгани ҳам тасдиқламоқда. Табиийки, бу ҳол бутун минтақадаги вазиятни издан чиқариш хавфини туғдиради.

Ўзбекистон пойтахтида Афғонистон муаммосини бартараф этиш юзасидан бир неча бор учрашувлар ва конференциялар ўтказилди. У жаҳон ҳамжамиятини Афғонистондаги вазиятга Болқондаги этник низоларга берилаётган эътибордан кам бўлмайдиган даражада диққат-эътибор қаратишга чақирмоқда. Тошкентнинг Афғонистондаги можарони бартараф этишга қаратилган нуқтаи назари шундан иборатки, ушбу муаммони ҳал қилиш чоғида қуйидаги асосий қоидаларга амал қилиниши керак.

Биринчи. Музокаралар жараёни бошланишининг шarti сифатида ҳамма жанговар ҳаракатлар тўхтатилиши керак. Можарога тортилган ҳамма томонлар олдиндан шартлар ва ультиматумларни қўймаган ҳолда, жафокаш афғон халқининг манфаатларини назарда тутиб, бунинг учун сиёсий ирода ва фуқароча жасорат кўрсатишлари керак. Ўзбекистон Президентининг фикрига қараганда, вужудга келган вазиятда бу Афғонистон танглигини ҳал қилиш йўлидаги энг мураккаб, лекин мутлақо зарур қадамдир.

Иккинчи. Ташқаридан кўрсатилаётган ҳар қандай таъсир ва Афғонистоннинг ички ишларига аралаштириш дарҳол тўхтатилмоғи керак. Тақдир тақозоси билан у ёки бу сабаблар туфайли мазкур мамлакат купгина ташқи кучларнинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари тўқнашган жойга айланиб қолди. Ислom Каримов агар

Афғонистондаги гуруҳларни ташқаридан туриб қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тўхтатилмас экан, бу жафокаш заминда тинчлик бўлмаслигига қатъий ишонади.

Учинчи. Ўзбекистон Президенти Афғонистонга қурол-яроғ етказиб бериш тақиқланмас экан, можарони барта-раф этиб бўлмайди деб қайта-қайта айтмоқда. Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 48-еессиясидаёқ ана шундай ташаббус билан чиққан эди. “Агар шундан кейин ўтган йиллар мобайнида эмбарго чоралари ишга солинганида эди, — деб таъкидлайди Ислом Каримов, — ҳозир биз Афғонистондаги танклар, артиллерия, жанговар авиация, ракета техникаси ва шу кабилар қўлланилаётган катта кўламдаги ҳарбий ҳаракатларнинг гувоҳи бўлмас эдик. Вайрон келтирувчи хилма-хил қурол-яроғлар бу мамлакатга тобора кўплаб юборилмоқда. Равшанки, Афғонистонга ҳозир қурол-яроғ етказиб бераётганлар ўзларининг сиёсий вазифаларини ҳал қилиш билан бир қаторда ўлим билан савдо қилиш орқали анча-мунча пул ҳам ишлаб олмоқда. Афғонистонга қурол-яроғ етказиб беришнинг яна бир даҳшатли хавфи бор. У ҳам бўлса, бу қурол-яроғнинг қўшни мамлакатларга тарқалиши, у ерларда халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва диний экстремизм учун қулай шароит яратишидан иборатдир”.

Тўртинчи. Мамлакатнинг ҳамма миллий-этник ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлари вакиллари қатнашиши керак бўлган ҳукуматни шакллантириш. Кўп миллатли Афғонистоннинг кўп асрлик тарихи барча этник гуруҳлар ва майда миллатлар (пуштунлар, тожиклар, ўзбеклар, ҳазорийлар, туркманлар ва бошқалар) манфаатлари ҳисобга олинмас экан, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришиб бўлмаслигидан далолат беради.

Бешинчи. Тинчлик ўрнатиш жараёнида барча манфаатдор мамлакатлар, энг аввало, Афғонистонга қўшни мамлакатлар фаол иштирок этиши керак. Вазиятни таҳлил қилиш шундан аниқ далолат бермоқдаки, можаро фақат афғонларнинг муаммоси эмас. Тангликнинг манбалари ва сабаблари анча теран бўлиб, унинг жуғрофий чегараларидан анча узоқда. Шу сабабли жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистоннинг бундан буёнги тақдири учун жавобгарлиги ошиб бормоқда. Ана шу нуқтаи назардан

қараганда, можарони бартараф этишнинг Ўзбекистон таклиф қилган механизмлари энг мақбул вариант бўлиб қолмоқда. Аввало бу, жаноб Каримов фикрича, Афғонистон билан бевосита чегарадош булган мамлакатлар, шунингдек, Россия ва АҚШнинг БМТ шафелигида “6+2” гуруҳи доирасидаги саъй-ҳаракатларидир. Шу билан бирга, деб таъкидлайди Ислом Каримов, Афғонистон муаммосини тинч ҳал қилиш йўлларини излашга қаратилган ҳамма чора-тадбирлар фақат БМТ шафелигида манфаатдор халқаро ташкилотлар иштирокида амалга оширилмоғи керак.

Афғонистондаги ва унинг теварагидаги вазият сўнгги вақтларда айниқса хавfli тарзда ривожланиб бормоқда. Ушбу минтақада турли сиёсий кучлар ва мамлакатларнинг жуғрофий-стратегик манфаатлари очиқдан-очиқ тўқнашаётганлиги мутлақо аён бўлиб қолмоқда.

Жуда катта куч-ғайрат сарфланаётганлигига қарамай, афғон халқи ҳали ҳам қонли воқеалар асири бўлиб қолмоқда. 20 йилдан ортиқ давом этиб келаётган уруш афғон халқига беҳисоб кулфатлар келтирди. У халқаро терроризм, наркобизнес, қурол-яроғларни тарқатиш манбаига айланиб бормоқда. Баъзан айрим, асосан Россиянинг, оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонни Афғонистоннинг ички ишларига аралаштишда ва толибларга қарши уюшманинг обрўли етакчиларидан бири, “Афғонистон миллий ислом ҳаракати” майда этник гуруҳлар иттифоқи раҳбари, афғон генерали Абдурашид Дўстумга ҳарбий ёрдам кўрсатишда айблайдилар. Ушбу мақолаларнинг муаллифлари ўз уйдирмаларини Дўстумнинг миллати ўзбек эканлиги, Афғонистон шимолида эса 3 млн га яқин ўзбеклар яшаши билан асосламоқчи бўладилар. Шу сабабли Россия матбуотида “ўзбек генерали Дўстум” деган ибора тез-тез ишлатиб турилади. Бунга эса турган гапки, Ўзбекистон раҳбарияти асло қўшилмайди. Бироқ Афғонистон фуқароси бўлган Дўстумга нисбатан “ўзбек генерали” деган иборани ишлатиш қанчалик ўринли бўлади? Худди шу тарзда АҚШ Куролли Кучлари штаблари бошлиқлари Қўмитасининг бошлиғи, миллати грузин бўлган Жон Шаликашвилини ҳам грузин генерали деб аташ мумкин бўлур эди. Лекин негадир ҳеч ким уни грузин гене-

рали демайди. Ёки Ўзбекистон Қуролли Кучларида хизмат қилаётган ва шу ерда генерал унвонини олган рус миллатига мансуб одамни рус генерали деб аташ тўғри бўладими? Ахир у Россияга ҳеч қандай алоқаси йўқ Ўзбекистон фуқароси-ку. Ҳозир Ўзбекистон армиясида тожик миллатига мансуб бўлган, юқори ҳарбий унвонларни, хусусан, генерал унвонини олган одамлар кўп. Шундай экан, нега уларни тожик генерали деб аташ ва уларнинг ҳар бир ҳаракатини қўшни Тожикистон билан боғлаш мумкин бўлмасин? Дарвоқе, Афғонистондаги толибларга қарши уюшманинг раҳбари Аҳмад шоҳ Маъсуд тожик миллатига мансуб. Негадир Кобулдан қувилган Президент Раббоний ҳукуматида Афғонистон мудофаа вазири бўлган Маъсудни Россиянинг оммавий ахборот воситалари тожик генерали деб аташмайди. Ҳатто Аҳмад шоҳ Маъсуд бир марта Хуросон деб аталадиган буюк тожик давлатини барпо этишни ёқлаб чиққан бўлса ҳам, уни тожик генерали демайдилар.

Марказий Осиёдаги бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ҳам Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатилишидан, ушбу мамлакатнинг ҳудудий бирлиги сақлаб қолинишидан манфаатдор ва у ташиқи кучларнинг Афғонистон ички ишларига аралашшига қарши чиқмоқда. Бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик бўлиши кўпгина халқаро тузилмалар ва компаниялар томонидан қўллаб-қувватланаётган, Афғонистон ҳудуди орқали Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл ва автомобиль коммуникациялари қуриш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик бўлиши Марказий Осиё мамлакатларидан Афғонистон ҳудуди орқали Покистон ва Ҳиндистонга нефть ва газ қувурлари ўтказиш имконини берган бўлур эди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши миллионлаб афғонларга тинч меҳнат билан шуғулланиш, минтақадаги барча давлатларга эса янги, нисбатан қисқароқ коммуникацияларни ишга солиш ҳамда савдо, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш имконини берган бўлур эдики, бу ҳол, аслини олганда, мана шу кескинлик минтақасида жуғрофий-сиёсий ҳолатларни тубдан ўзгартиради.

Ҳозирги пайтда Афғонистон ичида умуммиллий яраш зарурлигига можарони баргараф этишнинг асосий қоида-си сифатида эътиборни жамлаш етарли бўлмай қолди.

Минтақавий-этник омилларнинг Афғонистон сиёсатчилари ҳокимият учун олиб бораётган курашнинг асл сабаблари билан қоришиб кетиши бузғунчилик тамойилининг шаклланишига олиб келди. Унинг таъсирини яқин атрофдаги барча мамлакатлар озми-кўпми ҳис этмоқда. Можаро минтақасига бевосита яқин турувчи бошқа давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам ўз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қонуний манфаатларини билдириш ҳуқуқига эга.

Афғонистондаги танглик билан бир вақтда авж олаётган нарқобизнес, террорчилик, зуравонлик, қурол-яроғлар савдоси Афғонистон жамиятида тинч ҳаёт ҳақида, бунёдкорлик ҳақида тасаввурга эга бўлмаган бутун бир авлоднинг пайдо бўлиши умумбашарий муаммоларга айланди. Шу сабабли ҳозир Афғонистон муаммосининг амалий ечимини топиш билан боғлиқ масалалар жаҳон жамоатчилигининг, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг диққат марказида турмоғи, жаҳоннинг буюк давлатлари эътиборида бўлмоғи керак.

“Афғонистон яхлит давлат, — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Президенти. — Бу ерда қарама-қарши томонларни ажратиб ташлаш фақат давлатнинг парчаланиши ва барбод бўлишига олиб келиши мумкин. Афғонистон бўйича сулҳ режасининг энг муҳим қисми эса мамлакатни қайта тиклашдан иборат бўлиши керак. Бу мақсадга эришиш осон эмас. Буюк давлатлар билан минтақа давлатларининг биргаликдаги ҳаракатлари, Афғонистон раҳбарларининг сиёсий иродаси керак”.

Марказий Осиёдагилар Афғонистонда уруш давом этар экан, минтақанинг барқарорлиги хавф остида бўлишини жуда яхши тушунишади. Бундай шароит ҳозир демократия ва ислохотларнинг ривожланишини секинлаштириб қўймоқда, бутун минтақанинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини қисқартирмоқда. Ислом Каримов халқнинг “Қўшнинг тинч — сен тинч” деган доно мақолини қайта-қайта такрорлайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон экстремизм, терроризм, диний мутаассиблик ва фундаментализмнинг ҳар қандай кўринишини қатъиян

қораламоқда, можарони сиёсий воситалар билан тинч ҳал қилишни, ўзаро курашаётган томонлар ўртасида музокаралар олиб боришни, суверен давлатларнинг ички ишларига аралашмасликни ёқлаб чиқмоқда.

Афғонистондаги можаронинг ҳал қилилмаганлиги минтақавий ва глобал хавфсизликка реал таҳдид солмоқда. Шу сабабли мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунларданоқ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шу жумладан Афғонистондаги можарони ҳал қилишдан иборат булиб келмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида биринчи марта Афғонистон муаммосини тилга олди ва унга халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини қаратиш зарур деган фикр билдирди. Орадан икки йил ўтгач — 1995 йил 24 октябрда Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида сўзга чиқиб, Афғонистондаги можарони ҳал қилишга қаратилган бир қанча ташаббусларни илгари сурди, жумладан, бу мамлакатга қурол-яроғлар етказиб беришни тақиқлаб қўйишни яна таклиф қилди. Ўзбекистон Президенти ЕХХТ саммитларида ҳамда бошқа муҳим халқаро анжуманлар ва конференцияларда сўзга чиқиб, жаҳон ҳамжамиятини афғон муаммосини ҳал этиш жараёнига қўшилишга даъват этишни тўхтатмади.

Тошкент Афғонистондаги можарони ҳал қилишнинг асосий шартларидан бири сифатида бу мамлакатга қурол-яроғлар етказиб беришни тақиқлаб қўйиш зарурлигини талаб қилди. Таклиф қилинаётган йўл жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қурол-яроғларнинг қонунсиз обороти муаммосига жалб этишга қаратилган эди, чунки бу муаммо минтақада беқарорлик келтириб чиқармоқда ҳамда қурол-яроғлар билан яширинча савдо қилиш борасида ўз иерархиясини ўрнатмоқда. Афғонистон, аслини олганда, қурол-яроғларни яширинча экспорт қилиш бозорининг фаол иштирокчисидир. Уларга бўлган барқарор талаб наркотик моддалар ишлаб чиқариш, ташиш ва сотиш орқали ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Шу сабабли Афғонистон давлатчилиги бузилган бир шароитда у ерга ҳар қандай қурол-яроғлар етказиб беришни тақиқлаш бу

мамлакатдаги фуқаролар урушининг туб сабабларини бар-
тараф этишга ижобий таъсир кўрсатган булар эди.

Афғонистон ҳудудида уруш ҳаракатлари тўхтамаётган-
лигини, кенг тармоқ отган террорчилик тузилмаси мав-
жудлигини, де-факто ядровий қурол эгаси бўлиб олган
Покистон билан чегаралар очиклигини ҳисобга олганда,
Ўзбекистон ташаббусининг аҳамияти янада ортди. Бу та-
шаббус БМТ биринчи ўринга қўйган муаммони — ўқотар
қуролларнинг қонунсиз оборотига қарши кураш прин-
циплари ҳақидаги узоқ муддатли муаммони ҳал қилишга
Ўзбекистон қўшаётган ҳисса бўлиб қолди.

Тез орада Ўзбекистон овозини жаҳон ҳамжамияти
эшитди. Ўқотар қуроллар, унинг таркибий қисмлари ва
ўқ-дориларни қонунсиз тайёрлаш ҳамда уларнинг ноле-
гал оборотига қарши курашни кучайтириш учун халқаро
миқёсда чора-тадбирлар кўрила бошланди. Тошкентнинг
Афғонистонга қурол-яроғлар етказиб беришни қаттиқ
тақиқлаб қўйиш ҳақидаги таклифи БМТнинг Хавфсиз-
лик Кенгашида кўриб чиқилди. Бу эса Ўзбекистон-афғон
муаммосини ҳал қилишда асосий тинчлик ўрнатувчилар-
дан бири сифатида юксак халқаро обрў-эътиборга эгали-
гидан далолат беради. Тошкент Афғонистонда тинчлик
ўрнатилишини ва қарама-қаршилик тўхтатилишини амалда
истаётганлигини исбот қилди. Афғонистонга қурол-яроғ
етказиб беришни тақиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон такли-
фи БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1996 йилдаги резолю-
цияси билан қўллаб-қувватланди. Афғонистондаги вазия-
т БМТ Хавфсизлик Кенгашида 1996 йилда икки марта —
15 февраль ва 22 октябрда муҳокама қилинди. 1996 йил 22
октябрда қабул қилинган БМТ резолюциясида, хусусан,
"Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик ҳамда
Афғонистондаги можарода қатнашаётган ҳамма томонларга
қурол-яроғлар ва ўқ-дорилар етказиб беришнинг олдини
олиш муҳимлиги" таъкидланади. ХК ўз резолюциясида
Афғонистондаги можаронинг давом этиши минтақада ва
ундан ташқарида вазиятни издан чиқараётган терроризм
ва наркотик моддаларнинг қонунсиз обороти учун қулай
шароит яратаётганини кўрсатиб ўтди ва Афғонистондаги
томонларнинг бошлиқларини бундай фаолиятга чек
қўйишга чақирди.

1996 йил 6 январда Европа парламенти ҳам резолюция қабул қилиб, Афғонистоннинг ички ишларига ҳар қандай аралашни тўхтатишга, шунингдек можаро бўлаётган минтақага қурол-яроғлар етказиб беришни халқаро кўламда тақиқлашга чақирди. 1997 йил ноябрда Европарламент яна бир резолюция қабул қилди. Унда хусусан бундай дейилади: “Толибон”нинг пойтахт Кобул устидан назорат ўрнатиши исломни ўзича талқин қилиш баҳонасида инсон ҳуқуқлари ҳамда тегишли халқаро гуманитар конвенциялар оммавий тарзда ва давомли суратда бузилишига сабаб бўлди. Бундай талқин қилиш ислом олами-нинг ҳамма ерида рад этилмоқда... Яқин вақтгача шаҳар аҳолиси ва ўқимишчилар ҳамжамиятининг бир қисми бўлган, уз шаҳарларининг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб келган хотин-қизларнинг мазлумлиги “Толибон” бошқаруви остида мисли кўрилмаган даражага етди. Хусусан, толибларнинг янги фармонида мувофиқ, Кобулнинг асосий касалхоналари бундан буён бемор аёлларни қабул қила олмайди. Уларни энди фақат аёл врачлар пойтахтдаги сув, электр ва жарроҳлик ускуналари талабга жавоб бермайдиган ёки умуман бўлмаган биттагина касалхонада кўришлари мумкин”.

Европарламент резолюциясида яна бундай деб таъкидланади: “Кўкнор етиштириш “Толибон” назорат қилаётган минтақаларда 1996 йилдан бошлаб 20 фоиз ўсган; Наркотиклар устидан назорат қилиш бўйича БМТ Дастури (UNDCP) маълумотларига кўра: Европа афғон кўкнорисидан тайёрланган героин сотиладиган асосий бозордир. Минтақада мустаҳкам тинчлик ўрнатилишигина бу бизнесни тўхтатишга имкон беради”. Европа парламенти аъзоларининг фикрича, “Афғонистондаги ҳозирги мушкул аҳвол халқаро сиёсий ташаббусга муҳтож. Бу ташаббусда Европа иттифоқи инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида тинч йўл билан ҳал қилишга ёрдам бериш учун асосий ролни ўйнамоғи керак”. Европарламент “Толибон” режимини ва унинг инсон ҳуқуқларини мунтазам равишда бузиш сиёсатини, Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига ва ислом қоидаларига зид сиёсатини кескин қоралайди”. Европа парламенти аъзоларининг резолюциясида БМТ аъзолари бўлган ҳамма

мамлакатлардан Кобулнинг ҳозирги маъмурлари билан дипломатия алоқалари ўрнатмаслик сўралади, шунингдек “Толибон” ҳукумати ташқин олган Покистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларидан ўз нуқтаи назарларини қайта кўриб чиқиш сўралади. Парламент аъзолари қурол-яроғларни сотишни тақиқлаш ҳақидаги ўз талабларини такрорлайдилар, бироқ Афғонистонда мавжуд бўлган қурол-яроғларни ҳисобга олганда, бунга алоқаси бўлган ускуналарнинг ҳамма турларини қўшимча суратда тақиқлаш урушни тўхтатишнинг бирдан-бир самарали чораси бўлиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Европа Иттифоқининг ташқи ишлар вазирлари даражасидаги Кенгаши 1998 йил 26 январда ўзининг навбатдаги мажлисида Афғонистон бўйича ЕИнинг умумий нуқтаи назарини билдирди. ЕИ қарорида, хусусан, бундай дейилади: “Афғонистондаги можаро афғон халқи учун таърифга сизмайди қулфатларга сабаб бўлганлигидан ҳамда минтақанинг барқарорлигига ва унинг иқтисодий ривожланишига таҳдид солаётганлигидан; уруш келтириб чиқарган терроризмни экспорт қилиш ва наркотик моддаларни қонунсиз тарқатиш Иттифоқ аъзолари бўлган мамлакатларга ва ундан ҳам кенгроқ миқёсда жиддий зарар етказганлигидан... Иттифоқнинг Афғонистондаги мақсадлари Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатишига эришишдан, чет мамлакатларнинг аралашishiга чек қўйишдан ва БМТнинг марказий ролини қўллаб-қувватлаш воситасида афғонлараро мулоқотга ёрдам беришдан; минтақанинг барқарорлиги ва ривожланишини қўллаб-қувватлашдан; наркотик моддаларнинг қонунсиз тарқатишига ҳамда терроризмга қарши курашни кучайтиришдан иборат”. ЕИ қарорида “БМТнинг тинчлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Иттифоқ БМТ Бош қотибининг Афғонистондаги вазият ва унинг халқаро тинчлик ва барқарорликка таъсири хусусида 1997 йил 14 ноябрдаги маърузасида баён этилган тавсияларни қўллаб-қувватлашни давом эттириши таъкидланади. Хусусан, Иттифоқ можарода қатнашаётган томонларга таъсири бўлган ҳамма мамлакатлар бу таъсирдан БМТнинг тинчлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини

қўллаб-қувватлаш учун ижобий ва амалий тарзда фойдаланишлари шарт ва урушаётган гуруҳлар ҳарбий мақсадларда фойдаланиши учун қурол-яроғлар, ёқилғи ва бошқа материалларни Афғонистонга ташқаридан етказиб бериш тўхтатилиши керак деб ҳисоблайди; ... ЕИнинг Афғонистон бўйича 1996 йил 17 декабрдаги Умумий нуқтаи назарида мўлжалланган қурол-яроғлар, ўқ-дорилар ва ҳарбий ускуналар экспортини тақиқлашни қўллаб-қувватлаш ва бошқа мамлакатларни ҳам худди шундай жиловлаб туриш сиёсатини қабул қилишга ундаш зарур деб ҳисоблайди” ва ҳоказо. Бундан ташқари, афғон томонларига ва таниқли афғон арбобларига даҳшатли гуманитар оқибатларга олиб бораётган урушни давом эттириш бефойда эканлигини кўрсатиш ҳамда дарҳол урушни тўхтатишга ҳамда уларни БМТ ҳомийлиги остида муаммони сиёсий ҳал қилиш, шу жумладан тула ва кенг ваколатга эга бўлган ўтиш ҳукуматини тузиш юзасидан музокаралар бошлашга ундашга ҳаракат қилиш учун улар билан алоқаларни давом эттириш зарурлигини таъкидлайди.

1996 йил июнда АҚШ Афғонистонга қурол-яроғлар етказиб беришни бирёқлама тартибда тақиқлаб қўйди. АҚШ давлат котибининг ўринбосари Робин Рафэл 1997 йил феврида Ўзбекистонга ташрифи вақтида Афғонистондаги вазиятга Вашингтон билан Тошкентнинг қарашлари бир-бирига ўхшайди, деди. Р. Рафэл “АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни тақиқлаш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайди” деб айтди. Рафэл хонимнинг сўзларига қараганда, Америка делегациясининг Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва республика ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан музокаралари жараёнида томонлар “афғон халқи ушбу можарони ҳал қилиш имконига эга бўлиши учун” биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини тушундилар.

Ўзбекистон Президенти ўзининг тинчлик ўрнатиш борасидаги ишини ҳеч қачон тўхтатмади ва сўнгги йилларда Афғонистондаги можарони ҳал қилиш учун бир қанча қатъий қадамлар ташлади. Шунини айтиш керакки, Ислом Каримовнинг Афғонистон масаласини ҳал қилишга қара-

тилган ҳар бир қадами шиорлар учун эмас, балки бу мамлакатда ҳақиқий тинчликка эришиш учун илгари сурилди. Ўзбекистон ташқи сиёсатда ҳам, Афғонистон муаммосини ҳал қилишда ҳам изчил тинчликпарварлик ролини уйнаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Афғонистон масаласини ҳал этиш юзасидан Ўзбекистоннинг сўнгги беш йилдаги ташаббусларини кетма-кет эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Чунончи, Европа иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1996 йил 23 июнда Флоренцияда бўлиб ўтган олий даражадаги учрашуви чоғида Ўзбекистон Президенти афғон муаммосини ҳал қилишда ЕИ саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга чақирди. Ўша йилнинг 14 ноябрида Ислон Каримов Бельгия Қироллигига расмий ташрифи вақтида Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиш учун Европа иттифоқи Комиссияси ва НАТО раҳбарлари билан учрашди. 1996 йил 3-4 декабрда Ўзбекистон ташаббуси билан ЕХҲТ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Лиссабон декларациясига Марказий Осиё минтақасида барқарорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда можароларнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш ҳақидаги банд киритилди. Шундан кейин, 1996 йил 13 декабрда Австрия пойтахти Венада Вассенаар битими иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг Афғонистонга қурол-яроғ, ўқ-дори ва ҳарбий анжомлар етказиб беришни тухтатиш ҳақидаги Декларацияси қабул қилинди ва ўша йил 17 декабрда Европа иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари Кенгаши Афғонистонга қурол-яроғлар етказиб беришни тақиқлаш ҳақида махсус ҳужжат — “Умумий нуқтаи назар”ни қабул қилди. Иккала ҳужжатда Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласини ҳал қилишга доир таклифлари ўз аксини топди.

1997 йил 24 августда Ўзбекистон Афғонистон билан чегарадош олти мамлакат, шунингдек Россия ва АҚШ иштирокида мулоқот гуруҳи ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бу гуруҳ кейинчалик Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳи номини олди. Мазкур гуруҳга Россия ва АҚШдан ташқари Афғонистон билан бевосита чегарадош олти мамлакат — Эрон, Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон кирди. Ўша йилнинг 16

октябрида Нью-Йоркда Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар доимий вакилларининг биринчи ташкилий мажлиси бўлди. 1998 йил 21 сентябрда эса ўша ерда мазкур мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб, бу учрашув “Умумий қарашларга доир бандлар” деган ҳужжатни қабул қилди. 1999 йил 14 январда Нью-Йоркда Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар доимий вакилларининг навбатдаги учрашуви бўлиб, у Ўзбекистоннинг Тошкент учрашувини ўтказиш ҳақидаги таклифларини кўриб чиқди.

“6+2” гуруҳи деярли уч йил мобайнида БМТ бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили, таниқли дипломат Л. Брахими билан келишган ҳолда гуруҳга аъзо мамлакатларнинг афғон танглигидан чиқиш йўллари излашнинг умумий принциплари ва муштарак ёндошувларини ишлаб чиқиш борасида жуда катта иш қилди. Ҳозирги вақтда “6+2” гуруҳи Афғонистондаги можарони ҳал қилиш бўйича бирдан-бир ишлаб турган халқаро механизмдир. У кўп томонлама дипломатия соҳасида ноёб тажриба туپлади. Бу тажриба биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, Афғонистон ичидаги қурашаётган томонларни музокаралар жараёнига тортиш учун қулай ташқи шароитлар яратиш имконини беради.

“6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари ўринбосарларининг 1999 йил 19-20 июлда Тошкентда БМТ шафелигида бўлиб ўтган учрашуви бу йўналишда ҳамкорлик қилиш учун муҳим воқеа бўлди. Тошкент учрашувида БМТнинг эътиборли делегацияси қатнашди. Учрашувда қатнашиш учун Афғонистондаги иккала асосий қурашаётган томонга — “Толибон” ҳаракатига ва толибларга қарши коалиция Бирлашган фронтга расмий таклифнома юборилди ва уларнинг вакиллари анжуманда қатнашиш учун келди.

Тошкент учрашувида кўп йиллик можародан чиқиш йўллари ҳақида кенг фикр алмашилди. Учрашувнинг ҳамма иштирокчилари, шу жумладан қурашаётган томонлар ҳам афғон муаммосини уруш йўли билан ҳал қилиб бўлмайдиган ҳолга қўшилдилар. Душман томонларнинг беқарор устунлигида ўтаётган фуқаролар уруши яна бир неча ўн йиллар давом этиши мумкин. Афғони-

стондаги рақиблардан бирининг ҳар қандай ғалабаси шуниси билан хавфлики, у вақтинчалик “голиб”да ушбу беҳуда ва даҳшатли олишувда тўла ғалабага эришдим деган хом-хаёлни туғдиради. Лекин охириги йилларда қайта-қайта исбот бўлганидек, Афғонистондаги бирон-бир қуролли гуруҳнинг ҳарбий муваффақиятлари қисқа муддатлидир. Ҳатто гуруҳлардан бири Афғонистоннинг бутун ҳудудида ўзининг ҳарбий назоратини ўрнатса-ю, бироқ ҳокимиятларни тақсимлаш ва мамлакат барча аҳолисининг вакиллиги механизмидан фойдаланмаса, афғон заминидagi қуролли можаро давом этаверади.

Афғонистонда 20 йилдан ортиқроқ давом этиб келаётган тинкани қуритадиган уруш яна шунинг учун ҳам тўхтамаётирки, бу мамлакатда жуда нуфузли ташқи кучларнинг манфаатлари тўқнашган. Бу кучлар ўз ғаразли мақсадларига эришиш учун Афғонистондаги биродарқушлик урушини маблағ билан таъминламоқда. Афғонистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё, Ўрта ва Узоқ Шарқ мамлакатлари чорраҳасидаги қулай жуғрофий-сиёсий ўрни бутун тарих давомида бу мамлакатни ташқи тажовузларнинг доимий объектига айлантириб қўйди. Афғонистон можаросига ҳатто минтақадан анча узоқдаги давлатлар ҳам тортилган. Хусусан, Россия ва Ғарб матбуотида “Толибон” ҳаракатини Саудия Арабистонининг айрим молиявий доиралари пул билан қўллаб-қувватлаётганлиги ҳақида тез-тез ахборот пайдо бўлмоқда. Афғонистон халқаро экстремистик ислом марказлари ва террорчи ташкилотлар таъсири остига ҳам тушиб қолди. Фуқаролар уруши бошланганидан кейин мамлакат наркотик моддалар қонунсиз ишлаб чиқариладиган ва экспорт қилинадиган халқаро марказга айланди. Афғон урушида жуда катта молиявий маблағлар айланмоқдаки, бу ҳол мамлакатдаги можарони ҳал қилишни янада мураккаблаштирмоқда.

Афғонистонда фуқаролар уруши собиқ СССР 1979 йил 27 декабрда бу мамлакатга ўзининг мунтазам қўшинларини киритиб, шу тариқа суверен давлатга қарши очиқдан-очиқ тажовуз қилганидан, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган меъёрларини қўпол суратда бузганидан кейин бошланди. Афғонистонни зўрлаб советлаштириш

миллионлаб одамларнинг қурбон бўлишига ва иқтисодиётнинг вайрон бўлишига олиб келди. Афғон халқи ўзининг миллий табиатига ёт бўлган коммунистик диктатурага қарши қўлига қурол олиб курашди ва охир-оқибатда шўро қўшинлари бу мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлдилар. Шўро қўшинлари у ерда 10 йил туриши натижасида амалда бутун афғон халқи қуролланганди. Шу сабабли, шўро қўшинлари 1990 йил февралда Афғонистон ҳудудидан чиқиб кетар эканлар, у ерда тиш-тирноғигача қуролланган гуруҳларни қолдириб кетдилар. Бу гуруҳлар аввалига Нажибулла режими билан, у ағдариб ташланганидан кейин эса бир-бирлари билан уруша бошладилар. Натижада куч ишлатиш мамлакатда ҳокимият тепасига келишнинг асосий усули бўлиб қолди. Бу эса қуролли қарама-қаршилиқни яна ҳам кучайтирди. Кўп йиллик фуқаролар уруши натижасида ҳозир Афғонистонда ижтимоий-иқтисодий инфратузилма амалда батамом вайрон бўлди, миллатнинг гули йўқ қилиб ташланди, миллионлаб одамлар ватанни ташлаб кетишга мажбур бўлди.

1998 йилда Афғонистон асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича охириги ўринлардан бирини эгаллаб, энг камбағал давлатлар рўйхатига кириб қолди.

Шундай қилиб, шўролар тажовузининг салбий оқибатлари Афғонистондаги ҳозирги можарони келтириб чиқарган ички сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, этник, диний ва бошқа омиллар кескинлашувига сабаб бўлди.

Шўролар тажовузи йилларида бутун дунё афғон халқи мустақиллик учун олиб борган адолатли урушни қатъият билан ёқлаб чиқди, унга ҳар томонлама мадад ва ёрдам берди. Хусусан, 1979—1989 йиллар мобайнида БМТ чет мамлакат интервенциясини қоралаб ва Афғонистондан қўшинларни дарҳол олиб чиқиб кетишни талаб қилиб 11 та махсус резолюция қабул қилди. 35 давлат ташаббуси билан 1980 йил 14 январда БМТ Бош Ассамблеясининг Афғонистондаги аҳволга бағишланган олтинчи, фавқулодда сессияси бўлиб ўтди.

Бироқ, шўро қўшинлари Афғонистондан олиб чиқилгач ва “совуқ уруш” тамом бўлгач, халқаро ҳамжамиятнинг бу мамлакатдаги воқеаларга қизиқиши бирданига сўнди. Афғонистон узоқ вақт давомида унутил-

ди ва ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Натижада Афғонистон халқлари яна жуда оғир синовларга — беҳуда ва ўзининг фожиали оқибатлари жиҳатидан ҳалокатли бўлган, ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилган айрим шахслар манфаатларини кўзлаб бошланган урушга тортилди. Минтақадаги ўз манфаатлари ва мақсадларини кўзлаётган айрим мамлакатларнинг Афғонистон ичидаги гуруҳларни қўллаб-қувватлаши Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан тўхтовсиз аралашшига айланиб кетди. Айнан ташқаридан аралашшиш Афғонистон ичидаги гуруҳларнинг қуролли тўқнашувига мадад бераётган ва бу мамлакатда тинчлик ўрнатилишига тўсқинлик қилаётган асосий омилдир.

Тинч бунёдкорлик меҳнатини тасаввур ҳам қила олмайдиган одамларнинг бутун бир авлоди пайдо бўлганлиги Афғонистон учун фуқаролар урушининг салбий оқибатларидан бири бўлди. Улар учун уруш ва наркобизнес бирдан-бир тирикчилик воситасига айланди. Ҳозирги вақтда Афғонистон ҳудуди халқаро терроризм, қурол-яроғлар контрабандаси, наркотик моддаларни қонунсиз ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг мисли кўрилмаган марказига айланди. Бу мамлакатда халқаро ҳуқуқнинг энг оддий меъёрларини, инсоннинг, айниқса хотин-қизларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш оммавий тус олди. Бундан ташқари, тўхтовсиз давом этаётган фуқаролар уруши Покистон ва Эронда вақтинча бошпана топган миллионлаб қочоқларнинг ватанга қайтишига имкон бермаётир.

90-йилларнинг бошларида айрим мамлакатлар Афғонистондаги урушаётган томонларни яраштириш мақсадида воситачилик ҳаракатларини амалга оширдилар. Лекин бу ҳаракатларнинг ҳаммаси натижасиз тугади. Бунинг сабаблари асосан шунда эдики, улар халқаро қўламада, айниқса, нуфузли давлатлар ва БМТ томонидан қўллаб-қувватланмади.

Бироқ сўнгги йилларда БМТ, Европа Иттифоқи, ЕХХТ, “Ислом конференцияси” Ташкилоти ва бошқа обрўли халқаро ташкилотлар Афғонистондаги можаро ҳал бўлмаётганлигидан тобора қаттиқ ташвишланмоқдалар. Хусусан, БМТнинг Афғонистон бўйича махсус миссия-

си тузилди ва БМТ бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили лавозими жорий этилди.

Жазоирнинг собиқ ташқи ишлар вазири Лахдар Брахими БМТ бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили этиб тайинланганидан кейин тинчлик ўрнатиш жараёнида реал силжиш юз берди. Л. Брахими минтақа мамлакатлари бўйлаб сафари доирасида 1997 йил 16—17 августда Ўзбекистонга биринчи ташрифи чоғида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов билан учрашди ва у билан қўшни Афғонистондаги вазиятни батафсил муҳокама қилди. Ўшанда Ислон Каримов Афғонистондаги можарони ҳал қилиш бўйича мулоқот гуруҳини тузиш ташаббусини илгари сурди. Бу гуруҳ кейинчалик “6+2” гуруҳи сифатида танилди. Гуруҳга аъзо мамлакатларнинг қарашларида жиддий фарқлар бўлишига қарамай — фарқлар уларнинг Афғонистондаги воқеаларни баҳолашлари билан боғлиқ — “6+2” гуруҳи БМТ шафелигида уч йил қаттиқ иш олиб бориб, афғон можаросини ҳал қилиш йўллариини излаш хусусида ягона нуқтаи назарни ишлаб чиқишга муваффақ бўлди.

“6+2” гуруҳининг Тошкент учрашуви Афғонистон билан бевосита чегарадош мамлакат пойтахтида ўтказилган биринчи йирик халқаро анжуман бўлди. Курашаётган томонларнинг раҳбарлари яхши ният, ақл билан иш қўриб, иштирокчи мамлакатлар жаҳон ҳамжамияти номидан билдирган фикрларни тинглабгина қолмасдан, шу билан бирга афғон можаросини ҳал қилишнинг тинч йўллариини излашга доир ўз нуқтаи назарларини баён этиш учун ноёб имкониятдан фойдаландилар. Шунинг учун ҳам кўпгина кузатувчилар “6+2” гуруҳининг Тошкентдаги учрашувини ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи демоқдалар.

“6+2” гуруҳининг БМТ шафелигидаги Тошкент учрашуви арафасида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов БМТ бош котиби Кофи Аннанга мактуб юборди. Мактубда, хусусан, бундай дейилади: “Биз Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусларини илгари силжитиш ва амалга оширишда БМТ, Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлари ва шахсан Сиз Жаноби Олийлари томонидан берилаётган мадад ва ёрдамни юксак қадрлаймиз.

Ўзбекистондагилар ҳозирги дунёда ҳар қандай можа-роларни фақат тинч музокаралар йули билан сиёсий во-ситалар ёрдамида тинч ҳал қилиш мумкинлигига, бу му-зокараларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош рол-ни ўйнаши кераклигига ҳам қаттиқ ишонадилар.

Шу муносабат билан Сиз республиканинг жафокаш Афғонистон заминида тинчлик ва барқарорликни тик-лашга қаратилган таклифларини, хусусан БМТ шафели-гида “6+2” гуруҳини тузиш ва бу гуруҳнинг Тошкент уч-рашувини ўтказиш ташаббусини тушунганингиз ҳамда қўллаб-қувватлаганингизни чуқур мамнуният ва миннат-дорлик ҳисси билан кўрсатиб ўтмоқчиман”.

Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳининг Тошкент учра-шувини очиш маросимида сўзга чиқиб, Президент Кари-мов бундай деди: “Фуқаролар уруши туфайли вужудга келган беқарор вазият аллақачон Афғонистон чегарала-ридан ошиб ўтиб, минтақадан анча нарида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бугун Афғонистон ва унинг атрофида юз бераётган халқаро терроризм ва экстремизм муаммолари ҳам, нар-котик моддаларни тарқатиш ва қурол-яроғ савдоси му-аммолари ҳам, тобора таҳдидли тус олаётган исломни радикаллаштириш жараёнлари ҳам жаҳон жамоатчили-гини ташвишга солмай қолмайди.

Бугунги кунда Афғонистонда юз бераётган воқеалар-ни кузатиб турган ҳар бир кишини бу мамлакат аҳолиси-нинг, уни вайронгарчилик ва муҳтожликка маҳқум эт-ган, иқтисодиёт ва кишилар ҳаётини ўнлаб йиллар орқ-ага улоқтириб ташлаган уруш ва қарама-қаршилик туфайли Ватанидан жудо бўлган барча миллат ва элат вакилларининг тақдирини ташвишга солмай қўймайди”.

Ўзбекистон Президенти “баъзи давлатларнинг Афғо-нистондан жуғрофий узоқлик ўзларининг хавфсизлиги-га таъсир қилмайди деган умидлари асоссиз эканини вақт кўрсатди”, деб алоҳида таъкидлади.

Сунгра жаноб Каримов бундай деди: “Ҳозир... биз-нинг энг эзгу ва энг катта истагимиз тинч, барқарор ва хавфсиз Афғонистонни кўришдир. Биз Кобулда миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қиладиган ва

чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга кафолат берадиган барча томонлар вакилларидаан иборат нуфузли ва кучли ҳукуматни кўришни истаимиз”.

Ислом Каримов, Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал этиш минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун, биринчи навбатда Урта Осиёни қўшни ҳудудлар ва мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларига доир узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш бўйича зарур шарт-шароит яратиш ишига чинакам омил бағишлаган бўлар эди, деб ҳисоблайди. Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан БМТ шафелигида “6+2” гуруҳини тузиш бўйича саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари ана шу ёндашувларга асосланган. Бу гуруҳ нисбатан қисқа вақт ичида афғон муаммосини ҳал этиш йўлларини биргаликда излашда анча тажриба орттирди.

Афғонистондаги бугунги вазиятни асосан Афғонистон жамиятининг таркибий қисмини ташкил этувчи икки куч — “Толибон” ҳаракати ҳамда унга қарши турган Аҳмад Шоҳ Маъсуд раҳбарлигидаги бирлашган гуруҳ шакллантирмоқда. Ҳозирги вақтда Афғонистон можаросининг кўпгина иштирокчилари, шунингдек, уларнинг орқасида турган кучлар Афғонистон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини тушуниб етмоқда. Ўзбекистон Президентининг сўзларига қараганда, Афғонистон ичидаги кучлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини тухтатиш ва музокараларни қайтадан бошлаш зарурлиги ўзаро курашгаётган томонлар ўртасида музокаралар жараёнини бошлаш учун ана шу ноёб имкониятни тушуниб етиш ва англашни тақозо қилмоқда. Шу сабабли Тошкент учрашуви мазкур можарони афғон томонлари ўртасида тўғридан-тўғри тинч сиёсий музокаралар воситасида, мамлакатнинг ички ишларига ташқаридан аралашувсиз ҳал қилиш заруриятига қаратилди. “Афғон халқи ва унинг раҳбарлари ўз мамлакатлари тараққиётнинг қайси йўлидан боришини ва тинч ҳаёт қандай ҳукумат бошчилигида тикланишини ўзлари мустақил равишда танлаб олишлари керак”, — деб кўрсатди Ислом Каримов.

“6+2” гуруҳи воситачилигида тинчлик жараёнини янада ривожлантириш можаро қатнашчиларига ҳам, воситачиларга ҳам ҳар бир янги босқичга аниқ натижалар билан чиқишга имкон беради. Шу муносабатлар билан Исом Каримов, БМТ шафелигидаги “6+2” гуруҳи ёрдамида афгон можаросини ҳал қилиш келгусида қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин деб ҳисоблайди.

Биринчидан, БМТ Бош котибининг махсус вакили воситачилигида бугун Афғонистонда бир-бирига қарши қурашаётган икки асосий куч ўртасида ўт очишни тўхтатиш, ҳарбий асирларни айирбошлаш, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш учун йўллари очиш ва ички тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисида битимлар тузиш зарурий дастлабки босқич бўлади.

Иккинчидан, кейинги босқичда Афғонистоннинг давлат тузуми ва барча томонлар вакилларида иборат ҳукумат тузишнинг асосий тамойиллари бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, Афғонистондаги можарони бартараф этиш, шу жумладан қочоқларни қайтариш, миналардан тозалаш, қуролсизланиш ва шу каби бошқа масалалар тўғрисида қарама-қарши томонлар ўртасида Умумий битимлар яқунловчи мажмуини қабул қилиш. Афғонистон томонлари рози бўлган тақдирда, уларнинг ўртасидаги Умумий битимлар “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этадиган учрашувда имзолаши мумкин бўлар эди.

Туртинчидан, Афғонистондаги ички тинчлик жараёни билан бир вақтда “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар Афғонистонни урушдан кейинги тиклашга қаратилган кенг қўламли инсонпарварлик ҳамда молиявий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқаришлари мумкин.

Воқеалар ана шу тарзда ривожланиб борса, яқунловчи босқичда БМТ Бош Ассамблеясининг Афғонистон бўйича махсус сессиясини ўтказиш тўғрисидаги масалани куриб чиқиш мумкин бўлур эди. Бундай сессиянинг ўтказилиши мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича яқунловчи битимлар халқаро ҳамжамият томонидан сиёсий жиҳатдан эътироф этилганининг рамзи бўлур эди.

“6+2” гуруҳининг Тошкент учрашуви очиладиган кунда БМТ Бош котиби К. Аннан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовга мактуб йўллади. Хужжатда, жумладан, бундай дейилади: “Мен Сизнинг афғон можароси фақат минтақадагина эмас, балки унинг узоқ ташқарисида ҳам салбий таъсир кўрсатаётганидан ташвиш чекаётганингизга тўла-тўқис қўшиламан. Мен, шунингдек, Сизнинг ушбу можаро фақат сиёсий музокаралар йўли билангина ҳал этилиши мумкин деган фикрингизга ҳам батамом қўшиламан. Шу муносабат билан мен Сиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги тинчлик ўрнатувчилик фаолиятини, айниқса менинг махсус вакилим, элчи Брахимини қатъий қўллаб-қувватлаганингиз учун астойдил миннатдорман”.

Тошкент учрашуви қатнашчилари Ўзбекистоннинг ва Президент Каримов ташаббуси билан Афғонистон бўйича тузилган “6+2” мулоқот гуруҳининг афғон можаросини ҳал этишдаги тинчлик ўрнатувчилик ролини юқори баҳоладилар. Тошкент анжуманидаги Хитой делегациясининг бошлиғи, ХХР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ян Вэнчан мазкур учрашувда сўзга чиқиб, бундай деди: “Биз БМТнинг афғон масаласи бўйича “6+2” гуруҳи механизми ҳозирнинг ўзидаёқ афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш йўлларини излашнинг асосий воситаси бўлиб қолди, деб ҳисоблаймиз. Биз “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар ушбу механизм мазкур масалада амалий роль ўйнаши учун алоқаларни кучайтиради, ҳам-фикрликни чуқурлаштиради ва биргаликда куч-ғайрат сарфлайди деб умид қиламиз”. Шундан кейин хитой дипломати қуйидагиларни айтди: “Бир қанча тарихий ва реал сабаблар туфайли биз бир ёки иккита мажлис ўтказиб, ўн йиллар мобайнида тўпланиб қолган ҳамма масалаларни батамом ҳал қила олишимизга умид боғлай олмаймиз. Шу сабабли Афғонистонда тинчликка олиб борадиган йўл паст-баланд ва машаққатли бўлиб қолмоқда. Белги-ланган мақсадга эришиш учун тегишли томонлар яна узоқ муддат зўр бериб куч-ғайрат сарфлашлари керак бўлади. Хитойда “Минг километрлик сафар биринчи қадамдан бошланади” деган ҳикматли гап бор. Модомики, биз ишни яхши бошлаган эканмиз, афғон масаласини тез

орада тинч йул билан ҳал қилиш мумкин ва бунга умид қилса бўлади деб ишонишга асос бор”.

Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Жавод Зариф ўз навбатида бундай деди: “БМТ, “6+2” гуруҳи ва бутун халқаро ҳамжамият Афғонистон раҳбарлари ва гуруҳларига вайрон келтирувчи йўлини ўзгартириш ҳамда тинчлик ва миллий яраш йўлини танлаб олиш учун бебаҳо имкониятни таъминлаб бердилар”.

Покистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ифтихор Муршид Ўзбекистоннинг афғон танглигини ҳал қилиш бобида тинчлик ўрнатишга қаратилган саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, “... Президент Ислом Каримов ўз ҳукуматининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига содиқлигини қатъий ва аниқ намойиш қилди”, деб қайд этди.

Тошкент учрашувидаги тожик делегациясининг бошлиғи, Тожикистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Фуломжон Мирзоев “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар вакилларининг Тошкентда ўтказилаётган бу қадар нуфузли учрашуви Афғонистондаги вазиятни ҳал қилишнинг можарога тортилган ҳамма томонлар учун мақбул бўлган йўллари излаш ишига қўшилган яна бир салмоқли ҳисса бўлади”, деб ҳисоблайди.

АҚШ давлат котибининг ўринбосари Карл Индерфурс бундай деди: “6+2” гуруҳининг Тошкентдаги учрашуви Афғонистон можаросини бартараф этиш юзасидан биринчи йирик халқаро анжумандир ва у жуда катта аҳамиятга эга. Учрашувнинг мақсади Ўзбекистон ҳукумати ва “6+2” гуруҳига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар, шу жумладан АҚШ ҳукуматларининг бу соҳадаги аниқ қадамларини белгилашдан иборат. Ушбу муаммога ягона ёндашув олдиндан ишлаб чиқилди. Бу ёндашув урушаётган томонларни музокаралар столи ёнига ўтказиш, сўнгра эса Афғонистонда бирлашган кўп элатлик ҳукумат тузишга ёрдам беришдан иборатдир. Бу иш БМТ билан яқиндан ҳамкорликда олиб борилди. Учрашув бўлиб ўтишида Президент Ислом Каримовнинг хизмати катта. АҚШ ҳозирги анжуманни бу даражада, “Толибон” ҳаракати ва Афғонистон Бирлашган fronti вакиллари иштирокида ўтказиш

бўйича Ўзбекистоннинг ташаббусини юқори баҳоламоқда ва афғон муаммосининг ечимини излашда барча чоралар билан ёрдам беришга тайёр”.

“6+2” гуруҳининг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган учрашуви якунлари бўйича “Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси қабул қилинди. “6+2” гуруҳига аъзо давлатлар: ХХР, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, шунингдек Россия Федерацияси ва АҚШ ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари томонидан БМТ Бош қотибининг Афғонистон бўйича махсус вакили жаноб Лахдар Браҳими иштирокида имзоланган Тошкент декларацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни икки босқичда ўтишини назарда тутди. Биринчи босқич ўт очишни тўхтатишни, ҳарбий асирларни алмаштиришни ҳамда савдо ва инсонпарварлик ёрдами учун тўсиқларни олиб ташлашни ўз ичига олади. Бу чоралар ишонч туғилиши учун зарур. Мазкур босқич тутаганидан кейин томонлар кўп элатлик ҳукумат тузиш юзасидан музокаралар бошлашлари керак. Ушбу жараёнга ёрдам бериш учун, энг аввало, Афғонистон ишларига аралашини, айниқса ҳарбий анжомлар етказиб беришни тўхтатиш зарур. Тошкент декларациясини имзолаганлар, энг аввало, Афғонистон ҳудудидан, айниқса “Толибон” ҳаракати назорат қилиб турган ҳудудлардан террорчиларни яшириш ва уларни ўқитиш учун фойдаланилаётганлиги муносабати билан, шунингдек, бундай ҳаракатларнинг хатарли оқибатлари Афғонистонда, у билан қўшни мамлакатларда ва унинг чегараларидан узоқларда кузатилаётганлиги муносабати билан ташвишланаётганликларини билдирдилар.

Декларация муаллифлари афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал қилишга уринишлар беҳуда эканлигига эътиборни яна бир бор қаратдилар. Ҳужжатнинг биринчи бандида бундай дейилади: “Афғонистондаги зиддиятни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмас ва у кўп элатлик ҳамда барча томонлар вакиллари билан иборат ҳукумат тузиш мақсадида тинч сиёсий музокаралар орқалигина мувофиқлаштирилиши мумкин”. Шу муносабат билан “6+2” гуруҳи аъзолари Афғонистондаги томонларни

мана шу мақсадларга эришишга қаратилган сиёсий музокараларни қайтадан бошлашга қатъият билан даъват қилдилар.

“6+2” гуруҳига аъзо давлатлар Афғонистондаги бирон-бир томонни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватламаслик ва ўз ҳудудларидан бу мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймасликка келишиб олдилар. Улар халқаро ҳамжамиятни Афғонистонга қурол-яроғлар етказиб беришнинг олдини олиш учун мана шундай чоралар кўришга чақирдилар.

Ҳужжатда “6+2” гуруҳи аъзоларининг Афғонистондаги томонлар ўртасида БМТ шафелигида БМТ бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюция ва қарорлари ҳамда мазкур Декларацияга биноан юқорида кўрсатиб ўтилган 1-банд ижроси бўйича афғонлараро битимга эришиш учун ўтказиладиган бевосита музокараларга кўмаклашишга тайёр эканликлари билдирилди.

Декларациянинг бешинчи бандида таъкидланганидек, “музокаралар жараёни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтиши лозим ҳамда у икки босқичдан иборат бўлиши мумкин.

а) Биринчи босқичнинг асосий мақсади ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилишдан иборат бўлади. Бу чора-тадбирлар:

ўт очишни дарҳол ва сўзсиз, ҳеч қандай шартларсиз тўхтатиш бўйича битим имзоланишини;

бу босқичда зиддиятга аралашган икки томон — Бирлашган фронт билан “Толибон” ҳаракатининг ваколатли делегациялари ўртасида битимларга эришиш, шу жумладан:

— асирларни айирбошлаш;

— ички тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда ўзаро савдо ва турли афғон гуруҳлари назорат қилиб турган ҳудудларга мурувват ёрдами етказиб бериш учун йўлларни очиш мақсадида бевосита музокаралар ўтказишни ўз ичига олади.

б) Иккинчи босқичнинг асосий мақсади афғонларнинг ўзи Афғонистоннинг келажақдаги давлат тузилишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ҳамда қисқа вақт ичида кўп элатлик ва барча томонлар вакиллари билан иборат ҳукуматни шакллантиришдан иборатдир”.

Тошкент декларациясида “6+2” гуруҳига аъзо бўлган, Афғонистон билан чегарадош давлатлар наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган икки томонлама ва кўп томонлама чора-тадбирларни кўришга келишиб олганликлари ҳам таъкидланади.

Декларациянинг саккизинчи бандида Афғонистон томонлари, айниқса, “Толибон” ҳаракати халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотларига бошпана бериш ва уларни ўқитишни тўхтатишга, террорчиларни суд жавобгарлигига тортиш борасидаги саъй-ҳаракатларга кумаклашишга чақирилади.

Декларация Афғонистон масаласида “6+2” гуруҳининг урушдан кейинги роли қандай бўлишини ҳам кўрсатиб беради. Унинг 10-бандида бундай деб таъкидланади: “Биз юқоридаги 1-бандга мувофиқ тузиладиган Афғонистоннинг янги ҳукумати билан Афғонистон ва минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, афғон қочоқларининг ўз жойларига қайтиши ҳамда БМТ муассасалари ва дастурлари, халқаро молиявий ташкилотлар ва ёрдам берувчи мамлакатлар кўмагида Афғонистоннинг тезда тикланиши ва оёққа туришини таъминлаш мақсадида барча соҳада ҳамкорлик қилишга тайёرمىз”.

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Василий Средин Тошкент декларациясининг Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал қилишдаги аҳамиятини баҳолаб, уни “6+2” га кирувчи “Афғонистон кўшнилари ва дўстлари гуруҳи”нинг тинчлик ўрнатиш соҳасидаги катта имкониятларини кўрсатадиган биринчи кўламдор ҳужжат деб атади. Россия дипломати бундай деди: “Афғонистондаги вазият жуда хатарли. Шу боис воқеалар куч ишлатиш йўли билан давом этишининг олдини олиш учун таъсирчан чоралар кўриш зарур. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилаётган “6+2” гуруҳининг Тошкентдаги ушбу учрашуви айнан шу мақсадга қаратилгандир. Ташкилотчилар бу учрашувни тайёрлар экан, “Толибон” ҳаракати вакиллари Афғонистондаги можарони бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларациясига имзо чекишини вазифа қилиб қўймаган эди. Бироқ

қарама-қарши томонлар — “Толибон” ҳаракати ва Афғонистон Бирлашган fronti вакилларининг учрашувда иштирок этаётганлиги катта аҳамиятга эга ва бу бизга катта умид бағишлайди. Учрашувнинг ўзи ҳам, унда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам қарама-қарши томонлар музокаралар столи атрофига ўтириб, можарони бартараф этишга қаратилган бевосита мулоқотларни бошлашлари учун жиддий туртки бўлишига умид қиламиз”.

Тожикистон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Гуломжон Мирзоев “Тошкент декларацияси Афғонистон жамияти барча қатламларининг манфаатларини ҳисобга олади ва Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва миллий бирлигини асло камситмайди. Тошкент учрашувида қатнашган мамлакатлар Афғонистондаги ўзаро курашаётган томонларга бирон-бир шартлар ёки ечимларни зўрлаб қабул қилдиришга ҳаракат қилаётганлари йўқ. Улар афғон халқининг ҳақиқий дўстлари сифатида бу мамлакатга тинчлик ва тараққиётни таъминлаб беришга интилиб, қарама-қаршилик ва зиддиятларни ҳал қилишда ёрдам беришга аҳд қилганлар”, деб ҳисоблайди.

АҚШ давлат котибининг ўринбосари Карл Индерфурс “6+2” гуруҳининг кескин бурилиш ясаган Тошкент анжуманини ташкил этганлиги учун Ўзбекистон Президенти И. Каримовга Америка ҳукуматининг миннатдорчилигини билдириб, “Ўзбекистон ҳукуматининг узоқни кўра билиши ва қатъияти туфайлигина бу учрашувни ўтказиш мумкин бўлди”, деди. Карл Индерфурс сўзлари билан айтганда, АҚШ “6+2” гуруҳининг учрашуви доирасида Афғонистон муаммосини ҳал қилиш учун куч-ғайратлар сарфлаш имконига эгалигидан мамнун. Американинг юқори мартабали дипломати бундай деди: “Биринчи марта минтақада тўпланган “6+2” гуруҳи Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига ёрдам беришга тарафдор эканлигини тасдиқламоқда. Бизнинг Тошкентдаги учрашувимиз бутун минтақа Афғонистон тинч ва барқарор бўлишидан манфаатдор эканлигидан далолат бермоқда. Барқарор Афғонистон иқтисодий ўсиш, савдо ва инвестицияларни жалб этишнинг қудратли катализатори бўлар эди, бу эса ҳамма чегарадош

давлатларга яхши таъсир кўрсатган бўларди. “6+2” гуруҳи Афғонистондаги асосий кучлар вакиллари ни таклиф қилиб, ўзининг бетарафликка содиқ эканлигини, шунингдек ғоят хилма-хил овозларга қизиқиш билан қулоқ солаётганини намойиш қилди”.

Афғонистон делегациясининг бошлиғи, Афғонистон Бирлашган фронтининг вакили М. Абдулла “Тошкент декларацияси лойиҳасининг параграфларида баён этилган умумий тушунчалар афғон халқи томонидан қўллаб-қувватланади”, — деб ҳисоблайди. — “Афғонистонда узоқ муддатли ва мустаҳкам тинчликни таъминлаб бера оладиган асосий тамойилларнинг зарурлигини таъкидлаб ўтишга руҳсат бергайсиз. Бу тамойиллар бетараф ва мустақил Афғонистоннинг асосини ташкил этади. Улар ўзаро ҳурмат шароитида ҳамма мамлакатларнинг, шу жумладан, минтақадаги мамлакатларнинг ҳам манфаатлари га, муаммоларнинг истиқболли ечимларини ишлаб чиқишга ижобий тарзда ҳисса қўшади”.

Каримовнинг Марказий Осиёда гинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга интилиши ҳамда унинг Афғонистон можаросини ҳал қилишдаги тинчлик ўрнатувчилик иши дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан юқори баҳоланмоқда. Хусусан, Ҳиндистонда чиқадиган “Индиан экспресс” газетаси “6+2” гуруҳининг Тошкент учрашуви яқунларини шарҳлаб, қуйидагиларни ёзган эди: “Марказий Осиё минтақасида ислом фундаментализми ва экстремизм кўринишлари тарқалишининг олдини олишга қаратилган собитқадам сиёсатни амалга ошираётган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов “6+2” гуруҳининг Тошкент учрашувини очиш маросимида сўзлаган расмий нутқида Афғонистонда тинчлик ўрнатишга ва бу давлатда кенг вакиллик асосида ҳукумат тузишга яна бир бор чақирди”.

Ҳиндистоннинг яна бир нуфузли газетаси — “Обсервер” “Тошкент учрашуви асосий мақсадни амалга ошириш — жафокаш Афғонистонда урушни тўхтатиш йўлидаги амалий ва муҳим қадам” эканлигини қайд этди.

Хитойнинг марказий газетаси “Жэнмин жибао” “6+2” гуруҳининг Тошкентдаги халқаро учрашуви ҳақида хабар эълон қилиб, мана шу халқаро анжуманда “Афғони-

стондаги можарони тинч йул билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси қабул қилинганлигини жуда муҳим воқеа деб атади.

Мисрнинг етакчи газеталаридан бири — “Ал-Ахбор” “6+2” гуруҳининг халқаро учрашувини очиш пайтида Президент Ислон Каримовнинг Афғонистондаги ўзаро курашаётган томонларни ўт очишни тўхтатишга ва улар ўртасида музокаралар бошлашга қилган даъвати долзарб ва ишонарли” булганлигини таъкидлади.

Голландиянинг кундалик газетаси “Де телеграф” Тошкент учрашуви ҳақидаги мақоласида, ўз навбатида, Афғонистондаги ўзаро курашаётган томонлар ўртасида Ўзбекистон ёрдами билан сулҳ музокаралари бошланганлиги умидбахш воқеадир, деб ёзди. “Де телеграф” Афғонистоннинг ўзаро курашаётган томонлари ўртасида ҳарбий асирларни айирбошлаш, шунингдек инсонпарварлик ёрдами итказиб бериш масалалари муҳокама қилинганлигини ижобий ҳодиса деб ҳисоблайди.

Етакчи немис газетаси “Франкфуртер алгемайне цайтунг” “6+2” гуруҳининг Тошкент учрашувидан кейин дарҳол босилиб чиққан “Афғонистон буйича янги сулҳ музокаралари” деган мақоласида И. Каримовнинг ушбу анжуманда афғон можаросини тезроқ ҳал этиш юзасидан илгари сурган ташаббусларига алоҳида эътибор берди. Шу жумладан, газета муштарийлар эътиборини Ўзбекистон Президентининг Афғонистон буйича БМТ Бош Ассамблеясининг махсус сессиясини утказиш, ўт очишни тўхтатиш, ҳарбий асирларни айирбошлаш, бу мамлакатга инсонпарварлик ёрдами итказиб бериш учун йулларни очиш ва ички тўсиқларни олиб ташлаш ҳақидаги таклифларига қаратди.

Тошкент учрашувининг якунлари халқаро майдонда ҳам кенг кўламда қўллаб-қувватланди. “Афғонистондаги можарони тинч йул билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси БМТ тузилмаларида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. У Афғонистондаги можарони тинч йул билан ҳал қилиш буйича БМТнинг узоқ муддатли истиқболга мулжалланган расмий дастурий ҳужжати булиб хизмат қилмоқда.

1999 йил 28 июлда Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида “6+2” гуруҳининг Тошкентдаги учрашуви якунлари муҳокама қилинди. Мажлисида Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Тошкент учрашуви якунларини юқори баҳолаб, уни афғон муаммоси сиёсий ҳал этилишига эришиш йўлидаги муҳим қадам деб атадилар. Тошкентдаги учрашувла биринчи марта музокара-лар столи атрофида “6+2” гуруҳига аъзо мамлакатлар делегациялари билан бирга Афғонистондаги можарода қатнашаётган икки асосий томон — “Толибон” ҳаракати ва Бирлашган фронт вакиллари ҳозир бўлганлиги алоҳида қайд этилди. Хавфсизлик Кенгаши аъзолари учрашув қатнашчилари томонидан қабул қилинган Тошкент декларациясига ҳам, хусусан унда баён этилган Афғонистонда ўзаро курашаётган томонларнинг ҳеч қай-сисига ҳарбий ёрдам бермаслик ҳақидаги мажбуриятга ҳам юқори баҳо бердилар.

Ҳозир Тошкент Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик муаммолари, биринчи навбатда Афғонистондаги можарони ҳал қилиш масалалари муҳокама қилинадиган минтақавий марказга айланди. 2000 йил 17 февралда БМТ Бош котибининг шахсий вакили, Афғонистон бўйича БМТ махсус миссиясининг бошлиғи Франсиск Вендрелл Тошкентда ўз ҳамкасблари билан Афғонистондаги можарони ҳал этиш масалаларини муҳокама қилди. Суҳбат чоғида томонлар Афғонистондаги вазият хусусида фикр алмашдилар, хусусан, афғон муаммосини ҳал этиш учун “6+2” гуруҳининг саъй-ҳаракатларини кучайтириш имкониятини муҳокама қилдилар.

2000 йил февраль ойи ўрталарида “Ислом конференцияси” Ташкилоти (ИКТ) ҳам афғон можаросини ҳал этиш масалаларини муҳокама қилиш учун Тошкентда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашув ўтказди. Махсус вакил, Эрон ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Муҳаммад Зариф бошчилигидаги ИКТ делегацияси икки кун давомида Ўзбекистон пойтахтида афғон муаммосини ҳал қилиш масалалари юзасидан маслаҳатлар ўтказди.

Афғон муаммосини ҳал қилиш қўшни Тожикистонда ҳам вазиятни тула барқарорлаштириш имконини беради. Тожикистонга қурол-яроғ ва ўқ-дорилар ҳам, бузғ-

унчи кучлар кириб келишининг асосий манбаи ҳам Афғонистондир. Тожикистон Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарининг уринбосари Ғ. Мирзоев сўзлари билан айтганда, “Афғонистондаги ҳозирги вазият вайронгарчилик, очлик, юқумли касалликлар, тинч аҳолининг ҳалок бўлишини ва яна қўлаб миқдорда қочоқларни келтириб чиқармоқда. Тожик-афғон чегарасининг қўлчилик қисми Афғонистон томонидан назорат қилинмаётганлиги чегарадан ғайриқонуний тарзда ўтишга, Тожикистонга ва ундан нарида — асосан Тожикистон чегараларидан ташқаридаги жиноятчи тўдаларнинг кенг тармоғига қурол-яроғ ва наркотик моддаларни контрабанда қилишга тўхтовсиз уринишлар учун мисли қўрилмаган шароитлар яратиб бермоқда. Шундай қилиб, афғон халқига сонсаноқсиз азоб-уқубатлар келтираётган ҳозирги хавфли вазиятнинг сақланиб қолаётганлиги Марказий Осиёда ва Афғонистонга туташ бошқа мамлакатларда тинчлик ва хавфсизликка реал таҳдид туғдирмоқда”.

1992 йил 6 июлдаёқ Москвада ўтказилган МДҲ давлатлари бошлиқларининг Кенгашида Ислоҳ Каримов Тожикистонда яқинлашиб келаётган фуқаролар уруши ҳақида хавотирланиб гапирган эди. Тожикистоннинг ўша вақтдаги раҳбари Раҳмон Набиев Ўзбекистон Президентининг сўзларидан оғриниб, бегона давлатда юз бераётган воқеалар билан Каримовнинг иши бўлмасин, бу биз тожикларнинг ишимиз ва кулфатимиз, деб жавоб берди.

Лекин Ислоҳ Каримов ўзининг тожик ҳамкасбига эътироз билдириб, тожик муаммоси унга ҳам тегишли эканлигини айтди. “Биз ҳаммамиз инсонлармиз, бу масала бутун жаҳон ҳамжамиятига тегишли. Бунинг устига Ўзбекистонда қўлаб тожиклар яшайди, Тожикистонда эса ўзбеклар қўп, ўзбеклар томирида тожик қони ҳам бор, ўзбеклар бефарқ бўла олмайдилар”, — деди Ўзбекистон Президенти. Сўнгра: “Кулфатнинг бегонаси бўлмайди. Акс ҳолда биз бу ерга нега келдик?” деб қўшиб қўйди.

Афсуски, Раҳмон Набиев Каримовнинг сўзларига қулоқ солмади ва тез орада лавозимидан маҳрум бўлди. Қуролланган одамлар аэропортнинг ўзидаёқ ундан истеъфога чиқишни талаб қилишди, у ҳам дарҳол бунга рози бўлди. Тожикистон эса қонли ва вайрон келтирувчи фуқаролар уруши исканжасида қолди.

Шу орада Ислом Каримов Тожикистондаги фуқаролар урушини тухтатиш воситаларини назарда тутувчи ташаббусларни бирин-кетин ўртага ташлайверди ва тожик муаммосини фақат тинч йўл билан, музокаралар столи атрофида ҳал қилишга чақираверди. Хусусан, Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси минбаридан туриб Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларига, энг аввало, тожик муаммосини ҳал қилиш масалаларига бағишланган БМТ доимий семинарини чақиришни таклиф қилди. Ниҳоят, 1995 йил сентябрида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари юзасидан БМТ шафелигида семинар-кенгаш ўтказилиб, унда асосий масалалар қаторида Афғонистон ва Тожикистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этиш муаммоси кўриб чиқилди. Айни вақтда Ислом Каримов ўзининг тинчлик ўрнатишга қаратилган ишларини давом эттиради ва муҳолифат билан Тожикистон ҳукуматининг позициялари яқинлашишига муваффақ бўлади.

Ниҳоят, айнан Россия билан Ўзбекистоннинг тинчлик ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари натижасида Тожикистон ҳукумати билан муҳолифат ўртасида сулҳ тузилишига эришилди. 1997 йил июнь ойида Москвада Россия ва Ўзбекистон Президентлари Борис Ельцин ва Ислом Каримов воситачилигида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан Бирлашган тожик муҳолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий миллий яраш ва коалицион ҳукумат тузиш ҳақида битим имзоладилар.

Гарвард университетининг профессори Дональд Карлайл Ислом Каримовнинг тожик можаросини бартараф этишдаги ролига баҳо бериб, қуйидагиларни ёзган эди: “Тожикистондаги урушнинг ҳалокатли оқибатлари Ўрта Осиёдаги бошқа барча ташқи, эҳтимол ички муаммолар орасида биринчи ўринга чиқиб қолган бир вақтда Президент Каримов минтақадаги энг муҳим сиёсий арбоб бўлиб қолди. Унинг тинчлик ўрнатиш йўлидаги фаолияти, ҳар қандай шароитда ҳам энг юқори баҳога лойиқ”.

Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликка қаратилган фаолияти минтақадаги қуролли можароларни ҳал қилиш билангина чекланиб қолмайди. Мустақил Ўзбекистоннинг бутун ташқи сиёсати Евроосиёнинг ўртасида жойлашган Ўрта Осиё XXI асрда можаролар ва беқарор-

лик минтақасига айланиб қолмаслигига, сиёсий ва иқтисодий марказлар уртасида жанжалга сабаб бўлмаслигига қаратилган. Республиканинг халқаро майдондаги ҳамма ташаббуслари ана шу асосий вазифани ҳал қилишга қаратилган. Ана шундай таклифлардан бири Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этишдан иборатдир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бундай ташаббус билан биринчи марта 1993 йил сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида чиқди. И. Каримовнинг бу ташаббуси халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланди, Ўрта Осиё давлатлари бошлиқларининг 1997 йил февралда Алматида бўлиб ўтган учрашувидан кейин эса минтақа халқларининг муштарак иродасига айланди. Ўзбекистон ташаббусини Марказий Осиёнинг бошқа республикалари — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ҳам батамом қўллаб-қувватладилар ва бу ҳол Алмати декларациясида ўз аксини топди. Ушбу ҳужжат ядро қуролини гарқатмаслик соҳасида сиёсий ишонч муҳитини вужудга келтирди.

Маълумки, ядро қуролидан холи зоналар деган тushунча биринчи марта 1974 йилда қабул қилинган БМТ резолюциясида пайдо бўлган эди. Ҳозирги вақтда бундай зоналар сони, Марказий Осиёдан ташқари, тўрттага етди. Булар Жанубий Осиё, Лотин Америкаси, Африка ва Антарктика бўлиб, 110 дан ортиқ давлатни ўз ичига олади. Мазкур зоналар ядровий қуролланиш пойгасига ҳудудий чекловлар қўйишга, бутун дунёда тинчликни сақлашга, айниқса, мамлакатлар уртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

1997 йил 15—16 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона” халқаро конференцияси бу йуналишдаги жуда муҳим босқич бўлди. Конференция арафасида Ўзбекистон пойтахтида Норвегия, Россия, АҚШ экспертлари билан амалий маслаҳатлар бўлиб ўтди. Япониянинг Халқаро муаммолар институти олимлари эга булажак Тошкент анжумани кун тартибига киритилган масалалар устида батафсил иш олиб бордилар. Тошкент конференциясининг ҳаммуассислари бўлган Марказий Осиё давлатларининг дипломатлари ҳам шундай самарали ишладилар.

Тошкент конференциясини тайёрлаш фақат минтақа доираси билангина чекланиб қолмади. Қуролсизланиш бўйи-

ча БМТ Комиссиясининг 1997 йил май ойида бўлиб ўтган Асосий сессиясида Марказий Осиёдаги беш мамлакат вакиллари томонидан биргаликда тайёрланган “Тегишли минтақа давлатлари ўртасида ихтиёрий эришилган келишувлар асосида ядро қуролидан холи зоналар барпо этиш” деган ҳужжат амалий ҳужжат сифатида тарқатилди. Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг Алмати декларацияси матни БМТнинг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

1997 йил июнида Ўзбекистоннинг нуфузли делегацияси Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) бошқарувчилари Кенгашининг Австрия пойтахтида ўтказилган навбатдаги сессияси ишида биринчи марта қатнашди. Ўзбекистон делегациясининг раҳбари бу сессияда расмий баёнот билан чиқиб, унда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи минтақа барпо этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг ва минтақадаги бошқа давлатларнинг нуқтаи назарини баён қилиб берди. Баёнот матни МАГАТЭ аъзолари бўлган давлатлар делегациялари орасида тарқатилди. Кўпгина делегациялар Ўзбекистоннинг ташаббусини маъқулладилар.

МАГАТЭнинг ушбу сессияси ишлаб турган кунларда Венада Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг ЕХХТ бош котиби Жанкарло Арагона билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди. ЕХХТ бош котиби Ўзбекистон ташаббуси ҳақида тула-туқис ахборот олгач ва конференция ишида қатнашишга таклиф этилгач, бу таклифнинг ядро қуролига эга беш давлат ва кўпгина бошқа давлатлар томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш ғоясига жиддий қизиқиш билан қаралаётганидан, ушбу халқаро воқеанинг муҳимлигидан дарак беради, деб айтди.

МАГАТЭ бош конференциясининг 1998 йил кузида Венада бўлган 42-сессиясида Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома муносабати билан кафолатларни қўлланиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси билан МАГАТЭ ўртасидаги Битимга қўшимча баённома имзоланди. Баённомани Ўзбекистон ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Владимир Норов, МАГАТЭ номидан — ушбу агентлик бош директори Муҳаммад Ал-Барадей имзоладилар. Шундай қилиб, Ўзбекистон Австралия, Арманис-

тон, Гана, Грузия, Иордания, Литва, Польша, АҚШ, Уругвай ва Филиппин билан бир қаторда ушбу муҳим ҳужжатни имзолаган ун биринчи давлат бўлди. Шу муносабат билан айтиб ўтиш керакки, 1992 йил 7 майда Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилди.

М. Ал-Барадей имзолаш маросими туганидан сўнг сузга чиқиб, Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона ташкил этишга қатъий аҳд қилганлигини яна бир бор яққол намоиш этди деб таъкидлади. Юқорида номи тилга олинган баённома Ўзбекистон 1994 йил 8 октябрда имзолаган Кафолатларни қўлланиш ҳақидаги битимга қўшимчадир. Унинг қоидалари агентликнинг кафолатлар тизими самарадорлигини яхшилаш ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш йўли билан ядро қуролини тарқатмаслик тартибини мустаҳкамлашга қаратилган.

МАГАТЭ бош котиби Муҳаммад Ал-Барадей сузлари билан айтганда, “Ўзбекистонни биринчилар қатори МАГАТЭ билан кенг қамровли Ядровий кафолатларни қўлланиш ҳақидаги битимга қўшимча баённомани имзолаганлиги билан табрикламоқ керак”. “Қўшимча баённомада кўрсатилган кафолатларни мустаҳкамлаш чоралари ушбу кафолатларни Ўзбекистонда ҳам, баённомани имзолаган бошқа давлатларда ҳам амалга оширишни кучайтиради. Мазкур ҳужжатнинг имзоланганлиги Ўзбекистон ядро қуролини дунё миқёсида тарқатмаслик мақсадларига эришиш соҳасидаги ўз мажбуриятларини қатъият билан бажараётганлигининг далилидир”, — деди МАГАТЭ бош котиби.

Ўзбекистон ушбу ҳужжатни имзолаш билан ўз зиммасига бир қанча мажбуриятларни, шу жумладан республикада амалга оширилаётган ядро тематикаси билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари ҳақида, ядро материаллари мавжудлиги ва улардан фойдаланилаётганлиги, радиоактивлик даражаси ўртача ва юқори бўлган қолдиқларни қайта ишлаш ҳақида МАГАТЭни ўз вақтида хабардор қилиш мажбуриятини олди. Шуни айтиш керакки, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил этилиши атомдан тинч мақсадларда, хусусан минтақадаги атом электр станцияларида фойдаланиш тақиқланишини билдирмайди.

Ҳозирги дунёнинг реал воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас, минтақавий хавфсизликка бутун дунё хавфсизлиги муаммоларидан айри ҳолда қараш мумкин эмас. Ўзбекистон ана шунга асосланиб, ядро қуролини батамом йўқотишни, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартнома самаради амал қилишини ва муддатсиз узайтирилишини ёқлаб чиқмоқда. Республика Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи зона деб эълон қилишнинг астойдил тарафдори, у кимёвий ва бактериологик қуролни тақиқлашни қатъий ёқлаб чиқмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида кимёвий ва бактериологик қурол тарқатилиши устидан халқаро назорат ўрнатиш зарур деб ҳисоблайди.

Халқаро ядро клубига аъзо беш мамлакатнинг бири бўлган Хитойда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона ташкил этиш ҳақидаги ташаббуси юқори баҳоланди. Хитой томонининг фикрича, бу зона ҳам минтақада, ҳам бутун дунёда хавфсизликнинг муҳим омили бўлиб қолади. ХХР ТИВ халқаро ташкилотлар департаменти қуролсизланиш бўлимининг раҳбари Ван Сяонин шу муносабат билан бундай деди: “Биз ядро қуролини тарқатмаслик тартибининг кенгайиши Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал хавфсизликни мустаҳкамлашга қўшган шубҳасиз улуши деб ҳисоблаймиз”.

Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилишнинг долзарблиги минтақадаги ҳамма давлатлар ҳам ҳали Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилмаганлиги билан боғлиқдир. Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари бутунги кунда ядро қуролига эга бўлишни очикдан-очик даъво қилаётган давлатларга бево-сита яқин жойлашган. Булар, энг аввало, Покистон билан Ҳиндистон бўлиб, улар мана шу икки давлат чегарасида жойлашган Кашмир вилоятининг мансублиги масаласида бир-бири билан ошқора адоватлашмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон ядро қуролидан ташқари бошқа оммавий қирғин қуролиларини ҳам тақиқлашни ёқлаб чиқмоқда.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг ташаббуси билан ташкил этилган “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона” Халқаро конференцияси ишида жаҳондаги 56 давлат ва 16 халқаро ташкилотнинг мухтор вакилла-

ри қатнашди. Булар орасида БМТ, ЕХҲТ, НАТО, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик, “Ислом конференцияси” Ташкилоти, Лотин Америкасида ядро қуролини таққиб, бу бўйича агентлик ва бошқа халқаро тузилмалардир. Ушбу анжуман ишида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари — ядро давлатлари ҳисобланмиш беш давлат вакиллари фаол қатнашдилар. Бу эса Тошкент конференцияси катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Тошкент конференциясида қатнашиш учун Европа Иттифоқи мамлакатларининг катта делегацияси ҳам келди. Уларнинг интеграция ҳамда хавфсизлик ва тинчлик ўрнатиш борасидаги тажрибаси Марказий Осиё давлатлари учун айниқса қадрлидир. Конференциянинг ҳамма иштирокчилари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона ташкил этиш ҳақидаги ғоясини қўллаб-қувватлаётганликларини маълум қилдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона” Тошкент конференциясида сўзга чиқиб, бундай деди: “... жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда ядро хавфидан огоҳ қилиш, унинг олдини олиш борасидаги ташаббус ва чора-тадбирларга жиддий эътибор билан қараши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим. Биз Марказий Осиё — дунёдаги аҳоли энг зич жойлашган минтақалардан бири эканини, аҳоли ҳар томонлама ночор, табиий ҳалокатлар тез-тез содир бўлиб турадиган шароитда истиқомат қилишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”.

“Бошқа томондан олиб қараганда, бу ташаббуснинг муҳимлиги, — деди Ўзбекистон Президенти, — Марказий Осиёнинг ниҳоятда бой табиий, минерал, энергетика ва одам ҳамда бошқа ресурслари туфайли тобора ошиб бораётган жуғрофий-стратегик ҳолати билан ҳам изоҳланади. Бу ерда дунёдаги купгина йирик давлатларнинг жуғрофий-сиёсий манфаатлари туқнашади. Шунинг учун ҳам тобора улкан аҳамият касб этаётган бу минтақанинг устунлик ва таъсир доиралари учун янги кураш майдонига айланиб қолишига йўл қўйиб бўлмайди”.

“Марказий Осиёнинг дунё миқёсида тобора улкан аҳамият касб этаётгани, — деб ҳисоблайди Ислом Каримов, — шунингдек, умумевропа хавфсизлиги тизимини янгича идрок этишни ҳам тақозо қилади. Биз шунга қать-

иян аминмизки, Марказий Осиёда — Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти аъзолари бўлмиш бешта давлатни ўз ичига олган минтақада ядро хавфидан холи зонанинг барпо этилиши ЕХХТнинг умуммайдонида ҳам тинчлик ва барқарорлик пойдеворини янада мустаҳкамлайди”.

“Ядро хавфсизлигига, — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Президенти, — умумий, кенг қамровли хавфсизлик, омон қолиш муаммосининг таркибий қисми сифатида қаралиши керак. Ядро қуролига эга ва эга бўлмаган давлатларнинг мажбуриятлари ўртасидаги мувозанат — ядро қуролидан холи зонанинг самарали фаолият кўрсатиши учун асосдир”.

“Мен Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг ишончли, мустаҳкам бўлиши ядро қуролига эга бўлган барча давлатлар унинг мақомини эътироф этган тақдирдагина таъминланишига қатъиян аминман, — деб таъкидлади И. Каримов. — Бошқа томондан олганда, барпо этилаётган ҳудудга оламшумул ядровий стратегия манзарасида бугунги кунда дунёда мавжуд бўлган ҳарбий мувозанатни бузадиган воқеа сифатида қаралмаслиги керак”. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги ядро қуролидан холи зонанинг фаолият кўрсатиши устидан “назорат МАГАТЭ ва БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кафолати остида олиб борилиши лозим”, деб ҳисоблайди.

Марказий Осиёнинг ҳозирги халқаро сиёсатдаги жугрофий-сиёсий аҳамиятини ҳисобга олиб, шуни айтиш керакки, ушбу минтақада ядро қуролидан холи зонанинг фаолият кўрсатиши — Ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома доирасида белгилаб қўйилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда Марказий Осиё зонасида иштирок этувчи давлатлар ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишнинг умумий тартибига фаоллик билан қўшила-жагини билдиради.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш минтақада хавфсизликни таъминлашга қаратилган тадбирларга ҳам мос келади. Ядровий материалларни сақлаш, назорат қилиш ва ҳисобга олиш борасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш

учун Марказий Осиё мамлакатлари ва улар билан қўшни давлатлар дипломатлари, давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ишини давлатлараро даражада мувофиқлаштириш зарур бўлиб қолди.

Конференцияда Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ташқи ишлар вазирларининг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш ҳақидаги баёноти имзоланди. Вазирлар БМТнинг ихтисослаштирилган органларига мурожаат этиб, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисида шартномани тайёрлаш шакллари ва элементларини кўриб чиқиш учун минтақадаги экспертлар гуруҳи иштирокида БМТнинг экспертлар гуруҳини тузишни сўрадилар.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш ташаббуси жаҳон матбуотида катта қизиқиш туғдирди. 1997 йил бошларида Пекинда нашр этиладиган “Дунъю Чжунъя яньцзю” (“Шарқий Европа ва Марказий Осиё муаммолари”) журналининг иккинчи сонида таҳририят номидан “Ўзбекистон “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона” халқаро конференциясини чақирмоқда” деган сарлавҳали катта мақола босиб чиқарилди. Мақолада, хусусан, бундай дейилади: “Ўтмишда ядро қуролига эга бўлмаган мамлакатлар халқаро хавфсизлик масалаларини ҳал қилишда бирон-бир даражада самарали роль ўйнай олмас эдилар. Бироқ кишилик ҳамжамиятида ўзаро алоқалар чуқурлашиб бораётганлиги туфайли ядро қуролини тарқатишни тақиқлаш тарафдорлари сафи янги манфаатдор давлатлар қўшилиши ҳисобига кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Президент Ислон Каримовнинг таклифи халқаро ташкилотлар эътиборини қозонди ва кўпгина давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди”.

Жанубий Кореяда чиқадиган “Korea times” газетаси “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона” Тошкент конференцияси арафасида чиққан ўз сонларидан бирида ярим саҳифани шу мавзуга бағишлади. Таҳририят мақоласи ўз ўқувчиларини Халқаро Тошкент конференциясининг мақсад ҳамда вазифалари билан батафсил таништирди. Мақола билан ёнма-ён эса Кореяда аккредитация қилинган дипломатия корпуси вакиллари билан савол-

жавоблар берилди. Жумладан, Словакиянинг бу мамлакатдаги элчиси Стефан Моравек бундай деди: “Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш ташаббуси минтақада ғоят муҳим барқарорлаштирувчи омил бўлади, Тошкентда конференция ташкил этилиши эса хавфсизлик тизимини шакллантиришга ва Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигини ривожлантиришга шубҳасиз ҳисса бўлиб қўшилади”.

Руминиянинг Корея Республикасидаги элчиси Николае Ропотина ўз навбатида, бундай деди: “Биз изчиллик билан қуролсизланиш ва, хусусан, ядро қуролини тарқатмаслик тартибининг кучайиши фақат Осиё ёки Европада эмас, балки бутун дунёда ҳам тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш учун жуда муҳимлигига қатъий ишонамиз. Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси Ўзбекистон Республикаси ва ўзбек халқининг яхши ниятини ифодалайди, улар БМТ қоидаларига ҳамда ЕХХТ билан ҳамкорлик доирасида мамлакат олган мажбуриятларга содиқ эканликларини яққол тасдиқлайди”.

Киевда нашр этиладиган “Зеркало недели” ҳафтано-маси 1997 йил 5 июлда Максим Череданинг “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи” деган мақоласини босиб чиқарди. Унда муаллиф қуйидагиларни ёзади: “Айнан Ўзбекистон ўз минтақасида бундай зона барпо этиш ташаббускори бўлганлиги ажабланарли эмас. Кейинги вақтларда бу собиқ шўро пахта республикаси мустақил ривожланиш ва жаҳон иқтисодий ҳамда сиёсий тизимида ўзининг аниқ белгиланган ўрнини эгаллаш йўлини тобора фаол танлаб олмоқда. Шунини айтиш керакки, Ислон Каримов ўз ғоясини анча фаол илгари сурмоқда, шу билан ташқи сиёсий майдонда ўз мамлакатига ютуқлар келтирмоқда... Тез орада дунёда ядро қуролидан холи янги зона вужудга келишига энди ҳеч ким шубҳаланмайди”.

Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи зонага айланиши минтақанинг хавфсизлиги учунгина эмас, балки халқаро хавфсизлик тизимини вужудга келтириш учун ҳам муҳим қадам бўлиб қолади. БМТ бош қотибининг ўринбосари В. Петровский Халқаро Тошкент конференциясининг якунловчи сессиясида сўзга чиқиб, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш, экология муаммола-

рини ҳал қилиш ва минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ушбу анжуман бу йўналишдаги жараён тобора фаоллашаётганини яна бир бор намоиш қилди, деб таъкидлади.

1997 йил декабрида БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессияси Марказий Осиё республикаларининг ўз минтақаларида ядро қуролидан холи зона барпо этишга интилишини қўллаб-қувватловчи “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш” деган махсус декларация қабул қилди. Бу нуфузли ҳужжат биринчи марта Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари ташаббуси билан қабул қилинди. БМТ Бош Ассамблеяси ўз резолюциясида халқаро ҳамжамиятни Марказий Осиё давлатлари ташаббусини қўллаб-қувватлашга, минтақада ядро қуролидан холи зона барпо этиш ҳақидаги бўлажак шартноманинг шакллари ва элементларини ишлаб чиқишда уларга ёрдам беришга чақирди.

1998 йил охирида БМТ И. Каримовнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш ташаббусини сўзсиз қўллаб-қувватлаётганлигини яна тасдиқлади. БМТ Бош Ассамблеясининг 53-сессияси яна бир махсус резолюция қабул қилди. Бу резолюция ҳам мазкур ташкилотнинг 52-сессияси резолюцияси сингари, янги ядровий хавфсизлик зонаси барпо этилишини қўллаб-қувватлайди. “Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш” ҳақидаги резолюция ҳамма давлатларни бундай зона барпо этиш ташаббусини қўллаб-қувватлашга, минтақа давлатларини эса Халқаро ядро клубига аъзо беш мамлакат билан мулоқотни давом эттиришга чақиради. Ҳужжатда Марказий Осиё давлатлари ўз ташаббуслари учун юридик асос тайёрлаш юзасидан ташлаган дастлабки амалий қадамлар юқори баҳоланади.

БМТ Бош Ассамблеяси узининг 54-сессиясида ҳам Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш масаласини кўриб чиқди.

1998 йилда БМТ таркибида янги бўлинма — қуролсизланиш масалалари бўйича БМТ департаменти ташкил этилди. Департамент қуролсизланиш масалалари бўйича БМТ Маркази негизида ташкил қилинди. Департамент фаолиятининг асосий йўналишлари ядровий қуролсизланиш масаласидан ва қуролсизланиш устидан

назорат қилишнинг умумий масалаларидан иборат. БМТнинг янги департаменти ташкил этилиши, унинг раҳбарининг тажрибаси ва обрўси Марказий Осиёда ядровий хавфсизлик зонасини барпо этиш ҳақидаги шартнома имзоланадиган ва ишлай бошлайдиган кунни анча яқинлаштиришига шубҳа йўқ. Битим матнини ишлаб чиқиш учун минтақавий экспертлар гуруҳи тузилди. Унинг таркибида Ўзбекистон ТИВ вакили мунтазам иштирок этмоқда.

БМТ шафелигида ва техникавий ёрдамида ишлаётган минтақавий экспертлар гуруҳи 1998 йилда иккита кенгаш ўтказди. Бу кенгашлар Марказий Осиёда ядро қуролдан холи зона барпо этиш ҳақидаги бўлажак шартнома лойиҳасини муҳокама қилишга бағишланди.

1999 йил февралда Тошкентда Марказий Осиёда ядро қуролдан холи зона барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича минтақавий экспертлар гуруҳининг сессияси бўлиб ўтди. Беш давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон делегациялари бўлажак шартноманинг асосий элементлари лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилди. Ўша йилнинг октябрида Япониянинг Саппоро шаҳрида ушбу лойиҳа бўйича экспертларнинг халқаро конференцияси бўлди. БМТ ва Япония ҳукумати шафелигида ўтган бу анжуманда Япония, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, МАГАТЭ вакиллари ва БМТ маслаҳатчилари ҳам қатнашдилар. Шартнома лойиҳасининг ғоят муҳим масалаларини тўрт кун давомида муҳокама қилиш натижасида, унинг мувофиқлаштирувчиси, БМТ қуролсизланиш Департаментининг Осиё-Тинч океан минтақасида тинчлик ва қуролсизланиш муаммолари бўйича минтақавий Марказ директори Теутомо Ишигури баёнотига кўра, шартнома матнининг лойиҳаси тайёрланган.

Ўзбекистон БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибини кенгайтириб, унга ҳозирги кунда жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган давлатларни, хусусан Германия ва Японияни доимий аъзолар сифатида киритишни ёқлаб чиқмоқда. У БМТ Бош қотибининг вақолатларини кенгайтиришни ҳам таклиф қилмоқда. Ўзбекистон Президентининг фикрича, БМТ Бош қотибининг ҳуқуқлари ҳам “кенгроқ бўлиши керак”. “Албатта, Хавфсиз-

лик Кенгаши, яъни кенгайтирилган таркибдаги Хавфсизлик Кенгаши қарор қабул қилиши лозим. Аммо бу қарорни амалга оширишда, албатта, Бош котибнинг ҳуқуқи анча кенг бўлиши керак”, — деб ҳисоблайди Ислом Каримов.

Ўзбекистон Президентининг БМТни ислоҳ қилишга доир учинчи таклифи қуйидагилардан иборат: “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бутун дунёда руй бераётган воқеаларни, бутун жаҳондаги мавжуд вазиятни ўз назоратида ушлаб туриши керак. Лекин ер юзиде тахминан 5 миллиард аҳоли яшаётган бўлса, бу вазифани эплаш осон иш эмас. Шунинг учун жойлардаги, минтақалардаги халқаро ташкилотлар, ўзига беш-ўнта давлатларни жамлаган ташкилотлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бевосита раҳбарлигида ва кўмагида иш олиб борсагина, уларнинг фаолиятида изчиллик ва тартиб бўлади. Акс ҳолда бир минтақада ўзини халқаро ташкилот фараз қилган ҳар бир уюшма ўзича ишлайверса, бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятига, асосий сиёсатига мос келмаса, бундай ҳолат истиқболга, умумий тараққиётга катта салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун бундай ташкилотларнинг фаолиятини бир-бири билан уйғунлаштириш керак.

Масалан: Африкада, Осиёда шундай ташкилотлар мавжуд. Европада — Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, араб давлатларида — Ислом ташкилотлари, Жанубий-Шарқий Осиёда — Тинч океан минтақаси давлатларининг Кенгаши бор. Мазкур ташкилотларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан уйғун равишда сиёсат олиб бориши керак”.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири наркобизнесга қарши курашдир. Тошкент ана шу офатга қарши кенг кўламда кураш олиб бориш учун умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни бир неча бор таклиф қилди. Ҳозир жаҳонда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган наркотик моддаларнинг талай қисми Марказий Осиёда тайёрланмоқда ёки у орқали ташиб утилмоқда. Ўзбекистон наркобизнесга қарши курашда биргаликдаги куч-ғайратларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг минтақавий Комиссиясини тузишни ёқлаб чиқмоқда.

Ўзбекистон атроф муҳитни назорат қилишда ва дунё миқёсидаги экологик ҳалокатларнинг олдини олишда БМТнинг ролини кучайтиришни ҳам ёқлаб чиқмоқда. Дунёдаги кўпгина минтақалар каби Марказий Осиё ҳам ғоят катта миқёсдаги экологик офатларга дуч келаяпти. Энг аввало, бу гап Орол денгизи фожиасига тааллуқли. Кейинги йилларда унинг ҳажми уч барабардан кўпроқ қисқарди, майдони икки барабар камайди, қирғоқ 80 километрга чекинди, сувнинг минераллашуви даражаси тўрт барабаргача ошди, ҳайдаладиган 2 миллион гектар ерни қум босди, чанг-тузонлар бўрони 500 км ва ундан кўпроқ масофага етиб борадиган бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси минтақадаги санитария ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. БМТ экспертларининг фикрига кўра, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан XX асрнинг энг катта офатларидан бири бўлиб қолди. Ўзбекистон ташаббуси билан 1995 йил сентябрда Ўзбекистоннинг Нукус шаҳрида БМТ шафелигида Орол денгизи муаммолари бўйича Халқаро конференция бўлиб ўтди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Тошкент жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, Оролни ва Оролбўйини қутқаришда ёрдам беришга чақирди. Фалокатнинг ҳақиқатан ҳам жаҳон миқёсида эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон БМТнинг Орол бўйича махсус Комиссиясини тузишни таклиф қилмоқда. Бу комиссия минтақадаги ҳукуматлар билан келишган ҳолда ва БМТнинг имкониятларидан фойдаланиб, халқаро кучлар ва маблағларни мана шу экологик фожиани баргараф этишга жалб қилган булур эди.

Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг ўз ўрни ва нуфузи аниқ бўлди. Унинг дунёда ва ўз минтақасида тинчлик ва тартиб ўрнатиш юзасидан илгари сураётган таклифлари, Ўрта Осиёдаги экологик муаммоларни ҳал қилишга доир таклифлари обрўли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, эътиборли сиёсатчилар ва жаҳон жамоатчилиги томонидан маъқуланмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

“... Демократик ислоҳотлар учун жамиятнинг барқарорлиги ва давлатнинг хавфсизлиги ҳаётий зарурдир. Буларсиз бошқа масалаларни амалда ҳал қилиш мумкин эмас. Ўзбекистон барча минтақаларда ва, аввало, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун қатъият ва изчиллик билан ҳаракат қилиб келаяпти. Минтақамизнинг хусусияти, унинг жуғрофий-сиёсий мавқеи шундайки, воқеаларнинг салбий ривожланиши оқибатида у бутун дунёда беқарорликнинг катта манбаларидан бири бўлиб қолиши мумкин. Шунга айтиб ўтиш кифояки, Марказий Осиёда ҳар хил этник ва диний гуруҳларга мансуб бўлган салкам 60 миллион киши яшайди. Бу ерда ядро қуроли, шунингдек катта вайронагарчилик кучига эга бўлган оддий қурол-яроғлар тўпланган. Шу минтақадаги туқнашувлар олдиндан айтиб бўлмайдиган миқёсдаги фалокатларни келтириб чиқара олади”. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида айтган бу сўзларга қўшилмаслик мумкин эмас. Учинчи минг йиллик арафасида хавфсизлик муаммоси ўзининг долзарблигини заррача бўлсин йўқотмади, аксинча, у янада жиддийлашиб бормоқда.

Ўзбекистон дунёнинг кескинлик ҳаммадан кучли бўлган минтақаларидан бирида жойлашган. У Афғонистон билан чегарадош. Афғонистонда 20 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида қирғинбарот фуқаролар уруши давом этмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон, Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар билан бир қаторда, собиқ СССРнинг Европа қисмига хос бўлмаган жуда жиддий ташқи муаммоларга дуч келмоқда. Бу муаммолар — ди-

ний экстремизм ва халқаро терроризмдир. Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги чегаранинг узунлиги қарийб 160 км, республиканинг Тожикистон билан чегараси эса, аслини олганда, очиқ. У ерда мустақкам ижтимоий-сиёсий вазият, ҳарбий ва иқтисодий барқарорлик йўқ. Шу сабабли Ўзбекистон раҳбарияти сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир қаторда республиканинг хавфсизлиги масалаларига муттасил алоҳида эътибор беришга, бу мақсадлар учун катта-катта маблағлар ажратишга мажбур бўлмоқда.

Афғонистон ва Тожикистондаги воқеалар ушбу ва бошқа чегарадош мамлакатларда яшаётган 60 млн одамнинг тақдирига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу ердан тарқалаётган хавф минтақа учун энг жиддий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ва давлатлараро хавфсизлик тизимида ўзининг ишончли ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда.

“Тожикистондаги аҳвол, — дейди Ўзбекистон Президенти, — бизни ташвишга солмай қолмайди. Биз бу давлатдаги можаро баргараф этилиб, минтақада барқарорлик таъминланишидан жуда манфаатдормиз. Кўшни мамлакатда вазиятнинг барқарорлашуви бизнинг манфаатларимизга мос келади. Бу, аввало тожикларнинг ўзлари учун зарур. Ўзгаришларни осойишта вазиятда амалга оширишимиз учун бизга ҳам, Тожикистонда яшаётган ватандошларимиз — ўзбекларга ҳам зарур”.

Минтақада тушланган жуда кўп миқдордаги қурол-яроғлар захираси, Афғонистондаги наркобизнес, экологик танглик, назоратсиз миграция, уюшган жиноятчилик ҳаммаси бир бўлиб, Марказий Осиёдаги вазиятни ҳалокатли қилиб қўйиши мумкин. Шу сабабли хавфсизликни таъминлайдиган энг оддий механизмларнинг йўқлиги, давлатлар ўртасидаги баҳс-мунозарали масалаларни ҳал қилишда бошбошдоқлик, воқеалар салбий йўналишда ривожланганида, минтақадаги нисбий барқарорликни барбод қилишга, олдиндан айтиб бўлмайдиган миқёсдаги фалокатларни келтириб чиқаришга қодир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ЕХХТга аъзо давлатлар бошлиқларининг 1996 йил декабрда Лиссабонда бўлиб ўтган учрашувида сўзга чиқиб, ““совуқ уруш” туғанидан сўнг ялпи хавфсизликка, шунингдек Европа

хавфсизлигига ҳам, этник, минтақавий можаролар, давлатлар ичидаги тажовузкор миллатчилик ва урушқоқ сепаратизм асосий хавф солиб турибди”, деди. “Минтақа можаролари, — деб давом этди жаноб Каримов, — тобора тез-тез терроризм ва зўравонлик, наркобизнес ва ғайриқонуний қурол савдоси, инсон ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш каби хатарли хавфлар ва ҳаракатларнинг доимий манбаига айланмоқда. Бу ҳоллар давлат чегараси нималигини билмайди. Шу сабабли халқаро хавфсизлик тизими жуғрофий белгиларга қараб эмас, балки минтақалараро даражада мувофиқлаштирилган биргаликдаги ҳаракатлар билан белгиланиши лозим”.

“Шу муносабат билан биз, — деди Ўзбекистон Президенти, — Афғонистонда уруш давом этаётганлигидан, бу мамлакат фақат Марказий Осиёдаги эмас, балки бутун дунёдаги хавфсизлик учун ҳозир ўта хатарли хавфга, халқаро терроризмнинг, Европага кўплаб миқдорда наркотик моддалар етказиб беришининг манбаига — ўта хатарли марказга айланиб қолганидан ЕХХТ ва бошқа Европа тузилмалари ташвишланаётгани ва хавфсираётганини мутлақо асосли, деб биламиз”.

Ўзбекистоннинг хавотирланиши тамомила асосли. Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида олинган давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақт миллий чегаралар ичида қолиб кета олмайди. Бундай можаро, айниқса узаро чамбарчас боғланган ҳозирги дунё шароитида, муқаррар равишда қўшни мамлакатларга ёйилади. Турли мақсадларни кўзлайдиган ва танглик юз берган жойда ўз манфатларини таъминлашга ҳаракат қиладиган ташқи кучларнинг аралашishi натижасида можаро байналмилаллашуви туфайли ҳам уни бартараф этиш қийинлашади.

Бундан ташқари, Ўрта Осиёдаги ҳамма республикаларнинг “этник хилма-хиллиги” ҳам ҳисобга олинса, тула асос билан айтиш мумкинки, бир давлатда этник ёки диний можаронинг келиб чиқиши бошқа мамлакатларда ҳам вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Шу сабабли муайян кучларнинг Афғонистондаги можарони янада авж олдиришга ва чегарадош ҳудудларда яшаётган этник озчиликнинг миллий ҳис-туйғулари билан ўйнашиб, бу можарони қўшни мамлакатларга ёйишга уринишлари хавотирга солмаслиги мумкин эмас.

Афғонистондаги можаро яна шуниси билан хатарлики, бу мамлакатдаги қарама-қаршилик этник хусусиятдан ташқари, яна диний тус ҳам олди. Бу ерда исломнинг кескин сиёсийлашиш жараёни юз бермоқда. Ислом ўта радикал шакллар касб этиб, ҳокимият учун қуролли кураш олиб бормоқда, ҳамма диндошларни ёрдамга чақирмоқда. Исломнинг сиёсийлашуви билан бу диннинг идеаллари ва асослари ўртасида ҳеч қандай муштарақлик йўқ. У Тоғли Бадахшондан тортиб то Каспий денгизигача бўлган ғоят катта ҳудудда ижтимоий-сиёсий вазиятга жуда хавфли салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга минтақадаги давлатларда радикал кайфиятдаги экстремистик кучлар мавжудлигини, улар афғон сценарийсини ўз халқларига зўрлаб қабул қилдиришга тайёр эканлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Мамлакатнинг шундоқ ҳам яхши ривожланмаган иқтисодийтини деярли бутундай вайрон қилган Афғонистондаги уруш ҳозирги вақтда Ўрта Осиё давлатларига Ҳинд океани портларига чиқиш ҳамда мавжуд жаҳон ҳужалик алоқалари тизимига қўшилиш имконини берадиган янги транспорт коммуникацияларини ўтказиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли афғон уруши Ўрта Осиё мамлакатларига иқтисодий таъсир ҳам кўрсатмоқда дейиш мумкин. Мазкур йўналишда транспорт коммуникацияларининг йўқлиги миллий иқтисодиётларнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. Самарали товар айирбошлаш учун ғоят қисқа ва барқарор транспорт коммуникациялари керак. Афғонистонда фуқаролар уруши тўхтаган ва мустақкам тинчлик ўрнатилган тақдирда, у ерда ана шундай коммуникацияларни барпо этиш мумкин бўлур эди.

Афғонистондаги қуролли можаронинг ҳал қилинмаганлиги ва Тожикистондаги беқарорлик минтақа давлатларини, шу жумладан Ўзбекистонни ҳам халқаро терроризм ва қурол-яроғ контрабандаси хавфи остига қўйди. Ўзбекистонда миллий хавфсизлик ва ички барқарорликнинг нечоғли таъминланганлиги кўп жиҳатдан ана шу муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ.

Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ўрни жиҳатидан коллектив хавфсизлик тизими йўлга қўйилмаган минтақада жойлашган бўлиб, бу ҳол хавф-хатар туғилиши учун қўшимча сабаб бўлмоқда.

1996 йил май ойида Тошкентда наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича БМТ дастури (ЮНДКП) доирасида Марказий Осиёда наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишини назорат қилиш бўйича Халқаро конференция бўлди. 21 давлатдан келган экспертлар конференцияда қабул қилинган ЮНДКП ва Марказий Осиё мамлакатларининг бу соҳадаги ҳамкорлиги Дастурини муҳокама қилишда қатнашдилар.

Наркобизнес муаммоси Марказий Осиё мамлакатлари учун реал хавфга айланди. Шу муносабат билан 1996 йил 3-4 майда Тошкентда наркотик моддалар устидан назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича семинар-конференция бўлиб ўтди. Унинг яқунлари бўйича “Наркотик воситалар, психотрон моддалар ва прекурсорларни ғайриқонуний ишлаб чиқариш, айлантириш, суиистеъмол қилишни назорат қилиш соҳасида ҳамфикрлик ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум” қабул қилинди.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик — давлат ва жамиятнинг сиёсий ислоҳ қилиш учун асосдир. У сиёсий тизим тузилмалари самарали ишлашини таъминлайди, қонунлар амал қилиши ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлик сақланиши учун негиз бўлади. Барқарорлик жамият ривож топиши, жаҳон тизимига интеграциялашувининг асосий шартидир. Энг мураккаб ўтиш даврида, ижтимоий ва иқтисодий зиддиятлар кўпгина ижтимоий ўзгаришлар ўткинчи руҳда бўлиши туфайли янада кескинлашган бир вақтда жамиятда барқарорликни сақлаб туриш айниқса муҳимдир. Айнан барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувлик жамиятини ислоҳ қилиш ва собитқадам иқтисодий ривожланишнинг кафолатидир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1999 йил 18 ноябрда ЕХХТнинг Истамбул саммитида сўзга чиқиб, бундай деди: “...Бугунги кунда халқаро майдонда “совуқ уруш” кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг кўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ”.

“Бунинг ёрқин исботини Марказий Осиё ва бошқа минтақалар мисолида кўриб турибмиз, — деди у. — Бугунги кунда биз радикал кайфиятдаги марказларнинг диний

экстремизм ва терроризмни тарқатишга қаратилган узоқ-ни кўзловчи режаларига, минтақа давлатларини ўзлари танлаган демократик, ҳуқуқий ва дунёвий тараққиёт йулидан қайтаришга уриниши ҳолларига дуч келмоқдамиз. Бунди Тожикистондаги воқеалар, яқинда Тошкентда юз берган портлашлар, босқинчилар гуруҳларининг мустақил Қирғизистон жанубига сурбетларча бостириб кириши ҳамда барчага маълум бошқа фактлар исботлаб турибди. Бундай режаларнинг амалга оширилиши учун Афғонистон асосий майдон вазифасини ўтамоқда. 20 йилдан буён фуқаролар уруши давом этаётган бу мамлакат турли тоифадаги халқаро террористлар ва ақидапарастлар бошпана топиб, тайёргарлик кураётган синов лагерига, асосан наркотик моддалар етиштириш ва сотишдан олинган даромад ҳисобига кун курадиган мамлакатга айланиб қолди”.

Ўзбекистон Президенти бундай деди: “Барчага шу нарса яхши аён бўлиши керакки, токи Афғонистонда уруш давом этар экан, хавфсизлик ва тинчликка, қўшни Марказий Осиё давлатларидаги демократик янгиланишлар ва ислоҳотларга бўлган хавф, халқаро терроризм манбаи сақланиб қолаверади ҳамда терроризмнинг минтақа чегарасидан ташқарига тарқалиш хавфи ҳам йўқолмайди”. Шу муносабат билан И. Каримов ЕХХТнинг Истамбул саммитида янги Европа хавфсизлиги Хартиясини лойиҳасини муҳокама қилиш вақтида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор беришни таклиф қилди. Биринчидан, ЕХХТ минтақавий хавфсизлик, жумладан, Марказий Осиё бўйича минтақавий хавфсизлик тизимини шакллантиришда янада фаолроқ бўлиши лозим. Шу билан бирга, Ўзбекистон Президентининг фикрича, ЕХХТ масъулияти остидаги минтақаларда барқарорлик ва тинчликни издан чиқаришга қодир бўлган ташқи таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор бериш зарур.

Иккинчидан, жаноб Каримов таъкидлаганидек, “ЕХХТ ва унинг тузилмалари томонидан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган ниҳоятда катта эътибор, айниқса, яқинда демократик янгиланиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканига шак-шубҳа йўқ.

Шу билан бирга, мазкур ташкилотнинг асосий мақсадини ҳисобга олган ҳолда, ЕХХТнинг фаолияти халқаро зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган халқаро орган сифатидаги вазифаларни аниқ белгилаб олиш, шунингдек, унинг иқтисодий ва экология соҳаларида туган урнини мустаҳкамлаш зарур, деб ҳисоблаймиз”. Унинг фикрича, бу вазифаларни амалга оширишда АҚШнинг ЕХХТ доирасида Тезкор фуқаролик корпусини (REACT) ташкил этиш туғрисидаги ташаббуси кўл келиши мумкин.

И. Каримов ЕХХТнинг навбатдаги саммитида қатнашиш учун Истамбулга учиб кетиш олдиданоқ, ушбу Европа ташкилотининг фаолиятини танқид қилиб, бундай деган эди: “Сўнгги йилларда ташкилот ҳуқуқий масалалар, яъни инсон ҳуқуқлари, демократия ва матбуот эркинлиги билан кўпроқ шуғулланиб, бошқа масалалар четда қолмоқда. Албатта, биз учун ҳам ҳуқуқий масалалар муҳим. Бироқ хавфсизлик масалаларини ҳал қилмай туриб бу ҳақда гапириш бефойда. Хавфсизлик ҳар қандай масалаларнинг пойдевори ҳисобланади. Атрофимизда бўлаётган воқеалар бизни хавфсизлик масалаларига кўпроқ эътибор беришга мажбур қилаётир.

“Ўзбекистон ЕХХТга кириши биланоқ ушбу ташкилот қоидаларига асосланган мақсадларга эришиш соҳасида ишонч билан иш олиб бормоқда. Афсуски, ЕХХТ номидан қилинаётган баъзи чиқишларда бу ташкилот, ўз номига амал қилиб, биринчи навбатда хавфсизлик масалаларига эътибор бериши кераклиги ҳамма вақт ҳам ҳисобга олинаётгани йўқ. Тинчлик ва барқарорлик бўлмаган жойда инсон ҳуқуқлари ва демократияни тўла таъминлаб бўладими, тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, иқтисодий ўсиш ва ҳамкорлик, агроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида гапириш мумкинми?” — таъкидлади жаноб Каримов.

Ўзбекистон Президенти бундай баёнот билан чиқиш учун етарли асосга эга эди. Чунки ЕХХТнинг Истамбулдаги саммити бошланишидан уч кун олдин — 1999 йил 15 ноябрда Ўзбекистон жанубидаги Янгиобод шаҳридан унча узоқ бўлмаган Чотқол ўрмон ҳужалигида 20 га яқин жангарилар хизмат вазифаларини бажариб турган ўрмон ҳужалиги ходимларига сурбетларча ҳужум қилиб, уларни автоматлардан ўққа тутдилар. Уч киши ўша жойнинг узидида ҳалок бўлди, бир ходим эса қочиб кетишга муваффақ

булди. Қўшни Афғонистонда жанговар тайёргарликдан ўтган террорчилар Янгиобод яқинида жойлашган туристлар базасига кирдилар. Маҳаллий аҳоли бу ҳақда Тошкент вилояти Янгиобод шаҳар ички ишлар бўлимига хабар берди ва тез орада у ерга уч нафар милиция ходими етиб борди. Лекин жангарилар уларни ҳам отиб ташладилар. Террорчилар жазосиз қолганлари йўқ — бир неча кун мобайнида амалга оширилган махсус операция натижасида бу қўпоровчи-террорчи гуруҳ ўраб олинди ва бутунлай йўқ қилиб ташланди. Аниқланишича, жангариларда Ўзбекистоннинг стратегик ҳарбий объектлари ва коммуникациялари жойлашган ерлар белгиланган схема-карталар, махсус кийим-кечак ва анжомлар, шу жумладан кўп миқдорда портловчи моддалар, қўпоровчилик фаолиятининг бошқа воситалари бўлган.

Тергов жараёнида аниқланишича, босқинчилар гуруҳи Ўзбекистон ҳудудига қўшни Қирғизистондан кириб келган. Ислом экстремистларининг бошлиқларидан бири, террорчи — Бирлашган тожик муҳолифати (БТМ)нинг дала командири, илгари Тожикистон ҳудудида иш олиб борган Жума Намангоний (Ҳожиев)нинг бу жиноятга бевосита алоқаси бўлган. Жума Намангоний 1999 йил августида Қирғизистон жанубида одамларни, шу жумладан тўрт нафар япон геологларини гаровга олиш ташкилотчиларидан бири бўлган.

500—600 нафар ислом жангариларидан иборат гуруҳ 1999 йил 6 август кuni Тожикистон ҳудудидан Қирғизистоннинг ҳудудига ҳужум қилди ва республиканинг Боткен туманидаги учта қишлоқни босиб олди. Улар 13 нафар одамни гаровга олдилар. Гаровга олинганлар орасида 4 нафар япон геологи ва бир нафар қирғиз генерали бор эди. Қирғизистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ҳам, миллий армияси ҳам террорчиларни енга олмади. Қирғизистон ҳудудидан ислом жангариларини қувиб чиқариш учун деярли уч ой керак булди. Бунга Россия ва Ўзбекистон жалб қилиниши туфайли эришилди. Уларнинг авиацияси ёрдамида Қирғизистон ҳудудидаги террорчиларга зарбалар берилди. Қирғиз армиясининг ўзи эса, афсусуки, жанг қилишга қодир бўлмади: у аскарлар билан тўлдирилмаган, зарур жанговар техника ва аскар кийим-кечаклари билан таъминланмаган эди.

Қирғизистон армияси аслида ҳарбий тайёргарликка эга эмасди, шу сабабли босқинчи тудалар жиддий талафот кўрмасдан Тожикистонга қайтиб кетишга муваффақ бўлди. Жангарилар Тожикистон ҳудудига қайтиб кетганларидан кейин Россия матбуотида бир қанча мақолалар чоп этилиб, уларда “ислом экстремистлари томонидан гаровга олинганлар қирғиз армиясининг жанговар шуҳрати туфайли эмас, балки Қирғизистон ҳукумати босқинчи тудаларнинг бошлиқларига тулаган пул эвазига қутқариб олинди” деб ёзилди. Бундай ҳолат минтақадаги вазиятни янада мушкуллаштиради, чунки ўз жиноятлари учун пешонасидан ўқ ейиш ўрнига мўмайгина пул олган жангарилар яна Қирғизистон ҳудудига бостириб киришлари ва одамларни гаровга олиб, кейинчалик уларни озод қилиш учун ҳақ талаб қилишлари мумкин.

1999 йил августида Қирғизистоннинг Боткен туманига бостириб кирганлар орасида “Ўзбекистон ислом ҳаракати” (ЎИҲ) деб аталмиш ташкилотнинг жангарилари ва Бирлашган тожик муҳолифати (БТМ) отрядлари ҳам бўлган. Ўша йилнинг октябрида совуқ тушиши муносабати билан БТМ отрядлари Тожикистон ҳудудига ўтиб олган, ЎИҲ жангарилари эса Тожикистон ва Афғонистон орқали Покистонга кетган.

БТМ етакчиси С.А. Нурий жангарилар Қирғизистон жанубига бостириб кирган вақтларда анча фаоллик кўрсатди. Россия, Ўзбекистон ва Қирғизистон авиацияси ислом экстремистларига бомбалар билан зарба берганида, у жангариларга вертолет юборган ва ярадорлар жанглар зонасидан Тожикистоннинг Хоит ва Жирғатол шаҳарларига юборилиб, ўша ерда даволанган. Ислам жангариларига дала командирларидан бири ва тожик муҳолифати етакчисининг энг яқин сафдоши мулла Абдулло қўмондонлик қилган.

Саид Абдулло Нурий анчадан бери ўзбек миллатига мансуб ислом экстремистларини, шу жумладан уларнинг бошлиғи Жума Ҳожиёвни (Намангонийни) ўз паноҳига олган. БТМ етакчиси Жума Ҳожиёвни тутинган ўғлим деб атаган. Ҳозир Тожикистоннинг БТМ назорат қилиб турган ҳудудлари Ўзбекистон ва Қирғизистондаги барқарорликка очиқдан-очиқ таҳдид солаётган ислом жангарилари уясига айланиб қолди. Нурий ва унинг сафдошлари то-

жик, ўзбек ва қирғизларнинг диний ҳис-туйғуларидан ўзларининг ғаразли мақсадларида фойдаланмоқдалар.

Ҳозир “халқаро терроризмнинг ваҳший қиёфаси” кўплар учун муқаддас бўлган диний тушунчалар билан ниқобланмоқда. “Соф” ислом учун кураш ниқоби остида террорчилар сафларига ўз динининг ҳақиқий калриятларини тасаввур қила олмайдиган ёшлар жалб этилмоқда. Уларни уйлаб утирмасдан ҳар қандай кўпорувчилик қилишга, болалар ва хотин-қизларни ўлдиришга тайёр бўлган ашаддий манқуртларга айлантирмоқдалар. Доғистон, Чеченистон воқеалари, Буйнакск, Москва ҳамда Волгодонскдаги портлашлар исломнинг яшил байроғи билан ниқобланаётган халқаро терроризм Ўрта Осиё мамлакатлари ва Россия учун нақадар хавфли эканини кўрсатди.

Боткен воқеаларидан кейин Қирғизистон раҳбарияти ўзининг Тожикистон билан чегарасини мустаҳкамлашга қарор қилди. Қирғиз чегарачилари қирғиз-тожик чегарасининг узунлиги 400 км дан ортиқ участкаларида 15 тадан кўп застава барпо этдилар. (Илгари бу чегара амалда кўриқланмас эди.)

Ўзбекистон Президенти сўзлари билан айтганда, Тожикистон раҳбарияти ўз ҳудудидаги “илон инини” ўзи йўқотиши керак, акс ҳолда Ўзбекистон ўз ҳудудининг хавфсизлигини таъминлаш учун қатъий чоралар кўришга мажбур бўлади. Ўз ҳудудимизни халқаро меъёрлар доирасида бизда мавжуд барча усуллар билан ҳимоя этамиз, деб таъкидлади Ислом Каримов. Шу билан бирга у босқинчилар Қирғизистон чегарасидан 1999 йил августда ўтмаганларини — улар уч йил мобайнида Тожикистондан Қирғизистон орқали Ўзбекистонга бемалол ўтиб юрганликларини ҳам айтди. “Бунинг натижасида бизда жангарилар хуружлари содир этилди, Қўқон, Андижон ва Наманганда тонналаб портловчи моддалар топилди. Буларнинг ҳаммаси Қирғизистон ҳудуди орқали ташиб келтирилган”, — деди Ўзбекистон Президенти.

Айни вақтда Ўзбекистон маъмурлари Тожикистоннинг Қирғизистон ва Ўзбекистон билан чегарасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида тожик раҳбарлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга ва бирга ҳаракат қилишга тайёр эканликларини айтишди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ТИВ 1999 йил 19 октябрда

Тожикистон ТИВга юборган нотада “Тожикистон ҳукумати Тожикистон — Қирғизистон чегарасини мустаҳкамлаш ва Қирғизистон жанубига бостириб кирган босқинчи тудаларни баргараф этиш юзасидан илгари ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажаришига умид билдиради”, деб таъкидланади. Бу тудаларнинг анча қисми, дейилади нотада, сўнгги вақтларда “ҳеч бир тўсқинликка учрамай Тожикистоннинг шарқий туманларига қайтиб кетди”. “Ўзбекистон ҳукумати кўшни Тожикистонда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилишидан ғоят манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди, бу эса бутун минтақадаги давлатларнинг манфаатларига мос келади”, — дейилади Ўзбекистон ТИВ нотасида.

Айни вақтда матбуотда тожик ҳукуматидаги лавозимларнинг 30 фоизидан кўпроғини олган БТМ раҳбарлари Қирғизистон жанубига ва Ўзбекистоннинг Тожикистон билан чегарасидаги блок-постларга ҳужум қилган ислом экстремистлари ва террорчиларига ҳомийлик қилаётгани ҳақидаги ахборот ҳали ҳам чиқиб турибди.

Тошкентда ҳам, Душанбе ва Бишкекда ҳам ваҳҳобийларнинг 1999 йил августидagi Қирғизистон жанубидаги хуружлари нарқобизнес билан ҳам боғлиқлигини тан олишмоқда. Бу жангари гуруҳлар афғон нарқотик моддаларини МДХ мамлакатлари ва Европага олиб ўтиш учун нарқойўлакларни сақлаб қолиш мақсадини кўзлаган эдилар. Фарғона водийсида ислом давлати тузилган тақдирда нарқотик моддаларни Европа томонига ташиб ўтиш устидан назорат қилиш Афғонистон, Тожикистондаги ҳамда Ўзбекистоннинг Наманган вилоятидаги диний радикаллар қўлига ўтган бўлур эди.

Қирғизистон Хавфсизлик кенгаши раисининг ўринбосари Асқарбек Мамеевнинг сўзларига қараганда, ислом жангарилари гуруҳи Қирғизистон ҳудуди орқали ўтаётган нарқотик моддаларнинг 70 фоизини назорат қилмоқда, Боткен тумани эса 1998 йилдан бошлаб Тожикистондан нарқотик моддалар ташиб ўтишда оралиқ базага айланиб қолган. Мамеев “Марказий Осиёдаги биронта ҳукумат нарқотик моддалар ташиш муаммосини баргараф этишга қодир эмас” ва Афғонистондаги толиблар ҳукумати “нарқотик моддалар ишлаб чиқаришни рағбатлантирар ва шу ҳисобдан яшар экан”, бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

Ғарб мамлакатлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар ислом жангарилари Қирғизистоннинг Боткен вилоятига суқулиб киришига нисбатан деярли ҳеч қандай муносабат билдирмаганлиги ажабланарли ҳолдир. Ғарчи террорчилар бу ерда 13 нафар одамни ғаровга олган бўлсалар-да, бироқ Қирғизистоннинг тинч қишлоқларини босиб олган террорчиларнинг ҳаракатлари Ғарб томонидан ҳеч қандай танқидий баҳоланмади. Бу эса уларга яна ҳам қўл келади.

Шу сабабли, қўшни Тожикистон ва Афғонистондаги террорчилар ва ислом жангарилари туғдираётган таҳдидни ҳисобга олганда, ЕХХТни хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор беришга чақираётган Президент Каримовни тушуниш осон. Ўзбекистон Президенти ЕХХТнинг Истамбул саммитида сўзга чиқиб, қатъият билан бундай деди: “Халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини кескин қўйиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қурол-яроғ билан таъминлаб, жойларга жўнатаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим”. Ҳозир шўролардан кейинги маконда диний экстремизмнинг тарқалиш хавфи Ўрта Осиё мамлакатлари ва Россияни терроризмга қарши курашга кўпроқ эътибор беришга мажбур қилмоқда. Ҳозирги вақтда ақидапарастлик ва диний экстремизм билан бирлашаётган терроризм энг катта хавф бўлиб қолмоқда “Афсуски, айрим давлатлар Ўрта Осиёда бўлаётган нотинчликларга эътиборсиз қараяпти. Ҳозир террорчиликни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар жуда кўп. Бироқ уларга қарши бевосита курашадиган бирон халқаро ташкилот йўқ. Бугун бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш зарурати туғилмоқда. Чунки жаҳон ҳамжамияти террорчиликка қарши биргаликда курашмас экан, унинг пайини қирққиш мушкул”, — деди Ислам Каримов.

Афғонистондан келиб чиқаётган хавф-хатарлар Ўрта Осиё мамлакатларини ўз хавфсизлигини таъминлаш учун куч-ғайратларини бирлаштиришга мажбур қилмоқда. 2000

йил 20—21 апрелда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Ақоев ва Имомали Раҳмонов минтақада халқаро терроризм ва диний экстремизм, уюшган жиноятчилик тарқалишига, наркотик моддалар контрабандасига қарши чора-тадбирларни муҳокама қилиш учун учрашдилар. Ушбу учрашув якунлари бўйича давлат бошлиқлари терроризм, сиёсий ва диний экстремизмга, мамлакатлараро уюшган жиноятчиликка қарши ва томонларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига туғиладиган бошқа таҳдидларга қарши биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида шартнома имзоладилар.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев айтганидек, бу шартномани “мудофаа иттифоқи деб аташ мумкин”. “Бу халқларимизнинг амалда яқинлашувидир”, — деди у. “Бу ҳужжат — экстремизм ва терроризм хавфига қарши бизнинг жавобимиз”, — деб таъкидлади Назарбоев. Унинг сўзлари билан айтганда, “ушбу ҳужжатни имзолаган мамлакатлардан биронтасига қилинган таҳдид ҳамма давлатлар томонидан даф қилинади”.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг фикрича, Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида тузилган ушбу шартнома терроризм ва экстремизм хавфларини тугатиш ва таъсирини қирқиш юзасидан шошилинч чоралар кўриш имконини беради. Шартнома жуда қисқа муддатда ишлаб чиқилди, тайёрланди ва имзоланди. Шу муносабат билан И. Каримов “Ҳозир бошқа чорамиз йўқ”, деди.

Президент Ислом Каримов сўзлари билан айтганда, бу ҳужжат амалий руҳда бўлиб, мамлакатлар хавфсизликни сақлаш бўйича олган мажбуриятларини бажаришларини таъминлайдиган таъсирчан механизмларни таклиф қилади. Ўзбекистон Президенти қайд этганидек, “халқаро терроризмга, сиёсий ва диний экстремизмга, экстремизмнинг ёйилишига қарши ҳаракат қилиш, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳаммадан зарур”. У Марказий Осиё минтақаси халқаро жамоатчилиқнинг ёрдამисиз, “таҳдидга бир мамлакатнинг ёлғиз ўзи қарши кураша олмайди: хатарни бартараф этиш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлаш керак деб ҳисоблайдиган давлатларнинг ёрдამисиз” кураша олмайди деб ҳам таъкидлади.

2000 йил 21 апрелда Тошкентда Нурсултон Назарбоев билан Ислом Каримовнинг алоҳида учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Бу учрашув жараёнида икки давлат бошлиқлари Қирғизистон ва Тожикистон билан умумий шартномадан ташқари қўшма баёнот ҳам имзоладилар. Унда Қозоғистон билан Ўзбекистон икки мамлакатдан бирига қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракатни умумий таҳдид деб қабул қилишлари ва бу ҳаракатга самарали қаршилик кўрсатиш учун ҳамма чораларни кўришлари ҳақида гапирилади. Ҳужжатда зарурат туғилган тақдирда томонлар “биргаликда келишиб ҳаракат қиладилар”, деб таъкидланади. Баёнотда Қозоғистон Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ҳақидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаши ҳам айтилади.

21 апрелда Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг умумий учрашуви якунлари бўйича матбуот конференцияси ўтказилиб, унда Ислом Каримов, хусусан, бундай деди: “Афғон муаммоси бор экан, бу мамлакатда қарама-қаршилик давом этаётган экан, бу мамлакат атрофидаги давлатларда ҳам барқарор тинчлик бўлиши мумкин эмас”. Ҳозир Афғонистон мутаассиблик ва экстремизм ўчоғига айланиб қолди, у ерда ишлаб турган ҳарбий базаларда кўпурувчиларга таълим берилмоқда. “Толибон” ҳаракатининг ҳукумати ҳеч қандай халқаро меъёрларни тан олмайtir.

Тожикистон Президенти И. Раҳмонов, ўз навбатида, матбуот анжуманида сўзга чиқиб, “Афғонистон ёлланган кучлар, террорчилар ва кўпурувчи гуруҳлар макони бўлиб қолди”, деди. Унинг сўзларига қараганда, толиблар назорат қилиб турган ҳудудда бутун дунёдаги ҳамма кўкнорнинг 75 фоизга яқини етиштирилмоқда. Раҳмонов халқаро ҳамжамият бу муаммога етарли эътибор бермайtir, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Россия ва АҚШ БМТ шафелигида “ушбу муаммони ҳал қилишга киришишлари керак”. И. Раҳмонов тожик-афғон чегарасини мустаҳкамлаш масаласига тўхталиб, зарур чоралар кўрилмоқда, бироқ “чегарага қулф солинган” деб бўлмайди, “бунинг устига унинг узунлиги деярли 1,5 минг километрни ташкил қилади” деди.

И. Каримов ҳам шу руҳда гапирди: “Биз Афғонистондаги ҳозирги аҳвол шароитида БМТ олдига минтақа-

нинг хавфсизлиги муаммоларига кўпроқ эътибор бериш масаласини қўйишга ҳақлимиз”. “Афғон муаммоси ҳал қилинган тақдирдагина биз демократик янгиланиш билан жиддий шуғуллана оламиз, бозор тизимини вужудга келтира оламиз, жаҳон иқтисодиётига интеграциялаша оламиз. Афғонистонда уруш борар экан, у ерда мутаассиблар ва босқинчилар тупланар экан, минтақада барқарорлик ҳақида гапириш мушкул”, — деди қатъият билан Ўзбекистон Президенти.

Марказий Осиёдаги тўрт давлат Президентлари ана шундай баёнотлар билан жаҳон ҳамжамиятини ҳаракатсизликда айбладилар. Бу мамлакатларнинг раҳбарлари ҳеч бўлмаганда шунинг учун ҳам мутлақо ҳақлидирки, Европанинг ўзида ва АҚШнинг ўз манфаатларига бевосита алоқадор зоналарда ҳар қандай можаро келиб чиққан тақдирда, уни ҳал қилиш учун амалда шошилиш чоралар кўришмоқда. Бунинг учун ҳатто ҳарбий куч ҳам ишлатилмоқда. АҚШдан 18 минг км масофада бўлган Афғонистонда эса фуқаролар уруши 20 йилдан ортиқроқ давом этиб келяпти, лекин Югославиядаги ёки Форс кўрфазини яқинидаги озгина кескинликдан безовта бўладиган БМТ, ЕХҲТ, НАТО каби халқаро ташкилотлар бу муаммони ҳал қилиш учун ҳозирга қадар амалий қадамлар ташламаётир. Афғонистонга келсак, бу мамлакат Европа ва АҚШдан узоқда бўлганлиги сабабли, улар ҳозирча аниқ амалий ишларга ўтишга шошилмаётир. Бунинг икки ёқлама стандартлар сиёсати дейдилар.

Ҳолбуки, ўзларини демократия таянчи деб ҳисоблаётган давлатлар ўз даъволарини Афғонистондаги толибларга эмас, балки Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатларнинг ички сиёсатида қаратмоқдалар. Хусусан, Европа мамлакатлари ва АҚШдан вақти-вақти билан Марказий Осиё республикаларига келиб-кетаётган юқори мартабали амалдорлар, жумладан Ўзбекистонга: ўз ислоҳотларингизни ҳам ярим-ёрти ўтказаяпсиз, демократик институтларингиз ҳам Европадагига ўхшамайди, деб ақл ургатишни ўзларининг муқаддас бурчлари деб ҳисоблашади. Бироқ шу билан бирга улар бу ерда вазият ишсизлик туфайли эмас, бу мамлакатларнинг фуқаролари ҳукумат амалга ошираётган ижтимоий сиёсатдан норози бўлаётганлари туфайли эмас, балки халқаро терроризм билан диний мутаассиблик ча-

тишиб кетган, экстремизм исломнинг яшил туғини кутарган қўшни Афғонистондан тарқалаётган хавфсизликка таҳдид туфайли издан чиқаётганлигини гўёки унутиб қўядилар. Дарвоқе, ижтимоий сиёсат соҳасида аҳвол Ўзбекистонда МДХга аъзо бошқа мамлакатлардагидан анча яхши. Ашаддий босқинчи-мутаассиблар кўп миқдорда тўпланган қўшни мамлакатдан тарқалаётган айнан мана шу таҳдидлар Марказий Осиё республикаларига янгила ниш, демократик ўзгаришлар масалалари билан шуғулланишга, бозор иқтисодиётини янада ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиш масалаларини хотиржам ҳал қилиш имконини бераётир.

“Мен буни юксак минбарлардан туриб қайта-қайта тушунтирдим, — деб сўзлаб берди И. Каримов. — Охири марта ҳам, Истамбулда ЕХХТ мажлисида мана шу обрўли халқаро ташкилот раҳбарлари олдида сўзга чиқиб, “Жаноблар! Сиз Афғонистондан жуда узоқда бўлган Европада яшайсиз ва, афгидан, бизнинг Марказий Осиё давлатларидаги, энг аввало, Тожикистон ва Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқараётган ташқи омилни тушунишингиз қийин. Шундай экан, агар сиз ислохотларни жадаллаштирсангиз, шунинг узи эртанги фаровонлик масаласини ҳал қилиш учун кифоя, деб бизни ишонтиришга беҳуда уриняпсиз. Агар шундай бўлганда ҳам, бу қисман тўғри. Энг муҳими эса, биз шундоққина ёнимиздаги босқинчилар, кўпуровчилар лагерларида террорчилар тайёрланаётган, улар қўлда қурол билан юртимизда янги тартиб ўрнатмоқчи бўлаётган бир вақтда, жуда кучли мафкуравий босқинчилик юз бераётган бир вақтда муттасил хавф-хатар туғдириб турган таҳдидни барта раф этишимиз керак. Минтақага қанчадан-қанча кўпуровчилик адабиёти кириб келаётганига, қанчадан-қанча тарғиботчилар муқаддас ислом динимизга сиёсий тус беришга уринаётганига бир назар ташланг. Биз Афғонистонни хавфсизлигимизга ташқаридан бўлаётган жиддий таҳдид деб ҳисоблаймиз ҳамда жаҳон ҳамжамиятидан бу муаммо билан жиддий ва тубдан шуғулланишни сўрашга ҳақлимиз...” дедим.

“Мен ўзимга-ўзим савол бераман, ЕХХТ Тожикистонда хавфсизликни таъминлаш учун қандай роль уйнади, у ҳозир Афғонистондан туғилаётган хавфни барта раф этиш учун

нима қилаяпти. Агар демократик институт ва ташкилотлар барқарорлик ва хавфсизлик билан таъминланмаса, уларни ташкил этиб бўладими?” — дейди И. Каримов.

Исроил ички ишлар вазири Натан Шчаранский Россиянинг РЖТ телеканали орқали сўзлаб, бундай деди: “Инсон ҳуқуқларини таъминлашдан олдин ҳаётнинг хавфсизлигини таъминлаш керак”. Жаноб Шчаранский сўзларига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, яшаш ҳуқуқи — ҳамма ҳуқуқлар орасида энг муқаддасидир. Хавфсизлик бўлмас экан — ҳаёт йўқ, ҳаёт бўлмаса — инсон ҳуқуқлари ҳам йўқ. Шу сабабли, демократик институтлар, инсон ҳуқуқлари ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин одамларнинг хотиржам ва хавфсиз ҳаёт кечириш ҳуқуқи ҳақида гапириш керак. Яъни, энг аввало, ҳаётнинг ўзи бехатар бўлишини, шундан кейин эса инсоннинг бошқа ҳуқуқларини таъминлаш керак. Бугун Афғонистондан келаётган хавфсизликка таҳдидлар бу масалага айнан ана шундай ёндашишни талаб қилмоқда.

Ҳозирча жаҳон ҳамжамияти сусткашлик билан ҳаракат қилаётган бир вақтда, Ўрта Осиёдаги турт давлат халқаро экстремизмдан, шу жумладан диний экстремизмдан ҳам биргалашиб ҳимояланиш учун бирлашиш вақти келди деб, қарор қилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентларининг Тошкентдаги учрашуви билан бир вақтда 2000 йил 21 апрелда Москвада “Шанхай бешлиги” да қатнашувчи мамлакатлар — Россия, Хитой, Қирғизистон, Қозоғистон ва Тожикистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. “Шанхай бешлиги” да қатнашувчи мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматлари раҳбарларининг Москвада ўтказилган навбатдан ташқари учрашувидан кўзланган асосий мақсад жиноятларнинг энг хавfli турларига, биринчи навбатда терроризмга қарши кураш бўйича биргаликдаги ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқишдан иборат эди. Россия ички ишлар вазири Владимир Рушайло учрашувни очиш вақтида айтганидек, “терроризм, экстремизм ҳамда бошқа турдаги энг хавfli жиноятлар авж олишини давлатларнинг биргаликдаги чора-тадбирлари билан, ҳамма куч-ғайратларни бир муштга тўплабгина енгиш

мумкин". Рушайлонинг айтишича, "идоралараро даражадагина эмас, балки давлатлараро даражада ҳам" чоралар кўриш зарур бўлиб қолди. У Марказий Осиё ва Шимолий Кавказдаги террорчилик кўринишлари кейинги вақтларда анча фаоллашганлигини кўрсатиб ўтди. "Марказий Осиё ва Шимолий Кавказда вазиятни издан чиқариш мақсадида бу минтақалардаги террорчиларга ёрдам бераётган ҳар хил сепаратчи террористик ва халқаро экстремистик ташкилотлар ҳам фаоллашдилар". РФ ТИВ бошлиғининг фикрича, "буларнинг ҳаммаси пухта ташкил этилган хуружлар" бўлиб, бузғунчилик ҳаракатларига қарши курашиш учун келишилган "ғоят қатъий, адекват жавоб чоралари" керак.

2000 йил 5 июлда Душанбеда "Шанхай бешлиги" давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатувчи сифатида қатнашди. У Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой ва Тожикистон давлат бошлиқларига қўшилиб, Ўзбекистон учун ғоят муҳим, мамлакат хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар юзасидан улар билан бирга музокаралар ўтказишга қарор қилди. Шундай масалалар жумласига халқаро терроризмга, диний ва сиёсий экстремизм, сепаратизм, шунингдек наркобизнесга ва қурол-яроғлар билан қонунсиз савдо қилишга қарши кураш ҳам қиради. "Шанхай бешлиги" Душанбеда "Шанхай форуми"га айлантирилди.

Россия Президенти Владимир Путин ушбу ташкилотнинг Душанбедаги саммитида сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг "бешликка" қўшилиши муҳим воқеа бўлганлигини айтди, чунки, унинг сўзларига кўра, бу мамлакатнинг иштирокисиз ҳозир минтақадаги биронта муаммони ҳал этиб бўлмайди. Саммит иштирокчилари халқаро терроризмни энг муҳим муаммо, глобал хавф деб атадилар. Шу сабабли саммитнинг беистисно ҳамма қатнашчилари Ислом Каримовнинг БМТ тузилмалари ҳузурида терроризмга қарши халқаро кураш марказини ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Президенти бу ғояни бир неча йилдан бери илгари суриб келади.

Саммит қатнашчиларининг матбуот анжуманида Ўзбекистон раҳбари мазкур ташкилотнинг фаолияти бундан буён чегарадош ҳудудларда юзага келган муаммоларни

ҳал қилиш билан чекланиб қолмаслигига эътиборни қаратди. Каримов сўзлари билан айтганда, “Шанхай форуми” бутун минтақанинг хавфсизлигини таъминлаш масалаларида аниқ нуқтаи назарга эга, шу билан бирга ушбу тузилмага аъзо бўлган ҳамма мамлакатларнинг қарашлари батамом мосдир. Ўзбекистон Президенти минтақанинг хавфсизлигига таҳдид асосан Афғонистондан келаётганлиги ҳақидаги ўзининг аввалги тезисини яна такрорлади ва “Шанхай форуми” бу мамлакатдаги вазиятни ҳал қилишга қаратилган ҳар қандай таклиф ва аниқ ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди, деб таъкидлади.

Афғонистондан келаётган таҳдидлар Ўзбекистоннинг ҳаракатчан, жанговар қобилиятли миллий армиясини, кучли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларини ташкил этишни талаб қилмоқда. Модомики республика келажакда минтақанинг кучли давлати бўлиши керак, дейилаётган экан, унинг кучли армияси ҳам бўлиши керак. Бундан ташқари, бутун Ўрта Осиёнинг тақдири Ўзбекистондаги барқарорликка боғлиқ. Минтақада юз бериши мумкин бўлган воқеалар ривожининг ҳамма вариантларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, агар Қирғизистондаги вазият кескинлашса, бу ҳол Ўрта Осиёдаги вазиятга қаттиқ таъсир кўрсатмайди. Тожикистондаги ҳозирги беқарорлик қайсидир маънода ҳатто фойдали: бу мамлакатдаги вазият минтақанинг бошқа республикаларини воқеалар ривожининг тожикча вариантдан қайтармоқда. Тожикистон, купол қилиб айтганда, қўшниларни бу йўлдан қайтариб, ўзига хос кўриқчи вазифасини ўтамоқда. Борди-ю, Ўзбекистонда беқарорлик юз берса, вазият фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки шўролардан кейинги бутун маконда портлайди — Ўзбекистондаги барқарорлик бутун Ўрта Осиёда ва умуман МДХда тинчлик ва хотиржамлик гаровидир. Бу ҳолатни мамлакатдаги барқарорликни ҳар қандай йўл билан бузмоқчи бўлаётган ислом экстремистлари ҳам яхши тушунишади.

Ўзбекистонда ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган, парламент мудофаа ва Куроли кучлар тўғрисида бир қанча қонунлар қабул қилган. Ўзбекистон ҳарбий доктринасининг моҳиятини 50—60-йилларнинг машҳур кўшиғидан олинган сўзлар билан ифодалаш мумкин: “Биз ўзгаларнинг бир қарич ерини истамаймиз, лекин ўз тупроғимиз-

ни ҳам ҳеч кимга бермаймиз”. Республикада кадрлар тайёрлаш учун ҳарбий билим юртлари ишлаб турибди. Уларга турли миллат кишилари ўқишга кирмоқда, туб миллат ёшларининг ҳарбий касбни эгаллаб олишга интилиши сезиларли даражада ошди. “Бизнинг армиямиз Россия ишлаб чиқарган қурол-яроғларга асосланади, унинг энг яхши анъаналарини ўрганмоқда. Шу сабабли биз Россия армияси билан яқин алоқада бўлиб келдик ва бундан буён ҳам бу алоқаларни давом эттирамиз. Биз катта армия тузишга интилмаймиз. Мен Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш деганда махсус зоналар ташкил қилиш, тегишли коллектив шартномалар тузишни назарда тутаман. Менинг фикрим мана бундай: Россия Ўрта Осиёда хавфсизлик кафили бўлиши керак”, — деди Ўзбекистон Президенти ўз матбуот конференцияларидан бирида.

Мавжуд хавф-хатарлар Ўзбекистонни мудофаа қудратини мустаҳкамлашга мажбур қилмоқда. Шу билан бирга асосий эътибор ҳаракатчан, бақувват ва яхши жиҳозланган, республикада тинчлик ва осойишталикни самарали ҳамда ишончли тарзда ҳимоя қилишга қодир бўлган Қуролли кучларни тузишга қаратилмоқда. Бу вазифа фақат ҳарбий кадрлар тайёрлашнигина тақозо этиб қолмайди. Ҳозир ўзбек армиясида дунёдаги етакчи давлатлар қуролли кучларининг илғор тажрибаси билан ўзбекларнинг ўз анъаналари ва менталитети чапишиб кетмоқда. Агар концепция нуқтаи назаридан гапириладиган бўлса, бу АҚШнинг ҳаддан ташқари қимматга тушадиган тезкор кучларига ўхшаган армия бўлмайди. Ўзбек армияси сафарбар этиш ва ҳарбий тайёрланиш учун 48 соат талаб қилинадиган мунтазам Совет Армияси намунаси асосида ҳам ташкил этилмайди. Афғонистондан келаётган ҳозирги таҳдид шароитида Ўзбекистоннинг миллий армиясига тўла шайланиш учун бунча вақт беришга йўл қўйиб бўлмайди. Мамлакат қуролли кучлари ҳар қандай таҳдидга қарши тез ҳаракат қилиши керак. Шу билан бирга улар жуда ҳам қиммат турмайдиган, аммо самарали ҳаракат қиладиган тузилмалар бўлиши керак.

Қуролли кучларни ҳарбий техника билан қайта қуроллантириш ва модернизациялашнинг комплекс дастури ишлаб чиқилмоқда. Бунда, хусусан, Россия, АҚШ ва Европадаги бошқа мамлакатлар тажрибаси ўрганилмоқда.

Ҳарбий ҳаво кучлари учун кадрлар тайёрлаш соҳасида кўп иш қилинмоқда. Республикада юқори малакали учувчилар тайёрлайдиган билим юрти бор. У ерда тайёрланган учувчилар фақат армиядагина хизмат қилиб қолаётганлари йўқ. Бу ерда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси учун ҳам кадрлар тайёрланади. Бу компания парвозларнинг хавфсизлиги ва хизмат кўрсатиш сифати бўйича МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши компаниялардан бири деб эътироф этилди.

Бундай кадрлар бошқа қўшин турлари, жумладан қуруқликдаги қўшинлар, танк қўшинлари ва бошқалар учун ҳам тайёрланмоқда. Сўнгги йилларда зобитлар таркибида миллий кадрлар фоизи анча ўсди. Бироқ, шу билан бирга, Европа миллатларига, шу жумладан славян миллатларига мансуб кўпгина ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон қуроли кучларида хизмат қилишни давом эттирмоқда.

Чегара қўшинлари ислоҳ қилинмоқда. Ҳозир Ўзбекистоннинг чегара қўшинлари мустақил қўшин тури бўлиб, у давлат чегараларини қўриқлайдиган биринчи эшелондир. Чегарачиларнинг асосий вазифалари — ҳудудий яхлитликни таъминлаш, чегара орқали қўпоровчи-террорчи гуруҳлар ва айрим унсурлар кириб келишига йўл қўймаслик, Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат. Давлат чегарасини қўриқлаш кўмитаси ва унинг чегара минтақалари ҳамда бошқа ҳудудий бўлинмалари тузилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон чегаралари сезгирлик билан ҳимоя қилинмоқда. Одамлар қўшни мамлакатлар — Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистонда яшашади ва ҳозирга қадар ўзларини турли давлатлар фуқаролари деб ҳис қилишмайди. Одамларга бундан буён ҳам бу мамлакатлардаги ўз яқинлари билан қариндошлик алоқаларини сақлаб қолиш учун имконият беришга, айтилиши вақтда чегара орқали Ўзбекистонга қўпоровчи-террорчи гуруҳлар кириб келишига йўл қўймаслик учун уни мустақамлашга тўғри келмоқда. Тошкентдаги февраль портлашлари, қўшни Афғонистондаги воқеалар Ўзбекистоннинг МДҲ бўйича қўшнилари билан чегараларни ёпиб қўйиш ва у ерларда одамларнинг ҳаракатланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурлигини кўрсатмоқда. Чунки, тергов жараёнида маълум бўлганидек, бир неча ўнлаб террорчилар 1999 йил

16 февралда Тошкентдаги қўпоровчилик ишларини амалга ошириш учун қўшни Афғонистон ёки Тожикистондан эмас, балки шимолдан — Қозоғистоннинг собиқ пойтахти Алмати шаҳридан келган. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида аниқ ва назорат қилинадиган чегара йўқлигидан фойдаланиб, террорчилар бемалол қўшни давлатга ўтиб келганлар ва ўзларининг ёвузликларини амалга оширганлар. Шу сабабли ҳозир ўзбек чегарачилари қўшнилар билан ҳам чегаралар ўрнатишга мажбур бўлмоқдалар.

Ҳозир Ўзбекистонни Қозоғистон ва Қирғизистон билан боғлайдиган магистрал йўлларда чегара блокпостлари ўрнатилган, лекин мамлакатлар чегараларидаги баъзи дала йўллари ҳозирга қадар ўзбек чегарачилари томонидан назорат қилинмаётир. Тақдир тақозоси билан турли давлатларга ўтиб қолган одамларнинг қариндош-уруғчилик алоқаларини ҳисобга олганда, Ўзбекистонни тиконли сим билан ўраб олиб бўлмайди. Бунинг ўрнига Ўзбекистоннинг ташқи чегараларини пухта назорат қилиш учун етарли миқдорда ҳаракатчан чегарачи гуруҳлар ва техника воситалари керак.

Республика Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам туб ислоҳотлар бошланди. Ички қўшинларнинг тузилиши ҳамда вазифалари қайта кўриб чиқилди. Уларни ташкилий ва моддий-техникавий жиҳатдан анча мустаҳкамлаш чоралари таҳлил қилинмоқда. Навбатдаги босқичда йўл ҳаракати хавфсизлигини, жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлайдиган бўлинмалар ислоҳ қилинади. Ислоҳотлар натижасида фуқароларни ва жамиятни террорчилик ва қўпоровчилик ишларидан, экстремизмнинг ҳамма кўринишларидан, шунингдек уюшган жиноятчиликдан ишончли тарзда ҳимоялашни таъминлайдиган ички ишлар идоралари тизими барпо этилади.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида тинч-тотув яшаш, халқаро масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик қоидаси асос қилиб олинган. Лекин мамлакат раҳбарияти Марказий Осиёдаги вазиятнинг ўзига хослигини ва мураккаблигини яхши тушунади. Бу вазият давом этаётган кескинлик билан, уруш хавфи ва қуролли тўқнашувларнинг барқарор ўчоқлари мавжудлиги билан ажралиб туради.

Бундай шароитда ҳарбий куч яқин келажакда Ўзбекистон суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва миллий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий воситаларидан бири бўлиб қолади. Шубҳасизки, бунда Қуролли кучлар давлат хавфсизлиги ва тинч ҳаёт кечирришнинг муҳим кафолатидир. Шу сабабли республика юқори малакали мутахассислар билан таъминланган профессионал армия барпо этиш йўлидан ишонч билан бормоқда.

Ўзбекистон Қуролли кучларини барпо этишнинг асосий қондаси — таркиби жиҳатидан кўп сонли бўлмаган, лекин ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғлар ва жанговар техника билан яхши жиҳозланган, ҳам мустақил тарзда, ҳам МДҲга аъзо давлатларнинг қуролли кучлари билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг ва Ҳамдўстликнинг жанубий сарҳадлари хавфсизлигини ишончли суратда таъминлашга қодир бўлган армияни барпо этишдан иборат. Ҳозирги талабларга жавоб берадиган миллий ҳарбий кадрлар тайёрлаш учун ўқитиш ва ҳарбий машқлар ҳарбий фаннинг сўнгги ютуқларини, Афғонистон, Чеченистондаги жанговар ҳаракатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда олиб борилмоқда. Шунингдек, Марказий Осиё минтақасининг хусусиятлари ҳам ҳисобга олинмоқда. Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Қуролли кучлари мафқурадан холи этилган ва уларда ҳар қандай ташвиқот-тарғибот тақиқланган.

Ўқиш вақтида ўзбек саркардаларининг руҳан ва табиятан миллий армияга кўпроқ мос келадиган тактикаси ва стратегиясига ҳам эътибор берилмоқда. Хусусан, ўзбекларнинг буюк аждоди, XIV аср давлат арбоби, Фарбда жуда машҳур бўлган, дунёдаги энг қудратли империялардан бирини барпо этган Амир Темурнинг ҳарбий тажрибаси урганилади. Маълумки, Амир Темурнинг саркардалиқ қобилияти ва ҳарбий стратегияси кўп асрлар мобайнида Шарқ ва Фарб давлатлари учун намуна бўлиб келган эди.

Давлат Қуролли кучларни энг янги ҳарбий техника ва қурол-яроғлар билан қуроллантириш, кўшинларни жойлаштириш, уларнинг ҳаётини таъминлашнинг мустақам тизимини яратиш, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрмоқда.

1995 йил сентябрда Тошкентда Ўзбекистон Куролли кучлари Академияси очилди. У олий зобит кадрлар, шу жумладан генераллар ҳам тайёрлайди. Армиянинг техника билан қуролланишини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамай, мамлакат бундан буён ҳам ҳарбий салоҳиятни кўллаб-қувватлаш учун зарур маблағлар ажратишни мулжалламоқда. Республиканинг ҳарбий доктринаси мудофаага ва олдини олиш чораларини кўришга йўналтирилган. Шу сабабли Ўзбекистон тинчликни сақлаш борасида БМТ ва ЕХҲТ шафелигида ўтказилаётган операцияларда қатнашишга тайёр эканлигини билдирди.

Ҳозир Марказий Осиё минтақасида вужудга келган вазият шундайки, миллий хавфсизлик тизими воқеаларни олдиндан куришни ҳамда таҳдидларнинг олдини олиш ва кучини қирқиш чораларини таъминлаши керак. Бу эса республикада тадқиқот ва ахборот-таҳлил марказлари ва институтлари тармоғини барпо этишни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Президенти ҳузурида ташкил этилган давлат арбобларининг маслаҳат органи — Хавфсизлик кенгаши ана шундай институтлардан бири бўлди.

Хавфсизлик кенгашининг вазифаси миллий хавфсизлик муаммолари билан боғлиқ ҳамма масалаларни чуқур ишлаб чиқишдан ва уларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлашдан иборат. У миллий хавфсизликнинг устувор йўналишларини танлаб олишга, бу соҳада давлат сиёсати қоидаларини ишлаб чиқишга ҳам жавобгар. Хавфсизлик кенгаши раҳбарлигида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Дунёда мулкий тенгсизлик кучайиб, саноати тараққий топган мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги фарқ тўхтовсиз чуқурлашиб бораётгани МДҲга аъзо бўлган бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистоннинг хавфсизлигига ҳам таъсир кўрсатаётган омиллардан биридир. Бу ҳол дунё ресурсларининг тақсимланишида яққол кўринмоқда. Гарчи табиий ресурслар асосан ривожланаётган мамлакатларда жамланган бўлса-да, саноати юксак даражада тараққий этган дав-

латлар бу бойликлар устидан назорат урнатишга ва уларни қўлга киритиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳар қандай мамлакатнинг ҳозирги дунёдаги ўрни ва роли эндиликда, аввало, унинг энг янги технологияларни қабул қилиш ва улардан фойдалана олиш қобилияти билан белгиланади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун Ўзбекистонда етарли шарт-шароит мавжуд: у ўзининг илмий-техникавий салоҳияти, бошқа имкониятлари жиҳатидан қўшни давлатлардан устун туради. Мамлакат нефть, газ, қимматбаҳо ва рангли металллар захираларига эга, иқтисодиётнинг асоси бўлган тармоқларни ривожлантирмоқда. Бу ерда иқтисодий салоҳиятни ошириб бориш учун ҳамма имкониятлар бор.

Бироқ муаммо шундан иборатки, Марказий Осиё минтақасида ишончли ва ишга яроқли хавфсизлик тuzилмаси ҳали йўлга қўйилмаган. Минтақадаги давлатларнинг манфаатлари мос келмаётир ҳамда айрим сиёсий кучлар бир-бирларига маълум даражада таъсир кўрсатишга интилмоқдалар. Бундан ташқари, мусулмон оламидаги айрим кучли мамлакатларнинг бир-бирига мос бўлмаган манфаатлари минтақада тўқнаш келиши мумкин.

Ўзбекистон Форс кўрфази, Каспий денгизи ҳавзаси ва Тарим ҳавзасининг нефть ва газга гоят бой конлари, яъни ер кўрраси энергия ресурсларининг асосий захиралари жойлашган ярим доиранинг стратегик марказидир. Жаҳонда энергетика тақчиллиги юз бериб турган шароитда бу минтақалар яқин йиллар ичида Евроосиё ва умуман бутун дунё келажаги учун ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин.

Бунинг устига республика Фарб ва Шарқ мамлакатларининг: АҚШ, Россия, Хитой ва Ҳиндистоннинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари юзага чиқадиган минтақанинг бир қисмидир. Бу минтақа ислом дунёсидаги қудратли мамлакатлари — Туркия, Покистон, Эрон ва Саудия Арабистонининг ҳам эътиборига тушган.

Ўзбекистон турли халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ ва ЕХХТ муассасалари ишида фаол қатнашмоқда. Тошкентнинг халқаро органларда қатнашишдан асосий мақсади ўзининг миллий хавфсизлиги, минтақада тинчлик ва барқарорлик кафолатларини таъминлашдан иборат.

1993 йил февralида Ўзбекистонда БМТ ваколатхонаси иш бошлади. Ҳозир бу ваколатхона БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари бўлиши БМТ Тараққиёт дастури, қочоқлар ишлари бўйича БМТ олий комиссарининг вакили, БМТ Болалар фонди, саноатни ривожлантириш ҳамда наркотик моддаларни назорат қилиш дастурлари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Нуфус фондини бирлаштиради. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги кенгая бориб, фоят хилма-хил соҳаларни: иқтисод, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, маданиятни қайта тиклаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, хавфсизлик ва шу қабиларни қамраб олмақда.

Минтақавий хавфсизликни мустақамлаш учун Ўзбекистон ЕХХТ тузилмаларида ҳам фаол қатнашмоқда. Бу ташкилотнинг имкониятлари, унинг Европа иттифоқи, Европа Кенгаши, НАТО ва бошқа ташкилотлар билан алоқалари Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга ёрдам бериши керак. Тошкентдагилар бу ҳамкорлик охир-оқибатда Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, ишонч ва яхши қўшничилик зонасини барпо этиши керак деб ишонилшади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатга мафкуравий тус беришдан бутунлай воз кечганлиги хавфсизликнинг муҳим кафолатидир. Республика бутун дунё мамлакатлари билан ўз муносабатларини, уларнинг мафкуравий усткурмаси қандай эканлигидан қатъи назар, фақат халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва умумэтироф этилган қоидалари асосида ташкил этмоқда. Чунки мурасасиз мафкуравий келишмовчиликлар яқин ўтмишда давлатларни ўзаро қурашувчи блокларга ажратиб ташлаган, дунёни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган эди. Бугун ҳам мафкуравий мурасасизлик сабабли келиб чиқаётган қарама-қаршилиқ давлатлар ўртасидаги можароларни ҳал қилишнинг зўравонлик шаклларига, юз минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келмоқда, бутун-бутун халқлар учун фожиага айланиб кетмоқда.

Ўзбекистон қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси бўлиб, ҳеч қандай блокларда иштирок этмайди ва буни миллий хавфсизлик кафолати деб ҳисоблайди. “Барқарорлик ва жуғрофий-сиёсий мувозанат сақланиб қолган шароитдагина Марказий Осиё минтақаси тўхтовсиз ва собитқа-

дам ривожланади, жаҳон ҳамжамияти учун муносиб шерик бўла олади, — деб ҳисоблайди Ислом Каримов, — Марказий Осиё минтақасида турли сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, транспортга ва экологияга оид муаммолар тупланиб қолган. Шунинг назарда тутадиган бўлсак, бутун минтақанинг собитқадам ва барқарор ривожланишини таъминлаш ҳамда можароли вазиятларнинг олдини олиш учун ҳозирги кунда ички ва ташқи мувозанатни сақлаш ва қўллаб-қувватлашгина бирдан-бир мақбул тамойилдир. Минтақада жуғрофий-сиёсий мувозанатни ва барқарорликни сақлаган тақдирдагина мазкур муаммоларни ҳал этиш имкони туғилади. Бу эса, ўз навбатида, ялпи хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади... Шунинг учун ҳам: “Огоҳ бўлинг, одамлар!” — деган даъват ҳамиша бонг ургандек янграб туриши керак. Фахрланиш мумкин ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг”.

Ислом Каримовнинг фикрича, “ҳозирги шароитда хавфсизлик фақат коллектив бўлиши мумкин. У ҳамфикр давлатларнинг биргаликдаги сазъ-ҳаракатлари билан, уларнинг имкониятларини бирлаштириш билан таъминланади”. Шу муносабат билан Ўзбекистон тинчликни сақлаш бўйича БМТ, ЕХХТ шафелигида амалга оширилаётган операцияларда қатнашишга тайёр эканлигини билдирди.

Ўзбекистон шўролардан кейинги маконда коллектив хавфсизлик тизимини барпо этиш ташаббускорларидан бири бўлди. МДХнинг Коллектив хавфсизлик туғрисидаги Шартномаси (КХШ) 1992 йил майда Тошкентда имзоланганлиги тасодифий эмас. Бироқ 1999 йил мартда Ўзбекистон бу шартномадаги ўз иштирокини бундан буён давом эттирмаслигини айтди. Ўзбекистоннинг КХШга бундан буён аъзо бўлишдан бош тортишига сабаб ушбу шартноманинг самарасизлиги ва ишламаганлигидир.

Тожиқ-афғон чегарасида тинчликни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг “Центразбат” тинчлик ўрнатувчи батальонини тузиш ҳам ана шундай самарасиз бўлиб чиқди. Аввалига бу гоя жуда яхши бўлиб туюлган эди, ушбу лойиҳа доирасида бирга-

ликда ҳарбий машқлар ўтказилди. Лекин кейинчалик батальон билан боғлиқ муаммоларнинг бутун оғирлиги Ўзбекистон зиммасига тушиб қолди. Ҳозир “Центразбат” билан боғлиқ ташкилий, молиявий ва моддий масалалар амалда фақат Тошкент ёрдами билан ҳал қилинмоқда. КХШ ва “Центразбат” иши биринчиси Россия ҳисобиغا, иккинчиси Ўзбекистон ҳисобиغا фаолият олиб борганини кўрсатди.

Шу сабабли Тошкент Россия Федерацияси билан ўзининг ҳарбий ҳамкорлигини икки томонлама асосда ташкил қилмоқда. Охирги йиллар тажрибаси Москва билан хавфсизлик тўғрисидаги икки томонлама шартнома доирасида иш олиб бориш анча самарали эканлигини кўрсатди. Агар Ўзбекистон Россия билан яқиндан ҳамкорлик қиладиган бўлса, нима учун ўзининг хавфсизлиги билан боғлиқ масалаларни оператив ҳал қилишда Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Украина ёки Беларусга боғлиқ бўлиши керак? Афғонистон томонидан келаётган таҳдидни бартараф этиш яшин тезлигида чоралар куришни талаб қилиб турса, нима сабабдан Ўзбекистон КХШнинг бошқа ҳамма аъзолари ўз фикрини билдиришини кутиб туриши керак? КХШ қатнашчилари бўлган мамлакатлар мудофаа маҳкамаларининг бошлиқлари туплангунича камида бир ҳафта ўтади ва Афғонистон томонидан қуроли кучлар бостириб кирган тақдирда бу муддат Ўзбекистондаги вазиятни батамом издан чиқариш учун етарли бўлади. КХШ республика хавфсизлигини таъминлашга қодир эмас.

Бир сафар Беларус Президенти Александр Лукашенко Россия ўз хавфсизлиги масалаларини Марказий Осиё республикалари билан эмас, балки Беларус билан бирга ҳал қилиши керак, деган эди. Жаноб Лукашенко сўзларидан Россия Марказий Осиёда умуман манфаатларга эга эмас, бу минтақадаги беқарорлик ва уруш эса умуман Россия хавфсизлигига таҳдид туғдирмайди, деган хулоса чиқади. Беларус президентининг ана шундай баёнотидан кейин Ўзбекистон толибларнинг қуроли отрядлари бостириб кирган тақдирда Беларусдан ёрдам келишига умид қилиб, КХШда қолиши мумкин эдими?

Қушилмаслик ҳаракатининг аъзоси бўлган Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блоklarда қатнашмоқчи

эмаслигини қайта-қайта айтган. Президент Каримов Ўзбекистон хавфсизлиги, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг кафолати айнан мана шунда деб билмоқда ва МДХ маконида ҳарбий-сиёсий блок тузишга қарши чиқмоқда. Унинг фикрича, бундай блок тузиш дунёни “совуқ уруш” даврларига қайтарган булар эди.

“Биз Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва ташқаридан бўладиган таҳдидга қаршилик кўрсатиш борасидаги муносабатларни бевосита манфатдор бўлган давлатлар билан шартнома асосида ташкил этиш ниятидамиз. Бунда умумий хавфсизлик ҳамда минтақада барқарорликни сақлаб қолиш принципига амал қиламиз. Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиманки, бундай ҳарбий-сиёсий шартномаларни тузиш мамлакатимизнинг тўла суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда унинг мавжуд чегаралари дахлсизлигини таъминлаши керак”, — дейди Ислоом Каримов.

1994 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилди. Бу дастур шўролардан кейинги маконда ва унинг бир қисми бўлган Ўрта Осиёда коллектив хавфсизлик ва барқарорликнинг кенг тизимини вужудга келтиришга қаратилган.

Президент Ислоом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” деган китобида ёзганидек, Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигига қарши таҳдидлар орасида экологик хавфсизлик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси алоҳида эътиборга молик. Узоқ йиллар мобайнида эски социалистик маъмурий-бўйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Табиий ресурслардан фойдаланишда асосий эътибор иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган. Ресурс имкониятларидан оқилона фойдаланишни тартибга соладиган ва табиатнинг ҳамда атроф муҳитнинг ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган бирон-бир меъёрлар ва қоидалар йўқ эди. Табиатни муҳофаза қилишга арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга етказилаётган зарарнинг озгина қисмини ҳам қопламас эди. Ёқилғи ва минерал-хом ашё ресурслари жуда кўп миқдорда қазиб олинар, уларнинг кўпчилик қисми қайта ишланмаган чиқитлар сифатида уюлиб

ётар эди. Ҳатто энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган баҳайбат саноат корхоналари фаол бунёд этилди. Натижада барча заҳарли ва зарарли саноат чиқиндилари улкан ҳаво кенгликларини, сув ҳавзаларини, ер майдонларини ифлослантирди. Ўз кўлами жиҳатидан беқиёс даражада катта гидроэнергетика лойиҳаларини рўёбга чиқариш, транспорт коммуникацияларини куриш табиий ресурсларнинг қашшоқлашувига, бутун бошли аҳоли пунктларининг йуқ бўлиб кетишига, экологик мувозанат бузилишига, иқлим, одамларнинг ҳаёт ва фаолият шароитлари бузилишига олиб келди.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланди. Ернинг чекланганлиги ва унинг сифат таркиби пастлиги билан боғлиқ хавф тўхтовсиз ортиб бормоқда. Ўрта Осиё шароитида ер бебаҳо инъомдир. У том маънода одамларни боқади, кийинтиради. Бевосита деҳқончилик билан боғланган оила-ларгина эмас, балки маълум бир тарзда қишлоқ хўжалиги билан алоқадор барча тармоқлар ва унинг неъматларидан баҳраманд бўлаётган республиканинг барча аҳолиси фаровон турмуш кечириши учун моддий негиз яратади. Айни вақтда ер улкан бойлик бўлибгина қолмай, мамлакатнинг келажагини белгилаб берадиган омил ҳамдир. Бу ҳол Ўзбекистонда айниқса яққол намоён бўлмоқда, чунки ернинг иқтисодий ва демографик вазифаси йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг хусусияти шундан иборатки, 447,4 минг квадрат километрдан ортиқ бўлган умумий майдоннинг атиги 10 фоизинигина экин майдонлари ташкил этади. Айни чоғда Ўзбекистон эгаллаб турган майдоннинг анча қисмини Қорақум, Қизилқум, Устюрт каби чўл ва ярим чўл ерлар ташкил этади. Айниқса, қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланилаётган ер майдонларига тўғри келадиган демографик юк ҳозирнинг ўзидаёқ ўта салмоқли. Ўрта Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда аҳолининг зичлиги айниқса юқори бўлиб, 1 квадрат километрга 51,4 киши тўғри келади, ҳолбуки, бу рақам Қозоғистонда — 6,1, Қирғизистонда — 22,7, Туркменистонда — 9,4 ни ташкил этади. Республикада ҳар бир одамга 0,17 гектар экин майдони тўғри келса, Қозоғис-

тонда — 1,54, Қирғизистонда — 0,26, Украинада — 0,59, Россияда — 0,67 гектар экин майдони тўғри келади. Барча аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшаётганлигини ҳисобга олсак, дадил айтиш мумкинки, бизнинг қишлоқларимизда, инсоний захираларнинг нисбий ортиқлиги эмас, балки мутлақ ортиқлиги яққол кўзга ташланади.

Тупроқнинг нурашига қарши шўро ҳокимияти йилларида чора-тадбирлар яхши олиб борилмаганлиги тўфайли шамол ва сув таъсирида емирилиш тупроқнинг унумдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу чора-тадбирлар жуда паст суръатларда ва сифатсиз олиб борилган. Ҳатто 80-йилларнинг охирида амалда бутунлай тўхтаиб қўйилган эди. Ҳозир республикада 2 миллион гектардан ортиқ ер майдони ёки барча суғориладиган ерларнинг қарийб ярми бузилиш хавфи остида қолган.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун жиддий экологик муаммолардан биридир. СССР мавжуд бўлиб турган йилларда ерларни оммавий суратда ўзлаштириш, ҳатто шўрланган ва мелиорацияга яроқсиз йирик-йирик, яхлит майдонларни ишга солиш ана шунга олиб келди. Ўзбекистон СССР таркибида бўлган сўнгги 50 йил мобайнида суғориладиган ер майдони 2,46 миллион гектардан 4,28 миллион гектарга етди. Фақат 1975—1985 йиллар мобайнида 1 миллион гектарга яқин янги ер майдонлари ўзлаштирилди. 1990 йилга келиб суғориладиган ер майдони 1985 йилдагига қараганда 1,5 баравар кўпайди.

Ўзбекистонда экин майдонлари таркибида 1990 йилга қадар пахта деярли 75 фоиз майдонни эгаллаган эди. Дунёнинг бирорта ҳам мамлакатаида пахта монополияси бу қадар юқори даражага кўтарилмаганди. Бу ҳол ернинг кучсизланишига, тупроқ унумдорлиги пасайишига, тупроқнинг бузилиши ва нураши жараёнлари ортишига олиб келди.

Ўзбекистонда ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларнинг қўлланиши энг юқори нормалардан ҳам унлаб баравар ортиқ эди. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларини ифлослантirdи. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмади. Ҳамма жойда пахта назоратсиз суғорилди. Тупроқнинг нами кўпайиб кетди. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келди.

2000 йил февраль ойининг охирида Тошкентда экологик хавфсизлик тизимини яратиш муаммоларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Унинг ишида Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Марказий Осие ва Кавказорти бўйича қишлоқ хўжалик тадқиқотлари Халқаро маркази, “Глобал экологик фонд” халқаро агентлиги ваколатхоналарининг Тошкентда аккредитация қилинган бошлиқлари, Ўзбекистоннинг етакчи эколог олимлари ва ҳуқуқшунослари қатнашди. Конференция қатнашчиларининг нутқларида Ўзбекистон ҳудудида ва бутун минтақада жиддий экологик вазият вужудга келганлигининг сабаблари таҳлил қилинди.

Хусусан, “Экосан” халқаро жамғармасининг раиси профессор Юсуфжон Шодиметов ўз маърузасида Ўзбекистон жуғрофий ўрни ҳудуднинг ташқи экологик хатарларга дучор бўлишининг сабабчиси эканлигини кўрсатиб ўтди. Республика Ўрта Осиенинг ўрта қисмида жойлашган ва унинг ҳудудининг 80 фоизидан ортиқроғи текисликдан иборат, воҳа зоналарни ташкил этадиган, транспорт қатнайдиغان Амударё ва Сирдарё эса қўшни давлатларнинг антропоген таъсирига учрайди. Ю. Шодиметов зилзилалар, баҳорги сув тошқинлари, тупроқ кучиши ва селлар Ўзбекистон учун энг катта хавф эканлигини таъкидлади. Улар туғонлар, гидроузеллар ҳамда Ўзбекистон ҳудудидаги, шунингдек қўшни Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ҳудудидаги 11 та баланд тоғ қўлларини бузиб юбориши мумкин, деди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон учун радиоактив ифлосланиш айниқса хавфли. Бундай ифлосланиш фақат унинг ҳудудида эмас, қўшни давлатларда ҳам юз бериши мумкин. Масалан, қўшни Қирғизистон ҳудудидаги Мойлисув дарёсининг қирғоқлари ёқасида 1944 йилдан то 1967 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилари кўмилган ва ҳозир ҳам минтақада 23 та қолдиқлар сақланадиган жой бор. Улар селлар йўлини тўсадиган туғонларни мустаҳкамлашни ва кўчки хавфи бўлган жойлардаги қияликларнинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришни талаб қилади.

80-йилларнинг бошларида қўшни Тожикистонда алюмин заводи ишга туширилиши Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятига қарашли кўплаб туманларида экологик

вазият ёмонлашувига олиб келди. Завод атмосферага кўп миқдорда фторли водород, углерод оксиди, олтингургурт газы, азот оксидларини чиқариб ташламоқда. Водийнинг юқори қисмида, Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарасида жойлашган заводнинг чиқиндилари тоғдан водий томонга эсадиган шамол билан ундан узоқларга, асосан республиканинг чегарадош туманлари — Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой туманлари ҳудудига тарқалмоқда. Натижада Ўзбекистоннинг ҳаво бўшлиғи қаттиқ ифлосланмоқда. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили республиканинг атмосфера ҳавосига 4 миллион тоннага яқин зарарли моддалар кўшилмоқда. Шуларнинг ярми углерод оксидига тўғри келади, 15 фоизини углеводород чиқиндилари, 14 фоизини олтингургурт кўш оксиди, 9 фоизини азот оксиди, 8 фоизини қаттиқ моддалар ташкил этади ва 4 фоизга яқини узига хос ўткир заҳарли моддаларга тўғри келади. Бу бирикмаларнинг анча қисми кўшни Тожикистондаги алюмин заводи ҳиссасига тўғри келмоқда.

Навоий вилоятидаги қолдиқлар сақланадиган жой ҳам экологик жиҳатдан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив кўмни шамол учуриши хавфи бор.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига қараганда, икки мингдан ортиқ корхона Ўзбекистон атмосферасига ҳар йили 100 тоннадан кўпроқ хавфлилик даражаси турлича бўлган заҳарли моддаларни чиқариб ташламоқда. 2000 йил февраль ойининг бошларида Тошкентда экология муаммолари бўйича БМТ, Халқаро лойиҳалар маркази, Россиянинг геология бўйича Давлат қўмитаси Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан бирга ташкил этган миллий семинар бўлиб ўтди. Табиий муҳитни ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолатини назорат қилиш учун Ўзбекистонда мониторинг тизими ташкил этилган. Бу мониторингни республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва идораларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўлимлари амалга оширмоқда.

2000 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига мувофиқ, табиий муҳитни ифлослантирадиган моддаларни ҳавога чиқариб ташлаганлик ҳамда

республика ҳудудида чиқиндиларни жойлаштирганлик учун ҳақ тўлаш жорий этилди. Тўловларни республика солиқ қўмитаси идоралари ундириб олади ва уларнинг 80 фоизи маҳаллий бюджет даромадига қўшилади, 20 фоизи эса Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маҳаллий идораларининг табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари ҳисоб варақларига ўтказилади.

Илгари корхоналар атмосферага чиқариб ташлаган ифлослантирувчи моддаларнинг ва оқова сувларнинг меъёрдан ортиқча қисми учунгина ҳақ тўлар эдилар. Чиқиндиларни жойлаштирганлик учун умуман ҳақ ундирилмас эди. Шу билан бирга олинган маблағларнинг ҳаммаси бевосита табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига тушар эди. Энди эса атроф муҳитга чиқариб ташланган бутифоснинг ҳар бир тоннаси учун 64,6 млн сўм (1 АҚШ долларининг янгилик жорий этилган пайтдаги — 2000 йил 1 февралдаги — курси 142,34 сўм эди), азот нитрити учун 1,2 млн сўм, симоб учун 3,9 млн сўм ҳақ тўлаш белгиланган. Сулеманинг (симоб хлорид) бир тоннаси учун белгиланган энг қўп ҳақ 195 млн сўмни ташкил қилади. Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра ҳар йили республика атмосферасига корхоналар тахминан 2 млн тонна ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташламоқда, шуларнинг 100 тоннадан кўпроғи захарли моддалардир.

Экологик таҳдидга қарши курашиш учун Ўзбекистон ҳукумати атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган бир қанча қонун ҳужжатларини қабул қилди. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий тадбирларни амалга ошириш билан бирга бу соҳада бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилмоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг турли жиҳатларини тартибга солувчи қўплаб хилма-хил халқаро шартномалар ва битимлар тузилди. Ўзбекистон МДХ давлат бошлиқларининг 1992 йил 8 февралда имзоланган Битимига мувофиқ тузилган МДХ мамлакатлари Давлатлараро Экология Кенгашининг тўла ҳуқуқли аъзосидир.

Ўзбекистонда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича истиқ-

болга, яъни 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Дастурда республикада экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳарларда экологик кескинликка барҳам бериш йўллари ва шу каби бошқа чоралар белгиланган.

Марказий Осиёда сув ресурсларининг чекланганлиги ҳам Ўзбекистон учун, шунингдек бутун минтақа учун таҳдиддир. Йилига 78 куб километр сув келтирадиган Амударё ва 36 куб километр сув келтирадиган Сирдарё минтақанинг асосий сув манбаларидир. Ҳозирги вақтда халқ хўжалигида Орол денгизи ҳавзасининг барча сув ресурсларидан тула-тўқис фойдаланилмоқда. Бу эса Оролнинг қуриб боришига сабаб бўлмоқда.

Орол денгизи муаммоси узоқ ўтмишга бориб тақалади, лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди. Урта Осиёнинг бутун худуди бўйлаб суғориш тизимларини жадал суръатда қуриш кўплаб аҳоли пунктларига ва саноат корхоналарига сув бериш баробарида Орол ҳалок бўлишининг сабабига ҳам айланди.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Бу фожа денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 млн кишига таъсир қилмоқда.

Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида бундай деб ёзади: “Биз 20—25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бир авлоднинг кўз ўнгида бутун бир денгиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди”.

1911—1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10—11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқ хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

Бироқ 1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи 32,5 метрга, сув ҳажми 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат

километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди. Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди иккита қолдиқ қўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60—80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суръатлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда қуриниб қолди. Натижада Марказий Осиёнинг Орол денгизига туташ республикалари яна битта қумли-шўрхок саҳрога эга бўлди. Қум бўронлари Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тузонни юзлаб километрга учуриб кетмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай бўронлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг-тузон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 500 километргача етмоқда. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15—75 миллион тонна чанг кўтарилади.

Буларнинг ҳаммаси Орол бўйи иқлимининг ўзгаришига олиб келди. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди. Соҳилнинг ҳозирги чизигидан йироқларда балиқчиларнинг қачонлардир қудратли бўлган флотилиясининг занг босган қолдиқларини, вайронага айланган балиқчилар посёлкаларини учратиш мумкин. Бузкўл, Олтинкўл, Қаратма кўрфазлари йўқолди. Акпетки архипелаги қуруқлик билан қўшилиб кетди. Улар кетидан яйловлар ва ўтлоқлар йўқолиб бормоқда. Худуд ботқоққа айланмоқда. Сувнинг тобора тақчиллашиб бораётганлиги ва сифати ёмонлашаётганлиги тупроқ ва ўсимлик қатламининг бузилишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида ўзгаришлар юз беришига, шунингдек, суғорма деҳқончилик самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён туфайли Оролбўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши халқаро экспертлар томонидан экологик фожиа сифатида баҳоланмоқда.

“Орол фожиасини 70-йилларнинг бошларида, жуда кечи билан 80-йилларнинг бошларида, денгизнинг сатҳи унчалик пасаймаган бир пайтда идора қилиш мум-

кин эди, деб ҳисоблайди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. — Ҳозирги вақтда уни бошқариш жуда мураккаб бўлиб қолди. Кейинчалик эса бу жараён яна ҳам мушкуллашади ёки умуман бошқариб бўлмайдиган ҳолга келади”.

Орол бўйида денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, глобал аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди.

“Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чулға айланиши билан боғлиқ экологик фожиа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду алаmidир.

Сув захиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг кўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади”, — деб ҳисоблайди Ислом Каримов.

Ўзбекистон Президенти Орол муаммосини биргалашиб ҳал қилишнинг асосий ташаббускорларидан бири бўлди. 1993 йил март ойида Қизилўрдада Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида Битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи — Ижроия Қўмитаси, шунингдек Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида “Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч — беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури” тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошқовузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Ўрта Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида Алматида бўлиб ўтган учрашувда Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди ва Оролни қутқариш Халқаро фонди-

нинг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Оролбўйи минтақасидаги экологик вазиятни яхшилаш учун мустақил чоралар кўрмоқда. Чунончи, охириги беш йил ичида Орол денгизи соҳилининг Ўзбекистонга қарашли қисмида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 70 минг гектарлик яшил майдон барпо этилди. Оролбўйи минтақасининг Ўзбекистонга қарашли қисмида аҳоли турмуш шароити яхшиланди. Масалан, Қорақалпоғистон аҳолисини табиий газ билан таъминлаш 86 фоизни, ичимлик сув билан таъминлаш эса 60 фоизни ташкил қилди. Бу эса Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан олдинги даврдагига қараганда уч барабар кўпдир. “Лекин, ҳали бу борадаги ишларни қониқарли деб бўлмайди, — деди Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов. — Орол муаммоси сақланар экан, нафақат Қорақалпоғистон, бутун Ўзбекистон ҳудудида ҳам ҳаётнинг барча-барча жабҳалари ва жараёнлари тараққиётини таъминлаш масалаларида бу фожианинг таъсирини ҳар қадамда сезиб турамиз”. Республикада экологик вазиятни яхшилаш учун ерларнинг чўлга айланишига қарши кураш дастурини амалга оширишга киришилди.

1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Ўрта Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлар Оролни қутқариш чора-тадбирларининг самарадорлигини ошириш учун Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Декларациясини қабул қилдилар. Декларация қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимига ўтишга, сув ресурсларидан фойдаланишнинг тежамли усуллариини ишлаб чиқиш, суғоришда ва атроф муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини оширишга, шунингдек минтақанинг табиий ресурсларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштиришга амал қилган ҳолда минтақани барқарор ривожлантириш қоидаларига қатъий содиқ бўлишни назарда тутди.

“Глобал экологик фонд” агентлигининг раҳбари Рим Гиниятуллин 2000 йил февралда Тошкентда сўзга чиқиб, агар минтақадаги давлатлар Оролни тиклашга қаратилган ўз ҳаракатларини мувофиқлаштирсалар, денгизни ҳали ҳам сақлаб қолиш мумкин, деди. Бу агентлик Жаҳон банкининг шўба тузилмаси бўлиб, Оролни тиклаш дастурига ҳомийлик қилади. ЖБ лойиҳаси 1997 йилда амалга оширила бошлаган ва у 2002 йил декабригача мўлжалланган. Лойиҳанинг қиймати 22,1 млн доллар бўлиб, шунинг 26 фоизга яқинини лойиҳада қатнашувчи мамлакатлар тўлаши керак.

Бироқ, Р. Гиниятуллин сўзларига қараганда, масаланинг мураккаблиги шундаки, Ўрта Осиёдаги бешта мамлакатнинг ҳар бири сувга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш масалаларида ўз фикрига эга бўлиб, улар “баъзан ҳеч ён бермайдилар”. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун ЖБ ва “Глобал экологик фонд” сувдан фойдаланишнинг муштарак минтақавий моделлари ишлаб чиқилишига эришишни мўлжалламоқда. Лойиҳани амалга ошириш жараёнида музликлар, сув омборлари мониторинг қилинади, тўғонлар таъмирланади, дренаж сувлардан фойдаланиб ўрмонзорлар барпо этилади, минтақадаги беш мамлакатнинг ҳаммасида сув сарфини ва исроф бўлишини камайтириш тадбирлари ўтказилади.

“Глобал экологик фонд” агентлиги бошлиғи маълум қилишича, Орол минтақасининг 35 миллионли аҳолиси ҳар йили 110—120 млрд куб метр сув истеъмол қилмоқда. Бу, масалан, Яқин Шарқ мамлакатларидагидан бир неча баробар кўпдир. Айни вақтда Ўрта Осиё ирригация тизимининг фойдали иш коэффициенти паст, чунки ҳар ўн литр сувнинг олти литри йўқотилмоқда. Минтақадаги деярли 300 та сув омбори тўғонларининг 70 фоизга яқини авария ҳолатида.

ДИННИНГ ВАЗИФАСИ — ХАЛҚЛАРНИ ЭЪТИҚОД ВА ЭЗГУЛИК АСОСИДА БИРЛАШТИРИШДИР

Ислом Каримов Президентлик қасамёдини қабул қилаётган вақтида унги қўлини бир йўла ҳам Ўзбекистон Конституциясига, ҳам мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръони каримга қўйиб турганлиги Ўзбекистон давлатининг раҳбари ислом динига ҳурмат билан муносабатда бўлаётганлигининг ишончли далилидир. Жаноб Каримов бугунги кунда дин инсон қалбини ёлғон ва мунофиқликдан тозалаш билан бирга юксак маънавий негизлар ҳамда ахлоқий фазилатларни тиклашга ёрдам беришини қайта-қайта айтган эди. “Биз, — деди жаноб Каримов, — ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсани вайрон қиладиган ва нодон даҳрийлик муҳотида дин қадриятларини билмай тарбияланганмиз. Менинг тушунишимча, ислом демократик дин бўлиб, сабр-бардошли бўлишни, маънавийликни, инсонга муҳаббатни, софликни тарғиб қилади. Тақводор киши муайян ахлоқий чегаралардан ташқарига чиқмайди. Хуллас, дин барча миллатлардаги ҳар бир инсон учун муқаддас қадриятдир. Шу жиҳатдан қараганда, ислом, агар уни бузиб талқин этишмаса, оддий, тушунарли диндир”.

Ислом Каримовнинг динга оқилона ва анча вазмин муносабатда бўлиши Ўзбекистон аҳолисининг мутлақ кўпчилигида самимий ҳурмат ҳиссини уйғотмоқда. Каримов, бир томондан, ҳар қандай оқимга мансуб диний экстремизмни маънавий ва сиёсий тоталитаризмнинг бир кўриниши сифатида қабул қилмаслигини билдирса, иккинчи томондан, исломнинг ахлоқий, маданий ва маърифий фаолиятини бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқда. Каримов Президентликка сайланганидан кейин ўзбек жамиятининг маънавий негизларини ку-

чайтиришга қаратилган диний амаллар давлат томонидан маъқулланмоқда. Каримовнинг фикрича, бугунги Ўзбекистонда исломнинг буюк демократик қадрияти аён: бу дин ўзининг маънавий поклиги туфайли янги демократик давр талабларига жавоб беради. Ислоннинг кундалик ҳаёт билан чамбарчас алоқаси унга ҳар бир одамнинг ўзлигини танишига таъсир кўрсатиш имконини беради, инсонда одамларнинг умумий биродарлигига мансублик ҳиссини тарбиялайди. Ислон маданияти бойлар ва камбағалларнинг, ҳокимият эгалари билан тобеинларнинг тенглигидан таълим беради. Ислон фуқаролик жамиятининг демократик ҳодисаси сифатида давлатнинг ҳақиқатни ёлғиз мен биламан дейишига йўл қўймайди.

Президент Ислон Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” деган китобида динга муносабатини етарли даражада аниқ ифодалаб берди: “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун, байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”. Ўзбекистон Президенти ўз интервьюларидан бирида: “Бу масалани ҳал қилишдаги бизнинг нуқтаи назаримиз равшан ва қатъий: дин диний ишлар билан, давлат эса — давлат ишлари билан машғул бўлиши керак”.

Ҳолбуки, жаноб Каримовнинг динга анча вазмин ёндашуви диний экстремистларга очиқдан-очиқ хуш келмайди. Улар республиканинг ҳозирги Президенти Ўзбекистонни маънавий қайта тиклаш учун қилган ишларини унутиб қўйиб, у исломнинг душмани демоқдалар. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг диний арбоблари диний экстремистларнинг Каримовга қўяётган бундай айблари муглақо ёлғон ва туҳмат эканлигини айтмоқдалар. Ўзбекистон мусулмонлари Диний бошқармасининг раиси муфти Абдурашид қори Баҳромов турли диний экстремизмни қоралаб бундай деди: “Экстремистлар террор йўли билан ҳокимиятни босиб олмоқчилар, зўрлик иш-

латиб ёки ташвиқот билан ёшларни ўз сафларига жалб этмоқдалар, аммо биз мусулмонлар, диний арбоблар бунга йўл қўймаймиз, чунки биз Ватанимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорлик бўлишини истаймиз”.

А. Баҳромов: “Биз мустақиллик берган виждон эркинлигини, диний эркинликни сақлаб қола билишимиз, Ватанимиз ва эътиқодимизни динимизга ёт бўлган турли оқимлардан ва ақидапарастликдан, уларнинг сохта ғояларидан ҳимоя қилишимиз, уларга қарши муросасиз кураш олиб боришимиз керак”, деди.

Муфти Абдурашид қори Баҳромов қўшимча қилиб айтганидек: “Мустақиллик динимизни ва миллий қадриятларимизни қайта тиклаш имконини берди. Мусулмон маданиятининг ёдгорликлари, минг йиллик тарихга эга бўлган, ўзининг асрлар оша бизгача сақланиб келган нурлари билан оламини мунаввар қилаётган масжид ва мадрасалар диндорларга қайтариб берилди. Буюк аждодаларимизнинг тарихий мероси қайта тикланмоқда; энди биз миллий қадриятларимизнинг асоси бўлган ислом таълимотидан эркин фойдалана оламиз”. Жаноб Баҳромов яна айтдики, “Ҳукумат раҳбарлари ва шахсан Президент Ислам Каримов мусулмонларнинг диний байрамларини юқори савияда ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб бермоқдалар. Масалан, ҳажга бораётган мусулмонлар учун ҳамма шароит ва қулайликлар яратиб берилаётганлиги, шунингдек диний байрамлар дам олиш куни деб эълон қилинганлиги мамлакат мусулмонларига нисбатан оталарча ғамхўрлик намуналаридир”.

Каримов қилаётган ишларни кўриб, унинг фуқароларнинг диний маданиятини ошириш борасидаги жонбозлигига тан берасан. Президент аҳолисининг 82 фоизи исломга эътиқод қилувчи Ўзбекистонда ёшлар ўз динларининг асосларини билмасликлари сабабли уларнинг онги заҳарланмоқда, деб ҳисоблайди. “Ислам ҳеч қачон экстремистик оқимлар томонидан бунчалик жиддий таҳдидга дучор бўлмаган. Шунинг учун биз Тошкентда Ислам университетини очдик”, — деди жаноб Каримов Москвада чиқадиган газеталардан бирининг саволларига берган жавобларида.

Агар Ислам Каримов Президент лавозимига сайлангунга қадар Ўзбекистонда 80 та масжид ва атиги иккита

мусулмонлар диний ўқув юрти бўлган бўлса, 2000 йил 1 мартдаги ҳолат бўйича республикадаги масжидлар сони 5000 тага яқинлашди, диний ўқув юртлар сони эса 11 тага етди. Шулар қаторида 1999 йил сентябрида очилган Тошкент ислом университети (ТИУ) ҳам бор.

Тошкент ислом университети Ўзбекистон Президентининг фармони ва ҳукумат қарорига мувофиқ республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилди. И. Каримов университетни очиш маросимида сўзга чиқиб, бу ўқув юрти “муқаддас ислом динига оид бой маънавий-маданий меросимизни асраб-авайлаш, бу соҳада илмий-назарий тадқиқотлар олиб боришга” хизмат қилиши кераклигини айтди. Ўзбекистон Президентининг сўзларига қараганда, университет “аждодаларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириши” керак. Давлат бошлиғи диний билимларни яхши билмаслик, “ёшлар орасида адашишларга ва фожиали оқибатларга” олиб келаятиганини алоҳида таъкидлади.

ТИУ таркибида иккита факультет очилган бўлиб, биринчиси — тарих ва фалсафа, иккинчиси — фикҳ, иқтисодиёт ва табиий фанлар факультетидир. Олий ўқув юрти қошида исломшунослик илмий-тадқиқот маркази ва академик лицей ташкил қилинган. ТИУ дунёвий университетдир. Бу ерда ислом ҳам, бошқа динлар ҳам чуқур ўрғанилади. Дарвоқе, Тошкентда Ислом университетидан ташқари яна иккита семинария — православ ва протестант семинариялари ишлаб турибди.

Университетни ривожлантириш жамғармаси ҳам ташкил этилган. Молиялашнинг асосий манбалари давлат грантлари, пулли-контракт асосида олинган маблағлар, ҳомийлар мададидан иборат. ТИУ фаолияти Ўзбекистон Диний бошқармаси билан яқиндан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Россия Президенти Владимир Путин Ўзбекистонга ташрифи вақтида 2000 йил 19 майда И. Каримов таклифига мувофиқ ТИУга борди. Ўзбекистон раҳбари Россия давлати бошлиғини университетнинг ўқув дастурлари билан таништирди, шундан кейин профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан суҳбат бўлиб ўтди. Университетга борганларида И. Каримов В. Путинга Қуръоннинг мах-

сус нашр этилган нусхасини совға қилди. Бунга жавобан Россия Президенти анъанавий ислом марказлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта аҳамият бераётганлигини айтди. Унинг фикрича, ислом маданиятини ўрганиш диний экстремизм тарқалишига қаршилиқ кўрсатиш учун зарур. Кўпинча, деди В. Путин, экстремистлар айнан ислом ғоялари билан ниқобланмоқдалар.

Ислом Каримов шарофати билан мусулмонларнинг диний байрамлари Рамазон ҳайити ва Қурбон ҳайити Ўзбекистонда давлат томонидан тан олинди. Биринчи марта ҳозирги ўзбек тилида мусулмонларнинг муқаддас китоби — Қуръони карим ва Имом ал-Бухорий тўплаган тўрт жилдли ҳадислар нашр этилди.

Мустақилликка эришилганидан кейин Ўзбекистон мусулмонларининг Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада ўтказиладиган ҳаж ва умра маросимларида қатнашиши учун ҳамма шароитлар яратилди. Ўзбекистонда ҳажга катта аҳамият берилаётганлиги сабабли Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварага зиёратга борувчиларга ёрдам ташкил қилиш учун республика Вазирлар Маҳкамаси ҳар йили махсус қарор чиқаради. Ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан анча миқдорда пул ажратилади ва ҳар бир вазирлик олдига аниқ вазифалар қўйилади. Хусусан, зиёратчиларга йўл харажатларини қоплаш учун имтиёзли курс бўйича долларлар алмаштириб берилади, Мадина, Макка билан Тошкент ўртасида имтиёзли нархлар бўйича чартер қатновлари амалга оширилади ва ҳ.к. Ўзбекистондан ҳар йили 4000 га яқин зиёратчи ҳаж сафарига боради.

Давлат Ўзбекистон мусулмонларининг бошқа мусулмон мамлакатларидаги диний ташкилотлар ва диндорлар билан алоқаларини ривожлантиришга, шунингдек бу мамлакатларда ислом динининг юқори малакали арбобларини тайёрлашга ёрдам бермоқда. Ўзбекистон “Ислом конференцияси” ташкилотининг аъзосидир.

Диний экстремистларнинг Ислом Каримовни исломни таъқиб қилишда айбашларига жавобан Ўзбекистон Президенти 1999 йил 14 ноябрда “Время МН” газетаси саволларига берган жавобларида бундай деди: “Айтингчи, дунёга буюк ислом файласуф ва мутафаккирларини берган худудда — Ўрта Осиё, Ўзбекистонда бизларга динни ўргатишга на ҳожат? Ҳа, ислом Саудия Арабистонида вужудга келган,

лекин ким уни — динимизни бутун дунёга бундай жозибали кўрсатган, буюк фанга айлантирган? Ҳамма исмларни зикр этиб ўтмайман, мисол учун пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (с.а.в.с) ҳадиси шарифларини тўплаган буюк Имом ал-Бухорийни олинг. Ҳозир унинг мақбараси қаерда? Самарқандда! Ал-Бухорийни бундай чўққига кўтарган ким, бутун ислом дунёсидан неча ўн минглаб кишилар зиёрат қилиб кетадиган мажмуани у ерда бунёд этган ким? Нақшбанд мақбарасини, Ат-Термизий мақбарасини ким ободонлаштирди?.. Мен яна ўнлаб зотларни айтиб ўтишим мумкин! Ўзбекистон ҳукумати динимиздан бутун ўзбек халқи баҳраманд бўлиши учун бор куч-ғайратини сарфламоқда. Шўро ҳокимияти даврида бизга ислом динини тарғиб этишга рухсат беришмаган, лекин у, яна бир бор айтаман, қалбимизда бўлган! Лекин бу ерга келиб, ислом илоҳиётининг илмий асосларини ишлаб чиққан, Қоҳира ва Дамашқда, Бағдод ва Мадинаи мунавварада эътироф этилаётган буюк мутафаккирлар авлодига “соф” исломдан сабоқ бериш мантиқданми?”

Америка Олий ислом кенгаши (АОИК)Бош котиби доктор Ҳадия Мираҳмади АОИК делегацияси билан бирга Ўзбекистонда 2000 йил 9 январда бўлиб ўтган президент сайловини кузатди. У Ўзбекистондан ватанига қайтиб боргач, Америкада чиқадиган “The Muslim” журналида “Ўзбекистонда ислом ренессанси” деган катта мақола эълон қилди. Ҳадия Мираҳмади ўз мақоласида, хусусан, бундай деб ёзди: “Биз мусулмонлар сифатида аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлардан иборат бўлган мамлакатнинг ҳукмрон ҳукумати исломнинг адолат ва қонун стандартларига риоя этаётганига ишонч ҳосил қилишни ўзимизга мақсад қилиб олдик. Биз Ўзбекистонда бу стандартларга амал қилинаётганлигига ҳақиқатан ҳам амин бўлдик”.

Яна: “... АОИК вакиллари Президентни қўллаб-қувватлаб юборилган хат ва телеграммаларнинг кўпчилигини кўриб, ажабландилар. Ажабланишимизга сабаб шуки, АҚШ мусулмонларининг кўпчилиги қатори бизнинг қулоғимизга ҳам Президент Каримовни анчагина ёқимсиз қилиб тасвирлайдиган ташвиқот материалларини роса қуйишган эди. Баъзилар уни айблаб, исломнинг душмани деб аташган ва унинг сиёсатини Туркиядаги мусулмонларни сиқув остига олиш сиёсати билан таққослаш-

ган эди. Шу сабабли биз Президент Ислом Каримов дин соҳасида қилган ишларни ўз кўзимиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишга қарор қилдик. Бунинг учун бизга Самарқанд ва Бухородек муқаддас шаҳарларга бориш имконини беришди. Биз Ўзбекистон аҳолисининг аксарият кўпчилиги Президент Каримовни қўллаб-қувватлаётганлигига ишонч ҳосил қилдик”.

Ҳ. Мираҳмади қуйидагиларни таъкидлайди: “Дастлаб АОИК вакиллари Тошкентда янги Ислом университети-ни бориб кўрдилар. Бу ерда талабалар исломнинг ҳамма томонларини, шу жумладан фикҳ (юриспруденция)ни, Қуръон битилган араб тилини, тафсир (Қуръон шарҳи)-ни, ҳадислар ва уларнинг шарҳини, ҳозирги араб тилини ўрганадилар. Талабалар бу университетни тамомлаганларидан кейин диний фанлар бўйича диплом оладилар ва уларга “Олим” унвони берилди. Университетда қизлар ҳам ўқишади ва илмий даражалар олишади”.

“Шундан кейин, — деб ёзади Ҳадия Мираҳмади, — АОИК вакиллари бутун дунёдан, шу жумладан МДҲ ва Европа мамлакатларидан талабалар қабул қиладиган Тошкент ислом илмгоҳига бордилар. Бу илм даргоҳи ўзининг ўқув қўлланмалари ва анъанавий ислом манбаларидан олинган бошқа босма материалларни нашр этиш имконига эга. Мударрисларнинг ҳаммаси ўзбеклар бўлиб, ҳаммалари мамлакатнинг ўзида олий таълим олишган ёки Ал-Азҳар (Миср) каби машҳур олий ўқув юрғларида, шунингдек Триполи ва Дамашқнинг ислом ўқув даргоҳларида илмий даражаларга эришган... Уни битириб чиқувчилар Тошкент ислом университетида тўрт йиллик ўқишни давом эттириш ва “Олим” унвонини олиш имконига эга. Ушбу икки ислом ўқув юрғининг биттаси ҳам коммунистлар бошқаруви даврида бўлган эмас. Иккаласи ҳам Президент Каримовнинг анъанавий ислом билимларини кенг ёйиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлари самарасидир”.

Мираҳмади сўзларига қараганда, масжид ва мадрасаларнинг кўплиги катта таассурот қолдиради. “Республиканинг бутун ҳудудида минглаб масжид ва мадрасалар қурилаётганлиги Ўзбекистонда ислом ренессансининг энг мафтункор жиҳати бўлса, ажаб эмас”, — дейилади мақолада.

Шундан кейин Ҳ. Мираҳмади И. Каримов Ўзбекистондаги тарихий диний обидаларни таъмирлашга қўшган

ҳиссани таъкидлайди: “Биз Самарқанднинг Регистон майдонига бордик. Президент Каримов минтақанинг охириги кудратли ҳукмдори Амир Темури марказини қайта тиклаш учун ўн минглаб доллар ажратди. Регистон майдонидаги масжид ва мадраса коммунистлар томонидан деярли батамом бузиб ташланган эди. Ҳозир бу ерда жуда катта таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари амалга оширилмоқда, гумбазлар алмаштирилмоқда. Ана шу мақсадда масжид гумбазини, шиплари ва ички қисмини таъмирлаш учун 80 кг дан кўпроқ соф олтин ажратилди. Биз Президент Каримов барпо этган хотира марказларини бориб кўрдик. Булар унинг шариат, тасаввуф ва фикҳ соҳаси билимдонлари бўлган тўққиз нафар ислом мураббийлари номини абадийлаштиришга жуда катта ҳисса қўшганлигини тасдиқлайди. Талабалар ва бутун дунёдан борган меҳмонлар буюк алломаларга эҳтиром юзасидан бу муқаддас жойларга келишади. Утмишда бу хотира жойлари батамом бузилиб кетган эди. Одамлардаги ўз динига ишонч ҳиссини ўлдириш, ислом мероси ва маданиятини йўқ қилиб ташлаш учун шундай қилинган”.

Ҳ. Мираҳмадининг бу мақоласи ислом экстремистларининг гуё Ўзбекистонда исломни сиқувга олиш сиёсати амалга оширилаётганлиги ҳақидаги уйдирмаларини бутунлай рад этади. Аксинча, Ислом Каримов ўз нутқларидан бирида бундай деган эди: “Ўзбекистон мустақиллик сари йўл олар экан, дастлабки кунларданок, ўтмиш маданияти ва қадриятларини тиклаш, ноҳақ жабрланган инсонларнинг муборак номларини юзага чиқариш, миллий онгни ўстириш каби вазифаларни ўз олдимизга олиш мақсад қилиб қўйдик. Динга, диний ташкилотларга кенг йўл очиб берилди. Буюк ҳажга илгари нари борса бешолти киши борарди. Энди ҳар йили минглаб одамлар муқаддас жойларга эмин-эркин зиёратга боришяпти”.

“Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди,— деди Президент.— Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради. Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт-шароитларни яратиб берамиз. Диний расм-русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади”.

“Айни замонда, — деб таъкидлади И. Каримов, — биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмақчимиз: дин ўз йули билан, давлат ўз йули билан. Диний партиялар тузиб, ҳокимият таллашиб юришлар худога ҳам ёқмайди. Ислом дини инсонларни камтарликка, камсуқумликка ундайди. Мусулмон фарзанди кечиримли бўлади. Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... Сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, Худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмон, сен кофир, деб таллашиб юришлар бизга туғри келмайди. Дин пешволарига яна бир илтимосимиз бор. Уламолар сафига турли бақироқлар, куни кеча партбилетни кутариб райкомга югурган, бугун саллани қийшиқ ўраб масжид йўрғалаган бевурд кимсалар адашиб кириб қолмасин. Яхши одам ҳар куни эътиқодини алмаштирмайди. Эътиқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага янгисини кийсанг”.

Жаноб Каримовнинг исломга муносабати унинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга мураса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади. Мен мусулмон мамлакатларининг ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизмни қоралайдилар. Ислом дини инсонни гуноҳлардан фориғ қилишига ишонаман. Ҳар бир киши муқаддас нарсага ишонмоғи керак. Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмоқда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир”.

“Ҳуш бунинг нимаси ёмон? — деди Президент. — Илгари одамлар Қуръон сураларини ёд олишарди-ю, бу китобда баён этилган гапларнинг чуқур маъносини қўпинча тушунишмас эди. Энди ҳар бир киши она тилида ислом динининг моҳиятини ўқиб олиши мумкин”.

“Аммо мен диннинг мутаассиблик мақсадларига, экстремизмга хизмат қилишига бутунлай қаршиман, — деб

таъкидлади И. Каримов. — Мисрда бўлаётган портлашларга, қўшни Тожикистонда рўй берган фожиаларга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки Мисрда ҳам, Тожикистонда ҳам битта мақсад — муқаддас ислом динидан фойдаланиб, ёвуз ниётли кимсалар ва кучлар ўз манфаатларига эришмоқчилар. Мансабпараст ва амалпарастлар одамларнинг динга бўлган ихлоси, муқаддас ишончи, пок умидларидан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланяптилар. Тожикистон мисолида худди шундай ғаразли режалар учун қанча-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрини хазон қилиб, ҳеч кечирилмайдиган қурбонларга олиб келинганини кўриш мумкин”.

“Ҳамиша ҳам бузиш осон, янги уй қуриш анча мураккаб. Шунинг учун ҳам ислом ақидапарастлиги Ўзбекистонга хавф соляптими, — деган саволга: хавф соляпти, деб жавоб қайтариши мумкин. Айниқса, биз эркин демократик давлат қураётган ҳозирги пайтда ҳар қандай шаклдаги ақидапарастлик мақбул эмас деб ҳисоблайман”, — деди И. Каримов.

Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ, дин давлатдан расман ажратилган, лекин жамиятдан ажратилган эмас. Шу сабабли бу ерда жамиятнинг маънавий ҳаёти билан диний расм-русумларни адо этиш ўртасидаги алоқалар уйғун, мувозанатли бўлиши учун ҳамма иш қилинмоқда. Ўзбекистонда улуғ олим ва мутафаккир, Бухоронинг буюк фарзанди Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг “дил ба ёру, даст ба қор”, яъни “Аллоҳ дилингда, қўлинг ишда бўлсин”, деган сўзларини такрорлашни яхши кўрадилар.

Узоқ ўтмишда Бухорони “қуббатул ислом”, яъни “ислом динининг гumbази” ва, уламолар сўзи билан айтганда, “қуввати исломи династ” (ислом динининг қуввати), деб аташган. Бу шаҳар фақат Шарқдагина эмас, балки ҳамма ерда мусулмон оламининг марказларидан бири ҳисобланади. Бухоро Темурийлар даврида айниқса равнақ топди ва дунёнинг энг нуфузли шаҳарларидан бири даражасига кўтарилиб, диний ва дунёвий фанларнинг маркази сифатида шуҳрат қозонди. Табаррук зот Баҳоуддин Нақшбанд фаолияти айнан мана шу йилларда кечган эди.

Мирзо Улуғбек томонидан 1417 йилда Бухорода барпо этилган мадраса пештоқига билимга интилиш ҳар бир

муслим ва муслиманинг муқаддас бурчи эканлиги ёзиб қўйилган.

1992 йилда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Диний ишлар қўмитаси тузилди. Шунга қадар собиқ СССРнинг ҳамма республикалари қатори Ўзбекистонда ҳам республика Министрлар Совети ҳузурида дин масалалари билан шуғулланадиган бўлим булар эди. 1992 йилда вазият янада нуфузлироқ ташкилот тузишни, бу ташкилот мамлакат диний ҳаётининг ҳамма масалалари билан шуғулланишини талаб қилди. Ўша вақтда қўшни Тожикистонда фуқаролар уруши бошланган эди. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатдаги диний вазиятни назорат қилиш учун чоралар куриш кераклигини жуда яхши тушунар эди. Ана ушанда қўмита тузилди. Бу қўмита, аслида, диний ташкилотлар билан давлат идоралари ўртасида воситачидир. У мамлакатда диний муносабатларни тартибга солувчи қонунларга диний ташкилотлар ҳам, давлат ҳам оғишмай риоя этишини кузатиб боради. Бу соҳадаги ҳамма масалалар, чунончи, турли конфессияларнинг диний ташкилотларини тузиш, улар фаолиятини кузатиб бориш, шунингдек, маслаҳат, эксперт ва воситачилик вазифалари ҳам мазкур қўмита ваколатларига киради. У Ўзбекистонга чет элдан келтирилаётган, шунингдек республикада нашр этилаётган диний адабиётни экспертиза қилади. Бундан ташқари, агар диний ташкилотлардан бiron-бир давлат идораси устидан шикоят тушгудек бўлса, Диний ишлар қўмитаси масалани ҳал қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон маъмурлари қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, ҳамма диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилмоқда. Давлат уларнинг мусулмонларнинг ҳам, христианларнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам хориждаги диний зиёратгоҳларига боришлари учун моддий ёрдам кўрсатмоқда ва баъзи имтиёزلарни бермоқда. 2000 йилда Исо таваллудининг 2000 йиллиги нишонланди. Республика ҳукумати Қуддусга ва бошқа христиан зиёратгоҳларига сафар қилмоқчи бўлган Ўзбекистон христианларига ёрдам бериш учун махсус дастур қабул қилди. Ушбу масалани ўрганиш учун Ўзбекистон Диний ишлар қўмитаси вакиллари 1999 йил апрелида атайлаб Исроилга бориб келдилар, ҳамма йўналишларни кўздан

кечирдилар ва Исо таваллудининг 2000 йиллигини байрам қилиш дастури билан танишдилар.

Улар қайтиб келганларидан кейин Диний ишлар қўмитасида барча конфессияларнинг раҳбарлари, шу жумладан Рус православ черкови вакиллари ҳам тупланди. Христиан конфессияларининг раҳбарлари байрам тантанали юришларининг йўналишлари, Қуддусда яшаш шарт-шароитлари билан таништирилди ва ҳамма конфессиялар ягона тadbирлар режасини ишлаб чиқдилар. Етарли маблағга эга бўлганларнинг ҳаммаси учун Ўзбекистондан Исроилга бориш ва у ердан қайтиб келишга махсус рейслар ташкил қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳукумати ҳажга боровчи мусулмон зиёратчиларига қандай молиявий ёрдам ва имтиёзлар бераётган бўлса, христиан зиёратчиларига ҳам шундай ёрдам ва имтиёзлар бермоқда. Айни вақтда Ўзбекистонда ҳам Рус православ черкови ва бошқа диний мазҳаблар иштирокида катта байрам тadbирлари бўлиб ўтди. Шунини айтиб ўтиш керакки, Россиянинг муқаддас жойларини зиёрат қилиш учун бораётган Ўзбекистон фуқаролари ҳам ҳаж зиёратчилари каби ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлишмоқда: уларга имтиёзли курс бўйича валюта алмаштириб берилади, имтиёзли йўл чипталари берилади ва ҳ.к.

Ҳозир Ўзбекистон маъмурлари билан Рус православ черкови ўртасида анча дўстона муносабат вужудга келган. Минтақадаги русийзабон аҳолининг қўлчилиги республикада истиқомат қилмоқда. Ўзбекистонда яшаётган русларнинг ўзи 1 млн 200 минг нафар.

2000 йил 1 февралда Тошкентда Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг 60 ёшлиги тантанали нишонланди. Шу куни Ўзбекистон Президенти архиепископ Владимирни “жамиятни маънавий янгилашга, мамлакатда дўстлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун” “Дўстлик” ордени билан муқофотлаш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Тошкент ва Ўрта Осиё кафедрасига бузруг Владимир 1991 йилда тайинланган эди. Шу йиллар ичида епархия жомалари 56 тадан 100 тага етди. Ҳозир Тошкентда Рус православ черковининг диний-маъмурий маркази қурилиши тугалланмоқда.

Ўзбекистонда динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқлари ва руҳонийларнинг мақоми билан боғлиқ барча маса-

лалар қонун билан ҳал қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида бундай дейилган: “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”. Янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга ҳам ана шу қоида асос қилиб олинган бўлиб, у кенг доирадаги ҳуқуқий кафолатларни назарда тутди.

Конституцияга мувофиқ дунёвий бўлган Ўзбекистон давлати динга эътиқод қилувчилар билан ўзаро муносабатларда қўйидаги қоидаларга амал қилмоқда:

— диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
— диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

— диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

— маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;

— диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.

Охирги қоида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг ҳур фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: “Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқни сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин”.

Шу сабабли Ўзбекистон раҳбарияти дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилишини ёқламоқда. Республикада ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва

қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йул қўйилмайди. Чунки бу ҳол давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатардир.

1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун 1998 йил майда янгиланди ва янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонунга киритилган тузатиш ва қўшимчаларнинг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат. Биринчидан, диний ташкилот камида 100 кишининг ташаббуси билан тузилиши мумкин. Илгари қонун диний ташкилотни 10 кишидан иборат гуруҳ ташаббуси билан рўйхатга олишга рухсат берар эди. Шу билан бирга, Ўзбекистон фуқаролари булмаган шахслар ҳам бу ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин эди. Янги қонунга мувофиқ эса ташаббускор гуруҳ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган, 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида яшайдиган 100 нафар одамдан иборат бўлиши керак. Улар ўз жамоаларини тузиш ва республика Адлия вазирлигига мурожаат қилиб, ўзларининг диний ташкилотларини рўйхатга олишни сўраш ҳуқуқига эгалар.

Иккинчидан, тегишли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқароларигина диний ташкилотларнинг раҳбари бўлишлари мумкин, ваҳоланки, илгари бундай ташкилотларга баъзан тасодифий кишилар раҳбарлик қилишар эди.

Учинчидан, олий ва ўрта диний ўқув юртларига фақат мажбурий ўрта маълумот олган фуқароларгина қабул қилинади.

Тўртинчидан, бир конфессия вакилларини бошқа конфессияга тарғиб қилиб ўтказишга қаратилган ҳаракатлар (прозелетизм) тақиқланади.

Бешинчидан, қонунда “диний экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ғояларини ташувчи босма нашрлар, кино-, фото-, аудиомаҳсулотни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб боради”.

Ўзбекистонда миссионерлик фаолияти қонун билан тақиқлаб қўйилган. Бу эса республиканинг Қирғизистон жанубида вужудга келган хатарли ҳолатдан қутулиб қолишига имкон берди. Ҳозир Қирғизистон жанубида протестант эмиссарлар мусулмон қирғизларни инжилга эътиқод қилишга тарғиб қилмоқдалар. Бунга жавобан мусулмон диний ташкилотлар протестант динини қабул

қилаётган мусулмон қирғизларни диндан қайтганлар ва сотқинлар деб атаб, уларни жисмонан йуқ қилиб ташлаш билан таҳдид қилмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ, протестант динига ўтган кўпгина мусулмон қирғизлар шафқатсиз жазоланмоқдалар. Шу муносабат билан Қирғизистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари республика жанубида турли мамлакатлардан келган диний эмиссарларнинг фаоллашуви туфайли динлар ва миллатлар ўртасида кескин вазият вужудга келганлигини ҳамда у ҳар дақиқада назорат остидан чиқиб кетиши мумкинлигини очиқ айтмоқдалар.

Ўзбекистон раҳбарияти республикада 130 дан ортиқ миллат ва 15 дин, турли йўналишдаги 200 га яқин черков мавжуд деб ҳисоблайди. Агар ҳар бир миссионер тортишаверса, фалокат юз бериши тайин.

Баъзи халқаро ташкилотларнинг, хусусан ЕХХТ экспертлари Ўзбекистон қонунлари динга нисбатан жуда ҳам шафқатсиз деб айб қўймоқдалар. Улар диний ташкилотларнинг вакиллари Ўзбекистон парламентининг депутатлари бўла олмасликларидан норозилар. Дарвоқе, Озарбайжонда ҳам дин арбоблари парламентга ва раҳбарлик лавозимларига сайланиши мумкин эмас. Озарбайжонда қонунлар динга нисбатан Ўзбекистондагига қараганда шафқатсизроқ. Лекин негадир Эрондан бошқа битта ҳам давлат, битта ҳам халқаро ташкилот бунинг учун Озарбайжонни танқид қилмайди.

Қизиғи шундаки, халқаро ташкилотлар, аввало ЕХХТнинг ўзбек маъмурларига мурожаатларига қараб фикр қилинадиган бўлса, ислом экстремизми уларни кўп ташвишлантирмайди ёки мутлақо ташвишга солмайди. Уларни негадир динимиз давлат идоралари билан алоқага киришишга йўл қўймайди деган баҳона билан рўйхатдан ўтишни хоҳламаётган баптистлар ташвишга солмоқда. Айрим халқаро экспертлар онда-сонда диний ташкилотлар рўйхатдан ўтмаётганлигидан безовта бўладилар-у, аммо, афсуски, ислом эстремистлари туғдираётган реал хавфдан унчалик хавотирга тушмайдилар. Афтидан, уларнинг ўз мамлакатлари узоқда эканлиги, хавф бизга таҳдид солмайди деб ўйлаётганлиги туфайли шундай бўлаётир. Лекин бундай хотиржамлик алдаб қўяди. Ҳозир дунёнинг ҳамма минтақалари давлатлари бир-бири билан

шу қадар чамбарчас боғлиқки, масалан, Осиё қитъасидаги бирон-бир узоқ давлатда юз берган ҳар қандай танглик дарҳол Европанинг тинч-тотув ҳаётига таъсир кўраши мумкин.

Парламентга сайлов масаласига келсак, Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ дин арбоблари Олий Мажлис депутатлари бўла олмайдилар. Агар уларга республика парламентида сайланишга рухсат берилса, уларнинг қонунчилик жараёнида қатнашишларига йул қўйилса, унда динни давлатдан ажратишда қандай маъно бор.

Ўзбекистонда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинганлиги муносабати билан 1998 йил 1 майдан бошлаб диний ташкилотлар қайтадан рўйхатга олинмоқда. 2000 йил 1 мартга қадар мамлакатда республикадаги 15 диний конфессиянинг 1832 та диний ташкилоти расман рўйхатга олинди. Шулардан 1664 таси мусулмон ташкилотлари: битта ислом маркази, 1652 та мусулмон диний ташкилоти ва 11 та ислом ўқув юрти. Рус православ черкови битта марказ, 28 та ташкилот, битта ўқув юрти, битта эркалар ва иккита аёллар монастирига эга. Шу билан бирга рус православ черковлари Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида жойлашган. Тулиқ Инжил христианлари Черкови битта диний марказ ва 25 ташкилотга, Инжил христиан-баптистлари Черкови битта марказ ва 22 ташкилотга, Еттинчи куни Адвентистлари Черкови 10 та диний ташкилотга, Инжил-лютеран черкови тўртта ташкилотга, Рим-католик черкови битта диний марказ ва иккита ташкилотга, Арман апостол черкови битта диний ташкилотга, корейс протестант черковлари 47 ташкилотга, Баҳойлар жамоалари бешта, яҳудий диний жамоалари саккизта, Кришна Онги Жамияти иккита, “Иегов шоҳидлари” черкови иккита, Янги апостол черкови тўртта ташкилотга, Ўзбекистон Библия жамияти эса битта диний марказга эга. Уларнинг ҳаммаси мустақил юридик шахслар сифатида республика ижтимоий ҳаётида қатнашиш, диний адабиёт нашр этиш, зарур мутахассисларни тайёрлаш, муқаддас жойларни зиёрат қилишни ташкил этиш ва бошқа ҳуқуқларга эга.

Собиқ СССРда ҳукмрон коммунистик партия динни, хусусан исломни, ўзининг мафкуравий душмани деб

ҳисоблар эди. Ун минглаб руҳонийлар қатағон қилинди. Минглаб масжид ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг қўпчилиги бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Собиқ СССР, шу жумладан Ўзбекистон мусулмонлари 90-йилларнинг ўрталарига қадар она тилларида Қуръони каримдан баҳраманд бўла олмаган эдилар. Исломиё маърифат тақиқлаб қўйилган собиқ Иттифоқнинг мусулмон республикаларида билимдон ислом мураббийлари камайиб кетган эди. Натижада маънавият ва маърифат ўрнини маълум даражада жаҳолат эгаллади. Одамлар шариат қонунлари ҳақидаги фан тўғрисида, Қуръони карим қоидаларини шарҳлаш ҳақидаги фан — тафсир тўғрисида, Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти ва буйруқлари мужассами бўлган ҳадислар ҳақида ҳатто умумий тасаввурга эга бўлиш имконидан ҳам маҳрум қилинди. Исломи дини ва мусулмончилик ақидалари нима деган саволга тушунарли жавоб бера оладиган одамлар кам эди. Буларнинг ҳаммаси турли-туман реакция хурофотлар авж олишига олиб келди.

Ана шундай шароитда Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўз таъсирини мустаҳкамлаб олишга уринаётган кучлар ўзбек халқининг характерини ҳисобга олиб, ўз қилмишларини ислом омилидан курашнинг бутун дунёда синалган усули сифатида ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга қаратдилар. Бу кучлар гўё соф ғоялар билан ниқобланиб олиб, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга ҳаракат қилмоқдалар, масалан, “Ислом уйғониш партияси”, “Хизбуллоҳ” партияси, “Хизб ат-таҳрир ал исломий” деган дабдабали номлар остида партиялар ва ташкилотлар тузиб, мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаш ва ягона жуғрофий маконда — Фарғона водийсида ислом давлати барпо этишга, ислом асосчиси Муҳаммад пайғамбар замонида мавжуд бўлган халифаликни қайта тиклашга уринмоқдалар.

Шу муносабат билан айтиш керакки, бу экстремистик кучлар сиёсий партиялар тузиш билан ўзлари исломга зид иш қилмоқдалар, чунки мусулмон дини сиёсий партиялар тузишни тақиқлайди. Муқаддас Қуръони каримда, “Оли Имрон” сурасининг 103-оятда бундай дейилган: “... ва барчангиз Оллоҳнинг арқонига (Қуръонга) боғлангиз ва бўлинмангиз”. Ўз олдига сиёсий мақсадлар

қўядиган ва диндаги маълум бир йўналишни бузиб талқин қилишга таянадиган диний ҳаракат экстремизмга олиб боради. Диний экстремизм, қандай аталмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, қуролли йўл билан ҳокимиятни қўлга киритишни асосий мақсад қилиб олади.

Шу муносабат билан диний саводхонлик мустақил Ўзбекистон олдида турган муаммолардан биридир. Чунки ўзи динга эътиқод қилса-да, лекин исломнинг маърифат ҳақидаги асосий қоидаларини билмайдиган, ислом таълимотининг мазмунини тасаввур қила олмайдиган одам экстремистик ислом оқимлари таъсирига осонгина тушиб қолади. Мана шундай маърифат, ислом тарихини билиш ёшлар учун айниқса муҳимдир. Шекспир: “Жаҳолат — катта куч, у дунёни вайрон қилиши мумкин!” — деганида тамомила ҳақли эди.

Энг хатарлиси шундаки, сўнгги вақтларда ислом баъзи экстремистик кучлар қўлида ҳокимият учун сиёсий кураш қуролига айланиб қолмоқда. Иқтисодий ислоҳ қилишда муқаррар юз берадиган камчиликлар, жамиятнинг табақалашувидан иборат объектив жараён аҳолининг бир қисмини шўроларча текисчиликка — утопик тенгликка ва бойлик ҳамда зеб-зийнатларга қарши сохта курашга ундамоқда. Ана шундай шароитда ваҳҳобийлик сингари ўта экстремистик диний оқимлар ғояларининг алдамчи жозибadorлиги ўзини кўрсатмоқда.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, Афғонистон ва Тожикистонда илдиз отган диний экстремистик гуруҳлар ва уларнинг ғоялари сўнгги йилларда Ўзбекистонга ҳам кириб кела бошлади. Ёш республикага ўз таъсирини ёйишга ҳаракат қилаётган ана шундай гуруҳлардан бири ғоят сиёсийлашган норасмий ташкилот “Хизб ат-таҳрир ал-исломий”дир. Бу ўта радикал ташкилотнинг раҳбарлари Фарбий Европа мамлакатларида бемалол яшаб юришибди, унинг фаоллари эса Яқин ва Ўрта Шарқнинг бир қанча мамлакатларида иш олиб бормоқда. “Хизб ат-таҳрир ал-исломий” ташкилотининг асосий хавфи шундаки, унинг фаоллари ёшларни тарбиялаш жараёнида пайдо бўлган бўшлиқдан фойдаланиб, мафкура соҳасида ўз ёвуз ишларини амалга оширмоқдалар.

Шу ўринда Ислом Каримов “Тафаккур” журнали саволларига жавобларида айтган сўзларга қўшилмасликнинг

иложи йўқ: “Бугунги кунда одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида — бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жонз бўлса, айтиш мумкинки, **бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга.** Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин”. “Бугунги кунда ғояни, фикрни тақиб билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. **Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин**”, — деб ҳисоблайди жаноб Каримов.

“Хизб ат-таҳрир ал-исломий” ташкилотининг асосий мақсадлари куйидагилардан иборат: ўз мафкурасини ёйиш йўли билан миллатлараро ва динлараро можароларни келтириб чиқариш; мамлакатга қурол-яроғ ва наркотик моддалар олиб киришни ташкил этиш; барқарор мамлакатда фуқаролар урушини келтириб чиқариш; унинг иқтисодиётини издан чиқариш; охир-оқибатда мавжуд конституциявий тузумни ағдариб ташлаш ва ҳокимиятни босиб олиш. Шу сабабли кўлгина давлатлар ҳукуматлари, жумладан Ўзбекистон ҳукумати ҳам сиёсийлашган диний оқимларга қарши қатъий кураш олиб бормоқда.

Ўзбекистонда ислом радикалиزمи тарихи асосан 80-йилларнинг охирларида бошланган. Уша вақтда диний экстремистлар Фарғона водийсида ўз фаолиятларини кучайтирдилар. Хусусан, Андижон ва Наманганда масжидлар қошида ўзларини Абдал-Ваҳҳоб издошлари деб эълон қилган диний марказлар ишлаш бошлади.

Ваҳҳобийлик диний ва ижтимоий-сиёсий оқим сифатида XVIII асрда Арабистонда пайдо бўлган. У ўз асосчиси — 1703 ёки 1704 йилда Аяйнда руҳоний оиласида таваллуд топган Муҳаммад ибн Абдал-Ваҳҳоб номи билан аталган. Дастлабки ваҳҳобийлик солномалари XVIII

асрнинг 30-йилларига тааллуқли эди. Бу вақтда Басрада бўлган ибн Абдал-Ваҳҳоб мусулмонларга мурожаат қилиб, уларни исломда “ҳақиқий яккахудолик” меъёрларига қайтишга чақирган. Бу диний оқим исломни ривожлантиришда Яқин ва Ўрта Шарқ, шу жумладан ўша давр Марказий Арабистон ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг конкрет шароитларига мослаштирилган муайян йўлни ифода этар эди.

Муҳаммад Абд ал-Ваҳҳоб яшаган даврда Арабистонда исломнинг хилма-хил оқимлари: хонбалийлар, турли мазҳабдаги эътиқодли суннийлар, зайдчилар, шиалар ва ибодийлар мавжуд эди, авлиёларга сиғиниш кенг ёйилган эди. Ҳатто мусулмончиликдан олдинги диний эътиқод ва ибодатлар: қуёшга топиниш, аждодлар руҳига сиғиниш ва шу қабилар ҳам сақланиб қолган эди. Ваҳҳобийлар ақидапарастлигининг асоси яккахудоликдан ҳамда авлиёларга сиғинишни қоралашдан иборат бўлган. Исломни поклаш учун Абд ал-Ваҳҳоб уни пайдо бўлганидан кейинги дастлабки уч аср мобайнидаги шаклига қайтаришни таклиф қилди. Ваҳҳобийларнинг диний таълимоти баъзан бемаънилик даражасига етар эди: улар “фақат Аллоҳга қурбон қилиш мумкин, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан нажот тилаш мумкин эмас. Аллоҳдан ўзга ҳеч кимдан ҳимоя сўраш мумкин эмас. Фаришталар, пайғамбарлар, тақводорлар, авлиёлар мусулмонларнинг гуноҳлари учун Аллоҳ қаршисида ҳомий бўла олмайдилар. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким олдида қасам ичиш мумкин эмас. Пайғамбар саҳобалари ва авлиёларни ҳаддан ташқари иззат-икром қилиш мумкин эмас. Қабрлар устига масжидлар қуриш мумкин эмас. Қабрларни ортиқча обод қилиш ва мақбараларни саждагоҳга айлантириш мумкин эмас” дер эдилар.

Ваҳҳобийларнинг ислом асосчиси Муҳаммад пайғамбарга муносабати ҳам ўзгача эди. Улар Муҳаммад пайғамбарлик қилиши учун Аллоҳ танлаб олган оддий инсон деб ҳисоблар эдилар. Ваҳҳобийларнинг фикрича, уни илоҳийлаштириш мумкин эмас, унинг қабрига сиғиниш керак эмас. Муҳаммад номи билан боғлиқ жойларни ҳам, ваҳҳобийлар даъвосича, саждагоҳга айлантириш мумкин эмас экан.

Ваҳҳобийлар фикрига қараганда, исломнинг манбаи фақат Қуръон ва суннатдир. Улар суннийлик диний мак-

табларининг асосчилари чаҳорёрларни тан олишга чақирар, лекин шундан кейинги барча авлодларга мансуб бўлган уламолар назарияси ва амалиётини амалда рад этар эдилар. Шундай қилиб, ваҳҳобийлик ислом дини ичида барча “янгиликларни” инкор этувчи ўта мурасасизлик йўлини қайта тиклади, Қуръонга ва “бузилмаган” суннатга қайтди. Шу сабабли ваҳҳобийларни ашаддий ақилапарастлар деб ҳисоблаш керак. Уларнинг ўзлари ҳам, кўпчилик тадқиқотчилар ҳам шу фикрда.

Абд ал-Ваҳҳоб ўз таълимотини ёйиш учун таниқли сиёсий арбоблар ва саркардалар билан алоқа ўрнатди, улар эса, ўз навбатида, ваҳҳобийликдан ўзларининг бошқинчилик мақсадларида фойдалана бошладилар.

Абд ал-Ваҳҳоб ўз издошлари ва тарафдорларини таълимот ақидалари билан таништирар ва уларга “кофирларга” қарши жиҳод қилиш зарурлигини сингдирар эди. Бунинг натижасида ваҳҳобийлик диний чегаралардан анча чиқиб кетди ва ҳарбий-сиёсий хусусият касб этиб, бошқинчилик урушлари байроғига айланди. Ваҳҳобийлар аҳоли яшайдиган манзилларни босиб олган вақтларида мақбараларни ва қабр тошларини бузиб ташлар, мухолиф уламоларнинг китобларини ёқиб юборар эдилар. Шу сабабли ваҳҳобийлик ислом оламида қаттиқ қаршиликка учраган, Абд ал-Ваҳҳобнинг ўзи эса таълимотини тарғиб қилган Басра шаҳридан қувиб чиқарилган эди.

Андижонда ваҳҳобийлар маркази Жомеъ масжиди қошида бўлиб, унга Абдували Мирзоев бошлиқ эди. Наманганда Тоҳир Йўлдошев ёшларни ўз атрофига тўплади. Йигитларни тожик жангариларининг лагерларига, кейинроқ эса Чеченистон ва Афғонистонга юбора бошладилар. Кейинчалик қўлга олинган экстремистларнинг етакчилари айтганидек, улар Покистон ва Саудия Арабистонидан пул билан таъминлаб турилган.

Аввалига радикал ўзбек мухолифатчиларининг бошлиғи этиб Тоҳир Йўлдошев эълон қилинди. Лекин кейинчалик фақат диний эмас, балки сиёсий нуфузга ҳам эга бўлган одам кераклиги маълум бўлиб қолди. 1997 йил майда Истамбулда ислом экстремистларининг етакчилари Тоҳир Йўлдошев, Жума Ҳожиев (Намангоний), Баҳром Абдуллаев ва Козим Зокиров Салай Мадаминовга (Муҳаммад Солиҳга) ўзбек ислом мухолифати

раҳбарликни таклиф қилишди ва у, ўйлаб ўтирмай, розилик берди.

Ўзбекистондан муҳожирликка кетгач, Салай Мадаминов бир неча йил мобайнида ўзини ўзбек мухолифатининг етакчиси ҳисоблаб юрди. Лекин мавжуд сиёсий ташкилотларнинг биронтасига ҳам қўшилмади — раҳбарликка таклиф қилишмади, ташкилотнинг оддий аъзоси бўлишни эса хоҳламади. Шу сабабли Йўлдошев ва сафдошларининг таклифи унинг учун бахтли тасодиф бўлди. Фарбада узоқ вақт ўзини демократ қилиб кўрсатиб юрган Мадаминов ўзига асло демократик йўл билан эмас, балки террор воситасида ҳокимият тепасига чиқишга уринаётган диний экстремистлар ташкилотини бошқаришни таклиф қилаётганларидан хижолат чекиб ўтирмади. Шу муносабат билан ўшанда Туркияда чиқадиган газеталардан бири Мадаминовнинг мана бу сурбетларча сўзини иқтибос қилиб келтирган эди: "Ким билан бирга бўлишимнинг фарқи йўқ, фашистлар биланми, коммунистлар биланми, ислом радикаллари биланми — ишқилиб Ўзбекистонга қайтиб борсам ва президент бўлсам бас".

Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-сиёсий ўрни туфайли диний-экстремистик руҳдаги халқаро террористик ташкилотларнинг диққат марказига тушиб қолди. Ўзбекистон ва МДХдаги бошқа бир қанча мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, шу йиллар мобайнида диний-экстремистик ташкилотлар, жумладан "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб аталган ташкилот ҳам халқаро террорчилик марказлари ва янги мустақил давлатни ўзларига кучли рақобатчи деб билган, Ўзбекистондаги конституциявий тузумни ағдариб ташлашга ёрдам бериш ҳаракатида бўлган давлатларнинг махсус хизматлари томонидан қўллаб-қувватлаб келинди. "Ислом мухолифатчилари" деб аталувчиларга республикада давлат тўнтаришини амалга ошириш мақсадида ёрдам бериб келган давлатлар ва диний марказлар учун Ўзбекистоннинг ғоят бой табиий-хом ашё ресурслари, юқори даражада ривожланган коммуникация тизимлари, шунингдек нисбатан арзон ишчи кучининг кўплиги асосий аҳамиятга эга эди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳокимиятни босиб олиш ва республикада ислом давлатини эълон қилиш диний экстремист-

стларга ўз таъсир доираларини бутун Марказий Осиёга ёйиш имконини берган бўлур эди.

Ўзбекистонда конституциявий тузумни ўзгартириш учун замин яратиш мақсадида Йулдошевнинг Афғонистондаги Усама бен Ладен ва Мулла Умар лагерларида яхши жанговар тайёргарликдан ўтган тарафдорлари Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида бир қанча босқинчиликларни амалга оширишди. Улар шу йўл билан аҳолига кўрқув ҳиссини сингдирмоқчи ва маъмурлар тартиб ўрнатиш ҳамда ўз фуқароларини босқинчилик ва одам ўлдиришлардан ҳимоя қилишга қодир эмаслигини кўрсатмоқчи бўлдилар.

Жамиятда танглик ва парчаланиш юз берган даврларда хорижий ваҳҳобийлик адолатни тарғиб қилишда, исломнинг одоб-ахлоқ меъёрларига қатъий риоя этишни талаб қилишда ва бойлик ҳамда манфаатпарастликдан воз кечишни эълон қилишда намоён бўлади.

Ҳозир диний экстремизм бутун жаҳон ҳамжамияти олдида турган жиддий муаммолардан бирига айланмоқда. Кўпгина мамлакатларда экстремистлар ўзларининг шум ниятлари ва жиноятларини ниқоблаш учун диндан фойдаланмоқдалар. Шу сабабли бундай экстремистларга қарши курашни динга, шу жумладан исломга қарши кураш деб ҳисоблаш умуман мумкин эмас. Ўзбекистонда ушбу муаммо миллий хавфсизликка таҳдид солиб турибди. У ҳокимият учун курашда исломдан фойдаланишга қарши чиқмоқда. Ҳозирги кунда биз Фарбнинг етакчи мамлакатларида, шу жумладан АҚШ ва Японияда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар турли радикал диний оқимлар, мазҳабларга қарши шафқатсиз курашаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳар қандай демократик давлат беистисно ҳамма конфессияларнинг вакилларига диний эътиқод эркинлигини бериш билан бирга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўймаслигини қонунлар ёрдамида олдиндан огоҳлантириб қўяди.

Ваҳоланки, сўнгги вақтларда Ўзбекистонда ислом фундаментализми хавфи намоён бўлмоқда. Унинг ифодачилари демократик қоидаларни, дунёвий давлатни, кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятни обрўсизлантиришга ва шу тариқа мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришга ҳамда республикадаги бар-

қарорликни, миллат ичидаги, фуқаролар ва миллатлар-
аро тотувликни бузишга уринмоқдалар. Бу мақсадлар учун
асосан ёшлар жалб этилмоқда.

Ақидапарастлар ўзларининг жинойий мақсадларига эри-
шиш учун республика аҳолиси орасида “ҳақиқий” ва “сох-
та” диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилиқ кел-
тириб чиқаришдан қайтмаётирлар. Бундай ҳол Жазоир
ва Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига
олиб келди.

Мана шундай шароитда Ўзбекистоннинг жанубий че-
гараларида — қўшни мамлакатларда ўзларини чин мусул-
мон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган ва ўзла-
рининг дин ҳақидаги мудҳиш тасаввурларини қўшни
халқларга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террор-
чилар ва ислом жангариларининг янгидан-янги авлодла-
рини вужудга келтираётган фуқаролар уруши давом эта-
ётганлиги республикада асабийлашиш муҳитини туғдир-
моқда ва унинг аҳолисида тамомилан асосли хавфсизлик
ҳиссини уйғотмоқда.

Муайян сиёсий оқимлар маънавий қадриятлардан ўз
мақсадларида фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. “Биз
учун диний фундаментализм ҳам, коммунистик фунда-
ментализм ҳам бирдек номақбул. Мен Саудия Арабисто-
нига борган вақтимда муқаддас жойларни зиёрат қилдим
ва бу ишни тоза виждон билан, ўзим учун муқаддас бўлган
ахлоқий қадриятларга асосланиб қилдим. Ҳеч нарсага
ишонмайдиган одам эса, буюк шоир ва мутафаккири-
миз Аҳмад Яссавий айтганидек, ҳайвонга ўхшайди. Ҳар
кимнинг ўзи ишонадиган, ўз ҳаётининг мазмуни деб би-
ладиган ўз томирлари бўлиши керак. Менинг тушуни-
шимча, Аллоҳ ягона. Ҳар қайси дин Худони ўзича кўра-
ди”, — деди Ўзбекистон Президенти.

1998 йил октябрида Самарқандда Ислом Каримовнинг
шахсий ташаббуси билан ва унинг лойиҳаси асосида ҳаз-
рат Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи очилди. Аҳли
исломнинг бу табаррук инсонга ҳурмати нақадар катта-
лигидан шу нарса далолат бериб турибдики, олтита буюк
муҳаддиснинг иккинчиси бўлган Имом Муслим унга му-
рожаат қилиб: “Эй устозлар устози, муҳаддисларнинг сул-
тони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижо-
зат беринг!” деган эди. Ал-Бухорий бебаҳо мерос қол-

дирди. Энг ишончли ҳадислар туплами “Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” шу мероснинг гултожидир. У ислом оламида Қуръони каримдан кейинги иккинчи манба ҳисобланади. Бутун дунё мусулмонлари бу китоб инсоният яратган энг буюк китоб эканлигига ишонадилар.

Ислом Каримов шарофати билан бугунги кунда Имом ал-Бухорий мақбараси ана шу олижаноб инсонга муносиб булган ва зиерагга келувчиларга маънавий-руҳий куч бағишлайдиган ажойиб мажмуага айланди. Бу ерга бутун дунёдан минглаб зиёратчилар келиб туришади. Мажмуани очиш вақтида Ислом Каримов бундай деди: “Ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори булганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман. Бу Аллоҳ таоло олдида, ажодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди”. Дам олиш ва байрам кунлари Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилишга келувчилар 15 минг кишига етади.

“Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида булган пайтимизда ҳам, бизни динимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон уз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам отабоболарининг муқаддас дини булмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган”, — деб таъкидлади И. Каримов.

Ўзбекистон аҳолисининг 80 фоиздан ортиғи ислом динига эътиқод қилади. Шу сабабли бу дин мамлакат аҳолисининг аксарият кўпчилиги учун миллий узлигини англашни қайга тиклаш жараёнида бебаҳо маънавий қувват манбаидир.

Ислом Каримов дин, катта сиёсат ва муҳим давлат ишлари ўртасидаги фарқни яхши билади. Ислом фундаментализми Ўрта Осиё эшигини қоқа бошлаганида биринчилар қатори хавотирлана бошлаган эди: “Биз коммунистик буладими, диний буладими, ҳар қандай экстремизм ва мутаассибликка қаршимиз. Ўзбекистонда ислом фундаментализмига йўл йўқ”.

Тожикистонда экстремистик кайфиятдаги ислом мухолифати томонидан қонуний ҳокимиятни босиб олиш хавфи эндигина етилиб келаётган вақтда Каримов би-

ринчи бўлиб жаҳон жамоатчилигига мурожаат қилди. 1992 йил июлидаёқ ЕХХТ мажлисида у Югославия ва Қорабоғдагига ўхшаш можаролар “Ўрта Осиё минтақасида ҳам юз бериши мумкин. Унинг остонасида экстремизм ва мутаассибликни экспорт қилишни тарғиб этувчи фундаментализм турибди”, деган эди. Шундан кейин Тожикистонда юз берган воқеалар бу огоҳлантиришни тасдиқлади. Тожикистондаги хунрезлик уруши ўн минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди, юз минглаб одамларни қочоқларга айлантirdи ва иқтисодиёт кўп миллиардлаб зарар кўрди. Ана шундан кейингина чет эллардаги кўплаб сиёсий арбоблар диний ниқобга ўраниб олган экстремизмни биргаликда тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамиятига қилинган даъватларга кечикиб жавоб бериш нималарга олиб келганини яққол кўрдилар. Ислом Каримов исломнинг ҳақиқий қадриятлари билан ҳокимиятни босиб олиш учун одамларнинг диний туйғуларидан фойдаланишга, ўзлари тасаввур қилган “жаннат”га халқларни зўрлаб киритишга уринаётган қаллобларнинг сиёсий найранглари ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқлигига қаттиқ ишонади.

Диний экстремизмга қарши курашда Ўзбекистон давлати бошлиғининг хизматларини “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” китобининг муаллифлари Леонид Левитин ва Дональд Карлайл қуйидагича баҳолайдилар: “Каримов портлаш ҳоллари юз бериб турган Фарғона водийсида ҳал қилишга мажбур бўлаётган қийинчиликларни етарли баҳоламасликдан сақланиш керак. Мавжуд фикрларга қараганда гўё Тошкент ислом фундаментализми хавфини бўрттириб юбораётгандек <...> Лекин Каримовнинг кўрқувлари саробга асосланган деган фикрга асло қўшилиб бўлмайди. Фарғона — маҳсулот қайнатиб, бўтқа пишириладиган декча эмас, балки иқтисодий ва этник низолар қайнаб турган, истаган пайтда тошиб, Ўзбекистон, Тожикистон ва айниқса Қирғизистон учун ғоят даҳшатли оқибатларни келтириб чиқаришга тайёр турган дошқозондир”.

Левитин ва Карлайл ёзганларидек, “президентлар Каримов ва Ақаев ўш вилоятидаги аҳвол барқарор бўлиб қолишидан ўзаро манфаатдордирлар. Ўш масаласида Каримов 1990 йил июнда тўсатдан бошланиб кетган фо-

жиага ўхшаш яна бир фожиани бартираф этишга бор кучи билан ҳаракат қилаётган давлат арбоби ролини ўйнашда давом этмоқда”.

“Афсуски, унинг Ушдаги ва бутун Фарғона водийсидаги қонли этник можаронинг олдини олишдаги ролини Фарбдагилар билмадилар. Бу катта адолатсизлик бўлди. Каримов олқишларга арзийли. Тарих лаганбардорлик қиладиган демократ ниқобини тутиб олган популист кўпинча национал-шовинизм билан қўшилиб кетишини ва мамлакатни уруш сари олиб боришини кўрсатмоқда”, — деб ҳисоблайди Левитин ва Карлайл.

1999 йил август ойининг бошларида қўшни Тожикистон ҳудудидан ҳужум қилган 500 дан ортиқ ислом жангарилари Қирғизистоннинг Боткен вилоятидаги Зардоли тоғ овулини босиб олдилар. Таркибида тожиклар, ўзбеклар, араблар, афғонлар, покистонликлар ва ҳатто негрлар ҳам бўлган жангарилар бундан буён Зардоли овулини ўзларига қарашли деб эълон қилдилар. Маҳаллий ҳокимият вакиллари чақирилмаган меҳмонларнинг истаги нима эканлигини билмоқчи бўлганларида, жангарилар уларни гаровга олишди. Ислום экстремистлари 13 нафар одамни, шу жумладан тўрт нафар япон геологи ва бир қирғиз генералини гаровга олишди. Гаровдагиларни алмаштириш учун улар ўзларига учувчилари билан вертолёт ва озиқ-овқат, шунингдек кўп миқдорда пул беришни талаб қилишди. Қирғизистон маъмурлари босқинчиларга кучлари етмаслигини билиб, уларнинг талабини қондиришга мажбур бўлдилар. Жангариларга вертолёт, озиқ-овқат, шунингдек 200 минг АҚШ доллари бердилар. Босқинчилар гаровдагиларни қўйиб юборишди, аммо ўзларини Зардоли овулининг тўла ҳуқуқли эгалари деб эълон қилишди ва у ерга қўшимча кучлар олиб келишди. Бир неча кундан кейин у ердаги қуролланган террорчилар бир ярим минг кишига етди.

1999 йил 21 августдан 22 августга ўтар кечаси 50 нафар одамдан иборат қуролланган отряд Абрамов музлигида Ўзбекистон Метеорология қўмитасининг 10 нафар мутахассис ишлайдиган метеостанциясини босиб олди. Босқинчилар метеорологларнинг ҳамма иссиқ кийимларини тортиб олишди ва яқин орадаги қишлоққа олиб борадиган энг қисқа йўлни кўрсатишни талаб қилишди. Август ойининг охирида эса метеостанцияни портлатиб юборишди.

Уша йилнинг 25 августида Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига факс орқали Тоҳир Йўлдошевдан баёнот келди. Баёнотда у Қирғизистонга унинг назоратидаги қуролли тузилмалар бостириб кирганлиги ҳамда одамларни, шу жумладан япон геологларини гаровга олиш, шунингдек метеостанцияни портлатиш унинг жангарилари қўли билан бажарилганлигини хабар қилди. Гаровга олинган японларни Қирғизистон ҳудудидан Тожикистонга олиб чиқиб кетдилар ва 1999 йил октябрь ойининг охирида улар озод қилинди. Кейинчалик оммавий ахборот воситаларидан маълум бўлишича, Қирғизистон ва Япония ҳукуматлари геологларни озод қилиш учун ҳақ тулаганлар. Тулов суммаси, Россия газеталари маълумотларига қараганда, миллион доллардан ортиқ бўлган.

Халқаро ислом экстремистик ташкилотлари Ўзбекистонда йигитларни ёллаб, уларни Тожикистон ва Афғонистон ҳудудидаги ўз лагерларида жанговор ҳаракатлар олиб боришга ва геррорчилик ишларини амалга оширишга тайёрламоқдалар. Улар кейинчалик бу йигитларни қурол-яроғ ва ўқ-дорилар билан таъминламоқдалар. Жангарилар отрядларига Жума Ҳожиев ва Тоҳир Йўлдошев бошчилик қилмоқда.

1999 йил 16 февралда кундузи соат 11 ларга яқин Тошкентда, республика Вазирлар Маҳкамаси биноси ёнида кучли портлаш юз берди. Бу портлаш натижасида бинога жуда катта зарар етказилди. Ён атрофдаги айрим иморатларнинг ойналари синди. Шундай портлашлар “Нодирабегим” кинотеатри, “Аловуддин” клуби, “Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги бинолари ёнида ҳам юз берди. Портлашлар оқибатида 13 киши ҳалок бўлди, 100 дан зиёд одам тан жароҳати олди. Бир неча машина ёниб кетди. Жабрланганларнинг деярли барчаси тинч аҳоли вакиллари эди. Бир ярим соатдан камроқ вақт ичида Ўзбекистон пойтахтида икки тонна қўлбола портловчи модда портлатилди.

Бу террорчилик қилмишлари ортида ислом экстремистлари турган бўлиб, улардан мақсад мамлакатда тўнтариш яшаш учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳаётига суиқасд қилиш ҳамда республика раҳбариятини йўқ қилишдан иборат эди. 16 февраль соат 11 да Вазир-

лар Маҳкамасида республика ҳукуматининг 1998 йил якунлари ва 1999 йилги иш режаларига бағишланган мажлиси бошланиши керак эди. Мажлисда Президент Ислом Каримовнинг иштирок этиши назарда тутилган эди. Вазирлар Маҳкамаси биниси ёнидаги портлаш ҳукумат мажлиси бошланишидан уч дақиқа олдин содир бўлди. Портлаш юз берган вақтда мажлислар залига дсярли барча кенгаш қатнашчилари тупланган эдилар.

Агар милиция ходимлари томонидан огоҳлантирилган Президент кортежи бошқа кучага бурилиб кетмаганида эди, машиналарнинг ҳаракат тезлигини ҳисобга олганда, айнан портлаш пайтида Ислом Каримов унинг марказида бўлиши муқаррар эди. Бахтли тасодиф туфайли Президент шикастланмади.

Ҳозир Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг муҳим давлати бўлиб, бутун минтақанинг барқарорлиги кўпроқ шу республикадаги вазиятга боғлиқ. Тошкентдаги террорчилик иши ва мамлакатдаги ҳокимиятни ағдариб ташлашга уриниш халқаро радикал ислом ташкилотлари томонидан ташкил қилинган дейиш учун ҳамма асослар бор. Агар Ўзбекистон қуласса, унинг кетидан Ўрта Осиёнинг қолган республикалари ҳам қулайди.

Тошкентдаги террорчилик хуружларидан бир неча кун ўтгач, Ўзбекистонга Германия, Исроил ва АҚШдан келган эксперт-криминалистлар жойнинг ўзида ҳамма тафсилотларни ўрганиб чиқиб ҳамда бир қанча экспертизаларни амалга ошириб, ўзбек ҳамкасбларининг портловчи моддалар уй шароитида тайёрланганлиги ва унинг асосий таркибий қисмлари селитра ва алюмин кукуни бўлганлиги ҳақидаги хулосаларини тасдиқладилар. Экспертлар портлашларнинг услубига қараб, террорчилик ишларини Чеченистон ва Афғонистон ҳарбий лагерларида тайёргарликдан ўтган одамлар амалга оширган деган ягона хулосага келишди.

Террорчиларнинг бошлиқлари Тошкентдаги террорчилик хуружларини ташкил этиб, республикадаги тинчлик ва барқарорликка путур етказишга, одамларни қўрқитиш, юрагига ваҳима солиш, Ислом Каримов юритаётган сиёсатга ва амалга ошираётган ислоҳотга ишончини сундиришга уринганлар. Террорчилик хуружларининг ташкилотчилари Тоҳир Йўлдошев, Муҳаммад Солиҳ та-

халуси билан танилган Салай Мадаминов, Жумабой Ҳожиев (уни Жума Намангоний ҳам дейишади) ва бошқалар бўлиб чиқди.

Тоҳир Йўлдошев 1967 йилда Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида туғилган. Ислом экстремистлари орасида Бой ва Директор лақаблари билан машҳур. 1991—1992 йилларда у Ўзбекистонда ислом давлати барпо этиш мақсадида ваҳҳобийликнинг фаол тарафдори сифатида чиқа бошлаган. Бунинг учун Йўлдошев Жумабой Ҳожиев билан бирга “Тавба” деган ута радикал диний ташкилот тузган. Бу ташкилот аъзолари кейинчалик ўзларининг қуроли гуруҳларини тузишган. Шундан кейин Йўлдошев ўзини “Ўзбекистон ислом уйғониш партияси” деган ташкилотнинг етакчиси ва “амир” деб эълон қилган. 1992 йилда у жинойий жавобгарликдан қочиш учун Ўзбекистондан чиқиб кетган, “Тавба” ташкилоти эса яширин ҳолатга ўтган. 1994—1997 йилларда “Тавба” аъзолари бир қанча босқинчилик ҳужумларини амалга оширишган ҳамда ҳокимият вакилларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимларини ва Ўзбекистоннинг тинч фуқароларини ўлдиришган. Тоҳир Йўлдошев Афғонистон ҳудудида яшаб, Афғонистон ва Тожикистондаги жангарилар лагерларида таълим бериш учун Ўзбекистон ёшларини ёллаш бўйича муттасил иш олиб бормоқда.

Салай Мадаминов 1949 йилда Ўзбекистоннинг Хоразм вилоятида туғилган. Миллати — узбек. 1975 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган, “Эрк” партиясининг етакчиси. 1994 йилда унга қарши жинойий иш қўзғатилиб, ҳокимиятни босиб олиш учун қуроли гуруҳлар ташкил этишда, ҳокимиятни зўрлик йўли билан афдариб ташлашга чақирадиган материалларни нашр этиш ва тарқатишда, сохта ҳужжатлар асосида чет эл паспортларини тайёрлашни ташкил қилишда айбланди. Унга жангарилар тайёрлаш учун Ўзбекистон фуқароларининг чет мамлакатларга, энг аввало, Афғонистонга яширинча олиб чиқиб кетилишини тайёрлаш айби ҳам қўйилмоқда. Жинойий иш қўзғатилганидан кейин С. Мадаминов Ўзбекистондан чиқиб кетди ва аввалига Европа мамлакатларида яшади. Шундан кейин бир неча марта Туркия, Афғонистон ва Бирлашган Араб Амирликларига бориб, у ерда ўзига ўхшаб Ўзбеки-

стоннинг тергов идораларидан яшириниб юрган Т. Йўлдошев ва Ж. Ҳожиев билан Ўзбекистондаги ҳозирги ҳокимиятни ағдариб ташлашга қаратилган ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун алоқа ўрнатди.

С. Мадаминов шеърлар машқ қилиб юрар ва Тошкентдаги адабий журналлардан бирида ишлар эди. У ўзини танлаб олган Муҳаммад Солиҳ тахаллуси билан аташларини маъқул кўрар эди. (У ўз шеърларига худди шу ном билан имзо кўяр эди) Бироқ бу тахаллус ижодкор зиёлилар, энг аввало, адабиёт билимдонларида истеҳзо кўзгатар эди, чунки Мадаминов ўз шеърларини имзолаш учун номини танлаб олган Муҳаммад Солиҳ қадимги Шарқнинг машҳур шоири бўлган. Салай танлаб олган адабий тахаллус хусусида Ўзбекистон ёзувчиларидан бири бундай деган эди: “Ҳозирги замон ўзбек шоирининг ўзини Муҳаммад Солиҳ дейиши — ёзишни эндигина бошлаган россиялик ёзувчининг ўз битикларини “Лев Толстой” номи билан имзолашига ўхшаб кетади”.

80-йиллар охири — 90-йиллар бошларида Мадаминов миллатчиликни тарғиб қилган баъзи бир бошқа ижтимоий ҳаракатларнинг етакчилари билан бирлашиб, миллий ҳукумат тузишга, мавжуд қонунларга бўйсунмасликка чақирди. Салай Мадаминов 1991 йилда Ўзбекистонда президент сайловида қатнашди ва ютқазди. У арзимас даражада кам овоз олди.

Жумабой Ҳожиев 1969 йилда Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида туғилган. Фақат ўрта маълумотга эга. У диний экстремистлар орасида Жума Намангоний ва Тожибой номлари билан танилган. 1989 йилдан бошлаб ислом ақидаларини урганишга берилди, диний таълимни диний мутаассиб Мирзаев Абдували — Абдувалиқоридан олди. 1991 йилдан бошлаб Ҳожиев ваҳҳобийликнинг фаол тарафдори сифатида чиқа бошлади ва Тоҳир Йўлдошев билан бирга Наманганда ваҳҳобийларнинг “Тавба” деган ташкилотини тузди. Ташкилотнинг мақсади Ўзбекистонда ислом давлати барпо этишдан иборат. 1992 йилда Афғонистон ҳудудида чет эллик йўриқчилар раҳбарлигида махсус тайёргарликдан ўтди. 1994 йилда Ҳожиев раҳбарлик қилган қуролли тузилма Тожикистоннинг ҳукумат кучларига қарши уруш ҳаракатларида алоҳида фаоллик кўрсатди. Ҳозир у Тожикистон ҳудудидаги қуролли тузилмаларнинг дала коман-

дирларидан бири бўлиб, ёшларни, шу жумладан Ўзбекистон фуқароларини ҳам қўпоровчилик-террорчилик ишларига тайёрлаш билан жадал шуғулланмоқда. 1997 йил май, июль ва ноябрь ойларида, шунингдек 1998 йил декабрида Ҳожиёв Туркия ва Афғонистонда бўлиб, узига қарши жиноий иш қўзғатилган Ўзбекистонда ҳокимиятни босиб олиш йўллари муҳокама қилишда қатнашган.

16 февралда портлатишларнинг ҳамма ижрочилари Тошкентдан чиқиб кетишга муваффақ бўлишди. Бироқ Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларининг куч-ғайратлари туфайли уларнинг кўпларини тутиб олишга муваффақ бўлинди. Тошкентдаги 1999 йил 16 февраль портлашларини ташкил этиш ва амалга оширишда айбланган шахсларнинг жиноий ишларини очиқ суд мажлисларида кўриб чиқиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноий ишлар бўйича Судлов ҳайъати ўша йил 28 июнда уларнинг айбини исботлади ва 21 киши устидан ҳукм чиқарди: уларнинг олти нафари ўлим жазосига ҳукм этилди, 15 киши эса жазони қаттиқ режимли колонияда ўташ шарти билан 10 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилинди.

2000 йилнинг ноябрь ойида Ватан хоинларидан яна бир гуруҳи устидан олиб борилган очиқ суд мажлиси ниҳоясига етди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноий ишлар бўйича Судлов ҳайъатининг 17 ноябрдаги қарорига биноан Тоҳир Йўлдошев ва Жумабой Ҳожиёв олий жазо — ўлимга ҳукм қилинган. Салай Мадаминовга эса 15 йил 6 ой қамоқ жазоси тайинланди. Яна 9 жиноятчи 12 йилдан 20 йилгача қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

Февраль воқеаларидан кейин Ислом Каримов бундай деди: “Агар биз озгина бўлса-да, бепарволикка йўл қўйсақ, бундай ёвуз интилишларнинг вақтида пайини қирқмасак, бу бало-қазо халқимиз бошига қўп-қўп кулфатлар келтириши мумкин. Нима, “тоза ислом”, “ислом софлиги учун” деган сохта шиорларни ниқоб қилиб олган бу кимсалар дини ислом макони бўлган юртимизда, дунёга Имом Бухорий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк уламоларни берган халқимизга мусулмончилиқни ўргатмоқчими?! Бундай даъволарни эшитганда, беихтиёр “Астағфуруллоҳ!” дегинг келади”.

“Аслида асрлар давомида дини исломни ким-кимга ўргатиб келган? Муқаддас Хоразм заминидан етишиб чиқ-

қан улуг аждодимиз Махмуд аз-Замахшарий дин равнақи йўлидаги беқис хизматлари учун “Жоруллоҳ” — яъни “Аллоҳнинг қўшниси” деган юксак мақомга сазовор бўлган. У яратган “Ал-Муфассал” китоби араб тилининг грамматикасига асос этиб олинган ва араб дунёсида унга ҳозиргача амал қилинади... Шундай буюк зотнинг авлодларига муқаллас эътиқодимизга ёт бўлган турли зарарли, захарли таъсирларга берилиш ярашадими?” — деди И. Каримов.

Президентнинг хулосаларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Чунки ўзларини “тоза ислом” тарафдорлари деб атаётган кимсаларнинг орқасида катта маблағга эга бўлган, Ўзбекистонни ўз таъсирига тобе этмоқчи бўлган сиёсий кучлар турганлиги ҳаммага маълум. Кечагина ўзини ҳақиқий, тоза демократ, деб атаган, Худога ишонмаган, ҳаром-хариш йўлда юрган кимсалар “ислом муҳолифати”га бошчилик қилмоқда. Уларнинг ўтмиши нафақат “тоза ислом”га, ҳатто энг оддий диний тушунчаларга ҳам мос келмайди.

Ташқаридан қўллаб-қувватланаётган ўзбек ислом экстремистларининг хатарли “ўйин”лари нималарга олиб бориши мумкин? Уларнинг раҳбарлари баёнотларидан маълум бўладики, агар уларга ўз вақтида қаршилик кўрсатилмаса, қўшни Тожикистонда юз берган фожиали воқеалар Ўзбекистонда ҳам такрорланиши мумкин. Тожикистонда ҳаммаси Шаҳидон майдонидаги митинглардан бошланиб, катта кўламдаги фуқаролар урушига айланиб кетган эди. Тожикистон тараққиётини ўнларча йил орқага улоқтириб ташлаган Шаҳидон воқеалари, агар Президент Каримовнинг қатъий ҳаракатлари бўлмаса эди, Ўзбекистоннинг Наманган вилоятида ҳам бошланиб кетиши мумкин эди.

Афсуски, Каримов 1991 йил декабрда Ўзбекистонда фуқаролар урушининг олдини олганлигини ҳамма ҳам эслаб қолган эмас. У ўзини “Аллоҳ лашкарлари” деб атаётган одамлар билан учрашиш учун хавфсизлигини ҳам ўйлаб турмасдан Наманганга жунади ва Тоҳир Йўлдошев билан юзма-юз бўлди.

1991 йил 8 декабрда Йўлдошев бошлиқ диний мутаассиблар собиқ Наманган вилоят партия қўмитасининг биносини эгаллаб олдилар ҳамда у ерга Ўзбекистон Президентининг келишини ва Ўзбекистон ислом давлатини тузишни талаб қилдилар.

Наманган воқеалари ҳақида Президент Каримовга дарҳол хабар берилди. Шоҳидларнинг сўзларига қараганда, табиатан қатъиятли ва иродали бўлган Каримов ўша заҳотиёқ: “Наманганга бораман”, деди. Ёрдамчилар ва Президент хавфсизлиги хизматининг раҳбари Каримовни бу хатарли қадамдан қайтармоқчи бўлишди, лекин у айтган сўзида туриб олди ва “Самолёт тайёрланг”, деди. Бир соатдан кейиноқ Каримов собиқ вилоят партия қўмитаси биносини эгаллаб олган ислом мутаассиблари билан шахсан сўзлашиш учун Наманганга етиб борди.

Экстремистлар Президент билан ёлғиз гаплашмоқчи эканликларини айтиб, залга И. Каримовнинг бир ўзи кирсин деб талаб қилишди. Шоҳидларнинг сўзларига қараганда, Каримов елкасини қисиб қўя қолди ва индамасдан илгари юрди. Каримов бинога кирганидан кейин ундан дарҳол парламентни тарқатиб юборишни ва Ўзбекистонда ислом давлати эълон қилиш ҳақидаги фармонни имзолашни талаб қилишди. Узининг жазосиз қолаётганидан сурбетлашиб кетган Т. Йўлдошев Президент ҳамма талабларни бажармагунича залдан чиқмайди деб айтди. Шунда Каримов микрофонни Йўлдошевнинг қўлидан тортиб олиб, экстремистларга мурожаат қилди.

“Мен ҳеч қанақа дуқ-пўписадан қўрқмайман, мени ҳўчитаман деб овора бўлманглар, — деди Каримов. — Ҳозир бу ердан чиқиб кетиш учун мен сизларни алдашим, ҳамма талабларингизга розиман дейишим, фармонни имзолашим ва тинчгина кетишим, шундан кейин эса ҳужжатларни бекор қилишим мумкин эди. Бошқача йўл тутишим — бу ердан кетишим, қўшин, милиция чақирим ҳам мумкин эди. Шундай қилсам, бу ерда тезгина тартиб ўрнатишар эди. Лекин мен Президентман, эркакман, беҳуда сўзламайман, мен сўзимда туришга урганман”.

“Мен ҳақиқатан ҳам Президент сифатида давлат фармонларини имзолайман, — деб давом этди Ислом Каримов. — Лекин мамлакатда давлат тузумини ўзгартириш ҳақидаги фармонни имзолашга ваколатим йўқ. Бу масалаларни Олий Кенгаш ҳал қилади. Биз Олий Кенгаш мажлисини чақирайлик, сизлар эса Тошкентга ўз вакилларингизни юборинг. Биз мажлисда ҳамма далилларингизни диққат билан эшитамиз ва биргаллашиб қарор қабул қиламиз, деб ваъда бераман. Шундай қилинса туғри бўла-

ди, давлат тақдирини бир киши ҳал қилмаслиги керак”. Йўлдошев тўнтариш муваффақиятсизликка учраганини тушуниб, шоша-пиша Ўзбекистондан чиқиб кетди.

Ҳозирги ўзбек ислом экстремистларини муҳолифат деб аташади-ю, негадир 90-йиллар бошида Йўлдошев тарафдорлари “Ислом лашкарлари” ташкилотини ва бошқа уюшмаларни ташкил этиб, одамлар устидан зўрлик қилишга, милициянинг ўрнини эгаллашга, ҳокимиятни ўз қўлларига олишга уринганликларини унутиб қўйишмоқда. Улар Қўқон хонлигини тузиш мақсадини кўзлашган эди.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, ислом жангарилари 1999 йил августида Қирғизистон жанубига бостириб киришининг асосий ташкилотчилари Жума Ҳожиев ва Тоҳир Йўлдошев эдилар. Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси уламолар Кенгаши диний экстремистларнинг Қирғизистоннинг Боткен туманидаги ҳаракатлари муносабати билан республиканинг ҳамма мусулмонларига қарата мурожаатнома қабул қилди. Мурожаатномада “сўнгги пайтларда пок динимиздан ғаразли мақсадларда фойдаланувчилар... пайдо бўлиб қолмоқда”, деб минг афсуслар билдирилади. “Жангариларнинг ислом дини байроғи остида амалга оширилаётган ҳаракатлари дин ақидаларига батамом зиддир”, — деб таъкидланади мурожаатда.

Ҳужжатда Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси республика раҳбариятининг хавфсизликни таъминлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши ҳам айтилади. Мурожаатда Ўзбекистон мусулмонлари ҳушёрликка ва эҳтиёткорликка чақирилади. “Муқаддас динимизга ёвузлик тўнини бичмоқчи бўлаётганларнинг қутқуларига ишонмаслик керак” дейилади унда.

Мурожаатда, бундан ташқари, “минтақада халифаликни тиклаш даъвосини қилаётган бир гуруҳ босқинчилардан жабр кўраётган” қардош Қирғизистон халқи билан бирдамлик ва ҳамдардлик изҳор этилади. “Биз ўзга юртлардан келиб, ислом давлатини тиклаб беришларига, бизни ибодат қилишга ўргатишларига, бизнинг турмуш тарзимизга ёт тамойилларни сингдиришларига муҳтож эмасмиз”, — дейилади мурожаатда.

1999 йил 2—5 ноябрда Тошкентда “Дин ва демократия” халқаро динлараро сиёсий анжуман бўлиб ўтди.

Унинг ишида АҚШ, Германиядан, МДХ давлатларидан келган олимлар, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган турли диний конфессияларнинг вакиллари қатнашди. Анжуман Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Халқаро алоқалар институти (ГФР) ва бошқа ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилди. Унинг қатнашчилари диний ва давлат тузилмаларининг ўзаро муносабатлари муаммоларини, экстремизмга қарши кураш масалаларини, демократик жамиятда диннинг роли ва бағрикенглик анъаналарини муҳокама қилдилар.

Анжуман яқунлари бўйича “Диний-сиёсий терроризм ва экстремизмга қарши Тошкент резолюцияси” қабул қилинди. Унда, жумладан, бундай дейилади: “Турли динлар ва маданиятларга мансуб давлатлар ўзаро яқинлашмоқда. Бу ҳол улар орасидаги ижтимоий, маданий ва диний соҳалардаги доимий мулоқотларни тақозо этмоқда <...> Бошқа дин вакилларига нисбатан бағрикенглик, инсон ҳуқуқлари ва миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ҳар бир алоҳида давлат ва бутун Курраи Заминдаги одамлар тинч-тотув яшашининг асоси бўлмоғи керак. Диндан ёвузлик, нафрат, адоватни қўзғатиш ҳамда зўравонликка ундаш мақсадида, шунингдек, ҳокимият манфаатлари йўлида фойдаланишга бундан кейин йўл қўйиб бўлмайди”. Анжуман қатнашчилари ҳар қандай кўринишдаги диний-сиёсий терроризм ва экстремизмни қатъий қораладилар. Улар “зўравонлик сиёсий мақсадларга эришиш воситаси бўлиши мумкин эмас”, деб қайд этдилар.

Резолюцияда “турли динлар, конфессиялар ва маданиятлар орасидаги доимий мулоқот бугун — учинчи минг йиллик бўсағасида — алоҳида аҳамият касб этаётганлиги” ҳам таъкидланади. Чунки глобаллашув жараёни инсон ҳаётининг ҳеч бир соҳасини, жумладан, унинг руҳий ва диний ҳаётини ҳам четлаб ўтмаяпти. “Дин ва демократия” анжумани қатнашчилари БМТга мурожаат қилиб, 2002 йилни халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашда динлараро бирдамлик йили деб эълон қилишга чақирдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси муфти Абдурашидқори Баҳромов “Дин ва демократия” анжумани катта аҳамиятга эга, чунки сўнгги вақтларда дунёнинг бир қанча мамлакатларида террорчи ва экстре-

мист кучлар фаоллашмоқда, “Аллоҳ номи билан ниқобланиб, ўз сафларига ёшларни жалб этишга ҳаракат қилмоқда, бу ёшлар ёвузликларни амалга оширмоқда”, деди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг бошлиғи одам ўлдириш, нафрат кўзгатиш ва зўрлик ишлатишга ундаш учун диндан фойдаланиш қораланишини алоҳида таъкидлади. “Масалан, муқаддас Куръонда Аллоҳ, тажовузкорлик, босқинчилик билан шуғулланадиган, бегуноҳларни ўлдирадиган одамлар бутун башарият душманлари ҳисобланадилар деб огоҳлантиради”, — деди у.

Ҳозир Ўзбекистонда турли конфессияларга мансуб кишилар ўз динларига эркин ва очиқ эътиқод қилиш имконига эгадирлар. Мустақиллик йилларида республикада диний мавзуларда бир қанча халқаро симпозиумлар, шунингдек муҳим саналар, бутун дунёга машҳур мусулмон уламоларининг юбилейлари муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилди: 1995 йилда “Бир осмон остида бирга яшаймиз” деган христиан-мусулмон конференцияси бўлиб ўтди; 1996 йил ноябрда Ўзбекистонда Рус православ черкови Ўрта Осиё епархия бошқармасининг 125 йиллиги нишонланди; ўша йил декабрида Марказий Осиёдаги ягона лютеран черкови — Ўзбекистон Инжил-лютеран жамоасининг 100 йиллик юбилейи нишонланди. 1993 йил сентябрда Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, 1994 йил ноябрда Хожа Аҳрор Валининг 590 йиллиги, 1995 йил ноябрда — Аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги ва Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги нишонланди. 1998 йил октябрда Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди.

1995 йилда исломнинг бой меросини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Тошкентда Халқаро ислом тадқиқотлари маркази ташкил этилди. Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази тузилди.

Ўзбеклар дунёвий мусулмонлардир. Европа художўйлари қандай бўлса, ўзбеклар ҳам шундай. Исломга эътиқод қилиш ўзбек миллий характерига хос, лекин бу 20 млн ўзбекнинг ҳаммаси кунда беш марта масжидга чиқади дегани эмас. Бу ерда масжидга чиқиш кексалар иши деган фикр устунлик қилади. Ўзбеклар, ўзларининг айрим қўшниларида фарқли ўлароқ, босиқ одамлар, улар оилали, бола-чақали одамлар хотиржам яшашлари керак, деб ҳисоблашади.

Ҳозир диний мутаассиблар ва экстремистлар орасида ёш йигитлар кўп учрайди. Тадқиқотлар кўрсатишича, кўпинча ишга жойлашмаган ёшлар радикал ислом ва террорчи ташкилотлар учун замин бўлади. Шу муносабат билан ҳозир иш билан бандлик муаммосини ҳал қилиш Ўзбекистон ҳукуматининг устувор вазифаси бўлиб турибди.

Бунинг учун мамлакатнинг ҳамма минтақаларида саноатни ривожлантириш ишлари жадал олиб борилмоқда: ҳамма жойда йирик саноат объектлари қурилмоқда, хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш жойлари яратилмоқда, табиий ресурсларни, аввало, энергия манбаларини қайта ишловчи корхоналар очилмоқда. Давлат асосан аҳолини иш жойлари билан таъминлаши керак бўлган кичик ва ўрта бизнесни вужудга келтириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Бу соҳада катта ютуқларга эришилди ҳам: республикадаги аҳолиси энг зич минтақа — Андижон вилоятида Ўзбекистон-Корея автомобиль заводи “ЎЗДЭ-Уавто” очилди ва унинг учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган 10 дан ортиқ корхона ташкил этилди. Бу эса бир неча ўн минглаб юқори ҳақ туланадиган иш жойлари яратишга ва вилоят инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам берди. Самарқандда юк автомобиллари ва автобуслар чиқарадиган “СамКочавто” Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ташкил этилди, Бухоро ва Фарғонада нефтни қайта ишлайдиган йирик заводлар барпо этилди, чет эл компаниялари билан бирга иқтисодиётнинг турли тармоқларида мингдан ортиқ корхона очилди ва ҳ.к.

Қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни қишлоқларда ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ корхоналар, шу жумладан пахта, сабзавот ва меваларни қайта ишлайдиган корхоналар секин-аста шаҳарлардан қишлоқларга кўчирилмоқда. Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган дастурга мувофиқ қишлоқ ёшлари яшаш жойларининг ўзида иш билан таъминланмоқда. Бу эса қишлоқда инфратузилманинг ривожланишига ва қишлоқ аҳолисининг даромадлари кўпайишига ёрдам бермоқда.

Ёшларни иш билан банд этиш муаммосини ҳал қилишга ноҳукумат тузилмалари ҳам қўшилди. Ўзбекистонда бир нечта ёшлар ташкилотлари иш олиб бормоқда, шулардан

энг йириги ва нуфузлиси Ўзбекистон Республикаси ёшларининг “Камолот” жамғармасидир. Бошқа ёшлар жамғармаларига қараганда мазкур жамғарманинг амалиёт доираси анча кенг. Бошқа ёшлар ташкилотлари каби “Камолот” ҳам носийсий тузилмадир. У мустақил ижтимоий ноҳукумат ташкилоти бўлиб, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш олиб боради. Жамғарманинг асосий вазифалари ёшларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий ва ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш дастурини яратиш ҳамда амалга оширишдан иборат.

“Камолот” жамғармаси ҳукумат, вазирликлар, ҳокимиятларнинг, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари, хорижий ва бошқа манфаатдор идораларнинг лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан буюртмаларни бажаради, шунингдек ёшларга мўлжалланган ўз дастурлари ва лойиҳаларини яратади ҳамда амалга оширади. У ёш тадбиркорларга ҳозирги замон иқтисодий билимларини ўзлаштиришда ҳамда малакани оширишда ёрдам беради, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни қўллаб-қувватлайди, ишга жойлаштириш, малака ошириш ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш бўйича агентликлар тузади ва ҳ.к. Жамғарма иқтидорли талабаларни ва ёш олимларни қўллаб-қувватлаш учун махсус стипендиялар таъсис этган.

Пул асосан жамғарманинг ўз тижорат фирмалари ҳисобига ишлаб топилади. Жумладан, “Камолот” ўзининг қурилиш ташкилотига ҳамда автосервис тузилмаларга эга. Жамғарма “ДЭУ” автомобилларини сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича иккинчи ўринда туради. “Камолот” телекоммуникация соҳасида ва компьютер тармоғини йўлга қўйишда ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Жамғарма ихтиёрида республиканинг ҳамма вилоятларида 2 минг гектардан ортиқ қишлоқ хўжалик экин майдонлари бор. Ана шу ер участкаларида ишлаш учун ишсиз йигитлар жалб этилади. Йиғиб олинган ҳосил сотилади ва барқарор иш ҳақи туланади.

“Камолот” фирмаларида олинган фойда ёшлар лойиҳаларига инвестицияланади. Ҳозирги вақтда 50 та ана шундай лойиҳа амалга оширилмоқда. Жамғарма ёш тадбиркорларга ўз корхоналарини ташкил этиш жараёнидагина ёрдам беради, сўнгра эса бу фирмалар мустақил ишлайди.

Кейинчалик “Камолот” бу фирмаларни назорат қилмайди, балки улар ишини мувофиқлаштиради, холос. Хусусан, жамғарманинг молиявий ва ташкилий мадади билан Ёш олимлар иттифоқи ташкил этилди. Бу иттифоқ кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси ёрдамида Ёш олимлар миллий иттифоқи даражасига кўтарилди. “Камолот” ёрдамида Ўзбекистон Ёшлар уюшмаси, учта профессионал театр ва шу қабилар ҳам ташкил этилди.

Жамғарма “Ёшлар: XXI асрга наркотик моддаларсиз” деган дастурнинг ташаббускори бўлди. Бу дастур ҳозир Ўзбекистонда давлат даражасида амалга оширилмоқда. Унинг ташаббуси билан республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази тузилди.

“Камолот” “Ёшлар чекмайди” деган ҳаракатни ҳам ташкил қилди. Биринчи йили бу ҳаракат тўққиз мактабни, кейинги йили — 35 мактабни қамраб олди, 2001 йил сентябридан бошлаб эса у Ўзбекистоннинг ҳамма мактабларига ёйилади.

Ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш учун “Камолот” жамғармаси республиканинг ўрта мактабларида “Сиз қонунни биласизми?” деган танловни мунтазам ўтказмоқда.

“Камолот”, шунингдек ёшлар орасида диний муаммолар билан ҳам шуғулланади. У “XXI аср ва ҳақиқий мусулмон қиёфаси” деган мавзуда мунозаралар ўтказди. Мунозаралар жараёнида “Камолот” мутахассислари тўққизта асосий саволга жавоб олишга ҳаракат қилишди. Масалан, мусулмончилик билан шахс эркинлигининг ўзаро муносабаги қандай ёки ислом назарияси ва амалиёти. Яна бир қизиқарли савол: “Дунёга шунча илмий кашфиётлар берган мусулмон Шарқи нима сабабдан психологик жиҳатдан Ғарбга қарам бўлиб қолган ва устунликни қўлдан берган? Ғарбнинг бугунги устунлигининг сабаби нимада?” Булар орасида: “Жамиятда хотин-қизлар мавқеи қандай бўлиши керак?” деган савол ҳам бор.

Нодавлат ташкилотлар фаолларининг фикрига қараганда ўзбекларда бошқа халқлар ва динларга нисбатан миллий ёки диний муросасизлик ҳисси йўқ. Бугунги кунда Болтиқбўйи республикаларида юз бераётганидек, одамларни миллий мансублигига қараб ажратиш Ўзбекистонда йўқ.

Ислом экстремизми ва радикализи ҳақида гапирар эканмиз, шуни назарда тутиш керакки, бошқа динларда

ҳам бундай муаммолар бор. Христианлик тарихида салб юришлари ва Варфоломей туни бўлган, яқинда биз Шимолий Ирландиянинг Ольстер шахрида радикал протестантлар билан католикларнинг юришлари ва қарама-қаршиликларга гувоҳ бўлдик ва ҳ.к. Ислом экстремизмигина эмас, балки умуман диний экстремизм мавжуд. Уни хавфли еиёсий радикализм деб ҳисоблаш керак. Чунки ислом экстремистлари ўз мақсадларига эришишнинг асосий усули сифатида танлаб олган террор ёрдамида ҳокимият учун курашиш — бу дин эмас, балки кўпроқ сиёсатдир. Бу кучлар учун дин ниқоб, холос.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шоазим Миноваров “динни сиёсат даражасига кўтариш мумкин эмас”, деб ҳисоблайди. “Маънавият — яхши. Ёшларни тарбиялаш учун диннинг қайсидир қоидаларидан фойдаланиш мумкин. Лекин бошқа динлар вакиллари ни христиан динига ўтказиш, жадал исломлаштириш билан шуғулланиш мумкин эмас. Бу яхшиликка олиб келмайди”, — деди у.

Ш. Миноваров исломни ўрганиш муаммоси устида тўхталиб, бундай деди: “Ёшларнинг ислом ақидаларини билмаслигига қарама-қарши ўлароқ, оммавий суратда исломга ўргатиш, яъни сунъий равишда исломлаштиришнинг ҳам салбий томони бор. Экстремистлар таъсирига осонгина тушиб қоладиган одамларни ўзига оғдириб олиш учун замин пайдо бўлади. Агар давлат сунъий равишда исломлаштириш учун бундай одамга диний таълим берса, у кейинчалик ислом давлати барпо этиш мақсадида исломнинг яшил байроғи остига утиб қолиши мумкин. Исломни сунъий равишда ўрганишнинг хавфи шундаки, Қуръонда ғайридинларга қарши муқаддас уруш — Жиход ҳақида қоида бор. Баъзи бировлар исломни ўрганар эканлар, афсуски, фақат Жиход ҳақидаги оятларнигина ёд оладилар. Ана шундай одамга экстремистлар Жиход услубини ўргатадилар ва қўлга қурол олишга мажбур қиладилар. Натижада у ҳеч нарса қила олмай қолади, чунки экстремистлар унга Қуръоннинг қолган ҳамма қисмлари тинчлик ва меҳр-муҳаббатга, қон тўкмасликка чақиришини тушунтирмайдилар. Ваҳҳобийлар Қуръоннинг фақат Жиход ҳақидаги қисмини олади-

лар ва ёшларни ўзларига оғдирадилар. Лекин улар Жиҳод ҳақидаги оятлар Муҳаммад пайғамбарга Аллоҳ томонидан аниқ даврдаги аниқ вазият учун нозил қилинганлигини тушунтирмайдилар. Ўша вақтда Жиҳод пайғамбарга ислом динини кенг ёйиш ва ўз халифалигини барпо этиш учун керак бўлган. Эҳтимол ўша вақтда Жиҳод давр талаби бўлгандир. Бугунги ислом экстремистларининг раҳнамолари эса 1300 йил бурунги ақидани оладилар-да: сен Жиҳод қилишинг керак, дейдилар. Экстремистлар Жиҳод қоидаларига асосланиб, ўз сафларига қўшилиб қолган ёш йигитларга ҳар куни беш маҳал масжидга чиқмайдиганларни — бундайлар ҳатто ота-оналаринг бўлса ҳам — ўлдириш керак, деб тушунтирадилар. Агар бола боғчага борса, уни ўлдириш мумкин, чунки боғча давлатники, давлат эса мусулмон давлати эмас ва ҳ.к. Шу сабабли беистисно ҳаммага, айниқса ёшларга динни зўрма-зўраки ўргатиш — ҳеч бир яхшиликка олиб бормади”.

“Борди-ю одам узи исломга келган бўлса, — деб таъкидлайди Миноваров, — у ўз дини билан эркин машғул бўлаверсин. Лекин у компьютерга қизиқса, уни зўрлаб диний машғулотга тортишнинг нима кераги бор? Умуман жамиятни исломлаштириш ёки христиан динига тортиш билан шуғулланиш мумкин эмас. Бу стратегик хатодир. Афсуски, ҳозир кўплар миссионерликка берилиб кетди. Ҳозир ҳар қайси дин ва мазҳаб айнан мен ҳақлиман ва фақат мен инсониятни сақлаб қола оламан, деб ҳисоблайди. Бир куни мен ҳазиллашиб, агар учинчи жаҳон уруши бўлса, у диний негизда келиб чиқади, чунки ҳар хил динлар ва мазҳаблар теварагида юз бераётган ҳодисаларни кўриб, ҳайратдан ёқангни ушлайсан, деган эдим”.

“Бугун динга муносабат қуйидагича бўлиши керак: мен мусулмонман ёки бошқа дин вакилиман, лекин бу менинг шахсий ишим. Мен кунда беш вақт масжидга чиқаманми, йўқми — бу ҳам менинг ишим. Сен кунда беш вақт масжидга чиқасанми — бу сенинг ишинг. Худди ана шундай муносабатни чинакам дунёвий демократик давлат таъминлаб бериши керак. Бугун жаҳон ҳам-жамияти бир қанча экстремистик диний мазҳабларга нисбатан ўз муносабатини билдириши жуда муҳим”, — деди Ш. Миноваров.

МИЛЛАТЛАРАРО ТУТУВЛИК — БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Ҳар қандай кўп миллатли мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши ижтимоий барқарорлик, иқтисодий-сиёсий асослар ҳамда ахлоқий мезонлар билан бир қаторда кўп жиҳатдан мамлакатдаги этник бирликлар ва диний конфессиялар ўртасида тотувлик ҳамда мустаҳкам тинчликка боғлиқ. Кўп миллатли давлатдаги этносларо ҳамда миллатларо муносабатлар миллий хавфсизлик деган тушунчанинг ўзи шаклланишида асос бўладиган таъсирчан омиллардан биридир. Шу боис шўролардан кейинги маконда янги мустақил давлатлар шаклланишида этносларо ва миллатларо муносабатларни уйғунлаштиришнинг долзарблиги аҳамияти янада ортади. Назокат ва эҳтиёткорлик билан ёндашиб ҳал этиш лозим бўлган бу масала кўп миллатли давлатлар сирасига кирувчи Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида долзарбдир. “Ўзбекистон — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир”, — дейди Ислоҳ Каримов.

Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир ҳам шундай фикрни билдирди:

— “Қадимги Мовароуннаҳр, ҳозирги Ўзбекистонда Шарқнинг барча машҳур цивилизациялари — месопотамия ва форс, ҳинд ва хитой, византия, араб, турк тамаддунлари туташган”.

“Ўрта Осиё, — деб таъкидлади ҳазрат Владимир, — гоят меҳмондўст ўлка, бу ерда динлар фарқи ҳам, миллатлар тафовути ҳам инсоний муносабатларда акс этмайди. Кўҳна Самарқанд аҳолиси алоҳида очиқ кунгиллиги ва билимга ташналиги билан ажралиб турган.

Араб географы Самарқандни “бутун жаҳондан меҳмонлар йиғилиб келадиган бандаргоҳ” деб атаганди. VII аср Хитой ёзувчиси Сюань Цзан. “Самарқанд аҳолиси ахлоқ-одоб қоидалари бобида қўшниларига намуна бўлган”, — деб қайд этганди.

Архиепископ Владимир яна: “Православ черков ҳеч қачон ислом билан зиддиятга бормаган. Хоразм мусулмонлари ва православлари бир сафда туриб ўлкани муғул босқинчиларидан ҳимоя қилишган ва вайрон этилган Гурганж тупроғига бирга бош қўйишган. Православие ҳеч қачон миссионерлик авантюрасини бошламаган, балки барча одамларга муҳаббат ҳисси билан, шунингдек мўминлик ва салимлик руҳи билан тўлиб-тошган — исломнинг асосчиси Муҳаммад айна шу фазилатлари учун христианларни: “Насоралар муҳаббат бобида мусулмонларга жуда яқиндирлар, чунки уларнинг ибодатхоналари ҳамда монастирлари бор ва улар мағрурланиб кетмайдилар”, — деб мақтаган эди.

“Янги замонларда, — деб таъкидлади архиепископ, — айна жонажон Ўзбекистонимизда икки жаҳон дини — ислом ва православиенинг бутун оламга намуна бўлгулик нодир ҳамкорлиги тажрибаси тўпланди”.

Ҳазрат Владимирнинг гапларига кўра, ўтган асрда бу ўлкага Россиянинг аҳоли зич жойлашган, ҳосилсизликдан азоб чекаётган вилоятларидан деҳқонлар кўчиб кела бошлаган. Ўзбекистон мусулмонлари мусибатга учраган бу саргардонларни жуда раҳм-шафқат билан кутиб олишган. Уша кунларни ўз кўзи билан кўрган бир киши шундай гувоҳлик беради: “Маҳаллий аҳоли кўчиб келган бечораларга ҳамдард бўлди, акс ҳолда кўплар очлик ва муҳтожликдан ўлиб кетган бўларди”. Ўтган асрдаёқ мусулмонлар мурувват кўрсатиб, бу ерда православ ибодатхоналари қурилишига ўз маблағларидан хайр қилгандилар. Туркистонда учта қишлоқ черкови бошдан-оёқ мусулмон мурувватпешалар маблағига қурилган. Жумладан, Троицкое қишлоғидаги ибодатхона қурилишига пулни чирчиқлик руҳоний берган. Бу — большевиклар маҳит ва черковларни бузган даврларда омон қолган оз сонли черковлардан бири бўлиб, ҳозир ҳам Марказий Осиёдаги ягона православ эрлар монастирининг ибодатхонаси бўлиб турибди.

Россиялик муруватпешалар ҳам мусулмонларнинг диний эҳтиёжларига кўмаклаша бошладилар. Уларнинг ҳисобидан Қозонда Қуръони карим оммавий нусхада нашр этилиб, унинг кўп қисми Туркистонга жўнатилды. Тошкентдаги машҳур Жоме мачити Россиядан берилган хайр-эҳсонга тикланганди.

Даҳрий коммунистик ақидалардан халос бўлиб, мустақиллик қўлга киритилгач, Ўзбекистонда православ диндорлар учун яна қулай шароит яратилди. Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир: “Ўзбекистоннинг славян аҳолиси ўзи учун жонажон бўлган православиега интила бошлади. Эндиликда православ қавмлари сони большевистик тузумдан аввалги даврдаги сонидан ошиб кетди. Ўзбекистон ҳукумати православлар эҳтиёжлари туғрисида муруват билан ғамхўрлик қилмоқда. Мустақил Ўзбекистонда православ епархия учун ҳатто Россия империяси даврида ҳам рўёбга чиқмайдиган ишларни амалга ошириш имкони яратилди. Президент Ислон Каримов фармойиши билан Тошкентда Ўзбекистоннинг, шунингдек Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистоннинг православ жамоалари диний ҳаётининг учоғи бўлибгина қолмай, балки Ўрта Осиё епархиясининг маърифий, хайрия, бошқарув фаолиятини ташкил қилувчи марказ ҳам бўлиб қоладиган православ Диний-маъмурий маркази учун ҳудуд ажратилиб, уни яратишда жиддий ёрдам кўрсатилди”, — деди.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда олий православ ўқув юрти — Тошкент диний семинарияси очилди, у келажакда бутун Ўрта Осиё епархиясини юқори маълумотли руҳонийлар билан таъминлайди. Бутун Марказий Осиёда энг йирик ибодатхона булмиш Самарқанддаги авлиё Алексей собори қайта тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда 1 миллион 200 минг нафардан зиёд руслар истиқомат қилади.

1995 йилда Тошкентда муҳим анжуман — “Ягона осмон остида ҳамкорликда яшайлик” мавзuida христиан-мусулмон халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида Ўрта Осиё давлатларидан мусулмон ва православ диний идораларининг раҳбарлари, шунингдек БМТ вакиллари ҳамда Жаҳон черковлар кенгаши делегатлари иштирок этишди. Чет эллик анжуман қатнашчилари Ўзбекистондаги динлараро тотувликка таҳсин ай-

тишди. Ушбу конференцияда мусулмон ва православ руҳонийлар раҳбарлари ҳар икки динга эътиқод қилувчиларга қарата мурожаатнома қабул қилишди. Унда, жумладан, бундай дейилади: “Мусулмонлар ва православлар Ўрта Осиёдаги ўз жонажон давлатларида равнақ топаётган, юксак ахлоқий, маънавий маърифатли жамиятларни бунёд этишни ўзларининг умумий вазифалари деб билдилар”.

Ўзбеклар миллий, маданий ва диний соҳалардаги ҳолисоналиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўрта Осиё минглаб йиллар давомида жуда хилма-хил динлар, маданиятлар ҳамда турмуш тарзи ёнма-ён мавжуд бўлиб келган жой бўлган. Шу боис этник тоқатлилик ва бағрикенглик қадим-қадимдан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айланиб қолган.

Ўзбекистоннинг миллий-маданий хилма-хиллиги миллий ўзлигини англашнинг ўсиши ва маънавий тикланиш билан қўшилиб, жамиятнинг янгиланишига, унинг бағрикенглигига қудратли туртки бўлади ҳамда республиканинг жаҳон ҳамжамятига қўшилиши учун қулай шароит яратади.

Мамлакатда демократик сиёсий ислоҳотларни амалга оширишга алоҳида ёндошилмоқда. Ўзбекистон давлат қурилиши модели унинг ҳудудида тарихан таркиб топган жамиятнинг кўп миллатли таркибини сақлаб қолиш ва мустақамлаш ҳамда ушбу омилдан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдек пировард мақсад вазифаларини бажариш ғоясига асосланади.

Ўзбекистон миллий таркибининг ўзига хослиги унинг алоҳида хусусиятидир. Бу жиҳатдан у минтақадаги энг кўп миллатли мамлакатдир. Аҳолининг кўпчилигини — 70 фоиздан зиёдини ўзбеклар ташкил этади. Бироқ бугунги кунда бу ерда кўпдан-кўп миллат ва элатлар истиқомат қилади, бу эса мамлакат раҳбарияти зиммасига барча миллатлар маданиятлари ва анъаналари сақланиб қолишига алоҳида эътибор бериш мажбуриятини юклайди.

Кўп миллатли давлатнинг қарор топиши узоқ давом этган тарихий жараёнлар натижасидир. Тарихий маълумотларга қараганда, бундан 100 йил аввал ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 70 га яқин миллат истиқомат қилган. 30 йил ўтгач, бу рақам 91 гача, 1959 йилда 113 га, 1979 йилда эса 123 га етган. 1989 йилда Ўзбекистонда ўтказилган охириги

аҳоли рўйхати маълумотлари эса Ўзбекистонда 136 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишини кўрсатди.

Миллатлараро муносабатларни йўлга қўйишда миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва қадр-қиммат туйғусини тарбиялаш, миллий тилни, маданиятни ва анъаналарни сақлаб қолиш билангина чекланиш мумкин эмаслигини тажриба кўрсатмоқда. Мамлакатдаги барча миллатларнинг умумий бирлигига ҳам эришиш қоидасига риоя этиш зарур. СССР парчаланиб кетганидан сўнг ташқи ва ички кучларнинг салбий таъсири остида дарз кетган миллатлараро дўстона муносабатлар тикланиши шарофати билан сўнгги йилларда туб бўлмаган миллатлар вакиллари-нинг Ўзбекистондан ташқарига кўчиб кетиши ҳоллари кескин қисқарди. Шу ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш зарурки, мустақиллик даврида мамлакат ҳудудида биронта ҳам миллий ёки миллатлараро можаро рўй бергани йўқ.

Бугунги кунда Ўзбекистонда узига хос миллий турмуш тарзи сақланиб қолди. Ҳозирги пайтда бу ерда 100 дан зиёд миллий-маданий марказ иш олиб бормоқда. Бу марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун 1992 йил 13 январда Ўзбекистонда Байналмилал маданий марказ тузилди. Бу марказ ҳузурида жамоатчилик кенгаши ташкил қилиниб, унга Байналмилал марказ раҳбарлари, миллий-маданий марказларнинг раислари, қатор вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, шунингдек миллатлараро муносабат соҳасида етук мутахассис бўлган олимлар киради.

Байналмилал марказнинг асосий мақсади республикада миллий муносабатларни йўлга қўйиш, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи миллатлар ва элатлар вакиллари-нинг маънавий эҳтиёжларини қондириш бўйича иш олиб бориш, уларнинг урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш, бу ишда амалий ва методик ёрдам беришдан иборат.

Республикада “Халқ бирлиги” жамоатчилик ҳаракатининг марказий кенгаши ҳам иш олиб бормоқда. У миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда миллатлараро ва динлараро муносабатларга ижобий таъсир кўрсатмоқдаки, бу республикадаги барқарорликнинг муҳим омилдир. 1999 йил январида Байналмилал марказ ҳамда “Халқ бирлиги” жамоатчилик ҳаракати Марказий кенга-

ши ҳузурида “Миллатлараро тотувлик — барқарорлик ка-
фолати” доимий семинари иш бошлади. Семинардан
кузланган асосий мақсад турли миллатлар вакилларининг
ижодий салоҳиятини ривожлантиришдир. Ислон Кари-
мовнинг: “Фахрланиш мумкин булган барча нарсани —
мустақиллигингизни, тинчликни, жамиятдаги миллатла-
раро ва фуқаролик тотувлигини сақланг”, — деган сўзла-
ри семинар машғулотларига шиор қилиб олинди. “Асосий
эътибор миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклаш-
га қаратилмоғи лозим. Айни маҳалда миллий ўзликни
англашнинг тикланиши жаҳон гуманистик маданияти
олий мақсадларидан ҳамда умуминсоний қадриятлардан,
кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қоли-
ши мумкин эмас”.

Ҳозирги Ўзбекистондаги ҳақиқий воқелик республи-
када мамлакат Конституциясига кўра, “Ўзбекистон хал-
қи” деб аталувчи ўзига хос ягона тарихий этнографик
ҳамжамият шаклланишидан гувөҳлик бермоқда. Миллат-
лараро ва динлараро тотувлик жамиятнинг ўз-ўзидан юзага
келувчи ҳолати бўлмай, Ўзбекистон давлатининг миллий
сиёсати натижасидир. Бу сиёсатни рўёбга чиқаришда дав-
лат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ах-
борот воситаларининг фаолияти муҳим роль ўйнайди.
Республиканинг ривожланиши давлат нафақат иқтисо-
дий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда, балки турли мил-
латлар ва динлар ўртасида дўстона муносабатларни таъ-
минлашда ҳам етакчи ислоҳотчи бўлиб қолаётганини
кўрсатмоқда.

Ўзбекистон кўп миллатлилиги ва кўп динлилиги шаро-
итида миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан доим
ажралиб турган. Мамлакат оқилона эволюцион, босқич-
ма-босқич иқтисодий, давлат-сиёсий ва ижтимоий исло-
ҳотлар йўлини тутгани бугун кундай равшан. Ўзбек за-
минида истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакил-
лари бир-бирини ўзаро тушунишга ва тотувликка
интилаётгани республикадаги барқарорликнинг ўзига хос
аломатидир. Шу боис “ўтиш даври” деб аталадиган энг
қийин давр осойишта, бузилишларсиз, шок жазавага бе-
рилмай, катта-катта ташқи қарзларсиз давом этмоқда.

“Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғи-
миз — умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва
барқарорлик, миллатлараро тинчлик ва тотувликдир, —

деди Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Мажлисининг XIV сессиясида. — ... Бу йиллар давомида биз эришган энг катта ва энг муҳим ютуқ — аҳолининг фаоллиги ошаётгани, ҳаётимизни ислоҳ этиш ва янгилаш зарурлигига, мамлакатимизнинг келажагига булган қатъий ишончидир”.

Халқаро демократик тамойилларга мувофиқ келувчи, республика фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги барча муаммоларини ҳал этувчи қонунлар базаси ҳам миллатлараро тотувликни сақлашга қумаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида: “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, — деб таъкидланган. Республика Конституциясининг 18-моддасида ҳам миллатлараро муносабатлар анча аниқ белгилаб берилган: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”. Айни маҳалда Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, насл-насаби, ижтимоий ва мулкый аҳволи, ирқий ва миллат мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характерида қатъи назар, тенг сайлаш ҳуқуқини беради. Ўзбекистон барча фуқароларининг қонун олдида тенглиги қондаси ўзбек халқининг республика ҳудудида яшовчи барча миллатлар вакиллари билан муносабатларини уйғун ҳолга келтиришнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи кам сонли этнослар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг давлат концепцияси республика Конституциясининг 4-моддасида аниқ акс эттирилган: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”.

Ҳозир мамлакатда бир миллиондан зиёд қозоқлар, Қозоғистонда эса ярим миллиондан зиёд ўзбеклар истиқомат қилади. Ўзбекистонда 595 қозоқ мактаби бўлиб, уларда 15 мингдан зиёд бола таълим олмоқда. Қозоқ маданиятини ривожлантириш учун республикада барча шароит яратилган. Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Нукус ва

Навоий педагогика институтларида таълим қozoқ тилида олиб бoриладиган бўлимлар ишлаб турибди. Кўп олий ўқув юртлири ва техникумларда қozoқ ёшларидан кириш имтиҳонларини уларнинг ўз она тилларида олиш жорий этилган.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида қozoқ адабиёти кенгаши муваффақиятли иш олиб бoрмоқда. Жиззах вилоят театрида “Коктем” қozoқ театрстудияси ташкил қилинган. Саккиз йилдан буюн қozoқ тилида “Нурлы жол” республика газетаси чоп этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ ўзбек тили давлат тили ҳисобланади. Айни маҳалда Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи этносларнинг тили, урф-одатлари ва анъаналарига нисбатан эҳтиром билан муносабатда бўлиш ҳам таъминланади. Миллий муносабатлар республикада истиқомат қилувчи миллатларнинг умумий маърифий, маданий эҳтиёжларини қондиришни, шунингдек аҳолининг миллий таркибига мувофиқ келувчи таълим ва тарбия тизимини ташкил қилишни тақозо этади. Ҳозир Ўзбекистонда 9461 мактаб ишлаб турибди, шундан 845 тасида ўқитиш рус тилида, 595 тасида — қozoқ тилида, 339 тасида — тожик тилида, 66 тасида — туркман тилида ва 63 тасида қирғиз тилида олиб бoрилади. Республикадаги бошқа халқлар ҳам она тилида таълим олмақда: 27 мактабда корейс тилини, 25 мактабда қрим-татар тилини, 11 тасида татар тилини, тўрттасида — грек тилини, учтасида — уйғур тилини ўрганишади. Битта мактабда ўқитиш немис тилида олиб бoрилади. Бундан ташқари бутун мамлакат ҳудудида 1 миллиондан зиёд ўқувчи немис тилини чет тили сифатида ўрганади. Айни маҳалда кўплаб мамлакатларда ўқитиш икки ёки уч тилда олиб бoрилади. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли педагогика институтлари қozoқ, рус, тожик тилларида ўқитиладиган мактаблар учун мутахассислар ҳам тайёрлайди. Университетларда рус, тожик ва бошқа тилларда ўқитилаётган талабалар маълумот олишмоқда. Жумладан, Самарқанд давлат университетида биология, физика, механика, филология ихтисослари бўйича тожик забон мутахассислар тайёрланмоқда.

Республика оммавий ахборот воситалари фаолияти ҳам кўп миллатли аҳолининг турли-туман эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда оммавий ахбо-

рот воситалари ўз фаолиятини: ўзбек, рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ, қирғиз, инглиз ва корейс тилларида амалга оширмоқда.

1995 йилда Ўзбекистон парламенти тил тўғрисидаги қонунни амалда янгидан қабул қилди. Тил тўғрисидаги аввалги қонун 1989 йилда қабул қилинганди. Ислom Каримов таклифи билан эски қонуннинг аҳоли билан муомала қилиналган соҳаларла банд бўлган кишилар 1998 йилгача давлат тили — ўзбек тилини билишлари лозимлигини кўзда тутган 8-банди чиқарилди. Башарти шу банд сақланиб қолса давлат тилини билмайдиган киши бирон-бир лавозимни эгаллай олмасди. Ислom Каримов ва унга эргашиб, парламент ҳам давлат тилини ушлаштирамаганлиги туфайли эгаллаб турган лавозими, мансаб пиллапояларидан кутарилиш, жамоат ва давлат ҳаётида иштирок этишга тааллуқли ҳар қандай чеклашларни бекор қилди. И. Каримов гапига кўра, Ўзбекистонда бундай чеклашлар бўлмаслиги керак.

Маълумот олиш соҳасида тил билан боғлиқ камситиш бекор қилинди. Таълим тўғрисидаги қонунга давлат тилини билмайдиган одам маълумот олиши мумкин эмаслигига ҳар қандай, ҳатто билвосита ишорани ҳам йўққа чиқарувчи жуда жиддий тузатишлар киритилди. Шу сабабли ҳозир бу ерда кам сонли миллатларнинг, шу жумладан русларнинг ҳуқуқлари қандайдир тарзда камситилаётгани тўғрисида ҳеч ким Ўзбекистонга таъна қилолмайди.

Мамлакат раҳбариятининг давлат сиёсати миллатчилик, ирқчилик, геноцид, халқларни зўрлик билан чиқариб юбориш ёки бошқа жойларга кўчириш, ўзга халқлар ҳуқуқларининг камситилиши ва ассимиляция сиёсатини тула-тукис инкор этади. Республика Конституциясининг 57-моддасига мувофиқ “конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади”.

Миллатлараро ва динлараро тотувлик тарихан ўзбекларга хос хусусиятдир. Президент Ислон Каримов мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қола олди, миллатлараро тотувликка эриша олди.

Ўзбеклар замини орқали кўҳна карвон йўллари ўтган. Мамлакатлар ўртасидаги савдо ва маданий алоқаларда бу замин ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилган.

Бугунги кунда мамлакатда барқарор миллатлараро тотувлик қарор топтирилгани биринчи навбатда, Ислон Каримовнинг хизмати дир. У Ўзбекистон Президенти бўлганида: “Адолатли жамиятда яшамоқчи эканмиз, бошқа халқлар вакиллари манфаатларини ҳам муҳофаза этишимиз, уларга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз зарур. Ўзимиз шунча йил зулм кўрганимиз етади. Энди бошқаларга зулм ўтказсак, ота-боболаримизнинг руҳларини безовта қилган бўламиз. Шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон, агар у — бизнинг Ватанимизни, тупроғимизни худди биз каби муқаддас билса, Ўзбекистон фуқароси деб саналишга лойиқ”, — деб очиқ айтганди.

Унинг шу мавзудаги бошқа бир гапи қўйидагича дир: “Мен руслар, белоруслар, украинлар билан суҳбатлашганимда (бизда эса русийзабон аҳоли вакиллари кўпчиликни ташкил қиладиган йирик корхоналар бор) одамлар тотув, лекин хавотирда яшаётганларини кўраман. Мен буни тан оламан. Улар нафақат Ўзбекистондаги, балки МДҲдаги воқеаларни ҳам кузатиб боришади. Мен бир нарсани таъкидлайман: сизлар ҳам мамлакатимиздаги юздан зиёд бошқа миллат одамлари сингари Ўзбекистон фуқароларисизлар, ҳаммангиз тенгсизлар. Агар миллатчилик кайфиятлари, зулм қилишга уринишлар зоҳир бўлса, мен келиб қаторингизда тураман. Мен қандайдир маъмурий чоралар билан ҳаммани ҳимоя қила олмайман. Лекин бизда Конституция қабул қилинган, бизда фуқаролик тўғрисида демократик қонун қабул қилинган — келинлар уларни ҳаётга татбиқ этайлик. Келинлар, агар лозим бўлса, “бўйинини чўзадиганларнинг қатъият билан танобини тортиб қўяйлик”.

Фарғона ва Ўшдаги фожиали воқеалар гувоҳи бўлган Ўзбекистон халқи диний ва миллатлараро адоват қандай ҳалокатга олиб келиши мумкинлигини биринчилардан бўлиб кўрди ва англади. Ижтимоий-сиёсий қарама-қар-

шилиқ, нигилизм, асрлар давомида заҳмат билан жамланган барча ютуқларни экстремистларча инкор этиш, ҳокимиятга митинглар йўли билан тазйиқ ўтказиш эски сиёсий тизимдан қолган кескин муаммоларни янада кучайтириб юбориш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳокимиятни қўлга киритиш учун мамлакатни миллий ҳалокат ёқасига келтириб қўйиши мумкин бўлган турлитуман сохта ватанпарварлар ва сиёсатбозларнинг сафсатабозлиги ҳалокатли эканини англади.

Ўзбекистон миллий давлатчилиги қарор топаётган энг оғир даврда Ислом Каримов турли экстремистик кучлар йўлига ва жамиятни сиёсий, диний, миллий ва бошқа белгилари бўйича пароканда қилиш таҳдидлари йўлига мустаҳкам тўсиқ қўя олди.

Каримовнинг миллий сиёсатига ГФР Президенти Роман Герцог юқори баҳо берди. Унинг сўзларига қараганда, Ўзбекистонда ҳокимият ушбу мамлакатнинг немис аҳолисига нисбатан олиб бораётган сиёсат, бу аҳолига чиқиб кетиш эркинлиги ҳам, шу ерда қолгани ҳолда ўз миллий ўзлигини сақлаб қолиш имконияти ҳам берилганлиги эҳтиромга лойиқдир.

Исроилнинг собиқ бош вазири Шимон Перес ҳам Президент Каримовнинг миллий сиёсати тўғрисида шу каби юқори фикрда. У 1994 йил августда Ўзбекистонда Исроил ҳукумати бошлиғи сифатидаги ташрифидан сўнг бу мамлакатда антисемитизмнинг бирон-бир кўриниши йўқина эмас, балки, аксинча яҳудий маданияти ва динига чуқур ҳурмат кўрсатилаётганини, яҳудийлар Исроилга жунаб кетаётганида зарур кўмак берилаётганини айтган.

Республика ҳукумати турли конфессияларнинг диний ташкилотлари ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатилишига кўмаклашмоқда. Жумладан, 1996 йил кузида Рус православ черкови Ўзбекистон ҳукуматининг мадади билан Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллик юбилейини нишонлади. Шу муносабат билан ўтказилган тантаналарда Москва ва бутун Русь патриархи Алексей II шахсан иштирок этди. 1998 йилда Ўзбекистондаги Инжил-лютеран черкови узининг юз йиллигини нишонлади. Ҳар икки тантананда ҳам Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча конфессиялар вакиллари иштирок этишди. Бундан ташқари, республикада Навруз, Руза ҳайит ва Курбон ҳайит, Пасха ва бошқа кўплаб диний ҳамда мил-

лий байрамлар умумхалқ тантаналари сифатида нишонланмоқда. Бу ерда бошқа конфессияларнинг байрамларида турли динлар вакилларининг иштирок этиши ажойиб анъанага айланиб қолди.

Айни маҳалда, расмий статистикага кўра, бугунги кунда кўплаб этник ўзбеклар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида истиқомат қилмоқда. Чунончи, Тожикистонда жами аҳолининг 24,4 фоизини, Қирғизистонда — 13,8 фоизини, Туркманистонда — 9 фоизини, Қозоғистонда эса 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил қилади.

Ўзбек давлатчилигига 2700 йил аввал Хоразм воҳасида асос солинганди. Ўзбекларнинг миллий давлатчилиги тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Эрон сингари кўҳна давлатлар тарихи билан ёнма-ён туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигини, унинг қудрати ва қадимийлигини ифодалайди. Икки минг йил аввал яшаб ўтган Рим тарихчиси Помпей Трог туркий халқларнинг аждодлари тўғрисида: “Бақтрлар, сугдлар ва хоразмийлар ўзларининг келиб чиқиши қадимийлиги жиҳатидан мисрликлар билан рақобатлаша оладилар. Улар меҳнатда ҳам, жангда ҳам ўзларини аяшмайди, жисмоний жиҳатдан фавқулодда кучлидирлар. Улар ўзларига ҳақли суратда тегишли бўлган нарсани беришни асло истамайдилар. Улар фақат ғалабани кўзлашадилар” — деб ёзган.

Ўзбек халқи азалдан жамоа бўлиб яшашга ўрганган. Бу халқ тўйда ҳам, азада ҳам бирга. Ўзбеклар яқин қариндошлари, қўни-қўшниларидан хабар олиб туришни асло унутишмайди. Кексаларга доимо эҳтиром кўрсатилади. Бу ерда норасидалар, бечоралар, етим-есирлар тўғрисида муқаррар равишда ғамхўрлик қилишади. Бироқ ўзбек миллий характериға хос бўлган жамоачилик шўро жамоачилиги билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган. Ўзбек жамоачилиги ижтимоий ҳаётнинг барча даражалари ва соҳаларида: турмушда, ишлаб чиқаришда, иқтисодиётда ва сиёсатда кўзга ташланиб туради. Ўзбекистонда одамлар бир-бирлари билан норасмий алоқалар ила боғланиб кетган. Улар бирдамлик туйғусидан илҳомланиб, ўз меҳнати ва маблағини тенглик ва адолат асосида умумий ишга сарфлашади, бу юксак инсоний қадр-қиммат ва ахлоқ белгисидир. Одамлар кўпроқ мустақилликка ҳамда бирон-бир жамоат мажбуриятини бўйинга олмасликка мойил

булган Европадаги бирон-бир халққа бундай миллий хусиятлар хос эмас.

Маҳалла тартиботи ўзбек жамоачилигининг негизидир. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни ташкил қилишнинг бу шакли ҳатто ўзбеклар тарихидаги энг оғир паллаларда ҳам сақланиб қолиб, асрлар оша шу кунгача етиб келди. Маҳалла тартиботига бир неча ўн авлодларнинг бебаҳо тажрибаси асос бўлган.

Маҳалла — арабча сўз бўлиб, савдогар-хунармандлар жамланган жойни билдиради. У X асрдаёқ мавжуд бўлган, ўша пайтда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарларда айрим маҳаллалар шу қадар эътибор топган эди-ки, улар шаҳарнинг мустақил қисми деб ҳисобланиши мумкин бўлган. Маҳаллага таниқли шахс — умумий йиғилишда сайланадиган шайх ёки юзбоши раҳбарлик қилган. Бунинг устига ҳар бир маҳалланинг ўз жамоатчилик маркази — гузари бўлган, у ерда кукаламзорлаштирилган жойда маҷит ва чойхона бўлган. Маҳалладошлар турли жамоа ишлари учун зарур бўлган умумий асбоб-ускунага эга бўлган.

Масалан, Тошкентда 1865 йилда 140 маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 76 мингдан зиёд киши яшаган. XX асрнинг 20-йилларида Тошкентдаги маҳаллалар сони 280 га етган, бугун эса улар 300 дан зиёд. Аслида, Ўзбекистондаги бошқа шаҳарларда ҳам, уларнинг аҳолиси ва ҳудудига яраша, шундай манзара мавжуддир.

Шўро ҳокимияти йилларида ўзбекларнинг кўплаб анъанавий ижтимоий тузилмаларини йўқотишга интилган коммунистик режим маҳаллага қарши курашда чекинишга мажбур бўлди. 20-йиллар охирида бошланган маҳаллага ҳужум 1938 йилда тўхтатилди. Коммунистлар унинг ўзбеклар ижтимоий ҳаётидаги муҳим ролини тушуниб, маҳалла янги социалистик тузилмаларни тўлдиргани ҳолда, улар билан ёнма-ён яшаши лозим, деган хулосага келишди.

Маҳалла тарихи ва социслогиясини ўзбекларнинг миллий характерини кўп йиллар давомида тадқиқ этган америкалик профессор Д. Карлайл “Ўзбекистон ва Ўрта Осиё. Ўтмиш ва ҳозирги замон бор буй-басти билан” китобида: “Ўзбеклар психологиясида жамоачилик аломат тарзда индивидуализм билан қовушиб кетган. Ўзбеклар амалий ишни яхши кўрадилар, томошабинликни эмас, балки фаол ҳаёт кечиришни афзал кўрадилар. Ҳаётнинг моддий, пул жиҳатларига қизиқиш улар учун тугал ҳаётий қадрият

эмас, бироқ фаолият мақсадини ҳам, мазмунини ҳам етарли даражада белгилаб беради. Ўзбеклар ишнинг муваффақиятига умид боғлаган ҳолда маҳрумликларга ҳам чидашга қодирлар. Улар юксак интизомлилик билан ҳам фарқланиб туришади. Ўзбек миллий характеридаги бу барча хусусиятлар мамлакат иқтисодий ҳаётини бозор йўналишида модернизация қилишнинг уддасидан муваффақият билан чиқишининг салмоқли кафолатидир. Бу фақат оғизда, курсатмаларда ва декларацияларда бўлмай, балки амалда бўлади”, — деб ёзганди.

“Ўзбекларда, — деб ёзади жаноб Карлайл, — алоҳида илоҳий жасорат ва мардлик бор. Ор-номус учун қурбон талаб қилинган оғир дамларда улар билан ҳеч ким тенг бўлолмайди. Ўрта Осиёга сургун қилинганда ўзбеклар билан ёнма-ён яшаган чеченлар ўзбекларнинг жангга киришдаги мардлиги ва вазминлигига ҳар қандай чечен ҳавас қилиши мумкин, деб ҳисоблашади”.

Марказий Осиё муаммолари бўйича бошқа мутахассис — юридик фанлари доктори Леонид Левитин жаноб Карлайл фикрларини тўлдириб бундай ёзади: “Ўзбекларга мушфиқлик ва ўзаро ёрдам ҳисси ғоят хосдир, улар ҳеч қачон қўшниларини кулфатда ёлғиз қўймайди. Ёрдам сўраб келган бирон зотни кулфатда ёлғиз қолдирмайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон уруш сабабли ошиёнидан маҳрум бўлган юз минглаб одамларга ўз еридан бошпана берди, қалб кўрини бахш этди, қорнини тўйғазди ва бу билан қалби кенглигини оламга намойиш этди. Таниқли ўзбек шоири Фафур Фуломнинг уруш Ўзбекистонга улоқтирган болаларга қарата айтган:

“Чучима жигарим,

Ўз уйингдасан,

Бу ерда на ғурбат, на офат, на ғам.

Бунда бор: ҳарорат, муҳаббат, шафқат”, — деган ғоят самимий қалб сузларини унутиб бўладими.

Ҳозир Тошкентдаги Халқлар дўстлиги майдонида ўзбек халқи меҳмондўстлиги ҳамда меҳрибонлигининг рамзи бўлган ажойиб ёдгорлик мавжуд. Бу ҳайкаллар гуруҳида болалар қуршовидаги кексайган ўзбек эркак ва аёл тасвирланган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида тошкентлик темирчи уста Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри 14 етим болани ўз бағрига олган. Улар ораси-

да руслар, украинлар, молдованлар бўлган ва ўша меҳрибон зотлар бу болаларнинг ҳаммаси учун ҳам ота, ҳам она бўлиб қолишган. Қалб қўрини етим болаларга берган ўша кекса темирчи уста ҳам, унинг хотини ҳам ҳаётдан кўз юмиб кетишган. Бироқ Ўзбекистонда уларнинг хотираси муқаддас саналади. Уларнинг уйи жойлашган кўча Шомахмудовлар номи билан юритилади. Улар тўғрисида фильм суратга олинган, китоблар ёзилган. Жасоратлари ҳайқалда муҳрланган.

Ўзбекистонда оила ижтимоий ҳаётнинг муқаддас даргоҳи ҳисобланади. Ўзбек халқи: “ота рози — худо рози”, — дейди. Бу муқаддас қоида ўзбек оиласида ҳозир ҳам ҳукм суради. Шу ерда жаноб Левитиннинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли: “Оилада риоя қилинадиган бундай муқаддас одатни архаизм деб ҳисоблайдиганлар фарбда кўп. Бироқ оила мақомининг тушиб бораётган обрў-этиборини кўтаришга даъват этаётганларнинг овози тобора баланд чиқмоқда. Одамларга бир-бири билан оила ўрнини босувчи боғлиқлик туйғусини сингдираётган диний секталар ва турли-туман диний гуруҳлар авж олаётгани жамоатчиликни тобора кўпроқ ҳавотирга солмоқда. Башарти Фарбда оила масаласида ақл-идрок ғалаба қилса, у ҳолда ўзбек оиласи у ерда тақдир қилишга лойиқ намуна бўлиб қолиши мумкин”.

“Инсонга муҳаббат ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган”, — деб ёзилган эди қадимги тарихчилар. Ўзбеклар ҳеч қачон ўзларини бошқа халқлардан юқори қўйишмаган, бошқа миллатларга, бошқа дин кишиларига доимо ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Бу халқда она заминга муҳаббат илоҳийлаштирилган. Шунинг учун ҳам ўзбеклар ҳеч қачон юртини ўз ихтиёри билан тарк этишмаган.

Ўзбек халқи жуда меҳмоннавоз ва сабр-тоқатлидир. Ўзбеклар бошқаларга нисбатан ҳам тоқатлидирлар. 80-йиллар охири — 90 йиллар бошида Болтиқбуйи ва Кавказ республикаларида миллатчилик авж олган бўлса, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик бардавом бўлиб, одамлар миллий ёки диний белгиларига кўра ажратилмаган. Кенг миқёсли ислоҳотлар даврида мамлакатда иқтисод, сиёсат соҳасида, ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқларнинг бари миллатлараро ва ижтимоий тотувлик таъминлангани билан тубдан боғлиқдир.

“Биз ҳамиятли киши миллатчи бўлмаслигини яхши англаймиз. Ўз кучига ва ўз келажагига ишончи комил бўлган халқнинг бағри кенг бўлади. Ўзбеклар қонида бошқа халқларга нисбатан қардошларча муносабат бўлгани учун Оллоҳга шукрлар айтамиз. Республикада яшаб турган барча миллат ва элат вакилларига адолат билан муносабатда бўлиш, уларга ғамхўрлик қилиш бизда ахлоқий бурчга айланиб бормоқда. Озодликка чиққан, мустақилликни қўлга киритган халқ бошқаларга зулм қила олмайди, уларни таҳқирлаш ва камситишга йўл қўя олмайди. Биз — ўз қадрини билган халқмиз, биз ўз кучига ишонган халқмиз, биз бошқаларга ҳамдард бўла оладиган озод халқмиз”, — деди Президент Ислоҳ Каримов.

Ўзини ўзи жамоа негизида ижтимоий уюштира билиш тарихан ўзбек халқига хос хусусиятдир. У оила манфаатлари устунлигида, аҳоли ҳаёт фаолиятининг жамоавий хусусиятига содиқликда, маҳалла тартиботини асраб-авайлаш ва мустаҳкамлашдагина намоён бўлмай, жамиятнинг бутун ижтимоий тузилмасига ҳам ўз муҳрини босади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг амал қилиб турган кўплаб шакллари ҳам жамоа хусусиятига эга. Ўзбекистоннинг ўзини ҳам ўзаро ҳурмат-эҳтиромсиз ва мустаҳкам тартиб-интизомсиз, ўз мажбуриятларини қатъий бажармай ва ўзаро ғамхўрлик кўрсатмай бадавлат ва муносиб ҳаёт кечириб бўлмайдиган жамоа, катта оила деб ҳисоблаш мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос йўлни танлагани миллий-тарихий турмуш тарзини, фикрлаш тарзини, халқ анъаналари ва маҳаллий аҳоли урф-одатларини ҳисобга олиш билан муайян даражада боғлиқдир.

Жамиятни бошқаришда ўзбекларнинг ўз демократик тартиб-қоидалари мавжуд. Кўплаб маиший масалалар асрлар давомида маҳаллада ҳал этилган, миллий удумлар ва бошқа маросимлар шу ерда ўтказилган. Сиёсат, иқтисодиёт масалаларига оид жамоатчилик фикри шу ерда шаклланади ва ҳоказо. Шунинг учун Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга оширишда маҳалла ишончли таянч ва амалий восита бўлиб қолди.

Инсоният тамаддуни тажрибасидан маълумки, дунёнинг ҳар қандай давлатида барча демократия тартиб-қоидалари орасида одамлар турмушининг илк поғонаси-

да ташкил қилинган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш энг кўҳна, бой ва шонли тарихга эга. Амалда барча мамлакатлардаги ижтимоий онгда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳамияти ва юксак демократик қадрияти қарор топган. Маҳаллий ҳамжамиятлар инсон табиатига тула равишда жавоб бера оладиган ягона уюшмадир. Чунки ҳамма жойда одамлар маҳаллий ҳамжамият — жамоа бўлиб тупланадилар.

Ўзбеклар маҳаллий ўзини бошқаришга қадимдан сadoқатлидир — маҳалла халқнинг бутун куп асрлик тарихи давомида шаклланган. Маҳалланинг ҳар бир аъзоси фақат шу ерда туғилгани учунгина эмас, балки маҳаллий ҳамжамиятни эркин ва кучли корпорация деб билгани ва ўзини унинг бир қисми деб ҳисоблагани учун ҳам унга ихлос кўяди. Маҳаллий жамоа оғир кунда ҳеч қачон ёлғиз қолдирмаслигига маҳалла аъзосининг ишончи комил. Шу боис у маҳаллани бошқаришга бутун куч-қудратини сарфлайди ва агар зарур бўлса ундан меҳнати ва мол-давлатини ҳам аямайди.

Маҳалла республикада миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашади. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли этнослар вакилларининг ўзига хос миллий манфаатлари ҳам маҳаллий ҳамжамият доирасида ифодаланади. Бу нарса мамлакатдаги барча этник гуруҳларнинг ўзига хос миллий анъаналари ва урф-одатлари сақланиб қолиши ва ривожланишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Президенти маҳалланинг жамиятдаги муҳим ролини эътиборга олиб, 1992 йил 12 сентябрда ва 1994 йил 23 августда чиқарган икки фармони билан муҳтожларга ижтимоий ёрдам курсатиш, ижтимоий тенглик, инсоний қадр-қимматни таҳқирламайдиган турмуш шароитини таъминлаш сингари гуманистик гоёларни амалга оширишда маҳаллага мутлақ имконият ва ваколат берди. “Агар маҳалла жамиятимизда муносиб ўрин эгалласа, агар маҳаллада тинчлик ва осойишталик бўлса ҳамма нарсага кучимиз етади”, — деди Ислом Каримов.

ДИКТАТОРМИ ЁКИ ДЕМОКРАТМИ?

Президент Ислом Каримов ким ўзи — диктаторми ёки демократми? Бу саволга жавоб бериш учун айрим машҳур кишиларнинг Ўзбекистон раҳбари тўғрисида айтган гапларига мурожаат этайлик. Улардан бири — таниқли шўро ёзувчиси, ҳозирги вақтда Қирғизистоннинг Брюсселдаги элчиси, Марказий Осиё республикалари менталитетини ҳам, минтақадаги ҳақиқий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий вазиятни ҳам яхши биладиган Чингиз Айтматов. Ислом Каримовга бағишланган “Таниқли портретга чизгилар” бадиясида Айтматов бундай деб ёзади: “У мамлакатнинг сиёсий қувватини ҳосил қилгани ҳолда қанчалик кишилар кўз ўнгида бўлмасин, бундай инсон — Ўзбекистон Президенти Каримов тўғрисида контекстдан ташқарида, яшаб турилган давр аҳволдан ташқарида, бошқача айтганда, долзарб муаммолардан ҳамда ҳозирги замон воқелиги манзарасини вужудга келтираётган бўҳронли ҳодисалардан ташқарида туриб фикр юритиб бўлмайди.

... Ислом Каримов — ушбу экстремал давр етакчиси. Унинг муҳим ўрни шунда, унинг тажрибасининг қиммати шунда. Қайта қуриш давридан кейинги шу беқарор нотинч даврда у ўзбек жамиятида барқарорлик ва ишончни юзага келтира олди, халқ олдида миллатни ўз кўз олдида юксалтирадиган улкан мақсадлар ва вазифалар қўя олди”.

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел эса бундай деб таъкидлади: “...Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин мамлакат раҳбарияти бош мақсади жаҳон ҳамжамиятига тенгларча киришдан иборат бўлган демократик тамойилларга асосланган давлат қуришини баён қилди. Шу боис барча демократик давлатларнинг ҳукуматлари Ўзбекистонга ҳар томонлама

ёрдам курсатмоқда. Ҳеч ким Ўзбекистонга демократиянинг бирон-бир моделини тикиштира олмайди. Чунки демократик тизим биринчи навбатда, жамият хусусиятларини, унинг анъаналари ҳамда бутунги ҳаётини акс эттириши лозим”.

Марказий Осиё муаммоларига ихтисослашаётган америкалик таниқли сиёсатшунос, БМТ маслаҳатчиси, Гарвард университети профессори, “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” китобининг ҳаммуаллифи Дональд Карлайл ёзади: “Каримов давридаги Ўзбекистонни таҳлил қилиш учун ғарб тарихи тажрибасидан фойдаланиш — жиддий хато. Ғарб тажрибасини мутлақо эътиборга олмаслик керак эмас, албатта. Бироқ таассуфки, ғарб сиёсий ва академик доиралари менсимаётган ҳақиқат шундан иборатки, Ўрта Осиё тарихининг ҳозирги босқичида бизнинг тавсияларимиз ҳамда хулосаларимиз уринсиздир ва, ҳар ҳолда, уларга ҳали вақт бор. Ғарб демократик моделини, унинг Ўрта Осиёда зарурлиги тўғрисидаги бир андозадаги тегишли мулоҳазалар на демократияга, на тараққиётга олиб келадиган тасодифий ҳодиса бўлмаса ҳам, хавfli бўлиши мумкин. <...>

Каримовнинг танлаган йўли, унинг АҚШдаги айрим танқидчилари таъкидлаганидек, унинг шахсий инжиқлигига, унинг шахсиятига хос хусусиятларга асосланган эмасди. Бу танлов ҳатто жамоат тартибини беқарорлаштириш хавфини солувчи муаммолардан ҳимояланиш чораларигина ҳам, анархия ҳам эмасди. Бу шарт-шароит мажмуасига жавоб эди, илдизи замонлар тажрибасига асосланган миллий маданият заминига таянган батартиб жавоб эди”.

ГФР Президенти Роман Герцог Ўзбекистонга 1995 йилнинг апрелидаги давлат ташрифи натижалари бўйича ўз интервьюсида, жумладан, бундай деганди: “Биз Ўзбекистонда демократик жамиятга йўл бошланганини кузатмоқдамиз. Президент Каримовнинг мамлакатда ижтимоий ҳаётнинг демократик тартиботини бунёд этишга дадил ҳаракатлари шахсан мен учун шубҳасиздир. Ва бу жиҳатдан Ўзбекистонда ишнинг аҳволи, масалан, Қозоғистондагидан кўра, шубҳасиз, яхши”.

Сўнг жаноб Герцог таъкидлади-ки: “Ўзбекистон демократия ва плюрализм йўлини қатъий танлади. Ўзбекистон танлаган йўл тўғри йўл эканлигига биз аминмиз. Биз

ҳоқимиятнинг бу йўналишда ҳозирча эҳтиёткорлик билан ташлаётган қаламини зур хайрихоҳлик билан кузатмоқдамиз”.

Мана бу эса Ўзбекистондаги демократия тўғрисида Каримовнинг ўзи берган баҳо. Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлис депутатлари ҳузурида нутқ сузлаб, у: “Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар яшашга уринишлар ғоят нохуш, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади”, — деди.

Бугунги кунда кўплаб ғарблик экспертлар мустақил Ўзбекистон мамлакатда замонавий демократияни қарор топтириш йўлидан изчил бораётганини қайд этишмоқда. Одатда, демократияни энг аввало, давлатнинг характерли хусусиятлари билан боғлашади. Чунки “демократия” сузининг ўзи “халқ ҳоқимияти”ни, яъни кўпчилик томонидан ҳамда жамиятнинг кўпчилики аъзолари учун урнатилган ҳоқимиятни билдиради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида давлатнинг сиёсий мақоми қуйидагича белгиланган: “Ўзбекистон — суверен демократик давлат”. Конституциянинг 2-моддасида эса: “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар”, — дейилган. 7-моддада эса, ўз навбатида: “Халқ давлат ҳоқимиятининг бирдан-бир манбаидир”, — деб ёзиб қуйилган.

“Биз ўзимиз учун қатъий ҳулоса чиқариб олдик: демократик жамият, бозор иқтисодиёти сари бошланган ҳаракатнинг ортга қайтмаслиги ва барқарорлиги унинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга бевосита боғлиқдир, — деб таъкидланади Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида. — Мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлгандагина эски, ўз умрини яшаб бўлган тузумни тўла ишонч билан қайта қуриш ривожланган юқори самарали бозор иқтисодиётига эга янги жамиятни қуриш мумкин бўлади. Қонуннинг устунлиги бизнинг ислохотлар моделимиздаги етакчи тамойилдир. У ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади”.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги ўзбек халқининг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган миллий қонунчиликни яратиш жараёнига қудратли туртки берди. Бугун умуман республика демократиялаш ва тараққиёт, ижтимоий-иқтисодий нелоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан эркин ривожланишнинг мустақкам ва ишонган ҳуқуқий асосига эга, деб чучимай айтиш мумкин.

Ўзбекистоннинг ўзига хослиги, жумладан, шундан иборатки, агар америкача демократияда индивидуализм кўпроқ бўлса, Ўзбекистонда бироз бўлакча меъёрлар, яъни жамият манфаатлари билан яшашга одатланилган. Ҳатто юксак ривожланган Японияда ҳам демократия ўзига хосликка эга бўлиб, у Европадаги етакчи мамлакатлар демократиясига мутлақо ўхшамайди.

Айни маҳалда ғарбдаги айрим мамлакатлар ва ташкилотлар, шу жумладан АҚШ ва ЕХХТ Ўзбекистондаги демократия даражасини танқид қилишмоқда ҳамда демократик жараёнларни жадаллаштириш ҳақида турли маслаҳатлар беришмоқда. Бунда улар: бирон-бир давлатга ўз демократияси моделини зўрлаб тиқиштириб бўлармикан, деб асло ўйламаяптилар. Ғарб ҳуқуқ ҳимоячиларининг танқиди баъзан ақл бовар қилмас даражага етмоқда.

Ғарбдаги мамлакатларда айниқса, ҳуқуқ ҳимоячилари қандайдир бир қолипга тушиб қолганлар-у ундан чиқиш қийин бўлмоқда, шекилли. Нима учундир шўролар тузумидан кейинги маконда ҳатто тугуруқсиз бўлса ҳам мухолифатнинг пайдо бўлишини Ғарбда демократиянинг асосий кўрсаткичи деб ҳисобланади. Уларнинг фикрича, мамлакат кўчаларида намойишчилар тўда-тўда бўлиб юришса, бу — демократия аломати. Улар ҳатто, бундай “фаоллик” мамлакатдаги иқтисодий бўҳрон ва ҳукумат таназзули эмасми, у номатлуб оқибатларни келтириб чиқармайдими, деган масала билан қизиқишмайди ҳам. Ғарблик ҳуқуқ ҳимоячиларининг назарида, шўролардан кейинги макондаги бирон-бир республикада осойишталик ҳукмрон бўлса, ҳеч қанақа митинг ва намойишлар ўтказилмаётган бўлса, демак, ҳатто бу осойишталик иқтисодий барқарорлик ва мамлакат раҳбариятининг доно иқтисодий сиёсати билан боғлиқ бўлса-да, у ерда демократия йўқ. Кимдир ўзини мухолифат деб эълон қилдими,

бас шу заҳотиёқ у ҳатто ўта радикалист ёки диний мута-
ассиб бўлса ҳам Фарбнинг дўстига айланади-қолади.

Фарбдаги мамлакатларнинг ўзи эса бундай одамларни мухолифат деб ҳисобламай, сиёсий экстремистлар, деб аташади. Ўша демократик Фарб ўлчовига кўра, мухоли-
фат аниқ дастурга, шу жумладан иқтисодий дастурга ҳам эга бўлиши, ҳокимият билан амалий ҳамкорлик қилиши ва улар билан демократик методлар ила мухолифлик қили-
ши, қарама-қарши турувчи сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлар эса ўзаро ҳурмат ва сабр-тоқатга асослани-
ши даркор. Бироқ фарбдаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи таш-
килотлар ўзини мухолифат деб атовчи кишилар мамла-
катдаги конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгарти-
ришга интилаётган ҳамда “Ҳамма нарса йўқолсин” — қабилдаги шиорлар билан чиқаётган бўлса,
мухолифат билан ҳокимият ўртасида мулоқот қилишнинг асло иложи йўқлигини тушунишни истамаяптилар.

Бугунги кунда Фарб радикал ўзбек мухолифати нима-
дан иборатлигини тушуниб олишни хоҳламаяпти. 1992
йил 16—17 январда Тошкентда бўлиб ўтган воқеалар Ис-
лом Каримов радикаллар билан дўстона мулоқот олиб
бориш имконига эга эмаслигини кўрсатди. Радикал му-
холифат раҳбарлари қутқуси билан бошланган талабалар
чиқишлари жаҳолати ҳамда бемаъни ғазабноклиги билан
республикани ларзага солди. Фарғона ва Кўконда бўлиб
ўтган қонли воқеалар шарпаси Тошкент узра кезиб юрди.
Талабалар намоёнлиги оммавий тартибсизликка, ур-йиқит-
ларга айланиб кетди ва оқибатда одамлар қурбон бўли-
шига олиб келди. Тартиб ўрнатиш учун вақтида куч иш-
латилмаганида, оқибат янада аянчли бўлиши мумкин эди.

Тошкентда ҳукуматга қарши кампанияда мухолифатга
алоқадор оммавий ахборот воситаларидан ҳам фойдала-
нилди, улар гиж-гижлашни ўрнига қўйишди. Радикал-
ларнинг фикрича, талабалар содир қилган тартибсизлик-
ларнинг сабаби маиший камчиликлардир. Бироқ талаба-
ларнинг ғалаёнлари олдиндан тайёрлаб келинганлиги
ҳамда мухолифат томонидан қўзғатилганлиги кейинча-
лик маълум бўлди.

Республика сиёсат майдонида 80-йиллар охири — 90
йиллар бошида, яъни Ўзбекистондаги сиёсий миллатчи-
лик авжига чиққан даврдан пайдо бўлган радикал ўзбек

мухолифати кўпчиликни ташкил қилмайди. Уни халқ жиддий қўллаб-қувватламаган ва ҳозир ҳам шундай, бинобарин, аҳолининг бирон-бир ижтимоий қатлами манфаатларини ифодаламаслиги табиий. Ҳокимиятга қарши асосан ўзини ранжитилган деб ҳисобловчи коммунистлар ва радикал демократлар бирлашган эди. Ҳокимият тепасига Ислоҳ Каримов келгач, илгари ўзбекларнинг миллий ва диний ҳис-туйғусини ишга солиб, гадамислик қилиб юрган бу одамлар нуфузли мансабларидан, ижтимоий мақомларидан айрилишди ва энг асосийси, уларни ҳеч ким йўқламай қўйди. Шу боис мухолифатнинг бутун фаолияти умуман ҳокимиятга қарши эмас, балки шахсан Президентга қарши қаратилди.

Ўзбекистон раҳбарияти мухолифат сиёсий муросага келармикан, деган фикрда уни кўп бор мулоқотга чорлади. Мурасаи мадоранинг асосий шarti — мухолифат амалий позицияни эгаллаши, ўзининг радикал қарашларидан воз кечиши эди. Бироқ мулоқот қовушмади, мухолифат эса маърифатли қиёфа касб этиш ўрнига ислоҳ экстремизми ва бошқа тугуруқсиз кучлар билан бирлашиб кетди. Оқибатда буларнинг бари радикал ўзбек мухолифатини қонундан ташқари ҳолатга солиб қўйди.

Тожикистон, Грузия ва МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги воқеалар ривожини даставвал инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини, кейин эса унинг бошқа, шу жумладан демократик эркинликка бўлган ва ҳоказо ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоялаш зарурлигини кўрсатди. Инсон ҳаётисиз на ҳуқуқ, на демократия мавжуд бўлади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг Афғонистон билан чегаралош туманларида ёки ислоҳ экстремистлари кескинлик манбаига айлантиришни истаётган Фарғона вилоятида истиқомат қилувчи барча кишилар учун суз эркинлиги ёки бошқа демократик тамойиллар эмас, балки ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш биринчи ўринда турибди. Бу одамлар учун ҳозирча қўрқувдан ҳалос бўлиш энг асосий эркинликдир. Фарбдаги ҳуқуқ ҳимоячилари ҳамда демократия мафкурачиларининг бугунги ёндошувлари тузатилишга муҳтождир. Бунинг сабаби оддий — деярли ҳар ҳафта жаҳоннинг турли бурчакларида кескинликнинг янги-янги манбалари вужудга келаётган экан, ўз хонадониди ҳамда ўз шаҳри кучаларида хавфсизликни

таъминлаш одамлар учун эркинликнинг энг муқаддас тамойили бўлиб қолади. Улар ўзлари учун шу хавфсизликни таъминлаб бераётган давлат раҳбарларининг сиёсатини қўллаб-қувватлайдилар.

Фарбдаги айрим кишилар кўчадаги берухсат намоиш тарқатиб юборилганини Ислом Каримовнинг ҳокимиятни қурол кучи билан қўлда тутиб қолишга интилиши деб баҳоладилар. Демократия учун бу курашчилар ур-йиқитчиларнинг хатти-ҳаракатларига ўзбек ҳокимияти томонидан куч ишлатиб чек қўйилганини узоқ вақт эслаб юришди. Бироқ намоишчиларнинг норозилиги нимадан келиб чиқмасин, у қонли исён шаклини касб этмаслиги даркор. Ўша демократик мамлакатларда ҳуқуқ-тартибот жиддий бузилганида ҳокимият зудлик билан куч ишлатади ва бу ҳол фарбдаги ҳуқуқ ҳимоячиларининг ғазабини асло қўзғатмайди. Давлатдаги барқарорликка чинакам таҳдид юзага келган ҳолатларда мамлакат ичида қуролли кучларни ва ҳатто, армияни ишга солиш Фарб учун одатий нарса ва ўша ёқлик тартибсизликларнинг бошловчиларига қарши куч ишлатилганлигининг мисоли анчагина.

Ўзбекистондаги демократиянинг даражасини танқид қилаётганлар ўз мамлакатларида нималар содир бўлаётганини унутиб қўядилар ёки умуман ўзларини сезмасликка оладилар. АҚШда, Европанинг етакчи мамлакатларида кўпинча демократиянинг энг оддий меъёрлари кўпол равишда бузилиб туради. 1991 йилда Қўшма Штатларда Форс кўрфазидаги урушга қарши кўплаб намоишлар бўлиб ўтганида Сан-Францисконинг ўзида бир кунда минглаб одамлар ҳибсга олинган эди. Форс кўрфазидаги урушга қарши чиққан намоишчилар давлат тузумининг душмани деб эълон қилинди. АҚШда сўнгги ўн йил ичида ирқий тартибсизликларни бостириш учун ўз шаҳарларига бир неча марта кўшин киритишди, бунда баъзан ўнлаб кишилар қурбон бўлди. Жумладан, 1993 йил 1 майда Нью-Йоркда қора танли аҳолининг суднинг ирқий жиҳатдан адолатсиз қарорига қарши норозилик намоиши оммавий тартибсизликка айланиб кетганида полиция куч ишлатиб намоишчиларни тарқатиб юборганди. 1990 йил ёзида АҚШнинг жойлардаги айрим ҳокимият тузилмаларининг ирқчилик сиёсатига қарши қўзғалган қора танли америкаликларнинг Лос-Анжелесдаги омма-

вий намоишлари бронетехникани қўлланиб тарқатиб юборилганди, оқибатда 40 киши ҳалок бўлганди. Ушанда Америка ҳукумати ушбу норозилик ҳаракати иштирокчиларини мамлакатнинг конституциявий тузумига қарши чиқаетган айирмачилар, деб атаганди.

ГФР полицияси ҳам 1995 йил 6 августда Ганновер кўчаларида қонли “базм” уюштирган панкларни тарқатиб юбориш учун куч ва қурол ишлатишдан андиша қилмаган эди. Ва бундай воқеаларнинг ҳеч бири қурбонсиз бўлмаган. Буюк Британия, мана 30 йилдан буён Шимоллий Ирландияда ўз қўшинларини сақлаб турибди ва улар фуқароларни террорчилардан ҳимоялаш мақсадида кўчаларни назорат қилиб юришибди. 1968 йилда Президент Шарль де Голль Германияга жойлаштирилган француз қўшинларини Париждаги талабалар тартибсизликларини бостириш учун олиб кирди, ваҳоланки Франция демократия фоят ривожланган мамлакат ҳисобланади.

Туркия, Ҳиндистон, Филиппин айирмачиларга қарши курашда ҳамда мамлакат яхлитлигини сақлаш учун армиядан мунтазам фойдаланишади. Бу ҳол уларнинг демократик давлат деб ҳисобланишига, турли халқаро ташкилотларга киришига ҳамда хорижий ёрдам олишига ҳалал бермайди.

Нечундир Фарбдаги ҳуқуқ ҳимоячилари на Нью-Йоркда, на Лос-Анжелесда, на Ганноверда намоишчилар қаттиқ жазоланганлигини қоралашмади. Бундан келиб чиқадики, фарб полициячиларига тартибсизликни бошловчиларга қарши куч ишлатиш мумкин экан-у, ўзбек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари бу ишни қилишга ҳаққи йўқ экан-да.

Ўзбекистондан ёшларни олиб кетиб, Афғонистон ва Тожикистонда уларни қўл жангига, отишга ҳамда террорчилик ҳаракатига ўргатаётган “Бирлик” ва “Эрк” партияларини муҳолифат деб бўладими?

Ўзбек муҳолиф партиялари “Бирлик” ва “Эрк” вакиллари 1992 йил Душанбеда Шаҳидон майдонида нутқ сўзлаб, “чинакам демократия йўлини тутган тожик биродарлар ҳали ҳам коммунистик режим ҳукм суриб турган мамлакатда яшаётган барча учун муносиб намуна бўладилар”, деб айтишди. Бир неча кундан кейин эса тожикларнинг ўша “демократлари” исломнинг яшил байроғи

остила ёвузликлар қилишди, минг-минглаб бегуноҳ одамларнинг қонини тукишди ва бу билан Тожикистонни мудҳиш фуқаролар уруши гирдобига тортишди.

“Мухолифат” тушунчасини, унга қандай маъно юклаш лозимлигини аниқлаб олиш жуда муҳим, — деб таъкидлайди И. Каримов. Биз сиёсий мухолифатни муқобил мухолифат деб тушунамиз. Ҳаётнинг барча соҳасида муқобиллик бўлиши зарур. Шу боис, биз мухолифат ҳақида гапирганимизда, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг тараққиёт ва янгилашиш йулидан бориши дастурининг муқобил вариантларини таклиф этишга қодир конструктив мухолифат ҳақида гап боради.

Афсуски, биз мамлакатимизда бошқача мухолифат ёки аниқроғи, мухолифатлик ролига даъво қилганлар мавжудлиги аччиқ тажрибасига эгамиз. Улар мустақилликнинг дастлабки, энг қийин йилларида жамиятни суверен республика олдида турган вазифаларни ҳал этишга бирлаштириш, янги давлатчиликни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашда иштирок этиш ўрнига асосан чинакам воқеликдан йироқ бўлган манфаатпарастлик мақсадини кўзлаб, сохта демократик, айтишим мумкинки, экстремистик шиорлар ва ҳаракатлар йулидан кетдилар.

Бу йўл бизни сиёсий, ижтимоий, миллий, диний қарам-қаршиликка, тартибсизлик ва бушлиққа, давлатни бошқариш жилови қўлдан чиқариб юборилишига олиб келиши мумкин. Энг хавфлиси ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, одамларга беҳисоб оғир талафотлар ва маҳрумликлар олиб келиши мумкин эди, бу эса жамиятимизни ўнлаб йиллар орқага улоқтириб юборган бўларди. Мисолни узоқдан қидиришнинг ҳожати йўқ. Буни қўшни Тожикистон, Озарбайжон, Грузия ва бошқа айрим янги мустақил давлатлар мисолида кўриш мумкин.

Башарти ҳокимият тепасига Мадаминов ва Йўлдошев кабилар келганида нималар рўй берган бўларди? Ҳеч шубҳасиз, Звиад Гамсахурдия ва Абулфайз Элчибей президентлик қилган йилларда Грузия ва Озарбайжонда рўй берган фожиали воқеалар такрорланган бўларди. Уларнинг иккови ҳам ўтмишда шўро диссиденти бўлишганди. Биринчиси ҳокимият тепасига келгунга қадар файласуф, иккинчиси эса Озарбайжон Фанлар академияси Кўлёмалар институтининг илмий ходими эди. Шу боис на

Гамсахурдиа, на Элчибей давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва сиёсат туғрисида заррача тасаввурга эга бўлишмаганди. Гамсахурдиа ва Элчибей президент бўлган қисқа давр ичида Грузия ва Озарбайжонни фуқаролар урушига, халқаро яққаланишга, буткул иқтисодий вайронгарликка ва ҳарбий сиёсий тартибсизликка олиб келишди. Гамсахурдиа Грузиянинг Россия ва Ғарб билан муносабатларини бузишга бутун иқтидорини сарфлаган бўлса, Элчибей ўзининг ҳаддан ташқари жазавали ва бемулоҳаза баёнотлари билан Озарбайжоннинг Россия, Эрон, Ўзбекистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан давлатлараро муносабатларини ёмон аҳволга солиб қўйди. У узидан шу қадар даҳшатли мерос қолдирди-ки, Озарбайжонда кўпчилик унинг қисқа муддатли президентлик даврини буғдойзорга чигиртка ёпирилиши билан қиёслайди. Собиқ иккала диссидент ҳам ҳокимият тепасига келиб, мамлакат муаммоларини ҳал қилишдан кўра, муҳолифатда бўлиб, фитначилик билан шуғулланиш осонроқ эканлигини ошкор қилиб қўйишди. Шу боис, агар Ислом Каримов радикал муҳолифат раҳбарларига қарши қатъият билан кураш олиб бормаганида ва уларнинг ҳокимият тепасига келишига йўл қўйиб берганида Ўзбекистонда ҳам шундай бўларди. Ўзбекистоннинг географик аҳволини ҳисобга олиб, ҳеч бир шубҳасиз айтиш мумкин-ки башарти ҳокимият тепасига Мадаминов ва Йўлдошев сингари сиёсат ва иқтисодиёт бобида чаламуллалар келиб қолганида мамлакат нафақат ўзининг улкан иқтисодий, табиий ва инсоний салоҳиятидан, ҳатто давлат ва ҳудудий яхлитлигидан ҳам тезда маҳрум бўларди. Республика жарга қуларди.

Тоҳир Йўлдошев ва Жумабой Ҳожиев (Намангоний) ҳамда уларнинг жангарилари бугунги кунда Афғонистондадирлар. Улар, Тожикистон ҳудудидан-да, ҳам оралиқ йўл сифатида, ҳам ўзларининг босқинчи тўдаларини жойлаштириш учун фойдаланишмоқда. Ўрни келганда айтиш керакки, буни тан олиб, тожик муҳолифати қуролли кучлари қўмондони Позилхўжа Низомов, Тожикистондаги фуқаролар уруши йилларида Жума Намангоний ўз тарафдорлари билан бу республиканинг шарқига жойлашиб олганлигини айтган эди.

Шу тариқа, ўзбек кўпоровчиларини тайёрлаш базаси Шарқий Тожикистонда жойлашганлиги 1992 йилда Ўзбе-

кистондан қочиб кетган тожик ҳарбий муҳолифатининг собиқ бош қўмондони. ҳозир Тожикистоннинг фавқулодда вазиятлар вазири булмиш Мирзо Зиёев билан дустана алоқаларни сақлаб келаётган Жума Ҳожиёв уларнинг раҳбарларидан бири эканлиги туғрисида Каримов айтган сузларни ҳатто тожик муҳолифати раҳбарларининг узи тасдиқлаб қўйди. Боз устига тожик муҳолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий Намангонийни асранди ўғлим, деб унга марҳамат кўрсатди. Тожикистоннинг шарқий қисмини назорат қилиб турган тожик муҳолифати раҳбарлари ўзбек ислом жангариларини тутиб, Тошкентга топширишдан бош тортаётганликлари уларнинг қоронғида топишиб олганликларини исботлайди. Ўзбекистондаги каби Тожикистонда ҳам кўпчилик Тожикистондаги ўзбек мухожирлари минтақада хавфсизликка таҳдид солувчи жиддий омил, ўзига хос бешинчи ислом колоннаси¹, деб ҳисобламоқда.

Ҳолислик учун Каримовгагина эмас, унинг рақиблари фикрига ҳам қулоқ тутиб кўрайлик. 90-йиллар бошида Ўзбекистонда иш олиб борган экстремистик муҳолифат ҳокимият тепасига келганда нима буларди? Бу саволга Ўзбекистон ислом ҳаракатининг раҳнамоси Т. Йулдошевнинг узи жавоб беради. 1991 йил 8 декабрда у ўз тарафдорлари билан собиқ Наманган вилоят партия қўмитаси биносини босиб олгач, шундай деганди: “Ўзбекистонда ислом давлатини қурганимиздан сўнг бизнинг ишимизга ишонмаганлар, мачитга бормайдиганлар билан ҳисобкитоб қиламиз. Кўп йиллар оғзимизга уриб келишди, ўйлаганимизни айтишга имкон беришмади. Энди ҳамма гапимизни тукиб соламиз. <.....> Биз ҳокимият бажариши лозим бўлган беш шартни қўямиз. Биринчи шарт — Каримов бу ерга келиши керак. Иккинчи шарт — у исломга садоқати туғрисида Қуръон билан қасам ичиши ва шу ерда, ҳозироқ ислом давлатини эълон қилиши лозим. Учинчи шарт — мачитга бориш барча мусулмонлар, шу жумладан давлат раҳбарлари учун ҳам мажбурий бўлиши, улар халқ билан бирга ибодат қилиши даркор. Тўртинчи шарт — жума дам олиш, байрам кўни деб эълон этилиши

¹Бешинчи колонна — бирор мамлакат ичида бошқалар топшириғи билан иш олиб боровчи хоинлар гуруҳи. — *Тарж.*

зарур. Ва бешинчи шарт — зудлик билан диний мактаблар очиш”. Изоҳга ҳожат бўлмаса керак.

Т. Йўлдошев ва унинг тарафдорлари ҳокимият тепасига келиб қолганида, СССР мавжуд бўлган 70 йил давомида даҳрийлик руҳида тарбияланган миллионлаб фуқароларнинг ҳоли не кечарди? Шариатга асосланган давлат тузишга ҳам, зўрликка ҳам даъват этмайдиган дунёвий ислом тарафдорларининг ҳуқуқларини қандай ҳимоялаш керак буларди? Ахир ҳокимият тепасига келиб қолган экстремистлар биринчи навбатда, шу одамларни, уларнинг “ишига ишонмагани учун” жазога тортарди-да.

Ўзбекистонда экстремистик кайфиятдаги кишилар 2—3 фоиздан ошмайди, уларга хайрихоҳлар ҳам тахминан шунча. Бинобарин, озгина одамлар фикри бутун ўзбек жамиятида ҳукмрон бўлишига йўл қўйиб бўладими? Европа замонавий демократияси нуқтаи назаридан қаралса, бунга қўшилиб бўлмайди, бу иш демократиянинг энг оддий тамойилларига зид келади. Жумладан, Фарбда сайлов йўли билан мамлакатда голиб чиққан кўпчиликнинг ҳокимияти ўрнатилади. Демак, Европа демократияси қоидаларига кўра, демократик сайловларда ғалабага эришишга қодир бўлмаган ва зўрлик йўли билан ҳокимият тепасига келишга интиладиган экстремистик озчилик нуқтаи назарига қўшилмайдиган кўпчилик устидан озчиликнинг ҳукм юритишига йўл қўйиб бўлмайди.

Бошқа бир йўлбошчи Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) 90-йиллар бошида миллатчиликни тарғиб қилувчи айрим жамоатчилик ҳаракатлари раҳбарлари билан бирлашиб, миллий ҳукумат тузишга, амалдаги қонунларга бўйсунмасликка даъват этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича ноҳукумат қўмита раиси — Инсон ҳуқуқлари халқаро жамияти ўзбек секциясининг раҳбари Марат Зоҳидов муҳолифатчи раҳбарлар фаолиятига баҳо берар экан, исроиллик журналист Олег Якубовга бундай деди: “Ҳар қандай ҳокимият нормал, соғлом, энг асосийси — конструктив муҳолифат томонидан тазйиқ ҳис этмас экан, у албатта мункиллаб, путурдан кетиб боради, десам янгилик бўлмаса керак. Ўзбекистонимизда ташкил топган ҳар қандай ҳаракат ва партияларга мен чинакам демократиянинг кўриниши сифатида қарардим. Рўйхатдан утишлари ёки бирон-бир митинг ўтказишларида уларнинг йўлига амалдорлар гов бўлган пайтда, — шу-

нақаси ҳам бўлиб туради, — ғазабим қузиб кетарди. Аммо бу ҳаракатларнинг етакчилари билан қанчалик яқин мулоқотда бўлсам, уларнинг мақсад ва усуллари ҳақиқий демократиядан тамомила йироқ эканлигига тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилардим. Уларнинг ўзлари ҳокимиятга орзуманд бўлишади, бунга эришиш учун ҳар қандай усулни мақбул деб ҳисоблайдилар. <....> Мен ўзбекман, бутун тағтомирим билан Ўзбекистонга, ўзбек халқига бойланганман, демократия деган буюк неъмат миллий ўзликни англаш учун чексиз имкониятларга эга, деб ҳисоблайман. Лекин бошқа халқларнинг манфаатларини камситувчи ўз тақдирини ўзи белгилашни ёқламайман. Биздаги сохта мухолифат эса айна шу йулдан кетди. Сен, улар руслар, украинлар, яҳудийлардан шу даражада қаттиқ нафратланадилар, деб ўйлайсанми? Менимча, йўқ. Миллий торлар чертиладиган бўлса, атрофимизга халқ тезроқ йиғилади, деб ўйлашган, холос. Таъсир ўтказиш эмас, айна шундай торларни чертишга зўр беришди. Бу ўйинни улар ёшлардан, яъни ақдан ва қалбдан ҳали чипиқиб улгурмаганлардан бошлашди. Уларнинг ҳақиқий интилиши ҳокимиятни эгаллаш эканлиги ҳаёт тажрибасига эга бўлган кишилар учун тушунарли, ёшлар эса бунга лаққа ишона қолишади. Ана шу сохта мухолифатдан келадиган таҳдидни, афтидан, биринчи бўлиб Ислом Каримов ҳис этди ва тушунди. Шунини айтиш керакки, у ҳатто Президентлик сайлови арафасида ҳам улар билан ошкора низога боришдан чучимади, ҳолбуки, ўз шахсий манфаати учун уларнинг ҳаммаси билан келишиб қуя қолиш осонроқ эди. Лекин Каримов миллатчилар бизни ўрта асрчилик гирдобига улоқтирмоқчи, замонавий давлатни ривожлантириш йулига туғаноқ бўлмоқчи эканлигини баралла, очиқ ва ошкора айтди. Президентлик сайлови унинг позицияси туғри эканлигини кўрсатди — кўпчилик овозни Ислом Каримов олди”.

“Ҳар қандай миллатчилик ҳаракатлари ва партияларининг пешволари, уларни халқ барибир қўллаб-қувватламаётганига ишонч ҳосил қилгач, — давом этди Марат Зоҳидов, — аксарияти Фарбга жуфтакни ростлаб қолди. Европанинг турли мамлакатлари ва Туркияда паноҳ топди. Аввалига уларни яхши қарши олишди, кун кечирришларига ёрдам беришди, университетларда лекциялар ўқишга таклиф қилишди, хуллас, қувғундаги жиддий мухолифатчиларга бўлгани каби муносабатда бўлишди. Ке-

йинчалик уларнинг гапларида қуруқ сафсатабозлик ва ошкора қаҳр-ғазаб, адоватдан бошқа тузукроқ амалий гап йуқлигига тушуниб қолишди, албатта. Уларга бўлган қизиқиш сунди, оқиб келиб турган пуллар ҳам барҳам топди. Ана шунда бу одамлар, асосан, Ўзбекистонни балчиққа булғаб, бизда содир бўлаётган барча воқеаларни қоралаб, газеталарга мақолалар беришга тушишди. Адоват шунчалик эди-ки, улар ҳар қандай уйдирмадан, ошкора ёлгон, тухмату бўхтондан, далилларни атайин сохталаштиришдан ҳам тап тортмадилар. <....> Ҳокимиятни қўлга олиш илнжида улар ҳатто ўз халқини ҳам писанд қилмай қўйишган. Улар мамлакатни бошқариш истагида эканликларини айтиб юришади-ю, амалда эса бу халқни тула маънода асоратга солиш, қуллардек эзиш ҳаракатида эканликларини ошкор қилиб қўйишади”.

Шу билан бирга И. Каримов: “Қонун устуворлиги бизнинг ислоҳотлар моделimizга асос қилиб олинган етакчи тамойил, ҳуқуқий давлатнинг асосий мезонларидан бири бўлиб хизмат қилади. Буюк аجدодимиз Амир Темури: “Қонун ҳукмрон бўлган жойда эркинлик ҳам бўлади”, — деган ҳикматли сўзларни олтин ҳарфлар билан битишни буюрганди”, — дейди.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган муҳим одимлар ташланди. Қонунчилик ва меъёрий асос яратиш, аҳолининг сиёсий фаоллиги ва маданиятини ошириш, сиёсий тузилмалар — партиялар, ноҳукумат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, ижро этувчи ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш жараёни давом этмоқда.

1999 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорга мувофиқ инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳарахат дастури ишлаб чиқилди. Дастурда фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши лозим бўлган самарали иш олиб борувчи муассасалар тизимини яратиш ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги шартномалар юзасидан қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш механизминини шакллантириш, уларнинг талабларига барча органлар, мансаб-



Тошкент. Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Оқсарой қароргоҳи



И.А. Каримов оила даврасида



И.А. Каримов халқнинг юксак ишончи
ва меҳр-муҳаббатини қозонган





Қариялар билан маслаҳатлашиш —
Ўзбекистонга хос яхши анъанадир



И.А. Каримов Ўзбекистон
Президенти кубоги учун
ўтказилган халқаро
теннис мусобақасининг
финалчилари Т. Хенман
ва Е. Кафельников билан



Олий даражадаги учрашувлар:
Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов
ва Россия Президенти В.В. Путин



Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов
ва АҚШ Президенти Б. Клинтон



Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов
ва ХХР Давлат Кенгаши Раиси Цзян Цзэминь



Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов
ва Франция Президенти Ж. Ширак



Имом ал-Бухорий мақбараси



Тошкент ислом университети



Ислом университетида машгулотлар пайти



“СамКочавто” автомобиль заводи конвейеридан
чиққан илк автобус



“СамКочавто” заводининг йиғув цехи



“ЎздЭУавто” автомобиль заводининг тайёр маҳсулотлари



“ЎздЭУавто” заводининг автомобиллари



"Оқ йўл, биринчи ўзбек автомобили!"



"Ўзкейстрактор" ўзбек-америка қўшма корхонаси комбайни



И.А. Каримов комбайн рулида



“Хобас” қўшма корхонаси маҳсулотлари



И.А. Каримов "Хобас" қўшма корхонасида



В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси цехида



Тошкент. Ўзбекистон банклари ассоциациясининг банклараро
молиявий хизматлар маркази



Тошкент. Ўзбекистон Марказий банки



Тошкент. "Интерконтиненталь" меҳмонхонаси



Тошкент. Кўйлик бозори



Ўзбекистон пойтахтидаги янги иморатлар



Тошкентдаги янги уй-жойлар



И.А. Каримов ва В.В. Путин ислом университетиди

дор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишмай риоя қилиниши бўйича чора-тадбирлар мажмуи кўзда тутилган.

Ўзбекистон Прокуратурасининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳузурда одил судлов соҳасида фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқадиган ишчи гуруҳи тузилган.

Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва динга эътиқод қилиш эркинлигига бўлган ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг муҳим жараёнларидан бири деб ҳисобланади. Мамлакат Конституциясида қонун билан мустаҳкамланган бу ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистон учун гоаят муҳим аҳамиятга эга.

1998 йилда умумхалқ муҳокамасига қўйилган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” Қонун қабул қилиниши билан диний ташкилотларнинг мавқеи ва юридик мақоми сифат жиҳатдан ўзгарди. Диний ташкилотларга мулкка эгаллик қилиш, шу жумладан биноларга, диний ибодат буюмларига, ижтимоий, хайрия мақсадларига хизмат қилувчи жойларга, мулкка ва молиявий маблағларга эгаллик қилиш ҳуқуқи қайтарилди. Фуқароларга яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб динга эътиқод қилиш, диний урф-одат ва маросимларни бажариш, табаррук жойларни зиёрат қилиш ҳуқуқи берилди.

Диний арбоблар қонунда белгиланган қоидалардан умуман қониқиш ҳосил қилишмоқда. Уларнинг 1999 йил 12 августда Тошкентда бўлиб ўтган “Ўзбекистоннинг динлар ва виждон эркинлигига нисбатан ҳозирги сиёсати” матбуот конференциясидаги чиқишлари шундай қўллаб-қувватлашнинг далили бўлди. Матбуот конференциясида Ўзбекистонда ҳеч қандай диний фаолиятни сиёсатлаштиришга йўл қўйилмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Президентининг қарори билан кам сонли диний жамоаларни рўйхатдан ўтказишда юзага келадиган баҳсли масалаларни кўриб чиқувчи махсус комиссия тузилган.

Кўп укладли бозор иқтисодиёти ва хусусий мулк асослари қонун ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши Ўзбекистон Конституциясида юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Мулкнинг бошқа шакллари билан бир қаторда хусусий мулк ҳам дахлсиз ва давлат томонидан

ҳимояланиши қонун билан мустаҳкамланган. Конституцияда: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”, — дейилган.

Қисқа муддат ичида бир нечта Конституция қабул қилишга улгурган айрим МДХ мамлакатларидан фарқли равишда Ўзбекистонда қонунчилик асоси барқарор бўлиши тамойилларига риоя этилади. Қонун ижодкорлиги фаолиятининг бутун тизими ислоҳотлар йўлидан муттасил силжиб борилаётганлигини ҳамда ўзгариб бораётган шароитни ҳисобга олиб янги қонунларни яратиш ва амал қилиб турганларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Чинакам демократия аҳоли барча қатламларининг манфаатларини ҳимоялашни, мамлакат барча ижтимоий гуруҳларининг миллий ва маданий ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутаяди. Шу муносабат билан И. Каримов бундай деди: “Битта мафкура ҳукмрон бўлган жойда тенглик ва адолат бўлиши мумкин эмас. Биз буни ўтмишдаги аччиқ тажрибадан яхши биламиз. Бизда амал қилиб турган партиялар ва ҳаракатлар чинакам демократия шароитида яшамаган. Уларнинг ҳаммаси ўзини мутлақ ҳақиқат жарчилари деб ҳисоблашади”.

“Жамиятимизда турли партиялар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлиши — ижобий ҳол. Нуқтаи назарларнинг хилма-хиллиги тўғри йўлни танлашга ёрдам беради. Жамиятга одамларга фойда келтирадиган чинакам инсонпарвар гоёлар керак. <....>

Демократик жамиятда амалий, соғлом муҳолифат жуда катта роль ўйнайди. Бундай муҳолифат жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Айни маҳалда, мақсади Конституциявий тузумни зўрлик билан ағдариш бўлган партия ва ҳаракатлар тақиқланиши лозим. Чегараларимизнинг дахлсизлиги, хавфсизлигига таҳдид соладиган фашизм, ирқчилик, зўрлик, миллий ёки диний нифоқни тарғиб қиладиган, демокра-

тик эркинликларга ҳамда халқнинг ахлоқий асосларига тажовуз қилувчи партиялар ва жамоатчилик ҳаракатлари қонундан ташқари деб эълон этилиши лозим”, — деб таъкидлади мамлакат раҳбари.

Ўзбекистон Президенти “Комсомольская правда” газетаси саволларига жавобларида бундай деган эди: “Мухолифларим мени диктатор қилиб кўрсатишни жуда хоҳлайдилар. Тан оламан: эҳтимол, менинг ҳаракатларимда авторитаризм нишонлари бордир. Аммо мен буни фақат бир нарса билан изоҳлайман: тарихнинг муайян даврларида, ҳақиқий давлатчилик қарор топаётган пайтда, айниқса бир тизимдан иккинчисига ўтиш даврида, ҳарҳолда кучли ижроия ҳокимияти зарур. Қон тўкилишига ва қарама-қаршиликка йўл қўймаслик, минтақада миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, тинчлиги ва барқарорликни сақлаш учун шундай бўлиши зарур, бу йўлда мен жонимни фидо қилишга тайёрман. Таъбир жоиз бўлса, демократия сари ҳаракат қилиш учун ҳам шундай бўлиши зарур”.

“Российская газета” мухбирининг саволларига жавобларида эса Ислом Каримов “Агар мен битта фармон чиқариб, жамиятга демократик ва бозор иқтисодиётини жорий эта олганимда эди, дарҳол шундай қилган бўлардим. Одамларнинг онгини ўзгартириш, қонунларни ҳурмат қиладиган эркин фуқароларнинг уйғун ривожланган жамиятини барпо этиш учун қанча йиллар керак бўлади. Германия, Буюк Британия, Франция 1789 йилги инқилобдан бошлаб мана шундай жамият қургунича қанча вақт кетган?”

“Ўзбекистонда барча демократик меъёрларга мос келадиган матбуот эркинлиги йўқ, деб гапиришса, — деб таъкидлади у, — мен уларга: тўғри, ҳақиқатан ҳам шундай, мен бу фикрга қўшиламан, деб жавоб қиламан. Бироқ, биз бунга интиляпмиз, бундай демократик меъёрларга эришиш бизнинг мақсадимиздир. Бу масалаларда мен бошбошдоқликни тан олмайман ва бунга йўл қўймайман ҳам. Бошбошдоқлик қон тўкилишига, вайронгарчиликка олиб келади. Буни тушуниб етиш учун атрофга назар солиш кифоя. Айнан шу сабабли биз иқтисодиётнинг сиёсатдан устун туришини эълон қилдик. Айни шу боис ўзгариш жараёнини давлат назорат қилиб ва бошқариб турибди”.

Жаҳондаги кўпгина етакчи мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси мамлакат ўтиш даври шароитида турганида оммавий ахборот воситаларининг бузғунчилик қилмишларига йўл қўйиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Ўтиш даври мамлакатнинг ижтимоий салоҳиятини сафарбар этишни талаб қилади, буни турли ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, давлат ҳокимияти шохобчалари ўртасида ижтимоий келишувга эришмай амалга ошириб бўлмайди. Айниқса, сиёсий муросаи мадора бўлмаса, энг такомиллашган иқтисодий механизмлар ҳам ҳаракатсиз қолади.

Мураккаб тарихий даврларда кучли давлат ҳокимияти мамлакатда айрим чеклашларни, шу жумладан оммавий ахборот воситаларига ҳам жорий қилиш ижтимоий салоҳиятни сафарбар этиш учун анча самарали бўлиб чиқади ва жамиятда мажбурий келишувни таъминлайди-ки, усиз биронта ҳам иқтисодий муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Бугунги кунда, масалан, Россияда сўз эркинлиги мавжуд. Бироқ нашр этилаётган кўплаб газета ва журналларни, бу мамлакатда ишлаб турган телерадиокомпанияларни умуман мустақил деб бўлмайди. Молиявий бұхрон туфайли уларнинг кўпчилиги тижорат тузилмалари, энг аввало олигархлар таъсири остига тушиб қолди ва уларнинг ногорасига ўйнашга мажбур бўлди. Моддий қарамлик кўплаб ОАВ ни ўз молиявий “валинеъматлари”нинг ижтимоий буюртмасини бажаришга мажбур этади. Шу тариқа бу ОАВ ўзларининг соф касбий вазифалари бўлмиш оммани мамлакатда ва жаҳонда содир бўлаётган ҳодисалардан хабардор қилиш билан шуғулланмай, ўз хўжаларининг иқтисодий рақибларини ва сиёсий мухолифатларини қоралашга интиладилар. Айни шу вазият ахборот жангининг асосий сабабига айланиб кетади, биз Россиядаги парламент сайлови арафасида бунинг шоҳиди бўлдик. Оқибатда Россия жамияти бундай “сўз эркинлиги”дан ютишдан кўра кўпроқ ютқазди. Натижада сайлов арафасида россиялик сайловчилар калаванинг учини тополмай қолди.

Ўзбекистонда етарлича сўз эркинлиги йўқ, деган айбловга жавоб берар экан, юридик фанлари доктори, Қирғизистон Президентининг собиқ давлат маслаҳатчиси Леонид Левитин “Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” китобида бундай деб ёзади: “Коммунизм-

дан кейинги мамлакатларда эркин матбуот сиёсий барқарорликни бузиш мурвати сифатида ижтимоий тўқнашувлар, оммавий тартибсизликлар, охир-оқибатда эса, фуқаролар уруши бошланишига хизмат қилишини сўнгги воқеалар кўрсатиб турибди. Лекин кимлар ва нима учун сўз эркинлигини суистеъмол қилгани, унинг моҳиятини бузиб кўрсатгани — бошқа масала. Бу ўринда мен шуни айтмоқчиманки, Каримовнинг ўша кезларда қилган ишлари мутлақо ўринли бўлган эди”.

Оммавий ахборот воситалари учун айрим чеклашларнинг асосий сабаби мавжуд ижтимоий муаммолар ва миллатлараро зиддиятлардан республикада эҳтиросларни жунбушга келтириш ҳамда вазиятни кескинлаштириш учун фойдаланиши мумкин бўлган муайян бузғунчи сиёсий кучларнинг борлиги эди ва шундай бўлиб қолади. Наманган вилоятидаги воқеалар, Тошкентда февралдаги портлашлар экстремистик кучларнинг республикада вазиятни беқарорлаштириш учун ОАВ дан фойдаланишига тўсқинлик қилган Ислом Каримовнинг ҳақлигини кўрсатди. Бузғунчилик кайфиятидаги радикал мухолифат кўлидаги чексиз эркинликка эга бўлган матбуот республикада ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириши ҳамда қаттиқ хунрезликларга олиб келиши мумкин бўлган миллатлараро тўқнашувлар ва ижтимоий ларзаларни келтириб чиқариши мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 600 дан зиёд газета ва журнал рўйхатга олинган. Уларнинг 500 дан зиёди — республика вилоят, шаҳар, туман газеталари, кўп нусхали газеталар, 100 га яқини республика ва вилоят журналлари. Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлгани учун бу ерда газета, журналлар етти тилда чоп этилиб, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар шунча тилда олиб борилади. Жумладан, рус тилида 69 газета ва 27 журнал чоп этилади. Бу — республикада рус тилида бор-йўғи 52 газета ва 15 журнал чоп этилган 1994 йилдагидан анча кўп. Бундан ташқари айрим газета ва журналларда ўзбек тилидан ташқари, инглиз, араб, турк, шунингдек урду, форс ва ҳинд тилларида материал берилади. Мамлакатда Россиянинг “Аргументы и факты”, “Труд” газеталари ҳам чоп этилади.

Бу газета ва журналларнинг ҳаммасини муассисларига, мавзуига ва йўналишига кўра бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи ва энг яхши гуруҳ — давлат тузилмала-

ри муассис булган ижтимоий-сиёсий газета ва журналлар. Бу нашрлар барча аҳолига, яъни оммавий ўқувчига мулжалланган ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма йўналишларини ёритади. Иккинчи гуруҳга партияларнинг ижтимоий-сиёсий нашрларини, сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари ва бирлашмаларининг газета ва журналларини, шу жумладан, касаба уюшмалари газеталарини киритиш мумкин. Масалан, касаба уюшмасининг “Ишонч” газетаси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг “Ўзбекистон овози” газетаси, Фидокорлар миллий демократик партиясининг “Фидокор” газетаси, “Камолот” жамғармасининг “Туркистон” газетаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Учинчи гуруҳга адабий-бадиий журналлар кирди. Тўртинчи гуруҳни қишлоқ хўжалиги, илмий ва аграр соҳадаги, тadbиркорлик ҳаракатидаги, таълимдаги, бозор иқтисодиёти асосларидаги, бизнесдаги ва ҳоказо ишнинг аҳолини ёритишга мулжалланган бошқа ихтисослашган журналлар ёки тармоқ нашрлари ташкил этади. Ва, ниҳоят, бешинчи гуруҳга диний нашрларни, жумладан мусулмонлар газетаси “Ислому нури” ни, “Мовароуннаҳр мусулмонлари” журналин ва христианларнинг “Слово жизни” газетасини киритиш мумкин.

Улкан ижтимоий тажрибасиз, ички тарбиясиз, тегишли ахлоқий ва маънавий асоссиз демократия бўлмаслигини тарих кўп марта лаб исботлаган. Америка демократиясининг атоқли тадқиқотчиси Алексис де Токвиль XIX асрнинг 30-йилларида ёзган “Америкадаги демократия тўғрисида” китобида: “Китоб бошидан оёқ ўзи содир этаётган вайронгарчилик оралаб барча тўсиқлардан ўтиб <...> олға қараб бораётган ушбу бетийиқ инқилоб шарпаси муаллиф қалбига солган муайян диний даҳшат таъсири остида ёзилган”, — деганди.

XX аср охирида Токвиль китобида тасвирланган манзаранинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бир неча йил муқаддам ўзимиз миллатчи экстремистлар ва диний мутаассиблар демократик шиорлар остида оломонни милиция, партия қўмиталари ва маҳаллий ҳокимият органлари биносини вайрон қилишга бошлаб, кишилар қалбига даҳшат ва қўрқув солганининг гувоҳи бўлдик.

Зарур шарт-шароит бўлмаса, демократия фойдадан кўра кўпроқ зиён етказиб қўйиши мумкин. Демократик қадриятларга одатланмаган жамиятда демократия сийқа-

си чиққан анархияга ёки бошбошдоқликка, яъни оломон ҳокимиятига айланиши ва натижада жамиятни талваса ҳолатига солиб қўйиши мумкин. Шу муносабат билан бир файласуф: “Исо масиҳ кўпчиликнинг қарори билан чормихга тортилди”, — деганди. Сукрот ҳам бирон-бир асоссиз, кўпчилик овоз билан ўлимга ҳукм қилинганди, бу воқеа ўша даврда демократия бешиги бўлган Афинада содир этилганди. Ижтимоий онг зарур даражада бўлмаса, демократик тартибот ҳам ваҳший ишларни содир этиши мумкинлигини тарих мисоллари кўрсатиб турибди.

Ҳатто ҳозирги ғарб демократияси ҳам одамларни эркинлик билан таъминлагани ҳолда, улар учун энг муҳим ҳаётий шароитни кафолатламайди. Бугунги кунда ҳатто жаҳондаги энг фаровон мамлакатларда ҳам ўн минглаб одамлар кўпдан-кўп кундалик ташвишлар остида қолишган. Бу одамлар учун энг муҳим ҳаётий қадриятлар ўз касби бўйича яхши ҳақ туланадиган кафолатли иш, зарур андозаларга жавоб берувчи уй-жой, бемалол фойдаланиш мумкин бўлган тиббий хизмат, барча даража ва йўналишда маълумот олиш ва ниҳоят, шахсий ҳимояланганликдир. Ғарбда ҳар ким ҳам буларга эриша олмайди.

Айни маҳалда Ўзбекистонда давлат аҳолига текин тиббий хизматни, барча даражада ва йўналишда маълумот олишни ҳамда шахсий хавфсизликни кафолатлайди. Иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ҳукуматнинг устувор вазифасидир. Бу вазифани бажариш учун республиканинг барча минтақаларида янги иш уринлари очилмоқда, давлат ўн минглаб кишиларни иш билан таъминлаши мумкин бўлган кичик ва ўрта бизнестга ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

“Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш” деганда масаланинг фақат сиёсий ва юридик томонини тушунмаслик керак. Иқтисодий ривожланишнинг, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ва аҳоли фаровонлигини яхшилашнинг муайян даражасини таъминламасдан туриб инсон ҳуқуқлари тартиботининг юридик механизмлари ишлай олмайди. Буларнинг барисиз инсон ҳуқуқлари ҳимояланган, деб бўлмайди. Давлат қўйилган вазифаларни бажариш учун нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий давлат ҳам бўлиши лозим. Шунинг учун ғарбдаги барча конституциявий

гоялардан Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов учун энг мақбули ижтимоий давлат гојси бўлди. Бундай давлатлар сирасига Франция, Швеция, Норвегия, ГФР ва Швейцарияни киритиш мумкин. Масалан, Швейцарияда энг бойлар билан қашшоқлар ўртасидаги тафовут қонун йўли билан назорат қилиб борилади. Бу мамлакатда давлат ҳокимияти аҳоли турли гуруҳлари даромадларининг кескин табақалашувини камайтириш учун қатор ижтимоий чора-тадбирлар кўради. Германияда бу масала ҳатто Конституцияда ўз аксини топган. ГФР Конституциясининг 1-моддасида Германия Федератив Республикаси демократик ижтимоий давлат бўлиб, унинг асосий тамойиллари ўз фуқаролари учун инсон қадр-қимматини таҳқирламайдиган яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тенгликни қарор топтириш, муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатишдан иборат, деб ёзиб қўйилган.

Президент Каримовнинг ижтимоий сиёсати айни шу мақсадга қаратилган. У иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи кунидан бошлабоқ аҳолини ижтимоий ҳимоялаш — ҳукуматнинг устувор вазифаси, деб эълон қилди. Кўплаб МДХ республикалари “шок терапияси” сценарийси бўйича олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлай олмай, ижтимоий портлаш чегарасига келиб қолган ҳозирги шароитда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни бир зумда қуришгина эмас, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш ҳам мумкин эмаслиги равшан. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқлари муаммоси юридик ва сиёсийгина эмас, ижтимоий муаммо ҳамдир. Буни ҳал этиш учун қуруқ гап-сўз эмас, балки иқтисодий сиёсатдаги ҳақиқий амалиётчилик талаб қилинади.

АҚШнинг йирик олими Жон Гэлбрайт француз газетаси “Le Monde” да айтадики, “шўролардан кейинги мамлакатларга капитализм ва бозор иқтисодиётини соф кўринишда, ижтимоий компенсациялар ва кафолатларсиз тикштириш инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан мутлақо номақбулдир”. Шунинг учун Ўзбекистонда давлат аҳолининг энг ночор қатламларини ҳимоялашни ўз зиммасига олди. Ўзбекистон МДХда ҳақиқий компенсация тўловлари бозор нархлари бўйича тирикчилик ўтказишга мос келадиган ягона мамлакат эканлиги тасодифий эмас. Бу

ерда давлат энг кам иш ҳақи ва пенсиянинг анча юқори миқдорини кафолатлайди. Ҳозир МДХ мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда ун ва ноннинг нархи паст даражада сақланиб турилибди. Юқори синфдагилар ва талабалар учун имтиёзли туловда овқатланиш ташкил қилинган.

Ижтимоий сиёсат республика Президентининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар туғрисида” 1994 йил 23 августдаги Фармони асосида ўтказилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобига, шунингдек бюджетдан ташқари маблағ ҳисобига барча ўзини ўзи бошқариш органларида ва, энг аввало, биз юқорида ушбу китобнинг аввалги бобида батафсил ҳикоя қилган маҳаллаларда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатувчи махсус фондлар тузилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ кам таъминланган оилаларга ҳар ойлик тулов сифатида бериладиган моддий ёрдам маҳаллий уюшмаларда фуқаролар йиғини ва йиғилиши қарори билан адолат ва ошқоралик тамойилларига риоя этган ҳолда белгиланади.

Таълим соҳаси ҳали ҳам давлат назорати остидадир. Миллий кадрлар тайёрлаш учун давлат дастури қабул қилинган, унда ҳам ишсизларга малакасини ўзгартириш ҳамда ишга жойлашишда кўмаклашиш назарда тутилган.

Марказий Осиё муаммолари бўйича энг яхши мутахассислардан бири бўлган Леонид Левитин Ўзбекистонда демократиянинг ривожланиши истиқболларини таҳлил қилиб: “И. Каримовнинг муҳолифлари Ўзбекистон олдида муқобил йўл: ё демократик сиёсий режим, ёки тоталитар режим турибди, деб зўр бериб гапиришмоқда. Бу яққол кўриниб турган янглишишдир. Бундай муқобил йўл йўқ ва яқин келажақда ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон дарҳақиқат, танлаши керак, лекин бу бошқача танлашдир. Бу ё демократик элементлари бўлган авторитар режим, ёки олигархия давлатчилигидир. Биринчи ҳолатда бу — давлат томонидан (маълум чегарада) назорат қилинадиган ижтимоий-бозор иқтисодиёти. Иккинчи ҳолатда эса — минтақавий маъмурият билан боғланган (маълум даражада хуфия) тижорат тузилмаларининг ҳукмронлиги”. Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётига асосланиб, республика биринчи йўлни танлаган, деб

айтиш мумкин. Иккинчи йўлни эса биз Россияда Борис Ельцин президентлиги даврида кўрдик. Бунда олигархлар давлат тузилмаларидан ўзларининг бойишлари учун фойдаланишди.

“Ислом Каримов — янги Ўзбекистон Президенти” китобида Левитин жаноблари коммунизмдан кейинги, айниқса, шўролардан кейинги мамлакатлар тажрибаси, объектив шароит этилмай туриб, демократик тартиботни ривожлантириш бесамарлигини тасдиқлаганини ёзади. Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг тажрибаси вақтинча тўлиқ бўлмаган давлатчиликни, ўша демократиянинг таянчи сифатида мустақамлаш эҳтиёжига мос тушадиган демократия ҳолатида бўлиши зарурлигидан далолат бермоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонга аҳолини ижтимоий ҳимоялашни, адолатли иқтисодий қоидаларга риоя этилишини таъминлашга, айирмачилар, миллатчилар ва диний экстремистлар таъсирини заифлаштириш ва бартараф этишга қодир бўлган кучли, бунёдкор давлат ҳокимияти зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳозирги демократик жамиятга сиёсий-ҳуқуқий тузилиши нуқтаи назаридан зарур бўлган барча нарса бор. Конституциявий тузум қоидалари нуқтаи назаридан шахснинг суверенлиги, ҳокимият барча шохобчаларининг ваколатлари фарқланиши, мулкнинг турли шакллари, қўп укладли иқтисодиёт, мафкуравий хилма-хиллик, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фикрлар хилма-хиллиги, бошқарилувчилар розилигига асосланган ҳукумат ва бошқа демократик қадриятлар қарор топтирилган. Эски социалистик тоталитар-диктаторлик режимининг барча қолдиқлари бартараф этилган. Ўзбекистон Конституцияси ҳокимият барча шохобчалари — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тенглигини назарда тутди.

Республиканинги янги Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда БМТ ҳужжатлари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, халқаро ҳуқуқ қоидаларига қатъий риоя этилди. АҚШ, Япония, Канада, Германия, Франция, Португалия, Италия, Швеция, Туркия, Испания сингари ривожланган демократик мамлакатлар, шунингдек Шарқ мамлакатлари (Ҳиндистон, Покистон, Миср)нинг конституциявий тажрибасидан фойдаланилди. Конституция қабул қилинишидан олдин унинг лойиҳаси БМТ,

ЕХХК, Франция, АҚШнинг талабчан экспертлари томонидан пухта ўрганилди, улар Ўзбекистоннинг Асосий қонунида умумий қабул қилган демократик меъёрларга зид бўлган биронта ҳам жойни топа олмади.

Республика Конституциясида инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқларидан устунлиги мустақкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Асосий Қонунининг ҳар бир моддаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясигагина эмас, БМТ Низоми, Хельсинки битими, Париж ва Мадрид хартиясининг асосий ғояларига ҳам мувофиқ келади.

Мамлакатнинг кўп асрлик тарихи ғарб ва шарқ демократик қадриятларининг бирга қўшилиши миллий характер хусусияти эканлигидан далолат беради. Бу ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида узоқ асрлар давомида кўпмиллат ва динлар вакиллари бирга яшаб, меҳнат қилиб келганликлари билан боғлиқ. Мамлакат тарихан Ғарб билан Шарқ ўртасидаги транспорт коммуникациялари (каравон йўллари) марказида жойлашган эди. Минг йиллар давомида ўзбеклар характерида миллий ва диний ҳолисоналик қатъий равишда мустақкамланиб келди. Шунинг учун бугунги кунда бошқа миллатлар ва динлар вакиллариининг ҳуқуқларини ҳурматлаш қондаси мамлакатнинг Асосий қонунида аниқ аксини топган. Давлатнинг кўп миллатлилиги халқаро андозаларга мувофиқ инсон ҳуқуқларига риоя этилишини талаб қилади.

Ўзбекистон Конституциясининг демократиклигини унда фуқаролик масаласи қандай акс этганлиги ҳам тасдиқлайди. Республика аҳолисининг ҳар бири фуқаролик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқаролигини ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум этилмайди. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, у қайси асосда олинганидан қатъи назар, барча учун бир хилда тенгдир. Фуқаролик ҳар бир кишига, унинг миллати ва динидан қатъи назар, республиканинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий ҳаётида тўла иштирок этиш имконини беради.

Россиялик айрим сиёсатчилар бир вақтлар Ўзбекистон бу ерда истиқомат қилувчи русларнинг иккиёқлама фуқаролик олишига, яъни айни вақтнинг ўзида ҳам Ўзбекистоннинг, ҳам Россиянинг фуқароси бўлишига рухсат бермагани учун уни танқид қилишганди. Бироқ умумий эътироф этилган қоидага кўра ҳар бир инсон фақат бир

мамлакатнинг фуқароси бўлиши мумкин. Бу иккиёқлама фуқароликнинг эътироф этилмаслиги туғрисида 1930 йилда Гаага конвенцияси билан мустақамланган халқаро қоидаларга тула жавоб беради. Гап шундаки, инсон фуқароликни қабул қилар экан мамлакат Конституциясида, қонунларида мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади, айти маҳалда унинг зиммасига муайян мажбуриятлар ҳам юкланади. Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролик ҳеч қачон миллий белги бўйича аниқланмайди. Агар фуқаролик шу белгига қараб берилса, инсоннинг ҳуқуқий мақоми миллий мансублик асосида белгиланса, бу охир-оқибатда жамиятнинг беқарорлашувига ҳамда мамлакатнинг парчаланишига олиб келган бўларди. Иккиёқлама фуқароликка эга бўлиш аслида, умуман Ватанга эга бўлмасликдир. Ўзбекистонда биронта миллат ёки кам сонли элатлар икки томонлама фуқароликка эга бўлиши учун на сиёсий, на ҳуқуқий асос бор. Шунинг учун республиканинг фуқаролик туғрисидаги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон фуқароси айти вақтда яна қандайдир бошқа давлатнинг фуқароси сифатида эътироф этилмайди.

Иккиёқлама фуқаролик берилиши кишининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари борасида тушунарсиз вазиятни вужудга келтиради. Масалан, республикада русларга иккиёқлама — Ўзбекистон ва Россия фуқаролиги берилди, деб тасаввур қилайлик. Шунда: бу одам ҳарбий хизматни қаерда ўташи лозим. Россия армиясидами ёки Ўзбекистон Куролли кучларидами, деган савол туғилади. Ёки иккиёқлама фуқаролик олган одам иккала давлатнинг ҳам Куролли кучларида хизмат қилиши керакми? Ёхуд умуман хизмат қилмаслиги лозимми?

Иккиёқлама фуқаролик олинганда бу тоифа фуқароларнинг ижтимоий таъминоти масаласида ҳам муаммо юзага келади. Яна бир савол: айти маҳалда ҳам Ўзбекистоннинг, ҳам Россиянинг фуқароси бўлган одам ўз пенсиясини ва бошқа ижтимоий нафақаларни қайси мамлакатдан олиши даркор?

Демократия аломатларидан бири сифатида мамлакатнинг Асосий Қонунини ҳимоялаш учун Ўзбекистон тарихида илк бор Конституциявий суд таъсис этилди. Ўзбекларнинг буюк бобокалони Амир Темур: “Қаерда қонун

ҳукмрон бўлса, ўша ерда эркинлик ҳам бор, — деган доно сўзларни олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйишни буюрганди.

Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти давлатнинг учта таянчидир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Олий Мажлис, ижро этувчи ҳокимиятни Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Суд ҳокимияти республиканинг ягона суд тизимини ташкил этувчи Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳужалик суди томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатда кўп партиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Унда ижтимоий ҳаёт сиёсий муассасалар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги негизида ривожланиши ҳам кўрсатилган. Конституцияда ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси даражасига кўтарилмаслиги лозимлиги ҳам айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Конституцияси бозор муносабатларига кенг йўл очиб беради, тадбиркорлик эркинлигини таъминлайди, давлатнинг ҳужалик фаолиятига аралашувидаги яқка ҳокимлик ҳуқуқи йўлига ғов солади. Унда хусусий мулк давлат ҳимоясида эканлиги таъкидланган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш учун ҳуқуқий асос яратувчи бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Қабул қилинган қонунлар гуруҳи орасида асосийлари мулк тўғрисидаги, корхоналар тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқ тўғрисидаги, ташқи сиёсий фаолият тўғрисидаги, чет эл инвестициялари, валютани бошқариш тўғрисидаги ва бошқа қонунлардир. Ушбу қонун ҳужжатларида мулкчилик барча шаклларида тенг ҳуқуқлилиги, мулкдор ҳуқуқининг кафолатланганлиги ҳамда ҳимояланганлиги, турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги ҳужалик юритувчи субъектларнинг яратилиш ва иш олиб бориш механизми, ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш қоидалари ва тизими сингари меъёрлар ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик жамиятни, бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган 400 дан зиёд қонун қабул қилинди. Бугунги кунда республикада бутунлай янги

Фуқаролик, Меҳнат, Оила, Ер ва Солиқ кодекслари амал қилмоқда, кичик ва ўрта корхоналар тўғрисида, уларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида, давлат хизматчиларининг мақоми ҳақида, таълим, маданият тўғрисида қонунлар ва ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини тартибга солувчи бир неча ўнлаб жуда муҳим қонунлар қабул қилинган.

Ислоҳот йилларида Ўзбекистонда барпо этилган бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий инфратузилмаси Президент Каримов сиёсий йўлининг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолди. Мамлакатнинг ҳозирги ҳужалик қонунлари кенг иқтисодий вазифаларни бажармоқда. Булар, жумладан, шахсий фойда олиш муддаоси билан бутун жамият манфаати мутаносиблигини сақлаб туриш, ҳужалик юритувчи субъектларнинг шерик сифатидаги ўзаро муносабатларини таъминлаш ва бошқа кўплаб вазифалардир.

Ўзбекистоннинг миллий ҳуқуқий тизими мамлакат иқтисодий, сиёсий, тарихий ва миллий ривожланиши хусусиятларини, унда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий анъаналарни, жамият маданий ва ахлоқий ҳаётининг миллий турмуш, ҳуқуқий анъаналар ва тафаккурнинг ўзига хос хусусиятларини ўзига сингдиради.

Бугунги кунда республикада вужудга келтирилган ҳуқуқий негиз, халқаро экспертлар фикрича демократик ўзгаришлар ва бозор муносабатларига ўтиш йўлини тутган мамлакатларга қўйиладиган энг юқори талабларга жавоб беради.

Қонун ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистоннинг бозорга ўтишидаги асосий тамойиллардан бири қонун устуворлигидир. Бу ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишни тақозо этади. “Биронта давлат органининг, биронта ҳужалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилотнинг, биронта мансабдор шахсининг ва биронта ҳам одамнинг қонунга бўйсунуш мажбуриятдан озод бўлишга ҳаққи йўқ. Қонун олдида ҳамма баробар. Қонун устуворлиги ижтимоий ва энг аввало, иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан бошқарилади, барча иштирокчилар эса ҳуқуқ меъёрларини бузганликлари учун ҳеч қандай истисносиз жавобгар бўладилар, деганидир”, — деб таъкидлайди Ислом Каримов.

1994 йил 25 декабрда Ўзбекистон тарихида илк бор республика парламенти — Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга сайловлар демократик шароитда кўп партиявийлик асосида бўлиб ўтди. Республика фуқаролари энг муносиб номзодни танлаб олишлари учун уларга мамлакат парламенти, туман ва вилоятлар Кенгашлари депутатлигига номзодларни муқобиллик асосида кўрсатиш имконияти берилди.

1994 йилги парламент сайловлари натижаларига баҳо берар экан, ГФР Президенти Роман Герцог бундай деди: “Ўзбекистонда эркин сайланган парламент иш олиб бормоқда. Бу парламентга сайловлар мустақил ва нуфузли кузатувчилар назорати остида, шу жумладан, немисларнинг ҳам иштирокида бўлиб ўтди”.

Давлатнинг жаҳон майдонидаги нуфузи унда амал қилиб турган сайлов тизимининг очиқлигига ва демократиклигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Сайловларнинг демократиклигини аниқлаш учун бугунги кунда кузатувчилар — нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллариининг назорати жаҳонда кенг расм бўлди. 1999 йил 5 декабрда Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлисга ўтказилган сайловлар арафасида АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел “Ўзбекистон раҳбарияти ва бевосита Марказий сайлов комиссияси томонидан бошланган иш сайловларни ташкилий жиҳатдан юқори даражада ва халқаро меъёрларга мувофиқ ўтказиш нияти жиддийлигини кўрсатади”, — деди.

Жаноб Пресел давом этиб, дедики: “Ҳеч ким Ўзбекистонга демократиянинг бирон-бир моделини тиқиштира олмайди. Чунки демократик тизим, энг аввало жамият хусусиятларини, унинг анъаналарини ва бугунги ҳаётини акс эттириши зарур. Сайловни қандай ташкил қилишни буюриб бўлмайди, лекин у демократикми ёки йўқми эканлигини аниқласа бўлади”.

Америкалик бошқа бир дипломат — АҚШнинг алоҳида муҳим топшириқлар бўйича элчиси Дэвид Жонсон ЕХХТ доимий кенгашининг 1999 йил 20—21 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида нутқ сўзлаб, сайлов технологиясини ва қонун ҳужжатларини демократиялаш йўлига ўтган ҳамда сайловлар тўғрисидаги қонунга ЕХХТнинг демократик тартибот ва инсон ҳуқуқлари бюроси тавсия-

лари асосида ўзгартиришлар киритган ўзбек ҳокимияти ишини юқори баҳолади. Дэвид Жонсон “Марказий Осиё минтақасини демократия йўлидан ривожлантиришда Ўзбекистон муҳим роль ўйнаши лозим”, деб ҳисоблайди.

ЕХХТнинг Марказий Осиёдаги алоқа бюроси раҳбари Ганчо Ганчев ўз навбатида, бундай деди: “Ўзбекистон мустақиллигининг илк кунлариданоқ барқарор фуқаролик жамияти барпо этишга ўз содиқлигини кўрсатди. Мамлакатнинг кундалик ҳаётдан буни тасдиқловчи кўп мисоллар топиш мумкин”. Жаноб Ганчевнинг сўзларига қараганда, ЕХХТ Ўзбекистон ҳукумати билан бу йўналишда 1997 йилдан, ЕХХТнинг демократик тартибот ва инсон ҳуқуқлари бюроси билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида ҳамкорлик туғрисида Меморандум имзолангандан буён ҳамкорлик қилмоқда.

Парламент сайловлари арафасида республикада бўлган хорижий экспертлар сайловларга тайёргарлик “ошқоралик шароитида, демократик қоидаларга тула мувофиқ ҳолда” ўтганлигини айтишди. Сайловлар даврида сиёсий партияларнинг фаоллиги кўриниб турганлиги алоҳида таъкидланди. Экспертлар барча партиялар, ташаббускор гуруҳлар номзодлари учун матбуот, телевидение, радиодан фойдаланишда тенг шароит яратиб берилганини ҳам қайд этишди. “Сайловолди кампанияси жараёни Ўзбекистонда демократия ривожланиб бораётганини, ҳуқуқий муассасалар фаолияти тобора такомиллашаётганини бутун жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор кўрсатди”, — дейишди хорижий экспертлар. Элчи Мадлен Стрж-Вилкенс бошчилигидаги ЕХХТ миссияси аъзолари МСК вакиллари ҳамда республикада сайловлар арафасида тузилган Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбарлари билан учрашдилар.

Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси 1999 йил 5 декабрда бўлиб ўтган республика Олий Мажлисига сайловларда қатнашишга беш партияга рухсат берди. Булар: Ўзбекистон Халқ-демократик партияси, “Адолат” социал-демократик партияси, “Ватан тараққиёти” партияси, “Фидокорлар” миллий-демократик партияси ва Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси.

Барча партиялар Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил январда кучга кирган “Сиёсий партиялар туғриси-

да”ги Қонуни асосида иш олиб боришади. Ушбу ҳужжатга мувофиқ сиёсий партиялар “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш асосида тузилади ва фаолият кўрсатади”. Қонун конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, унинг фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига қарши чиқувчи, шунингдек урушни, ижтимоий, ирқий ва диний нифоқни тарғиб қилувчи, халқнинг саломатлиги ва ахлоқига тажовуз қилувчи партиялар тузилишини тақиқлайди.

Ўзбекистон фуқароси фақат битта сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин. Давлат партияларга ўз низомида кўзда тутилган вазифаларни бажариши учун тенг шароит яратиб бергани ҳолда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни кафолатлайди. Давлат ҳокимияти органларига ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига сиёсий партияларнинг ички ишига аралashiш ёки фаолиятига тўсқинлик қилиш тақиқланади. Партиялар барча тадбирларни иш вақтидан ташқари ҳамда ўз маблағлари ҳисобига ўтказишади. Қонунда, сиёсий партия тузиш учун республиканинг камида 8 ҳудудий вилоятида истиқомат қилувчи фуқароларнинг камида 5 минг имзоси бўлиши зарурлиги ёзиб қўйилган.

Партияларнинг пул жамғармаси аъзолик бадалларидан, ноширлик фаолиятидан келадиган даромаддан, фуқаролар ҳамда жамоат ташкилотлари маблағидан ташкил топади. Сиёсий партияларга давлат органларидан, корхоналардан, ташкилотлардан ҳамда чет давлатларнинг фуқароларидан, шунингдек халқаро муассасалар ва диний ташкилотлардан маблағ ёки мулкни бевосита ёхуд бавосита олиш тақиқланади. Партиялар чет эл банкларида ҳисоб очиш ҳуқуқига эга эмаслар. Давлат сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиши муносабати билан уларга маблағ ажратиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда тўрт партия ва бир ижтимоий-сиёсий ҳаракат иш олиб бормоқда. Булар:

1) Ўзбекистон Халқ-демократик партияси (ЎХДП), 1991 йил 1 ноябрда асос солинган. Унинг сафида 520 мингдан зиёд аъзо бор. ЎХДПнинг биринчи котиби Аб-

дулҳафиз Жалоловдир. ҲХДПнинг ўз матбуот органи: ўзбек ва рус тилларида чоп этиладиган “Ўзбекистон овози” (“Голос Узбекистана”) газетаси, шунингдек ўзбек тилида “Мулоқот” журнали бор;

2) “Адолат” социал-демократик партияси, 1995 йил 18 февралда асос солинган. Унинг биринчи котиби — Турғунпўлат Даминов, матбуот органи “Адолат” ҳафталик газетаси. Ҳозирги пайтда бу партия сафида 30 мингдан зиёд аъзо бор;

3) “Миллий тикланиш” демократик партияси, 1995 йил 3 июнда асос солинган. Иброҳим Ғафуров партия раиси этиб сайланган. Партиянинг матбуот органи “Миллий тикланиш” газетасидир. Ҳозирги пайтда партия сафида 10 мингга яқин аъзо бор;

4) “Фидокорлар” миллий-демократик партияси (ФМДП), 1998 йил 28 декабрда асос солинган. Партиянинг бош котиби — Ахтам Турсунов, матбуот органи — “Фидокор” газетаси. ФМДПнинг ислоҳотларни амалга оширишдаги бош шиори “ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун”. Партия сафида 45 мингдан зиёд аъзо бор.

Ўзбекистонда йирик ижтимоий-сиёсий ҳаракат — 1995 йил 27 майда асос солинган “Халқ бирлиги” ҳам иш олиб боради. Ҳаракат Марказий кенгашининг раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Тўрабек Долимов сайланган. Ташкилотнинг бош вазифаси — кўп миллатли халқни демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида жипслаштириш. Ҳаракат ўз эътиборини Ўзбекистон ҳудудида яшовчи зиёлилар, миллатлар ва элатлар барча ижтимоий қатламлари вакилларининг салоҳиятидан энг кўп фойдаланишга, шунингдек мамлакат ёш авлодида ватанпарварлик ҳиссини тарбиялашга қаратади. “Халқ бирлиги” ҳаракатининг матбуот органи — ўзбек ва рус тилларида чиқадиган “Бирлик” ҳафталик газетаси. Ҳаракат “Ҳамжиҳатлик” жамғармасининг ҳамда “Дуст” газетасининг муассиси ҳамдир. Бу газетада кўп миллатли Ўзбекистон аҳолисининг ислоҳотларни амалга оширишга қўшаётган ҳиссасини, миллий маданий марказлар фаолиятини ҳамда жойларда ҳаракатнинг ташкил этилишини ёритувчи материаллар эълон қилинади.

Сайловолди кампанияси жараёнида мамлакатда илк бор янги — “мустақил номзод” атамаси пайдо бўлди. Мамлакатда республика парламенти ва маҳаллий органлар депутатлигига мустақил номзодларни қўллаб-қувватловчи Марказ тузилди.

Ўзбекистоннинг сайлов тўғрисидаги қонунларида сайловлар чинакам демократия ва ошкоралик шароитида, жамоатчилик назорати остида ўтказилиши белгилаб қўйилган. Сайлов жараёнида бир депутатлик мандатига ўртача тўрт-беш номзод даъвогарлик қилгани 1999 йил 5 декабрдаги сайловлар юксак демократия руҳида ўтгандан далолат беради. Давлат тарихида депутатликка шунча номзод илгари ҳеч қачон бўлмаган. Шунинг учун янгидан сайланаётган мамлакат парламентида депутатлик мандати учун кураш амалда барча сайлов округларида анча кескин бўлди.

Олий Мажлисга сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун республикада 250 (парламентдаги уринлар сонига мувофиқ округ сайлов комиссияси ҳамда 7723 участка сайлов комиссияси тузилди. Сайлов бюллетенларига сиёсий партиялар, ҳокимиятнинг ваколатли органлари, сайловчиларнинг мустақил ташаббускор гуруҳларидан 1010 депутатликка номзод, жумладан, “Адолат” социал-демократик партиясидан 119 номзод, “Ватан тараққиёти” партиясидан — 108, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан — 93, “Фидокорлар” миллий-демократик партиясидан — 207, Халқ-демократик партиясидан — 180, ҳокимиятнинг ваколатли органларидан — 205, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан — 98 номзод киритилди. 28 сайлов округида бир депутатлик мандати учун иккитадан номзод, 57 округда — учтадан, 82 округда — тўрттадан, 53 округда — бештадан, 22 округда — олтитадан, 9 округда — еттитадан номзод курашди.

Сайловчилар парламент сайловида жуда фаол қатнашишди. Республикада сайловчилар рўйхатида 12 692 202 киши киритилганди, улардан 12 061 266 киши (рўйхатга олинган барча сайловчиларнинг 95,03 фоизи) овоз беришда қатнашди.

Овоз бериш якунларига кўра 5 декабрда Олий Мажлисга фақат 184 сайлов округидан депутат сайланди. Республиканинг 66 сайлов округида бюллетенга киритилган

номзодлардан биронтаси ҳам сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини ололмади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”ги Қонуннинг 43-моддасига биноан бундай ҳолларда округларда энг кўп овоз олган икки номзод биринчи даврада икки ҳафталик муддатда такрорий овозга қўйилади. Шу муносабат билан 1999 йил 19 декабрда такрорий сайлов ўтказилди. Иккинчи даврада 66 округда рўйхатдаги сайловчиларнинг 87 фоизи қатнашди. 65 округда сайлов ўтказилган, деб эътироф қилинди. Фақат битта округда номзодлар сайловчиларнинг керакли миқдордаги овозини ололмади, шу боис 2000 йил бошида бу ерда янгидан сайлов ўтказилди.

Сайлов натижасида Ўзбекистон парламенти амалда шаклланди. Олий Мажлиснинг янги таркибида беш сиёсий партия, ҳокимиятнинг ваколатли органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан мустақил депутатлар иш олиб боришмоқда. Парламентнинг янги таркибида Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан 48 депутат, “Фидокорлар” миллий-демократик партиясидан — 24, “Ватан тараққиёти” партиясидан — 20, “Адолат” социал-демократик партиясидан — 11, “Миллий тикланиш” партиясидан — 10, ҳокимиятнинг ваколатли органларидан — 110, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан 16 депутат вакил бўлди.

5 декабрда парламентга бўлиб ўтган сайлов жараёнини номзодлар манфаатларини ёқловчи кўплаб маҳаллий кузатувчилар гуруҳлари назорат қилиб турди. Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг маълумотларига кўра, маҳаллий кузатувчилар сони 20 мингга етган. Улар сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ҳамда Марказий сайлов комиссияси йўриқномаларида белгиланган барча тартиботларнинг бажарилишини ҳолисона назорат қилиш ваколатларини амалдаги сиёсий партиялардан олишган. Маҳаллий кузатувчилар ҳар бир сайлов округида кўз-қулоқ бўлиб туришди.

Парламент сайлови жараёнида халқаро кузатувчилар ҳам кенг кўламда иш олиб боришди. Республикага халқаро кузатувчилар сифатида 15 давлат ва етти халқаро ташкилот вакиллари келди. Жумладан, 17 экспертдан иборат бўлган ЕХХТ миссияси ўз таркибига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия, Норвегия, Дания,

Болгария ва Швеция вакиллари киришган эди. Чет эл кузатувчилари гуруҳида Тошкентда аккредитация қилинган дипломатик миссиялар вакиллари ҳам бор эди. Улар орасида Озарбайжон, Грузия, Белоруссия, Молдавия, Россия, Украина, Қозоғистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Малайзия, Корея Республикаси, Болгария, Фаластин ва Латвия элчихоналари раҳбарлари ва ходимлари бор эди. Ўзбекистондаги парламент сайловининг боришини Россиядан келган кузатувчилар ҳам назорат қилишди. Маҳаллий кузатувчилар ҳам, халқаро кузатувчилар ҳам бўлиб ўтган сайловларнинг қонунийлиги ва демократиклигини тасдиқлашди. Халқаро кузатувчилар “парламент сайлови жамиятдаги демократиялаш жараёни изчил ривожланаётганининг ҳамда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этилаётганининг энг яхши тасдиғи бўлди”, деб таъкидладилар.

Россиядан келган кузатувчилар, ўз навбатида, “Ўзбекистондаги парламент сайлови халқаро меъёрларга мувофиқ ўтди ҳамда демократик характерда бўлди”, — деб баён қилди. Уларнинг гапига кўра, “сайлов жараёнида ҳеч қандай жиддий бузилишлар қайд этилмади”.

1999 йил 5 декабрда ўтказилган парламентга сайловларни Ислон Каримов бутун жамият учун “катта синов”, деб атади. Халқимиз сайловда иштирок этиб, “ўз эркинлигини намойиш қилди. Одамлар энг муносибларни сайлаш имкониятига эга бўлишди”, — деди у. Президентнинг сўзларига кўра, оддий сайловчилар учун “улар сайлаган киши уларнинг орзу ва умидларини оқлай оладими, унинг ўзи учун, оиласи, умуман жамият учун наф келтирадими, шуниси жуда муҳим. Халқ ишончига сазовор бўлганлар бу ишончни тула равишда оқлаши лозим”.

Ўзбекистон парламенти — 250 депутатдан иборат Олий Мажлис бир мандатли ҳудудий сайлов округларида кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланади.

2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Унда ҳозирги давлат бошлиғи Ислон Каримов ва Ўзбекистон Халқ-демократик партияси раҳбари, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов номзодлари овозга қўйилди. Овоз беришда сайловчилар фаол қатнашишди. Сайловда 12 746 903 сайловчидан 12 123 199 киши, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга

фуқароларнинг 95,1 фоизи иштирок этди. Ислом Каримов жуда ишонарли галаба қозонди. Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 91,9 фоизи И. Каримовга ва борйўғи 4,17 фоизи А. Жалоловга овоз беришди. Бундай натижа, аввало, мамлакатдаги сайловчилар Президент Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган ислохотлар йўлини сўзсиз қўллаб-қувватлаётганидан далолатдир.

Ички ва халқаро кузатувчиларнинг фикрича, республикада бўлиб ўтган сўнгги президентлик сайловининг демократик характери Ўзбекистоннинг ЕХХТ доирасидаги мажбуриятларини бажариши йўлида олға қўйилган жиддий қадам бўлди. Бундай баҳо 2000 йил 9 январдаги Ўзбекистон Президенти сайловини тайёрлаш ва ўтказишда амал қилган бир қатор омилларга асосланган. Биринчидан, сайловчилар муқобиллик асосида сайлаш имконига эга бўлишди. Иккинчидан, сайловлар сўнгги йилларда ЕХХТнинг фаол иштирокида ва тавсияларига биноан қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган сайлов қонунлари асосида ўтказилди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларнинг такомиллаштирилиши, республика парламенти — Олий Мажлис томонидан доимий ишловчи Марказий сайлов комиссиясининг тузилиши ва унинг амалий фаолияти кўп партиявийлик асосида демократик сайлов ўтказиш учун зарур юридик негизни таъминлаб берди.

Сайловолди даврида давлат бошлиғи лавозимига ўз номзодларини кўрсатган сиёсий партиялар ўз платформаларини ОАВ орқали сайловчиларга тақдим этиш учун барча имкониятларга эга бўлишди. Сайловчилар ўзларига мақбул номзодни онгли равишда танлаб олишлари учун ОАВ уларни етарли ахборот билан мунтазам таъминлаб турди. Сайловолди кампаниясида сиёсий партиялар орасида кучайиб кетган рақобатчилик, шунингдек уларнинг сайловолди платформаларининг муқобиллиги Ўзбекистонда сиёсий плюрализм ва фикрлар хилма-хиллиги кенгайиб бораётганини, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада эркинлаштириш учун чинакам шарт-шароит яратилаётганлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Овоз бериш ҳеч қандай бузишларсиз ўтди, сайловчилар ўзлари танлаган номзод учун эркин овоз бериш им-

кониятига эга бўлишди. Бу ҳақда, жумладан, 26 давлат (шу жумладан Россия ва МДХ мамлакатлари) халқаро кузатувчиларининг сайлов участкаларига боргани далолат беради. Бу кузатувчиларга овоз беришнинг ташкил қилиниши жараёнини ҳам, маҳаллий сайлов участкаларида сайлов натижаларига яқун ясалишини ҳам, ҳеч бир тўсқинликсиз кузатиш, шунингдек натижаларнинг Марказий сайлов комиссиясида умумлаштирилишини ҳам кузатиш ҳуқуқи берилганди.

Ўзбекистонда президентлик сайловига қизиқиш жуда катта эди. Сайлов жараёни 450 дан зиёд сайлов участкасида АҚШ, Россия, Германия, Япония, Ҳиндистон, Исроил, Канада, Корея Республикаси, Миср, Украина, Озарбайжон, Беларуссия, Грузия, Молдавия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Индонезия, Малайзия, Болгария, Латвиянинг расмий, сиёсий, жамоат доираларининг, шунингдек қатор халқаро ташкилотларнинг халқаро кузатувчилар сифатида аккредитация қилинган 110 вакили, шу жумладан БМТ Тошкентдаги ваколатхонасининг вакили томонидан кузатилгани бунинг далилидир.

Республикага келган халқаро кузатувчилар сайлов ҳозир амал қилиб турган қонунларда белгиланган қондаларга мувофиқ ўтганлигини таъкидлашди. Улар бирон-бир жиддий бузилишни аниқлашмади ва сайловчилар фаоллик билан қатнашганини бир овоздан қайд этишди. АҚШ ва Жанубий Корея кузатувчилари — АҚШ Конгресси аъзоси, Яҳудийлар миллий стратегия муаммолари институти вакили Бо Болтер ва Корея Республикасидан келган дипломат Лимб Гок Кю “Независимая газета” шарҳловчисининг Ўзбекистондаги демократик жараёнлар далиллари нималарда кўришаётгани туғрисидаги саволига жавоб бера туриб, биринчи навбатда, Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий фаоллигини айтишди. Жаноб Болтер яна уларнинг миллатлараро муносабатлардаги холисоналигини ҳам таъкидлади, чунки бундай фаолликни, унинг кузатишича, турли дин ва миллатларга тааллуқли кишилар намён этдилар.

Ўзбекистондаги сўнгги парламент ва президент сайловлари мамлакат демократик жамият барпо этиш йулидан анча олға силжиганини кўрсатди. И. Каримов Ўзбекистон раҳбариятининг бу масаладаги нуқтаи назарини

аниқ ифодалаб берди: “Биз демократияга асосланган давлат қуришга интиломқдамиз, бу давлат халқимизнинг туб ахлоқий негизлари билан уйғунлашиб кетиши лозим <....> Шарқ шароитида демократиялаш жараёнининг ўзига хос хусусияти унинг изчил ва аста-секин боришидир. Революция ёки ғарб олимларининг таърифича, “ижтимоий тараққиётнинг содда — варварча шакли” бу соҳада бизга мақбул эмас”. “Анъаналарга таяниш, улардан маҳорат билан фойдаланиш, янги асосларни изчил қарор топтириш, айти вақтда ислохотларнинг анча тинч давом этишига ҳамда туб ўзгаришлар даврида жамиятнинг барқарорлигига кўмаклашади”, — деб таъкидлади Президент.

Ўзбекистоннинг раҳбарлик тизимида туб ўзгартиришлар рўй берди: назорат ва текшириш билан шуғулланадиган муассасалар сони кескин камайди, бир қатор вазирликлар тугатилди ва уларнинг негизида фаолияти бозор муносабатларига мувофиқ келувчи акциядорлик компаниялари, уюшмалари тузилди.

АҚШ Ўзбекистондан инсон ҳуқуқлари ва демократия тамойилларига тўла риоя этишни талаб қилмоқда. Айти маҳалда у нефть бизнеси соҳасидаги иттифоқчиси бўлмиш Қувайтга ўша инсон ҳуқуқлари ва демократия тамойиллари бузилаётганини таъна қилишни асло истамаяпти. Масалан, Қувайтда хотин-қизлар овоз бериш ва, хусусан, парламент сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Шунинг учун Ироққа қарши уруш тугаши биланоқ қувайтлик аёллар АҚШнинг Қувайтдаги элчихонасини ўраб олдилар ва америка маъмуриятидан хотин-қизларга мамлакат сиёсий ҳаётида, шу жумладан сайловларда иштирок этишга рухсат бериш борасида Қувайт шайхига тазийқ ўтказишни талаб қилдилар. Бироқ АҚШ маъмурияти томонидан қувайтлик аёлларнинг бир ҳафтадан ортиқ давом этган норозилиklarига ҳеч қандай эътибор берилмади. Ўшандаёқ кўплаб кузатувчилар АҚШни икки хил андозада сиёсат олиб боришда айбладилар. Кузатувчилар, Қўшма Штатлар МДХнинг янги мустақил республикаларидан инсон ҳуқуқлари ва демократия меъёрларига тўла риоя этишни талаб қилаётганини, айти маҳалда Вашингтон ўзи иқтисодий жиҳатдан манфаатда бўлган мамлакатларда инсон ҳуқуқлари кўпол бузилаётганини кўриб,

кўрмаётганга олаётганини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, АҚШ учун иқтисодий манфаатлар инсон ҳуқуқлари ва демократия тамойилларидан кўра муҳимроқдир.

Айни маҳалда Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволи Қувайт ёки бошқа мусулмон мамлакатларидаги айфалар аҳволидан тубдан фарқ қилади. Фарбнинг кўп мамлакатларида, шарқ урф-одати тўғрисидаги анъанавий тасаввурлар таъсирида Ўзбекистондаги хотин-қизлар аҳволи тўғрисида мутлақо хато фикр юзага келган. Ваҳоланки, республикада она, меҳнатқаш, жамоат ва давлат арбоби бўлган аёл мавқеи муқаддас тутилиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистонда аёллар аҳолининг 50,3 фоизини ёки 12 миллиондан зиёдни ташкил этади. Ҳозирги кунда мамлакатда фаол меҳнат қилаётганларнинг 45,1 фоизи аёллардир. Улардан 3 миллионга яқини (42%) ишлаб чиқариш соҳасига жалб этилган.

Президент И. Каримовнинг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида аёлларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинганидан кейин хотин-қизлар ҳаётидаги туб ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Республика хотин-қизлар қўмитаси раисига бош вазир ўринбосари мақоми, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларига эса тегишли ҳокимлар ўринбосарлари мақоми берилди. Шу тариқа хотин-қизлар қўмиталари ҳокимият тузилмасига расман киритилди.

Аёллар юқорида санаб ўтилган лавозимлардан ташқари бошқа юксак лавозимларни: Олий Мажлис раисининг ўринбосари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозимини ҳам эгаллаб туришибди. Бундан ташқари ҳозирги кунда Ўзбекистонда вазирлар ўринбосарлари ҳамда корхоналар раҳбарларининг 17,5 фоизини аёллар ташкил қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмаларида ҳам аёллар турли поғонадаги асосий лавозимларни эгаллашган: тўрт вилоят ва беш республика тармоқ қўмиталарининг раислари аёллардир. Кўплаб касаба уюшмалари вилоят туман ва бошланғич ташкилотларини ҳам аёллар бошқаришади. Оиладаги мажбуриятларни бажариш билан банд бўлган хотин-қизлар учун қўшимча кафолатлар, масалан, оғир

ва ер ости ишларида аёллар меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаш, тунги ишларда ва иш вақтидан кейин ишлатишни тақиқлаш, шунингдек ҳомиладор аёлларга бериладиган имтиёзлар ва ҳоказолар касаба уюшмалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб, республика Меҳнат кодексига киритилган.

Касаба уюшмалари аёлларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги ишини ҳар йили мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона ва ишчилар жамоасининг маъмурияти билан касаба уюшмаси қўмитаси ўртасида тузиладиган битимлар ҳамда жамоа шартномалари орқали амалга оширади. Уларда: аёлларга меҳнатни оналик билан қўшиб олиб бориш имконини берувчи шароит яратиш; меҳнат шароитини яхшилаш, қўл меҳнатини енгиллаштириш, аёлларга имтиёзлар бериш тўғрисида қабул қилинган қонунларни бажариш; ҳомиладор аёлларни, ногирон фарзанди бўлган аёлларни, кўп болали оналарни ҳимоялашда қонунларга риоя этиш ва ҳоказолар назарда тутилади.

Республика хотин-қизлар қўмитаси аёллар билан иш олиб борадиган асосий жамоат ташкилотидир. У 1991 йил 23 февралда ташкил қилинган бўлиб, хотин-қизларнинг ижтимоий, касбий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоялаш билан шуғулланади. Бу қўмита ва унинг жойлардаги ташкилотлари асосан тўрт йўналишда иш олиб боради. Бу:

1) бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш, уларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, уларнинг барча ваколатли органлардаги иштирокини таъминлаш, уларнинг меҳнат бозоридаги аҳволини яхшилаш, иқтисодий ислоҳотларда фаол иштирок этишини таъминлаш;

2) хотин-қизларнинг маълумот олиши ва малака эгаллаши учун зарур шароитни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш механизмини такомиллаштириш, юридик билими даражасини ошириш;

3) оналик ва болаликни ҳимоялашни амалга ошириш, оилани режалаштиришда ёрдам кўрсатиш, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш;

4) халқаро хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш, сиёсат, маданият, фан ва иқтисодиёт масалаларига оид ахборот алмашувини йулга қўйиш.

1995 йилга қадар Хотин-қизлар қўмитасининг иши асосан Ўзбекистон доирасида чекланган эди. Кейинчалик унинг аъзолари республикадан ташқарига чиқа бошладилар. 1995 йил сентябрда Пекинда бўлиб ўтган IV Бутунжаҳон хотин-қизлар конференциясида Ўзбекистондан вакил бўлиб борган аёллар маъруза қилишди ҳамда Пекин декларациясини ва аёллар аҳволини яхшилашга қаратилган платформани имзолашди. Декларация ва платформадаги Ўзбекистоннинг ўзига хос муаммоларини акс эттирувчи қоидаларни ҳисобга олиб, республика ҳукумати даражасида аёллар муаммолари бўйича Концепция ишлаб чиқилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон хотин-қизлар эркинликлари ва ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар қўйилган 40 дан зиёд халқаро битимларга қўшилган. Улар қаторида таълим соҳасидаги камситишни тугатиш тўғрисида Конвенция, Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишларни бартараф этиш тўғрисида Конвенция ва бошқалар бор.

Олиб борилаётган ишлар натижасида республикада болалар ва оналар ўлими анча камайди. Қизлар 16 ёшга етмай турмуш қурган ҳолларда, хотин-қизлар турли аёллар касалликлари билан оғриганда, шунингдек у туғиш билан бу туғиш орасидаги давр жуда кам бўлиб, оналар ҳар йили ёки икки йилда фарзанд кўрган ҳолатларда оналар ва чақалоқлар орасида ўлим юқори бўлишини тадқиқот курсатди. Шунинг учун Ўзбекистонда оилани режалаштириш долзарб муаммо ҳисобланади.

Мамлакат раҳбарияти оила саломатлигига алоҳида эътибор беради. “Оила — жамият ҳужайраси” деган қоида Ўзбекистонда давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларда асосий масала ҳисобланади. Республикада ҳукумат қарори билан тузилган “Оила” илмий-амалий маркази ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Жойларда ўз филиалларига эга бўлган бу марказ оила масалаларини мувофиқлаштириш, фуқароларга бу соҳада амалий ёрдам кўрсатиш муаммоларини ўрганади.

Оналикни муҳофаза қилиш республика Конституциясида мустақамланган ҳамда жамиятнинг энг муҳим вазифаларидан бири деб эълон қилинган. Ўзбекистон 1995 йилда Халқаро меҳнат ташкилотининг “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги 103-сонли Конвенциясига қўшилган.

Ўзбекистоннинг Меҳнат кодексига хотин-қизлар аҳволини энгиллаштирувчи кўплаб қоидалар назарда тутилган. Жумладан, болани парваришлаш учун бериладиган таътил даври узайтирилган, хотин-қизларни тунги навбатдаги ишга жалб этиш тақиқланган. Бундан ташқари, 14 ёшгача боласи бўлган аёллар учун қўшимча таътил назарда тутилган, зарарли ёки жисмоний зўриқиш катта бўлган ишлаб чиқариш соҳасида аёллар учун иш ҳафтаси қисқартирилган, аёллар ташийдиган юкнинг оғирлик чегараси 15 кг дан 9 кг га, қизлар учун эса 10 кг дан 7 кг га камайтирилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, жаҳондаги бошқа биронта мамлакатда аёлларга шунча миқдорда имтиёз бериш назарда тутилмаган. Илгари, социализм даврида, ишлаб чиқариш, шу жумладан саноатнинг оғир ва кимёвий тармоқларида аёллар билан эркакларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилган эди. Бундай “тенглик”дан, энг аввало, аёлларнинг ўзи азоб чекарди. Шўро ҳокимияти йилларида кўпинча аёлларнинг металлургия комбинатида ишлаётганини, бу нозик мавжудот вакиллари оғир темир йўл рельсларини ётқизаётганини, автомобиль йўлларини қураётганини, эркаклар эса уларга буйруқ бераётганини кўриш мумкин эди. Бугунги Ўзбекистонда бундай манзарани кўрмайсиз.

1999 йил 17 мартда Президент Каримов “Хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги Фармонни имзолади. Фармонга биноан ёшига кўра пенсияга чиққан, бироқ кичик тиббий ходим, провизор, ногирон болалар уйларида тарбиячи, кутубхоначи бўлиб ишлаётган ҳамда шу лавозимда ўн йиллик иш стажига эга бўлган аёллар ўша йилнинг 1 июлидан бошлаб пенсияни тўла миқдорда олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

1999 йилда Олий Мажлиснинг XIV сессияси “Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар туғрисида”ги Қонунни яқдиллик билан қабул қилди. Қонунда, жумладан, иш беврувчининг аёлини 54 ёшга тўлганлиги сабабли ишдан бўшатишга ҳақи йўқлиги назарда тутилган. Бу масалада унинг розилигини олиш талаб қилинади.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси қабул қилиниши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ижодкорлигида улкан иш олиб бориш учун асос бўлиб қолди. Ўзбекис-

тон Президентининг ташаббуси билан Олий Мажлис “Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида” Қонун қабул қилди ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини тасдиқлади, бу лавозимни республикада ҳурматли ва таниқли олима С. Рашидова эгаллади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил ижрочи ҳокимият аппаратининг фаолиятини назорат қилувчи ҳамда инсон ҳуқуқларини давлат органлари ўзбошимчалигидан ҳимоя қилишни ва амалдорлар томонидан ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишини назорат қилувчи органлар тизимида муҳим ўрин тутди. Бу вакил инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг қонунда кўзда тутилган бошқа воситалари иш бермаганидан сўнг, фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларини кўриб чиқиш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялашнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Омбудсман, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланган ҳолларда, улар номига ўз ҳулосасини йўллаб, бузилган ҳуқуқларни тиклашни тавсия қилиши шарт ҳамда инсон ҳуқуқларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга илтимоснома билан мурожаат этишга ҳақлидир. Омбудсман парламент томонидан вакил қилинган, барча давлат лавозимлари устидан билвосита кенг назорат шаклида парламент контролини амалга оширувчи, бироқ қабул қилинган қарорларни ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлмаган мустақил шахсдир. Парламент омбудсманига илк бор 1809 йилда Швецияда асос солинган. Ҳозирги пайтда жаҳондаги турли мамлакатларда 100 дан зиёд омбудсман мавжуд.

Бутунги кунда республикада омбудсман ҳузурида маслаҳат кенгаши иш олиб бормоқда, унинг таркибига Тошкентда аккредитация қилинган дипломатик корпуснинг, БМТ, ЕХҲТ миссияларининг, ноҳукумат ташкилотларнинг вакиллари кирган. Кенгаш таркибига халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти “Хьюман Райтс Уотч”нинг Ўзбекистондаги вакили ҳам киритилган.

Омбудсман аппарати томонидан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳаракат миллий дастурини амалга ошириш доирасида аёллар ҳуқуқлари мониторинги бўйича Таҳлилий-маслаҳат кенгаши тузилган, 2000—2005 йиллардаги

ҳаракатнинг янги стратегик режаси ҳамда қамоқдаги шахслар билан учрашишни таъминлашга оид махсус дастур ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида омбудсмандан ташқари Ижтимоий фикр институти, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа ташкилотлар ҳам иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари соҳасида қуйидаги муҳим қоидаларни белгилади:

биринчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоялаш — давлатнинг вазифаси;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари каталоги халқаро-ҳуқуқий андозаларга мос келиши лозим;

учинчидан, инсон туғилган чоғиданоқ ўз ҳуқуқлари ва эркинликларига эгадир;

тўртинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ қоидаларига мувофиқ ҳуқуқ ва эркинликлар ҳаммага ва ҳар кимга тенг даражада берилган;

бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунларнинг мазмуни, моҳияти ҳамда уларнинг давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланишини белгилаб бермоғи даркор;

олтинчидан, фуқароларга судда ҳимояланиш кафолатланган;

еттинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга оширилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаслиги шарт.

Бугунги кунда республикада инсон ҳуқуқларига оид қонунлар тизимини вужудга келтирувчи 100 дан зиёд асосий қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар тўрт муҳим йўналиш бўйича қабул қилинган.

Булар:

1) фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик яратилган. Бу қонун доирасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги, таълим тўғрисидаги, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинган;

2) фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи қонунчилик шакллантирилган. Бу йўналишда жамоат таш-

килотлари тўғрисидаги, оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, Президент, Олий Мажлис, маҳаллий Кенгашларга сайлов тўғрисидаги, фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги, касаба уюшмалари тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилинган;

3) фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга замин ҳозирловчи қонунлар тўплами яратилган. Бу йўналишда 60 дан зиёд қонун қабул қилинган. Улар орасида мулкчилик тўғрисидаги, тадбиркорлик тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги, суғурта тўғрисидаги, аҳоли бандлиги тўғрисидаги, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар бор;

4) инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилиш: Ўзбекистон БМТ котибияти ажратиб кўрсатган 22 “асосий” пакт ва конвенциядан 19 тасини ратификация қилди. Улар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, шунингдек Бола ҳуқуқлари, оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялар ва бошқалар бор.

Ҳар қандай замонавий жамиятда инсон ҳуқуқлари жуда муҳим конституциявий тартибот бўлиб, у шахснинг ҳуқуқий мақомини бошқаради, унга таъсир кўрсатиш усуллари ва чораларини, унинг учун сиёсий хоҳиш-иродани билдиришда қатнашиш имкониятини белгилайди, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоялаш ҳамда рўёбга чиқаришнинг юридик кафолатларини қарор топтиради. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги асосий мезон сифатида қаралади. Шу боис ХХ асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқлари бўйича конституциявий тартибот ички давлат ҳуқуқи соҳасида ҳам, халқаро ҳуқуқ соҳасида ҳам биринчи қаторга чиқди ҳамда демократик ҳуқуқий давлатнинг муқаррар аломати, давлатнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими ҳозирги халқаро-ҳуқуқий андозаларга мослигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари конституциявий тартиботининг ибтидоси Францияда 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва

фуқаро ҳуқуқлари декларациясидир. Биринчи босқичда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг илк каталоги: эркинлик ва тенг ҳуқуқлилиқ, шахс дахлсизлиги, мулкчилиқ ҳуқуқи, сайлов ҳуқуқи ва бошқалар юзага келди. Иккинчи босқичда социалистик ҳаракатларнинг кучли тазйиқи остида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар: меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳоказолар қўшилди. Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмида бошланди, бу даврда инсон ҳуқуқлари конституциявий тартиботи ривожланишида тоталитар режимларнинг фожиавий тажрибасига муносабат тарзида сифат жиҳатидан сакраш бўлди. Вужудга келган фуқаролик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар каталоги жиддий кенгая бошлади. Уларга янгилари: яшаш ҳуқуқи, қулай атроф муҳитга бўлган ҳуқуқ, ахборот олиш ҳуқуқи ва бошқалар қўшилди.

Инсон ҳуқуқлари конституциявий тартиботининг ривожланишида халқаро ҳуқуқ асосий роль ўйнай бошлади. БМТ қабул қилган: 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, 1975 йилда Хельсинкида қабул қилинган ЕХХТнинг яқунловчи ҳужжати, 1990 йилда қабул қилинган Янги Европа учун Париж хартияси ва бошқалар унинг асосий ҳужжатларидир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқи тартиботи шарқона демократик кадриятларнинг ўзига хослигини ҳамда Фарбнинг ривожланган мамлакатлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ривожлантирилмоқда. Икки етакчи жаҳон тамаддунининг демократик тажрибасини қовуштириш ёш республикага бу йўналишда мумкин қадар камроқ хатоликка йўл қўйиш имконини беради. Ўзбекистонни ҳам ўзи ичига олувчи шарқ тамаддуни ҳуқуқлар ва манфаатлар мутаносиблигига азалдан риоя қилиб келган. Бундай мутаносибликнинг бузилиши инсон учун ҳам, халқлар ва давлатлар учун ҳам фожиавий оқибатлар келтирган. Ўзбекистон халқлари ривожланишининг тарихий шарт-шароити жамоанинг бир қисми бўлган инсоннинг олий ҳуқуқлари тўғрисидаги тасаввурларнинг гоят барқарорлигини белгилаб берди.

Таассуфки, социализм даврида инсон ҳуқуқлари ғояси-ни на умуман жамият, на айрим одамлар тўла-тўқис тушуна ояди. Бу даврда Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши бир мунча тўхтаб қолди, алоҳида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ижтимоий қиммати анча пасайди.

Мамлакат мустақилликни қўлга киритгач инсон ҳуқуқлари қонунларни ривожлантириш ва ижтимоий тараққиётнинг конституциявий асоси сифатида босқичма-босқич тикланмоқда. Зеро, Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатлари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва меъёрларига садоқатни тақозо этади. Бугунги кунда умуминсоний ҳамда миллий давлат ривожланиши бирлигида инсон ҳуқуқлари ва жамиятни демократиялаш бир-бири билан чамбарчас боғланган. Конституциянинг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларта кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, — деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистонда нодавлат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий негизини белгилаб олиш мақсадида “Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида” ва “Жамоат ташкилотлари тўғрисида” қонунлар қабул қилинган. Республикада шу қонунлар асосида 300 дан зиёд турли жамоат ташкилотлари, бешта сиёсий партия, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи “Шахс ҳуқуқларини ҳимоялаш кумитаси”, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари “Хьюман Райтс Уотч Хельсинки” ва “Амнисти Интернейшнл”нинг минтақавий ваколатхоналари иш олиб бормоқда. Маҳаллий жамоат ташкилотлари орасида “Маҳалла”, “Камолот”, “Нуроний”, “Соғлом авлод учун”, “Экосан” ва бошқалар энг йириклари ҳисобланади.

ДАВЛАТ — БОШ ИСЛОҲОТЧИ

Ислом Каримов иқтисодиётда энг катта ютуқларга эришди, деса булади. Туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилиши ҳамда жамиятнинг ижтимоий қайта қурилиши унинг номи билан боғлиқ. Бундан ташқари Ўзбекистон Каримов раҳбарлигида энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигига эришди, автомобиль ва нефть маҳсулотларининг жуда йирик экспортчиси бўлди. Мамлакат қазиб олинаётган табиий газ ҳажми жиҳатидан Марказий Осиёда етакчи ўринга чиқди. Қайишқоқ иқтисодий сиёсат туфайли Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг пасайиши шўролардан кейинги бутун маконда энг кам даражада бўлганлиги кутатилди. Республикада капитал қўйилма ошиб бориши билан бир вақтда иқтисодий юксалиш бошланди. Ўзбекистон туғридан-туғри жалб этилган хорижий инвестиция ҳажми бўйича МДҲ мамлакатлари орасида Россиядан кейин иккинчи ўринда туради. Мустақиллик йилларида республикада бошқарувнинг марказлашган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асосларини шакллантиришга ўтиш чора-тадбирлари амалга оширилди. Ҳаётнинг ўзи, сўнгги йилларда жамиятнинг барча соҳаларида, энг аввало, иқтисодиётда содир бўлган ўзгаришлар Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти асосларини шакллантиришга йўналтирилган ислоҳотлар умумий йўлини босқичма-босқич, изчил, босиқлик билан ёндашиб амалга оширишнинг афзаллигини ишонарли тарзда исботлади.

Мамлакатдаги иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан қаттиқ назорат қилиниши ижтимоий портлашларга йўл қўймаслик ҳамда аҳолининг муносиб турмуш тарзини сақлаб туриш имконини берди. Каримов пой-

тахтда ҳам, минтақаларда ҳам иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга эришди, бу эса мамлакатдаги ижтимоий барқарорликнинг ўзагидир. Жадал индустри-ялаш бошланиб кетди. Андижон вилоятида ва Самарқандда йирик автомобиль заводлари — “ЎздЭУавто” ва “СамКочавто” ишга туширилди, Бухорода нефтни қайта ишлаш заводи фойдаланишга топширилди, Хоразмда эса Марказий Осиёдаги энг йирик қанд заводи қурилди. Ўзбекистонда олтин қазиб чиқариш ҳажми кескин — йилига 87 тоннагача кўпайди, Навоий шаҳридаги кон-металлургия комбинатида уран чиқариш икки баробар ошди, Тошкент трактор заводида эса замонавий қишлоқ хўжалик машиналари чиқарила бошланди ва ҳоказо.

Ислом Каримов иқтисодиётда: “Давлат — бош ислоҳотчи” деган қатъий қоидага амал қилади. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида унинг саноат соҳасидаги сиёсати “ўзбек модели”нинг энг муҳим тамойиллари асосида олиб берилди. Ҳозирги пайтда республикада қулай макроиқтисодий муҳит яратилган. Президент Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти нимадан иборат, “давлат — бош ислоҳотчи” ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг “ўзбек модели” нимани билдиради? Кўплаб МДХ республикалари иқтисодий ислоҳотда гайдарча “шок терапияси” (фалаж қилиб даволаш) тамойилига эргашиб, ижтимоий-сиёсий ҳалокат марказига тушиб қолган бир пайтда Ўзбекистон ислоҳотлар жараёнида ижтимоий ларзалардан қай тариқа қутулиб қолди?

Ўтиш даврининг энг муҳим омили кучли давлат эканлигини Ислом Каримов МДХ мамлакатларининг барча президентларидан олдин тушунди ва кўрсатиб берди. Жаҳондаги кўплаб мамлакатлар тажрибасида тасдиқланганидек, бусиз на ижтимоий салоҳиятни сафарбар этиб бўлади, на ўрта синфни шакллантириб бўлади, на халқаро муносабатларда муваффақиятга эришиб бўлади.

Германия, Франция сингари демократик мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси ўтиш даврида давлат “жиловни қўлдан чиқармаслиги” лозимлигидан далолат беради. Бозор иқтисодиёти тугал қарор топтирилгач, давлат ҳамма жойда талаб ва таклиф қоидасига мувофиқ ўтадиган иқтисодий жараёнларга аралашмай қўяди. Қа-

роҳ топган бозор иқтисодиётида давлат асосан қонунлар ва, энг аввало, солиқ қонунчилиги орқали бошқара бошлайди. Лекин ҳатто шу ҳолда ҳам муайян устунликка эга бўлган давлат сектори жиддий ўрин тутаети. Масалан, Францияда давлат айрим тармоқларда фондларнинг 40—45 фоизини ўз қўлида сақлайди. Бу ерда хўжалик беш йиллик режалар асосида ривожлантирилади. АҚШда эса ҳатто 30 йилни мулжаллаб режа ишлаб чиқилган.

Бозор томон силжиб борган сари давлатнинг бошқарув ва хўжалик фаолиятидаги роли ўзгариб боради — ҳокимият тузилмалари хўжалик фаолиятига тўғридан-тўғри аралашувдан аста-секин чекина бошлайди. Давлат борган сари иқтисодиётни тегишли омиллар ва рағбатлантириш воситалари орқали умуммиллий муаммоларни ҳал қилиш йўли билан иқтисодиётни билвосита бошқаришга ўта бошлайди.

Ўтиш даврида мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолияти ҳам давлатнинг собитқадам ва кучли таъсирига муҳтож бўлади. Халқаро муносабатларнинг жуғрофий-сиёсий жиҳатига мувофиқ равишда ташқи иқтисодий ўзаро боғлиқлик стратегик табиий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини ўз ичига олиши билан алоқадор эканлиги сабабли халқаро ва қолаверса, ички сиёсий зиддиятлар келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас.

Жаҳондаги буюк давлатлар ўртасида Марказий Осиё минтақасининг энергетика захиралари учун кураш қаттиқ рақобат тусини олаётган ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолияти давлат томонидан ишончли назорат қилиниши жуда зарур. Кескин рақобат жараёнида Марказий Осиёда ва Каспий денгизи минтақасида халқаро нефть-газ консорциумлари тузилмоқда ва бу билан Россия, АҚШ, Хитой, Покистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркиянинг миллий манфаатларига маълум даражада дахл қилинмоқда.

Шу билан бир қаторда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг бошқа бир қатор иқтисодий вазифалари ҳам бор. Давлат иқтисодиёт амал қилишининг ҳуқуқий асосларини бозор субъектларининг ўзаро муносабати, давлат идораларининг сифат жиҳатдан бозор муассасаларига айланиши амалга оширилиши лозим бўлган ўзига хос “чегаралаш”ни яратади ва тас-

диқлайди. Шунинг учун ҳам агар МДХ айрим мамлакатларидаги каби Ўзбекистонда ҳам давлат ўтиш даврида жилвони қўлдан чиқариб юборганида, устуворликлардан маҳрум бўлинарди, иқтисодий жараёнлар назорат остидан чиқиб қоларди, бу эса молия бозорининг инқирози ва миллий валютанинг қадри кескин пасайиб кетишига олиб келарди. 1998—1999 йилларда Россияда, Қирғизистонда, Қозоғистонда ва ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган бошқа мамлакатларда айни шу ҳодиса юз берган эди.

Ўтмиш тизимдан Ўзбекистонга оғир мерос — номутаносиб, бир ёқлама иқтисодиёт қолганди. Аслида бу минтақа подшо Россияси томонидан босиб олинганидан кейин ҳамда шўролар даврида арзон хом ашё ҳамда стратегик минерал захиралар етказиб берувчи ва СССРнинг бошқа республикаларидан келтирилган тайёр маҳсулот сотиладиган катта бозор бўлиб қолганди. Жамиятнинг парчаланиб кетишига ҳамда ислохотларнигина эмас, давлатнинг мавжудлигини ҳам хавф остида қолдириши мумкин бўлган ижтимоий ларзаларга йўл қўймаган ҳолда мамлакатни тубдан ислоҳ қилиш зарур эди.

Шундай ғоят мураккаб шароитда Ўзбекистон ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлини ишлаб чиқди, унга Президент Ислам Каримов томонидан таклиф қилинган беш асосий тамойил асос қилиб олинди. Ўтиш даврига бардош бериш таълимотининг пойдеворини ташкил қилувчи бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

биринчидан, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи қилиш. Шу муносабат билан, Ўзбекистон — МДХда сиёсат иқтисодиётдан устунлик қилмайдиган ягона мамлакат эканлигини таъкидлаш зарур;

иккинчидан, бош ислохотчи давлат бўлиб, у устувор жиҳатларни аниқлаши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил амалга ошириши шарт;

учинчидан, қонун устуворлиги; бу қонун демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституцияга ҳамда қонунларга истисносиз ҳамманинг риоя этишини ва уларни ҳурматлаши зарурлигини билдиради;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш.

Аҳолисининг 50 фоизга яқини 18 ёшгача бўлган болалардан иборат бўлган Ўзбекистон учун бу алоҳида аҳамият касб этади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига пухта уйлаб, босқичма-босқич, иқтисодиётнинг объектив қонунларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги “сакрашлар” сиз, яъни эволюция йўли билан ўтиш керак. “Охир-оқибатда ислохотлар ислохот учун ўтказилмайди, унинг бош мезони тезлик эмас, одамларнинг фаровонлигидир”, — деб қатъий айтди Ўзбекистон Президенти.

Монреалдаги Мак Гил Университетининг профессори М. Бунге Шарқий Европа мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларнинг боришини тавсифлаб “Ўтиш аста-секин амалга оширилиши лозим, чунки инқилоб ҳаддан ташқари кўп изтироб ва ижтимоий талафотлар келтиради”, — деганди.

Мазкур тамойилларнинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистонда барқарорлик, тинчлик, фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик таъминланди. Барқарор иқтисодий ўсиш таъминланди, мамлакат янгиланиш ва тараққиёт йўлидан дадил олға бормоқда.

Айни маҳалда, қаерда маълум моделларни кўр-кўрона кўчиришга интилиш бўлса, у ерда, одатда, ислохот барбод бўлиши жаҳон тажрибасидан маълум. Бу, табиатда икки ўхшаш давлат у ёқда турсин, ҳатто икки ўхшаш индивидуум ҳам йўқлиги билан изоҳланади. Шунинг учун нусха кўчиришда мамлакатнинг ўзига хос шароитигина эмас, мавжуд салоҳият, яқин ва олис ҳамкорлар билан ўртада юзага келган кўп йиллик иқтисодий ва маънавий алоқалар ҳам ҳисобга олинмай қолади.

“Ўзбекистоннинг йўли шуки, — қатъий деди жаноб Каримов, — биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг нэчор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароит яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Халқининг ярми норасида болалар бўлган давлат бирданига бозор муносабатларига ўтиши — бемаъни гап”.

“Бозор иқтисодиётига ўтдик, деб эълон қилиш билан иш битмайди, — деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти. — Ўтиш учун аввало, иқтисодий база керак. Бизда

бозор иқтисодиёти таркиби эндигина шаклланиб келмоқда, холос”.

Унинг айтишича, “бозор муносабатларига утиш — кўруна мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат кўрмоқчи эканмиз, энг аввал, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи кўрсин”.

“Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади, — деб ҳисоблайди И. Каримов. — Нукул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ”.

МДХ барча мамлакатларида ижтимоий табақалашув ва оммавий қашшоқлашув давлат томонидан назорат қилинмайди, назорат қилинса-да, самараси кам бўлади. Ўзбекистон бу жиҳатдан истиснодир. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи куниданоқ Президент Каримов ўзининг бу масаладаги нуқтаи назарини жуда аниқ баён қилди: “Жамият ижтимоий ва мулкий жиҳатдан қутбларга ажралиб бораётган ҳозирги пайтда адолат ғоясини қисқача шундай дейиш мумкин: давлат жамиятнинг ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга ажралиб кетишига йўл қўймаслиги лозим. Жамиятда оқилона ижтимоий, мулкий мувозанатни таъминловчи самарали тизимни мустаҳкамловчи қонунлар қабул қилиш зарур. Кишиларнинг мулкий аҳволи ўртасида ҳаддан ташқари тафовут ҳолати бонг уришга сабаб бўлиши ҳамда барқарорликни тез бошқарувчи ҳимоя механизмини ишга солиши лозим”.

Ҳар қанақа инқилобий қарорлар улкан ижтимоий ларзаларни келтириб чиқаришини жаҳон тажрибаси кўрсатмоқда. Шарқий Европа сценарийси асосида бозор томон қилинган ҳаракат бунинг далили бўлади. Халқаро валюта фонди маслаҳатига амал қилиб, бу сценарий бўйича нарх-навои жадал эркинлаштиришга, солиқ, кредит ва валюта сиёсати воситасида молия-пул барқарорлигига эришишга умид қилинди. Монетаризм усули билан “шок терапияси”ни ўтказишдан мақсад иқтисодиётни тоталитар тизимдан чиқариб олишдан, монетаризм усулини бозор

муносабатларини ривожлантиришнинг ўзига хос тезлаштирувчи воситасига айлантиришдан иборат эди.

Бироқ бундай сиёсат ўта нохуш оқибатларга олиб келди. Югославияда А. Маркович режасига кўра ўтказилган монетаристик иқтисодий ислоҳот натижасида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашибгина қолмай (1991 йилда саноат ишлаб чиқариши 20 фоиз, сармоя қўйилмалар 17 фоиз қисқарди), федерациянинг ўзи ҳам барбод бўлди, миллатлараро қонли туқнашувлар юзага келди.

Чехословакияда В. Клаус режаси асосида ўтказилган ислоҳотларнинг “шок”ли монетаристик варианты ҳам ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига, инвестицион фаоллик тўхтаб қолишига, мамлакат икки қисмга ажралишига олиб келди.

Руминия ва Болгарияда “шок терапияси” инфляциянинг кучайишига, ташқи иқтисодий ва ички қарз ортишига, ишсизлик кўпайишига, ишлаб чиқариш кескин камайишига сабаб бўлди.

Польшада ғарб мамлакатлари ҳамда халқаро молия ташкилотларининг фаол қўллаб-қувватлаши билан Л. Бальцеревич режаси асосида “шок терапияси” нисбатан изчил ўтказилди. Иқтисодиёт тузилмасида асосан қишлоқ хўжалигида хусусий секторнинг ҳиссаси катта бўлса ҳам бу йўл пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланишини келтириб чиқарди ва амалда мамлакат саноатини барбод қилди ҳамда ташқи қарз кўпайишига сабаб бўлди. Натижада мамлакатда турмуш даражаси шу қадар пасайиб кетдики, ҳозир у ҳатто инқироздан кейинги Россиядагидан ҳам пастроқдир.

“Шок терапияси” Россияда ҳам ишлаб чиқаришнинг кескин (айрим соҳаларда ҳатто 1991 йилга нисбатан 50% гача) пасайишига, аҳоли қашшоқлашувига, иқтисодиёт барбод бўлишига олиб келди. Россияда монетаристик иқтисодий сиёсат 1998 йил 17 август инқирози билан поёнига етди ҳамда мамлакатни молиявий таназзулга дучор этди. Россия дефолт (ночорлик) ҳолатига тушиб қолди, натижада ташқи ва ички қарзларини тўлашни тўхтаиб қўйишга мажбур бўлди, қисқа вақт ичида россия рубли тўрт марта девальвация бўлди, бу ҳолат аҳоли турмуш даражасини кескин пасайтириб юборди.

ХВФ экспертларининг маслаҳати билан нарх-навони жадал эркинлаштирган ҳолда монетаристик иқтисодий си-

ёсат олиб борилган бошқа МДХ мамлакатларида ҳам ислохотлар ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши, миллий валютанинг қадрсизланиши, ташқи қарзнинг ошиб кетиши ҳамда турмуш даражаси пасайиши билан тугади. Масалан, Қирғизистонда монетаристик усуллар билан “шок терапияси”нинг ўтказилиши натижасида 1998 йилда ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан 52 фоизга қадар камайди, миллий валюта бир неча баробар қадрсизланди, аҳоли турмуш даражаси пасайди. Ушбу ислохотлар натижасида мамлакат бугунги кунда банкротлик ёқасига келиб қолди. 2000 йил бошида Қирғизистоннинг ташқи қарзи 1 млрд 300 млн доллардан ошиб кетди, бу кўрсаткич ҳатто республика ЯИМ даражасидан ҳам кўпроқдир. Бугунги кунда республика қарзни қайтара олмайдиган ёки, ҳатто, улар юзасидан фоизни тўла тўлай олмайдиган ҳолатга тушиб қолди.

Давлат бошқаруви ҳам, бозор иқтисодиёти тартиботи ҳам бўлмаганлиги натижасида МДХ мамлакатларида “шок терапияси” ўйини буткул барбод бўлди. Бозорга ўтишнинг “ўзбек модели” ҳамдўстликнинг бошқа аъзолари ўтказган кўнгилсиз тажриба олдида оқилона вариант бўлиб кўринади: беш йилдан буён иқтисодий ўсиш кузатилмоқда, аҳоли турмуш даражаси анча юксалди. Ислон Каримов МДХ даги ва Шарқий Европадаги ўз ҳамкасбларидан фарқли равишда, бозорга ўтишнинг ўзига хос моделига ислохотларни босқичма-босқич, эволюция йўли билан ўтказишни асос қилиб олганида мутлақо ҳақ бўлиб чиқди. У халқнинг: “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, бошпанасиз қолишинг мумкин”, — деган ҳикматига амал қилди. Президент “бозор иқтисодиёти сари буюк сакрашлар, инқилобий қайта ўзгаришлар йўли билан эмас, балки собитқадамлик ва изчиллик билан — босқичма-босқич ҳаракат қилиш керак”лигини исботлаб берди. Бозорга ўтишдаги ўзбекча йўлнинг ўзига хос хусусияти ана шундадир. “Бир босқични тугатиб, зарур шарт-шароитлар яратиб бўлгандан кейингина янги босқичга ўтиш керак”, — деб ҳисоблайди Ислон Каримов.

Мураккаб ўтиш даврида давлат бошида кибр-ҳаволи сиёсатчи генерал эмас, балки профессионал иқтисодчи тургани Ўзбекистон аҳолисининг бахти бўлди. МДХнинг ҳокимият тепасига собиқ генераллар ҳамда иттифоқдош республикаларнинг биринчи котиблари келган, иқтисо-

диётдан кўра кўпроқ сиёсат билан шуғулланган мамлакатларида иқтисодий бўҳрондан чиқиб бўлмади, ишлаб чиқаришни юксалтириб, аҳоли турмуш даражасини ошириб бўлмади.

“Иқтисодий ислохотлар сиёсий манфаатларга боғлиқ бўлиб қолган жойда, — дейди Каримов, — иқтисодиёт таъназулга юз тутали. аҳолининг аҳволи кескин ёмонлашади, ижтимоий зиддиятлар бўҳронга олиб келади. Буни сиёсий курашлар ботқоғига ботиб қолган қатор мамлакатларнинг аччиқ тажрибасидан кўриш мумкин. Шунинг учун биз иқтисодиётни ҳар қандай сиёсий мафкурадан юқори қўямиз. Шу билан бирга ижтимоий барқарорликни таъминлаймиз, бутун жамиятни янгилаш ва инсонга муносиб турмуш шароити учун асос яратамиз. Зеро, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга янгича ёндошишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда”.

“Янги уй қурмай туриб, эскисини бузма, деганимизда, эски тизимнинг фойдали томонларини қурилаётган жамият учун сақлаб қолиш зарурлигини назарда тутамиз, — деб изоҳлайди жаноб Каримов. — Жумладан, бу гап ижтимоий соҳамизга тааллуқлидир. Соғлиқни сақлаш, маданият, маорифда улкан ижобий тажриба тўплаганмиз, бошқа мамлакатлар учун ибрат бўладиган ютуқларимиз бор. Улардан воз кечишнинг, ташқаридан олиб кирилган ижтимоий моделлардан кўр-кўрона нусха кўчиришнинг асло ҳожати йўқ”.

“Маънавий, тарихий ва маданий қадриятлар, аҳолининг маънавий ахлоқий аҳволи, ёш авлодни тарбиялаш асосий устувор вазифа бўлиши даркор ва биз халқ маънавияти зиёнига маблағ тежай олмаймиз. Ҳозирги мураккаб даврда ушбу тармоқларни ишончли даражада қўллаб-қувватлаш, уларда меҳнат қилаётган кишилар меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни кучли ҳимоялашни таъминлаш, уларнинг ижодий салоҳияти намоён бўлиши учун шароит яратиш талаб этилади”, — деб таъкидлади давлат бошлиғи.

Ўзбекистон Президенти таъсирчан ижтимоий сиёсат ўтказганда уни иқтисодиётни барқарорлаштириш чоралари, таркибий ўзгаришлар, бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этиш билан қўшиб олиб боргандагина ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужуд-

га келтириш мумкинлигига ишончи комил. “Инсон — давлат” муносабатида инсон устувор ўрин эгаллаши лозим.

Бозор муносабатлари шароитида ишлаш учун Ўзбекистон, аввало иқтисодиётнинг самарасиз хом ашё йўналишидан қутулиши лозим эди. Шунинг учун мустақиллик қўлга киритилган даврда тайёр маҳсулотнинг етишмаслиги мамлакат иқтисодиётининг энг заиф томони эди. Республика халқ истеъмоли молларининг 60 фоизга яқинини четдан келтиришга мажбур эди.

Психологик омил ҳам бор эди. 74 йил социалистик тузум даврида яшаган кишиларни бозор муносабатларига мослашишга олдиндан тайёрлаш лозим эди. Шунинг учун Ўзбекистон бир қанча вазиятларни ҳисобга олишни талаб қилувчи ўз истиқлол йўлини танлади. Биринчидан, Ислом Каримов бозор ислохотларини бошлар экан, азалдан жамоа бўлиб ҳаёт кечиришга кўниккан ўзбек халқининг миллий-тарихий турмуш тарзини, урф-одатлари ва анъаналарини ҳисобга олганди.

Иккинчидан, бозор муносабатлари йўлига утилар экан, аҳолисининг деярли ярми ўсмирлар ҳамда болалардан иборат бўлган мамлакатдаги нуфус вазиятини албатта эътиборга олиш лозим эди. Ўзбекистон туғилиш ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради, бу эса иқтисодий тараққиёт динамикасига, бандлик муаммоларининг ҳал этилишига алоҳида талаблар қўяди. Бу ерда аҳолининг кўпайиш суръати юқори бўлгани учун меҳнат ресурслари ҳам шунга мувофиқ ортиб боради. Бинобарин, ёшларни иш жойи билан таъминлаш зарур.

Демографик вазият республика иқтисодиётига ҳаддан ташқари оғир юк бўлиб тушмоқда. Аҳоли таркибида болалар ва ўсмирлар кўпчиликни ташкил қилиши туфайли давлат мамлакатнинг бу тоифа аҳолисини ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратишга мажбур бўлмоқда. Башарти Россия ҳамда Белоруссияда 15 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар 24%дан биров кўпроқ, Қозоғистонда 33,2% бўлса, Ўзбекистонда 43,1% дир. Республика аҳолисининг ярмидан кўпи болалар, ўқувчи ёшлар, пенсионерлар, яъни ижтимоий ночор қатламлардир.

Мамлакат аҳолисининг 60% дан зиёди асосан аграр соҳада банд бўлган қишлоқ аҳолиси эканлиги сабабли ҳам

нуфус масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Ўзбеклар анъанавий равишда туғилиб ўсган жойига боғланиб қолганлиги ва бир жойдан бошқа жойга кўчмаслиги туфайли саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқаришларни жойлаштиришда шу анъаналарни ва қишлоқдаги нуфус вазиятини ҳисобга олиб бандлик масаласини ҳал қилиш зарур. Ислон Каримов бу муаммони ҳал этишнинг оқилона йўлини топди: "...қишлоқ жойлардаги ва туманлар марказидаги ортиқча иш кучини шаҳарга олиб келиш шарт эмас — аксинча, янги кичик замонавий корхоналарни қишлоқ жойларда ва туманлар марказида қуриш даркор. Содда қилиб айтганда, одамларни ишга эмас, балки ишни одамларга яқинлаштириш зарур". Қишлоқ ҳўжалиги ва саноатнинг у билан боғлиқ қайта ишлаш тармоқлари устун даражада ривожланмоқда. Иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш бутун Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида белгилловчи бўғин бўлди. Бу ҳол республиканинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида қишлоқ ҳўжалиги катта роль ўйнаши билан боғлиқ: аҳолининг 60% га яқини қишлоқ жойда истиқомат қилади, миллий даромаднинг 44% дан зиёди қишлоқ ҳўжалигида яратилади. Бу — республика ҳаётини таъминлаш негизи, саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш асоси, шунингдек экспорт захиралари ҳамда валюта тушумларининг муҳим манбаидир.

Ерга бўлган мулкчилик масаласи Ўзбекистоннинг бутун аграр сиёсатида муҳим масаладир. Республика деҳқончилигининг хусусияти шундаки, экин майдонларининг катта қисми суғориладиган ерлар бўлиб, уларга қудратли давлат ирригация тизими хизмат кўрсатади. Республикада аҳоли зичлиги юқори, ҳозирнинг ўзидаёқ ер ва сув тақчил. Аҳолининг кўпайиб бориши ҳозиргидек юқори даражада давом этар экан, истиқболда бу муаммо янада кескинлашади. Шунинг учун ерни олди-сотди буюмига айлантириб қўйиш аҳолининг ҳаётий илдизларига путур етказиши, ер участкалари билан чайқовчилик қилишга олиб келиши, деҳқонни эртанги кунга умид боғлашдан маҳрум этиши мумкин.

Қишлоқ ҳўжалигининг ташкил этилиши ва ихтисослаштирилиши экинзор ерларни сақлаб қолишни талаб этувчи яна бир омилдир. Чунончи, пахтачилик ва ғаллачилик

каби юксак товар ишлаб чиқаришини хусусий шахсларга тегишли кичик ер майдонларида, ҳатто юқори даражада механизациялашган булса-да, якка тартибдаги меҳнат йули билан ташкил қилиб булмайди. Қишлоқ хўжалигининг бу турдаги маҳсулотларини етиштириш учун пахта ва ғалла етиштиришга мўлжалланган ерларни йириклаштириш ҳамда давлат мулки сифатида сақлаб қолиш тақозо этилади. Айни маҳалда сабзавот, полиз экинларини етиштиришни, чорвачилик, боғдорчиликни хусусий қўлларга топширилган ер участкаларида ҳам ташкил этиш мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти шароитида деҳқончилик асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашганлиги сабабли ер олди-сотди объекти бўлиши мумкин эмас, чунки пахтачилик ва ғаллачилик суғориладиган ерларда олиб борилади, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эса сув ва хўжаликлараро ирригация тизимлари билан узлуксиз боғланган.

Шу сабабли ҳозирги босқичда ерга ва суғориш тизимига нисбатан давлат мулкчилигини сақлаб қолишга тўғри келди. Бундай шароитда Президент Каримов қишлоқда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг ҳамда деҳқонларда эгаллик ҳиссини тиклашнинг оқилона йулини таклиф этди. Бу — ерни деҳқонга умрбод фойдаланиш учун мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бериб қўйиш, ҳар бир қишлоқ меҳнатчисига ўз меҳнати натижаларини мустақил тасарруф этиш имконини яратишдир. Ана шунда деҳқон ўзини ернинг чинакам эгаси деб ҳис эта олади.

Натижада ўзбек қишлоқларида пай муносабатлари ривожланди, яъни қишлоқ хўжалик корхоналари мулк пайчилиги асосида ўзгарди. Мулкчилик муносабатларини шакллантиришнинг бундай усулида ер хўжалик аъзолари ўртасида тақсимланади, бироқ олди-сотди объектига айланмайди. Ер ҳамда хўжалик тасарруфидаги бошқа мулк натурал шаклда эмас, балки қиймат шаклида, яъни хўжалик фаолларига мувофиқ равишда тақсимланади. Хўжалик аъзолари бўлган мулкдорлар ўртасида тақсимот бутун жамоа қарори асосида амалга оширилади. Бу аввалги хўжаликларнинг ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилишини билдиради. Бунда тақсимот воситалари ҳамда шакллари турли минтақаларда маҳаллий шароит хусусиятларига мос келадиган турли қоида-

лар асосида белгиланиши мумкин. Бироқ мазкур барча хўжаликларда асосий қондага амал қилиниши: хўжаликнинг ҳар бир аъзосига сертификат, яъни унга мулкнинг муайян қисмига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг тегишли қисмига мулкчилик ҳуқуқини мустақамловчи юридик ҳужжат албатта берилиши даркор.

Қишлоқ хўжалик ерларига мулкчиликнинг бундай шаклида хўжаликлар ҳамда ирригация-мелиорация тизимларининг яхлитлиги сақлаб қолинади. Бу усул хўжаликларнинг мавжуд ер ва захира салоҳиятидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланилмайдиган ерларга келганда эса, Ўзбекистонда хусусий эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи купдан буён мавжуддир. Ерни иморатлари билан сотиш, ерни ким ошди савдосида яқка тартибда уй қуриш учун сотиш, ерга эгалик ҳуқуқини сотиш ва ҳоказоларга қонун билан рухсат этилган бўлиб, бу ҳуқуқдан кенг фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга, агар Ўзбекистонда суғориладиган ҳайдалма ернинг умумий майдони 4,3 млн гектар бўлса, унинг тахминан 650 минг гектари, яъни 15% часи томорқа участкаси тарзида аҳолига ажратиб берилган. Бугунги кунда қишлоқ хўжалик экинзорлари учун фермер ва деҳқон хўжаликларига ажратиб берилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинса, хусусий сектор қўлидаги ер майдони 1 млн гектардан ошиб кетади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига мўлжалланган ерни давлат мулки сифатида сақлаб қолиш амалиёти Ўзбекистондан бошқа жойларда ҳам мавжуд. Ерга нисбатан хусусий мулкчилик масаласига турли мамлакатларда турлича ёндошилади — қишлоқ хўжалик экинзорлари олди-сотдисининг тўла эркинлигидан тортиб, Исроил ва Янги Зеландиядаги каби ерни давлат мулки сифатида тўла сақлаб қолишгача бўлган тартиб мавжуд. Европадаги юксак тараққий қилган, қишлоқ хўжалик маҳсулотини катта миқдорда экспортга чиқарадиган купгина мамлакатлар — Голландия, Бельгия, Дания, Австрияда давлат мулкидаги ернинг салмоғи анча катта. Хусусий ер мулкига келганда эса, шуни айтиш керакки, у қонунлар билан анча қаттиқ чекланган ҳамда давлат томонидан бошқарилади: тегишли давлат органларининг махсус рухсатисиз ерни

сотиш, сотиб олиш, совға қилиш, алмаштириш, ижарага бериш мумкин эмас. Бунда ерга оид ҳар қандай битишув, агар ер майдонининг мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда парчаланишига олиб келса ва бунинг натижасида қишлоқ хўжалик корхонаси яшаш қобилиятини йўқотса, таққилаб қўйилиши мумкин.

Махсус қишлоқ хўжалик маълумотига ҳамда муайян иш тажрибасига эга бўлмаган шахслар томонидан ер сотиб олинишини таққилаш ҳам мавжуд. Зотан, ерга қўйиладиган нархни давлат назорат қилади. Шу тариқа ривожланган мамлакатларда ерга хусусий мулкчилик хусусий мулкчиликнинг бошқача ҳар қандай туридан фарқ қилади ва турли шароит ва омиллар билан қаттиқ чекланган.

Аграр соҳадаги ислоҳотларнинг иккинчи босқичида республика парламенти янги меъёрий ҳужжатлар: Ер кодекси, “Қишлоқ хўжалик кооперативи тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Давлат ер кадастри тўғрисида” қонунлар қабул қилди. Бу ҳужжатлар аграр соҳадаги муҳим масалаларни, жумладан, қишлоқ хўжалигида мулкчилик тўғрисидаги, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган кишиларда мулкдорлик ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги муҳим масалаларни ҳал этишга кўмаклашди. Бундан ташқари, ушбу қонунлар қишлоқда хўжалик юритишнинг ҳозирги кун талабларига жавоб берувчи янги мукамал усулларига ўтишни таъминлаш имконини яратди ҳамда Ўзбекистонда мулкдорларнинг янги синфи — фермерларни шакллантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий негизни вужудга келтирди.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда фермер хўжалигига ихтисослашув билан боғлиқ равишда 10 йилдан 50 йилгача бўлган муддатга 0,3 гектардан 10 гектаргача ер ижарага берилади. Ер бўлагини бериш тўғрисидаги қарорни, қонунга мувофиқ, маҳаллий ҳокимият қишлоқ хўжалик кооперативининг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ чиқаради. Маҳаллий аҳоли имтиёздан фойдаланади. Бу қонун фермер хўжаликларини тузиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради. Фермерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам

белгилаб беради, уларнинг узаро ва бошқа ташкилотлар билан муносабатларини тартибга солади.

Давлатнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тўғридан-тўғри бошқаришдан воз кечиши Каримов аграр сиёсатининг бош тамойилидир. Деҳқонлар экин майдонлари таркибини ўзи белгилаш ҳамда ўз маҳсулотини ўз ихтиёрича, эркин (келишилган) нархда сотиш имкониятига эга бўлдилар. Айтилган вақтда умумдавлат эҳтиёжига етказиб бериладиган маҳсулотнинг харид нархи анча оширилди, бу эса давлатнинг деҳқонлар молини муқим сотиб оладиган доимий харидорга айланишини таъминлади.

Ўзбекистонда 4 млн 200 минг гектар суғориладиган ер мавжуд. Бу майдоннинг бор-йўғи 7—10%и республика иқтисодиётини ва аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулоти билан тула таъминлаши мумкин.

Ҳозирги пайтда 500 дан зиёд колхоз қишлоқ хўжалик кооперативига айлантирилди. Мулкдор кўпроқ оилавий пудратни ривожлантириш, боғ ва токзорларни узоқ муддатга ижарага бериш ҳисобига шакллантирилмоқда. Донли экин майдонининг 95% дан зиёди, пахтачиликда эса экин майдонининг 87% ига оила пудрати шароитида ишлов берилмоқда. Хўжаликларда харажатларни ҳисобга олишнинг чек шакли кенг жорий этилмоқда. 54 минг гектарга яқин боғ ва 28 минг гектардан зиёд токзор узоқ муддатли ижарага берилган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон аҳолисининг 60% дан зиёди ёки 16 миллион кишидан кўпи қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Республикада ишлаб чиқариш соҳасида 6 млн 300 минг киши банд. Шундан 3 млн 700 минг нафари қишлоқ хўжалигида ишлайди. Шунинг учун қишлоқда тадбиркорликни ривожлантиришга, ортиқча иш кучини жалб этиш мақсадида кичик корхоналар очишга доим эътибор берилмоқда. Ислоҳ Каримов қишлоқ хўжалигида банд бўлган 3,7 млн кишидан деярли 2,2 млн ини қишлоқ туманлардаги саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасига бемалол ўтказиш мумкин, деб ҳисоблайди. Жаҳон тажрибаси гувоҳлик беришича, ушбу муаммони ҳал қилишнинг энг самарали йўли қишлоқ жойларда кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришдир. Қишлоқ хўжалик хом ашёси ва захираларини қайта ишлаш, замонавий ўров материал-

ларидан фойдаланиш Ўзбекистоннинг кичик қишлоқ корхоналари маҳсулоти чет эл бозорларида рақобатбардош бўлишига имкон яратади.

Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ қишлоқда хўжалик юритишнинг буткул янги механизми асослари, қишлоқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш ва суғурталашнинг янги тизими ва ҳоказолар ишлаб чиқилиб, жорий этилганди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг ижтимоий тузилмаси тула ўзгарди, бунда нодавлат секторининг ҳиссаси 98% га етди. Энг асосийси — қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ қишлоқда янги ҳуқуқий муносабатларга асос солувчи ҳамда кўп укладли иқтисодиётни ислоҳ қилиш, тадбиркорликни, фермер ва шахсий томорқа хўжалиklarини ривожлантириш учун шароит яратувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Аграр соҳадаги ислохотларнинг мазмуни учта энг муҳим масаланинг ҳал этилишига боғлиқ. Бу: 1) деҳқоннинг ерга, мулкка, бутун жамоа томонидан олинадиган даромаднинг бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини мустақамлайдиган шакл сифатида мулккий пайни жорий этиш; 2) колхозларни қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳар бир деҳқон, ҳар бир ходим манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғун қовуштиришни таъминловчи энг самарали ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қишлоқ хўжалик кооперативларига айлантириш; 3) ҳар бир ходимнинг меҳнат сарфини унинг даромади, оиласининг моддий фаровонлиги билан мувофиқлаштириш имкони берувчи оилавий пудратни хўжалик ичида меҳнатни ташкил қилиш негизи сифатида кенг жорий этиш. Яъни қишлоқда ишлаб чиқаришнинг кўп укладли соҳасини яратиш кўзда тутилганди.

Канадалик профессор М. Бунге кўпгина мамлакатлардаги ўтиш даври муваффақиятларини кооперациянинг ривожлантирилиши билан боғлаб: “Испанияда — басклар мамлакатада тахминан 100 та юқори даражада ихтисослашган кооперативдан иборат бўлган тармоқнинг ҳайратга солувчи муваффақиятининг кўрсатишича, кооператив ишлаб чиқариш капиталистик мамлакатда ҳам яхши

ишлаши мумкин экан”, — деб ёзганди. Бунгенинг фикрича, кооператив муносабатлар — худбинларча индивидуализм билан содда жамоатчилик ўртасидаги оралиқ бир нарсадир.

Исроилдаги хўжалик масалаларини жамоа бирдамлиги негизида ижтимоий масалалар билан чамбарчас ўзаро боғлиқликда юқори даражада ҳал қилаётган кооперативлар (кибуцлар)нинг кўп йиллик муваффақияти диққатга сазовор. Норвегия ва Голландияда ҳам кооперативчилик ҳаракати катта ютуқларга эришди.

Ўзбекистон қисқа вақт ичида ғалла мустақиллигига эришди. 1995—1997 йилларнинг ўзида ғалла, биринчи навбатда, буғдой экиладиган майдон 300 минг гектардан зиёд кўпайди. Бу эса ғалла етиштиришни 2,9 млн тоннага етказиш имконини берди, у 1994 йилдаги кўрсаткичдан 1,7 баравар кўп. 1998 йилда республикада 3,7 млн тонна дон, шу жумладан 3,5 млн тоннадан зиёд буғдой етиштирилди. Бу 1997 йилдагидан 15,4% кўпдир. МДХ Давлатлараро статистика кўмитаси маълумотларига қараганда, 1999 йилда Ўзбекистонда 3 млн 890 минг тоннадан зиёд дон йиғиштириб олинди, бу ҳол мамлакатнинг ғалла мустақиллигини анчагина даражада таъминлаш имконини берди. (Республиканинг ғаллага бўлган эҳтиёжи эҳтиёт захираси билан бирга йилига 4,5—5 млн тоннани ташкил қилади.)

Картошка, қанд лавлаги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа турларини етиштириш кўпайтирилди, илгари улар Ўзбекистонга четдан келтириларди.

Айни маҳалда республика ер фондини ривожлантириш ва яхшилашга, ер унумдорлигини оширишга катта эътибор берилди. Ҳар йили 15-25 минг гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилди, илгаридан суғориб келинган 40-50 минг гектар экин майдони қайта тузилиб ишга туширилди.

Аграр секторни ривожлантириш мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан ташқари, бандлик муаммосини ҳал қилиш учун ҳам зарур. Ўзбекистонда аҳоли сони юқори кўрсаткичлар билан кўпайиб бораётгани сабабли бандлик муаммоси республика ҳукумати учун устувор масалалардан ҳисобланади. Меҳнат захиралари йилдан-йилга ортиб бормоқда, натижада минтақаларда, ай-

ниқса қишлоқ жойларда муаммо кескинлашиб бормоқда. Шу боис “ЎзДЭУавто” автомобилсозлик заводини айна Андижонда қуришнинг сабабларидан бири шу эди-ки, бу вилоят Ўзбекистоннинг аҳоли энг зич жойлашган минтақаларидан ҳисобланади. Минтақа инфратузилмасини ривожлантириш (жумладан, бош корхона учун бутловчи буюмларни тайёрлайдиган кўплаб кичик ва ўрта корхоналарнинг очилиши)га кўмаклашувчи заводни жойлаштирар экан, Президент Ислон Каримов Андижон вилоятида бандлик масаласини кўп жиҳатдан ҳал қилишга ёрдам берди. Самарқандда ҳам шундай автомобиль заводи очилди. И. Каримов иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири саноат корхоналарининг бир қисмини шаҳарлардан қишлоқ жойларга кўчириш, қишлоқларда кичик ва ўрта корхоналар очиш, янги иш ўринларини, шунингдек қишлоқ аҳолиси учун савдо ва маиший хизматнинг барча турларини ташкил қилишдан иборатдир.

Шу тариқа И. Каримов Ўзбекистоннинг учинчи дунёга хос бўлган ривожланишини бартараф этишга муваффақ бўлди. Учинчи дунёнинг йўли эса шундайки, пойтахт ва йирик шаҳарлар ривожланаверади, йирик саноат корхоналари шу жойларда қурилади, мамлакатнинг асосий молиявий захиралари ҳам шу жойда жамланади, қолган ҳамма вилоятлар қоқоқ аграр қисмга айланади. Бир сўз билан айтганда, пойтахт ва йирик шаҳарлар ўз-ўзича, мамлакатнинг асосий қишлоқ жойлари эса ўз-ўзича яшайди. Бундай амалиёт пировард натижада давлатнинг иқтисодий инқирозга юз тутишига ҳамда мамлакат аҳолиси ўртасида ажралиш рўй беришига олиб келишини жаҳон тажрибаси кўрсатмоқда.

Ислоҳотларни ўтказишга таъсир қилувчи яна бир жиддий омил табиий-иқлим шароитларидир. Муҳим стратегик хом ашё — пахта ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўплаб турларини экспорт қилиш бўйича Ўрта Осиёдагина эмас, жаҳонда ҳам етакчи ўрин тутувчи Ўзбекистоннинг сув захиралари чекланган, экинзорлар эса кўп сув талаб қилади.

Бозор инфратузилмаси, энг аввало, хизмат кўрсатишнинг маиший ва бошқа турлари соҳасидан бошланиб, аста-секин банклар, биржалар, аудиторлик фирмалари, суғурта компанияларини қамраб олди. Мулкчиликнинг барча

шаклларига эркинлик берилди, шахсий ташаббус ва тadbиркорликка кенг йўл очилди.

Иқтисодиётни жонлантириш учун корхоналарни хусусийлаштириш бошланди. Бу маиший хизмат ва савдо, маҳаллий саноат корхоналарини хусусийлаштиришдан бошланди. Кейинчалик йирик корхоналар ҳам мулкчиликнинг акциядорлик ва бошқа шаклларига ўтказилди.

Ўзбекистондаги ислохотларнинг асосий устуникларидан бири бозор иқтисодиёти қарор топиши шароитида ички товар ишлаб чиқарувчиларни изчил қўллаб-қувватлашдан иборат. Аини маҳалда собиқ СССР нинг қўллаб республикалари иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида лаҳзалик ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун ички ва ташқи қарз валюта захираларининг катта қисмини, биринчи навбатда, истеъмол молларини четдан кўпроқ келтиришга сарфлашди ва бу билан билиб билмай ўз товар ишлаб чиқарувчиларини ички бозордан суриб чиқара бошлашди. Пировард натижада миллий саноат ва қишлоқ хўжалиги таназзулга учраган, қўллаб тармоқлар эса тўла вайрон бўлган бир шароитда катта валюта маблағлари шамолга соғурилди.

Бироқ Ўзбекистон ислохот ўтказишнинг илк босқичларидаёқ истеъмол бозорини бирмунча чеклаб, асосий маблағлар ва захираларни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга йўналтириб, четга чиқаришга мўлжалланган ишлаб чиқариш учун илғор технология билан жиҳозланган замонавий базани яратишга, ички бозорни мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг товарлари билан тўлдиришга мажбур бўлди. Шу мақсадни қўлаб, ўз маблағларининг ҳамда қарз маблағларининг асосий қисми биринчи навбатда, инвестициялашга, республикага янги техника ва технологияни келтиришга йўналтирилмоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг бундай иқтисодий сиёсати бугун ўз мевасини бера бошлади. Қисқа муддат ичида Асака шахрида минтақадаги энг йирик автомобиль заводи қуриб битказилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди, Кукдумалоқ ва Мингбулоқдаги нефть конлари обод қилинди, хорижий шериклар иштирокида Андижон, Қўқон ва Янгийўлда унлаб туқимачилик ва йигирув фабрикалари, спирт корхоналари, Хоразм вилоятида қанд заводи, Кизилқум фосфорит комбинати, Қорақалпоғис-

тондаги Қўнғирот сода заводи қурилди. Ўзбекистон қи-
йин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар комбинати, Ол-
малиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, кимё
тармоғи корхоналарини қайта қуриш тугалланди, янги
темир йўл ва автомобиль йўллари, янги телекоммуника-
ция объектлари барпо этилди, юзлаб шаҳарлар ва қиш-
лоқлар ободонлаштирилди, шунингдек ўнлаб янги озиқ-
овқат ва маҳаллий саноат корхоналари қурилди ҳамда за-
монавийлаштирилди.

Даставвал секин ривожланаётганликда ва консерватизм-
да айбланган Ўзбекистон бугунги кунда бозор ислоҳот-
ларининг чуқурлиги ва натижадорлиги, иқтисодий ри-
вожланиш суръатлари бўйича собиқ СССР ҳудудидаги аниқ-
равшап дастурга эга бўлмай, ислоҳотлар жараёнини
пала-партиш жадаллаштирган ва популизмга берилиб кет-
ган республикаларнинг кўпчилигидан олдинга ўтиб кетди.

Республика мустақил ривожланишининг ўтган даврини
таҳлил қилганда ислоҳ қилишнинг ўзбек модели пухта ва
тўғрилиги ҳақида бемалол гапириш мумкин. Бугунги кунда
ўзбек модели нуфузли халқаро экспертлар ва ташкилот-
лар, кўплаб мамлакатлар томонидан тан олинмоқда ҳамда
ҳозирги дунёда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг яхши
моделларидан бири деб ҳисобланмоқда.

Нисбатан қисқа муддатда Ўзбекистонда иқтисодиёт-
ни муваффақиятли ислоҳ қилиш соҳасида жуда муҳим
натижаларга эришилди — макроиқтисодий барқарорлик
ўрнатилди. Асосий иқтисодий кўрсаткичлар муттасил ўсиб
бораётгани кузга ташланмоқда. Жумладан, сўнгги йил-
ларда ЯИМ, саноат маҳсулоти ҳажми, истеъмол молла-
рини ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. Айни маҳалда
сўнгги йилларда давлат бюджети камомати энг кам дара-
жада сақлаб турилибди, пулнинг қадрсизланиш даража-
си кескин қисқарди ва ҳ.к.

Ўзбекистон молия соҳасида ҳам ажойиб ютуқларни
қўлга киритди. Иқтисодиётнинг бундан буёнги ўсиши,
инвестиция фаолиятини кучайтириш учун республикада
мустақкам моддий, молиявий, идоравий-ташкилий асос
яратилди. Ўзбекистон республика валюта биржасида мун-
тазам савдо олиб бориш имконини берадиган даражада
олтин-валюта захираси тўпланди. 1999 йилда ҳамда ун-
дан олдинги йилларда молия ва банк тизимини, пул муо-

маласини мустақамлаш йўлида қатъий ва изчил сиёсат олиб борилди. Пулнинг ўртача ойлик қадрсизланиши 1-1,9% га тушди.

Республика жаҳон молиявий инқирози тулқинига бардош бера олди — ҳукуматнинг туғри кредит-молия сиёсати туфайли Ўзбекистон бу инқироздан МДҲ даги бошқа давлатларга нисбатан кам зарар кўрди. Мамлакатнинг банк тизими яқиндагина шакллантирилган, бинобарин, етарлича тажриба бўлмаган шароитда шундай натижага эришилди. Шўро даврида республика банк тизимини СССР Давлат банкининг, СССР Қурилиш банкининг республика, вилоят идоралари ва туман бўлимлари, Давлат меҳнат омонат кассалари ҳамда СССР Ташқи иқтисодий банкининг республика идораси ташкил қиларди. Бу банкларнинг жойлардаги бўлимлари пул маблағларини ўтказувчи оператор ролини бажарар эди. Бутун тизим марказлашган тартибда бошқариларди: кредитлаш бўйича лимитлар ҳам, нақд пулни сарфлаш бўйича лимитлар ҳам Москвада белгилаб бериларди. Ҳамма масалалар Марказда ҳал қилинганлиги туфайли жойларда мустақил ижодий иш олиб борилмасди. Республика аҳолиси ўзининг буш маблағини фақат Давлат меҳнат омонат кассаларига қатъий белгиланган фоизлар бўйича қўя оларди. Банк тизимига ҳеч ким, ҳатто оммавий ахборот воситалари ҳам яқинлаша олмасди. Банклар фаолияти матбуотда мутлақо ёритилмасди.

1987 йилнинг иккинчи ярмидан бошлабгина Давлат банки негизида Агросаноат банки, Уй-жой-ижтимоий банки, Саноат-қурилиш банки сингари тармоқ банклари ташкил қилина бошлади. Бироқ банк тизимида журъатсизлик билан қилинган бу ўзгаришлар, биринчи навбатда, қонунчилик асоси етарли бўлмагани учун қутилган натижани бермади. Марказлашган бошқарув ҳали ҳам амал қилаётган ва ўз ҳукмини ўтказиб келаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг қўлга киритилиши иқтисодий мустақиллик йўлидаги илк қадам бўлди. Ўзгаришлар шароитида банк тизимининг ислоҳ қилиниши ёш ўзбек давлати сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Икки даражали банк тизимини яратмай туриб, бозор муносабатларини шакллантириб бўлмасди.

1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти” туғрисидаги Қонунининг қабул қили-

ниши банк тизимини ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи бўлди. Бундай ислоҳот бозор шароитига монанд банк муассасаларининг қарор топишида асосий йўналишларни аниқлаш имконини берди. Шу қонунга мувофиқ СССР Давлат банкининг минтақавий бўлими Ўзбекистон Республикасининг Давлат банкига айлантирилди ва у давлат раҳбарлиги остида банк тизимини ислоҳ қилишни бошлади. Нисбатан қисқа вақт оралиғида икки даражали банк тизимини яратиш учун асос солинди.

Молиявий сектор қарор топишининг навбатдаги босқичи сифатида миллий валюта — сўм жорий этилди ҳамда “Марказий банк тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Қонунда Ўзбекистон Марказий банкининг ҳуқуқий мақоми, унинг мақсадлари, монитар ва банк сиёсатининг асосий тамоийллари белгилаб берилди. Шунингдек “Банклар ва банк тизими тўғрисида”ги Қонун янги тахрирда қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 35 та тижорат банки ишлаб турибди. Шулардан иккитаси давлат банки, 17 таси акциядорлик, 10 таси хусусий, 6 таси хорижий сармоя иштирокидаги банклардир. Бундан ташқари йирик чет эл банкларининг 13 ваколатхонаси бор. Бугунги кунда Ўзбекистонда хорижий сармоя иштирокидаги ўзбек-турк “ЎТбанк”и, ўзбек-голланд “АБН АМРО Ўзбекистон МБ АЖ” банки ҳамда халқаро “Ўзприватбанк”, ўзбек-корейс “ЎзДЭУбанк”и, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг шўба банклари, Эроннинг “Содерот” банки муваффақият билан иш олиб бормоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистон банк тизими алоҳида роль ўйнайди. Давлатнинг бу масаладаги сиёсати банкларнинг инвестиция жиҳатидан фаоллигини рағбатлантиришга ҳамда инвестицияни иқтисодиётнинг энг самарали тармоқлари ва лойиҳаларига сарфлайдиган молиявий воситачиларнинг банклар учун муҳим ролини кучайтиришга йўналтирилган. Шу муносабат билан банк тизими молия секторининг асоси деб ҳисобланади, ишончли ва самарали молия тизимининг мавжудлиги эса бозор ислоҳотларининг муваффақиятини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Президент Ислон Каримовнинг айтишича, бугунги кунда Ўзбекистонда пул ўтказишнинг электрон тизими ишлаб турибди. Бир кун ичида, айтайлик, Тошкентдан Қорақалпоғистонга ва яна

орқага етти марта пул ўтказиш мумкин, ҳозир бу масалада ҳеч қандай муаммо йўқ.

Бундай ёндошувни халқаро молиявий ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки ҳам қўллаб-қувватламоқда. Чунончи, Жаҳон банки 1993 йилда Ўзбекистонга берган биринчи кредитнинг катта қисми банк сектори идораларини ривожлантиришга ҳамда унинг инфратузилмасини такомиллаштиришга сарфланган эди. Ушандаёқ Ўзбекистонда амалда аниқ вақт мобайнида иш бажарадиган, банклардаги ҳисобга олиш тизимини молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш ҳамда банк фаолиятининг қонунчилик негизини яратишнинг уддасидан чиқилди. Жаҳон банкининг кейинги қарзи Марказий банкнинг нозирлик вазифаларини мустаҳкамлашга қумаклашди, бир йил ичида банк назоратига оид барча меъёрий ҳужжатларни тўлдириш ва янгилаш ҳамда Базель банк назорати қўмитаси андозаларига мувофиқлаштириш имконини берди. Зотан, Фарбдаги экспертлар фикрича, Ўзбекистон Марказий банкининг нормативлари қатор масалаларда (банкларни сармоя билан таъминлаш, уларнинг қимматли қоғозларга инвестиция солиши масалаларида) Базель қўмитасининг андозаларидан ҳам ишончлироқдир.

Банк тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш, энг аввало, бутун идоравий негиз ҳамда бозор инфратузилмаси зарурлиги тўғрисидаги қоидага асосланганки, уларсиз кейинги ҳар қандай ислоҳотлар иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан барбод бўлиши муқаррар. Ҳозирнинг ўзидаёқ банк тизими Ўзбекистон молия секторининг асоси сифатида хизмат қилаётганининг далили сифатида қуйидаги рақамларни келтириш мумкин: 1998 йилда банк тизимининг активи республика ЯИМ га нисбаган 48,3% ни ташкил қилди, ваҳоланки, оу курсаткичи Россияда 38,7% ни, Арманистонда — 16,8, Қирғизистонда 12,9, Қозоғистонда — 9,2, Грузияда эса 7% ни ташкил қилганди.

Тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий ресурсларидан баҳраманд бўлишининг амалий механизминини шакллантириш мақсадида кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан кредитлаш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилди. У бутунлай соддалаштирилди, ундан ортиқча ҳужжатлар тақдим қилиш

талаблари чиқариб ташланди. Энди якка тартибдаги тadbиркорлар учун ҳам бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан кредит олиш имконияти яратилди.

Халқаро молия ташкилотларининг, жумладан, республика ҳукумати томонидан кафолатланмаган кредитларидан самарали фойдаланишга кўп эътибор берилмоқда. Халқаро молия ташкилотлари билан тузилган кредит шартномалари жами 396,5 млн АҚШ долларини ташкил қилади. Шундан 289 млн доллари кичик ва урта бизнесни ривожлантиришга сарфланган. Айни маҳалда кредит маблағнинг 35,6 млн доллари фоизлар билан биргаликда қайтариб берилган. Кредитларни ушлаштиришда мамлакатнинг қатор тижорат банклари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон банкларида ҳисобга олиш андозалари бухгалтерлик ҳисобининг халқаро андозаларига мос келади. 1997 йил мартдан буён тижорат банкларида бухгалтерлик ҳисобининг янги режаси жорий этилди, бу эса банкларнинг очиқлигини оширди, уларни инвесторлар ва мижозларнинг фойдаланиши учун янада қулайроқ қилиб қўйди. Бухгалтерлик ҳисобининг янги андозалари ўзбек банкларининг ишончилигини оширди. Россия ва МДХдаги бошқа бир қатор мамлакатларда молия муассасалари инқирозга учрагач, банкнинг ишончилиги масаласи барча банк муассасаларининг мижозлари учун асосий муаммо бўлиб қолди. Шу сабабли, турли молия муассасалари пайдо бўлишига йўл қўймаслик учун, Ўзбекистон қонунларига мувофиқ, фақат республика Марказий банки назорати остида иш олиб борадиган тижорат банкларигагина депозитларни жалб этиш ҳуқуқи берилган. Бунда рухсат этиш босқичидаёқ олдиндан назорат қилишга алоҳида эътибор берилади. Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон банк тизимининг хусусияти шундаки, у МДХдаги банклар кўзиқориндек қайнаб чиққан, бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, нисбатан камроқ банкларни бирлаштирган.

Марказий банк сиёсати тижорат банкларини икки босқичли лицензиялаш тартибини назарда тутди. Янги банклар муассисларига қўйиладиган талаблар Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда банк тизими ривожланган мамлакатларда қабул

қилинган оқилона назорат андозаларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган. Лицензия беришнинг икки босқичли тартиби ўзига доғ туширмаган, покиза, юридик ва жисмоний шахсларнинг банк тизимига киришини таъминлаш учун жорий этилган.

МДХ кўпгина мамлакатларида молиявий муассасаларнинг қарор топиш тартиби банклар сонининг чексиз ошиб бориши аксар ҳолларда кўнгилсиз оқибатларга, энг аввало, маблағ кўювчилар ҳамда кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган ноқобил банклар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатди. Бундан ташқари МДХ мамлакатларининг деярли ҳаммасида банк муассасалари ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ташқи ва ички қарз ошиб бориши билан баробар кечганини ҳам эътироф этмоқ зарур. Шўролардан кейинги маконда фақат Ўзбекистонгина янги минг йилликка ташқи қарзи кўп бўлмаган ҳолда кириб келган деярли ёлғиз мамлакат бўлди. Сўнгги йилларда жаҳондаги кўп мамлакатларни ўз домига тортган иқтисодий бўҳронлар Ўзбекистон ҳукуматининг бу масаладаги сиёсати туғрилигини яна бир бор исботлади. “Миллий иқтисодиёт қарз ҳисобига мавжуд бўла олмайди. Ҳозирга қадар Ўзбекистон ҳеч кимдан қарздор бўлмаган ва бундан буён ҳам қарздорлар орасида бўлмаслиги лозим”, — деди Ислом Каримов.

Зеро, Ўзбекистон — халқаро молиявий ташкилотлардан республиканинг ташқи қарзи ортишига олиб келиши мумкин бўлган кредитларни нима қилиб бўлса-да, олишга интилмаган ягона мамлакатдир. Ҳозир у ўз захираларига таяниб мустақил молиявий сиёсат юритаётган оз давлатлардан биридир. У айна қарзга ботмагани учун ҳам халқаро молиявий ташкилотлар, жумладан, ХВФ нинг зуғумидан қутулиб қолди. Бунга осонликча эришилгани йўқ. Ислом Каримов ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида сўзлаган нутқида бундай деганди: “Хорижий дунё бозори билан, дунё банклари билан, тижоратчи фирмалар билан алоқа боғладик. Бу жуда нозик масала. Қайси давлат бизга қанча ва қандай шарт билан сармоя ва қарз беради? Қарз берган давлатларнинг сиёсий шартлари бўлмайдами? Бировдан қарз олиб, кейин унинг илмоғига тушиб қолмаймизми? Улар бизга тазйиқ ўтказмайдами? Олган қарз-кредитларимиз бўйнимизда оғир юк бўлиб қолиб кетмайдами?”

Минглаб шундай саволларга жавоб излашга ва топишга тўғри келди.

Қарз олиш осон, бу ҳаммамизга маълум, лекин уни бир кун келиб тулаш ҳам керак. Биз фақатгина бугунги кунни эмас, балки эртаминини, келажак авлодларни ҳам ўйлашимиз керак. Бугун биз хато қилиб қўйсақ, фарзандларимиз келажакда қоқилиб қолишини ҳисобга олмасак, бу — катта гуноҳ бўлади”.

Яқин ўтмишда жаҳондаги турли мамлакатлар ва минтақаларда содир бўлган молиявий бўҳронлар бутун жаҳон ягона иқтисодий организмга айланаётганини, унинг бир ерида юзага келган иллат бошқаларига ҳам албатта таъсир қилишини яна бир бор исботлади. Бу жараёнлар таҳлили молиявий бўҳронларнинг асосий сабабларидан бири банк назоратининг таъсирчан эмаслиги эканлигини кўрсатди. Барча ҳолларда ҳам мамлакат иқтисодиётини ташқи қарзлар, хорижий сармоялар ва иқтисодиётни пул билан таъминлашнинг пирамидали омилларига боғлаб таҳлил қилиб, яқинлашиб келаётган молиявий бўҳрон аломатларини олдиндан аниқлаб олиш ҳамда уни бартавраф этиш ёки, ҳеч бўлмаганда, оқибатларини енгиллаштириш юзасидан зарур чоралар кўриш мумкин эди.

Ўзбекистон Марказий банкнинг фаолияти айни шу мулоҳазаларни назарда тутиб, аввал бошдан оқ “анча олдиндан эҳтиёт чорасини кўриш тизими” сифатида қурилган эди. Шунинг учун ҳам республика банклари мамлакат ичидагина эмас, ундан ташқарида ҳам ишончга сазовордир. Инглиз журнали “The Banker” ҳамда банкчилар тўплами “The Bankers Almanac” маълумотларига кўра, агар халқаро рейтингли компаниялар рўйхатига авваллари фақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки киритилган бўлса, энди унга “Асака” банки, Пахтабанк, Саноат-қурилиш банки, “Утбанк” ҳам киритилган. “USAID” техникавий ёрдами доирасида Марказий банкнинг банк назоратини такомиллаштириш лойиҳасининг менежери Терри Страуд “Бозор, пул ва кредит” журналининг 1999 йилги 7-8-сонларида эълон этилган мақоласида республика банк секторида амалга оширилаётган ислохотларга юқори баҳо берди. “Ўзбекистон Марказий банки молия тизимини замонавийлаштиришда сўнгги йилларда эришган натижалар ҳайратга солади. Бугунги кунда Ўзбекис-

тоннинг ютуқлари шундай ислоҳотлар ўтказилаётган МДХ бошқа мамлакатларига нисбатан катта. <...> Ўзбекистонда ўзгаришлар ва ўсиш жараёнларининг изчил мониторинги шароитида Таиланд, Индонезия, Россия ва Жанубий Кореяда юз бергани каби бўҳронлардан қутулиб қолиш имконини берувчи инфратузилма яратилмоқда”.

Кўплаб чет эл давлат ва жамоат арбоблари, матбуот вакиллари маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон танлаган йўли ҳам собиқ СССР республикалари орасида, ҳам Шарқий Европа мамлакатлари орасида энг мақбул, энг мулоҳазали ҳамда энг ижобий йўл эканлигини ошкора эътироф этишмоқда.

Иқтисодиётда стратегик таркибий ўзгаришлар қилинди: саноатнинг буткул янги — автомобилсозлик, микробиология, целлюлоза-қоғоз ва бошқа тармоқлари яратилди.

Иқтисодиётда жаҳон бозоридаги ҳолатни ва Ўзбекистоннинг захира салоҳиятини ҳисобга олувчи таркибий ўзгаришлар бундан буён ҳам барқарор иқтисодий ўсишнинг асоси бўлади. Иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги асосий мақсадлар ва устувор вазифалар, шунингдек уларни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари ва механизмлари Президент Ислам Каримов томонидан белгилаб берилди. Бу режаларнинг моҳияти хусусий мулк етакчи бўлган кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш, ҳақиқий рақобатчилик муҳитини яратиш, тадбиркорлик тузилмаларига кўрсатиладиган хизматни кенгайтириш учун фонд ва улгуржи бозорлар, кредит ва молия, лизинг ва маслаҳат муассасаларининг кенг тармоғини вужудга келтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, валютани тартибга солишни эркинлаштиришдан иборат.

Шундай қилиб, иқтисодиётнинг экспортга чиқариладиган товар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тузилмаси стратегияси Ўзбекистон давлат суверенитети манфаатларининг устуворлигини, иқтисодиёт таркибини мамлакатнинг мавжуд табиий-иқтисодиёт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти таркибига яқинлаштиришни назарда тутди. Иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибини шакллантиришдан кўзланган мақсад энг кўп фойда олиш ҳамда Ўзбекистонни рақобатбардош ишлаб чиқаришлар

ва ташқи ҳамда ички бозордаги талаблар таркибига мослашган фаолият турларини яратиш ҳамда ривожлантириш, экспортда хом ашё турларининг зиёдлигидан чуқур қайта ишлаш йўли билан яратиладиган маҳсулот зиёдлигига ўтиш йўли билан глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётига кириш жараёнини таваккалчилиги таҳликасини энг кам даражага туширишдан иборатдир. Бу, пировард натижада мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини ошириб, барқарор ривожланишини таъминлайди. Экспертларнинг башоратига қараганда, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш соҳасида юқорида айтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда яқин келажакда ЯИМ ҳар йили камида 5-6% кўпайиб боришини таъминлайди.

Биринчи босқичда саноатнинг Ўзбекистон халқаро савдода нисбатан анъанавий устунликка эга бўлган ҳамда жаҳон бозоридан урин олган тармоқларини жадал ривожлантиришга асосий эътибор берилади. Шу билан бирга ушбу босқичда енгил ва озиқ-овқат саноатининг рақобатбардош тармоқчалари, газни қайта ишлаш негизда синтетик смола ва пластмасса ишлаб чиқариш, калийли ва фосфорли ўғит чиқариш, бадий керамика ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зўр берилади. Самолётсозлик ва автомобилсозлик янада ривожлана бошлади.

Иккинчи босқичда биринчи босқич вазифаларини бажаришни давом эттириш билан бирга оғирлик марказини Ўзбекистоннинг халқаро савдодаги рақобатчиликда янги устунликларини яратиш ҳамда ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи саноатнинг юқори технологияли ва илм-фан ютуқларига асосланган тармоқларини жадал ривожлантиришга кўчириш кўзда тутилган. Бу босқичда самолётсозлик, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, мураккаб уй-рўзғор радиоэлектрон техникасини ишлаб чиқариш, фото ва қуёш элементлари ишлаб чиқариш, пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш, фармацевтика саноатини (маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда) ривожлантириш, ахборот технологияларини ва дастурий таъминотни яратиш устувор тармоқлардан булиб қолади. Саноатнинг ишлаб чиқарувчи тармоқлари ҳиссасини аста-секин ошириб бо-

риш мўлжалланмоқда, бу ҳол Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг хом ашё учоғи бўлиб қолиш тамойилини бартараф этишга ёрдам беради.

Ёқилғи-энергетика мажмуасида ёқилғи ва энергиядан энг кўп даражада самарали фойдаланиш орқали мамлакатни улар билан барқарор таъминлаш бош вазифа бўлиб қолмоқда. Ёқилғининг асосий турларини қазиб олиш ва ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатини яхшилаш, ёқилғи-энергетика маҳсулотларининг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш давом эттирилади.

Машинасозликда кўйидаги тармоқчалар:

умумий машинасозлик (маҳаллий қишлоқ хўжалик хом ашёсини мукамал қайта ишлаш учун машина ва механизмлар, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технологик ускуналар); самолётсозлик ва автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги (тракторлар, пахта териш ва галла ўриш комбайнлари, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва анжомлари); кўтариш-ташиш ускуналарини ишлаб чиқариш; мураккаб уй-рўзғор радиоэлектрон техникасини ишлаб чиқариш устувор ривожлантирилади.

Кимёвий мажмуада фосфорли ва калийли ўғит, пахтага асосланган целлюлоза ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, кальцийга тўйинтирилган ва каустик сода чиқарадиган Кўнғирот заводини қуриш; Шуртан газни қайта ишлаш мажмуасида нефть ва газни мукамал қайта ишлаш негизида полиэтилен ҳамда полипропилен ишлаб чиқариш асосий йўналишлардан бўлади.

Енгил саноатда мамлакатда пахта толасини қайта ишлаш даражасини 28-30% га етказган ҳолда тайёр маҳсулот чиқаришни икки баробар оширишга устувлиқ бериш мўлжалланган. Ип-газлама саноати (жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган калава ип, трикотаж тўқима, газлама ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш) ривожлантирилади.

Озиқ-овқат саноатида республикада қайта ишланадиган мева-сабзавот маҳсулотлари — қуруқ мева, мева-сабзавот консервалари, шу жумладан болалар учун чиқариладиган озиқ ҳиссасини 30-35% га етказиш энг муҳим вазифа деб эътироф этилган.

Истиқболда Ўзбекистон экспорти ҳажмини асосан саноат моллари ҳисобига уч баравардан зиёд ошириш

кўзда тутилмоқда. Экспортнинг ЯИМ даги ҳиссаси 24,7 дан 45% гача кўпаяди. Экспорт ҳажми ҳам жиддий ўзгариши — машина ва ускуналарнинг экспортдаги ҳиссаси 4,2 дан 16,5% гача ортади, пахта толаси ҳиссаси 38,6 дан 15,9% гача, қайта тикланмайдиган табиий захиралар ҳиссаси 15,9 дан 6,6% гача камаяди.

Ислоҳот йиллари якунлари ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда қудратли саноат ишлаб чиқариш базаси сақланибгина қолмай, саноатнинг илм-фан ютуқларига асосланган замонавий тармоқларини ривожлантириш учун асос яратилганидан, экспортга йўналтирилган юқори технологияли саноатга истиқболли замин яратилганидан ҳам далолат беради.

Умуман бозор инфратузилмаси шакллантирилди, янги банк, молия, солиқ тизими, фонд ва товар хом ашё биржаси, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари ва бошқа бозор тузилмалари вужудга келтирилди. Қимматли қоғозлар бозори кенг амал қилиши учун асослар ҳам муваффақият билан яратилмоқда. Замонавий компьютер техникаси ҳамда телекоммуникация тизими билан жиҳозланган, Марказий Осиёда энг йирик биржа маркази ишга туширилди. Шу тариқа Ўзбекистонда самарали бозор тузилмалари ишлай бошлади.

ХВФ ижрочи директори Даниель Кайзер Америка-Ўзбекистон савдо палатаси томонидан америка-турк кенгаши йиллик конференцияси кўмагида 1995 йил 19 январда Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган семинарда “собиқ Совет Иттифоқининг иқтисодий ислоҳотларни “шок терапияси” асосида амалга ошираётган кўпгина мамлакатларига нисбатан Ўзбекистонда Президент Каримов стратегияси натижасида иқтисодий вазият анча яхши” эканлигини эътироф этди.

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва ислоҳотлар жараёни бозор ўзгаришлари асосий тамойилларининг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кўзга ташланиб қолган ижобий тамойилларда акс этувчи аниқ натижалар келтираётганидан далолат беради.

Биринчидан, ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари умуман яратилди, бозор иқтисодиётининг умум эътироф этилган, иқтисодий эркинликлар

ҳамда хусусий мулк ҳуқуқининг юридик жиҳатдан мустақкам ҳимоясини таъминловчи муайян шароит вужудга келтирилди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида бозор механизмларининг самарали ишлаши учун кенг ҳуқуқий имконият яратилди.

Иккинчидан, буйруқбозлик-маъмуриятчилик тизими идоралари ҳамда тузилмалари тугатилди, идоравий-танкилий ўзгаришлар амалга оширилди, бир томондан, мустақил суверен давлатга мос келувчи, бошқа томондан эса, иқтисодиётни ташкил қилишнинг бозор қондаларига хос бўлган тузилмалар вужудга келтирилди, давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш ҳисобига давлат мулки ҳиссаси кескин камайди, куп укладли иқтисодиёт ва уни бошқариш тузилмалари шакллантирилди.

Учинчидан, 80-йиллар охири — 90-йиллар бошидаги чуқур иқтисодий бўҳрон тугатилди, иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳияти сақлаб қолинди, барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароит яратилди. 90-йиллар ўрталаридан бошлаб иқтисодий ўсиш одатга айланди: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нинг ўсиши 1996 йилда 1,7%, 1997 йилда — 5,2, 1998 йилда — 4,3 ва 1999 йилда — 4,4% ни ташкил қилди. Сўнгги йилларда ЯИМ аҳоли сонининг кўпайишидан олдинда бормоқда.

Бундан ташқари ЯИМ ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бирга бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб бормоқда. Пулнинг қадрсизланиш даражаси пасаймоқда — 1996 йилда у 64,4% ни ташкил этган эди, 1998 ва 1999 йилларда эса 26-27% бўлди. Пул-кредит секторида вазият сифат жиҳатидан ўзгарди. Банк тизими активлари таркибида ўрта ва узоқ муддатли кредитлар асосий қисми — 57% ни эгаллайди, бу ҳол инвестициялар ошишини таъминлайди. Сўнгги уч йил ичида бюджет камомади ЯИМ га нисбатан 3% дан ошмаяпти. 1999 йилда эса ЯИМ га нисбатан бор-йўғи 1,8% ни ташкил қилди.

Бутун ислохотлар занжиринида устуворлик берилиб келган ва ҳозир ҳам берилаётган қишлоқ хўжалигида 90-йилларнинг ўрталарида кўзга ташланган биров бўҳрондан сўнг, 1997 йилдан ишлаб чиқариш ўса бошлади. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш шаклларида бири самарадор фермер хўжаликлари ташкил қилишдир. 1997-1999 йил-

ларнинг ўзида уларнинг сони 1,7 баробар кўпайди ва 31 мингдан ошиб кетди.

Тургинчидан, Ўзбекистон жаҳон иқтисодий тизимига чуқур кириб боргани ҳолда мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга қаратилган чуқур таркибий иқтисодий ўзгаришлар дастури амалга оширилмоқда. Қисқа давр ичида иқтисодиёт тармоқларининг ҳамда аҳолининг мамлакатда ҳосил қилинган сифатли энергетика ресурслари, шу жумладан нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш масаласи тубдан ҳал қилинди. Аслида, ёқилғи ва ғалла мустақиллигига эришилди, бу ҳол республиканинг жаҳон бозорларида нефть ва ғалла нархининг ўзгаришига боғлиқлигини камайтирди. Айни шу нарса мамлакатнинг барқарор ривожланиши ва одамлар фаровонлигининг негизи ҳамда кафолати бўлди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон нефтни четдан олиб келадиган давлатдан уни четга чиқарадиган давлатга айланди.

Шу тариқа республика экспорти ва импорти таркибида ижобий ўзгаришлар юз берди. Экспортда нефть маҳсулотлари пайдо бўлди, пахта толаси ҳиссаси камайди. Айни маҳалда нефть ва бензинни четдан келтириш тугатилди, озиқ-овқат маҳсулотларини келтириш ҳам анча қисқарди, машиналар, ускуналар ва бутловчи буюмларни келтириш кўпайтирилди.

Ўтиш даврининг бошидаги энг оғир йилларда ҳам Ўзбекистонда сармоя солишда ўпирилиш бўлмади. 1995 йилдан эса инвестициялар кўпая бошлади. Сўнгги йилларда республикада сармоя солиш йилига 17% ошди. Ўзбекистондаги таркибий ўзгаришлар иқтисодиётнинг маҳсулот келтиришни қисқартириш ҳамда жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган янги тур маҳсулотларни чиқаришни, энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи устун тармоқларига инвестиция солиш жараёни амалга оширилгани билан боғлиқ. Бу ҳол иқтисодиётнинг ёқилғи-энергетика, енгил, озиқ-овқат саноати сингари қатор муҳим тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш имконини берибгина қолмай, республика учун бутунлай янги бўлган автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология саноатини, радиоэлектроникани, телекоммуникациялар соҳасини ва ҳоказоларни яратиш имконини ҳам берди.

Бешинчидан, бозор инфратузилмасига асос солинди, замонавий икки поғонали банк тизими яратилди. Ҳозир республикада тижорат банклари тармоғи, фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси, товар-ҳом ашё биржаси, сармоя фондлари, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун махсус ташкил қилинган тузилма — Бизнес-фонд иш олиб бормоқда. Ҳамкорликда фаол тадбиркорлик фаолияти учун зарур шароит яратиш лозим бўлган Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ишлаб турибди.

Олтинчидан, кучли ижтимоий сиёсат ўтказилмоқда, жамиятда ижтимоий барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш учун аҳолининг энг ночор қатламларини аниқ ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш чоралари курилди.

Ўзбекистонда 1996 йилда бошланган барқарор иқтисодий ўсиш республика раҳбариятига миллий валюта — сўмнинг ички алмашинувини жорий этиш ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш имконини яратди. Халқаро валюта фонди экспертлари мамлакат раҳбарияти республиканинг ХВФ Уставининг миллий валютани жорий операциялар бўйича эркин алмаштиришни назарда тутувчи саккизинчи моддасига қўшилиш масаласини ҳал этишни чўзиб келаётир, деб таъна қилдилар. Бироқ, ХВФ таъналарига қарамай, Ўзбекистондаги ислохотларни босқичма-босқич ўтказиш сиёсати барқарор иқтисодий ўсишни таъминлади ҳамда сўнгги беш йил ичида ЯИМ йилига ўртача 4 фоиз ўсди, 1999 йилда эса ўсиш 4,4% ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯИМ нинг ўсиши йилига ўртача 3% ни ташкил қилди, бу МДҲ мамлакатлари орасида энг яхши кўрсаткичдир.

1996 йилда валюта алмаштириш операцияларини чеклаш жорий этилиши валюта оқимини илғор технологияларни сотиб олишга йўналтириш имконини яратди, натижада 2000 йилда импортнинг умумий ҳажмида технологияларнинг салмоғини 80% га етказиш мумкин бўлди. Бундай молиявий сиёсат ўзбек экспортини оширишни ҳам рағбатлантирди. Натижада мустақиллик йилларида ёқилғи-энергетика мажмуини қайта қуриш ҳисобига энергия ташувчилар маҳсулотларни ишлаб чиқаришни икки

баравар ошириб, мамлакатнинг энергетика мустақиллигини таъминлашга эришилди. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш соҳасида қўрилган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ЯИМ таркибида унинг салмоғи 1% дан 29% гача ошди. 1999 йилда ЯИМ даражаси 1991 йилги даражага нисбатан 95% ни ташкил қилди, бу ҳам МДХдаги энг яхши кўрсаткичдир.

Иқтисодий ўсиш аҳоли турмуш даражасида ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Чунончи, мамлакатда ишсизлик меҳнатга яроқли аҳоли умумий сонига нисбатан 0,5% ни ташкил қилади, айни пайтда МДХ бошқа давлатларида бу кўрсаткич анча юқори (5-10%) дир. 1999 йилда аҳоли реал даромадлари 28% ўсди, 2000 йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича давлат бюджетининг профицит билан бажарилиши эса давлат бюджетини қисқа муддатли давлат облигациялари чиқариш йўли билан тўлдиришдан сақлаб қолди ҳамда облигациялар бўйича қарзни йил бошидагига нисбатан 4% камайтириш имконини берди. Республиканинг тўлов баланси эса 1998 йилдан бошлаб барқарор бўлади. 1999 йилда Ўзбекистонда тўлов интизоми яхшиланди, қадрсизланиш эса 25,8 % га тенглашди.

2000 йилнинг биринчи чорагида давлат бюджети профицити 8,4 млрд сўми (жорий курс бўйича 36,4 млн долларни) ташкил қилди. Шу йили республика давлат бюджети даромади 650 млрд сўм ёки ЯИМга нисбатан 29,2%, харажатлар 712,4 млрд сўм ёки ЯИМга нисбатан 32% бўлиши мўлжалланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Фармони билан 2000 йил 1 августдан бошлаб бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маоши, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ҳамда стипендиялар, иккинчи ярим йилликда қутилаётган инфляция 7-9% бўлгани ҳолда, бир ярим баробар оширилди.

Иқтисодий ўсиш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида ҳукумат қўраётган чора-тадбирлар валюта бозорини эркинлаштиришни давом эттириш ва валюта алмашув операцияларини ижтимоий ларзаларсиз кенгайтириш имконини яратмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда

валюта бозорини эркинлаштириш жараёни секин, бироқ изчил ўтказилди. 2000 йил апрелидаёқ ҳукумат “Валюта ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисобот тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди ва республика Марказий банки миллий валюта — сўмнинг расмий курсини белгилаш механизмини ўзгартирди.

Ушна йилнинг 1 майидан бошлаб Марказий банк сўмнинг долларга нисбатан курсини республика ички валюта бозоридаги, шу жумладан, биржадан ташқари бозордаги хорижий валюта операциялари натижалари бўйича пул массасининг ўзгаришини ҳамда пулнинг қадрсизланишини ҳисобга олган ҳолда белгилай бошлади. Марказий банк томонидан аввал амал қилган схема бўйича сўмнинг долларга нисбатан курси ошқора ошириб белгиланган эди. Натижада республикада бир неча — расмий, биржадан ташқари, “қора бозор” курслари мавжуд бўлиб, улар орасидаги фарқ жуда катта эди. Масалан, 2000 йил 25 апрелда “қора бозорда” Америка валюта бирлиги учун 730 сўм берилгани ҳолда расмий курс 1 долларга 149,38 сўм эди. Марказий банк миллий валютанинг расмий курсини белгилаш механизмини ўзгартиргач, валюта бозорида вазият кескин ўзгара бошлади. Марказий банк доллар курсини ошира бошлади ва июнь охирига келиб расмий курс 1 долларга 255,5 сўмга тенг бўлди. Натижада “қора бозор” талвасага тушди, у ерда Америка валютаси курси кескин пасая борди ва 30 июнда бир долларга кўпи билан 620-640 сўм берила бошланди.

Ҳукумат қарорини республика экспертлари ҳам, халқаро экспертлар ҳам мамлакатда валюта сиёсатини эркинлаштиришга қаратилган аниқ қадам, деб баҳолашди. Жумладан, ХВФ нинг Ўзбекистондаги доимий вакили Кристофер Розенберг Ўзбекистон ҳукуматининг бу қарорини “қаттиқ пул-кредит сиёсатига амал қилинган тақдирда ижобий қадам”, деб таърифлади.

Бироқ иш қарор қабул қилиш билан чекланмади ва 2000 йил 30 июнда бир вақтнинг ўзида Республика Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳам бўлган Ўзбекистон Президенти “Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмашув операцияларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ҳужжат валю-

та алмашув операцияларини кенгайтиришга ҳамда миллий валютанинг ички алмашинувини босқичма-босқич таъминлашга йўналтирилган. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистоннинг энг йирик тўртта банки — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзсаноатқурилиш банки, “Асак” банки ва Ўзуйжойқурилиш банки 2000 йил 1 июлидан республика ҳудудида, ўз ихтисослаштирилган алмашув пунктлари орқали нақд чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳуқуқини олишди. Ваколатли банкларга валютага бўлган талаб ва таклифга мувофиқ валютани эркин курс бўйича сотиб олиш ва сотиш тавсия этилди. Шу билан бирга, алмашув пунктларида нақд валютани сотиб олиш билан сотиш курслари орасидаги фарқ 5% дан ортиқ бўлмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, Марказий банкка республика ҳудудидаги алмашув пунктларида валюта алмашув операциялари ўтказиладиган чет эл валюталарининг рўйхатини халқаро валюта бозорларида валютанинг алмашинушига ҳамда курснинг муқимлигига мувофиқ тарзда белгилаш тавсия этилди. Марказий банкка ваколатли банкларнинг валюта ресурслари кўпайиб боришига қараб нақд валютани сотиб олиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар тармоғини кенгайтириш тўғрисида таклиф киритиш ҳам тавсия этилди.

Президент Каримовнинг бу қароридан сўнг Ўзбекистонда валюта “қора бозори” амалда барбод бўлди — ваколатли банклар алмашув пунктлари билан “қора бозор” курслари 2000 йил 1 июлдан амалда тенглашиб қолди. Алмашув пунктларида 1 доллар учун ҳатто “қора бозор”даги (620-640 сўм) дан кўра кўпроқ (650-675 сўм) берила бошланди. Кейинги кунларда алмашув пунктларида ҳам, Америка валютасини сотиб олиш умуман тўхтаб қолган “қора бозор” да ҳам долларнинг курси пасайиб борди. Валюта билан чайқовчилик қиладиганларнинг фаоллиги кескин пасайди, бу эса “қора бозор” буткул ҳалокатга учраганидан дарак берарди. Кейинчалик ҳам долларнинг курси пасайиб борди. Шундай қилиб, шўролардан кейинги маконда илк бор МДХ мамлакатларининг биттасида бўлсада миллий валютасига нисбатан АҚШ долларининг курси кескин пасайиши рўй берди. Бу ҳол Ўзбекистон иқтисодиёти мустақкам пойдевор устига қурилганидан

далолат беради. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги ҳамда республиканинг олтин-валюта захиралари валюта бозорини эркинлаштириш чоғида қаттиқ қадрсизланишдан ва ижтимоий ларзалардан қутулиб қолиш имконини берди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Марказий банки 2000 йил 3 июлдан қайта молиялашнинг янги ставкасини йилига 24% миқдорида белгилади. Қайта молиялашнинг амал қилиб турган механизмга мувофиқ 2000 йилнинг беш ойи ичида унинг даражаси 12%, яъни 1 январдаги 36% дан июлда 24% га камайди. Бунда беш ой ичидаги қадрсизланиш даражасининг (2000 йил январдаги 4% дан майда 1,4% га) пасайиш динамикаси, унинг йил охирида қутилаётган миқдори, шунингдек республика молия бозорининг барқарорлашувидаги мавжуд тамойил ҳисобга олинди.

Қайта молиялаш ставкасининг пасайиши эса тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига, шу жумладан кичик ва ўрта бизнесга ҳамда фермер хўжаликларига ажратадиган кредитлари бўйича ставканинг пасайишига кўмаклашди.

Шу чоралар туфайли Ўзбекистонда валюта бозори эркинлаштирилгач ҳамда сўмнинг алмашилиши жорий этилгач, сўмнинг қадрсизланиши (инфляция) рўй бермади. Аксинча, 2000 йил июль-август ойларида дефляция юз бериб, нархлар пасайди. Бунга икки омил кўмаклашди. Биринчидан, истеъмол ва энг аввало, озиқ-овқат бозори асосан “қора бозор” курси бўйича иш олиб борди. Валюта бозори эркинлаштирилгач, долларнинг курси сўмга нисбатан деярли 20% пасайди. Табиийки, доллар курси пасайиши билан кетма-кет товарларнинг, биринчи навбатда, импорт товарларнинг нархи пасайди. Иккинчидан, ёз даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархи мавсумий пасаяди. Нарх-навонинг истеъмол бозоридаги бундай ҳолатида 2000 йил 1 августдан маош, пенсия, стипендиянинг 50% ошишидан сўнг республика аҳолисининг турмуш даражаси жиддий яхшиланди.

Шундай қилиб, Ислом Каримов МДХ ва Шарқий Европа мамлакатларидан биронтасининг ҳам президенти қилолмаган ишни уддалай олди — валюта бозорини эркинлаштирган ҳолда қаттиқ қадрсизланишдан қутулиб қолди ва иқтисодий барқарорликни таъминлади. Хуллас,

Ўзбекистон давлатининг раҳбари ўз даврида жуда яхши молия вазири бўлганлигини, бугун эса иқтисодий муаммоларни зўр тушунадиган прагматик-ислоҳотчи эканлигини шу тариқа исботлади. Акс ҳолда Президент Ислом Каримов даврида Ўзбекистон сезиларли иқтисодий натижаларга, аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлигига эриша олмаган буларди. Айтишулар мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди.

Ўзбекистон валюта бозорининг эркинлаштирилиши яқин орада халқаро молия муассасаларидан республика иқтисодиётига пул оқиб келиши бошланишини билдиради. Иқтисодиётнинг реал сектори ва, биринчи галда экспортга мол чиқаришга йўналтирилган тармоқлар катта хорижий инвестициялар олади. 2000 йил июнь ойи охирида Тошкентда Жаҳон банкнинг яқин уч йил ичида Ўзбекистоннинг ривожланишига кўмаклашиш бўйича янги дастурининг тақдироти бўлди. ЖБ миссияси раҳбари Дэвид Пирснинг айтишича, банкнинг янги уч йиллик стратегияси ҳукуматнинг босқичма-босқич ислоҳ қилиш тадбирларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий, идоравий-ташқилий ва техник кўмаклашиш ҳамда маслаҳат беришнинг бир меъёрадаги дастурини назарда тутди. 1994 йилдан буён республикага ажратилган тўққиз қарзнинг умумий ҳажми 458 млн долларни ташкил этади, унинг ярмидан кўпи тўланган.

Бундан ташқари Жаҳон банки гуруҳининг қисми бўлган Халқаро молия корпорацияси (ХМК) Ўзбекистонда умумий миқдори 241 млн доллар бўлган 15 лойиҳани маблағ билан таъминлашни тасдиқлади. ХМК кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, озиқ-овқат соҳасига, молия секторига катта инвестиция ажратмоқда. 2000/2001 молия йилида қишлоқ хўжалиги ислоҳотига, ижтимоий ўзгартиришларга, шаҳар транспортига, муниципал сув таъминотига ҳамда санитарияга, шунингдек ирригация ва дренаж тизимларини тиклашга ЖБ нинг қарз бериши кўзда тутилмоқда.

ОСИЁДАГИ ЯНГИ “ЙЎЛБАРС”

Муваффақиятли ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистоннинг тангликдан тез қутулишига имкон берди. Илгари деярли фақат аграр мамлакатлар қаторига қушиб келинган мамлакат нисбатан қисқа даврда саноати ривожланган ва саноат маҳсулотларини қўлаб экспорт қиладиган давлатга айланди. Ислоҳотлар бошлангандан кейинги йилларнинг якунлари шундан далolat берадики, ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, республикада илм-фанга асосланган замонавий саноат тармоқларини янада ривожлантириш учун асос яратилди, экспортга мўлжалланган ва юксак технологияга асосланган индустриянинг пойдевори тикланди.

Учинчи минг йиллик бўсағасида Ўзбекистон иқтисодиёти бозор ислоҳотларини ўтказиш соҳасида орттирилган ижобий тажриба шароитида ривожланиб бормоқда. Унинг истиқлол режалари равшан. Нисбатан қисқа муддат ичида мамлакат ўз саноат салоҳиятини сақлабгина қолмай, айни вақтда бирмунча кўпайтиришга ҳам эришди. Кўпгина экспертлар Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатини чамалаб, иқтисодий ўсишнинг суръатларини давом эттириб, республика минтақада саноати тараққий этган бақувват давлатга айланиши мумкинлигини башорат қилмоқдалар. Уларнинг баъзилари ҳатто яқин келажакда Ўзбекистон “Осиёдаги янги иқтисодий йўлбарс” бўлиб қолиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар.

Ўзбекистон саноатдаги ислоҳотларни бениҳоя мураккаб вазиятда бошлашига тўғри келганини ўқтириб ўтмоқ керак. 1991 йилда мустақиллик қўлга киритилган пайтда собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари каби Ўзбекистон ҳам янги шароитда саноатни ривожлантиришнинг ilk даври қийинчиликларига дуч келди. Ўзбекистонда бу

қийинчиликларнинг ҳамма республикалар учун умумий бўлган сабабларидан ташқари бир қатор бошқа ўзига хос сабаблари бор эди. Бир қанча ўн йилликлар давомида республика иқтисодиёти ягона халқ хўжалиги мажмуасининг бир қисми бўлиб келган, мажмуага эса Марказдан раҳбарлик қилинар эди. Қабул этиладиган кўпгина қарорлар Ўзбекистон манфаатларига мос келмас эди. Аслида чор ҳокимияти даврида бўлганидек республика арзон хом ашё ва стратегик минерал ресурсларни етказиб бериш манбаи, тайёр маҳсулот сотиладиган бозор бўлиб қолган эди, яъни унга хом ашё қўшоғи роли ажратилган эди.

Унинг ҳудудида жойлашган кўпгина қорхоналар бевоcита Марказга бўйсунар, Ўзбекистон уларни бошқармас эди. Улар асосан хом ашё қазиб олиш ва дастлабки қайта ишлаш, чала тайёр буюмлар ва мудофаа маҳсулоти ишлаб чиқариш билан шуғулланар эди. Қорхоналарнинг асосий кўпчилиги республиканинг ички бозорига эмас, балки четга чиқаришга хизмат қилар ва кўпинча Ўзбекистон раҳбарларига республика ҳудудида қандай маҳсулотлар ва қанча ҳажмда ишлаб чиқарилаётгани, қанчаси четга ташиб кетилаётгани, кимга ва қандай нархларда сотилаётгани билдирилмас ҳам эди. Буларнинг ҳаммаси жуда қаттиқ сир сақланарди. Республиканинг жуда катта табиий салоҳиятидан фойдаланилар, даромад эса, унинг ташқарисида қолиб кетар эди.

Умуман иқтисодиётни хом ашё етказиб беришга йўналтириш ва саноатдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириш даражаси жуда юқори эди. Айни вақтда саноат маҳсулоти умумий ҳажмида машинасозлик маҳсулотининг улуши ва маҳсулот нархидаги қўшилган қиймат даражаси паст эди. Ўзбекистон, бир томондан арзон ва юқори сифатли минерал ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёсини, яъни меҳнат предметларини етказиб берар, аммо, меҳнат қуролларининг улуши жуда оз эди. Ўзбекистондан олиб кетиладиган асосий маҳсулотлар, пахта ва рангли металлларнинг харид нархлари 80-йилларда бениҳоя паст бўлганлиги учун уларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларни зўр-базўр қоғлар ва жаҳон нархларидан пастлиги сабабли республика бюджетига зарур тушумларни таъминлай олмас эди. Ўзбек товарларини экспорт қилишдан тушган асосий даромаднинг иттифоқ

бюджетига қўшилиши эса, вазиятни чигаллаштирар эди. Иккинчи томондан, республика бошқа республикалардан — асосан Россия, Белоруссия ва Украинадан юборилган ва рақобат қобилиятига эга бўлмаган тайёр маҳсулот сотиладиган катта бозор эди, яъни Ўзбекистонга хом ашё қўшоғи ва собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларидан келадиган сифатсиз моллар бозори бўлиш роли ажратилган эди. Ўзбекистон асбоб-ускуна, технология ва купгина турдаги хом ашёларнигина эмас, гўшт, қандшакар, туз ва бошқа ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини, шунингдек ўзи бемалол ишлаб чиқарса бўладиган жуда кўп турдаги халқ истеъмол молларини четдан ташиб келтиришга мажбур эди. Натижада Ўзбекистон деярли барча иттифоқдош республикалар билан (Эстония, Тожикистон ва Молдавиядан ташқари) салбий товар баланси сальдосига эга эди. 1990 йилда республикалараро савдо айланмасида Ўзбекистоннинг салбий сальдоси қарийб 3,7 миллиард рублни ёки ялпи миллий маҳсулотнинг салкам 11 фоизини ташкил қилди.

Ўзбек пахтаси учун Москвадаги маҳкамаларда белгиладиган нархлар халқаро нархлардан бир неча юз баробар паст эди. Собиқ СССР Ўрта машинасозлик вазирлиги республика ер остидан қанча олтин, бошқа қимматбаҳо ва стратегик материаллар қазиб олаётганини, улардан қаерда фойдаланаётганини ва шу йўл билан нақадар катта даромад олинаётганини Ўзбекистонда ҳеч ким, ҳатто раҳбарлар ҳам билмас эди. Фақат мустақилликка эришилгандан кейингина маълум бўлишича, Ўзбекистон олтин ишлаб чиқаришда собиқ Иттифоқ республикалари орасида (Россиядан кейин) иккинчи ва лунёда еттинчи ўринда турар экан.

Аммо шунча бойлиги бўлишига қарамай собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистон 30—40 фоизгача дотацияли давлат бюджетига эга бўлиб, ундаги аҳолининг турмуш даражаси собиқ Иттифоқ республикалари орасида энг пастларидан бири эди.

Натижада купгина тармоқларда тугалланмаган технологик цикли ишлаб чиқаришлар устун эди, бу цикл хом ашёни қазиб олиш ва дастлабки қайта ишлаш, чала тайёр маҳсулотлар тайёрлаш босқичларида атайлаб узиб қўйилар эди. Кимё ва металлургия саноати, машинасозлик,

аграр-саноат мажмуаси, енгил ва озиқ-овқат саноати, бинокорлик материаллари саноатидаги купгина ишлаб чиқаришларда тармоқлараро ва тармоқ кооперацияси ҳамда меҳнат тақсимотининг ички республика тизими йўқ эди.

Асосий тармоқлар комплекс тарзда эмас, балки Россия ва бошқа республикалардаги ишлаб чиқаришларга ресурсларни ва тайёр маҳсулотни неча минг километрга етказиб беришга кўпинча нооқилона, муқобил равишда боғлиқ қилиб қўядиган тарзда ривожлантирилар эди. Табиийки, бундай шароитда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг салмоғи жуда паст булар ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришнинг юксак технологияси деярли мавжуд эмас эди.

Ислохотлар бошланган пайтда етакчи тармоқларда асбоб-ускуналарнинг кўпчилиги жисмоний ва маънавий жиҳатдан жуда эскириб кетган эди. Чунончи, 1991 йилга келиб, умуман саноат бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши 41 фоизга етган, ёқилғи, кимё ва нефть кимёси тармоқларида ҳамда рангли металлургияда 51 фоиздан, ун-ёрма ва омихта ем саноатида 57 фоиздан ошган эди. Ўзбекистон саноатига хос хусусият шундан иборат эдики, ишлаб чиқаришнинг технология даражаси қолақ бўлиб, унга материал ва энергия сарфланиши ривожланган мамлакатлардаги даражадан 6—7 баробар юқори эди. Чиқитлар ва иккиламчи ресурслардан дуруст фойдаланилмас, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш даражаси паст, кўп тармоқларда қўл меҳнати улуши жуда кўп эди. Ислохотларнинг илк давридаги бу қийинчиликларнинг ҳаммасини саноатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг устувор жиҳатлари ва сурьатларини белгилаш пайтида ҳисобга олиш керак эди.

Иқтисодий қийинчиликлар демографик ҳолат билан қўшилиб, ижтимоий вазифаларни ҳал этишни энг ўткир муаммолар жумласига киритар эди. Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси собиқ Иттифоқдаги энг паст даражалардан бири эди. 1990 йилда Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоизи кун кечирish учун зарур бўлган энг кам миқдордан ҳам камроқ даромад олар эди, Россия ва Украина аҳолиси орасида бу кўрсаткич атиги 30 фоизни ташкил қиларди. Шу сабабли

иқтисодий ислоҳотларнинг бошланишида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида ҳам жиддий муаммо бор эди.

Бироқ мустақилликка эришилиши биланоқ дарҳол туб иқтисодий ислоҳотларга ўтишнинг иложи йўқ эди. Биринчидан, ёш давлат ўзини тиклаб олиши пайтида табиий бўлган янги муаммолар вужудга келаётган, бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг ўз дастурини ишлаб чиқиш зарур бўлган эди, иккинчидан, собиқ Иттифоқ барбод бўлиши натижасида намоён бўла бошлаган ижтимоий-иқтисодий тангликни дарҳол бартараф этиш зарурати келиб чиққан эди. Республика собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврдаги ўн йилликларда ижтимоий-иқтисодий танглик сабаблари тўпланиб қолган эди, шу сабабли 1991—1993 йилларда пулнинг ҳаддан ташқари қадрсизланиши, ишлаб чиқариш таназулга юз тутиши, давлат бюджетининг камомоди ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси пасайиши тарзидаги қалтис шаклларда танглик вужудга келган эди. Бунинг устига ўша даврда республика рубль зонасида қолиб келар ҳамда рублнинг инқирози ва бир вақтлар номутаносиб тарзда бўлса ҳам вужудга келган барқарор хўжалик алоқаларининг узилиши оқибатларидан азоб чекар эди.

Мана шундай шароитда муваффақиятли ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистонга тангликдан тез қутулиш имконини берди. Мустақиллик йилларида саноат соҳасидаги сиёсат иқтисодий ислоҳотлар “ўзбекча модели”нинг энг муҳим тамойиллари асосида амалга оширилди. Республика Президенти Ислон Каримов шу моделнинг муаллифи эди. Аввало ташкилий-ҳуқуқий негизни шакллантириш, тузилма, инвестиция сиёсатини ўтказишда давлатнинг фаол иштирок этиши, бозор ислоҳотларининг изчиллиги шу моделнинг асосини ташкил қилар эди. МДХдаги бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда учта йирик мураккаб муаммо бир вақтнинг ўзида ҳал этилди. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётда бошқарув усулларини қайта қуриш ва тузилмаларни ўзгартириш зарур эди.

Ҳозирги вақтга келиб мамлакатда қулай макроиқтисодий иқлим вужудга келтирилди. Республика ўз модели асосида иқтисодий ислоҳотлар йўлидан аниқ мақсадни

кўзлаб илгарилаб бораётганлиги туфайли макроиқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга ва МДХ мамлакатлари орасида иқтисодиётнинг энг кам даражада пасайишига эриша олди. Куйидаги далиллар шуни исботлайди: 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва капитал маблағларнинг кўпайиши рўй бермоқда. 1996 йилда реал ялпи ички маҳсулот 1,7 фоиз, 1997 йилда 5,2 фоиз, 1998 йилда 4,3 фоиз, 1999 йилда 4,4 фоиз ошди. Муътадил-қатъий фискал сиёсат туфайли бюджет камомади ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоизгача, пул қадрсизланишининг ўртача ойлик суръатлари 1,8 фоизгача пасайиши таъминланди, товар айланмасида ижобий сальдога эришилди. Ишсизликнинг паст даражаси — иқтисодий фаол аҳолининг 0,6 фоиздан кам булиши таъминланмоқда. Фарбий технологияларни жалб этган ҳолда қўшма корхоналар тузишга ва улар маҳсулотининг 50 фоиздан кўпроғини экспортга йўналтиришга мўлжалланган қўшма корхоналар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Айтиш керакки, 1997—1999 йилларда иқтисодий ўсиш таъминланганини таъкидлаб ўтиш зарур.

Суверен Ўзбекистонда ислохотларнинг илк босқичидаги саноат сиёсати аввало иқтисодий мустақилликни, жумладан, мамлакатнинг энергетика соҳасидаги хавфсизлигини, шунингдек бой минерал хом ашё манбаларидан фойдаланиш билан ҳам боғлиқ бўлган ва кўпроқ сармоя сарфланишини талаб қиладиган кончилик саноатини устун равишда таъминлашга қаратилди. 1995—1996 йиллардаёқ саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда аниқ ижобий силжишлар кўзга ташланди, ўшанда ишлаб чиқаришнинг бундан буёнги пасайиши тўхтатилиб, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1990 йилги даражага етиб олди, ҳолбуки Россия ва Украинада саноат ишлаб чиқаришининг пасайиши 48 фоизни, Қозоғистонда 51 фоизни ва МДХ бўйича ўрта ҳисобда 50 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши нисбатан тез тўхтатиб қолинганлиги ва саноатнинг яна ривожлана бошлаганлигини таъминлаган омил шу бўлдики, макроиқтисодий барқарорлаштириш ва молиявий ресурсларнинг ҳаддан ташқари чекланганлигидан иборат мураккаб шароитда респуб-

лика ҳукумати тармоқлардаги таркибий ўзгаришларни молиявий қўллаб-қувватлашдан ҳамда нефть, газ ва олтин чиқариш саноати каби базавий тармоқларни, шунингдек рангли металлургия тармоқларини жадал ривожлантиришдан воз кечмади. Бундан ташқари янги темир йўл ва автомобиль йўллари қурилмоқда, автомобилсозлик, самолётсозлик ва электроника, кимё, нефть кимёси, енгил ва озиқ-овқат тармоқлари ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўтказилган иқтисодий ислохотлар натижасида катта муваффақиятларга эришилди.

Биринчидан, саноат ишлаб чиқаришининг суръатлари жиҳатидан республика МДХ мамлакатлари орасида биринчи ўринга чиқди. 1998 йилдаёқ 1991 йил даражасига нисбатан бу суръат 111 фоиз, айти вақтда Россияда атиги 50 фоиз, Украинада 51 фоиз, Қозоғистонда 49 фоизни ташкил қилди. Телевизор, газлама, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон МДХда олтинчи-ўнинчи ўридан иккинчи ўринга, ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринга чиқиб олди. Республикада саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида ресурс ишлаб чиқарувчи тармоқлар улуши камая бошлади: 1990—1998 йилларда бу улуш 20 фоиз камайди. Таққослаб кўринг: Россия, Украина ва Қозоғистонда шу давр ичида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда 2 баробардан зиёд ошди.

Иккинчидан, идоравий-ташкилий тизимни ислоҳ қилишда муҳим ижобий силжишлар рўй берди. Ҳозирги вақтда саноат ишлаб чиқаришининг 65 фоизидан кўпроғи нодавлат секторининг улушига тўғри келмоқда. Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг қарор топиши жараёни жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Хусусийлаштиришдан тушган маблағ кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ва хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашга сарфланмоқди. Шу мақсадда Жаҳон банкининг, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг, Осиё тараққиёт банкининг ва бошқа мўътабар молия муассасаларининг кредит линиялари жалб қилинмоқда. Саноатда кичик корхона йирик корхонадан кўра самаралироқ ишни таъминлай оладиган фаолият соҳаси эканлиги яққол намоён бўлмоқда; қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш, иккинчи ресурсларни қайта иш-

лаш, бинокорлик материалларининг айрим турларини ишлаб чиқариш шу жумлага киради.

Биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш юзасидан қабул қилинган давлат дастури республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни кенг миқёсда ривожлантиришга қўмақлашди, бу дастурда иқтисодиёт шу секторининг муваффақиятли фаолияти учун қулай шароит яратилишини таъминлайдиган кўпдан-кўп иқтисодий омиллар ва ҳуқуқий кафолатлар белгиланган эди. 1999 йилда ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта бизнеснинг улуши 14 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистон ҳукумати яқин 2—3 йилда кичик корхоналар сонини икки баробар кўпайтириш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотда қўшилган қийматдаги улушини 25 фоизга етказишни режалаштирмоқда.

Учинчидан, иқтисодиётнинг стратегик жиҳатдан муҳим тармоқлари (ёқилғи-энергетик мажмуаси, машинасозлик, металлургия, кимё, ғаллачилик)ни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашдан иборат фаол давлат сиёсатини ўтказиш ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини асосан таъминлашга муваффақ бўлинди. 1990—1998 йилларда МДХнинг кўпчилик мамлакатларида нефть-газ саноатида ишлаб чиқариш суръатлари ва натурал ҳажмлари пасайган бир пайтда Ўзбекистонда нефть ва газ конденсанти қазиб олиш 2,9 баробар, газ қазиб олиш 1,35 баробар кўпайди, умуман энергия ресурслари ишлаб чиқариш 1,4 баробар кўпайди. 1990 йилда ўз нефти билан таъминланиш атиги 28 фоизни ташкил қилган бўлса (яъни республика ўзига керакли нефтнинг 72 фоизини импорт қилишга мажбур бўлган бўлса), 1995 йилдаёқ нефть импорт қилиш мутлақо тўхтаптилибгина қолмай, айти вақтда уни экспорт қилиш 3,3 баробар кўпайтирилди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг мустақамланиши экспорт салоҳиятини ошириш учун имконият яратди. Техника сиёсатининг амалга оширилиши рақобатбардош машинасозлик маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди. Хом ашё ресурсларини қайта ишлашни яхшилашга, экспорт потенциалини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ташқи алоқалар тузилмасини жуда жиддий равишда қайта кўриб

чиқиш имкониятини яратди. Экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 1990 йилда 1,5 баробар кўпайди.

Ўзбекистон маҳсулотларининг четга сотилишини рағбатлантириш учун Республика Президентининг “Товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига биноан 1997 йил 1 ноябридан бошлаб республикада тайёр маҳсулотнинг барча турлари учун экспорт бож бекор қилинди. Экспорт имкониятларини оширишни таъминлаш учун мамлакатда экспортни лицензиялаш ҳам бекор қилинди. Лицензия бериш тартиби қурол-яроғ, ҳарбий техника, радиоактив моддалар ва чиқиндилар, шунингдек баъзи стратегик товарларни экспорт-импорт қилишдагина сақланади. Ўз маҳсулотини четга сотувчиларга маҳсулот ҳақини олдиндан тўлатмай ва аккредитив очмай, экспорт қилишларига ҳам рухсат берилди. Бундан ташқари, сотиладиган маҳсулотнинг умумий ҳажмида экспорт қилинадиган товарларнинг улуши 30 фоизни ва ундан кўпроқни ташкил этган ҳолларда бундай экспортчилар учун фойда солиғи икки баробар камайтирилади.

Айни вақтда Ўзбекистон Президентининг фармонига мувофиқ 1997 йил 1 ноябридан бошлаб 30 фоизли бож жорий этиладиган импорт товарларининг турлари кўпайтирилди. Энди 97 товар гуруҳидан 46 тасига 30 фоизли бож солинади. Бу фармон қабул қилинмасдан аввал атиги 15 товар гуруҳи учунгина импорт божининг ана шундай ставкаси қўлланилар эди.

1998 йил 1 январдан эътиборан МДХ мамлакатларига эркин муомаладаги валютага маҳсулот экспорт қилувчи Ўзбекистон корхоналари акциз солиғи ва қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинди. Бу имтиёзлар республика экспортчиларига қўшимча фойда келтирди. Аммо бу имтиёзлар муайян мақсадга йўналтирилган бўлиб, чет элларга рангли ва асил металллар, қора металл прокати, нефть, газ, пахта толаси, пахтани қайта ишлаш чиқиндиларини сотадиган экспортчиларга жорий қилинмайди. Имтиёзлар савдо-воситачилик ташкилотларига ҳам жорий этилмайди.

Тўртинчидан, мустақиллик йилларида иқтисодийнинг устувор тармоқларини ва ишлаб чиқариш инфраструктурасини қўллаб-қувватлаш, марказлаштирилган инвести-

цияларни устувор инвестиция лойиҳаларига тўплаш ва ўртача муддатли истиқболга мўлжалланган давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш давлатнинг фаол инвестиция сиёсатидаги асосий йўналишлар бўлди. 1991—1998 йилларда барча капитал маблағларнинг 56—68 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, шу жумладан инвестицияларнинг салкам 20 фоизи машина-созликка, 15 фоизи ёқилғи-энергетика мажмуасига сарфланди. Мустақиллик йиллари мобайнида ўнлаб янги йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга туширишга ва саноат маҳсулотининг юзлаб янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга муваффақ бўлинди. Замонавий енгил автомобиллар, автобуслар ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этилди, бу эса Ўзбекистонга дунёда автомобиль саноатига эга бўлган 28 мамлакатдан бирига айланиши имконини берди. Ишлаб чиқаришдаги силжишлар натижасида Ўзбекистон саноатининг тармоқ тузилмаси янада хилма-хил ва мувозанатли бўлиб қолди.

Бешинчидан, иқтисодиётдаги таркибий силжишларнинг ижтимоий соҳага йўналтирилиши таъминланди. Ишлаб чиқариш саноати кўпгина корхоналарининг ривожланиши соф иқтисодий натижадан ташқари, кўп миқдордаги янги иш жойларини вужудга келтириш тарзидаги салмоқли ижтимоий самара олинишини таъминлайди. Меҳнат ресурслари мўл-кўл бўлган мамлакат учун бу самара айниқса муҳимдир. Мустақилликнинг тўққиз йили мобайнида саноатда 200 мингга яқин янги иш ўрни вужудга келтирилди. Масалан, автомобилсозликнинг ривожланиши туфайли автомобилларнинг бутлаш қисмларини ишлаб чиқарадиган ва сервис хизмати кўрсатадиган қўшимча тармоқларнинг бутун бир мажмуаси барпо этилди. Озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳисобига умуман мамлакатнинг озиқ-овқат соҳасидаги хавфсизлиги таъминланди. Озиқ-овқат импорт қилиш мустақиллик йилларида икки баробар қисқартирилди.

Олтинчидан, республика экспорти таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Анъанавий моллар (пахта толаси, рангли металллар ва кимёвий ўғитлар)ни экспорт қилиш ҳажмлари кўпайиши билан бир қаторда нефть маҳсулотлари, уран, енгил автомобиллар, самолётлар, маиший электроника буюмлари ҳам экспорт қилина бош-

ланди, экспортда асбоб-ускунанинг улуши кўпайди, пахта толасининг улуши 1991 йилдаги 60 фоиздан 1998 йилда 38 фоизгача камайди. 1999 йилнинг ўзида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобилларнинг 17 фоизи Россияга олиб бориб сотилди.

Кейинги йилларда бозор инфраструктурасининг бошқарув негизлари яратилди. Банклар, суғурта, лизинг компаниялари тармоғи шакллантирилди, турли фонд муассасалари — биржалар, брокерлик конторалари, инвестиция жамғармалари, депозитарийлар, фонд ва улгуржи савдо дуконлари ва бозор иқтисодиётига хос бўлган бошқа тузилмалар пайдо бўлди. Ўзбекистон Халқаро валюта фонди битимининг VIII моддасини имзолаш ва миллий валюта — сўмнинг эркин алмаштирилишини (конвертация қилинишини) таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини олди. Бунда Ўзбекистонга валюта тушумларини кескин кўпайтириш конвертациянинг энг асосий шarti ҳисобланади, Ўзбекистон маҳсулотларини экспорт қилиш эса бунинг асосий манбаидир. Ҳозир Ўзбекистон маҳсулотлари МДҲ давлатларидан ташқари Европа ва Осиёнинг бошқа мамлакатлари бозорида ҳам чаққон сотила бошланди.

Ўзбекистон узининг ташқи савдо айланмасини икки баробар оширишга эришди, аввало экспортни илдамроқ ўстиришни таъминлади. Шу мақсадда республикада экспорт салоҳиятини кенгайтириш миллий дастури ишлаб чиқилиб, қабул этилди.

Дунёда ҳозир Ўзбекистонга савдо-сотиқ соҳасидаги ишончли ҳамкор деб қаралмоқда. Ташқи савдо географиясида катта ўзгаришлар содир бўлди. Гарчи машинасозлик, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия манбалари жиҳатидан Ҳамдўстлик мамлакатларининг бозорларида экспорт қилинаётган шу гуруҳдаги молларнинг 90 фоизидан кўпроғи сотилаётган бўлса ҳам, аммо савдо алоқаларининг йўналишини МДҲ мамлакатларидан дунёнинг индустриал ривожланган давлатлари сари буриб юбориш сиёсати рўёбга чиқа бошлаганлиги яққол кўзга ташланмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг олис хориж мамлакатларига экспорти улуши 73 фоизни, МДҲ мамлакатларига тўғри келадиган улуши 27 фоизни; олис хориж мамлакатларидан импорт қилишнинг улуши 76 фоизни

ва МДХ мамлакатларидан импорт қилишнинг улуши 24 фоизни ташкил қилади. Четдан нефть хом ашёси, бензин ташиб келтириш бутунлай тўхтатилди. Дон харид қилиш анча қисқарди, машина, асбоб-ускуна ва бутлаш буюмлари импорт қилиш 15,3 фоиздан 50 фоизгача кўпайтирилди.

Ўзбекистоннинг ташқи савдоси олис хориж мамлакатларига тобора кўпроқ йўналтирилмоқда. Бир неча йил муқаддам республиканинг ташқи савдосида МДХ мамлакатлари асосий ўринда турган бўлса, ҳозирги вақтда товар оқимларининг қайта тақсимланиши кузатилмоқда. Масалан, 1995 йилда олис хориж давлатларига экспорт умумий ҳажмининг 58,8 фоизини ва импорт 56,5 фоизини ташкил қилган бўлса, 1997 йилда экспорт 65,6 фоизни ва импорт 72 фоизни ташкил қилди. 1998 йилда товар ва хизматларнинг 74 фоизи олис хорижга экспорт қилинди, импорт эса 72,2 фоизни ташкил қилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон дунёнинг 140 мамлакати билан савдо қилмоқда. Республика товар айланмасининг асосий улуши Буюк Британия, Германия, Швейцария, Франция, Жанубий Корея, Туркия ва АҚШ каби давлатларга тўғри келмоқда. Япония билан муносабатларда катта силжиш кузатилмоқда, 1998 йилда Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги товар айланмаси икки баравардан зиёд кўпайди. МДХ давлатлари ичида Ўзбекистон товар айланмасининг энг катта ҳажми Россия ва Украинага тўғри келади. Европадаги кўпгина мамлакатлар билан, жумладан Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан савдо муносабатларини кенгайтириш тамойили сақлаб қолинмоқда. Ўзбекистондан пахта толаси экспорт қилишнинг 37 фоизи Европа иттифоқи мамлакатларига тўғри келади.

Ҳозир хорижий инвестициялар учун жуда қулай шароит ва ҳуқуқий негиз яратилган, бу инвестицияларнинг ҳимоя қилиниши қонун билан кафолатланган. Натижада ҳозир республикада “ДЭУ”, “БАТ”, “Мицуи”, “Сименс”, “Алкатель”, “Марубени” каби саноат гигантлари ва бошқа кўпгина таниқли компаниялар дадил фаолият кўрсатмоқда.

Эндиликда Ўзбекистонда хорижий инвестициялар учун бениҳоя яхши шароит ва кафолатлар мавжуд, куч-

ли ҳуқуқий ва қонуний база яратилган, иқтисодий ислоҳотлар йўли изчил ўтказилмоқда, бу ислоҳотларнинг тўхтовсиз давом этиши ва қай йўлдан бориши аниқ белгилаб қўйилган. Хорижий сармоя иштирокида қўшма корхоналар барпо этиш жараёни имкон қадар соддалаштирилган.

“Хорижий инвестициялар тўғрисида”, “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида”ги қонунлар Ўзбекистон Республикасининг хорижий инвестициялар тўғрисидаги қонунчилиги асосини ташкил қилади, улар республикага келган хорижий инвестицияларнинг давлат томонидан ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлайди. Хорижий инвестицияларнинг ҳуқуқий тартиби қулайлиги Ўзбекистоннинг шунга ўхшаш юридик ва жисмоний шахслари учун белгиланган тегишли тартиб қулайлигидан камроқ бўлиши мумкин эмас. Бу қонунлар республикага сармоя, технологиялар, ноу-хау, бошқарма кўникмалари ва ахборотнинг оқиб келишини рағбатлантириш йўли билан Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига тўла-тўқис интеграциялашуви (қўшилиши) учун зарур шарт-шароитни яратади.

“Хорижий инвестициялар тўғрисида”ги қонун мамлакатда хорижий инвестицияларни амалга оширишнинг бозор шароитини белгилайди, республиканинг халқаро фаолият соҳасида имзолаган халқаро битимлари қоидаларига мувофиқ инвестиция сарфлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини баён этади.

“Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида”ги қонун эса Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатланиши ва ҳимояланишини таъминлашнинг ҳақиқий воситаларини белгилайди. Унда хорижий инвесторлар учун эркинлаштирилган ҳуқуқлар билан бир қаторда, аввалги қонундаги махсус модда сақлаб қолинган, бу моддага биноан Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонунлари инвестиция сарфлаш шарт-шароитини ёмонлаштирган ҳолларда хорижий инвестицияларга нисбатан ун йил мобайнида инвестиция амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонунлар қўлланилади.

Бундан ташқари, бу қонунда хорижий инвесторларни ҳимоя қилиш соҳасида қўшимча кафолат ва чоралар белгиланган. Мазкур кафолат ва чоралар маҳаллий ҳам ашё ресурслари чуқур қайта ишланишини, республиканинг экспорт салоҳияти кенгайтирилишини таъминлайдиган устувор лойиҳалари инвестиция сарфланадиган ҳар бир конкрет ҳолатда қўлланилади. Устувор тармоқлар ва минтақаларга сарфланадиган инвестициялар учун солиқ ва бошқа соҳаларда қўшимча имтиёзлар белгиланган.

“Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида”ги қонун хорижий инвесторлар нуқтаи назаридан яна шунинг учун ҳам муҳимдирки, бу ҳужжат очиқ ахборотдан бемалол фойдаланишни кафолатлайдиган моддани ўз ичига олган. Шу моддага биноан қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан хорижий инвесторларнинг манфаатларига бирон-бир тарзда дахлдор бўлган идоравий норматив ҳужжатлар, шунингдек суд қарорларидан ҳам улар бемалол фойдаланадиган бўлишлари лозим, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бевосита кўзда тутилган ҳолларда эса, мазкур ҳужжат ва қарорлар матбуотда эълон қилиниши керак.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотга солинадиган экспорт божлари бекор қилинди, республика ташқарисида савдо уйлари очишга ижозат берилди, битта ёки бир неча банк муассасасида ўз танловлари бўйича миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб варақалари очиш ҳуқуқи берилди. Хорижий сармояли корхоналарга экспорт қилинадиган маҳсулот учун шартнома асосида контракт нархларини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Республика Вазирлар Маҳкамасининг Раиси сифатида 1998 йил ноябрь ойида “Давлат мулкани хусусийлаштиришда хорижий сармоя жалб этилишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Бу ҳужжат Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоя сарфланадиган соҳаларни анча кенгайтиради. Хорижий инвесторларга корхоналарни, шу жумладан иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги корхоналарни хусусийлаштиришда якка лойиҳалар бўйича иштирок этишларига рухсат берилди. Улар биржада ҳам, шунингдек биржадан ташқари бозор-

да ҳам акциядорлик жамиятлари акцияларининг пакетларини сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Айни вақтда белгилаб қўйилдики, “корхоналарни ва акциялар пакетларини сотиш ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва техника билан қайта қуроллантириш бўйича бизнес режани албатта тақдим этиш шарти билан фақат тендер ва инвестиция савдоларида амалга оширилади”.

Ўзбекистон Президентининг “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам республика иқтисодиётига хорижий сармоя жалб этилишини рағбатлантиради. Бу фармон хорижий сармоя иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишга шўроларча ёндошувларни ва сансалорликни тугатишга қаратилган. Хужжатда лойиҳаларни амалга ошириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлиги ва давлат мониторингига олиниши лозимлиги кўзда тутилади.

Фармонда Республика Вазирлар Маҳкамаси инвестиция дастурлари департаменти давлат инвестиция сиёсатини амалга оширишда бирдан-бир ваколатли ва масъулиятли орган эканлиги ҳам белгилаб қўйилди. Инвестиция жараёни барча қатнашчилари департаментнинг қарорларини ижро этишга мажбурдирлар. Мазкур департамент зиммасига лойиҳаларни амалга оширишдаги тўсиқларни аниқлаш мақсадида мониторинг ўтказиш мажбурияти юклатилган. Фармонда кўзда тутилишича, хорижий сармоя иштирокидаги барча инвестиция лойиҳалари ҳукуматнинг кафолати остида икки ҳафталик муддатда бир йўла экспертизадан ўтказилади, уни Ўзбекистон Макроиқтисодиёт ва статистика, Ташқи иқтисодий алоқалар ва Молия вазирликларининг мутахассислари ўтказишади.

1999 йилнинг январь ойида мамлакатда “Хорижий инвестиция фаолияти тўғрисида” такомиллаштирилган қонун кучга кирди. “Хорижий инвестициялар тўғрисида” ва “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида”ги қонунлар фақат чет эллик инвесторлар билан муносабатларни тартибга солиши, ички инвесторлар эса қонунлар даражасида тартибга солиш доирасидан четда қолганлиги сабабли шу қонун қабул этилди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон парламенти томонидан

1998 йил охирида қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун манбаларидан қатъи назар, инвестицияларни амалга ошириш учун ягона ҳуқуқий тартиб ўрнатиш имконини берди. Бу қонун банклар, аҳоли ва компанияларнинг ўз маблағларини инвестиция лойиҳаларига фаол жалб қилиш имконини беради. Хужжатда давлат, шунингдек хусусий ва бошқа инвесторлар учун ҳам тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилди.

Ўзбекистоннинг хорижий инвесторлар билан муносабатлари республиканинг халқаро битимлари билан ҳам тартибга солинади. Тошкент дунёнинг 35 мамлакати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва энг кўп қулайлик тартибини яратиб бериш ҳақида битимлар имзолаган.

Ўзбекистоннинг ҳамкор сифатида мутлоқ ишончлилиги энг муҳимдир. Биронта лойиҳа йўқки, у ижобий натижалар ва дивидендлар бермаган бўлсин. Мамлакатдаги катта имтиёзлар ва жуда арзон ишчи кучи ҳар қандай лойиҳани етарлича рентабел қилиш имконини беради.

Хорижий инвестициялар ҳеч қандай тарзда тортиб олиниши мумкин эмас, хорижий инвесторлар объектларга, шунингдек уй-жой биноларига ва улар жойлашган ер участкаларига мулкчилик ҳуқуқини олишлари, ерга ва табиий ресурсларга эгалик қилишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин. Хорижий инвесторларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида бемалол қатнашишлари, шу жумладан кучмас мулкни сотиб олишлари кафолатланади.

Хорижий инвесторларга солиқ соҳасида катта имтиёзлар берилган. Хорижий сармоя иштирокидаги қўшма корхоналар беш йил мобайнида фойда солиғидан озод қилинади, уларга олган фойдасини конвертациялаш ва чет элга олиб кетиш кафолатланади.

Барча тижорат банклари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги шундай банклар, шунингдек уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, уч йилгача барча турдаги солиқларни тўлашдан озод қилинган, инвесторлар ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун четдан олиб келинадиган хом ашё ва материалларга божхона тўловларидан озод этилган.

Республикада инвестициялар учун ишончли суғурта базаси вужудга келтирилган. Сиёсий ва нотижорат та-

ваккалчилик хавфини қоплайдиган “Ўзбекинвест” Миллий суғурта компанияси ташкил этилган. “Ўзбекинвест”, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Американинг “АИГ Инкорпорейшн” молия гуруҳи сиёсий ва нотижорат таваккалчилик хавфини қоплайдиган қўшма суғурта компанияларини таъсис этганлар, уларнинг қароргоҳлари Лондон ва Тошкентда жойлашган.

Мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро иноқликнинг таъминланиши ҳар қандай давлат иқтисодиётига хорижий инвестициялар солинишининг энг муҳим шартидир. Барқарорликнинг сақланиши давлатнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган аниқ-равшан сиёсат ўтказиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, миллий давлатчилик қарор топиши, халқаро муносабатлар мустақамланиши, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётга хорижий инвестициялар кенг миқёсда жалб қилиниши учун энг муҳим шартдир. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, хорижий инвесторларнинг фаолияти учун қонуний асослар таъминланибгина қолмай, айни вақтда барқарор фаолият юриши учун ҳақиқий шарт-шароит ҳам яратилган мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар солинади. Зеро ижтимоий-сиёсий барқарорлик шароитидагина сиёсий таваккалчилик хавфи жуда кам бўлади, миллатлараро ва фуқаролараро ихтилоф манбалари бўлмайди. Айни жамиятдаги барқарорлик ва давлат сиёсатининг аниқ-равшанлиги кенг миқёсда туб ислохотларни ва кенг инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун асос бўлади.

Ҳозир Ўзбекистонда ҳар қандай инвестициялар учун сиёсий, иқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминлаб қўйилган. Агар иқтисодчилар тили билан гапирадиган бўлсак, хорижий инвестициялар учун энг ишончли кафолат деганда сиёсий барқарорликкина эмас, тегишли ҳуқуқий негизга асосланган иқтисодий ва молиявий барқарорлик ҳам тушунилади. Республика ҳукумати худди шундай барқарорликни вужудга келтирган. Солиқ, бож ва бошқа соҳаларда хорижий инвесторларга катта имтиёзлар берилганлиги ҳам эътиборга олинadиган бўлса, Ўзбекистондаги ҳар қандай инвестиция лойиҳаси оқилона рўёбга чиқарилган тақдирда муваффақиятга эришиши тайин. Бу ерга келишга жазм этган хорижий инвестор-

ларни аввало Ўзбекистоннинг табиий бойликлари ўзига ром қилади. Юксак ликвидли фойдали қазилма конларини ўзлаштиришга солинган инвестициялар, одатда жуда салмоқли фойда келтиради. Шу сабабли бу соҳадаги кўпгина хорижий компания ва фирмалар республика ҳукумати билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар.

Америкадаги хорижий хусусий инвестициялар корпорацияси (ОРИС) президенти Рут Харкин хонимнинг фикрича, Ўзбекистонда сиёсий таваккалчилик хавфи даражаси жуда оз. Харкин хонимнинг гапига қараганда, Президент Ислон Каримов — “мамлакатдаги вазиятга катта масъулият билан қарайдиган” киши. ОРИС президенти Ўзбекистонга қилган ташрифидан кейин Американинг Newmont Gold Company — Newmont mining компаниясининг Ўзбекистонда олтин қазиб чиқариш лойиҳасини сиёсий таваккалчилик хавфидан 200 млн долларга суғурта қилишга қарор қилди.

“Ньюмонт” компанияси Қизилқум марказида Навоий кон-металлургия комбинати билан “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонасини барпо этди. “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси Ўзбекистон томони учунгина эмас, шу билан бирга Америка томони учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. У рудани қайта ишлашдан тортиб, қўйма қуйишгача бўлган тугал циклли дунёда бирдан-бир корхонадир. “Ньюмонт” компаниясининг “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонасига сарфлаган маблағини сиёсий таваккалчилик хавфидан суғурта қилганлиги бу лойиҳани Марказий Осиёда биринчи ўринга чиқариб қўйди.

Бу Америка компанияларининг Ўзбекистондаги фаолиятини суғурталаш соҳасидаги бирдан-бир лойиҳа эмас, ОРИС “Ньюмонт” компанияси “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонасига сарфлаган маблағидан ташқари, Америка компанияларининг Ўзбекистондаги банк иши, телекоммуникациялар, табиий ресурслар соҳасидаги лойиҳаларга сарфлаган маблағларини ҳам яна 500 млн долларга суғурталади.

Мурунтов олтин руда қаръери отвалларини қайта ишлаш учун барпо этилган “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси 1999 йилда 1998 йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўп олтин қазиб олди. Корхона дастлабки олтин-

ни 1995 йил май ойида эритган эди, ўша пайтдан бери ҳаммаси бўлиб 50 тоннадан кўпроқ олтин эритилди. “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси Ўзбекистонда биринчи бўлиб муваффақиятли ишлаётган олтин қазиб чиқарувчи қўшма корхонадир. У 1992 йилда Америкадаги Newmont mining корпорациясининг Ўзбекистондаги Newmont Ltd. ваколатхонаси. Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Навоий кон-металлургия комбинати томонидан таъсис қилинган эди. Қўшма корхонанинг устав сармоясидаги хорижий капиталнинг улуши 50 фоизни ташкил қилади.

Корхонага очиқ усулда олтин қазиб чиқариладиган Мурунтов конини кейинги 30 йил мобайнида ишлатиш натижасида тулланиб қолган паст навли оксид руда отвалларидан 220 млн тонна материални қайта ишлашга рухсат берилган. Олтин ажратиб олувчи заводни қуришга 1993 йил октябрида киришилди ва у 1995 йил апрелида қуриб битказилди, ўша йилнинг май ойидаёқ дастлабки кўймалар эритиб олинди. Лойиҳага сарфланган 225 млн доллар капитал маблағнинг 60 фоизи халқаро молия муассасаларининг кредитлари эди. Ҳозирги вақтда “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонасида 750 киши, шу жумладан 34 нафар хорижий мутахассис ишламоқда.

Newmont mining бошқа бир Ўзбекистон-Америка олтин қазиб чиқарувчи қўшма корхонаси — “Ангрен голд компани”нинг ҳам муассисларидан биридир. Унинг устав сармоясининг 40% Америка компаниясига тегишлидир. “Ангрен голд компани” қўшма корхонаси Ўзбекистон Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, “Ўзолмосолтин” уюшмаси, Американинг Newmont mining ва Япониянинг Mitsui & Co. Ltd. компаниялари томонидан Қизилолмасой ва Кучбулоқ олтин руда конларини ишга тушириш учун тузилди. Ўзбекистон томонининг лойиҳадаги улуши 40 фоизни, Япония томонининг улуши 20 фоизни ташкил қилади. Ангрен лойиҳасига сарфланиши лозим бўлган инвестицияларнинг жами ҳажми 200 млн долларга боради. “Ангрен голд компани” қўшма корхонасининг лойиҳадаги қуввати йилига бир неча тонна олтин қазиб чиқаришга мўлжалланган.

Британиянинг Oxus Resources Corporation компанияси ҳам Ўзбекистоннинг олтин қазиб чиқариш лойиҳала-

рида қатнашмоқда. У “Омонтойтов Голдфилдз” Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси акцияларининг назорат пакетига эгалик қилади ва 2001 йилнинг бошларида Ўзбекистондаги Омонтойтов конида олтин қазиб олишга киришади. Oxus Resources Corporation 1999 йил сентябрь ойида қўшма корхонанинг акцияларидан 43 фоизини 4,3 млн долларга сотиб олди, илгари бу акциялар Британиянинг Lohrbo (35%) ва IFC (8%) компанияларига тегишли эди. Oxus Resources Corporation президенти Рожер Тернернинг айтишича, бу компания яқин вақт ичида “Омонтойтов Голдфилдз” қўшма корхонасидаги ўз улушини 50 фоизга етказишни мўлжалламоқда.

“Омонтойтов Голдфилдз” қўшма корхонаси Қизилқум чўлидаги Омонтойтов ва Давгистау конларини ишлатиш учун барпо этилган. Омонтойтов конида ажратиб олинган олтин захиралари 3,2 млн унция ва Давгистауда ажратиб олинган олтин захиралари салкам 5 млн унцияни ташкил этади. Фақат Омонтойтов конларини ўзлаштиришнинг биринчи босқичида 45—50 млн доллар капитал маблағ сарфланиши мўлжалланмоқда. Oxus Resources компанияси 2001 йилнинг бошларида конни ўзлаштиришнинг иккинчи босқичи бўйича тула банк техник-иқтисодий асосламасини тайёрлашга киришган.

Ўзбекистон Тошкент зонасидаги олтин руда конларини ўзлаштириш бўйича Япониянинг машҳур “Мицуи” компанияси билан ҳам битим имзолаган.

Ҳозир Ўзбекистондаги олтиннинг кўп қисми маҳаллий олтин қазиб олувчи корхоналар томонидан қазиб чиқарилмоқда, мамлакат ҳокимияти ташаббусни хорижий ҳамкорларга бериб қўймоқчи эмас. Олтин қазиб чиқариш тармоғи давлат назоратида сақланмоқда, бу эса Ўзбекистон кон бойитиш корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлайди. Кейинги вақтларда мамлакатда олтин қазиб олиш йил сайин кўпаймоқда.

Ўзбек олтин қазиб олувчи корхоналарнинг тажрибасига МДХ мамлакатлари жуда қизиқиб қарамоқдалар. Украина бош вазири Валерий Пустовойтенконинг 1998 йил 16—17 январ кунлари Ўзбекистонга қилган расмий ташрифининг асосий мақсадларидан бири ҳам шу тажрибани ўрганишдан иборат эди. Украина ҳукумати ўша пайтдаги раҳбарининг сўзларига қараганда, Ўзбекистон-

даги олтин руда конларида асосан Запорожье корхоналарида ишлаб чиқарилган машина-ускуналардан фойдаланилмоқда. Украинадаги олтин қазиб чиқарувчи корхоналар эса Ўзбекистонда эришилган муваффақиятларга асло эриша олмаяптилар, деб таъкидлади у. Шу сабабли Ўзбекистон корхоналари худди шундай машина-ускуналарда ишлаб, Украинадан кура бир неча баравар кўп олтин олишга қандай муваффақ бўлаётганликлари украин мутахассислари учун ҳамон жумбоқ бўлиб қолмоқда. Бунинг устига ўзбек олтини сифат жиҳатидан Украина корхоналарида олинган асл металдан анча юқори туради.

Давлат мулкани хусусийлаштириш ҳам бевосита, ҳам билвосита хорижий инвестициялар жалб қилишнинг асосий йўлларида биридир. 1999 йилдан эътиборан Ўзбекистондаги йирик саноат корхоналари акцияларининг бир қисми кимошди савдоларида сотила бошланди. Чунончи, Ўзбекистонда асл металл ва мис ишлаб чиқарадиган йирик корхона — Олмалиқ кон-металлургия комбинати (Олмалиқ КМК) очиқ турдаги акциядорлик жамияти акциялари давлат пакетининг 46,5 фоизи тендер орқали сотилди. Шу акцияларнинг қиймати 478 млн долларни ташкил қилди. Ҳозирги вақтда Олмалиқ КМК Ўзбекистоннинг Олмалиқ шаҳри яқинидаги олтин, мис-молибден ва қўрғошин-рух руда конларини ишлатмоқда. Комбинат таркибига кончилик корхоналари, бойитиш фабрикалари, металлургия заводлари, шунингдек транспорт ва кумакчи инфратузилмалар киради.

Олмалиқ КМКда ҳар йили бир неча минг тонна тозаланган мис ишлаб чиқарилади. Комбинат тозаланган мис, аффинацияланган олтин ва кумуш, металл ҳолидаги рух, қўрғошин концентрати, бирламчи молибден, металл ҳолидаги кадмий, техник селен, теллур, олтингугурт кислотаси, мис купороси, қўрғошин кекси ишлаб чиқаради. Олмалиқ КМКнинг асосий акциядори давлат бўлиб, комбинат акцияларининг 51 фоизи унга қарашлидир, меҳнат жамоаси эса акцияларнинг 2,5 фоизига эгалик қилади.

1999 йилнинг охирида Ўзбекистон тендер орқали республикада картон ишлаб чиқарувчи йирик корхона — “Саноаткартонсавдо” акциядорлик жамияти акцияларининг 27,3 фоизини ягона пакет тарзида хорижий инвесторларга сотди. Акциялар пакетининг қиймати 1,8 млн доллар-

ни ташкил қилди. Корхона акцияларининг яна 21,7 фоизини эркин савдога қўйиш режалаштирилмоқда. Шу компанияни молиявий жиҳатдан текширувдан ўтказган Россиянинг “ЮНИКОН/МС Консультативная группа” деб аталган консалтинг ташкилоти “Саноаткартонсавдо”нинг молиявий ҳолатини барқарор деб баҳолади. Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида жойлашган шу корхонанинг қуввати йилига 100 минг тонна идишбоп картон, 125 млн кв метр гофрояшик ва 100 кв метр толали плиталар ишлаб чиқариш имконини беради.

Бирлашган Араб Амирликларининг Ibrakom FZE компанияси 1999 йилнинг ноябрида Ўзбекистоннинг Сирдарё вилоятидаги “Оқолтин пахта маҳсулоти базаси” акциядорлик жамияти негизида халқаро пахта терминали барпо этиш учун мазкур жамият акцияларининг 30,5 фоизини сотиб олди. Оқолтин базаси “Ўзпахтасаноат сотиш” уюшмаси таркибига киради ва Ўзбекистондаги пахта толаси сақланадиган энг йирик марказлардан бири ҳисобланади. Бу ерда жами майдони 69 120 кв метр бўлган 45 та омбор бўлиб, уларда бир вақтнинг ўзига 50 минг тонна пахта толаси сақланади. Оқолтин омборларини халқаро пахта терминалига айлантириш учун FZE компанияси омборхоналарни қайта қуриш, пахта маҳсулотини жойлаш учун зарур бўлган технология машина-ускуналарини янгилашни мўлжалламоқда. Бу лойиҳани амалга оширишга 1999 йилнинг охирида киришилди ва барча ишлар 2000 йилнинг кузида тугалланади. Дастлабки босқичда Ibrakom FZE компанияси лойиҳага 1 млн доллар маблағ сарфлайди, келгусида бу миқдор кўпайтирилади. Ibrakom FZE компанияси дунёда пахтани қайта ишлайдиган энг йирик компаниялардан бири бўлмиш Imisk Group (БАА) компаниялари гуруҳига киради. Бу компания йилига 100 минг тоннадан кўпроқ пахтани қабул қилишдан тортиб жўнатишгача бўлган ишларни бажаради.

Республикада халқаро пахта терминалининг вужудга келтирилиши ўзбек пахтаси харидорларига хизматларнинг бутун мажмуасини (пахтани вагонлардан тушириш, саралаш, жойлаш, асраш, контейнерларга ортиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва кира хизматларини) кўрсатиш имконини беради, илгари бу хизматлар оралиқ хорижий портларда кўрсатилар эди.

Республика “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси бошқаруви-нинг раиси Ботир Эргашев 2000 йил 5 май куни Тошкентда бўлиб ўтган “Пахта-2000— Ўзбекистон” халқаро конференциясида сўзлаган нутқида: Ўзбекистон яқин беш йил ичида пахта толасини қайта ишлашга 1 млрд 271 млн доллар маблағ сарфлашни мўлжалламоқда, деди. Унинг таъкидлашича, тўқимачилик тармоғида ишлаб турган йиғирмата корхонани техника билан қайта жиҳозлаш ва олтита янги ип йиғириш фабрикасини қуриш мўлжалланмоқда. 1991 йилгача Ўзбекистонда атиги 4 та йирик тўқимачилик комбинати — Тошкент, Бухоро, Андижон ва Фарғона комбинатлари қурилган бўлса, кейинги беш йил мобайнида 9 та йирик пахтани қайта ишлаш корхонаси ишга туширилди. Улар орасида Тошкент шаҳридаги ва Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳридаги 2 та ип йиғирув-тўкув фабрикасини бирлаштирувчи “Кабул-Ўзбек Ко.” қўшма корхонаси бўлиб, уларнинг умумий қиймати салкам 200 млн долларга тенг. Тармоқда ҳаммаси бўлиб 16 та қўшма корхона ишлаб турибди, ишлаб чиқарилган товар маҳсулоти умумий ҳажмининг 20,6 фоизи уларнинг улушига тўғри келади.

2000 йилга қадар Ўзбекистон тўқимачилик саноатида ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 450 млн долларни ташкил қилди. Режалаштирилган тадбирлар мажмуаси республикада қайта ишланаётган пахта толасининг ҳажмини ҳозирги 20 фоиздан 50 фоизга етказиш имконини беради. Б. Эргашевнинг сўзларига қараганда, беш йилдан кейин Ўзбекистон пахта толаси экспортини қисқартиради ҳамда калава ип ва тайёр ип газлама экспортини кўпайтиради. “Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси мутахассисларининг тахминига кўра, республика тўқимачилик тармоғининг экспорт салоҳияти 2005 йилга борганда 500 млн долларгача етади. (1999 йилда 98 млн доллар эди.)

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича дунёда бешинчи ва пахта толаси экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринда туради. Ҳар йили республикада ўрта ҳисобда 3,5—3,7 млн тонна пахта хом ашёси тайёрланади ва ундан 1—1,2 млн тонна тола ажратиб олинади, унинг 85 фоиздан зиёди экспорт қилинади.

Фарғона тўқимачилик комбинати модернизация қилиниб, калава ип ва суруп ишлаб чиқаришга ихтисослаш-

тирилмоқда. Унинг лойиҳадаги қуввати йилига 11,8 минг тонна калава ип ва 45,127 млн погон метр хом суруп ишлаб чиқариш имконини беради, ҳолбуки республиканинг пахта толасига бўлган эҳтиёжи 13,2 минг тоннани ташкил қилади. Фарғона тўқимачилик комбинатини модернизация қилишга 118 млн доллар сарфлаш тахмин қилинмоқда. Лойиҳани пул билан таъминлаш учун 1999 йил сентябрида Kabool Textiles ва “Фарғона тўқимачилик комбинати” акциядорлик жамияти томонидан тузилган “Кабул Фергана Ко Лтд.” қўшма корхонасининг маблағидан, Kabool Textilesнинг бевосита инвестицияларидан ва Япония Эксимбанкнинг 8,831 млрд япон иенаси (72 млнга яқин АҚШ доллари)дан иборат кредитдан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Япон кредити Ўзбекистон ҳукуматининг кафолати асосида 12 йил муддатга берилади деб назарда тутилмоқда. 2000 йил бошларидан бошланган корхонани техника билан қайта жиҳозлаш ишлари 2001 йилда тугалланади “Кабул Фергана Ко Лтд.” қўшма корхонасининг устав сармоясига корейс томонининг улуши 60 фоизни, ўзбек томонининг улуши 40 фоизни ташкил этади.

Фарғона тўқимачилик комбинати модернизация қилинганидан кейин корхона маҳсулотининг 90 фоизини экспорт қилиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурига биноан калава ип ва ип газлама ишлаб чиқарадиган корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш ва янгиларини қуришга 486,5 млн доллар сарфлаш режалаштирилмоқда, бу маблағнинг анчагина қисмини корейс инвестициялари ташкил қилади.

Жанубий Кореянинг Kabool Textiles компанияси Ўзбекистонда 90-йилларнинг бошларидан ишламоқда. 1996 йилда у Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида жуда катта тўқимачилик мажмуасини қурди, унинг жами маҳсулоти экспортга юборилмоқда.

1999 йил декабрь ойининг бошларида Kabool Textiles Тошкентда ип йигирув фабрикасини ишга туширди, унинг қурилишига 114,5 млн доллар сарфланди. 1998 йилда қурила бошланган бу фабриканинг лойиҳадаги қуввати йилига 24 минг тонна калава ипни ва 9 млн погон метр хом сурупни ташкил этади, бу маҳсулотлар 26 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш натижасида ҳосил қилинади. Фабрикада 2700 киши ишлаб турибди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов фабрикани очишга бағишланган тантанали маросимда республика ҳукумати Kabool Textilesга республикада бизнес учун энг қулай шароит яратиб берилишига ҳар томонлама кўмаклашади, деб таъкидлади. Каримов жанобларининг айтишича, Жанубий Кореянинг бу компанияси 1999 йил декабрь ойининг бошларигача Ўзбекистон иқтисодиётига салкам 180 млн доллар инвестиция солди.

“Пахта хом ашёсини экспорт қилиш—валюта тушумлари олишнинг унчалик яхши усули эмас, тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотини сотиш манфаатлироқдир”, — деб ҳисоблайди Ислом Каримов. Тошкентдаги ип йиғирув фабрикаси лойиҳадаги қуввати даражасида ишлай бошлагач, унинг экспорт салоҳияти йилига 50 млн доллардан ошади, деб таъкидлади Президент. Kabool Textiles компанияси томонидан Тўйтепа шаҳрида қурилган тўқимачилик комплексининг қувватларини ҳам кўшиб ҳисоблаганда, йиллик жами экспорт салоҳияти 90 млн долларга етади.

15 та йирик корхона акцияларининг пакетларини якка лойиҳалар бўйича сотишга киришилди, улар орасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Аммофо-Андижонбиокиме заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанд кимё заводи, “Тошкент” аэропорти, Қизилқум фосфорит комбинати каби корхоналар бор. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси акцияларининг 25 фоизини ва Олмалик кон-металлургия комбинати акцияларининг 40 фоизини сотиш учун тендерлар эълон қилинди.

Жаҳон банки билан биргаликда Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнини идоравий-ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш дастури амалга оширилмоқда. Республика ҳукумати шу лойиҳа доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим соҳаларига мансуб бўлган йирик корхоналарни якка тартибда хусусийлаштиришни режалаштирмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун маҳаллий хом ашё ва ресурсларни қайта ишлашга асосланган, шунингдек мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар устувор деб белгиланди:

— қишлоқ хўжалик маҳсулотини чуқур қайта ишлаш;
— минерал-хом ашё ресурсларини қазиб оладиган ва қайта ишлайдиган, шу жумладан нефть ва газ қазиб оладиган ҳамда қайта ишлайдиган экологик жиҳатдан соф ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

— транспорт ва телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

— илм-фан ютуқларига асосланган ва жаҳон бозорида рақобат қила оладиган ишлаб чиқаришларни, шу жумладан замонавий ахборот ва телекоммуникация тизимларини ташкил этиш;

— ресурсларни ва энергияни тежайдиган машина-ускуналар ишлаб чиқариш;

— дори-дармон, тиббиёт техникаси ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш;

— сайёҳлик индустриясини ривожлантириш.

Ўзбекистонда молиялашнинг ҳатто энг мураккаб схемалари ҳам қўлланадиган инвестиция лойиҳаларини юзага чиқариш учун зарур молиявий инфратузилма вужудга келтирилган. Бу соҳада Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия муассасалари фаол ишламоқда. Япония, Германия, АҚШ, Франция ва яна бир қанча мамлакатларнинг экспорт-импорт банклари ҳамда бошқа расмий молия муассасалари берган кредит ресурслари ёрдамида республика иқтисодиётининг турли соҳаларида стратегик муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар орасида телекоммуникациялар секторини модернизациялаш, шу жумладан Осиёда Европааро толали-оптик алоқа линиясининг миллий қисмини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини таъмирлаш ва модернизациялаш, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш, Кўкдумалоқ нефть конини фойдаланишга топшириш учун тайёрлаш, Қўнғирот сода заводини қуриш, “Тошкент” аэропортини реконструкция қилиш ва бошқалар бор.

Ўзбекистон ҳукумати 2000 йил январь ойида республиканинг шу йилга мўлжалланган инвестиция дастурини тасдиқлаган эди. Бу дастур иқтисодиётнинг барча соҳаларини, шунингдек ижтимоий секторни қамраб олади. 2000 йилда пул билан таъминлашнинг барча манбалари

ҳисобидан сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 666,760 млрд сўмни, яъни 4,4 млрд долларни ташкил этиши мўлжалланди. Инвестиция фаолиятининг кучайиши, чет эл сармоясининг кенг жалб этилиши иқтисодийдаги таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, мустаҳкам моддий техника базасини вужудга келтиришга, макроиқтисодий барқарорликни ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган.

Социал соҳада 8150 минг кв метр уй-жойни фойдаланиш учун топшириш чоралари кўрилган, шундан 7540 минг кв метри яқка тартибдаги уй-жой қурилишидир. Бундан ташқари шифохоналар, поликлиникалар, мактаблар, лицейлар, коллежларни фойдаланишга топшириш, 4570 километр газ ва 2072 километр водопровод тармоғини ўтказиш мўлжалланмоқда, бу режалар кейинги йиллардаги ўзига хос рекорддир.

Мазкур соҳада хорижий инвесторлар томонидан ҳам катта миқдорда сармоя сарфланади. Жумладан, шошилинч ёрдам республика марказини қуриш, реконструкция қилиш ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга Испания ҳукумати Германиянинг КФВ банки билан биргаликда 37,81 млн доллар миқдорида имтиёзли кредит ажратмоқда. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки яқин йилларда “Ўзбекистон: тоза сув, санитария ва гигиена” дастурини амалга оширишга 75 млн доллар ажратишни режалаштирган.

2000 йилга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг аниқ-равшан дастури тузилиб, бу дастурларни пул билан таъминлаш ҳукумат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан амалга оширила борди. Бу дастурга умумий ҳажми 2,748 млрд доллардан ортиқ бўлган 52 та лойиҳа киритилди, шундан 750,56 млн долларини қисқа вақт ичида ўзлаштириш мўлжалланди. Ўзбекистон ҳукумати инвестиция дастурлари департаменти инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириб назорат қилиб боради.

Республикада биринчи марта инвестиция дастури тармоқ комплекслари бўйича тайёрланди. У Ўзбекистон халқ ҳўжалигининг барча тармоқлари ва минтақаларини қамраб олган. Инвестиция таклифларининг йиғма қисми анча кенгайтирилган. Илгари улар учун техникавий-иқтисо-

дий асосламалар ихтиёрий шаклда тузилган бўлса, энди ягона талаблар ишлаб чиқилди, бу талабларга биноан пул билан таъминлаш манбалари аниқ-равшан кўрсатилиши шарт. Аввалги йилларда инвестиция дастурлари қатъий шаклда қабул қилинар — лойиҳаларда инвестицияларнинг умумий миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга йўл қўйилмас эди. Энди бундай қилиниши мумкин бўлиб қолди.

Обрули халқаро молия ташкилотлари, энг катта банклар ва корпорациялар инвестор ва кредитор бўлмоқда. Ўзбекистон бозорида АҚШ, Жанубий Корея, Германия, Буюк Британия, Туркия, Россия ва Япония компаниялари жуда фаол ишламоқдалар. Улар орасида Жанубий Кореянинг “ДЭУ” компаниясини кўрсатиш мумкин. Бу компания автомобилсозлик, электрон, енгил саноатда, телекоммуникация соҳасида кўшма лойиҳаларни амалга оширди. Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки, Германиянинг Комерцбанки, АҚШнинг Чейз Манхеттен банки Шўртан газ-кимё мажмуаси қурилишига 618,22 млн доллар сарфламоқда, шундан 161,4 млн долларини бир йил ичида сарфлаш режалаштирилган.

Франциянинг “Сосьете Женераль” банки Фарғонадаги хлорат-натрий ва хлорат-магнийли дефолиантлар ишлаб чиқарадиган “Азот” бирлашмасини реконструкция қилишга 23,3 млн доллар ажратади. Шу маблағнинг узлаштирилиши қишлоқ хўжалигининг мазкур турдаги кимёвий моддаларга бўлган эҳтиёжини кўп даражада қондириш имконини беради. Туркиянинг “Коч” молия-саноат гуруҳи, Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўз маблағларини бирлаштириб (ҳар бир томондан 59,5 млн доллар) Самарқанддаги “Сино” акциядорлик жамияти негизида рўзғор советгичлари ишлаб чиқарадиган “Арсин” кўшма корхонасини барпо этишни режалаштирмоқдалар. Дастлабки йилда 35,6 млн долларлик ишни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун бир неча ўн млн долларлик кредит линиялари очилди, бу ишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, халқаро молия корпорацияси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, шунингдек, республиканинг тижорат банклари қатнашмоқда.

142 лойиҳадан иборат устувор инвестиция таклифлари йиғма рўйхати алоҳида бўлиб қилиб ажратилди. Ҳозирги вақтда уларнинг қўплари юзасидан техникавий-иқтисодий асосламаларни ишлаб чиқариш ниҳоясига етказилди. Шу лойиҳаларга жалб қилинадиган хорижий инвестиция ва кредитларнинг ҳисоблаб қўйилган ҳажмлари 7 млрд АҚШ долларидан ошди. Мазкур инвестиция дастурлари лойиҳасида республика халқ хўжалиги деярли барча тармоқлари ва минтақалари бор.

Инвесторлар учун Тошкент ва Навоий ГРЭСларини модернизациялаш лойиҳалари айниқса қизиқарлидир. Бу ишга 1,441 млрд доллар сарфлаш мўлжалланмоқда. Чирчиқдаги “Электркимёсаноат” ишлаб чиқариш бирлашмасида карбамид ишлаб чиқишни реконструкциялаш кўзда тутилмоқда. Шу лойиҳа бўйича ҳозирнинг ўзидаёқ техникавий-иқтисодий асослама тасдиқланди ва яқин вақт ичида хорижий банклар маблағи ҳисобидан 35,4 млн долларлик технология асбоб-ускуналари етказиб бериш режалаштирилмоқда. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки республика қишлоқ хўжалиги корхоналари тузилмасини қайта қуришга оид йирик лойиҳаларни амалга оширишда қатнашишни режалаштирмоқда. Япония халқаро ҳамкорлик банки электровозларни капитал таъмирлайдиган завод қурилиши лойиҳасига инвестиция сарфлашдан аввал уни ўрганиб чиқмоқда. Бу лойиҳанинг қиймати 60 млн доллардан ошди деб тахмин қилинмоқда.

Республикада хорижий сармояларни сарфлаш соҳасида ўтказилаётган инвестиция сиёсати ҳозирнинг ўзидаёқ аниқ натижалар бера бошлади. Мустақилликнинг биринчи йилидан бери Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторига жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 13 млрд АҚШ долларидан ошиб кетди. Фақат 1999 йилнинг ўзида Ўзбекистон 2,1 млрд доллар миқдордаги хорижий инвестицияларни ўзлаштирди.

Республикада капитал маблағларни тармоқлар бўйича тақсимлаш асосий хорижий маблағларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга сарфлаш имконини берди. Чунончи, 1999 йилда хорижий инвестициялар умумий ҳажмидан салкам 15 фоизи Ўзбекистон нефтьгаз саноатига, 12 фоизи машинасозлик тармоқларига, 11 фоизи транспорт ва телекоммуникация секторига, 10

фоиздан зиёди кимё саноатига, 4 фоизга яқини енгил саноатга сарфланди ва ҳоказо.

Хорижий инвесторлар Ўзбекистон иқтисодиётида ўз маблағларини муштараклик асосида сарфламоқдалар, барна шартлар республика қонунлари асосида тузилмоқда. Шу асосда Жанубий Кореянинг “ДЭУ” компанияси билан автомобиль заводи қурилди, Бухоро вилоятидаги йирик нефтни ишлаш корхонаси ҳам шу тарзда хорижий инвесторлар ёрдамида барпо этилди ва ҳоказо.

Ўзбекистоннинг аҳоли зич жойлашган минтақаларидан бири бўлмиш Андижон вилояти Асака шаҳрида “ЎзДЭУавто” автомобиль заводи қурилиши билан республикада янги тармоқ вужудга келди. Ҳозир республикада бир неча автомобиль заводи ишлаб турган бўлишига қарамай, республикада автомобилсозликнинг юксалтирилиши айна енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи “ЎзДЭУавто” заводининг барпо этилиши билан боғлиқдир. “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси Жанубий Кореянинг “ДЭУ” компаниялари гуруҳи ва Ўзбекистоннинг “Ўзавтосаноат” автомобиль транспорти корхоналари уюшмаси билан биргаликда ташкил этилди.

“ЎзДЭУавто” заводи муштараклик негизида қурилди. Бу лойиҳага Ўзбекистон томонидан (“Ўзавтосаноат”) — 50 фоиз, Жанубий Кореянинг “ДЭУ” корпорацияси томонидан 50 фоиз инвестициялар солинди. Лойиҳада бошқа йирик компаниялар, банклар ва концернлар ҳам қатнашди.

Ўзбекистон дунёда автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 та ривожланган мамлакат орасидан муносиб ўрин олди. “ЎзДЭУавто” нинг қурилиши давлатнинг иқтисодий ҳаётидагина эмас, сиёсий турмушида ҳам тарихий воқеа бўлди. Ҳолбуки 1993-94 йилларда республикада шу лойиҳа юзасидан иш бошланган пайтда Ўзбекистонда ана шундай йирик автомобиль заводи қурилишига кўпчилик ишонмаган эди. Шунга қарамай, қисқа вақт ичида завод қуриб битказилди ва ишга туширилди.

Президент Ислон Каримовнинг 1992 йилда Жанубий Кореяга қилган ташрифи вақтида корпорация раиси Ким У Жунг жаноблари билан автомобиль ишлаб чиқариш қўшма корхонасини барпо этиш ниятлари ҳақида имзоланган меморандум мазкур автозаводни барпо этиш учун

асос бўлди. Ўшанда барча зарур ҳужжатлар қисқа муддатда тайёрланди. Ўзбекистон томони бўлажак ишлаб чиқаришнинг айрим жиҳатларига, жумладан, Асакада ишлаб чиқариш мўлжалланаётган автомобилларнинг ўзига хос жиҳатларига эътиборни қаратган эди. Шу муносабат билан “Нексия”, “Тико”, “Дамас” машиналари танлаб олинган моделларининг барча табиий-иқлим зоналарида кенг миқёсда — 10 минг км масофага пойгаси ўтказилди. Шу пойга натижалари юзасидан машиналар тузилишига ўзгаришлар киритилиб, пухталаштирилди: “Нексия”нинг орқа осмаси кучайтирилди, “Тико”да йўл юриш имконияти кўпайтирилди, барча машиналарнинг двигателлари бензиннинг хусусиятларини ҳисобга олиб, такомиллаштирилди ва ҳоказо.

Завод энг замонавий технология асбоб-ускуналари билан жиҳозланди, уларни монтаж қилишда Европа мамлакатларининг мутахассислари ёрдам беришди. Шу билан айна бир вақтда 3 мингга яқин ўзбек ишчи ва муҳандислари Жанубий Кореядаги “ДЭУ” корпорацияси корхоналарида ишлаб, тажриба орттирди. Шу вақтнинг ўзида бевосита Ўзбекистонда бутлаш деталларини ишлаб чиқарадиган бўлгуси корхоналарга пойдевор қўйилди, шунингдек, “Ўзавтосаноат” автомобилсозлик корхоналари уюшмаси тузилди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, автомобилсозликнинг ривожланиши иқтисодиёт ёндош тармоқларининг юксалишига ва аҳолининг иш билан таъминланиши яхшиланишига олиб боради. Бу эса Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Асака заводининг ишга туширилиши туфайли Андижон вилоятидагина эмас, бутун Ўзбекистонда, шунингдек, у билан яқин бўлган минтақаларда тегишли ишлаб чиқариш ва таъминот инфратузилмалари вужудга кела бошлади. Бош завод ва унинг теварагида пайдо бўлаётган янги корхона ва ташкилотлар Ўзбекистоннинг бутун иқтисодиётини юксалтиришга, иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ва ялпи ички маҳсулот ҳажми тез ўсишига кўмаклашади. Автомобиль ишлаб чиқаришидаги бир ишчи ўрни ёндош тармоқларда 7—8 уринни вужудга келтиради. Аммо энг муҳими — автомобилсозлик Ўзбекистоннинг бутун индустриясини янги изга ўтказиши лозим бўлган ўзига хос ҳаракатлантирувчи кучдир.

1995 йилда Асакадаги собиқ трактор прицеплари заводи негизда қурила бошланган автозавод 1996 йил июнь ойида битказилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 658 млн. долларни ташкил қилди. “ЎзДЭУавто”нинг лойиҳадаги қуввати йилига 200 000 та автомобиль ишлаб чиқариш имконини беради. Завод учта асосий модель — “Нексия”, “Тико”, “Дамас”нинг турли хилларини ишлаб чиқаради. “ЎзДЭУавто” заводи ишлай бошлаганидан бери 2000 йилнинг март ойигача жами қарийб 2 млрд АҚШ долларлик 200 000 тадан кўпроқ автомобиль ишлаб чиқарди. Ишлаб чиқарилган барча автомобилларнинг салкам 170 мингтаси ички бозорда 34 мингтадан зиёди эса чет элларда сотилди.

Ҳозирги вақтда “ЎзДЭУавто” бош корхонасида 3800 киши меҳнат қилмоқда. Умуман Ўзбекистон автомобиль тармоғида 14 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. 1993—99 йиллар мобайнида “ЎзДЭУавто” заводи ва ёндош корхоналарнинг 4592 ишчи ва муҳандиси Жанубий Кореяга бориб, автомобиль ва бутлаш деталлари ишлаб чиқарадиган компанияларда тажриба ортириб келди.

Республикада автомобиль тармоғини янада ривожлантириш мақсадида тегишли инфратузилмани барпо этиш ва бутловчи деталларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, замонавий индустриал технологияларни жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Маҳаллий бутлаш деталлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 150 млн АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар жалб этилди. Тармоқда саккизта ўзбек-корейс қўшма корхонаси ишлаб турибди, электроника, автомобиль ўриндиқлари, бамперлар ва прибор панеллари, овоз пасайтиргичлар, автомобиль эмаллари ва буюқлари, ички безак деталлари, ёқилғи баклари ишлаб чиқарувчи корхоналар “ЎзДЭУавто” заводида автомобиллар ишлаб чиқариш тўла циклини таъминлашга хизмат қилади. Ана шуларнинг ҳаммаси “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини 40 фоизга етказиш имконини берди. Хусусан электр асбоб-ускуналари тасмалари ишлаб чиқарадиган завод тўла-тўқис ишлай бошлайди, бу корхона “Анджонкабел” акциядорлик жамияти негизда Жанубий Кореянинг KO JE industry CO Ltd. компанияси иштирокида барпо этилди. Бу лойиҳанинг умумий қиймати 2,67 млн доллар-

ни, лойиҳа қуввати йилига 160 минг электр тасма комплектини ташкил этади.

Келгусида 2005 йилга борганда “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 160 000 та автомобилга етказиш кўзда тутилмоқда. Автомобиллар учун бутлаш деталларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш учун 30 тадан кўпроқ янги корхона барпо этилади. Бу тадбир 2004 йилга борганда бутлаш деталларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш даражасини 85 фоизга етказиш имконини беради. Бу эса ёндош тармоқ корхоналарини ривожлантириш учун қўшимча восита бўлади. “Ўзавтосаноат” раҳбарияти ўз сиёсатида “ЎзДЭУавто” автомобиллари учун бутлаш деталлари ишлаб чиқаришни Ўзбекистоннинг ўзида ташкил этиш йўлидан борди. Шу мақсад учун тармоққа яқин йилларда 800 млн АҚШ долларига яқин маблағ сарфлаш ва шу тариқа 7000 дан кўпроқ қўшимча иш ўрни ҳосил қилиш режалаштирилмоқда.

2000 йилнинг бошларигача Ўзбекистон автомобиль саноатига сарфланган капитал маблағнинг умумий ҳажми 1 млрд доллардан ошди. Бу рақам асосан 90-йилларнинг бошларидан эътиборан ўзлаштирилган хорижий инвестицияларни, шунингдек Ўзбекистон томонининг қўшма корхоналар устав фондларига қўшган улушларини ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда республика автомобилсозлигига қўшимча равишда яна 500 млн доллар жалб қилинмоқда.

“Ўзавтосаноат” уюшмаси яқин 2 йил ичида бутлаш деталларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш тармоқ дастурига 120 млн доллар сарфлашни режалаштирмоқда, бу маблағнинг асосий қисми ҳозирнинг ўзидаёқ давлатнинг 2000 йилги инвестиция дастурига қўшилди. Бу маблағ асосан учта лойиҳани амалга оширишга ишлатилади, Американинг Exide компанияси иштирокида аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган корхона бу лойиҳаларнинг энг каттасидир (лойиҳанинг қиймати — 78,18 млн доллар).

Шуни таъкидлаш лозимки, 1998 йилда Exide компанияси билан “Ўзавтосаноат” уюшмаси устав фонди 14,7 млн доллар бўлган “Жиззахаккумулятор” акциядорлик жамияти негизда стартерли қўроғошин-кислотали аккумулятор батареялари ишлаб чиқариш учун “ЎзЭксайд” қўшма

корхонасини тузган эдилар. Ҳозирги вақтда Жиззахда ишлаб чиқариш биноларини қайта қуриш давом этмоқда, бу ерда лойиҳага мувофиқ йилига 1 млн дона аккумулятор ишлаб чиқарадиган технология асбоб-ускуналари ўрнатилади. Лойиҳа Американинг Bank of New York банки кредити ҳисобидан АҚШ Эксимбанки кафолати остида 54 млн доллар миқдорида пул билан таъминланади. Бу заводда 2001 йил охирида маҳсулот ишлаб чиқаришга киришиш режалаштирилмоқда.

2001 йилнинг иккинчи ярмида Фарғонада автомобиль ойналари ишлаб чиқарадиган “Ўзавтоойна” заводи ҳам ишга туширилиши лозим. Заводнинг лойиҳа қуввати йилига 200 мингта ойна ишлаб чиқаришга мўлжалланган, лойиҳанинг қиймати эса салкам 40 млн доллар. Автомобиль ойналари ишлаб чиқариш учун керакли технология асбоб-ускуналарини етказиб бериш ҳақида “Ўзавтосаноат” уюшмаси билан Италиянинг Technit SPA компанияси ўртасида шартнома тузилган.

Автомобиль двигателлари ишлаб чиқаришга оид лойиҳа тайёрланиш босқичида турибди, бу лойиҳа Жанубий Кореянинг “ДЭУ” компанияси билан биргаликда амалга оширилади. Лойиҳа 250 млн долларга баҳоланмоқда, корхонанинг лойиҳа қуввати эса йилига 260 минг двигателни ташкил этади.

Ҳозир ўзбек автомобилсозлари ишлаб чиқарилаётган машиналарнинг модел қаторини янгилаш устида ишламоқдалар. 2001 йилда автомобилларнинг янги моделлари: кам литражли “В” синфига мансуб “ДЭУ Матиз” (M100) автомобили сериясини ва ҳозир ишлаб чиқарилаётган “Нексия”нинг “С” синфи янгиланган нусхаси “Нексия—2” ни ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Келгусида бу машиналар “Тико”, “Нексия” моделларининг ўрнини олади. Daewoo Worthingнинг Англиядаги техника марказида “Нексия”нинг янгиланган модели ишлаб чиқилган. Янги моделлар қўп жиҳатдан замонавий хавфсизлик, қулайлик ва дизайн талабларига мос келади.

1996 йилдан бошлаб МДҲ мамлакатларида кенг савдо тармоғи вужудга келтирилмоқда ва ривожлантирилмоқда. Ҳозирги вақтда Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Белоруссия ва Латвияда ўзбек автомобилларини сотади-

ган 30 тага яқин корхона ишлаб турибди. Грузия, Озарбайжон, Белоруссия, Болтиқ бўйи республикаларида, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида, шунингдек, Сурия ва Хитойда ҳам ваколатхоналар ҳамда минтақавий корхоналар барпо этиш режалари ишлаб чиқилмоқда. 1999 йилда “ЎздЭУавто”нинг бир неча ўн млн АҚШ долларлик маҳсулоти экспорт қилинди. Шу билан бирга ўзбек автомобиллари экспортининг умумий ҳажмидан 95 фоизга яқини “Нексия” моделига тўғри келади.

1998 йилда Россияда “ЛогоВАЗ” компанияси билан биргаликда “Ўзавто” Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси таъсис этилди. Ҳозир Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган “ДЭУ” русумли автомобиллар Россияда хорижий русумли машиналар сотилиши ҳажми жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ҳар йили “ЎздЭУавто”да ишлаб чиқарилган ўрта ҳисобда 20 мингтадан кўпроқ автомобиль (бу — “ЎздЭУавто” акциядорлик жамияти автомобиллари жами экспортининг 90 фоиздан ортиғи) Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда. Экспертларнинг фикрича, яқин орада Россия автомобиль бозорининг йиллик эҳтиёжи 2 млн автомобилга етади. Айни вақтда Россия автомобиль саноатининг ишлаб чиқариш қувватлари 2000 йилда энг яхши ҳолатда ҳам йилига салкам 1 млн автомобилни ташкил қилади. Шундай қилиб, йилига 1 млн автомобиль импорт қилиш зарурлиги сабабли 20—30 минг ўзбек автомашиналари россиялик ишлаб чиқарувчиларга ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Ўзбекистондаги “Ўзавтосаноат” автомобилсозлик корхоналари уюшмаси билан Россия Федерацияси автомобиль дилерлари ўртасида ўзаро муносабатлар асослари тўғрисида 1999 йил 27 октябрда Тошкентда имзоланган қўшма Декларация ҳам шу хулосани тасдиқлайди. Бу ҳужжатда, жумладан, бундай деб таъкидланади: “Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ёш давлатнинг собитқадам иқтисодий сиёсати самараси бўлмиш замонавий автомобиль саноати вужудга келганлиги ҳақида гапириш мумкин. “ЎздЭУавто” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган ўзбек автомобиллари кейинги йиллар мобайнида Россияга четдан келтириляётган автомобиллар билан бевосита рақобатлашиб, пешқадам бўлиб олди. “Нексия”

Россия бозорида ҳатто Nissan Almera, Ford Escort, Renault 19 каби машҳур рақиблардан ҳам ўзиб кетди.

... Россиянинг автомобиль дилерлари ўзбек автомобилларини сотиш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, Россия Федерацияси ҳудудида “Ўзавтосаноат” уюшмасининг шубҳа ва қўшма корхоналари қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун қулай шароит яратишга кўмаклашиш мажбуриятини оладилар”.

Ҳужжатда яна бундай дейилади: “Ўзавтосаноат” уюшмаси ҳамкорларнинг узоқ муддатли шартномаларига асосланиб Россия бозорига юқори сифатли маҳсулотларнинг бир маромда етказиб берилишини таъминлаш, халқаро андозалар даражасида сервис хизматини уюштиришга кўмаклашиш мажбуриятини олади. Аниқ равшан лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида “Ўзавтосаноат” уюшмаси ўзининг маҳаллий корхоналари ва Россиянинг автомобиль дилерлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилинишини ҳар томонлама рағбатлантиради”.

Декларациянинг охириги бандида бундай деб таъкидланади: “Томонлар манфаатдор автомобиль дилерларига ва МДХ корхоналарига мурожаат этиб, Москва шаҳрида ўзбек автомобиллари дилерларининг хорижий Уюшмасини ташкил этиш мақсадида мазкур қўшма Декларацияга қўшилишни таклиф қиладилар”. Декларацияни Россиядаги 20 га яқин йирик автомобиль дилерлик компанияларининг вакиллари имзоладилар, улар орасида “ЛогоВАЗ”, “Автомир”, “ТрансТехСервис”, “Саратов-Лада” ва бошқа компанияларнинг вакиллари бор. Ўзбекистон томонидан Декларацияни “Ўзавтосаноат” уюшмаси бошқарувининг раиси К. Парпиев, “СамКочавто” қўшма корхонаси бошқарувининг раиси Ш. Шомансуров ва “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамияти бош директорининг ўринбосари А. Олимжонов имзоладилар.

“ЎзДЭУавто” акциядорлик жамияти корхонасининг маҳсулоти экспорт қилинишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг фармонида биноан шу автомобиль заводи учун қулай солиқ тартиби белгилади. Фармон Ўзбекистондан қайта экспорт тартибида олиб чиқиладиган ва “ЎзДЭУавто” заводида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуна, анжом, эҳтиёт қисмларни акциз солиғи тўлашдан озод қилади. Ўзбекистон норезидент-

ларига “ЎзДЭУавто” автомобилларини заводнинг улгуржи экспорт чиқариш баҳосида солиқ олинмай эркин муомаладаги валютага республика ташқарисига чиқариб сотишларига рухсат берилди. Бундан ташқари Ўзбекистон ҳукумати “ЎзДЭУавто” заводини МДХ мамлакатларига маҳсулот экспорт қилишда автомобиллар ишлаб чиқарила бошланган пайдан эътиборан 5 йилгача қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилган. Ўзбекистон ички бозорининг ўзида эса “ЎзДЭУавто” автомобилларига эҳтиёж катта. Мамлакатда бу машиналарга ҳар кунги эҳтиёж 300 донани ташкил қилади, бу эса мазкур машиналарни ишлаб чиқариш ҳажмидан ортиқдир. Мамлакат бозорида “ЎзДЭУавто” автомобилларининг нархи пастлиги талабнинг бунчалик катта бўлишига сабабдир. Айни вақтда завод маҳсулоти республика ташқарисида ички бозордагидан бир неча баробар қимматга сотилади, шу сабабли Ўзбекистоннинг ўзида ўзбек автомобиллари етишмаяпти.

1999 йилнинг декабрь ойида Халқаро сифатни стандартлаш ташкилоти (ISO) “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамиятига ISO 9001 сертификатини берди. Бунинг маъноси шуки, мазкур компания ҳозирги вақтда МДХ мамлакатларида енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчилар орасида халқаро сифат тизимини жорий этган биринчи ва бирдан-бир корхонадир.

1999 йил мобайнида Bureau Veritas Quality International аудиторлари томонидан “ЎзДЭУавто” акциядорлик жамиятидаги сифат тизими сертификат аудиторидан ўтказилди ва бу тизим ISO 9001 халқаро стандарти талабларига мос келиши тан олинди. Ўша йил декабрь ойида сертификат аудити натижалари туғрисидаги ҳисобот Лондондаги Bureau Veritas Quality International раҳбарияти томонидан тасдиқланди. Шундан кейин Андижон автомобиль заводига келган ISO комиссияси ҳам “ЎзДЭУавто” фаолиятини юқори баҳолади.

Халқаро сифатни стандартлаш ташкилоти 1946 йилда БМТнинг сифатни мувофиқлаштириш қўмитаси мажлисида тузилган эди. Ташкилотнинг мақсади халқаро товар айирбошлаш ва ўзаро ёрдамлаштишни осонлаштириш, шунингдек ақл-зиё, илм-фан, техника ва иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун жаҳон миқёси-

да стандартлашни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. ISO 9000 туркумидаги халқаро стандартлар санот ва иқтисодий секторларнинг кенг майдонида қўлланиладиган сифат тизимига стандартлар белгилашнинг умумий негизини яратиш учун мўлжалланган. Улар сифат тизимларига айнан қандай унсурлар қўшилиши лозимлигини белгилаб беради.

Ўзбекистонда “ЎзДЭУавто”дан аввал халқаро ISO стандарти талабларига мувофиқлик сертификатини фақат икки корхона: “Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамияти билан “Давлат Белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент қоғоз фабрикаси олган эди. Бу иккала корхонага ISO 9002 сертификати берилди. ISO 9002 стандартида ундан фойдаланувчиларга фақат ишлаб чиқариш, монтаж қилиш ва хизмат кўрсатишда сифатни таъминлаш моделини вужудга келтириш имконини берувчи қоида баён этилган, ISO 9001 стандарти эса юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари маҳсулотни лойиҳалаш ва ишлаб чиқишда сифатни таъминлаш тизимига нисбатан қўйиладиган талабларни ҳам белгилаб беради.

Ёш “ЎзДЭУавто” компанияси автомобиль дунёсида мустақкам мавқени эгаллаб олиши учун ўзида халқаро стандартлар талабларига мос келадиган сифат тизими борлиги ва самарали ишлаб турганлигини исботлаб бериши лозим эди. ISO 9001 мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги эса жаҳон тажрибасида худди шундай далил-исботдир. Сифат тизимини вужудга келтиришдан асосий мақсад илғор технология асосида ва юқори малакали ходимлар томонидан пухта, мустақкам, хавф-хатарсиз ва тежамли автомобиллар ишлаб чиқариш йули билан автомобиль харидорлари талабини қондириш вазифасини ҳал этишдан иборат эди.

“ЎзДЭУавто” сифат тизимини сертификат аудитидан ўтказишда муваффақиятга эришишни таъминлаган восита шундан иборат эдики, у “ДЭУ Паблик Моторс”нинг амалдаги сифат тизимига, шунингдек “Бюро Веритас Русь” консалтинг тажриба фирмасининг туғри танлаб олинишига таянган эди. Компания бу фирма билан 1999 йилдан то сертификат аудити ўтказилгунга қадар яқиндан ва самарали ҳамкорлик қилди. Сифат тизимини рекорд

даражада қисқа муддатларда ишлаб чиққан ва сертифицикатлашга тайёргарлик ишларини бажарган менежер, муҳандис ва ишчиларнинг тажрибаси ҳам қўл келди. Ҳозир “ЎзДЭУавто” да юқори малакали ходимлар ишлаб турибди, уларнинг 70 фоизидан зиёди чет элларда тажриба орттириб келган. “ЎзДЭУавто”нинг кўпгина ишчилари собиқ пахтакорлар бўлиб, улар Кореяга бориб таълим олишди ва янги ихтисосни эгаллашди. Энди Андижон заводида корейс мутахассислари деярли қолмади, ишлаб чиқариш жараёни билан ўзбек менежерлари шуғулланмоқдалар. Сифат сертификати Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг булажак харидорларида ишонч ҳосил қилади.

Ҳозир “ЎзДЭУавто” да ишлаб чиқарилган автомобиллар Россиядагина эмас, собиқ Иттифоқ республикаларида ҳам мутлақ пешқадамлик қилмоқда. Андижон автомобиллари йўл босиш сифатлари жиҳатидан собиқ шўро республикаларида ишлаб чиқарилган автомобиллардан қолишмайди, ишлатиш хавфсизлиги ва салонининг қулайлиги жиҳатидан эса ҳатто улардан устунлик қилади. Эндиликда “Нексия” автомобилларига электрон мосламали двигателлар ўрнатилмоқда. Маълумки, Ростов-Донда Кореянинг “ДЭУ” компанияси россиялик мутахассислар билан биргаликда энгил автомобилларни йигмоқда, бироқ Ўзбекистонда йиғилган машиналар пухтароқ ва тежамлироқ бўлиб чиқди: биринчидан, улар барча табиий иқлим шароитида чидамлироқ бўлса, иккинчидан 100 км йўлга 4,5 литр бензин сарфлайди, Ростовда йиғилган “ДЭУ” машиналари эса 5,5 литр бензин сарфлайди.

1999 йилнинг март ойи ўрталарида Самарқандда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Туркия Президенти Сулаймон Демирел иштирокида республикадаги иккинчи автомобиль заводи — “СамКочавто”нинг очилиш маросими бўлди, бу корхонада ўртача сифимдаги юмшоқ ва ихчам автобуслар ҳамда ўртача юк кўтарувчи юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур турк-ўзбек қўшма корхонасини 1996 йилда “Ўзавтосаноат” уюшмаси билан Туркиянинг Кос Holding компанияси биргаликда барпо этдилар. “СамКочавто” қўшма корхонасини ривожлантириш лойиҳасининг умумий қиймати салкам 70 млн долларни ташкил этади, шундан 21,7 млн доллари

Туркия ЭКСИМ банкининг кредитидир. Лойиҳага мувофиқ "СамКочавто" автомобилларнинг 30 тадан кўпроқ турини, шу жумладан шаҳар йуловчиларини ташийдиган ҳамда сайёҳларга хизмат қиладиган 23 ва 50 ўринли автобусларнинг тўрт турини ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Заводнинг лойиҳадаги қуввати йилига 3500 автобус ва 1400 юк автомобилни ташкил этади.

Завод фаолиятини бошлаганидан 2000 йилнинг март ойигача 356 та юк автомобили ва 223 та автобус ишлаб чиқарилди. Дастлабки 48 та автобус МДХ мамлакатларига экспорт қилинди. 2005 йилга келиб "СамКочавто" қўшма корхонасида 3050 та автобус ва 1850 та юк автомобиллари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда, уларнинг бир қисми чет элларга сотилади. Ҳозирда "СамКочавто"да 382 киши меҳнат қилмоқда, уларнинг 150 дан зиёди Туркиядаги "Коч" гуруҳи компанияларида тажриба ўрганиб келган.

1999 йилнинг октябрь ойида "СамКочавто" автомобилларини сотиш учун лизинг компанияси тузилди. "Ўзавтосаноат" уюшмаси, "СамКочавто" қўшма корхонаси, Ўзбекистон тижорат "Асака" банки ва Туркиядаги Кос Holding компаниясининг шуббаси бўлиши Кос Leasing уларнинг муассислари бўдилар. Компания ўзбек-турк автомобиль заводида ишлаб чиқарилган автомобилларни лизинг шартлари асосида ички ва ташқи бозорларда сотиш учун тузилди. Бунинг учун Ўзбекистонда ва ўзга мамлакатларда кенг миқёсли дилер шохобчаси барпо этилмоқда.

1998 йилнинг май ойида Халқаро автотранспорт ишлаб чиқарувчилари ташкилоти (ОІСА)нинг Париждаги қароргоҳида "Ўзавтосаноат" корхонаси расмий равишда бу ташкилотнинг 33-тула ҳуқуқли аъзоси сифатида қабул қилинди. Мўтабар Халқаро автомобиль ишлаб чиқарувчилари клубига Ўзбекистон корхонасининг қабул қилиниши республиканинг жаҳон автомобиль бозорида мустаҳкам ўрин олганидан дарак беради.

Ўзбекистон қишлоқ хужалик машиналари ишлаб чиқарувчи йирик мамлакат ҳамдир. Биринчидан, Ўзбекистон — собиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида пахта териш машиналари ишлаб чиқарувчи бирдан-бир мамлакатдир. Дунёда фақат икки давлат — АҚШ ва Ўзбекистон пахта

териш комбайнларини ишлаб чиқаради. Иккинчидан, Тошкент трактор заводи (ТТЗ)да тракторларнинг дунёдаги энг яхши русумларидан бири ишлаб чиқарилмоқда. Бу завод хорижий инвесторлар ёрдамида тула-тукис реконструкция қилинганлиги туфайли бунга эришилди.

1998 йилда Тошкент трактор заводи, “Ўзқишлоқмаш—холдинг” ва Американинг Case Corporation компанияси трактор ишлаб чиқарадиган “Ўзкейстрактор” ўзбек-америка қўшма корхонасини барпо этдилар. Унинг устав сармойиси 15 млн долларни ташкил қилади. Қўшма корхона акцияларининг 51 фоизи Америка компаниясига, 49 фоизи Ўзбекистон томонига, шу жумладан 40 фоизи “Ўзқишлоқмаш холдинг”га, 9 фоизи ТТЗга қарашлидир. Ҳозир ТТЗ цехларида Case фирмасидан келтирилган бутлаш деталларидан ер ҳайдаш ва пахтачилик тракторлари ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда ТТЗ негизда йилига 2000 тадан кўпроқ трактор ишлаб чиқарила бошланди. 2003 йилда “Ўзкейстрактор”нинг ишлаб чиқариш ҳажми йилига 8,3 мингта тракторни ташкил этади, деб тахмин қилинмоқда.

Case Corporation компанияси Ўзбекистонда ишлаётган йирик ва энг фаол хорижий инвесторлардан биридир. Ҳозир республикада шу компания иштирокида учта қўшма корхона: “Тошқишлоқмаш” акциядорлик жамияти негизда қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарадиган “Ўзкейсмаш” қўшма корхонаси, Case техникасига сервис хизмати кўрсатувчи “Ўзкейссервис” қўшма корхонаси ва қишлоқ хўжалик техникасини сотиш билан шуғулланувчи “Ўзкейсагролизинг” қўшма корхонаси ишлаб турибди.

1999 йилда “Ўзкейстрактор” қўшма корхонаси учун узел ва деталларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни ўзлаштириш дастурини амалга оширишга киришилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ тракторларнинг трансмиссиялари тула-тукис ТТЗ базасида тайёрланмоқда. 2002 йилга бориб бутловчи узел ва деталларнинг 60 фоизини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда “Ўз-Камминз Мотор” қўшма корхонасида дизель двигателлари ишлаб чиқаришни, шунингдек бошқа бир қанча бутлаш узел ва деталларини республиканинг ўзида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш масалалари

кўриб чиқилмоқда. Ҳозирча ТТЗ деталлари учун двигателларни Америкадаги “Камминз” фирмаси етказиб бермоқда.

Тошкент трактор заводи МДХ мамлакатларининг қишлоқ хўжалик техникасига бўлган талабларини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозир собиқ Иттифоқдаги барча республикалардан, ҳатто Болтиқ бўйи республикаларидан ТТЗ маҳсулоти учун кўпгина буюртмалар тушмоқда. Экспертларнинг тахминича, яқин йилларда ТТЗ МДХ мамлакатларига тракторлар етказиб берадиган асосий корхоналардан бири бўлиб қолиши мумкин.

“Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси” давлат акциядорлик жамиятининг лойиҳалари ҳам экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган. Тошкентда энг йирик авиация заводларидан бири жойлашган бўлиб, у МДХда “Ил-76” русумли транспорт самолётларини ишлаб чиқарувчи бирдан-бир корхонадир. Ҳозир бу ерда ўртача масофага учадиган “ИЛ-114—100” русумли Ўзбекистон-Россия йўловчи ташувчи самолётнинг янги нусхасини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрилмоқда. Канадада ишлаб чиқарилган “Пратт энд Уитни” двигатели ва Америкадаги “Гамильтон стандарт” фирмасининг ҳаво винтлари билан жиҳозланган бу машина мамлакатнинг ички авиация йўлларида эскириб қолган “Як-40” ва “Ан-24” самолётларининг ўрнини босади, бу эса мазкур самолётларни чет элдан харид қилишдан воз кечиш, шунингдек Ўзбекистон аҳолиси ва хорижий сайёҳлар учун хизмат кўрсатиш савиясини ошириш имконини беради. Ҳозирги вақтда Тошкент авиация заводида француз двигателлари ўрнатилган “ИЛ—76МФ” самолётини ишлаб чиқариш ва сертификатлаш ишлари олиб борилмоқда.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига 1941 йилда Москва яқинидаги Химки шаҳридан кўчирилган корхона негизида асос солинган эди. 1943 йилда бу ерда самолётлар ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирги вақтда завод собиқ Иттифоқдагина эмас, бутун Осиёда энг йирик самолётсозлик корхонасидир. Турли йилларда завод Ильюшин ва Антонов конструкторлик бюроларида ишлаб чиқилган самолётларнинг бир қанча турларини ишлаб чиқарди. 1973 йилдан бери завод “ИЛ-

76” самолётининг ҳар хил турларини ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқариш ўзлаштирилганига анча вақт бўлишига қарамай, чет элларда ҳали ҳам шу синфдаги самолётларнинг бунга тенг келадигани йўқ. 1996 йил май ойида Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик бирлашмасига айлантирилди. Корхона акцияларининг 51 фоизи Ўзбекистон давлат мулкани бошқариш қўмитасига, 15 фоизи меҳнат жамоасига, 10 фоизи республика Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли, акцияларнинг 14 фоизи кимошди савдолари орқали хусусий инвесторларга сотилди. Ҳозирги вақтда завод кенг фюзелажли ИЛ-76 юк ташувчи самолётларнинг ҳар хил турларини (ТД, МД, МФ, ТФ, ИЛ-78 ва бошқа турларини), маҳаллий ва ўртача линиялар учун ИЛ-114 самолётини ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда.

ИЛ-114 йўловчи ташувчи самолёти 64 йўловчини 1000 км гача бўлган масофага элтиб қўйишга мўлжалланган. Унинг аэродинамик сифатлари юқори бўлиб, ёқилгини камроқ сарфлаши маънавий жиҳатдан эскирган АН-24 ва ЯК-40 самолётларига нисбатан ишлатиш учун тежамли эканидан далолат беради. ИЛ-114 самолёти Антонов номидаги конструкторлик бюроси ишлаб чиққан АН-140 самолётига нисбатан анчагина устунликларга эга.

Бундан ташқари 7 тоннагача юк ташийдиган, шу жумладан контейнерларга жойланган ва тагликларга қўйилган юкларни ташишга мўлжалланган ИЛ-114Т самолёти транспорт нусхаси ҳам яратилди. ИЛ-114-100 нинг янгиланган нусхасида “Пратт энд Уитни” двигатели ўрнатилган бўлиб, у ғарбдаги етакчи фирмаларнинг шунга ўхшаш самолётлари билан бемалол рақобатлаша олади. Бу самолёт Франциянинг Ле Бурже шаҳридаги Халқаро авиа космик салонда кўрсатилганда кўпчиликка манзур бўлди. Ҳозирги вақтда Сингапурдаги авиация саломида намойиш қилинмоқда.

ИЛ-76—МФ транспорт самолёти базавий моделнинг мутлақо янгиланган бир тури бўлиб, унга янги двигателлар ўрнатилган ва фюзелажи узайтирилган. ИЛ-76—МФ ўзининг кўпгина кўрсаткичлари — учишдаги тортиш кучи, фойдали юк ортилиши, парвоз оғирлиги, олисга учиши ва тезлиги жиҳатидан базавий ИЛ-76—МД ва АН-70 самолётларидан анча устунлик қилади.

Бундан ташқари иккинчи палубасиз ИЛ-76—МФ самолёти 217 кишини ва икки палубали нусхасида 305 кишини таший олади. Яқинда Москва вилоятидаги Жуковский шаҳрида ИЛ-76—МФ самолётининг сертификатлаш учун синовлари тугалланди ва учишга яроқлилиги ҳақидаги сертификат расмийлаштирилди. Россия Федерациясининг ҳарбий транспорт авиацияси салоҳиятини сақлаб қолиш учун ИЛ-76—МФ самолётидан фойдаланиш ИЛ-76—МД самолётига нисбатан машиналарга бўлган эҳтиёжни 30 фоизга қисқартириш ва экипажлар сонини камайтириш, шунингдек ишлатиш харажатларини 40 фоиздан зиёд озайтириш имконини беради. Бу самолёт Париж, Москва, Лондон, Гонконг ва Берлиндаги Халқаро авиация салонларида муваффақиятли намойиш қилинди ва мутахассисларнинг юқори баҳосини олди.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси катта сармоёга — кучма мулкка, қимматли қоғозларга, юқори малакали мутахассисларга эга эканлиги туфайли у фонд биржаларида, гаров суғурта фаолиятида ва замонавий бозор иқтисодиёти шароитидаги бошқа фаолият шаклларида самарали ишлашга муваффақ бўлмоқда. 1997 йилда самолётларни сотиш учун “Ўзавиализинг” акциядорлик лизинг компанияси, 1998 йилда нометалл қувурлар ишлаб чиқарадиган “Хобас-ТАПО” қўшма корхонаси тузилди, шунингдек Москвада “Ўзбекистон авиация савдо уйи” шуъба корхонаси мавжуд.

“Ўзавиализинг” акциядорлик жамиятининг хорижий муассислари орасида Россиянинг Красноярск шаҳридан “Сибавиатранс” авиация компанияси (акцияларнинг 4,08 фоизи) ва Екатеринбургдаги “Уралэкоресурс” акциядорлик жамияти (акцияларнинг 2,06 фоизи) бор.

Чкалов номидаги Тошкент авиация заводида ишлаб чиқарилган ИЛ-76 ва ИЛ-114 самолётларини молиявий лизинг асосида, нархининг 30-45 фоизини олдиндан тўлаш шarti билан сотиш туфайли ўзбек самолётсозлари маҳсулотларини сотишни анча кўпайтиришга эришилди.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистонда фуқаро авиация тармоқлари ҳар томонлама ислоҳ қилинди, натижада халқаро авиацияда юк ташиш бозорида ва дунёнинг кўпгина мамлакатларида тан олинган тўла мустақил авиация компанияси барпо этилди. Ҳозирги вақтда “Ўзбекистон ҳаво

йўллари” миллий авиация компанияси юк ташиш ҳажми жиҳатидан МДХ мамлакатлари ичида Россиянинг “Аэро-флоти”дан кейин иккинчи ўринда турибди.

Республика тарихида биринчи “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиация компанияси (МАК) 1992 йил 26 январда тузилди. Ҳозир Ўзбекистон ҳаво кемалари 60 та маршрут бўйлаб дунёнинг 23 мамлакатига ва Россиянинг 28 шаҳрига мунтазам қатнаб турибди. МАК республика ичкарасида 16 та маршрут бўйлаб парвоз қилмоқда. Мустақиллик йиллари мобайнида МАК хорижий мамлакатларнинг 20 тадан кўпроқ шаҳри билан бевосита ҳаво қатновини йўлга қўйди. Улар орасида Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт-Майн, Париж, Амстердам, Афина, Истанбул, Карочи, Тель-Авив, Бангкок, Сеул, Деҳли, Пекин, Баҳрайн, Рим ва бошқа шаҳарлар бор. Ўзбекистон авиация компаниясини ислоҳ қилиш стратегиясининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, Республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши ва тармоқ устидан назоратнинг сақланиб қолиниши аввал бошдан оқ МАКни ривожлантиришга узоқ муддатли ёндошувни таъминлаш, хавфсизликнинг зарур даражасини сақлаб қолиш ва келгусида унинг даражасини ошириш, моддий техникавий базани модернизациялаш ва янгилашнинг тармоқ дастурини қабул қилиш имкони-ни берди.

Иккинчидан, кенг миқёсда хорижий инвестициялар жалб этилиб, улар халқаро андозаларга мос келадиган хизматлар кўрсатиш мақсадида моддий техникавий мулкни модернизациялаш ва янгилашга, шунингдек замонавий ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга сарфланди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАКда амалга оширилган инвестициялар комплекслиги, яъни республика фуқаро авиацияси кўрсатаётган хизматларнинг бутун мажмуасини қамраб олиши билан ажралиб туради. Шу йиллар мобайнида тармоққа ҳаммаси бўлиб 1 млрд АҚШ долларидан кўпроқ инвестиция солинди. Ҳозирги вақтда Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини реконструкциялаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда, халқаро “Тошкент” аэропортининг терминали реконструкция қилинмоқда. МАК флоти замонавий ҳаво кемалари билан алмаштирилмоқда. Кейинги йилларда авиация ком-

панияси бир неча янги йўловчи ташувчи лайнерларни, шу жумладан учта А-310 аэробусини, бешта “Боинг” самолётини, учта британ-француз RJ-85 самолётини, ИЛ-62М, ИЛ-86 ва бошқа лайнерларни харид қилди. Авиа­ция компанияси замонавий машиналардан фойдаланишга, янги авлодга мансуб ҳаво кемаларига техникавий хизмат қилишга ўтганлиги, учувчилар ва техник ходимлар тай­ёрлашда янги концепциялар қабул этилганлигини бил­диради, бу ҳол ҳозирги босқичда “Ўзбекистон ҳаво йўлла­ри” МАКга МДХ мамлакатларида Ғарб самолётларини ўзлаштиришда пешқадамлардан бири деб ҳисобланиш, чет эл маршрутлари бўйлаб учиш ҳуқуқини беради. Авиа­ция компанияси йўловчилар учун қулайлик ва хавфсизлик­нинг халқаро даражасини таъминлаб келмоқда.

Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга хизмат кўрса­тишда Тошкентдаги 243ГА авиация таъмирлаш заводида юксак технологик Марказ барпо этилган, ҳозирча МДХ мамлакатлари ҳудудида бу заводга тенг келадигани йўқ. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиация компанияси ғарб нусхасидаги самолётларга техникавий хизмат кўрсатиш учун халқаро сертификат олди. Сифат сертификати Ўзбе­кистонга Европада ишлаб чиқарилган А-310 ва RJ-85, Америкада ишлаб чиқарилган “Боинг-757” ва 767 само­лётларига техникавий хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаш ҳуқуқини беради.

Марказни барпо этишда Германиянинг Lufthansa авиа­ция компанияси техникавий кўмак бериб, лойиҳага 27 млн доллар инвестиция солди. Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш Маркази барпо этилганлиги Ўзбекистон авиация компаниясига ҳар йили 500 минг долларни тежаш имконини берди. Бундан таш­қари Марказнинг иши ҳар йили МАКга ғарбда ишлаб чиқарилган ва МДХ мамлакатлари авиация паркида бўлган самолётларни таъмирлаш эвазига бир неча млн доллар миқ­дориди даромад келтирмоқда.

МАК яқин беш йил ичида ғарб нусхаларидаги само­лётларга техникавий хизмат кўрсатиш Марказини ривож­лантиришга яна 18,8 млн доллар миқдориди хорижий кредит жалб қилишни режалаштирмоқда. Германиядаги КФВ банки ҳозирнинг ўзида бу кредитларнинг бир қис­мини етказиб берди. Марказни ривожлантириш лойиҳа-

ларининг амалга оширилиши Ўзбекистонга миллий авиация компанияси самолётларигагина эмас, айти вақтда МДХ мамлакатларидаги, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги бошқа буюртмачиларга ҳам техникавий хизмат кўрсатиш имконини беради.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиация компанияси ИКАОга аъзо бўлган ва Тошкент аэропортидан ташқари яна 12 та маҳаллий минтақавий аэропортга эгадир, улардан учтаси халқаро классдаги самолётларни қабул қилишга мосланган. Ўзбекистон раҳбарияти МДХнинг кўпгина республикаларида бўлганидек, мамлакат авиация компаниясини хусусийлаштириш ва парчалаб юбориш йўлидан бормади, шу туфайли у йўловчиларнинг хавфсизлигини энг юксак даражада таъминлашга муваффақ бўлмоқда. Россиянинг тажрибаси шуни кўрсатдики, аэрофлотни майда авиация компанияларига бўлиб юбориш йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш даражасини жуда пасайтириб юборади ва кўпдан-кўп авиация ҳалокатларига олиб боради. Россияда содир бўлган авиация ҳалокатларининг 90 фоиздан кўпроғи айти майда авиация компаниялари улушига тўғри келади. Гап шундаки, кўпинча кичик авиация компаниялари ўз самолётларининг юксак техникавий даражасини сақлаб қолиш учун етарли маблағга эга бўлмайдилар. Уларнинг кўплари ўзларининг эскирган машиналарини неча йиллар давомида капитал таъмирлашга қодир бўлмай, ўзларининг авиация паркини замонавий самолётлар билан таъминлаш имкониятидан маҳрумдирлар. Шу сабабли авиация компанияси қанча йирик бўлса ва молиявий жиҳатдан қанча бақувват бўлса, йўловчиларнинг хавфсизлиги шу қадар юқори бўлади.

АҚШ ҳукумати ҳам, Американинг етакчи компаниялари ҳам Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. 1996 йил май ойида Вашингтон билан Тошкент ўртасида конверсия лойиҳалари соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий қоидалари тўғрисида икки томонлама ҳукуматлараро Меморандум имзоланди. Бу ҳужжат иккала мамлакатнинг ишбилармон доиралари учун кенг молиявий ва ишлаб чиқариш имкониятларини очди. Бундан ташқари, Америка-Ўзбекистон палатаси тузилди.

1999 йилда Америкадаги Motorola телекоммуникация фирмаси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очди. Фирманинг Марказий ва Шарқий Европа бўйича вице-президенти Жон Палленинг сўзларига қараганда, “Ўзбекистон алоқа ҳаракат воситалари учун Марказий Осиёда энг катта бозор бўлиб қолиши мумкин, шу сабабли Motorola шу бозорни ривожлантириш учун куч-ғайрат сарфлайверади”.

Ҳозир Тошкентда “УМТ-Радио” ўзбек-турк қўшма корхонаси ишлаб турибди, у Motorola радиостанцияларини йиғишга ихтисослашмоқда. Бу корхона МДХ ҳудудида шу турдаги биринчи корхонадир. Ўзбекистонда йиғилган шу русумдаги дастлабки радиостанциялар 1999 йилнинг октябрь ойидаёқ сотувга чиқарилди. “УМТ-Радио” маҳсулотининг 50 фоизга яқинини ички бозорга чиқара олади, иккинчи қисмини эса чет элларга — асосан Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Motorola мутахассисларининг тахминларига кўра, Марказий Осиё бозори яқин беш йил ичида 200—300 мингта радиостанция талаб қилиши мумкин. Унинг 40-50 фоизи Ўзбекистон улушига тўғри келади.

“Коском” ўзбек-америка қўшма корхонаси Ўзбекистонда GSM-900 андозасидаги уяли алоқа тармоғини ривожлантиришга салкам 100 млн доллар сарфлади. 1997 йил апрелида Самарқандда фаолият бошлаган “Коском” қўшма корхонаси ҳозир республикада GSM стандартидаги энг кенг алоқа тармоғига эга бўлиб қолди. Қўшма корхона Тошкентда, вилоят марказларида ва республиканинг уларга туташ ҳудудларида базавий алоқа станцияларини ишга туширди. Американинг MCTR компанияси (51 %), “Ўзбеккосмос” агентлиги (35 %) ва “Давр конверция” ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти (14 %) томонидан таъсис этилган “Коском” қўшма корхонаси Ўзбекистонда GSM андозасидаги уяли алоқа хизматларини кўрсатишга лицензия олган 4 оператордан биридир.

Америкадаги Intel компаниясининг вице-президенти Роберт Эккельман 1999 йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказилган семинарда сўзлаган нутқида ярим ўтказгичлар ва тармоқ асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи йирик компаниялардан бири бўлмиш Intel яқин вақт ичида Марказий Осиёдаги, аввало Ўзбекистондаги Интернет-техно-

логиялар бозоридаги иштирокини кенгайтирмоқчи эканини билдирди. Унинг сўзларига қараганда, “Интернет талабларига жавоб берадиган шахсий компанияларнинг Марказий Осиёдаги бозори, расмий маълумотларга кўра, йилига 100 мингга компьютер талаб қилади”. Эккельман жанобларининг фикрича, ҳозирги вақтда Марказий Осиёда Intel Pentium III процессорлари негизидаги шахсий компьютерларнинг улуши салкам 30 фоизни ташкил қилади. “Биз минтақада Intel ечимлари негизидаги юсак технологиялар бозорининг улуши, МДХнинг бошқа мамлакатларида кузатилаётганидек, яқин вақтда кескин кўпайиб, 50—70 фоизга етишига умид қиламиз”, деди Р.Эккельман. Унинг айтишича, Марказий Осиёга, жумладан Ўзбекистонга маълумотлар узатиш тармоғи кенгайиб бораётганлиги шуни тақозо этмоқда.

1999 йилнинг бошларида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси маълумот узатиш Миллий тармоғини вужудга келтириш ҳақида қарор қабул қилди. Шу тармоқ орқали маҳаллий фойдаланувчилар республика ва халқаро компьютер тармоқлари, шу жумладан интернетдан марказлашган ҳолда баҳраманд бўладилар. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги таркибига кирувчи UzPAK миллий оператор этиб белгиланди. Уша йилнинг апрель ойида республика ҳукумати 1999—2003 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси маълумот узатиш Миллий тармоғини модернизациялаш ва ривожлантириш Дастурини тасдиқлади. Шу дастурнинг амалга оширилиши 4 йил мобайнида маълумот узатиш хизматлари ҳажмини 20 баравар оширишни, фойдаланувчилар сонини 11,8 баравар кўпайтиришни таъминлаш имконини берали.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда саккизта провайдерлар маълумот узатиш билан шуғулланмоқда. Уларнинг учтаси “Ист Линк компани Лтд.” ўзбек-араб қўшма корхонаси, “Найтов” очик турдаги жамияти ва UzPAK корхонаси халқаро канални ташкил этиш учун ўзининг йўлдошли станцияларига эга бўлса, қолганлари уларнинг каналларини ижарага олади. Ўзбекистонда маълумот узатиш тармоғига қўшилган фойдаланувчиларнинг умумий сони 3000 кишидан ошади.

“Моторола”, “Сименс”, “Алкатель” каби етакчи хорижий компаниялар иштирокида республиканинг теле-

коммуникация тармоқлари реконструкция қилинди, замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари яратилмоқда.

Республика Американинг Савдо ва тараққиёт агентлиги билан ҳамда Хориждаги хусусий инвестициялар корпорацияси (ОПИК) билан ғоят самарали ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, ОПИК Ўзбекистон билан табиий газ захираларидан фойдаланишга оид Америка-Ўзбекистон лойиҳасини қўллаб-қувватлаш учун 400 млн доллар ажратишни кўзда тутувчи протоколни имзолади. Бундан ташқари ОПИК ёрдамида Американинг “Тексако” компанияси Ўзбекистон ҳудудида бутун Марказий Осиё минтақасининг мойлаш материалларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ўз корхонасини барпо этди.

Жанубий Кореядаги Daewoo корпорациясининг шуъба компанияси бўлган ва 100 фоиз хорижий сармояли Daewoo Central Paging Co компанияси Ўзбекистонда GSM-900 андозасидаги уяли алоқани ривожлантиришга 38 млн доллар сарфлади. Daewoo Unitel тармоғининг жами сифими салкам 40 минг номерни ташкил қилади. Компания 35 мингдан кўпроқ абонентга хизмат қилади. Инвестиция дастурига биноан, 2003 йилга қадар Daewoo Central Paging нинг олган бутун фойдаси Ўзбекистонда уяли тармоқни ривожлантиришга сарфланади. Коммутация ва базавий станциялар учун асбоб-ускуналарни Швециянинг Ericsson компанияси етказиб беради.

Республикада Япониянинг “Мицубиси”, “Мицуи”, “Марубени”, “Сумитомо” ва бошқа фирмалари фаол ишламоқда. Қуёшчиқар мамлакатнинг инвесторлари асосан Ўзбекистоннинг нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш лойиҳаларида иштирок этдилар. 1995 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодига жалб этилган япон кредитлари ва инвестициялари жами 800 млн доллардан ошиб кетди. Жумладан, 1996 йилда Япония Эксимбанки Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш учун республикага 85,519 млн доллар кредит ажратди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш лойиҳасига ҳаммаси бўлиб 200 млн доллар маблағ талаб қилинади, бу ишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳам қатнашади. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини реконструкция қилиш ишини Япония-

нинг Mitsui компанияси амалга оширди. Шу лойиҳа доирасида, жумладан таркибида олтингугурт миқдори кўп бўлган нефтни тозалаш учун янги асбоб-ускуналар ўрнатилди ва ишлаб чиқаришнинг экология жиҳатидан хавфсизлигини яхшилаш ишлари мажмуаси бажарилди. Умуман Ўзбекистоннинг ёқилги энергетикасига жалб этилган имтиёзли япон кредитларининг ҳажми салкам 300 млн долларни ташкил қилади. Токио шаҳри Тошкентга 70 млн доллар миқдорида беғараз ва гуманитар ёрдам кўрсатди.

1999 йилнинг декабрь ойида Япония ҳукумати Ўзбекистондаги учта аэропортни реконструкция қилишнинг иккинчи босқичини амалга оширишга 2,871 млрд иена (25,3 млн доллар) ҳажмида кредит ажратди. Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини реконструкция қилиш давомида аэропортларнинг кўмакчи тузилмалари, учиш, қўниш йўлчалари ва асбоб-ускуналари янгиланиб, такомиллаштирилади.

1996 йилда Япониянинг хорижий иқтисодий ҳамкорлик фонди (ОЕСФ) Ўзбекистонга юқорида тилга олинган учта аэропортни реконструкция қилиш учун 15,526 млрд иена (137 млн доллар) ҳажмида имтиёзли кредит ажратди. Бу маблағнинг салкам 50 фоизи Япониянинг Mitsubishi, Mitsui ва Shemizu компаниялари томонидан ўзлаштирилди, улар 1998 йилнинг ўрталарига келиб, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларининг учиш-қўниш йўлчаларини, асбоб ёрдамида қўндириш тизимларини ва ёруғлик техника иншоотларини модернизация қилиб бўлдилар.

1998 йилнинг ноябрь ойида аэропортларни реконструкция қилишнинг иккинчи босқичини амалга оширишга Британиянинг Laing, Туркиянинг Alarco ва Япониянинг Magubeni фирмаларидан иборат таркибдаги халқаро консорциум киришди. Иккинчи босқич йўловчи терминалини реконструкция қилишни, самолётлар ҳаракатини бошқариш тизими биноларини қуриш ва жиҳозлаш, учала аэропорт айланма йўлчалари ва перронларини асфальт-бетон билан қоплаш ишларини ўз ичига олади. Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортлари 2000 йилнинг иккинчи ярмида тўла-тўқис реконструкция қилиб бўлинди. Шу лойиҳа амалга оширилиши туфайли, Ўзбекистондаги халқаро аэропортлар сони тўрттага етди, энди улар Boeing классидagi баҳайбат самолётларни қабул қила

оладиган бўлди. Шу пайтгача фақат Тошкент аэропорти халқаро мақомга эга эди. Бундан ташқари 1996 йилдан бошлаб мамлакат телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга ва темир йўлларни реконструкция қилишга 100 млн доллардан кўпроқ япон кредити жалб этилди.

1997 йилнинг июлида Қашқадарё вилоятидаги Кўкдумалоқ нефть-газ конденсати конида Ўзбекистондаги энг катта газ компрессор станцияси ишга туширилди. Кўкдумалоқдаги тўртта компрессор ва нефть кони асбоб-ускуналарини Kellogg—Nissho Iwai Америка-Япония консорциуми ўрнатди ва монтаж қилди. Газ компрессор станциясининг ишга туширилиши ва замонавий нефть кони асбоб-ускуналарининг ўрнатилиши Кўкдумалоқ конида нефть қазиб олишни икки баробардан зиёд кўпайтириш имконини берди. Газ конденсатини ажратиб олиш 24,5 фоиздан 70 фоизга, конни ишлатиш муддати бир неча ўн йилга етказилди.

Кўкдумалоқда газ компрессор станциясини қуриш ва нефть кони асбоб-ускуналарини ўрнатиш ҳақидаги шартнома “Ўзбекнефтгаз” корпорацияси билан Kellogg—Nissho Iwai Америка-Япония консорциуми ўртасида 1995 йилнинг январь ойида имзоланган эди. Лойиҳани АҚШ ва Япония Эксимбанклари пул билан таъминлади. Шартноманинг умумий қиймати 200 млн долларни ташкил қилди, шундан 142 млн доллари хорижий инвесторларнинг маблағидир. Бу лойиҳа МДҲда биринчи марта АҚШ ва Япония экспорт-импорт банклари томонидан ўртача муддатли маблағ билан таъминланди.

1997 йилнинг август ойида Бухоро вилоятининг Қоровулбозор қўرғонида йирик нефтни қайта ишлаш заводи ишга туширилди. Уни Technip (Франция) — Magubeni (Япония) — JVC (Япония) компанияларидан иборат консорциум биргаликда қуриб берди. Корхонанинг лойиҳа қуввати йилига 5 млн тонна нефть ва газ конденсатини ташкил қилади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳар йили 2,5 млн тонна конденсатни қайта ишлаб, бир неча юз минг тонна бензин, дизель ёқилғиси олади. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши умуман 497 млн долларга тушди. 235 млн доллар ҳажмидаги қурилиш ишлари тўлатқис Ўзбекистон томонидан пул билан таъминланди. Тошкент 262 млн доллар ҳажмидаги лойиҳанинг технология

қисмини ҳам қисман (40 фоиз) молиялаштирди. Бу лойиҳани амалга оширишга сарфланган маблағнинг қолган қисми — Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банкининг кредитлари, шунингдек Франция, АҚШ ва Япония банкларининг кредитларидир.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи Кукдумалоқ нефть-газ конденсати қонида қазиб олинган хом ашё асосида ишлайди. Мазкур завод билан Кукдумалоқ қони 1995 йилнинг охирида қурилган ҳамда бир неча юз минг тонна конденсат ўтказиш қувватига эга бўлган 94 км узунликдаги қувур билан боғланган. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши Ўзбекистондаги энг йирик нефть лойиҳаларидан биридир. Бу заводнинг ишга туширилиши мамлакатга жаҳон нефть-газ бозорига чиқиш имконини берди. Завод ишга туширилганидан сўнг республика ўзини нефть маҳсулотлари билан тўла-тўқис қондирибгина қолмай, уларни экспорт қилишга ҳам киришди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида юқори октанли (102-маркали) бензин, авиация керосини, дизель ёқилғиси, олтингугурт ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Корхона маҳсулотининг ҳаммаси халқаро андозаларга мувофиқ келади.

Япониянинг “Мицуи” фирмаси ёрдамида Марказий Осиёдаги энг йирик Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи реконструкция қилинди.

Америкадаги “Энрон Ойл энд Гэз Интернешнл” компанияси билан биргаликда табиий газни қидириб топиш, қазиб олиш ва экспорт қилиш билан шуғулланувчи корхонани қуриш юзасидан йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳада Бухоро вилоятида Кандим гуруҳидаги газ қонларини ишга тушириш ва айни вақтда Сурхондарё вилоятидаги Гаждан қони захираларини аниқлаб ўрганиш, кўзда тутилган. Биринчи босқичда газни қазиб олиш учун иккала томондан 300 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция солинади. 20 йил мобайнида лойиҳага ҳаммаси бўлиб 1,3 млрд доллар сарфланиши лозим. Қўшма корхонанинг пировард мақсади йилига 0,5 — 1 трл куб метр миқдоридаги газ қони захираларини аниқлаш ва уни қазиб олишдан иборат.

Ўзбекистоннинг нефть-газ мажмуасига солинган инвестициялар 2000 йилга келиб 1 млрд долларга етди. Ин-

весторлар орасида Япониянинг Ex-Im Bank банки биринчи ўринни эгаллайди, АҚШ банклари ва Германиянинг Kommerzbank банки шундан кейинги ўринларда туради. Бундан ташқари Қашқадарё вилоятининг жанубида ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқболли конлар бор. Бироқ мамлакатнинг экспорт имкониятлари чекланганлиги сабабли табиий газ қазиб олишни кўпайтирмай турибди. Ўзбекистон газ қазиб олиш жиҳатидан МДХда иккинчи ўринни эгаллайди ва ҳар йили бир неча млрд куб метрдан кўпроқ газни экспорт қилиши мумкин. Республика бензин, дизель ёқилғиси ва мотор мойларини ҳам экспорт қилмоқда. Ўзбек нефть маҳсулотлари ва газини асосан Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Жанубий Кавказ республикалари, Россия ва Украина сотиб олмақда. Ўзбекистон табиий газни Россия орқали Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилишни режалаштирмоқда.

2000 йил март ойи охирларида Тошкентда Россия “Газпром”и акциядорлик жамиятлари бирлашмаси ва “Итера” миллатлараро компаниялар гуруҳи делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Давлат нефть-газ корпорацияси — “Ўзмунайгаз” билан музокаралари бўлди. Россия делегациясига “Газпром” акциядорлик жамиятлари бирлашмаси бошқаруви раисининг ўринбосари Петр Родионов ва “Итера” компаниялари гуруҳининг президенти Игорь Макаров бошчилик қилдилар. Ўзбекистон томонидан учрашувда “Ўзмунайгаз” корпорациясининг президенти Рашид Аҳмедов қатнашди. Музокаралар чоғида ўзбек газини Россияга етказиб бериш масаласи муҳокама қилинди. “Газпром” акциядорлик жамияти корхоналари ва шунингдек муниципал истеъмолчиларни таъминлаш учун 2000 йилда 50 млрд куб метр газга қўшимча равишда эҳтиёж сезганлиги “зангори ёқилғи” харид қилиш масаласини тезроқ ҳал этишни талаб қилар эди.

Петр Родионовнинг айтишича, “Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбидаги Укмалак конидан етказиб бериладиган газ илгари Туркменистондан Россияга юбориб турилган тегишли ҳажмдаги газнинг ўрнини боса олади”. Ҳозирги Туркменистон минг куб метр газ учун 42 доллар талаб қилаётганлиги Россияга мақбул эмас, деди Родионов.

Ҳозирги вақтда Укмалак конидан қазиб олинаётган газ захиралари катта миқдорни ташкил қилади. Ҳозир ишлаб турган ва Қозоғистон ҳудудидан ўтадиган Бухоро — Атирау — Бузулук қувури газ ташишнинг эҳтимол тутилган вариантларидан бири деб ҳисобланмоқда. Газ қувурининг газ ўтказиш имкониятларини йилига 50 млрд куб метргача етказиш учун зарур бўлган инвестициялар ҳажми 75—80 млн доллар бўлиши тахмин қилинмоқда.

“Итера” президенти Игорь Макаров эса, табиий газ харид қилиш туғрисида “Ўзмунайгаз” корпорацияси билан эришилган дастлабки аҳдлашув Ўзбекистоннинг МДХ мамлакатлари энергетика тизимига тезроқ қўшилишига, келгусида эса ўзбек газини Фарбий Европа бозорларига етказиб бериш учун “Газпром” акциядорлик жамиятлари бирлашмасининг магистрал қувурлари тизимидан фойдаланишга ўтишига ёрдам беради, деб ҳисоблайди.

“Газпром” акциядорлик жамиятлари бирлашмаси раҳбари Рэм Вяхирев 2000 йилнинг 19 майида Тошкентда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи вақтида Ўзбекистон томони билан битим имзолади. Шу битимга мувофиқ Россия ҳар йили Ўзбекистондан 5 млрд куб метр табиий газ харид қилади. Вяхиревнинг айтишича, битим камида 5 йил муддатга мўлжалланган.

Ўзбекистонда нефть ва газ соҳасида жуда катта имкониятлар бор, хорижий инвесторлар, аввало америкалик ва япониялик инвесторлар билан муваффақиятли ҳамкорлик табиий бойликлардан тўлароқ фойдаланиш имконини беради. Америкалик ва япониялик экспертларнинг тахминларига кўра, мамлакат ҳудудининг 60 фоизга яқини нефть ва газ қазиб олиш нуктаи назаридан истиқболлидир, уларнинг захиралари 1 трлн доллардан ортиқ баҳоланмоқда. Бу захиралар республиканинг ўз эҳтиёжларини таъминлабгина қолмай, энергия манбаларини чет элларга сотиш имконини ҳам беради. Ҳозир Ўзбекистонда йилига 8,1 млн тоннадан кўпроқ нефть ва газ конденсати қазиб олинмоқда, аммо бу — чегара эмас, экспорт учун қулай шароит вужудга келтирилса, нефть қазиб олиш кескин кўпайтирилиши мумкин.

Мамлакатда янги асбоб-ускуна ва техника негизида нефть мажмуасини модернизациялашнинг кенг миқёсли

дастури амалга оширилмоқда. 1998 йилда тармоқни ривожлантиришга 1994 йилдаги 10 млн доллар урнига 1 млрд 145 млн доллар сарфланди, унинг бир қисми хорижий инвестициялардир.

Ҳозир Ўзбекистон хорижий инвесторларга концессия ва маҳсулотни бўлиб олиш тўғрисидаги битимлар асосида Орол денгизи атрофидаги Устюрт ясси тоғлигида ва бошқа минтақаларда углеводород хом ашёсини қидириш ва қазиб олишда қатнашишни таклиф қилмоқда. Қидириш ва ўрганиш ишлари самарадорлигини ошириш, нефть ва газнинг аниқланган захиралари ҳажмларини кўпайтириш ва бевосита хорижий инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2000 йилнинг 28 апрелида “Нефть ва газ қидириб топиш ва қазиб чиқаришга бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармон чиқарди, шу Фармонга биноан хорижий инвесторларга нефть-газ конларини қидириб топиш ва ўзлаштиришда катта имтиёзлар таклиф этилмоқда.

Фармонда таъкидланишича, Устюрт минтақасида ва республиканинг бошқа истиқболли нефть ва газ вилоятларида қидириш ҳамда аниқлаш ишларини жадал ўтказиш учун бевосита хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилиши Ўзбекистон нефть-газ тармоғини ривожлантиришда жуда муҳим устувор соҳа ҳисобланади. Фармонда шу нарса белгилаб қўйилдики, Устюрт минтақасида янги очилган нефть ва газ конлари мазкур конларда геология-разведка ишларини амалга оширибгина қолмай, хорижий компанияларга концессия шартлари асосида 25 йил муддатгача фойдаланиш учун берилиши ва бу соҳадаги битим муддати узайтирилиши мумкин.

Ҳужжатга биноан, нефть-газ тармоғида қидириш ва аниқлаш ишларини олиб боришга жалб этиладиган хорижий компанияларга кўп қулай шароитлар яратиб берилади. Бу шароит уларга: муайян ҳудудда қидириш ва аниқлаш ишлари ўтказиш учун эксклюзив ҳуқуқ беради, мазкур ҳудудда топилган ҳар қандай кондан келгусида фойдаланиш, бунинг учун қўшма корхона барпо этиш ёки концессия шартлари асосида ишлаш имконияти; шу ишларни ўтказиш учун шартномада кўрсатилган ҳудудда

саноат қимматига эга бўлган ресурслар аниқланмаган тақдирда қидириш ва аниқлаш ишларини давом эттириш учун янги ҳудуд бериш; қазиб олинган углеводларнинг, шунингдек уларни қайта ишлаш маҳсулотларининг бир қисмини қўшма корхона таъсис ҳужжатларида ёки концессия шартномасида кўзда тутилганидек толлинг асосида бемалол олиб чиқиб кетиш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини, шунингдек саноат қимматига эга бўлган кон очилиб, сўнгра у келгусида ишлатиш учун “Ўзбекнефтьгаз” Миллий холдинг компаниясига топширилган тақдирда қидириш ва аниқлаш ишларига қилинган ҳақиқий харажатларни қоплаш кафолатини беради.

Нефть ва газ бўйича қидириш ва аниқлаш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек улар томонидан бу ишга жалб этилган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари геология-қидирув ишлари даврида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган солиқлар, ажратмалар ва тўловларнинг барча турларидан, шунингдек қидириш, аниқлаш ва бошқа кўмакчи ишларни ўтказиш учун зарур бўлган асбоб-ускуна, моддий техника ресурслари ва хизматлар импорт қилинганида божхона тўловларидан (божхонадаги расмийлаштириш учун йиғимлар бундан мустасно) озод қилинади.

Ҳужжатда шу нарса белгилаб қўйилдики, кўрсатилган ҳудудларда хорижий компаниялар эксклюзив асосда ўтказган қидириш ва аниқлаш ишларининг умумий муддати беш йилдан ошиши мумкин эмас, геология-қидирув ишларини келгусида ўтказиш учун қизиқиш туғдирувчи майдонлар аниқланган тақдирда хорижий компанияларга мазкур майдонлар доирасида ишларни яна уч йил давом эттириш имконияти берилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президентининг Фармонида хорижий компаниялар иштирокида тузилган, нефть ва газ қидириш ҳамда аниқлаш ишларини амалга оширадиган қўшма корхоналар нефть ва газ қазиб олиш бошланган пайтдан эътиборан етти йил муддатга фойда солиғи тулашдан озод қилинади. Кўрсатилган муддат тугагач, бундай корхоналар учун фойда солиғининг ставкаси амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида белгиланади; қўшма корхоналарда улуш билан қатнашишдан хорижий иштирокчилар оладиган даромадлар ва уларнинг

мол-мулки солиқ тулашдан озод қилинади; нефть ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш фаолияти натижасида олинган маҳсулотни сотишдан тушган валюта маблағининг бир қисмини мажбурий сотишдан қидириш ва аниқлаш ишларига солинган сармоя қопланадиган давргача озод қилинади.

“Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясига 2000-2005 йилларга мўлжалланган геология-қидирув ишлари дастурини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Республика Вазирлар Маҳкамасининг тасдиғига киритиш топширилди.

Ўзбекистон ҳукумати Британиянинг ITE Group компанияси кумагида 2000 йил 17-18 май кунлари Тошкентда “Ўзбекистон XXI аср бусағасида” мавзuida халқаро конференция ўтказди. Унда республикада нефть ва газ қидириб топиш ҳамда қазиб олишга бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир лойиҳалар тақдим этилди. Бундан ташқари конференцияда валюта бозорини эркинлаштириш, банк тизимини ислоҳ қилиш, солиқ ва боғхона қонунчилиги, шунингдек мамлакатнинг инвестиция сиёсати масалалари ҳам кўриб чиқилди. Анжуман ишида Республика Бош вазири, етакчи вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, шунингдек икки юздан кўпроқ хорижий компанияларнинг вакиллари қатнашдилар.

“Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компанияси (МХК) бошқарувининг раҳбарлари “Ўзбекистон XXI аср бусағасида” халқаро конференциясида Ўзбекистон 2001 йилда “Ўзбекнефтгаз” акцияларининг 49 фоизини хорижий инвесторларга сотмоқчи эканини маълум қилдилар. Уларнинг фикрича: стратегик инвесторлар учун холдингнинг шубҳа компаниялари бўлмиш “Ўзгеонефтгазқазаш” ва “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниялари акцияларининг 44 фоизи ҳамда “Ўзнефтқайтаишлаш” ва “Ўзбурғунефтгаз” акциядорлик компаниялари акцияларининг 39 фоизи сотишга қўйилади.

“Ўзнефтгаз” холдинг 1998 йилда тузилган ва 8 та акциядорлик компаниясини бирлаштиради. Унинг устав фонди 1 млрд 555 млн доллардан зиёдни ташкил қилади. Жумладан, “Ўзгеонефтгазқазаш” акциядорлик компанияси нефть, газ ва конденсат конларини қидириб топиш ва ишлатиш, газни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятни

назорат қилади. Магистрал газ қувурларига эга бўлган “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси газ ташиш ва етказиб беришни назорат қилади. “Ўзнефтқайтаишлаш” акциядорлик компанияси республикадаги барча нефтни қайта ишлаш корхоналарининг эгасидир. Кон-қудуқлар бурғулаш соҳасида мамлакатда ягона ташкилот бўлмиш “Ўзбурғунефтгаз” акциядорлик компанияси конларни қидириш ва аниқлаш ҳамда уларни ишлашни мақсадда бурғулаш ишларини амалга оширадиган корхоналарга раҳбарлик қилади.

“Ўзнефтгаз” раҳбарларининг таъкидлашича, холдингининг бошқа тўрт шубҳа компанияси — “Ўзнефтмахсулот”, “Ўзнефтгазқурилиш”, “Ўзнефтгазмаш” ва “Ўзбекнефтгазтаъминот” акциядорлик компанияларининг 39 фоиз акциялари хорижий инвесторларга қатъий валютага сотиш учун Тошкентдаги республика фонд биржасининг махсус савдо майдончасига қўйилган. Уларнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда Ўзбекистон нефть-газ мажмуасига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 1,2 млрд долларни ташкил қилади.

Кейинги йилларда ёқилги саноатининг мамлакат иқтисодиётидаги роли анча ошди. 90-йилларнинг бошларида бу тармоқ республиканинг иқтисодий тузилмасида охириги ўринлардан бирини эгаллаган бўлса, 1997-1998 йилларда ёқилги саноати корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми мамлакатда ишлаб чиқарилган барча турдаги маҳсулотлар умумий ҳажмининг 13,3 фоизидан кам бўлмади. 1999 йилда эса бу курсаткич 14,4 фоизни ташкил қилди. Бу эса нефть ва газ ишлаб чиқарувчиларга бошқа тармоқлардан ўзиб кетиб фақат енгил саноатдан кейинги ўринни эгаллаш имконини берди. Ёқилги саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб қолиши мумкинлиги шубҳасиз, бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ мустақкам пойдевор яратилган.

Шу билан бирга республика ўз иқтисодиётида энергетика ресурсларининг бошқа манбаларидан ҳам фойдаланишни кўзламоқда. 1997 йил июнь ойида Тошкент қайта тикланадиган энергетика манбаларидан фойдаланиш юзасидан қуёш энергияси муаммоларига бағишланган халқаро конференцияда қабул қилинган Жаҳон банкининг

дастурига қўшилди. Шундан кейин Ўзбекистон бу соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш учун Жаҳон банкидан 100 млн доллар олди. Конференция 1997 йил 11 июндан 13 июнга қадар Ўзбекистондаги “Қуёш физикаси” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг полигонидида ўтказилди. Шу полигонда катталиги жиҳатидан дунёда иккинчи ноёб қуёш печи жойлашган. Унинг 12 қаватли уй баландлигидаги акс эттирувчи қуёгуси йилига 300 кундан кўпроқ вақт мобайнида қуёш энергиясини жамлайди, бу энергия термомядро бомбасининг портлашидан ҳосил бўладиган энергия миқдорига тенгдир. Собиқ Иттифоқ замонларида сир сақланган бу ноёб объект йилига софлиги ва қаттиқлиги жиҳатидан нодир бўлган 10 тоннагача қотишмаларни эритиб беришга қодир. Жаҳон банкидан 100 млн доллар олинганлиги мазкур печнинг имкониятларини икки ҳисса кўпайтириш имконини беради.

Германиянинг Krupp Hoesch Stahlexport компанияси 1997 йилда Ўзбекистонга республика қўмир тармоғини реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш учун 123 млн долларлик технологик асбоб-ускуналарни етказиб бериш лойиҳасини амалга оширишга киришди. Лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши республикага қўмир қазиб чиқаришни 1996 йилдаги 2,84 млн тоннадан 2001 йилдаёқ 5 млн тоннага етказиш имконини беради.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки мамлакат энергия таъминоти самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистонга 27,8 млн доллар миқдоридида кредит берди. Бу кредит 15 йилга мўлжалланган бўлиб, Тошкентдан 100 км жанубда жойлашган Сирдарё иссиқлик электр станциясида энг янги технологияларни жорий этиш учун фойдаланилади.

1999 йилнинг охирида ЕТТБ республикага иккита янги кредит — 15 млн ва 40 млн доллар ажратиш ҳақида қарор қабул қилди. Биринчи қарз кичик за ўрта корхоналарни молиялаш лойиҳаларини тезроқ амалга ошириш учун “Ўзсаноатқурилишбанки”га берилди. Иккинчи қарзни эса, Ўзбекистон ҳукуматининг “Локомотивлар паркани янгилаш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси олади. Кредитлар 13 йил муддатга берилди, шундан 4 йили имтиёзли давр ҳисобланади. 39,6 млн доллар бевосита юк электровозлари со-

тиб олишга, 0,4 млн доллари бир галги воситачилик ҳақини тулашга сарфланиши белгилаб қўйилган.

“Ўзбекистон темир йўллари” миллий компанияси республика темир йўлларини реконструкция қилишга киришди. Лойиҳада поездларнинг қатнови жуда тигиз бўлган Чингелди—Тошкент—Ховос—Жиззах—Самарқанд участкаларидаги 320 км изларни қайта жиҳозлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари изларни обдон таъмирлаш ва сақлаш учун йўл машиналари сотиб олиш режалаштирилмоқда. Лойиҳанинг 126 млн долларга тенг бўлган умумий қийматидан 70 млн долларини Осие тараққиёт банки (ОТБ)нинг кредити, 56 млн долларини Миллий темир йўл компаниясининг ўз маблағлари ташкил қилади. Лойиҳани амалга оширишнинг умумий муддати — уч йил. Изларни реконструкция қилиш ишлари 2000 йилнинг бошида бошланди ва 2002 йилнинг охирида тугалланади.

ОТБ 1999 -2001 йилларда Ўзбекистонга молиявий қарз ва техникавий ёрдам беришнинг жами 500 млн доллар қийматига эга бўлган дастурини тасдиқлади. Шу дастур доирасида темир йўллари реконструкция қилишнинг иккинчи босқичи учун қўшимча қарз ажратилиши кўзда тутилган.

2000 йил май ойи ўрталарида Жаҳон банки директорлари кенгаши Тошкентга шаҳар йўловчи транспортини ривожлантириш учун 29 млн доллар миқдорида кредит ажратилишини маъқуллади. Лойиҳанинг умумий қиймати 31,45 млн долларни ташкил қилади, шу жумладан Ўзбекистон ҳукумати 2,45 млн доллар маблағ сарфлаши керак бўлади. 350 та янги автобус етказиб бериш ва уларни ҳам давлат, ҳам хусусий операторларга лизинг шартлари билан топшириш, мамлакатнинг бешта шаҳридаги ишлаб турган автобус паркани янгилаш кўзда тутилади. Лойиҳа тўрт йил мобайнида амалга оширилади. ЖБ нинг кредити 20 йил муддатга берилади. Шундан 5 йили имтиёзли кредит ҳисобланади.

Ўзбекистон 1992 йилда Жаҳон банкига аъзо бўлиб кирган пайтдан бери бу банк республикага 11 та лойиҳа буйича жами 458 млн доллардан иборат кредитлар берди.

Американинг “Америкэн Инжиниринг Инкорпорейтд” фирмаси билан биргаликда Ўзбекистон автотранспортини қисилган газдан автомобиль ёқилғиси сифатида фой-

даланишга ўтказиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши арзонроқ ёқилғини жорий этиш ҳисобига бензин ишлатишни анча қисқартириш, автотранспортдан фойдаланиш қийматини камайтириш ва экологияга салбий таъсирни камайтириш имконини беради. Лойиҳада беш йил мобайнида республика автотранспортидаги 160 мингта машинани қайта жиҳозлаш кўзда тутилган.

Умуман Тошкент билан Вашингтон ўртасидаги иқтисодий алоқалар етарлича узлуксиз ривожланиб келмоқда. АҚШ маъмурияти мамлакат раҳбарияти ўтказётган иқтисодий ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватлаётганлигини, бу ислоҳотларни амалга оширишга ёрдам бериш, Америка компанияларининг йирик қўшма лойиҳаларини амалга оширишга дарҳол киришишлари учун уларнинг иқтисодий фаоллигини анча оширишга кўмаклашиш истаги борлигини билдирди.

Британиянинг BAT industries компанияси республиканинг тамаки тармоғига 300 млн долларга яқин маблағ солди ва яқин йилларда яна 200 млн доллар маблағ солиши кўзда тутилмоқда. Шу компания ёрдамида Тошкент тамаки фабрикаси, Самарқанд ва Ургут ферментация заводлари реконструкция қилинди, Самарқанд тамаки фабрикаси қурилди.

“BAT Uzbekistan” Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасида Британия компанияси сармоясининг улуши 91 фоизни ташкил қилади. Ўзбекистондаги бутун тамаки тармоғини назорат қилиб турган бу корхона 1994 йилда Тошкент тамаки фабрикаси, Самарқанд ва Ургут ферментация заводлари негизида BAT industries ва “Ўзтамаки” акциядорлик жамияти корпорацияси билан биргаликда барпо қилинган эди. “BAT Uzbekistan” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулот Ўзбекистоннинг ички бозорига ҳам, МДҲ бозорига ҳам мўлжалланган. 1995 йилда йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 3 млрд дона сигаретани ташкил қилган бўлса, 1999 йилда салкам 11 млрд дона сигарета ишлаб чиқарилди. Айни вақтда Ўзбекистон тамаки маҳсулотлари бозорида бу компаниянинг улуши беш йил ичида 16 фоиздан 80 фоизга етди. Қўшма корхона маҳаллий хом ашё билан таъминланмоқда. Ҳар йили мамлакатда 50 минг тоннадан кўпроқ тамаки ишлаб чиқарилмоқда.

1999 йилда Ўзбекистон ҳукумати “BAT Uzbekistan” қўшма корхонасига 1994 йилда берилган айрим имтиёзларни 2004 йилнинг ноябригача узайтирди, яна беш йилгача компанияни қўшма корхонанинг фаолияти учун зарур бўлган, четдан келтириладиган асбоб-ускуна, хом ашё ва бошқа маҳсулотлар учун импорт божлари тулашдан озод қилди. Бундан ташқари қўшма корхона валюта тушумини мажбурий сотишдан озод этилди ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, шунингдек тамаки баргини қайта ишлайдиган ва ферментациялайдиган объектларни қуриш ва ишлатиш учун эксклюзив ҳуқуқ олди.

“BAT Uzbekistan” қўшма корхонасига Ўзбекистонда British American Tobacco компанияси ёрдамида 1996 йилдан бери экиладиган “Измир” навли тамаки баргини етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва экспортга чиқариш учун 10 йилга эксклюзив ҳуқуқ берилди.

“BAT Uzbekistan” га хорижий ҳамкорлар билан биргаликда 2004 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон тамаки саноатини маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Дастур доирасида 2004 йилга борганда мамлакатда тамаки ишлаб чиқаришни эҳтиёжнинг 48 фоизигача, босма ўров материаллари ишлаб чиқаришни 56 фоизигача, бошқа компонентлар ишлаб чиқаришни 50 фоизигача етказиш назарда тутилади.

“BAT Uzbekistan” қўшма корхонаси солиқ соҳасида махсус имтиёзларга эга эмас. Беш йил мобайнида компаниянинг Ўзбекистон бюджетига солиқ туловлари 1994 йилдаги 4 млн сўмдан 1999 йилда 16 млрд сўм (116 млн доллар)га етди.

Саудия Арабистонининг Daral-Salam Est. компанияси ҳам беш йил ичида Ўзбекистоннинг қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатига 500 млн доллар инвестиция қўйиш нияти бор. 1999 йилнинг август ойида шу компания билан “Ўзғойтамакисаноат” уюшмаси ўртасида инвестиция соҳасида ҳамкорлик қилиш туғрисида битим имзоланди. Томонлар лойиҳани амалга ошириш учун “Тараққиётинвест” қўшма молия-инвестиция гуруҳини туздилар. Жами 500 млн доллар маблағдан салкам 100 млн доллари республиканинг ёғ-мой тармоғи корхоналарини модернизация қилишга сарфланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ишлаб турган 20 та ёғ-мой комбинати 240 минг тоннадан кўпроқ ўсимлик ёғи ишлаб чиқармоқда. Бу маҳсулот мамлакат эҳтиёжининг 80 фоизини ташкил қилади. Ёғ-мой корхоналарининг модернизация қилиниши ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шу тариқа уни импорт қилишдан воз кечиш имконини беради ҳамда ёғ сифатини яхшилашга кўмаклашади.

Бироқ “Тараққиётинвест” гуруҳининг инвестиция солишга қизиқишлари доираси битта тармоқ билан чекланмайди. Компания гушт-сут, мева-сабзавот ва Ўзбекистон саноатининг бошқа қайта ишлаш тармоқларидаги лойиҳаларни амалга оширишни ҳам режалаштирмоқда.

Дунёда алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқаришда етакчи компаниялардан бири бўлган Американинг Соса-Соса компанияси 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодий-тига 140 млн доллардан кўпроқ инвестиция солиб, республикада ўзининг бешта корхонасини барпо этди. 1998 йилнинг августида шу корхоналарнинг энг каттаси ва сунгиси очилди.

Янги завод Соса-Соса компанияси тизимида катталиги жиҳатидан Марказий Осиёдаги биринчи ва МДХ мамлакатларидаги (Москвадаги корхонадан кейин) иккинчи корхонадир. Унинг лойиҳадаги қуввати йилига 350 млн литр алкогольсиз ичимликни ташкил қилади. Бешинчи завод ишга туширилгач, Соса-Соса компаниясининг Ўзбекистонда ишлаб турган ходимлари умумий сони 1800 кишига етди.

Республикада Соса-Соса ичимликларини Соса-Соса Export Corporation, Тошкентдаги ROZ Trading Ltd фирмаси ва “Ўзозиковқатсаноат” давлат корпорацияси томонидан таъсис этилган Соса-Соса Bottlers Tashkent Ltd компанияси ишлаб чиқармоқда.

Ҳукуматнинг собитқадам сиёсати натижасида иқтисодийга солинган инвестициялар ҳажми анча кўпайди. 1998 йилда фақат хорижий инвестицияларнинг ўзидан 1,3 млрд долларга яқини ўзлаштирилди, бу — шундан аввалги йилга нисбатан 22,6 фоиз кўп. Жами инвестицияларнинг 20 фоизидан ортиғи хорижий инвестицияларга тўғри келади. 1998 йил мобайнида валюта соҳасида ўтказилган сиёсат туфайли стратегик жиҳатдан муҳим бир қанча ва-

зифаларни ҳал этиш мумкин бўлди: ташқи савдо айланмасида 240 млн доллар миқдорида ижобий сальдога эришилди, олтин валюта резервларининг кўпайиши таъминланди, биржадан ташқаридаги валюта бозорининг роли кенгайди ва мустақамланди.

Ҳозирги вақтда хорижий сармоя иштирокидаги салкам 10 млрд доллар турадиган қарийб 200 та инвестиция лойиҳаси пишиқ-пухта ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. 1999 йилда 2 млрд доллардан зиёд хорижий инвестиция ўзлаштирилди, бу — 1998 йилдагидан 1,5 баравар кўпдир.

Иқтисодий ислохотлар чуқурлаштирилганлиги хусусийлаштириш дастурини янада узлуксиз амалга ошириш имконини берди, энди йирик, базавий корхоналарни хусусийлаштириш бошланди. 1999 йилнинг ўзида 565 та корхона қисман хусусийлаштирилди.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичидаги ўзига хос алоҳида хусусияти шундан иборатки, хусусийлаштириш жараёнида хорижий сармоя кенг миқёсда жалб этилди. 1999 йилда якка лойиҳалар бўйича хорижий инвесторларга 15 та йирик корхона акцияларининг пакетлари сотилди. Улар орасида Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, “Аммофос” ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон “Биокимё” заводи, Самарқанд кимё заводи, “Тошкент” аэропорти, Қизилқум фосфорит комбинати каби корхоналар бор. Бундан ташқари хорижий инвесторлар учун биржадаги ва биржадан ташқаридаги савдоларга яна 23 та корхонанинг акциялари қўйилди, 39 та корхона ва объект тула-тўқис хорижий инвесторларга сотилди.

Республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Аҳолининг, айниқса қишлоқ хўжалигидан бўшаб қолган аҳолининг иш билан таъминланиши, маҳаллий хом ашё, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ресурсларининг янада чуқур қайта ишланиши, шунингдек ички истеъмол бозорининг шу ерда ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари ва хизматлар билан тўлароқ таъминланиши айни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳақиқий мулкдорлар табақасини шакллантиришга кўмаклашади.

Етакчи халқаро молия тузилмалари — Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа бир қанча ташкилотларнинг кредит линиялари бўйича кичик ва ўрта корхоналарни, хусусий тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилиши таъминланмоқда.

Ҳозирги Ўзбекистонда асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар мустаҳкамланиш ва барқарорлашиш сари муттасил ўсиб бормоқда, иқтисодий юксалиш тамойиллари ривожланмоқда, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш чуқурлашиб бормоқда. Ислоҳотларнинг асосий устувор вазифалари бажарилишига, белгиланган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичларга умуман эришилди.

Хусусийлаштириш жараёнларини, бозорга кўмакчи тармоқларни, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда, янгича бошқарув асосларини шакллантиришда ижобий силжишлар рўй берди. Кадрлар тайёрлашни, соғлиқни сақлашни, уй-жой ва коммунал хўжаликни ислоҳ қилиш соҳасидаги ишлар амалга оширила бошлади. 1999 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми жорий нархларда 2048,4 млрд сўмни ташкил этди, ўсиш суръати аввалги йилга нисбатан 104,4 фоиз бўлди. Республикада ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши МДҲ мамлакатларидаги ялпи ички маҳсулотнинг ўртача кўпайиш даражасида ошиб бормоқда. МДҲ Давлатлараро статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда, Ҳамдўстлик мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача ўсиши 1999 йилда 2,9 фоизни, Ўзбекистонда эса 104,4 фоизни ташкил қилди. Бу эса Ўзбекистонни МДҲдаги 12 давлат орасида мазкур кўрсаткич бўйича иккинчи ўринга чиқариб қўяди.

Иқтисодий ўсишга инвестициялар ва хизмат ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш туфайли эришилди. Тахминий кўрсаткичлар доирасида саноат (106,1 %) ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти (105,9 %), чакана товар айланмаси (110,5 %) ҳажмлари кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси (125,1 млн доллар) таъминланди. Пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражаси 1999 йилда 1,9 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетининг даромад қисми 100,3 фоиз, харажат

қисми 98,7 фоиз бажарилди. Бюджетнинг камомати ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,8 фоизни ташкил этди. Давлат бюджетидан молиялаш бюджет курсаткичлари доирасида кенг миқёсли ижтимоий вазифаларни ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини, шунингдек давлат ва миллий дастурларни молиялаш топшириқларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Нақд пул эмиссиясининг улуши тахмин қилинган 12,8 фоиз урнига 10,2 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига ҳаммаси бўлиб 529,2 млрд сўм капитал маблағ сарфланди, унинг 56,6 фоизи ўртача муддатли ва узоқ муддатли кредитлар эди. Ўзбекистон Марказий банкининг қайта молиялаш ўртача ойлик ставкаси 1999 йилда 3 фоизга тенг бўлди.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳисобкитоблар механизми анча мустақамланди, бу ҳол корхоналарнинг молиявий аҳволини мустақамлашга, иқтисодий жиҳатдан ночор ишлаб чиқаришларни тугатишга кўмаклашди. Шунини айтиш кифояки, 1999 йилда республика корхона ва ташкилотларининг муддати ўтиб кетган дебитор қарзлари миқдори 76,8 млрд сўмдан 1,8 млрд сўмгача қисқарди. Мониторинг белгиланган 22 та вазирлик ва идора бўйича муддати ўтган дебитор қарзлари 2000 йил 1 январгача мутлақо тугатилди.

1999 йилда Ўзбекистон саноати жорий нархларда 1303,3 млрд сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, ўсиш суръати 106,1 фоизни ташкил этди. 655,1 млрд сўмлик (109,3 %) истеъмол моллари ишлаб чиқарилди, шундан 309,1 млрд сўмлигини (106,5 %) озиқ-овқат маҳсулотлари, 273,7 млрд сўмлигини (111,6 %) ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилди. Ўзбекистоннинг барча минтақаларида, шу жумладан Тошкент шаҳрида ҳам саноат ишлаб чиқаришининг ўсишига эришилди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида нефтни дастлабки қайта ишлаш қувватларини, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида нефть битумларини ишлаб чиқариш, Муборак газни қайта ишлаш заводида газни қайта ишлаш қувватларини иш билан таъминлаш даражаси анча ошди.

1999 йилда маҳсулотнинг янги турлари: “СамКочавто” қўшма корхонасида автобуслар, “Оникс” акциядор-

лик жамиятида қўрғошин хрусталидан маҳсулотлар ишлаб чиқариш, “Алгоритм” очиқ турдаги акциядорлик жамиятида электр стартер-стабилизаторлар, макарон тайёрлаш машиналари, Тошкент лак-бўёқ заводида эмалнинг 13 турини, “Тошкентсуг” акциядорлик жамиятида турли шарбатлар, “Фаргонаёғмой” акциядорлик жамиятида тозаланган ёғ ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Автомобилларнинг бутлаш деталларини ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Саноат корхоналарида автомобиль транспортига қўйиш учун қисилган газ ишлаб чиқариш бошланди, газ қазиб олиш, бензин, нефть битуми, автомобиллар, трансформаторлар, қишлоқ хўжалик машиналари, олтингутурт кислотаси, цемент, деворларга қопланадиган сопол тахтачалар, томга ёпиладиган юмшоқ материал ва изол, гилам ва гилам маҳсулотлари, чинни ва фаянс идишлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпайди. **Озиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқариш анча ошди.**

Иқтисодий жиҳатдан ночор корхоналарнинг банкротлик жараёнлари фаоллашди. Хўжалик судлари 995 та корхонани, яни 1998 йилга нисбатан 548 та куп корхонани банкрот деб эълон қилди. Банкротликка учраган 1006 та корхона тугатилди. Айни вақтда корхоналарнинг банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш соҳасида муайян иш қилинди. 1999 йилнинг иккинчи ярмидагина банкротлик белгилари бўлган корхоналар миқдори 260 тага камайди. Ҳукумат комиссиясининг қарорига биноан 342 та корхонада санациянинг бориши ҳолати қайта кўриб чиқилди ва 220 та корхона бўйича санацияни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Уларнинг 184 тасида молиявий ҳолати яхшиланганлиги муносабати билан санация тўхтатилди (шундан иккитаси давлат ёрдами билан санация қилинди); 36 та корхонада санация самара бермаганлиги сабаблиги банкротга учраганлик тартиб-қоидаси бошланди. Январь ҳолатига 122 та корхона санация жараёнида эди. Суддан аввал давлат ёрдами билан санация олган корхоналарнинг кўпчилигида молиявий соғломлаштиришнинг аниқ шакллантирилган бизнес режаси асосида молиявий хўжалик фаолиятида ижобий натижаларга эришилмоқда (“Қўқонтўқимаш”

очиқ турдаги акциядорлик жамияти, “Асбобсоз”, “Олмоспахтамаш”, “Фотон”, Андижон электродвигатель акциядорлик жамиятлари шу жумлага киради).

Ўзбекистонда корхоналарни, шу жумладан иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги корхоналарни хусусийлаштириш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда. 1999 йилда республикада 448 та объект хусусийлаштирилди, уларнинг асосида 373 та корхона, шу жумладан 141 та акциядорлик жамияти, 156 та хусусий корхона ва 76 та бошқача ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги мулкчилик корхоналари барпо этилди. Шундай қилиб, мулкдорлар синфи шаклланмоқда, тадбиркорлик эркинлиги, кичик ва ўрта бизнесни кенг ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратилмоқда, хорижий инвесторлар хусусийлаштириш жараёнига жалб қилинмоқда. Хорижий ҳамкорлар 1999 йилда Ўзбекистондаги 68 та корхонанинг акцияларини харид қилдилар, хорижий инвесторларнинг улардаги инвестициялари умумий ҳажми 460 млн доллардан ошиб кетди. 1999 йилда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан барча манбалар бўйича тушган маблағларнинг жами ҳажми 1998 йилдаги 8,8 млрд сўм ўрнига 9,1 млрд сўмни ташкил этди. Белгиланган тартибга биноан давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш туфайли тушган маблағнинг 25 фоизи корхоналарни техника билан қайта жиҳозлашга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга ва айланма маблағларни тўлдиришга йўналтирилди. 1999 йилда давлат тасарруфидан чиқариш маблағларининг 350 млн сўми корхоналарни техника билан қайта жиҳозлашга ва модернизациялашга ишлатилди.

Корхоналарнинг самарадорлигини ошириш юзасидан молиявий мажбурият олувчи стратегик ҳамкорларни жалб этиш чоралари корхоналарни ва акциялар пакетларини хорижий инвесторларга сотишни таъминлади, улардан 16 млн доллар маблағ тушди. Ҳаммаси бўлиб 67 та мулк объекти сотилди, улардан 27 таси мулк мажмуалари туридаги корхоналардир.

1999 йилда “Тошкент” республика фонд биржасида 206 та савдо сессияси ўтказилиб, жами 3649,1 млн сўмлик ва 1364,1 млн долларлик битим тузилди. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича 1999 йилда тузилган битимларнинг энг кўпи

қуйидагича бўлди: умумий ҳажмнинг 41 фоизи агросаноат мажмуасида, 21 фоизи саноатда, 18 фоизи қурилиш, транспорт ва алоқада бўлди. Ўша йили республикада ҳаммаси бўлиб қимматли қоғозларнинг 642 чиқарилиши рўйхатдан ўтказилди ва ягона давлат реестрига киритилди, шунга биноан 347,2 млн дона миқдорида 314,7 млрд сўмлик эмиссия қилинди. 1998 йилга нисбатан қимматли қоғозлар чиқарилиши миқдори камайди, бироқ эмиссия ҳажми ва акциялар миқдори кўпайди. Республика кучмас мулк биржасида ва унинг филиалларида ўтказилган ошқора савдолар орқали жами 3601 млн сўмликдан зиёд 13 447 та объект сотилди, бу кўрсаткич миқдор ва пул ифодасидаги тахминдан икки ва уч баравар ортиқдир.

Ялпи ички маҳсулотда кичик ва ўрта корхоналарнинг улуши 12,6 фоизни, кичик ва ўрта бизнеснинг улуши эса (якка тадбиркорликни ҳисобга олганда) 29,1 фоизни ташкил қилди. 1999 йилда кичик ва ўрта бизнес корхоналари 341,6 млрд сўмлик маҳсулот, товар сотди ва хизматлар кўрсатди. Саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида мазкур корхоналарнинг улуши 6,2 фоизни, қурилишда 12,3 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулотида 68 фоизни ташкил қилди. 2000 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоқларига мансуб кичик ва ўрта бизнеснинг салкам 160 минг корхонаси рўйхатдан ўтказилган эди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг республикада кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳақида 1997 йил февралда имзолаган Фармони 1999 йилда ҳам, ундан аввалги йилларда ҳам кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўп жиҳатдан кўмаклашди. Президентнинг Фармонида таъкидланишича, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, уни замонавий хорижий асбоб-ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишидир. Ўзбекистон Президенти ўз фармонида республика ҳукуматига рақобатбардош ва экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этишни кўзда тутувчи лойиҳаларни биринчи навбатда маблағ билан таъминлашни топширди. Шу мақсадда И. Каримов жалб этилаётган хорижий кредитлардан фойдаланиш ҳақида фармойиш бер-

ди. Давлат бошлиғи кичик ва ўрта ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда лизинг компанияларини хорижий инвесторларнинг жалб этилган маблағлари ҳисобидан келтирилдиган технология асбоб-ускуналари учун импорт божи тўлашдан озод қилди.

Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришга хорижий кредитларни жалб этиш соҳасида муҳим ўзгаришлар руй берди. Кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 150 млн доллар, Осиё тараққиёт банкининг 50 млн доллар, немис КФВ банкининг 5 млн марка ҳажмидаги, яъни жами 200 млн доллардан кўпроқ миқдордаги хорижий кредит линиялари жалб этилди ва тўла-тўқис ўзлаштирилди. 1999 йилда устувор тармоқларда 1324 млн доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Барча капитал маблағларнинг тахминан 24,4 фоизи хорижий инвестициялар улушига тўғри келди.

КФВнинг 15 млн евро, Халқаро молия корпорациясининг 15 млн доллар миқдоридagi янги кредит линиялари очилди, яна 15 млн долларлик ЕТТБ нинг кредит линиясини очиш ҳақида битим имзоланди. Бизнес-фонд 1,9 млрд сўмликка яқин 896 та лойиҳани, Бандликка кўмаклашувчи фонд 1,3 млрд сўмликдан кўпроқ, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди 420 млн сўмлик 896 та лойиҳани пул билан таъминлади.

Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Наманган, Қарши, Нукус шаҳарларида хорижий кичик технологияларнинг минтақавий кўргазма-тақдимотлари ўтказилди, уларда 3,1 млн долларлик асбоб-ускунани сотиб олиш ҳақида шартномалар тузилди.

Мамлакат қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни давом этмоқда. Ходимлар сонини нормативга мувофиқлаштириш иши амалга оширилмоқда, 260,9 минг киши, шу жумладан 1999 йилда 243,3 минг киши бўшатиб олинди. Ширкат хўжаликларида мулк пайларининг умумий миқдори 11,8 млрд сўмни ташкил этди, бир ходимга ўрта ҳисобда 17,4 минг сўм мулк пайи тўғри келадиган бўлди. 2000 йил 1 январь ҳолатига кўра 3322,6 минг шахсий ёрдамчи хўжаликдан 1541 мингтаси деҳқон хўжалиги сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди. Бу

рақам республикадаги шахсий ёрдамчи хўжаликлар умумий миқдорининг 43,3 фоизини ташкил қилади.

1999 йилда Ўзбекистонда 29 102 та фермер хўжалиги мавжуд эди. Уларга 583,1 минг га (бир хўжаликка ўрта ҳисобда 20 га) ер бириктирилган эди. Фермер хўжаликлари ходимларининг сони 235,9 минг кишини ташкил этди, уларнинг фойдаси 4934 млн сўмга етди, рентабеллик даражаси 24,1 фоизга тенг бўлди. Фермер хўжалиklarининг 97,9 фоизи йилни фойда билан якунлади.

Республика қишлоқ хўжалик корхоналарида ички хўжалик муносабатларини ислоҳ қилиш асосан оилавий пудратга таянади. 1999 йилда пахтачиликда жами экин майдонларининг 87 фоизини, галлачиликда 95 фоизини, сабзавот, полизчилик ва картошкачиликда 92 фоизини оилаларга бириктириб қўйиш ҳақида шартномалар тузилди. Боғдорлик ва узумчиликдаги жами боғ ва токзорларнинг 51 фоизи оилаларга бириктириб қўйилган.

Хўжаликларнинг 65 фоизида харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг чек шакли жорий қилинган, хўжаликларнинг 81 фоизида молия ҳисоб-китоб марказлари тузилган. Айниқса ихтисослаштирилмаган хўжаликларда боғ ва токзорларни узоқ муддатли ижарага бериш соҳасида муайян иш қилинди. 53,7 минг га боғ (жами боғларнинг 38 %) ва 28,2 минг га токзор (30 %) узоқ муддатли ижарага топширилди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида барқарор ишни таъминлаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида 1999 йилда давлат эҳтиёжларига сотиб олинadиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қиладиган Фонд барпо этилди. Шу фонд йўли билан 1999 йилги ҳосил учун 162,5 млрд сўм ажратилди (1999 йилда 1 АҚШ доллари 138,5 сўмга тенг эди), шу жумладан пахта учун 101,3 млрд сўм, дон учун 48,6 млрд сўм, шоли учун 12,6 млрд сўм ажратилди. Бундан ташқари 2000 йил ҳосили учун кузги-қишқи агротехника тадбирларини ўтказиш мақсадида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига аванс тариқасида 31,9 млрд сўм, иш ҳақи тулашга 52,9 млрд сўм ажратилди. Бу тадбир қишлоқ хўжалик ишларини замонавий даражада ўтказиш учун зарур молиявий ресурслар билан қўллаб-қувватлашдан ташқари қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш,

деҳқонлар етиштирган ҳосил учун ўз вақтида ҳисоб-ки-тоб қилинишини таъминлаш имконини берди.

1998—1999 йилларда қишлоқ хўжалик корхоналарининг санация қилиниши ижобий натижалар берди ва хўжаликларнинг иқтисодий барқарорлигини тиклашнинг самарали воситаси бўлди. Агар 1997 йил якунларига кўра санацияга тушган 104 хўжалик 3967,8 млн сўм зарар кўрган бўлса, 1998 йилда 48,9 млн сўм миқдорда фойда олди. 1999 йилда эса фойда 978,9 млн сўмни ташкил қилди. Санация қилиниши тугалланган 104 та хўжаликдан 96 таси ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шакллари жорий этилиши натижасида иқтисодий но-чор корхоналар қаторидан чиқди. Уларнинг рентабел-лик даражаси 9,4 фоизни ташкил этди. 1999 йилдан бош-лаб яна 150 қишлоқ хўжалик корхонаси санация қилина бошланди.

1999 йилда қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларни қувватлаш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш суръатлари 1998 йилга нисбатан анча ошди. Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти-нинг ҳажми 1999 йил мобайнида барча тоифадаги хўжа-ликларда (амалдаги нархларда) 833 млрд сўмликни таш-кил этди ёки 1998 йилга нисбатан 105,9 фоизни ташкил қилди. Дон етиштириш 104,2 фоиз, пахта етиштириш 113,9 фоиз, сабзавот етиштириш 110,3 фоиз, полиз маҳсулоти етиштириш 106,9 фоиз, гўшт етиштириш 101,4 фоиз, сут етиштириш 101,3 фоиз, тухум етиштириш 106,7 фоиз кўпайди.

Республикадаги пахта ҳосили 1999 йилда 3 млн 680 минг тоннадан ортиқроқ бўлди ёки 1998 йилга нисбатан қарийб 500 минг тонна кўпайди. 1998 йилда Ўзбекистон-да 3,2 млн тонна пахта ҳосили етиштирилди (бу кейинги йилларда энг паст кўрсаткич эди). 1997 йилда 3,7 млн тонна пахта ҳосили олинган эди. Аввалги йилларда бўлган каби 1999 йилда ҳам 1,5 млн га ерга чигит экилди. Шундай қилиб мамлакат дунёда пахта етиштириш соҳа-сида етакчи давлатлардан бири бўлиб қолмоқда.

1999 йилда дон етиштириш 3 млн 890 минг тоннага етди ёки аввалги йилга нисбатан 0,2 млн тонна кўпайди. Бу — Ўзбекистон тарихида энг юқори кўрсаткич.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар Давлат инвестиция дастури доирасида амалга оширилмоқда. 1999 йилда иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга 503,2 млрд сўм инвестиция сарфланди (102%). Жами инвестицияларнинг 282,3 млрд сўми ёки 56,1 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига сарфланди. Ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантиришга 84,6 млрд сўм (жами ҳажмининг 16,8 %), металлургия мажмуасига 17,2 млрд сўм (3,6 %), машинасозликка 12,3 млрд сўм (2,5 %), енгил ва маҳаллий саноатга 11,1 млрд сўм (2,2 %), транспорт ва алоқани ривожлантиришга 65,6 млрд сўм ёки барча инвестицияларнинг 13 фоизи сарфланди, қишлоқ хўжалигида ва озиқ-овқат саноатида 50 млрд сўм капитал маблағ (10 %) ўзлаштирилди.

1999 йилда хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобига жами 122,9 млрд сўм (1998 йил даражасига нисбатан 132,1 %) ҳажмдаги капитал маблағ ишлатилди. Капитал маблағларнинг умумий ҳажмида унинг улуши 1998 йилдаги 20,3 фоиздан 24,4 фоизга етди.

Шаҳар автобуслари ва кам тоннажли юк машиналари ишлаб чиқарадиган “СамКочавто” қўшма корхонаси, Хўжабод ер ости газ омбори, йилига 200 минг тонна коалин берадиган бойитиш фабрикаси, “Кўкча” тўқимачилик мажмуасининг биринчи навбати, йилига 2,5 млн погон метр мовут ишлаб чиқарадиган “Косонсой-Тегмен” қўшма корхонаси, Хоразм вилоятида эркаклар пойафзалли ишлаб чиқарадиган “Даритал” қўшма корхонаси, Тошкент вилоятида йилига 60 минг кв метр гранит тахтачалар ишлаб чиқарадиган корхона, сменада 5,1 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқара оладиган фабрика, йилига 352 млн тугмача дори-дармон, 75 млн капсула ва 5 млн ўрам суркаш дориси ишлаб чиқара оладиган линия, 10 544 номерли АТС ва 35 696 жуфт абонент линияси, Самарқанд шаҳрида 2,7 км узунликдаги троллейбус линияси қурилди, 35 кВ ва ундан ортиқ кучланишли 190,8 км электр узатиш линияси, 0,4—10 кВ кучланишли 74 км электр узатиш линияси ўтказилди, 7 минг га суғориладиган ер оборотга киритилди ва 28,6 минг га суғориладиган ер реконструкция қилинди.

Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, Қизилқум фосфорит комбинати, янги темир йўл линияла-

ри жадал суръатлар билан қурилмоқда, Тошкент—Андижон—Уш—Иркештом автомобиль йўли, кимё корхоналари ва бошқа объектлар реконструкция қилинмоқда. 1999 йилда мулкчиликнинг барча шаклларидаги қурилиш ташкилотлари 294,6 млрд сўмлик пудрат ишларини бажариб берди, бу кўрсаткич 1998 йилга нисбатан 103,9 фоизни ва йиллик режага нисбатан 101,6 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги билан “Ўзбеккосмос” агентлиги 1999 йилда миллий йўлдош алоқасини ривожлантириш лойиҳасини тайёрлашга киришди. Лойиҳа Ўзбекистон йўлдош алоқасини ривожлантиришнинг ўша йили республика ҳукумати томонидан тасдиқланган Концепцияси доирасида ишлаб чиқилмоқда. Унда мамлакат ҳудудида йўлдош орқали алоқани таъминлаш учун ердаги инфратузилмани (ердаги космик қабул қилиш, узатиш станциялар тармоғини) вужудга келтириш, шунингдек миллий алоқа йўлдошини учуриш кўзда тутилади. Дастлабки тахминларга кўра, мазкур лойиҳанинг қиймати 200—250 млн долларни ташкил этиши мумкин. Лойиҳанинг техник дастурини ва уни амалга ошириш графигини тайёрлаш 1999 йилнинг охирида ниҳоясига етказилди. Лойиҳани бевосита бажаришга 2000 йилнинг иккинчи ярми — 2001 йил бошларида киришиш лозим. Мутахассисларнинг тахминларига кўра, уни амалга оширишнинг муддати 4—5 йилни ташкил этиши мумкин.

Қурилиш мажмуасидаги иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш давомида тармоқнинг 1571 тадан зиёд корхонаси мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтказилди, бу эса тармоқдаги жами корхоналарнинг салкам 70 фоизини ташкил этади. Республика ва маҳаллий пудрат ташкилотларида бошқарув бўғинини такомиллаштириш иши асосан ниҳоясига етказилди, натижада 15 минг киши бўшатиб олинди, 602 та кам қувватли, зарар кўрувчи ва паст рентабелли қурилиш ташкилотлари ҳамда савдо-харид воситалик корхоналари тугатилди. Қурилиш индустрияси, механизация ва транспорт корхона ҳамда ташкилотларидан 330 тадан зиёди мустақил фаолият юритиш ҳуқуқини олди.

1999 йилда ижтимоий соҳани пул билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 282 млрд сўмдан кўпроқ

маблағ сарфланди ёки барча харажатларнинг салкам 47 фоизи шу соҳага тўғри келди, бу кўрсаткич 1998 йилги даражага нисбатан қарийб 37 фоиз ўсишга эришилганини кўрсатади. Йил давомида иш ҳақи, стипендия, пенсия ва бошқа нафақалар миқдорлари оширилди.

Қишлоқнинг иқтисодий инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ 1999 йилда 146 та янги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди, 30, 38 минг ўринли умумий таълим мактаби (йиллик топшириқнинг 102,5%), 1896 км водопровод тармоғи (йиллик топшириқнинг 109%), 6713 минг кв метр ҳажмдаги уй-жой (йиллик топшириқнинг 103%) қуриб битказилди. Бундан ташқари, ўша йили 4,5 минг км газ тармоғи, қишлоқда 4,3 минг км газ тармоғи фойдаланиш учун топширилди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш Концепциясини амалга ошириш асосида ўша йили аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида 275 та уй-жойдан фойдаланиш корхонаси хўжалик ҳисобига ўтказилди, улардан 132 таси ўзининг моддий-техникавий базасига эгадир. Уй эгаларининг 17,8 мингта кенгаши тузилди. Уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш соҳасидаги мавжуд қарздорлик ҳисоб-китоб қилиб қўйилди, 2000-2004 йиллар учун 1991 йилгача қурилган умумий фойдаланишдаги жойлар ва аҳоли яшайдиган уйлар муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлашнинг аниқ-равшан минтақа дастурлари ишлаб чиқилди.

Коммунал хизмат объектларини сақлашга бюджетдан сарфланадиган маблағ улуши қисқартирилди, тармоқни ўзини ўзи қоплашга ўтказиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ҳамда Академик лицейлар ва ҳунар коллежларининг моддий техникавий базасини мустаҳкамлаш дастурига биноан 1999 йилда 7855 ўринли 13 та академик лицей ва 57 785 ўринли 90 та ҳунар коллежи очилди. Академик лицейлар ва 95 та ҳунар коллежлари учун бешта йўналиш бўйича тажриба ўқув режалари, шунингдек ҳунар коллежларининг махсус предметлари бўйича 1100 тага яқин ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун 22 номдаги 20000 нусха янги ўқув адабиёти сотиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида аҳоли соғлиғини сақлашнинг замонавий миллий моделини яратиш ва шакллантириш соҳасида катта иш қилинди. Соғлиқни сақлашни бошқариш ва шакллантириш тизими такомиллашмоқда. Соғлиқни сақлаш бошланғич бўғини мустаҳкамланмоқда. Пулли тиббий хизмат кўрсатиш ҳажми кенгайтирилмоқда ва сифати яхшиланмоқда. 1999 йилда соғлиқни сақлаш соҳасидаги 48 та муассаса давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилди, уларнинг 34 таси хусусий муассаса бўлиб қолди. Нодавлат секторида салкам 1600 та хусусий тиббий муассаса фаолият кўрсатмоқда, 3075 врач яқка тартибдаги хусусий фаолият билан шуғулланиш учун лицензия олган, 234 та муассаса ўзини ўзи қисман пул билан таъминлашга ўтказилган.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси муваффақиятли ҳал этилмоқда. Давлат бу муаммога алоҳида эътибор бермоқда. Ишсизлик даражасини пасайтириш учун янги иш жойлари яратилмоқда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг анчагина қисми ишлаши мумкин бўлган кичик ва ўрта тадбиркорликка давлат томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. 1999 йилда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ўртача йиллик сони 8885 кишини ташкил этди (ўсиш суръати 101%), шундан 74 фоизи нодавлат секторида банд бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларига мувофиқ пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан 385 минг иш ўрни, шу жумладан қишлоқ жойларида 276,6 минг иш ўрни ҳосил қилинди. Республикада расмий рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 45,2 минг кишини, яъни Ўзбекистон аҳолисининг 0,1 фоизини ташкил қилди.

1999 йил мобайнида республика истеъмол бозори озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан юксак даражада таъминлаб турилди, чакана товар айланмаси ҳажми ошди, истеъмол моллари камомадига йўл қўйилмади. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари соҳасида бозордаги вазият нисбатан яхши бўлди ва чет эллардан келтириб сотилган товарларнинг жисмоний ҳажми бирмунча қисқарди. Хизматлар бозори узлуксиз ривожланиб борди, бундай хизматлар ҳажми доимо кенгайиб бормоқда. Аҳолининг истеъмол товарларига бўлган тўлов қобилияти фаоллашиб, товарлар ва хизматларнинг ички бозорда-

ги таклифлари кенгайиб бориши туфайли шундай натижаларга эришилиши таъминланди. Чакана товар айланмасининг умумий ҳажми 1148 млрд сўмни ва аввалги йил даражасига нисбатан 110,5 фоизни ташкил этди.

Республиканинг ташқи товар айланмасида таркибий ўзгаришлар рўй берди. Экспорт таркибида энергия манбалари, кимё маҳсулоти, озиқ-овқат товарлари ва хизматлар улуши кўпайди. Айни вақтда импорт таркибида четдан озиқ-овқат келтириш қисқарди. Импортнинг умумий ҳажмида машина ва асбоб-ускуналар 44,8 фоизни ташкил қилди. 1999 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 1998 йилги даражага нисбатан 93,1 фоизни ташкил қилди. Шундан экспорт (1998 йилги даражага нисбатан 91,7%), импорт (94,6%)ни ташкил этди.

Мамлакат иқтисодийтини ривожлантиришга хорижий инвестицияли корхоналар каттагина ҳисса қўшмоқда. 1999 йил мобайнида улар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми 1,5 баробар кўпайди. Республика ҳукуматининг мажлисида вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартиришга — минтақаларда кичик, ихчам қўшма корхоналар барпо этишга, ишни Ўзбекистонга қизиқиш билдирган биронта хорижий инвестор республикадан ҳафсаласи пир бўлиб, инвестиция соҳасида аниқ таклифсиз кетмайдиган тарзда ташкил этиш йўлидан боришга қарор қилинди. Ўзбекистонда кенг миқёсли иқтисодий ислохотлар натижасида энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган 500 тадан зиёд йирик корхона барпо этилди. Уларнинг кўпларига хорижий сармоя солинган.

Мамлакатдаги хорижий инвесторларнинг ишига Ўзбекистон ҳукумати яқин ўн йил учун тараққиёт дастурини ишлаб чиққанлиги ҳам кўмак бермоқда. Республикани ривожлантириш режаларига биноан келгусида хорижий инвесторларга иқтисодийда катта ўрин ажратилган. Ҳозирги Ўзбекистонда ишлаётган инвестор яқин ўн йил ичида бу мамлакатда қандай манфаат кўриши мумкинлигини аниқ билади. Иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли стратегияси бозор иқтисодийтига эга бўлган очиқ демократик давлат барпо этишга, фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга, иқтисодийни муттасил юксалтиришни таъминлаш асосида халқнинг

турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилашга қаратилган.

Ривожланиш стратегиясининг моҳияти шундан иборатки, ривожланган давлатларнинг тажрибаси ва моделдан кўр-кўрона нусха кўчирмай, улар эришган турмуш даражаси ва сифатига эришиш, мамлакатнинг демократик ривожланишини таъминлаш керак, мамлакатда миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар ҳар бир киши учун барча ҳуқуқлар ва эркинликлар, фаровонлик ва муносиб ҳаёт кафолатлаб бериладиган бўлсин. Айни вақтда миллий анъаналар ва миллий қадриятларни сақлаш зарурлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон тараққиётининг узоқ муддатли дастурида кўрсатилишича, бу нарса республикада Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов раҳбарлигида ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш асосида қуйидаги энг муҳим қоидалар таъминланишини тақозо этади.

Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва секторларидаги иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш. Хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, давлатнинг назорат қилувчилик ва тартибга солувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига аралашувини чеклаш, хусусий тадбиркорликка, бозорга ва иқтисодиёт фаолиятининг бозор механизмларига янада кўпроқ эркинлик бериш. Бунинг учун зарур ҳуқуқий имкониятлар, ташкилий ва иқтисодий шароит ва кафолатлар яратиб бериш.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон ҳукумати хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувни чеклашга интилмоқда. Президент Ислоҳ Каримовнинг кўрсатмасига биноан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси “Назорат қилувчи органларни мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ҳузурида текшириладиган хўжалик юритувчи субъектларнинг шикоятларини қабул қилиш гуруҳини тузиш туғрисида” махсус қарор қабул қилди. И. Каримов республика парламентининг 1999 йил апрелидаги баҳорги сессиясида сўзлаган нутқида иқтисодий соҳада эркинлаштиришга алоқадор бўлган асосий масалалар орасида давлат томонидан, турли текширувчи ва назорат қилувчи идоралар то-

монидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ара-лашишни чеклаш зарурлигини таъкидлади. Тузилган мах-сус гуруҳга Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига хи-лоф равишда назорат қилувчи идоралар томонидан ғай-риқонуний текширишларга дучор бўлган хўжалик юритувчи субъектлардан тушган ахборотни йиғиш ва умумлашти-риш вазифаси топширилган. Республиканинг маҳаллий телекурсагуви ва оммавий ахборот воситалари орқали тек-ширувчи ва назорат қилувчи идоралар томонидан ғайри-қонуний ҳаракат содир бўлганлиги ҳақидаги фактларни истаган ҳар бир киши маълум қилиши мумкин бўлган те-лефон рақамлари эълон қилинди. Республика назорат идо-раларини мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳузурида текшири-ладиган хўжалик юритувчи субъектлардан тушган шико-ятларни қабул қилиш гуруҳининг иши ўз самараларини берди: 1999 йилда текширишлар сони аввалги йилга нис-батан 27 фоиз қисқарди, кенгашнинг ижозатсиз ўтказил-ган режасиз текширишлар сони эса 1998 йилга нисбатан 10 барабар камайди, бу эса назорат қилувчи идораларнинг ҳукумат қарорлари ижроси учун жавобгарлиги ошганли-гидан далолат беради.

Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқур-лаштириш ва шу асосда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш. Бу жараёнга йирик тузилма ҳосил қилув-чи корхоналарни жалб этиш. Кўп укладли иқтисодий ривожлантириш, ундаги хусусий мулкчилик миқёслари ва улушини муттасил ошириш. Аввало қишлоқ хўжали-гидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мазкур муаммонинг ҳал этилиши билан боғлиқдир. Бу ислоҳот-лар қишлоқдаги мулкчилик шакллари ўзгартиришга қаратилган бўлиб, энг муҳими — одамларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириши, уларда ҳақиқий мулкдорлик, узоқ муддатли ижара шартномаси асосида ўзига топши-рилган ернинг чинакам хўжайини ва мазкур ер участка-сида етиштирилган маҳсулотнинг эгаси бўлиш туйғусини вужудга келтириши керак.

Учинчидан, яқин истиқболда кичик ва ўрта бизнес ус-тун даражада ривож топади, у ялпи ички маҳсулотни етиш-тиришда белгилувчи ўрин олибгина қолмай, шу билан бирга аҳоли фаровонлиги ва даромадлари кўпайишининг энг муҳим манбаи ҳам бўлиб қолиши, энг муҳими эса —

иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиши лозим. Бунинг учун яқин вақт ичида кичик ва ўрта тадбиркорликни жадал ривожлантириш мақсадида зарур ҳуқуқий имконият, ташкилий ва иқтисодий шароит яратиб бериш, тадбиркорлик тузилмаларининг хом ашё ва кредит ресурсларидан, асбоб-ускуналардан, уз маҳсулоти сотиладиган бозордан бемалол фойдалана олалиган бўлиши, тадбиркорликни эндигина бошлаётганларни молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, шу муносабат билан микро кредитлашнинг яхлит тизимини яратиб бериш кўзда тутилади.

Туртинчидан, молия ва банк тизимларини янада ислоҳ қилиб бориш, банкларнинг ликвидлигини ва сармоялашув даражасини ошириш. Бундай банклар инвестиция жараёнининг асосий бўғини бўлиши, уларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлган корхоналарнинг чинакам ҳамкорларига айланиши лозим.

Бешинчидан, бозор инфратузилмасини, унинг бизнес соҳасига хизмат қилиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча муассасаларини устун равишда ривожлантириш. Шу муносабат билан тадбиркорларга кенг миқёсли хизматлар мажмуасини курсатадиган, улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга қўмаклашадиган консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта ва бошқа тузилмалар кенг миқёсда ривожлантирилиши керак.

Олтинчидан, иқтисодиётда мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, Ўзбекистоннинг жуда бой табиий маъдан-хом ашё ва меҳнат ресурслари, илму зиё ва фан-техника салоҳиятидан ғоят тўла-тўқис ва самарали фойдаланишга қаратилган тузилмавий ўзгартишларни собитқадамлик билан амалга ошириш. Иқтисодиёт тузилмасини ўзгартириш стратегияси тугал технология циклига эга бўлган, одатда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, маъдан ва қишлоқ хўжалик хом ашёси чуқур қайта ишланишини таъминлайдиган ишлаб чиқаришлар устун мавқени эгаллаши лозимлигини назарда тутади.

Айни вақтда асосан ўзимизнинг табиий ва хом ашё имкониятларимизга таянадиган, ички бозордагина эмас, ташқи бозорларда ҳам рақобатбардош бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий илғор технологиядан фой-

даланадиган ишлаб чиқаришларни устун равишда ривожлантириш кўзда тутилади. Мамлакат саноатини ривожлантириш “локомотивлари” бўлиб қола оладиган тармоқлар ва корхоналарни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади — уларни ривожлантириш бир-бирига боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришларнинг бутун бир занжирини илгари силжитиши лозим. Аввало автомобилсозлик, машинасозликнинг бошқа тармоқлари, кимё саноати, электротехника маҳсулоти ишлаб чиқариш шундай тармоқлардир. Бу соҳада ҳамон чет эллардан бутлаш деталлари ва материаллари олиб турган ишлаб чиқаришлар учун зарур нарсаларни маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш белгиланмоқда. Бундай ишлаб чиқаришларни ривожлантириш саноат ва умуман иқтисодиёт тузилмасини тубдан ўзгартирибгина қолмай, айна вақтда ресурслар ва маҳаллий хом ашёнинг барча турларидан самаралироқ фойдаланишни, республиканинг барча минтақаларида янги иш ўринлари ҳосил қилинишини, кадрларнинг касбкор даражаси анча оширилишини ҳам таъминлаши лозим.

Мазкур мақсадларга эришиш учун мамлакат иқтисодиётига хорижий сармояни кенг миқёсда жалб этиш зарур бўлади. Шу сабабли республика ҳукумати Ўзбекистон иқтисодиётининг таркибий ўзгаришларида, шунингдек мамлакатнинг ишлаб чиқариш қувватларини техника билан қайта жиҳозлаш ва модернизациялашни жадаллаштиришда хорижий инвестицияларнинг фаол иштирокини таъминлашга интилоқда. Бунинг учун Ўзбекистон раҳбарияти инвестиция солиш иқлимини янада такомиллаштириш ва республикадаги хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатларини мустаҳкамлашни режалаштирмоқда.

Еттинчидан, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини ва аввало валюта бозорини эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валюта — сўмнинг эркин муомаладаги валютага бемалол алмаштирилишини таъминлаш. Бунинг учун республика ҳукумати иқтисодиётнинг барча тармоқларида тайёр маҳсулотни экспорт қилиш ҳажмларини анча оширишга ва турларини кўпайтиришга эришиш, жаҳон бо-

зорларида Ўзбекистоннинг муносиб урнини фаол қарор топтириш ва мустақкам эгаллаш вазифасини ўз олдига қўймоқда.

Умуман, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тузилмавий ўзгаришларни чуқурлаштириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга оид зарур чора-тадбирларнинг амалга оширилиши Ўзбекистондаги ялпи ички маҳсулотни яқин истиқболда йилига 5—6 фоиз даражасида ўстиришни таъминлаш имконини беради. Шу муносабат билан яқин беш йил ичида пулнинг қадрсизланишини йилига 6—8 фоиз даражасигача пасайтиришни таъминлаш, солиқ, кредит воситалари ва бошқа чоралар орқали ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилашга кўмаклашиш, аввало қайта ишлаб чиқариш саноатида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришга таяниш, иқтисодиётнинг маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқлари улушини аста-секин ошириб бориш назарда тутилади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар аввало экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни барпо этишга қаратилган. Бу соҳаларда Ўзбекистон халқаро савдода ва жаҳон бозорига чиқишда нисбатан анъанавий устунликларга эгадир. Бу ўринда мақсадга эришиш воситаси сифатида 2000—2005 йиллар даврида иқтисодиётнинг айрим секторларини ривожлантириш соҳасидаги бир қанча мақсадли давлат дастурлари мавжуд. Бундай дастурларнинг кўпчилиги ишлаб чиқилган ёки тугалланиш босқичида турибди. Истеъмол бозорини республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулот билан тўлдириш, энергетикани ривожлантириш, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш, нефть ва газ саноати, геология-қидирув ишларини ривожлантириш, енгил ва ишлаб чиқариш саноатини техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш, юксак технологияли ва илм-фан ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш ва бошқа дастурлар ҳамда кичик дастурларни шулар жумласига қўшиш мумкин.

Мақсадли дастурларда янги технологияни жорий этиш ҳисобига рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш кўзда тутилган. Бунда яқин йилларда пахта хом ашёсини қайта ишлашни 1999 йилдаги 18 фоиздан 50 фоизга, ун йиллик даврнинг охирига борганда эса 65

фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда. Саноат маҳсулоти ҳажмида шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилган истеъмол молларини 55—60 фоизга, ун йиллик даврнинг охирига борганда эса 70 фоизга етказиш мўлжалланмоқда.

2005 йилгача ишлаб чиқаришнинг ҳар бир етакчи тармоғида маҳаллий хом ашё негизида бутлаш деталлари ва материалларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш дастурини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Кейинги беш йил ичида биринчи босқич вазифаларини амалга оширишни давом эттириш билан бир қаторда тузилмавий сиёсатнинг оғирлик марказини Ўзбекистоннинг халқаро савдодаги рақобатда устунликларини вужудга келтириш ва ривожлантиришга, маҳсулот ишлаб чиқариш саноатини юксак технологияли ва илм-фан ютуқларига асосланган тармоқларни жадал ривожлантиришга ўтказиш назарда тутилмоқда. Мана шундай шароитда машинасозлик, жумладан, мураккаб маиший радио-электрон техникаси ишлаб чиқариш, синтетик смола ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш, маҳаллий хом ашёдан фойдаланувчи фармацевтика саноати тармоқ “локомотивлари” ролини ўйнаши лозим.

Саноатнинг ишлаб чиқариш тармоқлари улушини аста-секин ошириб бориш мўлжалланмоқда, бу йўл Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар хом ашё манбаига айланиш тамойилини бартараф этишга кўмаклашади. Айни вақтда *ёқилғи-энергетика мажмуасида* фойдаланиш самарадорлигини имкони борича кўпроқ ошириш орқали мамлакатни ёқилғи ва энергия билан мутасил таъминлаш, ёқилғининг асосий турларини қазиб олиш ва ишлаб чиқаришдаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш, суюқ углеводлар қазиб олишнинг эришилган даражасини сақлаб қолиш билан бирга ёқилғи-энергетика маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш ва табиий газ ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш бош вазифа бўлиб қолаверади.

Машинасозликда умумий машинасозлик (маҳаллий қишлоқ хўжалик хом ашёсини чуқур қайта ишлайдиган машина ва механизмлар, енгил ва озиқ-овқат саноати учун технология асбоб-ускуналари ҳамда қишлоқ хўжалик учун механизация воситалари ишлаб чиқариш); самолётсозлик ва автомобилсозлик; қишлоқ хўжалик машинасозли-

ги (тракторлар, пахта териш машиналари, галла ўриш комбайнлари, қишлоқ хўжалик асбоб-ускуна ва анжомлари ишлаб чиқариш); кўтарма-транспорт асбоб-ускуналари ва мураккаб маиший радиоэлектрон техника ишлаб чиқаришга устунлик берилади.

Кимё мажмуасида истиқболдаги ривожланиш учун асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат: фосфор ва калийли ўғитлар, пахта линтидан целлюлоза ишлаб чиқариш, Кўнғирот кальцийланган ва каустик сода ишлаб чиқариш заводини қуриш, Шўртан газни қайта ишлаш мажмуасида нефть ва газ конденсатини чуқур қайта ишлаш негизида полиэтилен, полипропилен ва капролактама ишлаб чиқариш.

Енгил саноатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни икки баробар кўпайтириб, мамлакатда пахта толасини қайта ишлаш даражасини 28—30 фоизга етказиш устувор вазифа ҳисобланади. Жаҳон бозорида рақобатбардош калава ип, трикотаж газлама, ип газлама ишлаб чиқарадиган ҳамда тайёр кийим-кечак тикадиган саноат ривож топади.

Озиқ-овқат саноатида республикада етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаш улушини 30—35 фоизга етказиш (қуритилган мева, мева-сабзавот консервалари, шу жумладан болалар таоми ишлаб чиқариш) энг муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигидаги тузилмавий сиёсат жаҳон ва ички бозордаги ҳолатга ҳамда зоналарни ихтисослаштириш шароитига мувофиқ равишда экинзорлар таркибинини энг мақбул тарзга келтиришга қаратилган. Пахта, дон ва картошка ҳосилдорлигини ва уларни етиштириш самарадорлигини ошириш билан бирга сабзавот, боғ маҳсулотлари ва узум ҳосилдорлигини, шунингдек чорвачилик маҳсулотларини кескин кўпайтириб, озиқ-овқат ва енгил саноатда пировард маҳсулот ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш режалаштирилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасида транспорт, алоқа, ахборот технологиялари ва дастурий таъминотни ривожлантириш устувор вазифалардир. Маориф ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун кадрлар тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан яқинда қабул этилган давлат дастурлари асос бўлиб қолади.

Хорижий сайёҳлик Ўзбекистондаги хизмат соҳасининг экспортга йўналтирилган энг муҳим тармоғидир. Шу сабабли республикада қулай меҳмонхоналар, кемпинглар қуриш, сайёҳликнинг кўмакчи соҳаларини ривожлантириш, сайёҳлик базаларини модернизациялаш, янги автотрассалар қуриш ва мавжудларини реконструкциялаш давом эттирилади. Ўзбекистон “Буюк ипак йўли” номли жаҳоншумул кўшма лойиҳада қатнашишдан манфаатдордир.

Узоқ муддатли истиқболда экспорт салоҳиятини оширишдан кўзланган мақсад экспорт тузилмасида ҳам ашё товарлари салмоғини аста-секин камайтира бориб, айна вақтда юксак даражада қайта ишланган рақобатбардош маҳсулот улушини кўпайтиришдан, шунингдек экспорт қилинадиган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва Ўзбекистонга валюта маблағлари жалб этишни оширишдан иборат. Келгуси 10 йилда асосан экспорт таркибидаги “индустриал” маҳсулотлар ҳисобига экспорт ҳажмини уч баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Бунда ялпи ички маҳсулотдаги экспортнинг улуши 25 фоиздан 45 фоизгача кўпайтирилади. Экспорт таркиби кўп жиҳатдан ўзгаради — машиналар ва асбоб-ускуналар улуши 4 фоиздан 17 фоизга етказилиши керак, пахта толаси экспорт қилиш 38 фоиздан 16 фоизга камайтирилади, қайта тикланмайдиган табиий ресурслар экспорти 15 фоиздан 7 фоизга келтирилади. Ҳам ашё ва табиий ресурслар бўйича бу кўрсаткичларнинг миқдори мамлакат иқтисодий хавфсизлигига зарар етказадиган даражадан пастроқ бўлади. Бу эса экспорт салоҳиятини кенгайтиришнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий воситаларини вужудга келтириш ҳисобига таъминланади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва унинг 2005 йилгача бўлган даврда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишини чуқурлаштириш дастурини, шунингдек валюта бозорини эркинлаштириш дастурини ишлаб чиқариш ниҳоясига етказилмоқда. Бу дастурлар Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштиришга оид чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Белгиланган иқтисодий мақсадлар ва вазифаларга эришиш учун республика иқтисодиётига инвестиция солиш ҳажмини корхоналар ва аҳолининг жалб этиладиган ўз маблағи, шунингдек хорижий инвестиция ҳисобига уч ба-

робар кўпайтириш назарда тутилмоқда, умумий инвестициялар ҳажмида хорижий инвестицияларнинг улуши 30 фоизгача етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Ўзбекистонда инвестиция солиш фаоллигини рағбатлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш шартшароитини янада яхшилаш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг истиқбол дастурларида таъкидланишича, хорижий инвесторлар ўз маблағлари республикада амалда бўлган “Хорижий инвестициялар ҳамда хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ёрдамида ишончли равишда ҳимояланишига ишончлари комил бўлиши мумкин. Бу қонун хорижий инвестициялар учун кенг имкониятлар ва кафолатлар беради, халқаро шартномаларнинг устуворлигини назарда тутди. Республика давлат инвестиция дастурида қатнашувчи хорижий инвестицияли корхоналар етти йил муддатгача фойда солиғи тулашдан озод қилинади. Уларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва корхоналарни технология жиҳатидан модернизациялашга сарфланган даромад қисмидан солиқ тулашдан ҳам озод қилиш кўзда тутилган.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантирмай туриб, иқтисодий тараққиётнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга ошириб бўлмайди, яқин 2—3 йил ичида кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантириш ҳисобига унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 25 фоизгача кўпайтириб, келгусида 35—40 фоизга етказиш белгиланган. Кичик ва ўрта бизнес стратегияси уни саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши соҳасига, аввало маҳаллий хом ашёни чуқурроқ қайта ишлашга йўналтиришдан иборат. Истиқболда кичик тадбиркорлик шакллантирилган бозор инфратузилмаси асосида, йирик ва ўрта корхоналар билан хўжалик алоқаларини чуқурлаштириш, инновация фаолиятини жадаллаштириш асосида ривожлантирилади. Кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий тадбиркорликни саноатда, аграр мажмуада, савдо-сотиқ, хизмат соҳасида, банк ишида ва бошқа соҳаларда ривожлантириш натижасида 500 мингдан зиёд янги хўжалик субъектларини вужудга келтириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати 2000 йилнинг февраль ойида қабул қилган қарорида кичик ва ўрта бизнес корхонала-

ри учун ҳисоботни қисқартириш кўзда тутилган. Ҳукумат қарорида, жумладан, шундай дейилади: бир қанча вазирлик ва идоралар, шунингдек маҳаллий ҳокимият идоралари қонунчиликда кўзда тутилмаган қўшимча ҳисобот шакллари жорий этаётганлиги фактларига йўл қўйиб бўлмади деб ҳисобланади. Бундай тажриба тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилади, деб таъкидланади ҳукумат қарорида.

Умуман иқтисодий ривожланиш узоқ муддатли стратегиясининг натижадорлиги кўп жиҳатдан аграр секторда қишлоқ мулкдорлари синфини шакллантиришга ҳамда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни яратишга қаратилган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш билан белгиланади.

Фермер ҳўжаликлари каби самарали тузилмаларни шакллантириш ернинг давлат мулки бўлиб қолиши шароитида ерни ижарага олишни ривожлантириш, товар ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасидаги шартномавий муносабатларни такомиллаштириш қишлоқдаги бозор ислоҳотларининг муҳим йўналишларидир. Давлат ўзининг инвестиция сиёсати, сув ҳўжалиги соҳасидаги қўшимча тузилмаларнинг самарали ишлашини таъминлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш орқали қишлоқни ривожлантиришга ёрдам беради.

Ижтимоий сиёсатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: аҳолининг даромадларини ва унинг харид қувватини ошириш; аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг аниқ-равшанлигини кучайтириш ва самарадорлигини ошириш; Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тинимсиз амалга ошириш; соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш.

Президент И. Каримов 1999 йил декабрида сўзлаган нутқларидан бирида халқнинг турмуш даражасини доимо оширишни таъминлаш Ўзбекистон учун биринчи устувор вазифа эканини таъкидлаб, аҳолининг кам таъминланган табақаларига ёрдам бериш зарурлигига алоҳида эътиборни қаратди. Бу вазифани республика иқтисодиётини муттасил ўстириш ва унинг самарадорлигини ошириш ҳамда демократик бозор ислоҳотлари негизида ҳал этиш кўзда тутилади. Шу муносабат билан, Президент-

нинг таъкидлашича, яқин беш йил ичида иқтисодий соҳада қуйидагилар белгиланган:

1) энг кам иш ҳақини 3,5 баробар ошириб, аҳоли жон бошига туғри келадиган даромадлар даражасини 1,8—2 баробар купайтириш;

2) миллий валютанинг қадрсизланишига қарши кескин чоралар куриш ва шу асосда одамларнинг реал даромадини доимо ошириб бориш;

3) аҳолига давлат томонидан курсатилаётган ижтимоий ёрдам ҳажмларини купайтириш билан бир қаторда бу ёрдамнинг аниқ-равшанлигини ошириш, яъни биринчи галда ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлган оилаларга ёрдам берилишига эришиш. Мазкур аниқ мақсадларни амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органларига — маҳалла қўмиталарига кенг миқёсда таяниш;

4) ногиронларни фаол тулақонли ҳаётга қайтариш, шунингдек ногирон болаларга тиббий-ижтимоий ёрдам бериш мақсадида 2005 йилгача мулжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

5) аввало қишлоқда ишсизларни ва ортиқча ишчи кучини жалб қилиш учун меҳнат бозорини шакллантириш, Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳри буйича аниқ-равшан янги иш жойларини ҳосил қилиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бунинг учун хорижий инвестициялар ва ички резервларни кенг миқёсда жалб этиш;

6) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало, қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш соҳасидаги давлат дастурини тула-туқис бажариш, 2005 йилгача ичимлик сув таъминоти даражасини 85 фоизга, табиий газ таъминоти даражасини 82 фоизга етказиш;

7) соғлиқни сақлаш ва экология хавфсизлиги соҳасидаги дастурни турмушга татбиқ этиш масаласини қаттиқ назорат остига олиш.

“Агар биз ислоҳотларимизнинг иккинчи устувор йўналишига — сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштиришга, давлат ва жамоат қурилишини эркинлаштиришга алоҳида эътибор берсак, — деди Ислоҳ Каримов, — мана шу барча ўта муҳим вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин бўлади”.

“Сиёсий соҳани эркинлаштириш, — деди сунгра Ўзбекистон Президенти, — аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш демакдир. Бу — зарур қонунчилик, ҳуқуқий майдонни вужудга келтириш, демократиянинг энг муҳим тамойили — танлаб олиш, одамларнинг ўз фикрини эркин изҳор қилиш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини таъминлаш учун реал имкониятларни шакллантириш демакдир”.

“Иқтисодий соҳани эркинлаштириш, — деб уқтирди Каримов, — биринчи навбатда давлатнинг бошқарув ролини чеклаш, ҳужалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини ҳар томонлама кенгайтириш демакдир. Мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва бозорнинг кўмакчи соҳаларини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳужалигини ривожлантиришни диққат марказида тутиш, қишлоқ ҳужалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тула миқёсда амалга оширилишига, ер ўзининг ҳақиқий ҳужайинига топширилишига эришиш, унга ўз меҳнатининг натижаларидан тула-тукис фойдаланиш учун шароит яратиб бериш демакдир”.

“Учинчи устувор йўналиш, — деб таъкидлади у, — жамиятимизни маънавий жиҳатдан янада янгилашдир. Бизнинг олдимизда эркин фуқаронинг, шахснинг маънавиятини шакллантириш, бошқача қилиб айтганда ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, ўз кучи ва қобилиятига таянадиган, теварак атрофда рўй бераётган воқеаларга мустақил назар билан қарай оладиган ва шу билан бирга шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун равишда бирга қўша оладиган ҳар томонлама камол топган эркин кишиларни тарбиялаб вояга етказиш вазифаси турибди”.

Ўзбекистон Президенти кадрлар тайёрлашни тўртинчи устувор йўналиш деб ҳисоблайди. “Оддий бир ҳақиқатни қайта-қайта такрорлашни истайман, — деди Ислоҳ Каримов. — Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап оқибатда, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Му-

болағасиз айтиш мумкин: бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ”.

Каримов жаноблари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни бешинчи устувор йўналиш деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, мазкур ўзгаришлар тармоқлар ва корхоналарни янгилаш ва техника билан қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-ҳом ашё салоҳиятидан тула ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Ўзбекистон учун олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, республика сарҳадлари дахлсизлигини ва мамлакат ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат. “Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, дунёдаги барча мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли шерикчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор маълум қилмоқчиман. Биз XXI аср бўсағасида, янги ишлар бўсағасида турибмиз. Модомики шундай экан, сиз билан бизнинг вазифамиз — замоннинг барча даъватларига муносиб жавоб беришдан иборат. Ўз истиқболимизни аниқ-равшан тасаввур қилишимиз, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашимиз, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишимиз лозим”.

Шундай қилиб, Ўзбекистон тараққиётининг яқин истиқболдаги асосий ва устувор йўналишларини республика раҳбарияти аниқ-равшан белгилаб берган. Айни вақтда мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилишни сиёсий соҳани янада эркинлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаш, жамиятни маънавий жиҳатдан янгилаш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш мўлжалланаётганлиги фактини таъкидлаб ўтиш муҳимдир.

Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг истиқболга мўлжалланган юқоридаги дастурларини амалга ошириш учун жуда яхши имкониятлар бор. Ҳозирнинг ўзидаёқ қулай иқтисодий вазият вужудга келган, мамлакатни

ривожлантириш учун пойдевор яратилган. Бу эса аҳолининг турмуш даражасида аниқ акс этмоқда. Аҳоли сонига нисбатан ялпи ички маҳсулот илдамроқ купайиб бориши ҳисобига одамларнинг фаровонлиги изчил ва барқарор ўсмоқда: иш ҳақи, пенсия, стипендия ва шу кабилар ошиб бормоқда.

Аҳолининг энг ночор табақалари — кам таъминланган оилалар, ногиронлар, яқка-ёлғиз пенсионерларни давлат томонидан аниқ-равшан ижтимоий қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Ижтимоий ҳимоялашни таъминлашнинг пишиқ-пухта меъёрий-ҳуқуқий негизи ва воситалари яратилган. Уларнинг ўзаги — жамият асоси бўлган оилага қаратилганлиги, кўрилаётган чора-тадбирларнинг аниқ мақсад ва манзилга йўналтирилганлигидир. Ҳар йили Ўзбекистонда аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга салкам 19 млрд сўм ёки салкам 400 млн доллар сарфланмоқда. Бугунги кунда давлатнинг иқтисодий сиёсати рўёбга чиқарилиши туфайли 16 ёшгача болалари бўлган 1 млн дан кўпроқ оила, 260 мингдан зиёд кам таъминланган оила ва салкам 540 минг ишламайдиган ва икки ёшгача болалари бўлган оналар моддий ёрдам олиб турибди.

Аҳолини иқтисодий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга аввало қишлоқ жойларда алсҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда тараққиётнинг ўз йўлидан олға силжиши натижасида аҳолининг турмуш даражаси яхшилана бошлади. Масалан, 1991 йилда республикада аҳоли жон бошига йилига 170 кг нон истеъмол қилинган бўлса, ҳозир бу курсаткич 110 кг га тушди. (Аҳолининг турмуш даражаси паст бўлганида нон истеъмоли кўпроқ бўлиши ҳаммага маълум, чунки бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига пул етмайди). Нон-булка маҳсулотларини истеъмол қилиш қисқаргани ҳолда оқсил ва ёққа бой бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш кўпайди. Ўзбекистонликлар дастурхонида сут, сарёғ, парранда гўшти, тухум, балиқ ва шу каби озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайди. Гўшт маҳсулоти истеъмол қилиш 30 фоиз, усимлик ёғи — 20 фоиз, мева — 30 фоиз, сабзавот ва полиз маҳсулоти — 15 фоиз, қанд-шакар истеъмол қилиш 3 фоиз ошди.

Мустақиллик йилларида 70 йиллик шуро даврига нисбатан қишлоқларни газлаштириш ва ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 5—6 баробар кўпайди. Масалан, Наманган вилоятида бутун шуролар даврида ҳаммаси бўлиб 95 минг хонадон табиий газ билан таъминланган эди. Мустақилликнинг дастлабки беш йили мобайнида бу ерда 90 минг хонадон газлаштирилди. 90-йилларнинг бошларигача Наманган вилоятида ичимлик сув ҳам етишмас эди. 1997 йилда Учқўрғон—Наманган водоводи ишга туширилгач, вилоят аҳолиси ичимлик сув билан тула-туқис таъминланди.

Пулнинг қадрсизланишига қарши самарали чора-тадбирлар қўрилиши ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилиши, шунингдек истеъмол бозори зарур товарлар билан тўлдирилиши натижасида 90-йилларнинг ўрталаридаёқ турмуш даражаси пасайишининг тўхтатилишига муваффақ бўлинди. Кейинги йилларда эса кўпгина курсаткичлар бўйича турмуш даражаси юқсалиб бораётганлиги тамоёйли кузатилмоқда.

Болалар ўлими қисқарди, умр кўриш узунлиги ошди, жиноятчилик даражаси кескин пасайди, ҳозир бу курсаткич МДХ мамлакатлари орасида энг паст даражада турибди.

Иқтисодийёт барқарорлашганлиги, инвестиция фаолияти фаоллашганлиги, кичик ва ўрта бизнес давлат томонидан қўллаб-қувватланиши туфайли янги иш жойларини ҳосил қилиш ва иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш мумкин бўлди. Ўзбекистондаги демографик вазият мураккаблигига, ишга жойлашиш муаммоси ҳамisha энг қийин бўлиб келганлигига қарамай, ҳозир республикада иқтисодийёт муттасил ривожланиб бориши туфайли ишсизлик даражаси Ҳамдўстликдаги энг паст нуқтада турибди. МДХ Давлатлараро статистика қўмитасининг маълумотларига қараганда 2000 йилнинг март ойи охирида Халқаро меҳнат ташкилоти талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган бу курсаткич (мустақил равишда иш қидирувчи ишсизлар ҳам қўшиб ҳисобланади) собиқ совет республикалари орасида Ўзбекистонда иқтисодий фаол аҳоли қисмининг умумий сонига нисбатан 0,5 фоизни ташкил этади (МДХ бўйича ўрта ҳисобда — 11 %).

1999 йилда мамлакат аҳолисининг пул даромадлари умумий ҳажми 1998 йилга нисбатан 62 фоиз кўпайди (1

доллар = 1999 йил декабрь ойининг охирида 140 сўм). Аҳоли пул харажатлари ва жамғармаларининг жами ҳажми 1999 йил мобайнида 62,7 фоиз кўпайди. Республикада аҳоли жон бошига туғри келадиган ўртача номинал пул даромадлари 1998 йилга нисбатан 1,6 баробар кўпайиб 62,1 минг сўмни ташкил этди. Аҳоли даромадлари таркибида меҳнат ҳақидан тушумлар 498,6 млрд сўмни (1998 йилга нисбатан ўсиш 57,2% ни ташкил қилди), қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан даромадлар 356,3 млрд сўмни (ўсиш 60,8 %), ижтимоий трансфертлар 221,4 млрд сўмни (ўсиш 67,1 %), мулкдан, тадбиркорликдан ва бошқалардан тушган даромадлар 439 млрд сўмни (ўсиш 66,4 %) ташкил этди. 1999 йил мобайнида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1,6 баробар кўпайиб, 8661,8 сўмни ташкил этди. 1999 йил декабрь ойида ҳисоблаб ёзилган ўртача иш ҳақи 1998 йил декабрига нисбатан 1,5 баробар кўпайиб, 12 582,4 сўмни ташкил этди. Айтилиши вақтда Ўзбекистонда пулнинг ўртача ойлик қадрсизланиши 1999 йилда 1,9 % га тенг бўлди.

Нью-Йоркдаги “Оксфорд юниверсити пресс” нашриётида “1999 йилда инсоннинг ривожланиши туғрисида маълумотнома” эълон қилинди. БМТ мутахассислари томонидан тайёрланган ушбу ҳужжатнинг мазмуни турли мамлакатларнинг глобаллашув шароитидаги ўзаро боғлиқлиги ўсишини таҳлил қилишдан иборат. Ҳужжатда асосий мезон сифатида инсон салоҳиятининг ривожланиш индекси деб аталган кўрсаткичдан фойдаланилган, бу индекс учта асосий кўрсаткич: умр узюқлиги, аҳолининг саводхонлик савияси ва даромадлари бўйича турмуш даражасини акс эттиради. Мазкур маълумотномага биноан Ўзбекистон инсон салоҳиятининг ривожланиши ўртача даражасига эга бўлган мамлакатлар гуруҳида турибди. Бу собиқ совет Иттифоқи республикалари орасида энг яхши кўрсаткичдир, бинобарин Ўзбекистон МДХ мамлакатларидан мазкур гуруҳга киритилган бирдан-бир мамлакатдир.

АҚШ сайлов тизимлари халқаро фонди 1999 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон аҳолиси ўртасида сўров ўтказди. Саволларга жавоб берган фуқароларнинг 82 фоизи мамлакатда катта ўзгаришлар рўй бермоқда, деб ҳисоблайди, республика аҳолисининг 80 фоизи эса ҳозир Ўзбекистон ҳукумати халқ турмушини анча яхшилашга қодир, деган фикрни билдирди.

Кейинги йилларда давлат узининг иқтисодий сиёсатида асосий эътиборни оилага моддий ёрдам беришга қаратди. Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашда оиланинг ролини оширишга жуда катта аҳамият берилмоқда. Республикада оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида етарлича жиддий кафолатлар мавжуд, ёш авлоднинг маорифи ва ҳунар тайёргарлиги тизими ислоҳ қилинмоқда, оилани мустаҳкамлашга кўмаклашадиган, унга моддий мадад берадиган турли фондлар тuzилган. Давлат нон, жамоат транспорти ва коммунал хизматларга белгиланган паст нархларни ушлаб турибди.

Ўзбекистонда аҳолига бепул тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ривожланган тизими яратилган, бу тизим умумий ва тор ихтисослашган тиббий хизматнинг ҳар хил турларидан бемалол баҳраманд бўлишни таъминлайди. Республикада 1300 тадан кўпроқ касалхона, 3000 тадан зиёд амбулатория, поликлиника муассасалари, қишлоқ врачлик пунктларининг кенг тармоғи ишлаб турибди. Барча ихтисослардаги 76 мингдан кўпроқ врач малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. 298 кишига ўрта ҳисобда бир врач тўғри келади. Бу кўрсаткич кўпгина ривожланган мамлакатлардан анча кам. Чунончи Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Кореяга нисбатан Ўзбекистондаги аҳоли малакали врачлик ёрдами билан 3—4 баробар, Малайзия, Ҳиндистон ва Покистонга нисбатан 6—8 баробар кенгроқ қамраб олинган. Мамлакатда дунёда биринчи марта икки даражали “Соғлом авлод учун” ордени таъсис этилганлиги давлат уз фуқароларининг соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор бераётганлигини тасдиқлайдиган фактдир.

2000 йилда Ўзбекистонда “Соғлом авлод” давлат дастурини амалга оширишга киришилди. Унда соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Республикада 300 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этилган. 30 шаҳар ва туманда шошилиш тиббий ёрдам бўлимлари ишлай бошлади, 50 та шаҳар ва туманда уларни ташкил этиш энди ниҳоясига етказилмоқда. Бундан ташқари “Она ва бола скрининги” дастури муваффақиятли бажарилмоқда. Республика маркази, шунингдек Нукус, Андижон ва Қаршида минтақа марказлари тuzилган.

Ўзбекистоннинг илмий салоҳияти ундаги иқтисодий кудратнинг асосини ташкил этади. Ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва бозор иқтисодиётига ўтилиши тегишли кадрлар салоҳиятини, малакали мутахассислар тайёрлаш даражасини оширишни талаб қилади. Бу эса маориф, фан ва маданият тизимида туб ислоҳотлар зарурлигини тақозо этади.

Ўзбеклар диёрида атоқли олимлар етишиб чиққан, жаҳон фани улар билан фахрланади. Ўзбекларнинг буюк аждодлари ўз авлодларига гоят қимматли мерос қолдирганлар. Олис ўтмишда ҳозир Ўзбекистон ҳудудида қилинган кашфиётлар жаҳон фани ва маданиятининг олтин фондидан жой олган. Бутун дунёда номлари машҳур бўлган алломалар илм-фан хазинасининг сарчашмаларида турганлар. Математик ва астрономлардан ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Жавҳарий, Марвазий, Улуғбек; файласуф ва диний ҳуқуқшунослардан ал-Форобий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Бахоуддин Нақшбанд, Марғиноний, Насафий; қомусий олимлардан Беруний, Ибн Сино; тилшунос ва шоирлардан Қашғорий, Юсуф Хос Хожиб, Замахшарий, Алишер Навоий; тарихчилардан Бобур, Абулғозий Баҳодурхон, Огаҳий ва бошқа кўпгина зотлар шулар жумласидандир. Улар жаҳон тамаддунини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшганлар.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкин: ҳозир айрим ривожланган давлатларнинг аҳолиси ҳали қабила-қабила тарзида яшаб турган пайтларда қадимий ва ўрта аср Ўзбекистони ҳудудида илм-фан ва санъат равнақ топган. Жумладан, тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилган. Ўрта аср шароитида Мирзо Улуғбек кўрсатган илмий жасорат ҳозирги замон олимларини ҳали ҳам ҳайратга солмоқда. "... Келажак бизники, — дейди фахрланиб Ўзбекистон Президенти, — тарихнинг ҳукми ана шундай. Масалан, ал-Хоразмийни олиб кўрайлик. Ҳозир "алгебра" "алгоритм" атамалари унинг номи билан боғлиқ эмасми ахир?! Американи Колумб очган, дейдилар. Ҳолбуки буюк аждодимиз Беруний ундан 500 йил аввал Америка қаерда жойлашганини харитага чизиб қўйган. Ер куррасининг турли жойларида европаликлар Авиценна деб атайдиган Ибн Сино ишлаб чиққан жарроҳлик операциялари, даволаш усуллари, дори-дармон-

лар ҳақида кўплаб илмий диссертациялар ёқланмоқда. X асрда яшаган буюк аждодимиз ўзининг “Ал қонун фиттиб” асарида тиббиёт фани қонунларини баён этмаганми ахир? Форобийчи? Амир Темур буюк саркарда ва давлат арбобигина бўлган эмас, бу ноёб инсоннинг адолат ўрнатишдаги, Европани озод этишдаги хизматларини эсдан чиқариб бўладими ахир?! Бундай шахслар тарихда унчалик кўп эмас. Сиз билан биз Коперник ва Галилейни биламиз. Аммо аждодимиз Улуғбек осмондаги юлдузлар жадвалини ҳаммадан олдин тузиб, 1200 юлдузнинг ўрнини курсатиб берган. Биз ана шундай зотларнинг меросхўрларимиз!”

Буюк географ Абу Райҳон Беруний Хивада туғилиб ўсган, Христофор Колумб кашфиётидан 500 йил аввал Атлантика океанининг нарёғида Америка қитъаси мавжудлигини башорат қилган ва ҳатто унинг харитасини чизиб берган. Минг йил муқаддам Хоразм диёрида инсоният тарихидаги дастлабки академиялардан бири — Маъмур академияси тузилган эди.

Ўрта асрлар жаҳон фанининг асосчиларидан бири аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилеи 1998 йилда ЮНЕСКО йўли билан нишонланди, у инсоният тарихида Илк уйғониш даврининг энг йирик ва ёрқин намояндаларидан биридир, у ўз даврининг фундаментал фанига асосланганлардан биридир. Ал-Фарғонийнинг “Астрономия асослари” деб аталган буюк асари XII асрдаёқ лотин ва иврит тилларига таржима қилинган. Европада китоб нашр қилина бошланиши билан эса XV асрда у Италияда, кейинроқ Германия, Франция, Голландия ва АҚШ каби мамлакатларда кўп марталаб нашр этилди. Бу асар минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида астрономия бўйича ўзига хос қомус ролини бажарди. Дунёнинг энг муътабар, обрўли университетларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланилиб келинди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг Ер юмалоқ шаклга эга эканлиги ҳақидаги фикрини орадан 800 йил ўтгач, машҳур сайёҳ Христофор Колумб тасдиқлади. Колумб ер меридианининг бир градуси ўлчовлари хусусида Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳисоблаш китобининг тўғрилигига тула-тўқис амин бўлганлигини таъкидлаган эди. Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида маориф ва фан соҳасидаги буюк ютуқлар VIII асрдан XV асргача ўтган

даврга тўғри келади. Муътабар тарихчиларнинг далолат беришича, Самарқандда 2000 йилдан кўпроқ вақт муқаддам ўғил болаларни беш ёшдан ёзиш ва ҳисоблашга ўргатишар, ўспиринлик ёшида эса, савдо-сотиқни ўрганиш учун карвонлар билан бирга жўнатишар эди. Сал кейинроқ минтақа шаҳарларида ирригация ва саёҳатга, қурилиш ва савдо-сотиққа амалий эҳтиёж заминида ўспиринларга математикани ўргатиш яхши йўлга қўйилган эди. Шундан кейинроқ, X асрнинг бошларида бу ерда ўрта ва олий мусулмон мактаблари — мадрасалар барпо этила бошланди. Шу ердан улар мусулмон дунёсининг турли минтақаларига ёйилди.

Ўзбеклар тарихининг шу даври астроном ал-Фаргоний (IX аср), файласуф ал-Форобий (IX аср), математик ал-Хоразмий (XI аср), аллома Беруний (X асрнинг охири — XI асрнинг биринчи ярми), буюк астроном Улугбек (XV аср), Абу Али ибн Сино (X-XI асрлар) каби жаҳон фанининг даҳолари ижоди билан машҳурдир. Ибн Сино томонидан ёзилган тиббиётга оид асарлар лотин тилига таржима қилиниб, неча юз йиллар давомида бутун дунёда шифокорлар учун дарслик бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, Тошкент марказида Амир Темур ҳайкали ўрнатилганлиги бежиз эмас. Қўли билан истиқболга чорловчи шунқор чавандоз Темур тулпор отда ўтирибди. Ислоом Каримовнинг фикрича, бу ҳайкал ўтмиш билан келажакнинг боғлиқлигидан нишонадир. Ўзбекистонда Темур ўзбек халқи тарихида бениҳоя муҳим роль ўйнаган атоқли давлат арбоби, буюк соҳибқирон сифатида эътироф этилади.

Темур ўз салтанатининг мукамал давлат тузилишини яратган, етарлича пишиқ-пухта қонунлар тизимини вужудга келтирган. Унинг даврида ўша вақт учун улкан суғориш иншоотлари қурилган, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ, шаҳарлар қурилиши ва меъморчилик равнақ топган. Темур фавқулодда шахсий фазилатлар соҳиби — зўр иродали, довжорак, ўткир зеҳнли, ҳарбий ва давлат ишларини бошқариш истеъдодига эга инсон бўлган. Ҳарбий тарихчилар Темурни энг буюк саркардалар жумласига қўшадилар.

Шу сабабли Президент Ислоом Каримов ўзбекларнинг бой маънавий ва илмий меросини эътиборга олиб, ҳозирги

Ўзбекистоннинг тараққиётини “Ўтмиш орқали олға!” қондасига биноан эълон қилди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миллий илмий тафаккурнинг буюк аждодлар асос солган анъаналарини давом эттириш ва бойитиш учун ҳамма шарт-шароит мавжуд. Мамлакат юксак маориф даражаси билан ажралиб туради, аҳолининг ялпи саводхонлиги муаммоси тўла-тўкис ҳал этилган. Республикада саводхонлик даражаси 99,06 фоизни ташкил этади, бу эса Ўзбекистонни инсон салоҳияти юксак даражада тараққий этган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлар қаторига чиқиши учун имкон яратди. Мажбурий умумий ўрта таълим қонун билан мустаҳкамланган, бу маълумотни кенг тармоқли умумий таълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, ўрта ҳунар ўқув юртлиари ва бизнес мактаблари орқали олиш мумкин. Ўрта ва олий ўқув юртлиарида ўқиш эса бепулдир.

Давлат илм-фан ва маорифнинг жамият ҳаётидаги мавқеини эътиборга олиб, республиканинг келажагини таъминловчи устувор фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватламоқда.

Ҳозир Ўзбекистонда миллий кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз маориф тизимининг мутлақо янги модели муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитишнинг узлуксиз тизимида одамларни жуда ёшлигидан то касб-кор ўргангунигача таълим жараёнига жалб қилиш кўзда тутилади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларида-ноқ маориф ва кадрлар тайёрлаш, ёш авлоднинг маънавиятини ошириш, илму зиё салоҳиятини ривожлантириш, бутун мамлакат миқёсида ҳунар таълимини ислоҳ қилиш жуда зарурлиги сезилди. Шу сабабли 1997 йилда Президент Каримовнинг ташаббуси ва шахсан иштироки билан Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ишлаб чиқилди, бу модел Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзагини ташкил қилди.

Ўзбекистон мутахассислари бу дастурни ишлаб чиқишга киришганларида маориф ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш соҳасидаги мамлакат ва чет эл тажрибасини ҳар томонлама ўргандилар. Унга кўпгина муҳим омиллар — шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш омиллари киритилганлиги янги

моделнинг ўзига хос хусусияти бўлди. Янги моделнинг бош мақсади рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлашдан, уларда шахсият ва ижтимоий аҳамиятли фазилатларни ривожлантиришдан иборат.

Урта махсус таълим ўқув муассасаларининг икки тури: академик лицейлар ва ҳунар коллежларида қатнаб ўқиш шаклида амалга оширилади. Академик лицей ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини эътиборга олиб, уларни ақлий жиҳатдан интенсив ривожлантиришни, ҳар бир касбни табақалаштирилган ҳолда чуқур ўргатишни, билим савиясини ошириш ҳамда фанларни чуқур ўрганишни назарда тутувчи махсус касб кўникмаларини шакллантиришни таъминлайди. Академик лицейлар, қоида тарзида, олий ўқув юртлари, университетлар қошида ташкил этилади.

Ҳунар коллежи ўқувчиларнинг ҳунар соҳасидаги билимларини, кўникмалари ва маҳоратларини чуқур ривожлантириш билан бирга юксак билим савиясини, ўқувчиларнинг узлари танлаб олган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллашларини таъминлайди. Академик лицейлар ва ҳунар коллежларини битириб чиқувчилар олий ўқув юртларига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўладилар. Олий таълим сифатини ошириш, қўйиладиган замонавий талабларга жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрланишини таъминлаш мақсадида олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлашнинг икки босқичли тизими — бакалаврият ва магистратура жорий этилади.

Ислоҳотларни давлат амалга оширади, у ҳозирнинг узидаёқ ислоҳотлар муқаррарлигининг ва ривожланиб боришининг кафилидир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига катта вазифа юклатилган.

1998/99 ўқув йилида 14 та академик лицей ва 18 та ҳунар коллежида 250 та ўқув дастурини ўз ичига олган 50 та давлат таълим андозаси синаб кўрилди. Бундан ташқари 104 йўналиш бўйича ўқув режалари тайёрланди ва экспертизадан ўтказилди, 1000 дан ортиқ предмет бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилиб, 1999/2000 ўқув йилида синаб кўрилди.

Талабаларнинг билими сифатини баҳолашнинг рейтинг тизими тажриба қилиб кўрилмоқда, бу тизим уму-

мий ўрта ва олий таълим рейтинглари билан узвийликни таъминлайди. Ўрта махсус таълим йўналишлари ва ихтисослари классификатори, шунингдек кичик мутахассисга нисбатан малака талаблари ишлаб чиқилди. 2000 йил июль ойида давлат таълим андозалари жорий этилди. Бакалаврият йўналишларидаги 268 та давлат андозасининг 250 тадан зиёди синаб қўрилмоқда.

Академик лицей ва ҳунар коллежларини малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар билан таъминлаш учун раҳбар ходимлар ва педагог кадрларни танлаш, аттестациядан ўтказиш, тайёрлаш, малакани ошириш ва қайта тайёрлашга доир мақсадли дастур амалга оширилмоқда. 1999 ва 2000 йилларда педогогларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга бўлган эҳтиёж 2,5 — 3 минг кишини ташкил этди; бу ишни база вазифасини бажарувчи олий ўқув юртлири таъминлайди. Умуман Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳот йилларида фақат ўрта махсус, ҳунар таълими муассасалари учунгина бакалавриятнинг 86 та янги муҳандислик-педагоглик йўналишлари бўйича 50 мингдан кўпроқ педагог кадр тайёрланиши зарур.

1998 йилда тажриба тариқасида 34 та академик лицей ва ҳунар коллежи, 1999 йилда 117 ўрта махсус, ҳунар таълими муассасаси ишга туширилди. 2000 йилда 174 та ҳунар коллежи ва 13 та академик лицей очилиши, бундан ташқари, 109 та ҳунар коллежи ва етти та академик лицейнинг таъмирлангандан кейин очилиши мўлжалланди. Шу тариқа республиканинг ҳар бир шаҳри ва туманида биттадан таълим муассасаси бўлиши таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши қандай самара беради, деган саволга жавобан Ислон Каримов бундай деди: “Биринчидан, кўзда тутилган тадбирлар мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади, мавжуд муҳитни тубдан ўзгартиради, иккинчидан, янги таълим моделининг амал қилиши инсоннинг жамиятдаги ўз ўрнини аниқлаш жараёнини жадаллаштиради. Чунки ҳар бир киши ўспиринлик чоғида, камол топаётган даврда жамиятдаги ўз ўрнини топиши ва аниқлаб олиши керак. Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда эркин фикрлайдиган шахсни шакллантиришга олиб боради. Биз ўз қадр-қиммати билладиган, ҳаётда аниқ мақсадни кўзловчи иродали

кишиларни тарбиялаб вояга етказиш имкониятига эга буламиз”.

Ўзбекистонда мактаб таълимини ислоҳ қилиш учун “Таълим тўғрисида” қонун қабул қилинди. 1996/97 ўқув йилидан бошлаб биринчи синфларда дарслар лотин алифбосида ўтказила бошланди. Ҳозир республикада 5,2 млн мактаб ўқувчиси бўлиб, шундан 450 мингдан ортиғи 9 синфларни битирувчилардир. Ўзбекистонда 550 000 дан кўпроқ ўқитувчи бор, улар давлатдан имкони борича ижтимоий ёрдам олиб турибди: бепул квартиралар, бепул иситиш ва электр нури, уларга имтиёзли шартлар билан ажратиб берилаётган ер участкалари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Ўрта махсус таълим тизимини ислоҳ қилишнинг илк босқичида бутун республикада бизнес мактаблари ва ҳунар курслари очилди, уларда бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ равишда янги ихтисослар (фермерлар, солиқ ва божхона ходимлари, аудит мутахассислари ва шу каби-лар) ўргатилмоқда. Бундай ўқув юртлари қаторида Тошкент, Самарқанд, Урганч, Тўртқул ва Андижонда яқинда очилган банк коллежларини, шунингдек Тошкентдаги қизлар коллежини курсатиш мумкин.

Олий таълим тизимида қабул имтиҳонларининг тест усули жорий этилди, шу туфайли коррупция ҳолларига чек қўйилди. Тест тизимининг моҳияти шундан иборатки, муайян предмет бўйича турли саволлар берилади ва уларнинг ҳар бирига бешта жавоб қайтарилган бўлади, абитуриент шу жавоблардан тўғриси танилаб олиши керак. Имтиҳонлардан кейин барча жавоблар битта тест марказига юборилади (бу марказга Ўзбекистоннинг барча минтақаларидан ўқитувчи ва муаллимлар танилаб олинади), марказда жавоблар сараланади. Порахўрлик ва қариндош-уруғчиликка йўл қўймаслик учун 20—25 кун мобайнида, яъни қабул имтиҳонлари даврида марказ ходимларининг ташқи дунё билан ҳар қандай алоқалари тўхтатилади. Жумладан, улар телефондан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар. (Чунки телефон орқали абитуриентлар тўғрисидаги маълумотлар хабар қилиниши мумкин.) Шу давр мобайнида ҳатто озиқ-овқат ҳам марказга махсус машинада келтирилади. Қабул имтиҳонлари даврида тест маркази-

нинг ходимларига улар бошқа кишилар билан, шу жумладан абитуриентлар ҳақида маълумот бериши мумкин бўлган ўз қариндошлари ва ёр-биродарлари билан ҳам алоқа қилмасликлари учун марказ ҳудудидан чиқишлари ҳам тақиқланади. Имтиҳонлар тугагунга қадар улар тест марказининг ўзида яшайдилар ва овқатланадилар. Ҳар бир абитуриентнинг ўз идентификацион рақами бўлади, бу рақам унга ҳар бир имтиҳон арафасидагина берилади. Натижада марказ ходимлари ишларни текширганларида бу ишлар кимники эканини билмайдилар. Мазкур тизим туфайли бўлажак талабаларни ҳолисона танлаб олинишига эришилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, вилоят марказларидаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди, жойлардаги ўқув юртларига юқорироқ мақом берилди, талабалар ва мутахассисларни ўқиш ва тажриба алмашиш учун янги тузилган миллий ташкилотлар ва халқаро фондлар ҳисобидан чет элларга юбориш йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда ўзбекистонлик салкам 2000 талаба дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг энг яхши олий ўқув юртларида таълим олмоқда, республика ўқув юртларида эса 200 дан кўпроқ хорижий мутахассис ишламоқда.

Ҳозирги вақтда республикада ўқув юртларининг кенг тармоғи— 59 та олий ўқув юрти, 258 та ўрта-махсус ўқув юрти, шу жумладан 75 та коллеж барпо этилган.

Ўзбекистондаги энг йирик университет марказлари республикадан анча ташқарида ҳам яхши маълум. Тошкент ва Самарқанд давлат университетлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Техника университети, Аграр университети, Консерватория, Театр институти, шунингдек республиканинг барча минтақаларида жойлашган кенг тармоқли тиббиёт, гуманитар, техника олий ўқув юртлари шулар жумласига киради.

Бозор муносабатларини ривожлантириш, хўжалик юритишнинг илғор усуллари ва ишлаб чиқаришни илмий-техникавий жиҳатдан ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган тармоқлар бўйича мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда ихтисослаштирилган олий ва ўрта ўқув

юртларида 360 мингдан ортиқ талаба таълим олмоқда ва малакасини оширмоқда.

Чет тилларда машғулот ўтказиш учун хориждан муаллимлар ва мутахассислар таклиф этиш одати, шунингдек ходимларнинг чет эл ўқув ва илмий марказларида тажриба ўрганиши ва талабаларнинг таълим олиши кенг миқёсда ривож топди. Айни вақтда дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатидан келган 1250 дан зиёд хорижий фуқаро Ўзбекистонда таълим олмоқда.

Мустақилликка эришилганидан кейин ҳозиргача Ўзбекистон халқ хўжалиги учун турли ихтисосдаги 100 мингдан кўпроқ мутахассис тайёрланди. Олий таълим тизимида 25 мингдан кўпроқ муаллим, шу жумладан 1000 дан ортиқ фан доктори, 11 мингдан кўпроқ фан номзодлари ишламоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртларида 60 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Ўзбекистонда тижорат олий ўқув юртлари йўқ. Россиянинг тажрибаси бундай олий ўқув юртлари зарур талабларга мос келмаслигини курсатди. Маълумки, МДХнинг кўпгина мамлакатларида, шу жумладан Россияда ҳам 90-йилларнинг бошларида кўпгина тижорат олий ўқув юртлари ва аввало университетлар пайдо бўлди. Аммо кейинчалик улар етиштириб чиқараётган кадрларнинг тайёргарлик даражаси жуда пастлиги ва уларнинг дипломлари ҳеч қаерда, шу жумладан Россиянинг ўзида ҳам тан олинмаслиги маълум бўлди. Шу сабабли бир неча йил ўтгач, улар ёпила бошлади. Натижада тижорат олий ўқув юртларининг ўқиш учун жуда катта пул тулаган талабалари ва битириб чиқувчилари доғда қолишди. Аммо Ўзбекистонда бундай тажриба тақиқланди ва ҳозир бутун маориф тизими давлат назорати остида турибди.

Давлат илмий фаолиятнинг мутлақо янги шакллари қарор топишига кўмаклашмоқда. Улар орасида кичик инновация бизнеси алоҳида ўрин олади, унинг янги ғоялар ва ихтироларни моддийлаштириш соҳасидаги самарадорлиги жаҳон тажрибасида исботланди. Бундан ташқари, бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча олий ўқув юртларида чет тилларни ўрганиш ва ўқитишга катта эътибор берилмоқда. Республиканинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин олиш муддаоси ва хорижий ҳамкорлар билан яқиндан биргалашиб ишлаш истаги шуни тақозо этади.

Республикада Президент Ислон Каримов таклифи билан кадрлар тайёрлашнинг узоқ муддатли Миллий дастури қабул қилинди. Унинг 1997-2001 йилларга мўлжалланган биринчи босқичида мавжуд салоҳиятни сақлаб қолган ҳолда миллий кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш кўзда тутилган. Бу даврда ҳуқуқий, меъёрий, ўқув-методик ва молиявий-моддий шароитларни яратишга алоҳида аҳамият берилади. Шу даврда узлуксиз таълим тизими учун асос яратилади. Жумладан, 187 та академик лицей ва ҳунар коллежлари қуриш ҳамда 110 та академик лицей ва ҳунар коллежини реконструкция қилиш белгиланган. Шу тариқа, ҳар бир туман ва шаҳарда ўз коллежи ва лицейи қурилади.

2001—2005 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини кенг миқёсда тўлатуқис амалга ошириш мақсади уртага қўйилади.

Учинчи босқич эса 2005 йилдан бошлаб кейинги йилларда бажарилиши назарда тутилади, бу босқичда орттирилган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ҳамда ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий шароитга кўра кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш мўлжалланади.

Республиканинг таълим тизимини ислоҳ этишга Ислон Каримовнинг ўзи бевосита раҳбарлик қилмоқда, унинг ташаббуси билан вилоят марказларида 10 га яқин университет, Ўзбекистон мустақилликка эришмасидан аввал бу ерда мавжуд бўлмаган янги ихтисослар бўйича бир неча олий ўқув юрглари ташкил этилди. Жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари университетлари; Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Куролли кучлар академиялари; кончилик институти, авиация институти каби янги таълим муассасалари очилди. Замонавий лицей ва коллежлар таъсис этилди. “Улуғбек”, “Умид”, “Устоз” жамғармалари орқали юзлаб йигит ва қизлар ривожланган хорижий мамлакатларнинг энг обрўли университетларига ўқишга юборилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Кадрлар тайёрлаш миллий дастури хусусидаги ўз нуқтаи назарини шарҳлаб бундай деди: “Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор техноло-

гиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг “Куч — адолатда” деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб “Куч — билим ва тафаккурда” деган булардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажағимиз ана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли”.

Республикада яшовчи 15 ёшгача ва ундан юқори ёшдаги 10 минг аҳолига тўғри келадиган олий ва тулиқсиз олий маълумотли кишилар сони анча кўпайди ва ҳозирги вақтда 143 кишига етди. Айни вақтда таълим муддати 11 йилдан ошди. Республикадаги 1000 аҳолидан 200 киши ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Моддий ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳасида банд бўлган ҳар 4 кишининг бири олий ёки ўрта махсус маълумотга эгадир. Ҳозир республика таълим даражаси жиҳатидан ҳақли равишда аҳолиси юксак маърифатли бўлган мамлакатлар жумласига киради.

Ўзбекистон маориф соҳасида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Голландия, Туркия, Корея, Швейцария ва бошқа давлатлар билан, шунингдек ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БМТ, АКСЕЛС (АҚШ), Америка коллежлари консорциуми, Тинчлик корпуси (АҚШ), ДААД, Конрад Аденаур фонди (Германия), Гёте институти (Германия), Британия кенгаши (Буюк Британия), Сауд ал-Баптин фонди (Миср) каби халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Жумладан, ЮНЕСКО Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда қатнашмоқда. Унинг кўмаги билан республиканинг профессор ва муаллимлари орасидан юқори малакали педагоглар тайёрловчи “Устоз” фондида компьютер ўқув маркази тузилди, ЮНЕСКО кафедралари тармоғи, жумладан Тошкент давлат университетида физика ва астрономия (“Улуғбек” кафедраси); Самарқанд меъморлик-қурилиш институтида маданий меросни сақлаш; Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия уни-

верситетида инсон ҳуқуқлари, демократия ва толерантлик; Тошкент педагогика университетида маънавий ва фуқаролик таълими кафедралари ташкил этилмоқда. ЮНЕСКО ҳомийлигида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузурида Информатикани ривожлантириш маркази ҳам тузилди.

Жанубий Корея ҳукумати ҳузуридаги чет эллар билан ҳамкорлик фонди Ўзбекистонга 35 млн доллар миқдоридан кредит берди. Бу кредит 35 йил муддатга йилига 3 фоиз шарти билан берилди, дастлабки етти йил эса имтиёзли давр ҳисобланади. Бу маблағнинг бир қисми физика ва кимё кабинетлари учун компьютерлар, лаборатория асбоб-ускуналари, спорт заллари учун спорт анжомлари, Ўзбекистоннинг 150 та ҳунар коллежи учун Корея фирмалари ишлаб чиқарган мебель, видео ва аудио аппаратлар харид қилишга мўлжалланган. Бу асбоб-ускуналарнинг дастлабки туркуми 2000/2001 ўқув йилнинг бошланишигача етказиб берилди. Кредитнинг қолган қисми лицей ва коллеж ўқувчиларининг чет элларда таълим олишига ҳамда Ўзбекистонга таклиф этилган хорижий муаллимларнинг хизмат ҳақига ишлатилади. Мазкур кредит ҳисобидан ўзбек муаллимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг Жанубий Корея ўқув юртларида тажриба ўрганиши пул билан таъминланади. Ҳозирги вақтда Жанубий Корея билан Ўзбекистон ўртасида ҳар йилги товар айланмаси салкам 700 млн долларни ташкил этади.

2000 йил февраль ойида Осиё тараққиёт банки Ўзбекистонга республиканинг 45 та ўқув юртини жиҳозлаш учун 57 млн доллар миқдоридан кредит берди. Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) республика қишлоқ хўжалик соҳасидаги ҳунар коллежларига ёрдам бериш лойиҳасини ишлаб чиқмоқда, бу лойиҳани амалга оширишга 60 млн доллар сарфлаш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистонда ўрта таълимнинг 12 йиллик цикли (9 синф — базавий мактаб ва 3 йил коллеж ва лицейда таълим олинади) қабул қилинган бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида 2005 йилгача 1611 та ҳунар коллежи ва 181 та академик лицейни қуриб, замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозлаш кўзда тутилган.

Ҳозирги вақтда республикада Ўзбекистон-Америка, Ўзбекистон-Корея университетлари барпо этилмоқда,

Канада томони билан биргаликда халқаро менежмент ва бизнес олий магистр мактаби ташкил қилинмоқда.

Иқтидорли ёшларнинг чет элларда ўқишини қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умид” фонди ташкил этилган, бу фонд ажратилган грант ҳисобига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг обрўли университетларида кўпгина ихтисослар бўйича бакалавр ва магистр даражасини олиш имкониятини очади.

Ҳозир Ўзбекистон ривожланган тадқиқот моддий негизига, кенг илмий фондга ва малакали илмий кадрларга эга бўлган Ўрта Осиёдаги энг йирик илмий марказдир. Ўзбекистон олимларининг ишлари бутун дунёда тан олинган.

Республиканинг илмий-тадқиқот мажмуаси академия, олий ўқув юртлари ва тармоқларнинг 362 муассасасини, шу жумладан 101 та илмий тадқиқот институтини, олий ўқув юртларидаги 55 та илмий-тадқиқот булинмаларини, 65 та лойиҳа-конструкторлик ташкилотини, 32 та илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхонасини, 30 та ахборот-ҳисоблаш марказини ўз ичига олади. Илм-фан соҳасида 46 минг киши, шу жумладан 2,8 минг фан доктори ва тахминан 16,1 минг фан номзоди шуғулланмоқда.

Ўзбек математик олимларининг эҳтимоллик ва математик статистика назарияси, дифференциал тенгламалар ва математик физика, функционал таҳлил соҳасидаги ютуқлари бутун дунёда эътироф этилган.

Ўзбекистонда шаклланган астрономия мактаби дунёдаги энг яхшилардан бири деб тан олинган. Унга Беруний, Улуғбек ва Гиёсиддин Жамшид асос солганлар. Қадим замонлардаёқ ўзбек олимларининг астрономияга оид ишлари жаҳонда эътироф қилинган — улар юлдузлик осмоннинг ўз замонаси учун энг аниқ жадвалини тузганлар. Республикада ўлка иқлимини ўрганиш учун таянч астрономия тармоғи барпо этилган. АҚШ, Италия ва Япония олимлари ва мутахассислари билан биргаликда 1930 йилдаёқ қурилган Улуғбек номидаги Китоб халқаро кенглик станциясида ишловчи ўзбек олимлари Ер кутблари ҳаракатини унинг сиртига қараб ўрганиш соҳасидаги халқаро ишда фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон тез-тез zilзила бўлиб турадиган минтақада жойлашганлиги ва табиий офатлар оқибатларининг кулфатини неча марталаб тортганлиги сабабли сейсмология (zilзилашунослик) ва иншоотларнинг zilзиллага бардошлиги соҳасидаги назарий ишлар ўзбек олимлари тадқиқотларининг етакчи йўналишларидан биридир. Жумладан, улар zilзила содир бўлишининг геологик сабаблари ва шарт-шароитларини ўргандилар, zilзила бўлишидан дарак берувчи нишонларни қидиришнинг гидросейсмология усулларини ишлаб чиқдилар, бу усуллар zilзила рўй бериши эҳтимолини олдиндан айтиб бериш имконини беради. Zilзила содир бўлиши эҳтимол тутилган туманлар аниқланди ва тез-тез zilзила содир бўладиган туманларнинг хариталари тузиб чиқилди, шу хариталар ёрдамида республикада қурилаётган ишлаб чиқариш ва уй-жой биноларининг zilзиллага бардошлилигини таъминлаш мумкин бўлди. Ер ости иншоотлари — коммуникация тармоқлари, метрополитен ва бошқа иншоотларнинг сейсмодинамика назарияси вужудга келтирилди.

Мамлакатда органик ва ноорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, биология ва генетика, биотехнологиялар яратиш соҳаларида бутун-бутун илмий мактаблар шакланган ва ривожланган. Экологик жиҳатдан соф ўғитлар, таркибида заҳар моддаси кам бўлган дефолиантлар, янги дори-дармонлар, ўсимликларни ўстириш стимуляторлари ва ҳимоялаш воситаларининг янги юксак самарали турларини ишлаб чиқариш назарий асослари ва технологияси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда ядро физикаси ва элементар зарралар, радиация физикаси ва материалшуносликка оид фундаментал тадқиқотларда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Релятив ядро физикаси деб аталган янги илмий йўналиш шакланди, бу йўналиш ядро энергетикаси ва амалий ядро физикаси соҳаларидаги тадқиқотларнинг назарий асоси бўлиб хизмат қилади.

1999 йилда Жаҳон бизнес уюшмаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институтининг “Радиол-препарат” корхонасини сифат учун Халқаро олтин юлдуз билан мукофотлади. Бу корхона юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқариб, молекуляр биология, генетика муҳандислиги ва биокимё соҳасидаги ишлар учун респуб-

ликанинг етакчи илмий марказларини жуда тақчил радио изотоплар билан таъминлайди. Илгари бу маҳсулот бутунлай чет эллардан сотиб олинар эди. “Радиопрепарат” корхонасининг қўлга киритган ютуғи туфайли Ўзбекистон илм-фаннинг бу соҳасида катта тараққиётга эришди ва хорижий компанияларга боғлиқ бўлмай қолди. Ҳозирги вақтда мазкур илмий ишлаб чиқариш корхонасида турли, аввало тиббий соҳага хизмат қилувчи радиоизотоп маҳсулотининг 60 дан зиёд турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улар орасида технеция-99м генератори, унинг ноактив иловалари, йод-131 препаратлари ва бир қанча касалликларни аниқлаш ва даволашда тенгсиз бўлган бошқа маҳсулот турлари бор.

Радиоиммунология диагностикаларини ишлаб чиқариш ташкил этилганлиги “Радиол препарат” корхонасининг муҳим ютуғи бўлди. Жумладан, вирусли гепатитни аниқлаш учун тест-тизимлар яратилишига катта эътибор берилди, бу нарса Ўрта Осиё минтақаси учун айниқса муҳимдир. Бу тизимлар вирусли В гепатити билан оғриган кишилар дардини табақалаштириб аниқлашда юксак ишончлилиқка эришиш имконини беради. Донорлик қони таркибида гепатит вируси бор ёки йўқлигини таҳлил этиш учун ҳам жуда муҳим имконият яратилди. Гепатитларнинг В, С ва Дельта типларини фарқлаш учун радиоиммунология тўпламларини яратиш иши ҳам олиб борилмоқда. Айни бир вақтда радиоактив изотоплардан фойдаланмасдан гепатитнинг ҳар хил турларини иммунофермент усулида аниқлаш учун ҳам тўпламлар яратилмоқда.

Ҳозирги кунда “Радиол препарат” корхонаси Ўзбекистон тиббиёт муассасаларининг радиоизотоп маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминламоқда, республикадаги 50 дан ортиқ барча йирик касалхона ва клиникаларга бу маҳсулотларни имтиёзли нархларда етказиб бермоқда. Маҳсулотни АҚШ, Буюк Британия, Германия каби давлатларга, МДХ мамлакатларига экспорт қилиш йўлга қўйилган. Асосан генмуҳандислигида фойдаланиладиган фосфор-33, тиббиёт тажрибасида қўлланиладиган йод-125, шунингдек фосфор-32 билан тамғаланган учламчи суперфосфат, темир-55 ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. “Радиол препарат”га сифат учун Халқаро

олтин юлдуз берилиши мазкур препаратларнинг юксак сифатидан далолат беради. Ҳозирги кунда бу корхона радиоизотоп маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дунёдаги энг нуфузли корхоналар қаторига қўшилди.

Бундан ташқари ҳозирги Ўзбекистон радиацион материалшунослик ва гелиоматериалшунослик каби соҳаларда бутун дунёда олдинги уринлардан бирида турибди. Республика радиоактив изотоплар, шу жумладан фармацевтика радиопрепаратлари ишлаб чиқарадиган етакчи марказдир.

Ўзбекистоннинг юксак технологиялар физикаси соҳасида илмий мактаби халқаро миқёсда тан олинди. Шу мактаб доирасида юксак даражада ўтга чидамли алоҳида соф материаллар ҳосил қилиш, сийқаланишга ғоят бардошли, ўтга чидамли, зангламайдиган ва қимматбаҳо конструкцион материаллар ўрнини босадиган юқори ҳароратга чидамли материаллар ишлаб чиқаришнинг янги технологиясини яратиш соҳасида салмоқли илмий ишлар қилинган.

Энергиянинг ноанъанавий турларини ҳосил қилиш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди — қуёш энергиясини комплекс ва самарали ўзгартириш ҳамда ўзлаштириш усуллари ишлаб чиқилди, бу ишлар мамлакатни энергия билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўқув жараёнида тингловчиларнинг ривожланган чет мамлакатларда орттирилган ижобий тажрибани ўрганишларига, чет тилларни ўзлаштириб олишларига катта эътибор берилмоқда. Шу сабабли таълим олувчилар учун етакчи хорижий ўқув ва илмий марказларга, халқаро ташкилотлар ва фирмаларга тажриба сафарлари уюштирилмоқда.

Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ғарб намунаси асосида дипломатлар, журналистлар ва менежментлар тайёрланмоқда. Бу ерда таълимнинг халқаро андозалари жорий этилмоқда. Бунинг маъноси шуки, ғарб дарсликларидан фойдаланиш, муаллим ва талабаларнинг халқаро алмаштирилиши демократияга чинакам садоқатли, шунингдек Ғарбнинг иқтисодий моделларига ихлосманд кадрларнинг, шу жумладан давлат раҳбарларининг янги авлодини тарбиялаб камол топтириш ишига жуда катта ҳисса қўшади.

МОСКВА БИЛАН ТОШКЕНТ БИР-БИРИГА КЕРАК

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида Россия билан ҳам иқтисодий, ҳам ҳарбий-сиёсий алоқаларга алоҳида эътибор бераётир. Владимир Путин ҳокимият тепасига келгач, иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар стратегик характер касб этди. Ҳозир расмий Тошкент шимоллий қўшниси билан муносабатларни яхшилаш умидларини айни В. Путин шахси билан боғламоқда. Ўзбекистон Россияни ўзининг энг асосий стратегик ҳамкори деб билаётир. Бироқ, Президент Владимир Путин билан Президент Ислон Каримов ўртасидаги дўстона муносабатлардан ташқари, МДҲнинг жанубий чегараларида вужудга келган ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳам Россия билан Ўзбекистоннинг яқинлашувига кўмаклашаётир. Ҳозир Ўрта Осиёда ҳам, умуман собиқ Иттифоқ ҳудудида ҳам шундай вазият вужудга келдики, Россия билан Ўзбекистон минтақавий муаммоларни ҳал этишда узаро келишиб иш тутмоқдалар. Бу давлатлар стратегик ҳамкор бўлмасликларни мумкин эмас, чунки кўпгина масалалар хусусида уларнинг манфаатлари ва нуқтаи назарлари бир-бирига мос келади. Афғонистон ва Тожикистондаги можароларни ҳал этиш ҳам, ислон ақидапарастлиги хавф-хатари ҳам, бутун Ўрта Осиёдаги хавфсизликни таъминлаш ҳам шу масалалар жумласига киради.

Чеченистондаги воқеалар, 1999 йил августида ислон жангариларининг Қирғизистон жанубига хуружи, 1999 йил 16 февралда Тошкентдаги портлашлар шуни кўрсатдики, ислон жангариларининг қуролланган кучлари битта манба ва диний марказлар томонидан пул билан таъминланмоқда ва бошқарилмоқда. Ҳозир шу марказлар Чеченистонга ёлланма аскарлар, қурол-яроғ, ўқ-дори ва пул юбо-

риб турибди. Айни вақтда улар Ўзбекистон, Қирғизистонда ва Ўрта Осиёнинг бошқа мамлакатларида террорчилик ҳаракатлари қилиш учун газандаларни тайёрламоқда. Чеченистонда жанг қилаётган кўпгина ёлланма аскарлар Афғонистон ва Покистондаги ҳарбий лагерларда, шу жумладан террорчи Усама бин Ладен лагерларида жанговар тайёргарлик куриб келган. Улар ўша ердан бешқарилмоқда, молиявий ва ҳарбий ёрдам олмақда.

Чечен жангариларининг афғонистонлик жангарилар, яъни толиблар томонидан қўллаб-қувватланилаётганлиги ҳозир Россияни МДХдаги қўшниларига кўпроқ эътибор беришга мажбур қилмоқда. Доғистондаги ва Чеченистондаги воқеалардан сунг Москвадагилар ислом ақидапарастлиги Ўрта Осиё мамлакатларигагина эмас, Россиянинг ўзига ҳам хавф солаётганини англаб олдилар. Россияда 20 млн дан кўпроқ туб мусулмон аҳоли яшайди. Энди Россия Ўрта Осиё давлатларининг қўллаб-қувватлашига ҳар қачонгидан ҳам муҳтож бўлиб қолди. Бу борада кўп кишилар минтақавий давлат деб ҳисоблаётган Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватлаши айниқса муҳимдир.

Ўз навбатида ҳозир Тошкентга ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, чегаралар хавфсизлигини таъминлаш ва мамлакат иқтисодиётини узлуксиз ривожлантириш учун ишончли ва мустаҳкам таянч керак. Барқарорликни ва мавжуд чегараларни сақлаш учун қудратли ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Россиянинг мадади зарур.

Кейинги вақтда ҳарбий соҳада тенг ҳуқуқли ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Россия Ўзбекистонни Ўрта Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишида ўз иттифоқчиси деб билмоқда. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва Тожикистондаги ихтилофни бартараф қилиш масалаларида Москва билан Тошкентнинг нуқтаи назарлари тула-тўқис мос бўлиб тушмоқда.

Собиқ Иттифоқ мақонидаги хавфсизлик тизимида Россиянинг ўрни бениҳоя муҳимдир. У иқтисодий жиҳатдан ҳам, ҳарбий-техника жиҳатидан ҳам буюк давлат бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Шу сабабли Ўзбекистон минтақада хавфсизлик тизимини барпо этишда Россия билан ҳамкорликка ва янада яқинлашувга интилмоқда ҳамда стратегик ҳамкорлик ўрнатиш йўлидаги ғай-

рат-ҳаракатларни кучайтирмақда. Бундай яқинлашув Ўзбекистоннинггина эмас, Россиянинг ҳам миллий манфаатларига мос келишини уқтириб ўтмоқ керак, чунки Урта Осиёдаги вазиятнинг барқарор бўлиши иккала давлат учун ҳам ҳаётий заруратдир.

Тошкент ва Москванинг ҳарбий ҳамкорлиги бирон-бир давлатга ёки ҳарбий блокларга қарши қаратилган эмас, бу ҳамкорлик халқаро терроризм ва ҳар хил тусдаги экстремизм, жумладан жанубдан, аввало беқарор Афғонистондан таҳдид солаётган ислом экстремизми ва наркобизнес тарқалиши хавф хатари шароитида Ўзбекистоннинг худудий яхлитлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учунгина керакдир. Бундай ҳамкорлик Ўзбекистон манфаатларига жавоб бериб қолмай, шу билан бирга ўз худудида халқаро терроризмга ва диний экстремизмга қарши курашишга мажбур бўлаётган Россиянинг ҳам манфаатларига мувофиқ келади. Агар бугун Россия мазкур хавф-хатарни муваффақиятли бартараф этишда Ўзбекистонга ёрдам бермаса, эртага бутун Марказий Осиё дунёдаги кескинликнинг энг хатарли ўчоғига айланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, 20 миллиондан зиёд мусулмон яшаб турган Россиядаги вазиятни портлатиши мумкин. Ислам экстремизми Россия Федерациясининг Шимолий Кавказ ва Волга бўйи Татаристон, Бошқирдистон каби мусулмонлар яшайдиган минтақаларини қамраб олиши мумкин, шунда Россиянинг диний мутаассиблар ва жангариларни даф қилиши жуда қийин бўлади.

Ўзбекистоннинг Россия билан дўстона муносабатлари самимийлигига шубҳа бўлмаслиги ва ҳеч ким ислом жангариларининг 1999 йил августида Қирғизистон жанубига бостириб кириши Ислам Каримовни Москва ёрдамидан фойдаланишга мажбур қилди деб ўйламаслиги учун, унинг 7—8 йил муқаддам айтган бир неча гапларини эслатиб ўтамиз. Бу нарса ҳозирги Ўзбекистон Президентининг Россияга нисбатан сиёсати самимий ва изчиллигига ишончимиз комил бўлишига имкон беради. 1993 йил март ойидаёқ Москвада Россия ва Ўзбекистон Президентлари иккала давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаётган пайтда Ислам Каримов бундай деган эди: “Ўзбекистон ўз келажagini Россиясиз тасаввур қилмайди. Дарҳақиқат шундай, иккала томоннинг иқти-

содий тараққиёти учун бу алоқаларни узиш мумкин эмас”. Ўрта Осиёда мустақилликка эришган барча республикалар Россия билан чамбарчас боғлиқ эканликларига Ислом Каримовнинг ишончи комил. “Иқтисодий нуқтаи назаридангина эмас, аввало хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам бу алоқалар зарур, — деди у. — Ўзбекистоннинг ўзида бир миллиондан кўпроқ руслар яшайди. Бугун минтақада улар анча кўп. Бизни маънавий қардошлик ҳам боғлаб турибди. Мен амалиётчиман, шу сабабли бизнинг манфаатларимиз билан Россиянинг манфаатлари узилмасдир, энг муҳими эса Россия ўз қудрати билан Ўрта Осиёдаги хавфсизликнинг кафили бўлиши керак, ammo бунинг зарур шарти бор: ўз суверенитетини ҳурмат қилувчи давлат мустақиллик йўлида қадам қўяётган бошқа давлатларга ёрдам бериши даркор. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳатто бизда мустақил армиялар бўлганида ҳам улар Россия армияси билан ҳамдўстликда иш кўради. Мен Россиянинг келажагига ишонаман ва барча умидларимизни унинг тараққиёти билан боғлайман. Бу давлат албатта олдинги марраларга чиқади. Ўшанда биз ҳаммамиз биргаликда кўп натижаларга эришамиз”.

Президент Каримов 1993 йил 6 май куни Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12-сессиясида сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлаган эди: “Бугунги вазиятда Россиядаги вазиятни (яъни Егор Гайдарнинг “шок терапияси” натижасида юз берган иқтисодий тангликни — М.Г., А.К.) пухта таҳлил этиб, унинг дунёдаги буюк давлатлардан бири эканини ва бизга кўп томонлама яқин эканини асло унутмаслигимиз лозим. Россия Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида доимо эътиборли урин тутади”.

Президент Каримов 1993 йил 26 май куни “Труд” газетасининг саволларига қайтарган жавобларида Россияга муносабатини билдириб, қуйидагиларни таъкидлади: “Россия биз учун сув ва ҳаводек зарур. Мен режалаштириш идораларида кўп йиллар ишлаганман. Алоқаларимиз нақадар кенглигини биламан. Маънавий яқинлигимиз ҳам жуда муҳим. Россиянинг келажаги буюк. У азалдан буюк давлат бўлиб келган, тарих унинг ўрнини ана шундай белгилаб қўйган”.

И. Каримов 90-йилларнинг ўрталаридаги матбуот конференцияларидан бирида журналистларнинг саволлари-

га жавоб бериб бундай деган эди: "... биз ички барқарорликни таъминлаш учун барча соҳаларда буюк қўшни — Россия давлати билан самарали ҳамкорлик қилишимиз керак. Биз Россиянинг иқтисодий кудратига, илму зиё салоҳиятига, агар керак бўлиб қолса, Россиянинг ҳарбий имкониятларига ҳам таянишимиз лозим.

... Сизлар яхши биласизлар: мен Россия — Ўзбекистон учун ва умуман бутун Ўрта Осиё учун барқарорлик кафили, деган фикрни тез-тез такрорлайман. Бу — шунчаки сўзлар эмас, унинг заминида катта маъно бор. Агар биз шундай барқарорлик кафилини тополмасак, мамлакатимизга ғанимларча кўз олайтираётган ёвуз кучларни жиловлаш учун ишончли таянчимиз бўлмаса, диёримизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашимиз қийин бўлади”.

“Мутлақ эркин давлатлар йўқ. Илгари икки буюк давлат: СССР ва Америка бөр эди. Энди битта қолди, яъни дунё бир қутбли бўлиб қолди. Аслида эса, агар дунёда икки-уч қутб, айтайлик, икки-уч марказ бўлса, қандайдир сиёсий мувозанатни сақлаб туриш мумкин бўлади. Шунда нисбий адолат ўрнатса бўлади. Агар дунёда бирдан-бир сиёсий куч ҳукмронлик қилса, унинг босимига ким қарши тура олади? Уни ким ўз вақтида тўхтатиб қола олади ва бутун дунё миқёсида адолатни ҳимоя қила олади?”

Шу фикрга асосланиб, мен америкалик мухбирга биз бирон-бир катта давлатнинг мададига таянишимиз лозим, деб жавоб қайтардим. Биз шу давлат билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ўрнатишимиз лозим. Менинг бу масаладаги фикрим: Россия ана шундай давлат бўлиши керак”, — деди Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини ҳозир 150 дан ортиқ ҳужжат ташкил этади, улар ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олади. 1998 йил октябрда Ўзбекистон билан РФ ўртасида 2007 йилгача иқтисодий ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартнома ва шу даврга мўлжалланган ҳаракат дастури имзоланди.

В. Путиннинг 1999 йил декабрида Тошкентга қилган ташрифи натижасида бу ишга ички туртки берилди. Ташриф якунлари юзасидан ҳарбий ва ҳарбий техника соҳа-

ларидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида шартнома имзоланди. Иккала мамлакатнинг божхона қўмиталари ўртасида икки давлатнинг бож чегаралари орқали акциз товарлар ташилиши устидан божхоналар назоратини уюштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш, божхоналар статистикаси, ташқи савдо соҳасида ўзаро методология ва ахборот алоқаси тўғрисида протоколлар, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати билан Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги ҳукумат алоқа ва ахборот Федерал агентлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақида шартнома ҳам имзоланди.

Ислом Каримов 2000 йил 22 январда Ўзбекистон парламентида президентлик қасамёди қилганидан кейин журналистларнинг саволларига жавобан бундай деди: “Дунёга экстремизм, мутаассиблик ва халқаро терроризм хавф солиб турибди. Бу ҳол мазкур кучлар ҳужумга ўтса, Ўзбекистонга ким мададкор бўлиши ҳақида ўйлашга мажбур қилади. <...> Биз хорижий давлатлар билан муносабатларимизда шунга қараб иш туғамиз”. “Россия, — деди Ўзбекистон Президенти, — биз таянишимиз мумкин бўлган мамлакатдир”.

Ўзбекистон Президенти саккиз йил муқаддам диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўтарган эди. Аммо Россия ўз ҳудудида шу иллатга дуч келмагунича бу хавф-хатарга унчалик эътибор бермади. Ҳолбуки, Президент Борис Ельцин билан Президент Ислом Каримов ўзбек давлати бошлигининг 1998 йил майида Москвага қилган ташрифи вақтидаёқ Россия ва Ўзбекистоннинг куч-ғайратларини бирлаштириш ҳақида (минтақадаги диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш учун Россия, Ўзбекистон ва Тожикистоннинг “учёклама иттифоқ”и тузилган пайтда) келишиб олган эдилар, бироқ “учёклама иттифоқ” декларациягина бўлиб қолди, Москва билан Тошкент ўшанда мазкур соҳадаги ўз ғайрат-ҳаракатларини мувофиқлаштира олмади.

Умуман, Россиянинг биринчи Президенти даврида Москва Ўзбекистон билан муносабатларга унчалик кўп эътибор бермади. Владимир Путин РФ бош вазири лавозимига тайинлангач ва у Россия Президенти этиб сай-

ланганидан кейин вазият ўзгара бошлади. Россия Ўрта Осиёда мустаҳкам ўрин олишга яна интилаётир. Лекин, Ўзбекистон билан яхши муносабат ўрнатмай туриб, бунга эришиш амримаҳол. Иккинчи томондан, Тошкент ҳам ҳозир Ўрта Осиёда хавфсизликни таъминлаш учун Москванинг ёрдамига муҳтож. Афғонистоннинг фожиали тажрибаси курсатишича, шуро қўшинлари бу мамлакатдан кетганидан сўнг вазият Россиянинг фойдасига ўзгармади. Фуқаролар урушининг алангаси дарҳол Тожикистонга ҳам ёйилди, ҳозиргача ҳам бу ерда Россия ҳарбий қисмларининг турганлиги туфайлигина тинчликни сақлашга муваффақ бўлинаётир. Агар Россия Тожикистондан, умуман Ўрта Осиёдан кетгудек бўлса, РФнинг мусулмонлар яшайдиган минтақаларида кескинлик манбалари пайдо бўлиши мумкин. Хуллас, Россия Ўрта Осиё республикаларининг хавфсизлигини таъминлашда уларга ёрдам бериш орқали, ҳақиқатда, ўз сарҳадларини ҳимоя қилади. “Агар қўшнинг бошига кулфат тушса, эрта ё кеч албатта сенга ҳам касри уради”.

Ҳозир Тошкент Россиядан ҳам, Фарбдан ҳам бир нарсани: минтақада хавфсизликни таъминлашда ва аввало — дунёнинг ҳар қандай мамлакатадаги вазиятни портлатиб юбориши мумкин бўлган диний экстремизмга ва халқаро терроризмга қарши курашга кўпроқ эътибор беришни талаб қилмоқда. Ўзбекистон Россия билан иттифоқчилик муносабатлари ўрнатишга интилаётганини энди ошкора айтаётир. Владимир Путин РФ Президенти этиб сайланганидан кейин бу иш изчил тус олди, унинг 2000 йил 18—19 май кунлари Ўзбекистонга қилган ташрифи ҳам буни исботлади. Путин Россия Президенти лавозимини расмий равишда эгаллаганидан сўнг биринчи халқаро ташрифини айна Ўзбекистондан бошлаганлигини эътиборга олганда, бу воқеа республика учун стратегик аҳамиятга эга бўлди, деб айтиш мумкин.

Тошкентда В. Путиннинг 1999 йил декабрида РФ бош вазири бўлган вақтида Ўзбекистонга биринчи келганини ҳам унутганлари йўқ. И. Каримовнинг айтишича, “Владимир Путиннинг 1999 йилда Ўзбекистонга қилган ташрифидан кейин Москва билан Тошкент ўртасидаги муносабатлар самимийлик ва ўзаро ишонч руҳига эга бўлди”. Россия Президентининг 2000 йил май ойида

Ўзбекистонга ташрифи И. Каримов янглишмаганини кўрсатди.

Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи амалий тусда бўлишига қарамай, Тошкентда Россия раҳбари жуда юқори даражада, тантанали равишда кутиб олинди, у ҳам Ўзбекистон Президентининг умидларини оқлади. Икки мамлакат Президентларининг суҳбати чоғида муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан ҳамжиҳатликка эришилди.

18—19 май кунлари Тошкентда бўлган Россия делегацияси таркибида РФ Мудофаа вазири Игорь Сергеев, Ташқи ишлар вазири Игорь Иванов, Президентнинг ёрдамчиси Сергей Ястржемский, РФ Президент маъмурияти бошлигининг уринбосари Сергей Приходько, Ёқилги ва энергетика вазирлиги раҳбари вазифасини ижро этувчи Виктор Калужный ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Владимир Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи арафасидаёқ И. Каримов, жумладан, бундай деган эди: “Биз Россиянинг Ўрта Осиёдаги манфаатларини тан оламиз ва, ўз навбатида, Россиянинг барқарорлиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигидан манфаатдормиз. Бизнинг минтақамизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш учун, айниқса ўрмаловчи экстремизм ва терроризм экспансиясига қарши курашда Россиянинг ёрдамига таянамиз. Россиянинг ёрдами, унинг минтақамиздаги иштироки шу экспансияга зарба бериш имконини яратади”.

В. Путин ҳам дарҳол Ўзбекистон Президенти фикрини қўллаб-қувватлади: “Биз ҳам Ўзбекистон раҳбарияти каби экстремизм ва терроризм кўринишларидан ташвишдамиз, бу ёвузлик йўлига тўсиқ қўйиш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлашга тайёرمиз, чунки Ўзбекистоннинг, умуман минтақанинг осойишталиги — Россия Федерациясининг шунчаки манфаатлари соҳасигина эмас, Россия бундан астойдил манфаатдордир. Биз хавфсизлик боразидаги муносабатларимизда бугун Президент Каримов билан келишиб олинган марраларни таъминлаш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз”. Икки давлат бошлиқларининг ана шундай гапларидан кейин Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи жуда муваффақиятли бўлишига ҳеч ким шак-шубҳа қилмади.

Ўзбекистон ва Россия Президентларининг 18—19 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган музокараларида, жумла-

дан, икки томонлама ҳамкорлик, минтақа хавфсизлиги масалалари, Чеченистон ва халқаро терроризмга қарши кураш муаммолари муҳокама қилинди. “Мамлакатларимизнинг мазкур масалалар хусусидаги қарашлари бир-бирига тула мослигига шубҳа бўлмаслиги керак”, — деб уқтирди Ўзбекистон Президенти.

И. Каримов билан В. Путиннинг 2000 йил 18 майда “Дурмон” қароргоҳидаги яккама-якка суҳбатидан кейин журналистлар билан учрашувда Ўзбекистон Президенти бундай деди: “Купгина масалаларда Ўзбекистон билан Россиянинг қарашлари ҳар хил бўлган давр ҳам бўлган эди. Ҳозир рўй бераётган бурилиш туфайли фикрлардаги ўша ҳар хиллик бартараф этилмоқда”. “Ва бу — бизнинг шунчаки гапимиз эмас, балки амалий ишлардир”, — деб таъкидлади Ислом Каримов. Унинг сўзларига қараганда, шу камчиликка қарши кураш ва унинг манбаларини тугатиш хусусида Ўзбекистон билан Россиянинг қарашлари бир-бирига мосдир.

И. Каримовнинг айтишича, ҳозир Ўзбекистонга унинг жанубий чегараларидаги жиддий хавф таҳлика солаётир. 1999 йил августида Қирғизистон жанубида содир бўлган воқеалар “аниқ ва жуда қаттиқ режа амалга оширилаётганини” курсатди, — деди Ўзбекистон Президенти. Унинг фикрича, “бу фақат разведка эди”. “1999 йил август ойининг бошларида чегара бузилган эди, — деди Каримов. — Айни ўша вақтда Доғистондаги воқеалар содир бўлди”. “Буни мен бир марказдан бошқарилаётган муайян ва келишилган ҳаракатлар деб биламан. Биз ана шундай хавфхатарни сезганимизда, табиий равишда ҳимоя излаймиз”, — деди яна у.

“Терроризм ва диний экстремизмнинг тажовузкорлик уринишларига, Шимолий Кавказдаги, Ўрта Осиёдаги ва бошқа минтақалардаги вазиятни издан чиқариш йулидаги уринишларга халқаро экстремизм марказлари мадад бериб турганликларига халқаро жамоатчилик асло шубҳаланмаслиги керак, катта ресурслар ва имкониятларга эга бўлган бу марказлар узоққа борувчи мақсадларни кузлайди”, — деди И. Каримов.

“Мен ўз сўзининг устидан чиқадиған, ўз фикрига эга бўлған, жиддий вазифаларни ўртага қўйиб, ҳал эта оладиган инсон Путинга оддий инсоний ишонч туйғуси би-

лан қарайман. Бундай кишилар билан ишласа, қийин ишларга қўл урса бўлади. Бу — ўзаро хайрихоҳлик омили, — деб таъкидлади Ислон Каримов. Айни вақтда В. Путин ўзаро манфаатлар, шунингдек самимий шахсий муносабатлар, “давлатлараро муносабатларни ривожлантириш учун яхши негиз бўлиб қолади”, деб таъкидлади брифингда.

В. Путиннинг таъкидлашича, Ўзбекистон ўзининг Россия билан муносабатларини миллий манфаатларига биноан, амалиётчилик асосига қурмоқда. “Шу билан бирга биз Ўзбекистон томонидан Россия билан муносабатларни ривожлантиришга чинакам тайёргарлик ва манфаатдорлик мавжудлигини қуряпмиз, бу нарса амалий қадамлардан бошланмоқда. <...> Биз Ўзбекистоннинг бу ниятларига жавоб берибгина қолмай, шунга яраша иш ҳам қилмоқчимиз, чунки биз турли соҳаларда муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдормиз”.

Россия Федерацияси Президенти Ўзбекистонда бирмунча рус ва русийзабон фуқаролар яшаб турганини ва бундан ташқари республикада “Россиянинг соф иқтисодий манфаатлари ҳам” борлигини уқтириб ўтди. Путиннинг сўзларига қараганда, Россиянинг Ўзбекистонга нисбатан иқтисодий манфаатлари самолётсозлик, тўқимачилик саноати ва қишлоқ хўжалик тармоқларига тааллуқлидир. “Биз билан Ўзбекистон Президенти ўртанимизда жуда яхши шахсий муносабат вужудга келаётир”, деди Россия Федерацияси раҳбари. Айни вақтда Ўзбекистоннинг ҳам “Россияда катта манфаатлари бор. Биз бу манфаатларни тан оламиз ва ҳурмат қиламиз. Шу асосда, шунингдек бир-биримизнинг ички ишларимизга бутунлай аралашмаслик асосида давлатлараро даражадаги муносабатларимиз таркиб топмоқда”.

Иккала Президент бўлиб ўтган музокараларнинг натижаларидан мамнуният изҳор этишди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар ишонч, тенглик, ўзаро ҳурмат асосида, стратегик шерикчилик руҳида кенгайиб бормоқда, деб таъкидлади И. Каримов. Унинг айтишича, музокараларда иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига ҳам катта эътибор берилди. “Россия Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий ҳамкоридир”, — деб эслатиб ўтди Каримов. 2000 йилнинг биринчи чора-

гида икки давлат ўртасидаги товар айланмаси 9% ошди. Шу билан бирга Президент “фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар бор”лигини таъкидлади.

И. Каримов мамнуният билан таъкидлашича, учрашув вақтида имзоланган Ўзбекистон маъмурий-худудий тузилмаларининг Россия Федерация субъектлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш тўғрисидаги ва халқаро автомобиль транспортига оид битимлар икки мамлакатнинг минтақалари ва аниқ ҳужалик субъектлари ўртасида бевосита ўзаро манфаатли алоқаларни йулга қўйишнинг янги омили бўлади. Иккала Президент Россия ва Ўзбекистон томонлари “икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун кучли иқтисодий негиз яратишга тайёрдирлар”, деб ҳисоблайдилар.

19 майда икки делегация ўртасида кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб, Ўзбекистон билан Россия ўртасида савдо-иқтисодий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари, шунингдек хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

Тошкентда олий даражадаги Россия-Ўзбекистон музокаралари чоғида, жумладан, ўзбек томонининг Россия билан Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан қилган бир қанча муурожаат ва таклифлари кўриб чиқилди. Тошкент Москва билан ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдор бўлса, Россия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор. В. Путин Ўрта Осиёдаги республикага ташрифи арафасида Давлат Думасига Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартномани ратификация қилишни таклиф этганлиги бежиз эмас. 1999 йил декабрида Путиннинг Ўзбекистонга ташрифи вақтида имзоланган бу ҳужжат Ўзбекистон Қуролли кучларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун, ҳарбий техника ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш учун ҳуқуқий асос яратди. Ислон Каримовнинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда икки мамлакат ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликка оид қарийб 30 та лойиҳа ва шартнома устида иш олиб борилмоқда. Президент Каримовнинг фикрича уларнинг амалга ошири-

лиши, Ўзбекистон мудофаа қудратини кучайтиришга кумаклашади. Тошкентда В. Путин ташрифи якунлари юзасидан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича жами 32 млн долларлик шартномалар имзоланди.

Путиннинг сўзларига қараганда, у президентлик лавозимини эгаллаганидан кейин Ўзбекистонга ташриф буюриши “тасодифий ҳол эмас”. У Ўзбекистон раҳбариятининг мамлакат хавфсизлигини ҳимоя қилиш соҳасида қилаётган ишлари муҳимлигини таъкидлади. “Бу бизнинг мададимиз ва ҳамжиҳатлигимизгагина сазовор бўлиб қолмай, айти вақтда умуман Ўзбекистон билан халқаро терроризмга қарши курашдаги алоқаларимиз кучайиб, мувофиқлаштириб борилаверади, ниҳоят Россияга ва Ўзбекистонга қарши ҳар қандай тажовузкорлик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган муайян эҳтиёт чоралари кўрилаверади”, — деди Россия Федерацияси Президенти.

Россия раҳбари диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг собиқ СССР мамлакатлари учун хавfli экани ҳақида гапириб, бундай деди: “Кейинги вақтларда шўро тузумидан кейинги маконни тақсимлашга уринишлар бўлаётгани, бунинг учун диний экстремизм ва халқаро терроризмдан фойдаланилаётгани ҳеч кимга сир эмас <...> Россияга яқин жойлашган республикалар бўйлаб беқарорлик ёйи вужудга келтирилаётир”. Шу муносабат билан В. Путин Ўзбекистоннинг минтақадаги хавфсизликни таъминлаш йўлидаги куч-ғайратларини Россия қўллаб-қувватлайди, деди. “Мен содда ва амалий қилиб айтаман: агар биз халқаро терроризмни бу ерда тўхтатмасак, ўз юртимизда унга дуч келамиз”, — деди В. Путин. Россия Федерацияси бу соҳада иккала томоннинг куч-ғайратлари “эҳтиёт чоралари кўрилишигача” кучайтириб борилаверилишини таъкидлади. Шу билан бирга Ўзбекистонга солинган хавф-хатар Россия учун ҳам хавф-хатардир, шу сабабли Москва терроризм ва экстремизмга қарши курашда Тошкентга ҳар томонлама ёрдам беришга доим тайёр эканлиги қайд этилди.

Иккала давлат ўртасидаги ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳақида гапириб, В. Путин ўтган давр мобайнида иккита қўшма машқ ўтганини эслатди ва “бу йўналишдаги иш давом эттирилишига” ишонч билдирди.

Афсуски, Ўзбекистоннинг Ғарб билан яхши муносабатлари Россиянинг гашини келтирса, Москва билан Тошкент ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши Ғарбнинг, аввало АҚШнинг рашкини уйғотади. Москвадаги айрим сиёсатчилар баъзан: нега Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатлари бу қадар тез ривожланаётир ва нега республика “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастури доирасида НАТО билан қўшма машқларда қатнашаётир, деб хуноб бўлишади. Ҳолбуки, 90-йилларнинг бошларида содир бўлган сиёсий воқеаларни синчиклаб таҳлил қилиб кўрилса, НАТОнинг “Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик” дастурини дастлаб қўллаб-қувватлаганлар орасида Тошкент йўқ эди. Аксинча, Ўзбекистон аввалига ҳеч қандай ҳарбий блокларда қатнашмоқчи эмаслигини билдирган ва ҳатто Россиядан кейин бу дастурга қўшилган эди. Ҳозир Тошкент бошқа халқаро ташкилотлар каби НАТОнинг ҳам тинчлик ўрнатувчилик ҳаракатларидагина қатнашмоқда. Чунки АҚШ билан Россия ўртасида нифоқ чиқишига сабабчи бўлиш Ўзбекистон манфаатларига мос келмайди.

Аммо, АҚШ Куролли кучлари марказий қўмондонлигининг бошлиғи Энтони Зинни 2000 йил 15 майда Тошкентда гапириб, Вашингтон Ўзбекистон-Россия муносабатлари мустаҳкамланишини минтақада рақобатнинг кучайиши деб қарамаслигини айтди. “Биз Россиянинг минтақа билан ҳамкорлигини ўзимиз учун хавф деб билмаймиз. Биз бу ерда Россиянинг хавфсизлик ва иқтисодиёт соҳасида ўз манфаатлари бўлишини табиий деб ҳисоблаймиз, чунки у мазкур минтақага яқин жойлашган”, — деди америкалик генерал.

“Кейинги вақтда халқаро экстремистларнинг Афғонистондан солаётган хавфи бизни хавотирга солди, — деди Э. Зинни. — Биз ана шу хавфга қарши ёрдам ва мадад беришга бутун эътиборни қаратдик”. Америка генералининг таъкидлашича АҚШ давлат котиби, МРБ директори ва ФТБ директори Ўрта Осиё минтақасига ташриф буюрдилар, бу эса халқаро экстремизм ва терроризмга қарши кураш билан боғлиқ янги дастурларни мувофиқлаштириб олиш имконини берди. Афғонистондаги вазият Ўрта Осиёгагина эмас, умуман, бутун дунёга хавф солмоқда. Ҳозир террорчи ва жиноятчи кучлар Афғонистон худудидан ўз фаолиятлари учун майдон сифатида фойда-

ланмоқдалар. Бу мамлакат наркотик моддалар ишлаб чиқариладиган энг катта макон бўлиб қолди, деди у. “Бу — халқаро миқёсдаги иллат, шу сабабли унга қарши халқаро миқёсда курашмоқ керак”, деб уқтирди америкалик генерал.

“Ўзбекистон ўзининг географик мавқеига кўра мазкур муаммоларнинг олдинги маррасида турибди ва халқаро ҳамжамиятдан мадад олмоғи керак”, — деди Э. Зинни. Унинг айтишича, халқаро ҳамжамият “Толибон” ҳаракатига нисбатан кескинроқ чоралар кўриши лозим, унинг раҳбарияти турли экстремистик кучларга ёрдам кўрсатмаслиги, жумладан халқаро террорчиларга бошпана бермаслиги учун унга таъсир ўтказиши керак.

Россия билан Ўзбекистоннинг ҳозирги муносабатларини уларнинг ялпи географик-сиёсий манфаатлари нуқтаи назаридан баҳоламоқ лозим. Ўзбекистон Россия билан тузган шартномада Тошкент Москванинг минтақадаги манфаатларини тан олиши ва Россия манфаатларига зарар етказмайдиган ташқи сиёсат юритиши таъкидланган. Ўзбекистон минтақада Россиянинг энг асосий ҳамкоридир. Дарвоқе у, Ўрта Осиёдаги айрим мамлакатларга ўхшаб, Москвадан қарздор эмас, Россия-Ўзбекистон иқтисодий муносабатлари эса ўзаро манфаатли асосга қурилган. Ҳамдўстликнинг кўпгина аъзолари ўз иқтисодий муаммоларини Россия ҳисобига ҳал қилиб олишга интилаётган бўлса, Ўзбекистон бундай қилишга интилмайди, унга Ўрта Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун Россиянинг қўллаб-қувватлаши керак. Бу мақсадлар учун барча сарф-харажатларни Ўзбекистон Россиянинг солиқ тўловчилари чўнтагидан эмас, балки ўз бюджетидан олмоқчи.

Россия билан Ўзбекистоннинг узоқ муддатли манфаатлари ҳам бир-бирига мос келади. Бошқа ҳамма жиҳатлардан ташқари Москва Тошкентнинг савдо-сотиқ соҳасидаги энг йирик мижозидир. Икки давлат ўртасидаги товар айланмаси йилига 1 млрд доллардан ошади.

Россия-Ўзбекистон ҳамкорлиги гуманитар ва маданий соҳалардаги бир қанча йўналишларни ҳам ўз ичига олади. Россия билан Ўзбекистоннинг ягона ахборот-маданият майдони сақланиб қолган. Ўзбекистондаги кўп кишилар Россиянинг ОРТ, РТР, ТВ-6, ТВЦ телеканалла-

рини томоша қилишни афзал деб биладилар, айна шу мақсадда йўлдош антенналарини сотиб оладилар.

Ўзбекистон Республикаси ўз армиясини мустақамлашдан, хавфсизликни таъминлаш масаласини ҳал этишдан, иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдордир. Икки мамлакат Мудофаа, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари, махсус хизмат маҳкамалари яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Ҳозир Тошкент Москванинг ёрдамига таяниши мумкин, Москва эса Тошкентни Ўрта Осиёдагина эмас, шўролардан кейинги бутун маконда ишончли дўст ва стратегик ҳамкор деб билади. Россия қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи йирик давлат сифатида ҳам катта қизиқишга сазовордир. Энг муҳими — ҳамкорлар ўртасида эртага кескинлик келиб чиқиши мумкин бўлган биронта масала йўқ. Агар ҳозир Остона билан Москва ўртасида Қозоғистонда руслар чиқиштирилмаётганлиги хусусида ихтилофлар мавжуд бўлса, Москванинг Тошкент билан муносабатларида бундай муаммо мавжуд эмас. Қозоғистондаги руслар — мамлакат аҳолисининг ярмисини ташкил қилиб, улар қозоқларга жиддий рақобатни вужудга келтиради, шу сабабли маъмурлар республикада рус айирмачилигининг озгина қуринишларини ҳам ҳар қандай йўл билан бостиришга уринадилар.

Ўзбекистонда эса руслар аҳолининг 8 фоизини ташкил қилади, ўзбекларга этник хавф солмайди. Болтиқ бўйи республикалари, Украина, Қозоғистондан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда руслар қисувга олинмаётир. Аксинча: республика раҳбарияти руслар бу ерда қолишидан манфаатдор. Чунки уларнинг кўпчилиги юқори малакали кадрлардир.

1989 йилги аҳоли рўйхатига кўра, Ўзбекистонда 1 млн 660 минг рус яшаган. Ҳозир мамлакатда улардан кўпи билан 1,2 млн қолган. Бироқ, шунга қарамай, Ўзбекистондаги руслар жамоаси Ўрта Осиё республикалари ичида Қозоғистондан кейин энг катта жамоа ҳисобланади.

Ўзбекистондаги Рус маданият марказининг раиси, Олий Мажлис депутати Сергей Зинин 90-йилларнинг бошларида Ўзбекистондан русийзабон аҳоли, шу жумладан руслар кета бошлаганининг сабабларини изоҳлаб, шу китоб муаллифлари билан суҳбатда бундай деди: “Русларнинг 90-йиллар бошларида Ўзбекистондан кета бошлагани бир неча вазиятлар билан боғлиқдир. Эмиграция-

нинг биринчи тўлқинини партия ва давлат йўли билан Ўзбекистонга юборилган шахслар ташкил этди. Шўролар даврида олий ўқув юртини битирган ҳар бир киши тайинланган жойда уч йил ишлаб бериши керак эди. Булар асосан муҳандислар, ўқитувчилар, врачлар эди. Улар Ўзбекистонга Москва, Ленинграддан ва Россиянинг бошқа шаҳарларидан юборилар эди. Ҳа пайтда бу ерда саноат салоҳияти кенг миқёсда оширилаётган эди, шунга яраша янги кадрлар керак эди. Масалан, Қизилкум ҳўли табиий захираларини ўзлаштириш учун Навоий кон-металлургия комбинати қурилди. Ҳанда кўп кишилар бу ерга пул ишлаб кетиш учун келди. Навоийга Украина ва Россиядан келган минглаб кишилар уч йилга шартнома туздилар, шу вақт ичида уларга иттифоқ Марказида квартира ҳам, машина ҳам ваъда қилишди. Шўро Иттифоқи барбод бўлиши биланоқ Россиядан ёш кадрларни Ўзбекистонга юбориш тўхтатилди. Ўз муддатида ишни тугаллаганлар эса республикадан жўнаб кетишди.

СССР тарқалиб кетгач, собиқ шўро республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқалар узилди, натижада кўпгина саноат корхоналари тўхтаб қолди. Масалан, Тошкент трактор заводи Белоруссиядан моторлар, Воронеждан айрим бутлаш қисмларини олар эди. СССР барбод бўлганидан кейин уларни юбориш тўхтаб қолди. Шўро Иттифоқининг бошқа республикалари билан боғлиқ ҳолда ишловчи Ўзбекистондаги кўпгина корхоналар ҳам шундай аҳволга тушиб қолди. Ана шу тўхтаб қолган саноат корхоналарида асосан руслар ишлар эди. Улар ишсиз қолгач, Ўзбекистондан жўнаб кетишди. Бу — руслар мамлакатдан кучиб кетишининг биринчи тўлқини эди, бу воқеа 1992—1994 йилларга тўғри келди”.

Сергей Зининнинг айтишича, қариндошлик алоқалари руслар Ўзбекистондан кучиб кетишининг яна бир сабаби эди. “Ўзбекистон мустақил давлат бўлиб олганлиги сабабли, — деди С. Зинин, кўп руслар ўз тарихий ватанига қайтишга қарор қилди”.

Россия кўпгина минтақаларининг раҳбарлари малакали рус кадрларини тўғридан-тўғри оғдириб олаётганликларини С. Зинин руслар Ўзбекистондан кетишининг қўшимча омили деб ҳисоблайди. “Ўзбекистондан юқори малакали рус кадрларини кетишга қизиқтирилганлиги, —

деб таъкидлади Ўзбекистон Рус маданият марказининг раиси, — бизга жуда катта зиён етказди. Россияда “Миграция” журнали чиқарилади. Унинг бир сониди Россия маориф вазири очиқдан-очиқ: “Биз миграция ҳисобига қишлоқ мактабларини ўқитувчилар билан таъминладик”, деб ёзди. Мен бу муаммо билан шуғулланган эмасман, лекин Россиянинг Тошкентдаги элчихонаси орқали яхши биламан: Россиянинг кўпгина губернияларидан келаётган хатларда уларга керакли кадрлар — ўқитувчилар, врачлар рўйхати бор. Квартира ва бошқа имтиёзлар ваъда қилишади. Ана шундай рўйхатлар ёрдамида кўпгина юқори малакали рус кадрлари республикадан кетмоқда”.

Шу билан бирга С. Зинин Ўзбекистонда ҳеч қачон русларни чиқишгирмаслик ҳоллари бўлмаганини ўқтиради. Аксинча, республика раҳбарияти рус кадрлар бу ерда қолишидан манфаатдор. “Ўзбекистон рус жамоаси, — дейди Сергей Зинин, — Президент Ислон Каримовни қўллаб-қувватлайди. Бунинг сабаби шуки, Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг бошидан республиканинг маҳаллий бўлмаган аҳолисини ҳимоя қилиб чиқди ва: “Агар ҳар қандай миллат, шу жумладан рус миллати вакили ёнимга келиб, мени хафа қилишяпти, деса, шахсан ўзим уни ҳимоя қиламан”, деди.

Ўзбекистонда бошқа миллатларга нисбатан миллатчилик ва ноҳолисоналик йўқ. Бу ерда, айниқса русларга нисбатан ҳурмат аввалгидек сақланиб қолган. Ҳозир ҳатто республиканинг ўрта таълим мактабларида рус ва ўзбек тилларини ўрганишга баб-баравар соат вақт ажратилади. Бу ҳол Ўзбекистон раҳбарияти рус тилига ва Россия билан муносабатларга бундан буён ҳам алоҳида эътибор бермоқчи эканидан далолат беради. Рус маданий муассасаларига зарур бинолар ажратиб берилмоқда, рус тилида чиқадиган газета ва журналлар сони эса йил сайин кўпаймоқда. 1994 йилда Ўзбекистонда рус тилида 52 та газета ва 15 та журнал нашр этилган бўлса, 2000 йил ўрталарига келиб рус тилида чиқадиган газеталар сони 69 тага ва журналлар эса 27 тага етди.

Бундан ташқари, Ўзбекистондаги рус драма театри Ўрта Осиё мамлакатларидаги энг яхши рус театри ҳисобланади. 1998 йилда Ўзбекистон раҳбарияти унга янги замонавий ва қулай бино берди, Ўзбекистондаги ва ҳатто МДХнинг бошқа мамлакатларидаги театрлар бундай би-

нони фақат орзу қилишлари мумкин. Республиканинг рус драма театри янги бинога эга бўлиш билан янги мақом ҳам олди. Энди у Академик рус драма театри деб аталади. Янги мақом театр ходимларига қўшимча ижтимоий ка-фолатлар ва имтиёзлар беради.

Ҳозирги вақтда республикадан русларнинг кетиши тўхтади. Кейинги йилларда ҳатто русларнинг Ўзбекистонга қайтиб келиш тамойили бошланди. Ўзбекистон миграция хизматининг маълумотларига қараганда, бир йилда республикага ўрта ҳисобда 10 минг рус қайтиб келган. Булар ўз тарихий ватани — Россияда ўрнаша олмай, ўзларининг туғилиб ўсган аввалги ватани — Ўзбекистонга қайтишга қарор қилган кишилардир.

Тошкент ўзининг ташқи ва ички сиёсатини белгилаганда шундай вазиятни ҳам эътиборга оладики, 70 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Ўзбекистон билан Россия собиқ СССР таркибида туриб, бир-бири билан чамбарчас боғланган эди. Бу алоқалар анча аввал бошланган эди. Агар Россиянинг Ўзбекистон ҳаётига, унинг тақдири ва келажагига ўтказган ҳақиқий таъсирини ҳисобга оладиган бўлсак, Россия-Ўзбекистон муносабатлари стратегик аҳамиятга эга эканини тан олиш керак бўлади.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги Россия билан Марказ сифатида эмас, дўст мамлакат сифатида дўстликни сақлаб қолишни хоҳлайди. Ўзбекистон Республикаси билан Россия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида Шартнома тузилиши сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларни янада ривожлантиришни рағбатлантирувчи қудратли омил бўлади, иккала суверен давлатнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Владимир Путиннинг 2000 йил 18—19 май кунлари Тошкентга қилган ташрифи вақтида Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилмалари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек халқаро автомобиль қатнови тўғрисида Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида битимлар имзоланди. Гарчи иқтисодий соҳадаги Россия-Ўзбекистон муносабатлари ҳали кўнгилдагидек бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда етарлича узлуксиз ривожланиб бораётир. Мамлакатлар ўртасида ўзаро товар айланмаси кенгайиши билан бир қаторда қўшма ва шўба корхоналар барпо этилмоқ-

да, вилоятлар ва минтақалар, айрим йирик корхоналар даражасида бевосита савдо-иқтисодий ҳамкорлик йўллари излаб топилмоқда. Мамлакатлараро “Ильюшин” молия-саноат гуруҳини тузиш, транспорт, ёқилғи-энергетика ва бошқа мажмуалар соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш кўзда тутилмоқда.

Кейинги вақтларда Россия билан Ўзбекистон уртасида иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик сезиларли равишда жонланди. Жумладан, 2000 йилнинг биринчи чорагида савдо айланмаси 9% ошди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги кунда унинг йиллик ҳажми 1—1,5 млрд. доллар миқдорига бўлади, янги йилда эса ундан ҳам ортади.

Агар ҳозир Ўзбекистон, айтайлик, самолётсозлик соҳасида Россия билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлса, Россия тўқимачилик саноатининг тараққиёти ўзбек пахтасига боғлиқ. Ўзбекистондан Россияга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилиши муҳим савдо-иқтисодий омиллардан биридир.

Эндиликда, Россия Федерациясига Ўзбекистондан узоқ муддат пахта толаси ва Россия Федерациясидан Ўзбекистонга моддий-техника ресурслари етказиб бериш масалаларидан ташқари Россия-Ўзбекистон давлатлараро “Ильюшин” самолётсозлик компаниясини тузиш ва Тошкент самолётсозлик заводи негизида Ил-114, Ил-114Т, Ил-76МФ, Ил-76ТФ самолётларини яратишга оид қўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари Россия билан Ўзбекистон ёқилғи-энергетика мажмуаси, транспорт ва илм-фан соҳаларида ҳам ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда россиялик инвесторлар иштирокидаги 400 дан кўпроқ қўшма корхона ишлаб турибди. Айни вақтда Россия Федерациясида ўзбек юридик шахслари иштирокида барпо этилган 60 дан зиёд шуъба корхона ва филиал очилган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиация компанияси, “ЎЗДЭУавто” акциядорлик жамияти, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, лок-бўёқ заводи ва Ўзбекистондаги бошқа йирик корхона ҳамда компаниялар шулар жумласига киради. Москвада “Осиёинвест банк” ишлаб турибди, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки унинг муассисларидан биридир.

Россия ва Ўзбекистон корхоналари ўртасидаги эркин муомаладаги валютада, Россия рубли ва ўзбек сўмида ҳисоб-китоб қилинади. Тўловлар бевосита мухбирлик ҳисоб варақлари орқали ва учинчи давлатларнинг банкларида очилган мухбирлик ҳисоб варақлари орқали амалга оширилади. Ташқи савдо ва йирик молиявий операциялар билан боғлиқ ҳисоб-китоблардан ташқари “Ижтимоий аҳамиятли носавдо тўловлари бўйича фуқароларнинг пул маблағларини ўтказиш тартиби ҳақида” МДҲда қатнашувчи давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида 1994 йил 9 сентябрда имзоланган битимда пенсия, алимент, давлат божи ва шу каби ижтимоий аҳамиятли тўловларга оид пул маблағларини томонларнинг банк ва почта муассасалари орқали эркин ўтказиш ва тўлаш кўзда тутилган.

1998 йилда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги товар айланмаси 1 млрд 53 млн долларни ташкил қилди, шундан Ўзбекистондан Россияга экспорт 526 млн доллар, Россиядан Ўзбекистонга импорт 527 млн долларни ташкил этди. 1999 йилда бу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 17,8% камайиб, 864,8 млн долларни ташкил қилди, савдо балансининг сальдоси Ўзбекистон фойдасига 0,5 млн доллар бўлди. 1999 йилги ўзбек экспортининг таркиби кўрсатишича, Россияга етказиб берилган молларнинг энг кўп улуши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: сабзавот, мева ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари, тамаки ва пахта толасига тўғри келади. Россиядан Ўзбекистонга импорт қилинган моллар таркибида ишлаб чиқариш-техника маҳсулотлари устунлик қилади. 2000 йилнинг биринчи чорагида эса, икки мамлакат ўртасида товар айланмаси 9% кўпайди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида иккала мамлакат ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқа қатнашчилари сифатида россиялик инвесторлар иштирокидаги 170 га яқин корхона, шундан Россия сармоясини 100% бўлган салкам 30 корхона рўйхатга олинган, Республикада Россиядаги фирма ва компанияларнинг 30 га яқин ваколатхонаси расмийлаштирилган, улар йўловчи ва юкларни самолётда ташиш, биопрепаратлар ишлаб чиқариш, транспорт-экспедиторлик фаолияти, савдо-сотик, тўқимачилик ишлаб чиқариши, агросаноат мажмуаси корхоналарини таъминлаш ва бошқа шу каби иқтисодий соҳалари билан шуғулланади.

ХУЛОСА

Ўзбекистонга ташриф буюраётган кўпгина олимлар, давлат арбоблари ва инвесторлар бу мамлакатнинг келажаги буюк эканлигини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, агар у ҳозирги йўлдан борса, 10—15 йилдан сўнг дунёнинг юксак даражада ривожланган давлатлари қаторига қўшилади.

Ўзбекистоннинг кейинги 10 йил ичидаги ривожланиши шуни кўрсатдики, Президент Ислон Каримов ўтказётган иқтисодий йўл энг мақбул йўлдир. Иқтисодий соҳада республика тараққиётининг асосий устуворликлари аниқлаб олинди, бу эса хорижий инвестициялар жалб этилишига имкон бермоқда. Инвесторлар ўз маблағини тинчлик, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик мавжуд бўлган, мамлакатни яқин истиқболда иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ дастури ишлаб чиқилган мамлакатлар иқтисодиётига сарфлайдилар. Республикага хорижий инвестицияларнинг оқиб келиши ва экспортга йўналтирилган тармоқларнинг ривожлантирилиши Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига ёрдам беради.

Ҳозир мамлакат иқтисодиёти мустақкам пойдеворга эга. Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида (ўзини ўзи эплайдиган) бадастир иқтисодиёт асослари яратилди, бу асослар келгусида ҳам Ўзбекистон суверенитетини мустақкамлашга кўмаклашади. Жумладан, мамлакатнинг энергетика ва озиқ-овқат соҳасидаги мустақиллигига эришилди. 1996 йилдан бошланган барқарор иқтисодий ўсиш аҳолининг турмуш даражасини доимо ошириш имконини бермоқда. ЯИМнинг кўпайиши туғилишдан, яъни республика аҳолисининг табиий ўсишидан кўра илдамроқ бормоқда. Бунинг маъноси шуки, яқин истиқболда ишсизлик бутунлай тугатилади, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши таъминланади. Мазкур муаммоларнинг ҳал этилиши келгусида аҳолининг вақтинчалик иқтисодий

қийинчиликлардан фойдаланиб, ҳокимият тепасига чиқсак, Ўзбекистондаги барча мўмин мусулмонлар учун “жаннат яратиб бериш”ни ваъда қилаётган турли экстремист диний оқимлар таъсиридан батамом қутулишига ёрдам беради. Иш билан таъминлаш муаммоси ҳал қилиниб, аҳолининг турмуш даражаси оширилиши билан ўзбек ёшларининг ишсиз қисмини лақиллатаётган диний экстремистлар ўз ижтимоий негизидан маҳрум бўлади. Шундай қилиб, яқин вақт ичида Ўзбекистондаги иқтисодий равақ, тинчлик ва барқарорлик Фарбнинг ривожланган мамлакатларидаги каби муҳим тус олади.

Ўзбекистоннинг сиёсий турмуши эркинлаштирилиши ҳам иқтисодий соҳадаги ютуқларни мустаҳкамламоқда. Республикада демократик фуқаролар жамиятини барпо этиш жараёни энди муқаррар тус олди. Демократик ислоҳотлар Фарбнинг ривожланган демократик мамлакатлари тажрибасига ҳам, Шарқнинг халқчил анъаналарига ҳам асосланганлиги ва айнаи вақтда маҳаллий аҳолининг урф-одатларини ҳисобга олганлиги туфайли муваффақиятли бўлиб чиқмоқда. Шу билан бирга миллатлараро ва динлараро тотувликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга жуда катта эътибор берилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон МДҲда миллатлараро муаммо мавжуд бўлмаган бирдан-бир мамлакатдир. Ҳатто 80-йиллар охири — 90-йиллар бошларида қурина бошлаган андаккина миллатчилик нишонлари таг-туби билан тугатилди. Эндиликда кўпгина экспертлар Ўзбекистондаги тинчлик ва тотувликни Президент Ислон Каримов ички сиёсатининг энг асосий ютуқларидан бири деб ҳисобламоқдалар.

Республика раҳбарияти мавжуд намуналардан нусха кўчирмади, балки давлатни ривожлантиришнинг ўз йўлини танлаб олди. Ўзбекистон ривожланиш ҳамда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни ўтказишнинг ўз модели борлигини қатъий қилиб айтган МДҲдаги бирдан бир мамлакатдир. Ҳозирги сиёсий лугатда “ривожланишнинг ўзбекча модели” ибораси пайдо бўлди ва бу модель муносиб эътиборга лойиқ.

Айнаи вақтда ҳозирги тарихий даврда Ўзбекистон мустақил миллий давлатни барпо этиши ва иқтисодий муваффақиятларга эришиши билан бирга унинг хавфсизлигига жуда катта хатар ҳам солинаётганлиги маълум. Бу — аввало диний экстремизмнинг ёйилиб бориш хавфидир, Афғонистон ана шундай хавф-хатар манбаи бўлиб қолди.

Доғистон, Чеченистон ва Косоводаги воқеаларнинг кўрса-тишича, диний экстремизм ва айирмачилик Ўзбекистон-гагина эмас, Россия ва Ғарбий Европага ҳам хавф сол-моқда. Шу сабабли мазкур хавф-хатарга қарши курашиш учун бутун жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратларини бирлаштириш керак бўлади.

Диний экстремизм билан боғлиқ бўлган ҳозирги во-қеаларни XIII—XIV асрлардаги мўғул-татарларнинг Рос-сия ва Европага қилган босқини билан қиёслаш учун ҳамма асослар бор. Ушанда Европани даҳшатли мўғул-татар босқинидан ўзбекларнинг буюк аждоди Амир Те-мур қутқариб қолган эди. Амир Темурнинг буюк давлати зарбани биринчи бўлиб даф қилиб, мўғул-татарларнинг Европага бориш йўлини тўсган эди.

Учинчи минг йиллик бўсағасида Президент Ислом Ка-римов ана шундай вазифани бажармоқда. Унинг раҳбарли-гидаги давлат ашаддий ислом экстремизмининг зарбасини биринчи бўлиб даф этиб, унинг йўлига, қолаверса, нарко-тик моддалар ва қурол-яроғларнинг шимолга, шу жумла-дан, Россияга оқиб ўтиши йўлига тўсиқ қўйди. Шу боис ҳозирги Ўзбекистонга ёрдам бериш Россиянинггина эмас, Европадаги бошқа давлатларнинг ҳам бурчидир. Эндилик-да ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонни ислом ақидапарастлиги ва босқинчиликдан ҳимоя қилиш айна вақтда Марказий Осиёдаги барча давлатлар, Россия ва Ев-ропа мамлакатлари хавфсизлигини ҳам ҳимоя қилишдир.

Афғонистондан бўлаётган ҳозирги диний экспансия хав-фи ўзбек жамиятининг ўзини жипслаштиришни ҳам талаб қилиши табиий. Шу муносабат билан бу китобни Ислом Каримовнинг сўзлари билан яқунлашни жуда манتيқий иш деб ҳисоблаймиз: “Мустақиллик туфайли биз кўпгина қад-риятларни — динимизни, миллий қадр-қимматимизни, озодлик нашъасини чинакамига англаб олдик. Эндиги ва-зифамиз — Ўзбекистонни фарзандларимизга, келажак ав-лодга буюк мерос қилиб қолдиришдан иборат. Ўзбекистон-нинг келажаги Ватанимиз озодлигини кўришга мушарраф бўлмаган кишиларга буюк ёдгорлик бўлади! Ўзбекистон авлодларимиз униб ўсадиган муқаддас бешик бўлади, улар Ватанимиз шон-шуҳратини янада оширадилар!”

Омад ёр булсин сенга, Ўзбекистон!



Мундарижа

Сўз боши	3
Ислоҳотчи — прагматик	7
Марказий Осиё жавоҳири	25
Тенглар сафида биринчи	42
Тараққиёт асоси	113
Диннинг вазифаси — халқларни эътиқод ва эзгулик асосида бирлаштиришдир	152
Миллатлараро тотувлик — барқарорлик кафолати	194
Диктаторми ёки демократми?	211
Давлат — бош ислоҳотчи	258
Осиёдаги янги “йўлбарс”	296
Москва билан Тошкент бир-бирига керак ...	407
<i>Хулоса</i>	427

Меҳман Сабир оғли ГАФАРЛЫ
Алан Черменович КАСАЕВ

**УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ:
МИР И СТАБИЛЬНОСТЬ — ОСНОВА ПРОГРЕССА**

Перевод с издания “Дрофа”, 2000 г.

На узбекском языке

Издательство “Ўзбекистон”, 700129, Ташкент, Навоий, 30.

Таржимонлар С. ТОИРОВ, З. НОРМУҲАМЕДОВ,
Ш. МАНСУРОВ, Р. ХАЛИЛОВА

Нашр учун масъул Ў. ЗОКИРОВ

Муҳаррирлар К. Бўронов, А. Ҳакимжонов, С. Мирзааҳмедова

Рассом Т. Қаноатов
Бадий муҳаррир Т. Қаноатов
Техн. муҳаррир Т. Харитонов
Мусаҳҳиҳлар М. Раҳимбекова, Ш. Орипова
Компьютерда тайёрловчи Э. Ким

Теришга берилди 15.11.2000. Босишга рухсат этилди 18.01.2001 й.
Қоғоз формати 84x108^{1/32}. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма т. 22,68+0,84 вкл. Нашр босма т. 21,96+0,84 вкл.
Тиражи 10000. Буюртма № К-34.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.
Нашр № 126-2000.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129. Тошкент, Навоий кучаси, 30.

Г23 Гафарли М.С., Касаев А.Ч.
Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва бар-
қарорлик — тараққиёт асоси. Т.: “Ўзбекистон”, 2001.
— 430 б.

И. Муаллифдош.

ISBN 5-640002890-4

ББК 66.2(5У)+65.9(5У)

№ 581-2000
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

Г 06050100404 - 7 2001
М351(04)2001